


УМАРАЛИ НОРМАТОВ

# ҚОДИРИЙ МҮЖИЗАСИ

ТАДҚИҚОТ, ҚАЙД,  
СУҲБАТ ВА МУЛОҲАЗАЛАР



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKİSTON» — 2010

ББК 83.3(5Ў)  
Н79

Масъул муҳаррир ва сўнгсўз муаллифи:  
**Баҳодир Каримов,**  
филология фанлари доктори

Тақризчи:  
**Улугбек Ҳамдам,**  
филология фанлари номзоди, ёзувчи

**Норматов, Умарали**  
Н79 Қодирий мўъжизаси: Тадқиқот, қайд, сұхбат ва мулоҳазалар/У. Норматов; масъул муҳаррир ва сўнгсўз муаллифи Б. Каримов. —Т.: «O'zbekiston» 2010. —272-б.

Кўп асрлик адабиётимиз тарихида янги саҳифа очган, ўзбек миллий романчилик мактабига асос соглан, ҳалқимизнинг маънавий, маданий ҳаётида чукур из қолдиран буюк сиймо Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодий мероси салкам бир асрдан бери адабий-илмий жамоатчиликни қизиқтириб келади. Шу йиллар давомида бутун бошли қодирийшунослик фани шаклланди. Унинг ривожида таникли олим, мунаққид Умарали Норматовнинг ҳам муносиб хизмати бор. Ушбу китобда олимнинг узоқ йиллар давомида Қодирийни англаш йўлидаги изланишлари — сара тадқиқот, ўй-мушоҳада, сұхбат ва қайдлари жамланган. Улар, Сиз азиз китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ББК 83.3(5Ў)

**Умарали Норматов  
ҚОДИРИЙ МЎЪЖИЗАСИ**

Муҳаррир *A. Зиядов*  
Бадиий муҳаррир *P. Зуфаров*  
Рассом *A. Бурҳонов*  
Тех. муҳаррир *У. Ким*  
Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*  
Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Нашр. лицензияси AI 158.14.08.09. Босишига рухсат этилди 05.08.2010.  
Қотоз бичими 60x90 1/16. Таймс гарнитурада офсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 17.0. Нашр т. 16.86. Алади 2000 нусхада чоп этилди.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 10-255.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

ISBN 978-9943-01-575-3

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2010

...Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгни юксалтириши йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсdir.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларининг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адаби, озодлик ва истиқлол қуйчисидир.

Ислом Каримов

## МУАЛЛИФДАН

Абдулла Қодирий собиқ Туркистон халқлари, жумладан, миллатимиз тарихининг энг зиддиятли, таҳликали паллалари — чоризм истибдодининг емирилиши, Биринчи жаҳон уруши тангликлари, ўлкада миллий уйғониш, жадидчилик, озодлик ҳаракатлари қулф урган; Октябрь тўнтариши, фуқаролар уруши, қизил империя салтанати ваҳшатлари авжига минган йилларда яшаб ўтди. У бор-йўғи 44 йил умр кўрди. Шундан атиги 20 йили қизғин ижтимоий фаолият, журналистика ва адабий ижодга бағишланди. Шу йигирма йил ҳам кескин курашлар, алғов-далғовлар, таъқибу таҳдидлар ичida кечди. Бу забардаст сиймо ўзининг ноёб истеъоди, мислсиз жасорати билан шу қисқа давр ичida халқимиз маънавияти, маданияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдири. Кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожида кескин бурилиш ясаган, янги босқични бошлаб берган нодир асарлар яратди. Адаб «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди. Бу романлар замонавий жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бир қаторда туради. Унинг қаламига мансуб ҳикоялар, ҳажвий, публицистик, адабий-танқидий мақолалар, бадиий таржималар XX аср ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган. Ватан тарихининг ғоят таҳликали йилларида миллат адабиёти ривожида янги саҳифа очган ўшандай асарларнинг яратилиши мислсиз ижодий жасорат, ақл бовар қилмас мўъжизадир.

Халқимиз Қодирий шахсига, ижодий меросига ҳамиша зўр қизиқиш, катта эҳтиром билан қараган. Афсуски, мустабид тузум узоқ йиллар халқимизнинг ана шундай қизиқиш ва эҳтироми йўлига ғов солиб келди. 20-йиллари бу табаррук сиймонинг инсонлик шаънини топтаб, уни ҳибсга олдилар, бир неча ой қамоқда тутдилар, сўнг ўн йил давомида унинг шахси, асарлари теварагида «ҳақсиз ҳужумлар», «англашилмовчиликлар», «бемаза иснодлар»,

«жимжимали замзамалар» давом этди; ниҳоят, 30-йиллар қатагони дувули Қодирийни халқ орасидан юлиб олиб кетди, унинг бебаҳо асарлари таъқиб этилди. 50-йилларнинг охирларига келиб адабнинг кутлуг номи тикланди, мероси халққа қайтарила бошланди, у ҳақда тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ мустабид тузум шароитида адаб ҳақидаги бор ҳақиқат тўла юзага чиқмай келди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб мустабид тузум салтанати емирила бошлагач, айниқса, истиқлол йилларида адабнинг авваллари қалтис туюлган кўпгина публицистик, ҳажвий асарлари эълон қилинди; «Ўткан кунлар» матнидаги авваллари тушириб қолдирилган ўринлар жойига қўйилди, Қодирий ҳаёти ва қисматининг энг фожиавий паллалари — 1926 йили Қодирий устидан бўлган суд жараёни ҳужжатлари, 1938 йилги тергов ва ҳукм тафсилотлари ошкор этилди. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира қиссаси майдонга келди. И. Султон, О. Ёқубов, Т. Малик, Х. Султонов ва Н. Боқий каби ёзувчиларнинг адаб ҳаётининг драматик лавҳаларини, бадиияти қирраларини ёритувчи асарлари яратилди. Хорижда ҳам адаб ижодига қизиқиш ортди, АҚШ, Германия ва Туркияда мароқли тадқиқотлар амалга оширилди. Ёш истеъоддли адабиётшунос Баҳодир Каримов Қодирий ижодий меросининг салкам бир асрлик илмий талқинлари тажрибаларини умумлаштирувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Қодирийга замондош ва ундан кейинги авлодлар, айниқса, ижодий зиёлилар тақдирида қандайдир даражада бу улуғ зот қаламига мансуб асарларнинг таъсири, изи бор. Жумладан, адабиётшунос — мунаққид сифатида камина ҳам Қодирий шахсияти ва ижодий меросининг шайдолариданман. Айниқса, Абдулла Қаҳҳорнинг адаб таваллудининг 70 йиллигига бағищлаб ўтказилган анжумандаги оташин нутқи қалбларга ўт ёқсан эди. Ўша анжуманда сездимки, гарчи Қодирий оқланган, ижодий мероси халққа қайтарилган бўлсада, ҳали бу табаррук сиймо ҳимояга муҳтоҷ экан. Ўша кундан бошлаб Қодирий ҳимоячилари сафига кирдим, ҳам университетда муаллим, ҳам мунаққид сифатида баҳоли қудрат Қодирий ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқариш, уни асоссиз ҳамлалардан ҳимоя қилиш йўлидан бордим; Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлиси мен учун муқаддас қадамжога айланди, адабнинг ардоқли ўғлонлари — Ҳабибулла ва Маъсуд акаларнинг ота тўғрисидаги мароқли хотираларини, ҳам гурур-ифтихор, ҳам армон, оҳу фифон тўла дил сўзларини бот-бот тингладим. Ҳамкасб мунаққидларнинг Қодирий бисоти ҳақида ёзганлари, Матёқуб Кўшжонов китобларини мустасно этганда, мени мутлақо қаноатлантирумасди, улар билан гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора баҳсларга киришдим. Қодирийни англаш иштиёқи менга тинчлик бермасди. 80—90-йиллари адаб ҳаёти ва ижодий мероси

устида олиб борган изланишларим самараси ўлароқ «Қодирий боги», «Ўткан кунлар» ҳайрати китобларим майдонга келди. Улардан кейин ҳам бу соҳадаги ўй-мушоҳадалар, тадқиқотлар давом этди.

Қадрдон дўстлар, шогирдларнинг истак, маслаҳатларига кўра, бу табаррук мавзуга оид давр синовларидан ўтган ва янгидан яратилган тадқиқот, қайд, сұхбат, ўй-мушоҳадаларни жамлаб, «Қодирий мўъжизаси» номи остида китоб ҳолига келтирас эканман, бир андиша менга тинчлик бермайди: айтганларим, ёзганларим мўътабар қалам соҳиби шаънига, у қолдирган мўъжизакор мерос даражасига мос келармикан? Қодирийдек сўз заргари «қаламим ожиздир» деб турганида, камина каби бир фарид мунаққид бу ишин қойиллатдим дейишга йўл бўлсин!..

«Андишанинг отини кўрқоқлик» дейдилар. Шу нақлга амал қилиб, бу борадаги ҳар хил андишаларни йигиштириб кўйиб, бекиёс аллома, санъаткор қисмати, ижодий меросига оид ҳайрат, ўй-мушоҳада, таҳлил ва талқинларимни Сиз китобхонларга ҳавола қилишга журъат этдим. Замонавий герменевтика — талқин назариясидан хабардор китобхон менинг ёзганларимни узил-кесил ҳукм, мутлақ ҳақиқат эмас, балки Қодирий меросининг фидойи муҳлисларидан бирининг ўй-мушоҳадалари, бу борада мавжуд хилма-хил талқинлардан бири деб қарашларига ишонаман.

Қодирий қисмати, ижодий мероси устида гап кетганда бе-ихтиёр Президентимиз Ислом Каримовнинг мана бу кузатишлари ёдга тушади: «Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждан азобини ким қўпроқ тортган, деса, мен доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қіммати, эл-юрт тақдиди ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим». Бу мулоҳазалар тўлалигича жасоратли адид Қодирийга ҳам дахлдор. Бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қіммати, эл-юрт тақдиди ҳақида ёниб, қайғуриб яшаган замондошларининг олдинги қаторида борган жасоратли адид эзгу ниятларини рўёбга чиқариш йўлида гоҳо коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган, Октябрь инқилоби, ўйро сиёсатини, унинг «доҳий»ларини олқишлиовчи сўзлар ҳам айтган. Лекин, Президентимиз таъкид-лаганларидек, яна бир ҳақиқат ҳам борки, кўпчилик асл истеъод эгалари қатори Қодирий коммунистик тузум foяларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қиласмаган. Улуғ адид шаънига заррача маломат ёфдирмаган ҳолда мазкур китобда шу ҳақиқат — адид қисматига оид шу хилдаги зиддиятли ҳоллар ҳам айтиб ўтилди. Охир-оқибат бу табаррук зот ўзлигига содик қолганлиги аниқ далиллар орқали кўрсатилди.

Ниҳоят, ушбу китоб устида ишлаш жараёнида мени қийнаган, мен учун ҳамон армон бўлиб қолаётган бир жумбоқ устида икки оғиз сўз айтиб ўтсам: минг афсус, ҳануз Абдулла Қодирий асарларининг илмий-академик нашри яратилмади. Олти жилдлик тўла асарлар тўпламишининг ночоргина биринчи жилди 1995 йили чоп этилди-ю, бу хайрли иш келган жойида тўхтаб қолди. Шу йиллар давомида чоп этилган алоҳида нашрлар матнида тоқат қилиш мумкин бўлмаган ўзбошимчаликлар, ҳар хилликлар, сон-саноқсиз хатоликлар мавжуд. Бирорта ҳам асар нашрининг тўла, ишончли, таянса арзигулик матнини тополмайсиз. Шахсан ўзим ҳам бу борада ўз билганимча йўл тутишга мажбур бўлдим. Бунинг учун Сиз — муҳтарам китобхонлардан узр сўрайман.

Китоб, айниқса, унинг биринчи бўлими бошдан-оёқ қизғин баҳс-мунозара руҳида битилган. Адолат юзасидан фақат жоҳил кимсалар эмас, кўнглимга яқин устоз алломалар, ҳамкасб дўстлар, қолаверса, ўзим билан ҳам баҳслашишга тўғри келди. Бугун яна бир карра шунга амин бўлаётирманки, Қодирийни англаш осон кечган эмас. Кўп йиллик адабий-танқидий фаолиятим давомидаги энг машаққатли, айни пайтда фоят шарафли ва мароқли юмуш — Қодирийни англаш йўлидаги изланишларим деб биламан.

Кўнглимда яна кўп эзгу ниятларим бор. Аллоҳ яна умр, соғлиқ ва илҳом берса, бу ноёб бадиий мўъжиза устидаги ҳайрат, ўй-мушоҳада ва тадқиқотларимни давом эттираман...

2009 йил 19 август



## Биринчи бўлим

# ҚОДИРИЙ БОҒИ

### АДИБ ҚИСМАТИ

Улуғ сиймоларнинг номи тилга олиниши биланоқ, аввало кўз олдингизда уларнинг қиёфаси, қадди-басти намоён бўлади; ҳаётда сизу биз кўрмаган, бир неча йиллар, асрлар илгари оламдан ўтиб кетган алломалар, уларнинг фотосуратлари, рассомлар чизган портретлари ёки яқин кишилари, замондошлари ёзиг қолдирган хотиралардаги таърифу тавсифлар орқали хаёлингизда гавдаланади. Қодирий қатл этилгандан буён орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўти. Демак, ҳозир эллик ёшлар атрофидаги кишиларга Қодирийни шахсан кўриш насиб этган эмас. Баҳтимизга Қодирийнинг турли йилларда, турли вазиятда, гоҳ якка ҳолда, гоҳ замондош ҳам-каслари, оила аъзолари, қариндош-уруғлари даврасида тушган бир неча фотосуратлари, уни шахсан кўрган, яқиндан билган мусаввирлар томонидан чизилган айрим портретлари мавжуд. Замондошларининг, чунончи Сулаймон ота Азимовнинг гувоҳлик беришича, уларнинг кўпчилигига Қодирий қиёфаси айни ҳаёт-дагидек аниқ акс этган. Лекин қанчалар аниқ — ҳаётий бўлмасин, фото ва портретлар, менинг назаримда, жонли хотира — таассурот маҳсули бўлган сўз билан чизилган сурат ўрнини босолмайди. Қодирий тўғрисидаги кўпдан-кўп хотираларда адаб сиймоси хийла жонли, хилма-хил қирралари билан кўринади. Айниқса, Қодирийнинг улуғ адаб сифатида танилган 30-йиллардаги қиёфаси ёзув-чининг фарзандлари, улкан адаб Ойбек хотиралари орқали foят аниқ муҳрланиб қолган. Ҳабибулла Қодирий тасаввурича, Қодирий шундай бўлган:

«Дадам ўрта бўй, кенг елка, қорадан келган эдилар. Юзлари тўғаракка мойил, узун тимқора соchlари силиқ тараалган, кенг пешана, қора яssi қош, қисиқроқ зулукдек қора жозибали кўзлари ҳамиша узоқни кўргандек ўйчан, бурун қанотлари бир оз керилган, қисқа қора мўйлабли, лаблари юпқа-қалин оралиғида, пастки жағлари сезилар-сезилмас кенг ўsic, ияклари чўққидан келган эди. Сўл юзлари билан иякларининг ўнг томонида уч тийинлик чақадек билинар-билинмас ямоқ (пендинка ярасининг изи) бор; юз, пешана ва бурун устларида сийрак бўлса-да, қора сепкил доғлари

кўринар; ўнг қулоқларида эса, «зирак тақиши учун» бўлса керак, чақалоқликда тешилган тешик ўрни бор эди...

У киши ёлғиз чоғларида ҳамиша ўйчан, гўё зўр бир ташвиши бору, қайгу чеккандай, хаёл сургандай кўринар эдилар» («Отам ҳақида», 1983, 66-бет).

Адабнинг кичик ўғли Матъсуд Абдуллаевнинг ота қиёфаси ҳақидаги тасаввури акасиникига яқин. «Дадам ўрта бўйли, қора чадиқ (пендинка касалидан сўнг қоладиган асорат) бор эди, — деб эслайди у. — Сочлари тимқора, силлиқ таралган, кўнғизисимон мўйлов кўйган эдилар. Юрганларидаги иккى кўллари орқада, доим ҳаёл суриб юрардилар. Ёз фаслида ёқасиз оқ кўйлак, оқ шим, бошларига сидирға мош ранг духоба дўппи, устларида банорас тўн, оёқларига қора ботинка (уйда эса кўлда тикилган кавуш) киярдилар. Қиши кунлари эгниларига чопон, бошларига кўзичноқ териси қопланган сувсар телпак, қисқаси замонага мос оддий кийинар эдилар» («Тошкент оқшоми», 1990 йил, 11 январь).

Ёзувчи Ойбек хотирида эса у шундай қолган: «Абдулла Қодирий... ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва баҳмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишидан деҳқонларга ўхшаган, тимқора кўзлари кичик, ўтқир, шўхчан, синовчан бокувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай беларво кўринган бу киши ўша пайтлардаёқ машҳур ёзувчи эди... Сиртдан қараганда босик, камгап кўринар, чунки ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, оғзига келган ҳар бир сўзни айта бермас, секин ва гапи худди ўзига халал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди... Қодирийнинг меҳнатга ўчлиги — деҳқондан чиққанлигига бўлса керак. Ўзи ҳам худди деҳқонлардай тиним билмасдан қаттиқ меҳнат қилас эди» (Ойбек. Асарлар. Ўн томлиқ, 9-т. 340—341-бетлар).

Уч одам — Қодирий жигарбандлари ва уни яқиндан билган синчков ёзувчининг улуғ адаб қиёфаси ҳақидаги эсадаликлари бир-бирига ниҳоятда яқин, ҳамоҳанг, бир-бирини тўлдиради; улар яхлит ҳолда адабнинг фотосуратларига, мусаввирлар чизган портретларига тушмай қолган жонли сиймосини барча нозик жиҳатлари, икирчикирлари билан кўз олддимизга келтиради. Сўз орқали чизилган адаб чеҳрасида унинг ички дунёси, табиати ҳам зуҳр этиб турибди.

Биринчидан, дарҳол унинг кийиниши, кўринишидаги соддалик, одимилик киши эътиборини ўзига тортади. Қаранг, даврининг энг пешқадам зиёлиси саналмиш бу одам замонасига, эл-юрт таомилига, ўзи мансуб Тошкент аҳлига мос оддийгина кийинган, кўринишидан деҳқонларга ўхшайди, меҳнатга ниҳоятда ўч.

Иккинчи томондан, мана шу соддалик, одимилик замира иде улкан бир ақлий бисот, заковат барқ уриб турибди; унинг кичик, тимқора,

ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, узоқни кўрадиган жозибали кўзлари, шу кўзлар тубида яширинган ўйчанлиқ, зўр бир ташвиш, ички оғриқ, ўзи билан банд одамдай доимо хаёл суриб юриши — булар кўп нарсалар ҳақида дарак беради.

Адиб чехрасига қараб туриб хаёлимиз олис-олисларга кетади, мана шу оддий, камсукум ва кўзлари тубида ҳам ақл-заковат, ҳам фам-андуҳ чўккан табарруқ зот ҳаёти қандай кечди; қанақа оиласида туғилиб, қайси муҳитда тарбия топиб, вояга етди; адабиёт оламига, балий ижодга қай тариқа кириб келди; адабнинг давр ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига муносабати, айни пайтда даврнинг унга, дунёқарашига, ижодига таъсири қай йўсинда борди; адаб асарларининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, қиммати нимадан иборат; не сабабдан ўзини Октябрь инқилобига, социализм ишига, Маркс ва Ленин фояларига содиқ бир ҳалол йигит санаган фаол журналист, ҳақгўй ёзувчи «революцияга қарши хатти-ҳаракат» қылганликда айбланди; ҳалқнинг асл ўғлони «халқ душмани»га чиқарилди, шундай улуф зот даврига сифмади, қатағон қилинди; ҳалқимизнинг миллий бойлиги бўлмиш нодир асарлари ҳалқقا ёт, зиёни деб топилди?.. Шу каби аламли саволлар вужуд-вужудимизни ўртайди.

Абдулла Қодирий «Таржимаи ҳол»ида: «Мен қайси йилда ва қайси ойда туғилғонимни билмайман. Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак... яқинларимнинг сўзларига қараганда, мустабид Николайнинг тахтга ўтирган йилида туғилғонман», — деб ёзади. Маълумки, Россиянинг охирги императори Николай Александрович Романов 1894 йили тахтга ўтирган, демак, Қодирий ўша йили дунёга келган. Ҳ. Қодирийнинг берган маълумотига кўра, Қодирийнинг ўзи туғилган ойи ва кунини тахминан 10 апрель деб белтилаган.

Қодирийнинг қандай оиласида туғилғанлиги хусусида ҳар хил қарашлар мавжуд. Танқидчи С. Ҳусайн 1929 йили ёзган «Ўткан кунлар» романига бағишлиланган рисоласида Қодирий «майда буржуазиядан туғилди», деб кўрсатади, ижодини таҳлил этишда «унинг синфий асосини белгилаш катта аҳамиятга эга» деб санайди ва шу асосда Қодирийни «майда буржуазия вакили» ва «майда буржуазия ёзувчиси»га чиқаради. Қодирий ўз вақтида матбуотда бундай талқинга кескин норозилик билдирган эди. Шунга қарамай С. Ҳусайн фикри кейинроқ бошқачароқ тарзда давом эттирилаверди. Чунончи, И. Султонов «Абдулла Қодирий» номли тадқиқотида «У савдогар оиласида туғилган», «Абдулла Қодирий Октябрь Социалистик революциясидан илгари ҳалқнинг революцион ҳаракатидан узоқ бўлган муҳитда яшади, ўсида ва ижод этди» дейди; бу ҳолни унинг «савдогар оиласи»га мансублиги билан изоҳлайди. Ҳолбуки, Қодирийнинг ўзи С. Ҳусайн учун берган маълумотномада, 1926 йили ёзган «Таржимаи ҳол»ида ўзининг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида аниқ-равшан қилиб айтиб кўйган, у «камбағал, боғбонлик

билан кун кечиргувчи бир оилада туғилған» лигини уқтириб дейди: «Бошида бой оилада туғилдимми ёки камбағал оиласами, албатта билмадим. Аммо ёшым 7—8 га еткач, қорним ошқа тўймағонидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келса, боғ мевалари оғатга учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келиб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз».

Қодирий «Отам ҳам большевик» номли асарида «қирқ йиллаб мусулмон хонлари замонини, эллик йиллаб Русия чор истибдодини ва энди беш йиллабдирки меҳнаткашлар ҳокимиятини» кўрган 99—100 ёшлардаги отасининг узоқ ва машаққатли ҳаёт йўли тўғрисида гапириб, ўзига хос илиқ бир ҳазил-мутойиба билан бу соддадил қария оқ пошшони бартараф этган, ўзига ўхшаш камбағаллар хукуматини барпо қилган большевикларга чукур хайриҳоҳ бўлгани, большевикларни тинмай дуо қилгани, шу ёшда «большовойга йигит», «чин сарбоз» бўлмоқчи экани ҳақида ёзган эди.

Бугунги кун ўқувчиси учун ёзувчининг бой, савдогар ёки камбағал боғбон оилада туғилғанлиги унчалик аҳамиятли эмас, аммо 20—30-йиллар шароитида ва ундан кейин ҳам узоқ йиллар адибнинг қайси ижтимоий табакага мансублиги ҳаёт-мамот масалаларидан бири бўлган, Қодирий ижодидаги синфий қарааш, «синфий ёндашиш» билан боғлиқ мағкуравий «камчилик», «хатолик»лар худди ўша — ёзувчининг «савдогар оиласида туғилгани», «халқнинг революцион ҳаракатидан узоқ бўлган муҳитда яшагани, ўсгани ва иход этгани» билан изоҳланган. Тўғри, ёзувчининг отаси Қодир бобо бир вақтлар савдогар бўлган, савдо ишларида муваффақиятсизликка учраб, дехқончилик, боғбонликка ўтган. Абдулла туғилған пайтда у камбағал бир боғбон эди. Шунга қарамай, вульгар социологизм ақидаларига амал қилувчи адабиётшунослар назарида Қодирий «савдогар ўғли», «майда буржуазия вакили», «майда буржуазия ёзувчиси» бўлиб қолаверди, ҳар қадамда шу ёрлиқ асосида камситилаверди.

Қодирий болалигига даёқ зеҳни ўтқир, ўқиш-ўрганишга меҳришиёғи баланд бўлган. Аммо оиласаги моддий муҳтожлик туфайли бир оз кечикиб, 9—10 ёшларида мактабга боради. Икки-уч йил эски усулда ўқигач, ўн икки ёшида оиласаги ниҳоятда қашшоқлик важидан бир бойга хизматчиликка берадилар. Хўжайини савдогар киши бўлиб, ўрисча ёзув-чизувни биладиган одамга муҳтож эди. Абдулланинг зеҳнини, ўқишига иштиёқини сезган савдогар уни русча мактабга (русско-туземная школа) юборади. Ҳам ўқиш, ҳам ўқишдан кейин хўжайнинг қўлида ишлаш Абдулла учун оғирлик қилади, мактабда тегишли истифода ололмаётганини сезади. Бу ҳол икки йил давом этади. Сўнг бунга чидолмай, ота-онасига

ёлвориб, ўз уйига қайтиб келади, ўз уйида туриб ўқишига қатнашни давом эттиради. Ўқишдан бўш вақтлари акаси ёнига кириб дурадгорлик, яъни тоқичилик хунарини ўрганади, икки-уч йил чамаси шу тоқичилик ва боғ ишлари билан банд бўлади. Ёшликда эгаллаган бу хунарлар, айниқса, боғдорчилик унинг тақдирида катта роль ўйнади, бир умрга жисмоний меҳнат — деҳқончилик, боғбонлик касбининг шайдоси бўлиб қолди.

Абдулла рус-тузем мактабини 1912 йили муваффақият билан тутатди. Битириш имтиҳонида генерал Самсонов иштирок этади. Имтиҳонларни аъло даражада топширгани учун Абдулла кумуш соат билан тақдирланади. Рус-тузем мактабида ўқиш, болаликданоқ рус тилини эгаллаш бўлгуси ёзувчи ижодий тақдирида муҳим аҳамият касб этди, рус ва жаҳон адабиёти, маданияти билан бевосита танишуви учун йўл очиб берди. Гарчи Абдулла рус-тузем мактабини аъло баҳолар билан битирган, савдо, идора ходими мутахассиси бўлиб етишган бўлса ҳам, номсиз, наасабсиз, амалсиз бир қари чол ўғлининг бирор воситачисиз, далолатчисиз ишга жойлашиши қийин эди. Абдулла бир қанча вақт ишсиз юрди, бу пайтлари у мутолаага, ёзиш-чишишга берилиди. Аммо 18 ёшли йигитнинг ўқишини тутатиб, ишсиз уйда ўтириши уйдагиларни, биринчи галда, муштипар онани ташвишга солади, Абдулла ҳам ўзини ноқулай ҳис эта бошлайди. Ниҳоят, онаси Жосият бибининг ташаббуси, таниш-билишларнинг аралашуви орқали Расулмуҳаммадбой отлиқ савдогарга приказчик бўлиб ишга киради. Расулмуҳаммадбой бирмунча инсофли, очиқкўнгил, меҳмондўст, мулла, зиёлиларни хурмат қиласиган серулфат киши эди. Бу одам хонадонида яшаб, унинг дўконида ишлаб, Абдулла замонасининг кўп илфор зиёли кишилари билан танишади. Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида айтилганидек, кундузлари дўкон очиб савдо қилиш, рус тилида хат, хужжатлар ёзуб, рус бойлари билан муомала қилиш, кечқурунлари ҳисоб-китоб, меҳмонларнинг хизматида бўлиш, сұхбатлар тинглаш, пайшанба, жума қунлари ота-онани бориб кўриш, бўш вақтларида хоҳ меҳмонхонада, хоҳ дўконда бўлмасин мутолаа қилиш, ёзиш ва ҳоказолар — Абдулланинг доимий машғулотига айланади.

1914 йили Абдуллажоннинг ҳаётида муҳим воқеа юз беради, Расулмуҳаммадбойнинг катта қизи Раҳбаройга уйланади. Абдулланинг бундан бўёнги ҳам тутув, ҳам серташвиш ҳаёти, фаолияти рафиқаси Раҳбарой, у кейинчалик бирин-кетин инъом этган икки ўғил, уч қиз — Назифа, Адиба, Аниса, Ҳабибулла, Маъсудлар билан кечади.

Абдулла ижодий фаолиятининг бошланиши ҳам ўша йилларга тўғри келади. «Шу миёналарда, — деб эслайди А. Қодирий, — бозор воситаси билан татарларда чиқадирғон газеталарни ўқиб, дунёда

газета деган гап борлигига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлиғоч, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди».

Х. Қодирий «Отам ҳақида» китобида 20 ёшли Абдулланинг «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сонида «Тошкент хабарлари» устунида босилган «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабари матнини келтиради, бу хабарни бўлгуси адибнинг матбуотдаги илк қадами деб санайди. Бу хабарга Абдулла Қодирий деб имзо чекилган. Шу тариқа 1914 йил 1 апрелидан матбуотда Абдулла Қодирий номи пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай худди шу ном остида «Миллатимга», «Аҳволимиз» шеърлари, «Бахтсиз күёв» драмаси, «Жувонбоз» ҳикояси чиқди. Шу вақтдан бошлаб оддий хабарнавис Абдулла Қодирий сал фурсатдан сўнг шеъриятда, драма ва насрда куч синаб кўрди. Адибнинг ўзи кейинчалик ўша пайтлардаги ёзувчилик ҳолати ва кайфиятини бир оз киноя билан эслайди: «1913 йилларда чиқсан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз күёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915 йилда). Яна шу йилда татарларда чиқиб турғон ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзиб, ношир тополмоғонимдан ўзим нашр қилиб юбордим. Энди чин мусанниф бўлдимов, деб қуонар эдим».

1914 йил августидаги бошланган Биринчи жаҳон уруши, Россиянинг қонли жанглар гирдобига тортилиши туфайли Россияндаги, шунингдек, унинг мустамлака ўлкаларидан бўлмиш Туркистондаги иқтисодий-сиёсий вазият кескинлашди. Уруш кулфати бой ва фақир — барча хонадонга кириб борди. 1915 йили Қодирийнинг хўжайини — қайнатаси хонадонида ҳам нотинчлик юз берди, унинг иши тўхтаб, дўконига муҳр тушди. Шу тариқа Қодирийнинг ҳам приказчиклик тақдирни ҳал қилиниб, уйига қайтди. Яна акаси билан тоқичилик касбига киришиб, ҳар кимларнинг эшигига кунлик иш қилиб, қўл учидаги рўзгор тебратади. Шунда ҳам ундан ўқишга, ижодга бўлган майл заррача бўлсин сўнмади. Қиши кириб, дурадгорлик иши тўхтаган кезлари Тошкентдаги Абулқосим мадрасасига ўқишга киради. Бир қиши мадрасада ўқиб, кўклам чиққач, яна тоқичиликни давом эттиради. Мадрасадаги қисқа таълим унинг ислом илми, араб ва форс тилларини эгаллаши, кейинчалик бу соҳаларни мустақил ўзлаштириши учун замин ҳозирлади. Жаҳон уруши туфайли мамлакатда, Туркистон ўлкасида юз берәётган сиёсий тангликлар, сабр косаси тўлган халқ орасидаги оммавий норозиликлар, хусусан, 1916 йилги мардикор олиш, 1917 йилги Февраль инқилоби воқеалари Қодирийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига кучли таъсир кўрсатди, у энди ижтимоий ишларга аралаша бошлайди, 1917 йил Февраль инқилобидан кейин оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилади, сўнг

Тошкентнинг эски шаҳарида очилган Озиқа комитетига мирза бўлиб киради, кейинроқ, 1919 йил бошида Озиқа комитети номидан чиқарилган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир қилиб тайинланади.

«Николайнинг таҳтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғонига хурсандлигим, албатта, дунёга сифмас эди ва сифмаслиги табиий эди. Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғенганд истибододга нафрат менда ҳам кучлик эди», — деб ёзади адиб.

Аммо бу билан Қодирий ўша кезлари социалист-инқилобчи даражасига кўтарилиди, демоқчи эмасмиз. Ёзувчи ўша кезлардаги аҳвол-руҳиятини, қандай ижтимоий вазиятда турганлигини сира яширмай, фоят самимият билан рўй-рост айтади: «Шу чоққача мен ўзимда бирорта сиёсий фирмага мансубият ёки яқинлик ҳис этмас эдим... Февраль инқилобидан кейин учредительное собрание бўлар эмуш, деган гап чиқди. Ўзимиздан бўлса «Турон» жамияти, «Турк адам марказият», «Мухторият», «Уламо жамияти», «Шўрои ислом» деган муаммолар тўқилиб, миям шишиди. Кўнгилли милиция бўлиб юрганимда «Турон»га аъзо бўлиб юрган эдим. Аммо Озиқа комитетига хизматга киргач, мени «Турон» аъзолигидан чикорғонлар эмиш, деб эшитган эдим. «Хўб» дедим ҳам юра бердим».

Ёзувчининг эслатишича, шу вақтларда матбуотда Россиядаги сиёсий фирмалардан социал-демократ, социал-революционер, кадет, интернационалист сўзлари сўзланиб турган. «Айтиб ўтишим керакки, — дейди адиб, — ҳалиги сиёсий исмларга газета ўқий-дирғон бўлғонимдан бери таниш бўлсан ҳам уларнинг чин маъноларига тушуна олмас эдим. Чунки бизнинг ўзбекчада ва на татарчада бу сиёсий фирмаларнинг йўлларига оид ҳеч бир ўқийдурғон асар йўқ эди. Февраль инқилобидан кейин газеталарда ўртоқ Ленин исми ва «большевик» деган гаплар чиқа бошлади. Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (букунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман, социализм маслакидан тублик маълумотга эга бўлғон киши йўқ бўлса ҳам эҳтимолки, балки битта-яримта бўлғондир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-дэҳқонларидан ва букунги масъуль ва ғайри масъуль ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман...».

Ёзувчини бора-бора большевиклар, Ленин партияси олиб бораётган сиёsat ўзига торта бошлади, бунда Исмоил Обидов ва Султонхўжа Қосимхўжаев каби инқилобчиларнинг хизмати, роли катта бўлди. Исмоил Обидов инқилобдан кейин дохилия комиссарига ўринбосар этиб тайинланган ва эски шаҳар ўзбек ишчи-мехнаткашларини уюштиришда раҳбарлик қиласр эди. Ёзувчи зўр мамнуният билан дейди: «Унинг билан танишғоним менга кўп фойда берди, чунончи: большевик ва бошқа сиёсий фирмаларнинг

йўллари билан ошналашдим ва унинг таклифига мувофиқ эски шаҳар ишчилари орасида бел боғлаб ишлашга киришдим». Қодирий ҳеч муболағасиз яна шуларни таъкидлайди: «У вақтларда Тошкентда бир неча уюшган ишчилар, бинокорлар бўлиб, агар мен зиёлий ҳисоблансан, уларнинг орасида ишлай бошлоғон зиёлий фақат менгина эдим. Буни ҳозирги вақтда марказий ижроком раисининг муовини ўртоқ Султонхўжаев яхши биладир. Ислом Обидовга мирза бўлиб, уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотга чақириб, тарғибномалар ёза бошладим. Уларнинг баъзиси ўшал вақтдаги — «Улуғ Туркистан» газетасида ва баъзиси варақа равишда босилиб тарқатилар эди. Мундан бошқа, эски шаҳарда янги уюштирила бошлоғон касаба союзларининг ҳар бирини янги очишида саркотиб тарикасида иштирок этар ва уларга кўлимдан келгани қадар раҳбарлик қиласр эдим».

Абдулла Қодирий Октябрь инқилобини шу тарзда кутиб олди, ундаги социализмга, большевикларга, Ленин ишига эътиқод шу тариқа шаклланди, шўро ҳокимиятининг дастлабки пайтлариданоқ, сидқидилдан унинг хизматида бўлди.

Хўш, ёзувчининг 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати, 1917 йилги Февраль инқилоби, Октябрь тўнтириши даврига қадар бўлган эътиқоди, ҳаётий-ижтимоий позицияси, улар замирида яратилган асарларига қандай баҳо бермоқ керак? Кейинги пайтларга қадар Қодирийнинг инқилобгача бўлган қарashi, ўша кезлардаги позицияси ва ижоди асосан қораланиб, нуқул салбий баҳоланиб келинди. Гап шундаки, Қодирийнинг илк ижоди жадидлар ҳаракати ва алабиёти билан узвий bogliq эди. Жадидчиликнинг ўзига эса бизда узоқ йиллар фақат реакцион ҳодиса сифатида қаралди. Кўпдан-кўп тадқиқотларда жадидчилик устида сўз боргандা «Туркистан жадидлари маҳаллий савдо буржуазиясининг ман-фаатини ёқловчи революциянинг душмани эдилар» (А. Алиев), бу ҳодиса «ёш ўзбек буржуазиясининг контрреволюцион миллатчилик идеологиясининг» кўриниши (И. Султонов) деган ибораларни та-рор-такрор учратамиз. Қодирий илк ижодидаги жадидчилик билан алоқадор жиҳатлар эса «ёзувчи дунёқарашига бойлар ва буржуа интелигенцияси мұхитининг таъсири натижаси», яратган асарлари ёппасига «миллатчилик руҳидаги шеърлар ва мақолалар» деб қаралади. Ойбек тўғридан-тўғри Қодирийни «буржуазия фикрининг ифодасиси» деб атайди.

Тўғри, тадқиқчилар Қодирий илк ижодида меҳнаткаш халқ ҳаёти билан боғлиқ демократик элементлар ҳам борлигини таъкидлайдилар, буни жадидчилик тенденциясига зид бир ҳол деб санайдилар. Кейинги кузатиш, тадқиқотлар шундан далолат бер-ётирки, жадидчилик ҳаракати жамики зиддиятли жиҳатларига қарамай яхлит ҳолда Туркистан шароитида прогрессив роль ўйнаган.

Жадидчилик фақат буржуазия фикрининг ҳимоячиси, савдогарлар ёки бирор миллат манфаати ҳимоячиси бўлмай, жаҳон цивилизацияси тараққиётидан орқада қолаётган бутун Кавказ, Туркистон, қолаверса, Шарқ ҳалқларини, бою фақир — барчани уйғотиш, кўтариш, элни маърифатли қилишни, эски қолоқ одатларни қоралаб, янгиликни тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бинобарин, бу ҳаракат муайян маънода байналмилал ва демократик характерда бўлган. Аввал жадидлар кўпроқ маърифатчилик ғоясини тарғиб қилган бўлсалар, бора-бора миллий озодлик, социал адолат учун курашчиларга айланганлар, Октябрь тўнтариши даврига келиб уларнинг илфор қисми янги ҳаёт, маданият, фан ва адабиёт даргаларига айландилар. Эҳтимол, жадидлар орасида ношуд-нотавон, мутаассиб, даврдан орқада қолган, инқилоб йилларида революция, меҳнаткаш ҳалқ манфаатига зид иш кўрган кимсалар ҳам бўлгандир; қолаверса, жадидчилик ҳаракатининг, жадид адабиётининг бир қатор заиф, чекланган, зиддиятли жиҳатлари ҳам йўқ эмас эди. Аммо жадидчилик яхлит ҳолда, айниқса, Туркистон шароитида чиндан ҳам ҳалқ ҳаётида, ижтимоий тараққиётда ижобий, ҳаттоқи инқилобий роль ўйнагани аниқ. Мунавварқори, Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, қолаверса, Айний, Қодирий, Чўлпон каби бу ҳаракат даргалари ва иштирокчилари фаолияти, ижодий тақдирни шундан далолат беради. Аср бошида, Октябрь инқилобигача ижод қилган бирорта пешқадам ёзувчи, шоир, драматург бу илфор ҳаракатдан четда турган эмас. Бинобарин, Қодирийнинг бу ҳаракатни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Жадидчилик ёмонотлиқ қилинган пайтлари бу ҳаракатга аралашган пешқадам адилларни мумкин қадар ундан узоқроқ юрган қилиб кўрсатишга ёки бу ҳол ҳаётдаги адашиш, ижоддаги қусур деб баҳолашга, бу билан чекланмай «жадидчилик» деган сўздан чўчиб, умуман, уни четлаб ўтишга, «жадид адабиёти» атамасини рад этиб, бу ҳодисани «маърифатчилик адабиёти» ибораси билан алмаштиришга уринишлар бўлди. Бизнингча, бугунги кунда ҳодисани ўз номи билан атайвериш керак. Чунки «жадид адабиёти», «жадид шеърияти», «жадид ёзувчиси», «жадид шоири», «жадид мунаққиди» атамаларидан чўчийдиган замонлар энди ўтиб кетди.

Ойбек Қодирийнинг илк асарлари идеяси «жадидизм идеологияси билан сугорилган» асарларининг «мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг намуналарини ташкил этади» деганида тўла ҳақли эди. Яна Ойбек сўзлари билан айтганда, унинг шеърлари жадид поэзияси доирасида, ҳамма шеърлари таълимий,

<sup>1</sup> И. Султонов ва А. Алиев кейинчалик бу хил қарашлардан воз кечганлар.

ташвиқий характердадир; бошқа жадид шоирлари каби Қодирий эски одатларга, жаҳолатга қарши ёзди, «миллат», «Ватан» ҳақида жар солади. Биргина «Аҳволимиз» шеърини эслайлик. Шеър муаллифи фафлатда, жаҳолат ботқогида қолган халқнинг аҳволини алам билан ёрқин деталлар орқали қуидагича таърифлайди:

*Кўр бизнинг аҳволимиз, фафлатда қандай ётамиз,  
Жойи келган чогида вижданни пулга сотамиз.*

*Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,  
На худони буйруғи бўлғон улум ўрготамиз.*

*Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда,  
Ўнтадан бедона боқиб, ёзу қиши сайротамиз.*

*Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чекиб,  
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ илан ўйнотамиз...*

Ана шу аянчли ва қулгили аҳвол баёнидан кейин муаллиф ёшларга, зиёлиларга мурожаат этиб дейди:

*Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун гайрат қилинг,  
Ухлаганларни агар Қодир эсак, уйғотамиз.*

Қодирий тез орада шеъриятни ташлаб драматургияга, насрга ўтди, бирин-кетин «Бахтсиз күёв», «Жувонбоз» асарларини эълон қилиди. Муаллифнинг эътироф этицича, «Бахтсиз күёв» «Падаркуш» пьесаси таъсирида, «Жувонбоз» эса татарларда чиқиб турган жадидчилик руҳидаги ҳикоя ва романларда тақлидан ёзилган. Бу икки асарда ҳам Қодирий ўз шеърларидаги мотивни давом эттиради, жадид адабиётига хос фояларни илгари суради — қолоқ одатларни танқид остига олади, халқни ўзлигини англашга, янгиликка даъват этади.

Гарчи муаллифнинг ўзи «Бахтсиз күёв»ни «Падаркуш» таъсирида ёзилган деса ҳам, бу драмага кўя «Жувонбоз» ҳикояси Бехбудий пьесасига яқинроқ. Худди «Падаркуш»даги каби «Жувонбоз»да ҳам ўқишини ташлаб бузуқ, шалтоқ йўлларга кириб кетган бойвачча отасининг мол-мулкини совуради, синдиради, ота-онасини доғда қолдириб, охири жиноятга қўл уриб, ўн беш йилга Сибирга ҳукм қилинади. «Бахтсиз күёв»да бошқачароқ воқеа қаламга олинади, ўша йиллари матбуотда кенг муҳокама қилинган, жамоатчилик эътиборини тортган қолоқ одатлардан бири — ҳашаматли тўй, ортиқча сарф-харажатлар ва унинг кўнгилсиз оқибатлари масала-сини кўтаради. Амакисининг маслаҳати билан Солиҳ исмли етим

йигит катта қарз кўтариб, дабдабали тўй қилиб, бой хонадони қизига уйланади, вақтида қарзини узолмай гаровга қўйилган ҳовли-жойдан ажралиш олдида шармандаликдан ўзини ўлдиради, садоқатли умр йўлдоши ҳам ўзига пичоқ уради. Ҳар икки асар ҳам ошкора ташвиқий руҳда; бутун асар давомида ҳар қадамда муаллиф айтмоқчи бўлған гапини ошкора писанда қилиб туради, булар билан чекланмай, асар охирида «қисса»дан ибратли «ҳисса» чиқаради. «Жувонбоз» ҳикоясининг охирида ёзувчи афсус-надоматлар билан дейди: «Туркистонда мундай ишлар ҳамиша давом этуб турганини кўрувчи ва билувчи ҳар бир ақлли мусулмон киши шаръиати исломияда ман қилинмиш, мундоф хунук бесоқолбозлик одатини давом этдирувчи Туркистон мусулмонлари аҳволларига афсуслар қилиб, бекорга неча мингча пулларни исроф қилувчи... бесоқолбозлик сабаби бирлан жиноят кўпойиб, ёш-ёш йигитлар ўн-ўн беш йилларини Сибирда минг турли азоб ва хорлик билан зое қилувларини ҳам дунёдаги файри миллатларга мусулмонлик исмини булғатиб кўрсатувларини ва ўзлари кулки бўлмоқларини, яна бу дунёда хор ва охиратда худонинг қаҳру ғазабига гирифтор, Мұхаммад алайҳиссаломнинг олдиларида шармисор ва шафоатларидан бенасиб бўлувларига ачиниб, мундоф хилофи шаръий кони бўлган Туркистондан бошқа шаҳарларга қочиб кеткуси келур эди».

«Бахтсиз куёв»да эса асар персонажларидан бири элликбоши — жадид ғояларининг жонкуяр тарғиботчиси бўлмиш бу шахс тилидан воқеаларга якун ясади. У бойга мурожаат этиб: «Куёвингиз билан қизингизнинг ўлимига нима сабаб бўлди, биласизми?» дея савол қўяди ва шундай жавоб қиласди: «Мен сизга сабабини айтсан, сизни бекор шариатдан ташқари тўй қилиб, куёвингиздан кўп оқча олуб, қарздор қилганинг сабаб бўлди. Ўшал вақтда мен сизга айтдим, бекор исроф қилманг, куёвингиздан кўп оқча сўраманг, юртга обрў қиламан деб, ош-нон бериб, Худо ва расулнинг буйргуларидан чиқманг дедим. Сиз мени сўзимни кулоққа олмадингиз...». Сўнgra драматург «қисса»дан чиқадиган «ҳисса» доирасини бирмунча кенгайтиради, элликбоши энди бой қолиб, халққа мурожаат этади: «Сизлар ҳам шундай исроф қилмоқдасиз. Исрофнинг зиёнини кўрдингизлар, Файзибайдан ибрат олинглар, кўрдиларингизми, исроф қилуб, охири ҳоли нима бўлди. Шаривати мустафога бўйинсунинглар, энди кўзларингизни очинглар. Бидъат тўйға исроф бўладурган оқчага ўғлингизларни ўқутинглар ёки жамияти хайрияларга иона қилинглар».

Ойбек ҳар икки асарнинг бадиий савијаси хусусида анча кескин танқидий гаплар айтган. Дарҳақиқат, «Жувонбоз» бадиий жиҳатдан хийла заиф, унда шахсларнинг исми бору жонли қиёфасини, ички дунёсини кўрмаймиз — воқеалар ҳамиша ҳам жонли картиналарда кўрсатилмайди, кўпроқ нақл қилинади. Ойбек «Жувонбоз»

ҳикоясининг тили ҳам халқ тилидан жуда узок, бўёқсиз, жонсиз «куруқ» бир тил: «Эски «дуойи салом» тили», — дейди. Асарнинг аксар ўринлари шу хил тилда битилган. Бироқ ҳикояда ёзувчининг тил ва тасвир бобида эндиғина очилиб келаётган имкониятларидан, чин истеъодидан далолат берувчи ўринлар ҳам борки, бунаقا парчаларни ўша кезлари чиққан бирорта насрый асарда учратмаймиз. Ҳикоянинг бошланиш қисмини эслайлик:

«Ҳамал ойини ўн бешлари бўлуб, баҳор аввали эди. Ҳаволар исиб, баҳор щамоллари дараҳтларни ҳар тарафга эгмакда эди ва ҳар хил паррандалар дараҳтларда бир-бирлари билан ўйнашиб, ёқимлик овозлар билан сайрашмакда эди. Қиши билан танчада ётиб зериккан Солиҳа ҳам офтобга қарши солинган айвонга уйидан кўчиб чиқиб, ёлғиз ўзи дўфи тикмақда, баъзи ашуласардан билганича айтмоқда эди. Гоҳо-гоҳо эрининг савдодан келмай кечикканига хавф қилиб «Эримга нима бўлди, савдодан ҳар йили бу вақтдан илгари келур эди ва хат ҳам ёзмади», деб қўрқуб ҳам қўяр эди. Ҳам ўғли Саъдулладан хафа бўлуб «Саъдулла тушкур на мадрасада турмаса, на уйига келмаса, на дадасига хат ёзуб омон-эсонлигини билмаса, бола бўлуб ақли кирмади. Саъдуллани қуриб кеткур Раҳим шайтон аллаб йўлдан чиқарди, унга ота ҳам керак эмас, она ҳам керак эмас, уй ҳам керак эмас...» деб хўрсениб қўяр эди. Шул вақтда бирор эшикни қоқди, Солиҳа оёқ яланг юрганича йўлакка бориб «Кимсиз?» — деди...».

Ибтидоироқ бўлса-да, бу парчала реалистик бадний проза учун хос бир қатор хусусиятлар мавжуд: илк баҳор табиатининг реал манзараси, ҳаво исиб, баҳор щамолида дараҳтларнинг ҳар томон эгилиши, дараҳтлардаги қушлар ўйини ва ёқимли сайраши, қиш ичи зериккан уй бекасининг офтобга қарши солинган айвонга кўчиб чиқиши, ёлғиз дўппи тикаётган аёлнинг ўзича узуқ-юлуқ ашуласарни хиргойи қилиши, гоҳо бедарак кетган эридан хавотир олиши, саёқ ўғли туфайли ташвиш чекиши, нолишлари, ниҳоят, бехос бегона одам эшик қоққанида эри йўлига интизор, ўғлидан хавотир бу аёлнинг шошилганидан оёқ яланг йўлакка югуриши, бирдан эшик очмай, эшик ортида «Кимсиз?» дейиши — буларнинг барчаси ўқувчининг кўз олдида борлигича гавдаланади; кўркам табиат манзарасидан шахснинг қувноқ кайфияти тасвирига ўтиш, сўнг қувноқ кайфиятнинг хавотир ва ташвиш билан алмашиниши, сўнг эшик қоқилганида аллақандай илинж ва хавотир аралаш нотайн тифиз ҳолатга тушиши — барчаси фоятда тиниқ ва табиий берилган... Афсуски, ҳикояда бундай ўринлар оз, нарироқ бориб бошдаги жонли картиналар ўрнини қуруқ нақлиёт эгаллайди, жозибали жонли тил бадиийликдан чиқиб, «дуойи салом» тилига айланади.

Танқидчиликда «Бахтсиз куёв» мафкуравий-гоявий жиҳатдан Қодирий иходида, умуман, жадид адабиётида ўсиш-ўзгариш

бўлгани, ундаги персонажлар жамиятдаги ҳар хил ижтимоий кучлар — бой, камбағал, илғор ва қолоқ (жадид ва қадим) гурухлар вакили экани, ёзувчи кўпроқ, камбағал етим йигит Солиҳ ёнини олиб, унга ачиниш-ҳамдардлик билдириши таъкидланади; айни пайтда персонажларнинг ижтимоий моҳияти яхши очиб берилмагани учун адигба таъна қилинади. Бугина эмас, катта ижтимоий талаблардан келиб чиқиб асар қиммати умуман йўққа чиқарилади: «ёзувчининг фикрича, бутун камбағал оммасининг оғир ҳаётининг сабаби, уларнинг ҳалокатга олиб борадиган нарса эскича тўй ва эскича одатлар»; «камбағал Солиҳ ва у кабиларнинг елкасидаги йўғон занжирнинг нимадан иборат эканлиги ёзувчига англашилмайди»; «куёв ҳам ёш келиннинг ўлимига сабабчи бўлган бой-эксплуататорлар бир четда қолади»; «камбағалнинг устига миниб олган бой ҳақида «чурқ» этмайди...». 1936 йили ёзилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» ишида Ойбек ўртага қўйган бу талабларга 1915 йили эндиғина реалистик жанрларда машқ қилаётган Қодирий жавоб бериши мумкинмиди? Бундай юксак «талаблар»га жавоб берадиган «Бой или хизматчи», «Кутлуг қон» каби асарлар кейинроқ яратилди. Дадил айтиш мумкинки, «Бой или хизматчи»га айни шу «Бахтсиз күёв» типидаги асарлар замин ҳозирлади. Қодирий «Бахтсиз күёв»да ўз олдига камтарона мақсадни қўйган — қолоқ одатлар таъсирида катта тўй қилиб қарзга ботган одамлар фожиасини кўрсатган ва шу асосда қолоқ одатларга қарши чиққан эли. У камбағаллар, уни эзган эксплуататорлар, яъни бой билан хизматчи орасидаги синфий курашни кўрсатишни хаёлига ҳам келтирган эмас, ёзувчидан буни талаб этиш ҳам ўринсиз. Қолоқ одатлар туфайли фақат Солиҳ эмас, бой хонадон қизи Раҳима ҳам ҳалок бўлади, отаси Файзибояғам-аламлар исканжасида қолади. Демак, муаллиф талқинича, қолоқ удумлар ёшу қари, бою камбағал — барчага бирдек зарапли. Қодирий «Бахтсиз күёв»да «Падаркүш»га нисбатан мавзу-муаммолар доирасини бирмунча кенгайтиради. Агар «Жувонбоз»да Беҳбудий асаридаги каби танқид тифи кўпроқ бузуқ йўлга кириб кетган оқпадар ёшларга қаратилса, «Бахтсиз күёв»да асосан бегуноҳ ёшлар баҳтига зомин бўлган қолоқ қарашли катталар хатти-ҳаракати қораланади.

Тўғри, «Бахтсиз күёв»да, шунингдек, «Жувонбоз»да ҳодисаларнинг ижтимоий илдизи чуқур очилган эмас. Бироқ, одамлар, ҳалқ ҳаёти, тақдиридаги фожиалар илдизини нукул синфий асосдан излайвериш ҳам ўринсиз. «Бахтсиз күёв», қолаверса, «Жувонбоз», «Падаркүш» асарларидаги ҳодисалар, кўтарилиган муаммолар ҳатто бизнинг кунларимизда бошқачароқ қўринишида содир бўляпти, ҳозир ҳам одамлар бошини қотиряпти. Аслини олганда ота билан бола, катталар билан ёшлар орасидаги можаролар, падаркүшлик, ёшларнинг хулқи, одоб-ахлоқи, катталарнинг ёшлар, ёшларнинг

катталар олдидағи масъулияти масалалари фақат жадид адабиёти эмас, жаҳон адабиётининг мангу мавзу, муаммоларидандир. Бу мавзу, муаммонинг бадиий ифодаси, талқинига келганды, жадид адабиёти намуналари, жумладан, «Бахтсиз күёв» драмасида күп ожизликлар мавжудлиги рост. «Жадид адабиёти учун характерлы аломат, яни санъаткорнинг ўрнини воиз эгаллаши, насиҳатгўйлик, «оқартирувчилик» ва бошқалар «Бахтсиз күёв»да яққол кўринади»; асарда иштирок этувчи шахсларда «айрим табақаларнинг образлари жонли гавдаланмайди, уларнинг роллари фақат гапиришдан иборат» деганида Ойбек асосан ҳақ. Аммо бундай камчиликларни фақат жадид адабиётининг хусусияти деб санаш ҳам унча тўғри эмас. Санъаткорнинг ўрнини воиз эгаллаши, насиҳатгўйлик, ошкора тарғиботчилик роллари инқилобдан сўнг, 20—30-йиллар адабиётида социалистик фоялар билан сугорилган адиллар ижодида ҳам рўй берган, бунинг учун Абдулла Қаҳҳордек улкан ёзувчининг илк асари, «Ёш қизлар ўтгай она кўлида» сингари ҳикоясини эслаш кифоя. Қисқаси, Қодирийнинг «Жувонбоз» ва «Бахтсиз күёв» асарларидаги камчиликларни унинг янги реалистик шаклларни эгаллаш йўлидаги изланишлари, қийинчилиги деб изоҳлаш тўғри бўлади.

Ёзувчи асардан асарга ўсиб борди. Орадан сал фурсат ўтиб ёзилган «Улоқда» ҳикояси гарчи ўша жадид адабиётига хос мавзу-муаммолар — эскича одат ва унинг кўнгилсиз оқибати тўғрисида бўлса ҳам, бу ҳикоя тимсолида биз тамомила бошқа бир бадиият намунасига дуч келамиз. «Жувонбоз» ва «Бахтсиз күёв» хусусида анча кескин танқидий фикрлар айтган Ойбек бу ҳикояга жуда юксак баҳо беради. «Улоқда» номли ҳикояси «Жувонбоз» ва бошқа асарларига нисбатан тенглаштирилмаслик даражада юқори бир асар, — деб ёзди у. — Ёзувчи ҳикоя техникаси, приёмларини эгаллаган. Воқеаларни очиш, буларнинг инкишофи ва ечилиши янги замон новелла формаси равишидадир. Бу асарда жонли бўёқли образлар учрайди. Кишиларнинг портрети аниқ, қабартириб берилади. Тил «Жувонбоз»нинг қуруқ, рангсиз тилидан жуда катта фарқ қиласи, ҳикоя тирик, образли бир тил ила ёзилган. Халқ сўзлари ва ифодалари ҳикоянинг бадиий тўқимасига узвий кириб кетади, сингади. Шахслар ҳам ўзларига хос тил билан сўйлайдилар. «Улоқда» ҳикоясида ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама қилмайди, тушунтирмайди, исбот қилмайди, балки, образлар билан кўрсатади. Бу ҳикояда ҳам фойдасиз одатларни қоралайдиган маълум «ахлоқ», «ибрат» бор, лекин бу ахлоқ туртиб чиқмайди».

Ҳикояда халқнинг қадимий удумларидан бири — улоқ воқеаси тасвириланади. Агар Қодирий «Жувонбоз» ёки «Бахтсиз күёв» йўлидан борганида, бу ерда улоқ воқеасини фойдасиз, заарли, қолоқ бир одат сифатида бошдан-оёқ қоралаш, танқид қилиш билан банд

бўларди. Ҳикояда ундаи эмас. Аввало, ёзувчи холис туриб ҳодисанинг объектив манзарасини чизади. Воқсаларнинг холис, бегубор ўсмири тилидан ҳикоя қилиниши асарга ажаб бир самимият баҳш этади. Ҳикоячи қаҳрамон — эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган, от миниб эл орасига кираётган, ҳамма нарсага катта қизиқиш, ҳайрат билан қарайдиган, аммо катталар турмуши, расм-руслумлар, рўй беравётган ҳодисалар тагига етишга ҳали қодир бўлмаган бола. Ёзувчи холис туриб, ҳодисаларга аралашмай, уларни шу бегубор қалб нигоҳи орқали бамисоли тиниқ ойнадагидек бор ҳолича — мусбат ва манфий томонлари, завқ-шавқи ва ташвишу мусибати, жамики зиддиятлари билан гавдалантиради; бола панасида туриб ғоят усталик ва донишмандлик билан ҳодиса манзараларини кузатиб боради, улар ҳақида мушоҳада юритиш ва тегишли хулосалар чиқаришини ўкувчи ихтиёрига қолдиради.

Ҳикоя гарчи бола — Турғун тилидан сўзланса ҳам, воқеалар шу боланинг бир кунлик улоқдаги саргузашти, кўрган-кечирганлари тарзида берилса ҳам, менингча, ҳикоянинг бош қаҳрамони — оломон. Очиги, ўзбек адабиётида ҳозирга қадар бу ҳикоядаги каби оломон образини, кўпчиликнинг аҳвол руҳияти, хатти-ҳаракати, бир ҳодиса атрофида бир паллада ғоят хилма-хил ўй-қараашлар силсиласини, турли-туман қиёфалар ансамбли ва хилма-хил овозлар симфонияси ифодасини кўрган, ўқиган эмасман. Оломоннинг ўша кезлардаги аҳвол-руҳиятини, хатти-ҳаракатини кузата туриб, кўпчиликнинг болаларча соддалиги, ададсиз завқ-шавқидан кувонасиз, енгил тортиб куласиз; айни пайтда, гарчи ёзувчи ҳеч қаерда писанда кильмаса-да, шундай алғов-далғовлар замонида, мамлакат жаҳон уруши комига тортилган бир пайтда шунча оломон дунё ишларини, ташвишларини қўйиб, арзимас ва сергалва бир чопчоп, эрмак билан овора-ю гирифтор бўлиб юрганидан афсус-надоматлар чекасиз; пировардида шу алғов-далғовлар гирдобида бир одамнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар оломонни бир қадар ҳушёр тортириади. Мана, ҳақиқий реализмнинг кучи, қудрати! Қисқаси, «Улоқда» ҳикояси Октябрь тўнтишигача бўлган ўзбек адабиётидаги реализмнинг чўққиси, ёзувчининг жиддий мувafferацияти. Шу тариқа, Қодирий шўро ҳокимияти даврига ҳам фаол ижтимоий сиймо, ҳам моҳир реалист ёзувчи сифатида қадам қўйди.

\* \* \*

Қодирий «Таржима ҳол»ида ёзишича, 1918 йилнинг бошларида эски шаҳар Озиқа комитети бойлар кўлидан олиниб, комитетнинг раислигига Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилингач, мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблигига ишга киради. 1919 йилнинг

аввалида шу комитет органи бўлган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинланади. 1920 йилда касабалар шўросига саркотиб бўлади ва эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақолалар ёзив туради; сўнгра «Рўста» деворий газетасига муҳбир, «Иштирокион» ва «Қизил байроқ» газеталарида ходим, собиқ Туркистон марказий фирмә комитетининг ташвиқот бўлимида чиқадиган «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва ходим бўлиб, «Муштум» журналининг муаниси ва таҳририя аъзоси бўлиб, 1924 или Москвага ўқиш учун кетгунга қадар меҳнаткашлар манфаати йўлида холис ишлаб келади. Бинобарин, Қодирийнинг инқилобнинг дастлабки йилларидаги фаолияти асосан шўро матбуоти билан боғланган. У фаҳр билан «бошқаларнинг хизмати дафтари билан событ бўлса, менинг хизматларим матбуоти била равшандир... хизматим инқилобий «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳар бир аъзосига маълумдир», — дейди.

Қодирий ҳам матбуот ходими, ҳам журналист-публицист, ҳажвчи-ёзувчи сифатида Ўзбекистонда янги типдаги шўро матбуотининг туғилиши ва шаклланишида бениҳоя катта хизмат қилиди, айниқса, «Муштум» журналининг ташкил топишида у катта жонбозлик кўрсатди. Кейинги йилларда бирмунча муддат «Муштум» журналига Абдулла Қодирий асос солган деган изоҳ билан чиқади. Бунга баъзи бирорлар эътиroz билдирилар, «Муштум»нинг биринчи муҳаррири Фози Юнус бўлганлигини, журнал унинг ташабbus ва файрати билан чиққанлигини айтдилар («Ўзбек тили ва адабиёти», 1990, 1-сон, 33-бет).

Тўғри, «Муштум» журналининг биринчи муҳаррири Фози Юнус бўлган. Қодирий F. Юнус билан ҳамкорликда журнални чиқарган. Қодирийнинг ўзи бир мақоласида ёзади: «23-нчи йилнинг февраль ойида шекиллик, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир кулки журнали чиқарингиз, деб мен билан Фозини чақирди. (Бу вақтда Фози газетанинг мудири эди.) Биз икков ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча «Муштум» чиқди». Сўнг Қодирий «Муштум»дан кетади, аммо журнал билан алоқасини узмайди, журналга четдан ёрдам берувчи, яъни озод ёзувчи сифатида қатнашади, Фози Юнус бўлмаган вақтларда баъзи сонларни ўзи чиқаради, бир йилнинг 15-сонидан то 35-сонига қадар «Калвак маҳзум хотира дафтиридан» ва бошқа асарлари журналда босилади. Ҳатто Москвада ўқиб юрган кезларида ҳам бошқа газета ва журналлар қатори «Муштум»га материаллар йўллаб турди, «Муштум» берган ваколатни бўйнида тумор санайди, жумладан, машхур «Московдан хатлар» деб аталган туркум ҳажвий мақолалар худди шу журнал саҳифаларида босилди. Москвадан қайтгач, 1925 йил ноябридан то 1926 йил мартаига қадар яна

«Муштум»да ходим, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. «Муштум»га ким асос солган деган масала фақат лавозим — унга ким муҳаррир бўлгани билан белгиланмайди. Гарчи расмий жиҳатдан Фози Юнус «Муштум» муҳаррири бўлса-да, журналнинг foявий-бадиий йўналиши, қиёфасини белгилашда Қодирийнинг хизмати ҳал қилувчи роль ўйнаган.

«Муштум» журналининг 1923 йил илк сонларидан тортиб то 1926 йил баҳорига қадар унинг қиёфасини белгилайдиган энг характерли пишиқ-пухта материаллар Қодирий қаламига тегишли. «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» сингари ўзбек янги сатирасининг дастлабки нодир намуналари саналмиш ҳажвий қиссалар мавзу-муаммолари, ифода шакли жиҳатидан хилма-хил қулги йўли билан битилган асарлар, «Муштум» таърифида», «Матбуот куни», «Муштум» оқсоқланган эмиш», «Муштум», танқидинг ўринисиз!», «Нашриётчилар ва матбаачилар», «Ўкувчи ва ёзувчиларимизнинг диққатига», «26-нчи йилла кулдиргувчиларимиз», «Ёзишфувчиларимизга» сингари дастурий характердаги мақолалар — «Муштум» журнали худди шу материаллар билан оёққа турган. Ўша кезлари малакали ҳажвчи ёзувчилар камлиги, материал танқислиги туфайли журналнинг айрим сонлари бошдан-оёқ Қодирий қаламига мансуб асарлардан иборат бўлган, бунинг учун адид баъзан таъна-дашномлар ҳам эшитган.

Қодирийнинг «Муштум» ҳақидаги мақолалари бир ерга йиғилса, алоҳида тўплам бўлиши мумкин. Фақат журналнинг ўзида эмас, бошқа матбуот органларида ҳам адид «Муштум» ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага ташлаган. Чунончи, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 7 август сонида Қодирийнинг «Муштум» сарлавҳаси остида принципиал танқидий мақоласи босилади. Бу кезларда Қодирий Москвада ўқиётганлиги учун «Муштум» редакциясида ишламас эди. Мақолада Қодирий четдан холис туриб журналнинг ўша кезлардаги ҳолатини теран таҳлил этиб беради. Бу мақолага жавобан журнал муҳаррири Фози Юнуснинг газетанинг 17 август сонида «Танқидми, тош отиш!» деган жавоби чиқади. F. Юнус Қодирий мақоласидаги самимий танқидий мулоҳазаларни гарағўйликка, «тош отиш»га йўяди. Орадан кўп ўтмай 25 августда Қодирий «Шаллақи» деган мақола билан Фози Юнус чиқишига жавоб қайтаради, унинг асоссиз даъволарини рад этади. «Муштум» ўз вазифасини қандай ўтгэтириб, ҳажвий журнал қиёфаси қандай бўлиши керак, деган яхши ният билан бошланган баҳс бора-бора асосий ўзандан чиқиб, мухолифларнинг foявий жангига, ўзаро жанжалига айланади. Бир-бирларига айб тақаш, ўтмишини ковлаштириш бошланади. Бу баҳс гўё ўша кезлари юрт осмонида пайдо бўлаётган қора қўланканинг дебочаси эди, кўйиб берилса, бу жанжал хатарли оқибатларга олиб бориши мумкин эди. Қарангки,

ҳаётда, редакцияда хушёр, ақли, инсофли одамлар бор экан, бу хатарнинг олди олинади. Баҳсга айрим газетхонлар ҳам аралашади, ниҳоят, редакция 29 октябрь сонида унга якун ясади, Қодирийни ҳимоя қилиб чиқади.

Шу тариқа Қодирий «Муштум»нинг туғилиш ва оёққа туришида катта жонбозлик кўрсатди, журнал тақдирни хусусида тинимсиз қайғурди. Унинг ижоддаги шуҳрати ҳам, ҳаётидаги илк кўргилклари ҳам, аввало, шу журнал билан боғлиқ: Қодирий 20-йиллари биринчи галда шу журнал саҳифаларида асарлари орқали ҳажвчи-ёзувчи сифатида танилди, айни пайтда худди шу журнал туфайли ёзувчи бошига оғир савдолар тушди. «Муштум» билан боғлиқ «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларидағи мажародан кейин орадан тўрт ой ўтгач, «Муштум»нинг 1926 йил 27-сонида босилган «Йигинди гаплар» ҳажвий мақоласи теварагида катта машмашалар бошлиланди ва шу мақола туфайли Қодирий ҳибсга олинди. Адаб қамоқда ётиб ҳам жим турмади. «Йигинди гаплар» мақоласининг асл маъносини кент шарҳлаб берди, кулги — сатира ва юмор табиати, хусусиятлари, тарихи ҳақидаги мазмундор мақоласини ёзди.

Ёзувчининг «Муштум» ҳақидаги мақолалари жамланган, атрофлича чукур ўрганилган, етарли баҳоланган эмас. Улар, бир томондан, республикамизда ҳажвий матбуотнинг илк назарий-амалий дастури, принциплари сифатида қимматли, иккинчи томондан, улар фақат «Муштум», ҳажвий матбуот муаммолари доираси билан чекланиб қолмай, ўзбек сатираси тарихи, кулги — комиклик табиати, моҳияти ҳақидаги бебаҳо назарий ҳужжатлардир. Уларда илгари сурилган сатира ва юморга доир қарашлар, назарий ҳulosалар бутунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Ниҳоят, Қодирий чиқишилари, ҳажвий асарлари теварагидаги баҳслар, рўй берган машмаша ва кўнгилсиз воқеалар 20-йиллардаги адабий мұхит, ижтимоий-сиёсий вазият қандай эканлиги, ҳаётда қанақа зиддиятли жараёнлар кечеётгани ҳақида муйян тасаввур беради. Бу ҳақдаги гапларни бир оз кейинга қолдириб, Қодирийнинг шўро ҳокимиётининг дастлабки йилларидаги журналистик фаолияти, публицистик меросининг бош йўналиши, характерли жиҳатлари хусусида озгина тўхталиб ўтсак.

Кўриб ўтганимиздек, 1919—1925 йиллар оралиғида Қодирий публицистика соҳасида фойт баракали ижод қилди. Ҳабиулла Қодирий берган маълумотга қарагандо, Қодирийнинг публицистик асарлари 300 атрофида. Бу асарларнинг кўпчилиги ва эътиборга лойиқлари асосан мана шу йилларда яратилган. Қодирийнинг публицистик мероси ҳали тўлалигича аниқланган эмас. Гап шундаки, 20-йиллар матбуотида Абдулла Қодирий билан бирга Қодирий тахаллусли бошқа бир неча журналист-публицистлар бўлган (Мажид Қодирий, Собир Қодирий, Наби Қодирий, Ҳабиб Қодирий...), уларни бир-биридан фарқлаш керак. Қолаверса Абдулла Қодирийнинг

ўша йиллардаги мақолалари фоят хилма-хил имзо-таксаллуслар билан чиққан. Қодирий 1926 йили сүддаги сўзида шулардан баъзиларини — Калвак махзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шигай кабиларни санаб ўтади. Ҳ. Қодирий адебнинг 60 га яқин тахаллусини аниқлаган, «Фельетон қироли» мақоласида шулардан энг машҳурлари сифатида 39 тасини келтирган. Эҳтимол, Қодирий матбуотда булардан ташқари бошқа имзолар билан ҳам чиққандир.

Қодирийнинг «Кичик асарлар», «Фирвонлик Маллавой» тўпламларида бор-йўғи элликка яқин публицистик асарлари жой олган, турли тўпламларда, вақтли матбуотда яна бир неча мақола ва ҳажвиялари қайта чоп этилган, холос. Қодирийга мансуб публицистик асарлар охиригача аниқланмагунча, барчаси бир ерга жамланмагунича улар ҳақида узил-кесил фикр айтиш, хulosага келиш қийин. Бироқ мавжуд материалларга таяниб баъзи мулоҳазаларни айтиш мумкин деб ўйлайман.

Қодирийнинг шўро матбуотидаги публицистик чиқишлиари, аввало, ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси, адебнинг ўша йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига, кундалик воқеаларига, ҳаёт муаммолари, жумбоқларига муносабати, қалб садоси, адаб ўйлари, маънавий изланишлари, кўнглидаги қувонч ва ташвишлари, асл фоя, маслаги, ифодаси, ёзувчининг маънавий биографияси ҳужжатлари сифатида фоят ардоқлидир. Қодирий публицистикасининг мавзу, муаммолар доираси хийла кенг. Улар орасида ҳаётдаги муҳим тадбирларни, янгиликларни олқишилаб, қўллаб-куватловчи, тарғиб-ташвиқ этувчи («Биринчи май», «Матбуот куни», «Улуғ айём», «Кутилган гўзал савғо ҳақида» каби), мураккаб инсоний тақдирлар ҳақида ҳикоя қўйувчи («Отам ҳам большевик», «1818 йил ёдгори», «Тинч иш», «Фирвонлик Маллавой ака» сингари), ҳаётдаги хилма-хил иллатларни фош этувчи (булар сон-саноқсиз), қардош халқлар ҳаёти ва хориждаги воқеаларга бағищланган («Качида икки ҳафта» каби) мақолалар ва бир туркум адабий-танқидий ишларини («Бизда театрни ишининг бориши», «Равот қашқирлари», «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар» каби) учратамиз.

Бу мақолалар йирик илмий-тадқиқотлар учун асос бўла олади. Мазкур мақолалардаги кўпдан-кўп қимматли томонларни қўйиб туриб, фақатгина ўша давр учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик адебнинг асл фоя ва маслагини, эътиқодини белгиловчи айrim жиҳатлари, чунончи, инқилобга, шўро ҳокимияти ва большевиклар фирқасига, ҳар хил ижтимоий-гурӯҳларга, муҳим мафқуравий оқимларга, ислом динига оид мулоҳазалари, қарашлари, илгари сурган принциплари билан танишишнинг ўзиёқ фоят мароқлидир.

Қодирий шўро ҳокимиятининг дастлабки ойларидан бошлаб матбуотда, ёзib тарқатган хитобнома, варақаларида Октябрни ёқлаб

чиқкан. Унинг инқилобга қараашлари, муносабати, айниқса 1922 йил 1 июнда «Қизил байроқ» газетасида босилган «Жасорат айб эмас!» мақоласида жуда равшан ифодасини топган. Октябрь инқилоби устида сўз борар экан Қодирий ҳаммадан бурун у халққа жасорат, эрк, онг бергани, халқнинг ўзлигини англашга йўл очгани ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Октябрь инқилобининг бу борадаги саховатини тушунтириш учун адид инқилобдан бурунги аҳвол — вазиятни эслатади. «Биз жасорат сўрар эдик, — деб ёзди у. — Лекин... жасоратимизнинг қолган-күтганини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни таг-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат битган эди, тил кесилган эди.

Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилганда, бошқа нарсалар юлиниб-юлқинган эди». Сўнгра гап инқилобга кўчади:

«Ниҳоят: фифон ва нолаларимиз арш-аълоларга етганда, умидимиз күёши Ўктабрдан туғди. Жасорат бўғмагарларининг оёқлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тагидан келди».

Адид сўзини давом эттириб, Октябрь самараларига эътиборни торгади: «Ўктабрдан биз бошлича жасорат олдиқ. Сўз эркинлиги олдиқ. Чиндан ҳам Буюк Ўктабр инқилобининг ишчи ва камбағаллар синфиға берган емиши жасорат эмасми эди?!».

Сўнг ёзувчи инқилобнинг бу борадаги самараларини кўз олдимизда гавдалантирувчи жонли лавҳаларни чизади:

«Қаранг:

Бутун умри рутубатлик ишхонада ўтган бир ишчи, ўлтириштуриши, ошашичиши, ёлғиз меҳнати — кетмоннинггина тасаввур этмагига мажбур бўлган бир деҳқон, бу кун бизнинг тушларимизга кирмаган фикрларни сўзлайдир, ҳайрон қолдирарлик даражада хатти-ҳаракатлар кўрсатади, буниси кифоя қилмаганидек, уста дипломатларнинг етишмаган ерларини туртиб тўғрилайдир!».

Мақола муаллифи нега шундай, дорилфунунни битирмаган, сиёsat билан маҳсус шуғулланмаган, бирор файласуфдан беш-ён йил дарс олмаган оддий ишчи, деҳқон қандай қилиб шу даражага кўтарилиди, деган савол қўйиб ўзи: «Буюк Ўктабр инқилоби уларга жасорат берди, онг берди, ҳақ берди!» дея жавоб қайтаради, фикр-мулоҳазаларини «жасорат Шўролар ҳукуматининг негизидир — асосидир», дея якунлади.

Қодирий «Отам ҳам большевик» асарида юз ёшлик отаси билан суҳбатда соддадил қарияга Октябрь инқилоби, большевиклар фирмаси ва шўро ҳокимияти моҳиятини foят содда қилиб шундай тушунтиради: «Большевик бир киши эмас, дада... большевикнинг маъноси кўпчилик, камбағал деган сўздир. Мисол сиз ҳам камбағалсиз, сиз ҳам большевикдан саналасиз, ҳозирги большевик ҳукуматидан мурод — камбағаллар ҳукумати дейишдир... Илгариги

оқ пошишо ҳукумати бойлардан иборат эди. Аммо бу ҳукуматнинг оқ пошишоси ҳам йўқ ва бунда бойларга ҳам ўрин берилмайди. Ёлғиз сиз ва бизга ўхшаганлар, камбағаллар ҳукумати...».

Қодирий жуда кўп мақолаларида ижтимоий гуруҳлар, синфлар, улар орасидаги кураш масалаларини аниқ-равшан ажратади, ўзини эса ҳар доим меҳнаткаш халқ, большевиклар фирмаси томонида ҳис этади, «фоя ва иш эътибори билан чин коммунист» санайди; Октябрь инқилоби мақсади, шўро ҳокимиияти ҳимояси йўлида кураш олиб боражагини қайта-қайта таъкидлайди; «озодлиғ йўлида ҳар қандай оғирлиққа ҳам чидаб, муқаддас хизмати»ни давом эттирганинги айтади. Адид ўз ижтимоий фаолиятининг, ижодининг моҳиятини, бош мақсадини ифодалаб чин дилдан ёзади: «Ишчи-дехқонлар ёзғон асарларимни сўйиниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргиздилар ва ҳамон ўқирлар ва унутмаслар. Чунки мен уларнинг ўз иchlаридан чиқсан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгувчи, бунинг устига Буюк Ўкрабр инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишган бир ходимлари эдим. Мени бойлар, эшонлар, уламолар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чиқсан ва сирларини очкувчи душманлари эдим...».

Шу тариқа адид инқилобга, шўролар ҳокимииятига ҳаддан зиёд катта умид боғлади. Замондоши Вали Қаюмхон ўша кезлари Абдулла Қодирий «қизиллашиб кетди» деганида, эҳтимол, шуни назарда тутгандир («Мулоқот», 1992, 1-сон, 36-бет).

Адид фақиру ҳақир меҳнаткашларга яқинлигини, ўшалар тарафида эканлигини таъкидлаш учун ўзига «Жулқунбой» тахаллусини танлайди, энди унинг асарларида Абдулла Қодирий унвони билан баробар Жулқунбой тахаллуси ҳам кенг қўлланадиган бўлди. Қодирий ўз фоя ва маслаги, эътиқодини инсонлик шаъни қадар юксак қадрлайди, шаънига айтилган ҳар қандай таъна, тухмат ва ҳақоратларни кескин рад этади, ўз шаъни, эътиқодини мардона туриб ҳимоя этади. Чунончи, Фози Юнус «Қизил Ўзбекистон»даги баҳсада дағдаға билан «Жулқунбойнинг унга очиқ белгилик бўлғон бир сири бор! Ўзи хўб яҳши биладир. Аммо ҳозирча очмайдир. Негаки, бу сир Жулқун қўрқоқни чўчитиб, тилини қисиқ қилиш учун кўб мужарраб доридир», дея писанда қилганида, Қодирий бундай дағдаға-ю пичинг, писандаларга жавобан қаҳр-ғазаб билан: «Ҳай, мулла Фози! «Мард бўлсанг — майдонда ҳанграп!» деган гапни эшиганингиз борми? Ахир юракка жуда ёмон ваҳима солдингиз-ку? Диндор демакчимисиз, миллатчи дейсизми? Нима ахир?

Агар фақат сизагина маълум бўлғон фақирнинг мудҳиш мақсадим шу иккининг бири бўлса, яна карнайчига яхтак-иштон йўқдир. Отингизни бу ердан «чұх» денгки, қоровулнинг кураги бўш эмас!..» дея қатъий жавоб қилади.

1926 йили тескаричи, аксилинқиlobчи деган айб билан қамоққа олинганида суддаги охирги сўзида ўзига қўйилган айбларнинг мантиқизлигини ишончли далиллар билан фош этиб ташлайди. «Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлған ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Ўктабр инқилобигача бўлғон ҳоли билан Ўктабрдан кейинги тўққиз йил ичидаги интибоҳини (ижтимоийятда, илм ва маданиятда, хулюса ҳар бир жабҳада) чақишириб кўрса, ўзини тамоман бошқа бир оламда ҳис этадир». Адид мавжуд қийинчиликларни ҳам ёддан чиқармайди: «1917 йил билан 1923 йил ораларини хотирингизга олингиз. Мамлакатда рўзгор бузгунилиги, босмачилиқ, очлик ва бошқа ҳароботлар...». Мана шу оғир, фожий, очлик йилларидағи ўзининг аҳволи, оладиган маоши тарбиясидаги етти-саккиз жоннинг озигига етмаслиги, лекин озодлик йўлида ҳар қандай оғирликка ҳам чидаб, муқаддас хизматини ҳамиша давом эттирганини эслатиб, ҳақли бир саволни ўртага қўяди: «Бас, шу ҳолда мантиқ қолипиға солиб муҳокама қилинсин, меҳнаткашларнинг заиф ва ҳар бир жиҳатдан нуқсонли бўлғон кунларида улар ёнида собит қолуб, бу кун меҳнаткашнинг гуллай бошлиған даврида тескаричилик кўчасига кирсанми? Бойлар, уламолар, чўнтакчи хоин ва ўғрилар, умуман, Ўзбекистон тескаричиларига қарши матбуот майдонида жиҳоди акбар зълон қилиб, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштирган бир киши. шўролар ҳукуматининг айни гуллаган кезида зиёни деб топилсанми?»

Алам-ўкинч, маломатларга тўла бу саволларнинг жавоби ўз ичиди. Ақли расо ҳар бир киши учун ҳақиқат ким томонда экани шундоқ кўриниб туриди. Ёзувчи шу хилдаги муҳокамалардан, ҳаётига, фаолиятига оид кўпдан-кўп фактларни келтириб, сўнг айтилганларга хулюса тариқасида сўзининг охирида ўзининг «асли foя ва маслаги» билан танишитиради: «...мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадирган жазонгиздан кўркуб эмас, балки виждоним, имоним тазиики остида сўзлайман... Маним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим».

Ёзувчи қалбининг туб-тубидан вулқондек отилиб чиқсан нидо, унинг асли foя ва маслаги шаҳодатномаси, виждон, имон, эътиқоди икрорномаси бўлмиш бу сўзларни ўқиб туриб наҳотки асл одам, Октябрь инқилобига, Ленин foясига чин садоқатли, камбағал меҳнат аҳли, шўролар ишига ҳаётини, жонини тиккан фидойи бир сиймо шўро ҳокимияти йилларида шу ҳокимият таъқибиға учраса, ҳибсга олинса, деган аламли савол қалбимизни ўртайди ва ўша олис 20-йиллардан ҳозирги кунда туриб шу аламли саволларга жавоб излаймиз. Даврнинг шафқатсиз ҳужжатларида бу мудҳиши саволнинг

жавоби, сабаблари турли даражада — гоҳо фира-шира, гоҳо эса аниқ-равшан муҳрланиб қолган.

Булар ҳақида сўзлашдан олдин ёзувчи публицистикасининг яна бир жиҳати — адиднинг динга муносабати ҳақида озгина тўхтальсак. Чунки таъсири доираси ниҳоятда кенг мафкуравий куч — динга муносабат ҳам Қодирийнинг ҳаётий ва ижодий тақдирида муҳим ўрин тутади. Бунинг устига динга муносабат ўша йилларда хийла кескин ва мураккаб тус олган эди.

Қодирийнинг ilk асарларидан бири «Бахтсиз күёв»дан тортиб, инқилобдан кейин яратган ўнлаб публицистик мақолаларида, бир қатор чиқишлиларида, «Калвак маҳзумнинг хотира дафтари»ю, «Мехробдан чаён» ва «Обид кетмон»да унинг ислом динига оид қарашлари акс этган. «Бахтсиз күёв»даги домла-имом, «Тинч иш»даги Охун домла, машҳур ҳажвий қисса қаҳрамони Калвак маҳзум, «Мехробдан чаён»даги Абдураҳмон ва Солиҳ маҳдум, «Обид кетмон»даги Хатиб домла билан мулла Муҳсин — мана шу руҳоний шахслар ёзувчи ижодида бутун бир образлар туркумини ташкил этади. Биз шу пайтга қадар уларнинг барчасини ёппасига «диннинг реакцион моҳиятини фош этувчи», танқид остига олувчи «салбий» ёки «сатирик» қаҳрамонлар деб келдик. Ҳолбуки, бу образларнинг асл моҳияти, биз авваллари ўйлагандан кўра кенгроқ, чукурроқ, уларда тажассум топган маъно, ҳақиқат сержилороқ. Булар ҳақида ўша асарлар таҳлили пайтида батағсилроқ гаплашамиз. Ҳозирча публицистик мақола ва чиқишлиларда динга оид айрим зиддиятли ва мунозарали қарашларга эътиборни тортиш билан чекланамиз.

Қодирий ilk асарлариданоқ барча жадидлар каби ислом мафкураси асосида ҳалқнинг равнақини ўйлайди, ҳаётдаги, жумладан, руҳонийлар даврасидаги шариатга зид бидъатларни, қолоқ таомилларни танқид қиласди. Октябрь инқилобидан кейин бундай танқид бошқача, бирмунча зиддиятли кўриниш касб этади. Ёзувчи маълум муддат 20-йиллар аввалида кенг авж олдирилган динга ва диндорларга қарши шиддатли кураш кампанияси таъсирида дин ва диний удумларни ёппасига кескин фош этувчи, диндорларни ер билан яксон этувчи асарлар ёзди. «Рўза, ифтор, ҳатм, закот», «Узр», «Лаҳми Қадид», «Замонанинг зайлар», «Қурбон байрами», «Совунак қори билан Мағзава қори», «Қурбонлик ўғрилари» мақолаларида шундай ҳолларга дуч келамиз. Масалан, «Лаҳми Қадид» мақоласида дин тарихи ҳақида мулоҳаза юритиб, жамики динларни фақатгина асоссиз жанжалларга сабаб бўлган ҳодиса сифатида бир ёқлама баҳолайди. «Санампараст тентаклар» мақоласида мусулмон дунёсидаги қолоқликларнинг бирдан-бир сабабчиси, бош айбори ислом мафкураси деб санайди. Ҳунингча: «Мусулмон дунёсини ҳаққила паразит ҳолга келтирган нарса шубҳасиз ислом авҳомотидир. Хурофт қотишқон бўтқани доимий

тановул қилиш орқасида ислом миллати оти улуг, супраси қуруқ бир шаъни-шавкатга эга, ўзи каби дунёда нажиб миллат йўқ, деган қуруқ хаёлға банд бўлди, нажобати орқасида тангрига ва ҳам тангрининг «бадбахт» қўллариға қул ва асир бўлиб оз қолдики, оғилларда ҳайвонлар қаторида истироҳат қилсун...»

«Совинак қори билан Мағзава қори»да муаллиф нуқул руҳонийлар шахсиятини ҳақорат қилиш билан машғул бўлади. «Рўза, ифтор, ҳатм, закот» ҳажвиясида эса диндорларни «Ҳатминг, ифторинг, закотинг билан кўшмозор бўл!» — деб сўқади. «Шаллақи» мақоласида Фози Юнуснинг ўз шаънгига тегадиган сирли қочириқларини рад этаркан, ўз навбатида, рақибининг бир вақтлар диний руҳда асарлар битганини юзига солади. «Турма хотираси» асаридан айрим сатрларни келтиради. «Бўш вақтингиз бўлса, — дея кесатиқ қилади мақола муаллифи, — ўтган асрда эмас, шу 20-нчи асрнинг 20-нчи йилида нашр қилинғон асари ожизонангиздаги «ҳамд»ни ўқингиз:

*«Ҳамд айтарман йиғлаб-йиғлаб Ҳудойимга.  
Тўқиб ёшим роз айтурман Аллоҳимга  
Жоним бирла наът айтурман расууллоҳ,  
Ҳабибингни ҳурматидан бергил паноҳ».*

Бу сатрлар қандай шароитда, қандай мақсадда, ким томонидан айтилганлигини муаллиф шарҳлаб ўтирмаиди; диний руҳдаги сатрларни матндан шундоқ ажратиб олиб рақиби «тилини қисиб қўйиш» учун дастак сифатида фойдаланади. Ҳолбуки, «Турма хотираси ёхуд ҳақсизлик касофати»нинг яратилиш тарихи F. Юнусни яқиндан билган Қодирийга аён бўлиши керак. F. Юнус 1917 йил 23 ноябрда чақув билан қамалади, бирмунча вақт турмада ётади, турма азобини татиб кўради. Қамоқдан чиққач, турмадаги хотира, таассуротлари асосида «Турма хотираси» шеърий асарини ёзди, асар 1918—1920 йилларда икки бор чоп этилади, халқ орасида машҳур бўлиб кетади. Асарда ноҳақ қамоққа тушган одамнинг ҳолат, кайфият, нолиш ва илтижолари ифодасида, дарҳақиқат, Қодирий келтирган диний руҳдаги сатрлар мавжуд. Бундан гоявий хато излашга ҳожат йўқ эди. Бунинг устига F. Юнус айтганидай, 1918 йил шароитида матбуот орқали Ҳудо ва Расулини дастак қилиб хитобномалар тарқатиш сиёсатга хилоф саналмас эди.

«Санампараст тентаклар» мақоласида мозорларни, динга алоқадор осори атиқаларни вайрон этаётган жангари кимсалар хатти-ҳаракатини ҳимоя қилиб чиқади, «бойлар томонидан бино қилиниб, халқнинг гумроҳлик кўчасига киритган бундай зааралик ўйларни негизидан кўтариб ташлашқа» даъват этади; бу ҳаракатга қаршилик кўрсатган, халқни бундай бузғунчиликка қарши қўзғаган диндор шахсларни эса «санампараст тентаклар» деб атайди. Муаллиф

ўз фикрининг ҳақлигини исботлаш учун Россиядаги воқеаларни эслатади: «Русиянинг бутун шаҳарларида қурилғон, «Осори атиқа» деб, ҳисоб қилса бўладирғон ҳисобсиз обидалар — памятниклар бузилиб ташланди. Шунинг учун бузилдиким: у обида ва памятниклар тарихий ва «Осори атиқа» бўлғони билан, уларнинг қолиши зааралиқ эди». Ёзувчи улардан ибрат олишга чақиради: «Мана бизга ҳам зарар келтурадурган чиллахоналар, мозорларни кепакка алмаштиришга йўл беринг, осори атиқа муфтадорлари!...»

Қодирийнинг динга оид мақола ва чиқишиларида шу хилдаги жангари, ҳужумкор ҳамлалар билан бирга бу хусусда андиша, одоб, чуқур мулоҳазакорлик билан айтилган фикрлар ҳам мавжуд. Юқорида тилга олинган мақолалардан сал илгари 1921 йили ҳали «Худосизлар» файрат отига минмаган кезлари ёзган «Дин номидан ифво тарқатғучилар» мақоласида партия программасининг 13-модласида кўрсатилган динни ҳукуматдан, ҳукумат ишларини дин ишларидан айиришга оид сиёсатни қўллаб-қувватлайди, «Большевик партияси динни ҳукуматдан айириш билан мусулмонларнинг ҳиссиёт динияларига» тегмаганлигини маъқуллайди; партиянинг динга, диндорларга муносабатини бузиб кўрсатувчи ифвогарларни қоралайди, қатъий қилиб «партия ҳеч кимнинг диний ҳиссиётига тегмайдир», дейди. 1925 йили чиқсан «Муштум» мақоласида журнал саҳифаларида берилган динга қўйилган беўхшов карикатура халқ руҳига ёт эканини уқтиради, буни «Муштум»нинг ишчи-дехқон орасидаги обрў ва ҳурматига ҳам ўқилишига кўр-кўронा суиқасдир ва сиёсий саводсизликка яқинлашаётган бир андишасизликдир» деб атайди.

«Шаллақи» мақоласида дин бобида мухолифига нисбатан ўриниз таъналар билан баробар охирида бу хусусда чуқур андиша билан айтилган қимматли мулоҳазалар бор. Мақола муаллифи шўролар ҳукумати ва фирманинг Шарқда тутган сиёсати билан Россиядаги сиёсати орасидаги фарқقا эътиборни тортади ва Москвада ўқиган пайти масъул бир раҳбар ходим айтган гапларни эсга олади. У киши: «Московга маърифат истаб келган сиз мазлум Шарқнинг дехқон болалари биринчи галда билим олмоққа, ундан сўнг шу олган билимларингизни ўзингиз туғилиб ўсган ердаги онгиз, мазлум, динда мутаассиб ишчи-дехқонларингизга силлиқлик билан юқдиришқа ҳаракат қилингиз. Русия шароитидан тамоман бошқа бўлғон бир мұхитда жуда нозик масъулиятни ўтагувчи қаҳрамонлар эканингизни унумтмангиз!» деган экан. Адид бу доно маслаҳатдан хулоса чиқариб, ҳар бир соҳада маҳаллий хусусиятни, халқнинг руҳи, кайфияти, савия-даражасини ҳисобга олиб иш кўриш кераклигини уқтиради; жумладан, динга қарши тарғибот масаласига тўхталиб, яна ўша раҳбарнинг «Русия шароити бошқа, сизники бошқа бўлиб турған бир замонда икки асрлик маданият эгаси

«Безбожник»ка тақлил қилиш «бутим йирилиб ўламан» дейишдир» деган сўзларини эслатади.

Энди ёзувчининг бадиий асарларида ҳам дин ва диндорларга муносабат хийла ўзгаради, уларни нуқул қабоҳатлар тимсоли сифатида қоралаш, масхаралаш билан банд бўлиб қолмай, улар ҳатто асар учун салбий персонаж сифатида олинган тақдирда ҳам уларни тушуниб, инсон сифатидаги мураккаблиги, марғуб ва номағруб жиҳатлари ила бор ҳолича кўрсатиш йўлига ўтади. Бу йўлнинг ижобий самаралари «Калвак маҳзум»нинг охирги қисмларида, «Мехробдан чаён»даги Солиҳ маҳдум, хусусан, «Обид кетмон»даги Хатиб домла ва мулла Муҳсин образлари талқинида ёрқин кўринади. Хатиб домла билан мулла Муҳсиннинг тарихи ва таъриф-тавсифи ўзига хос ҳалқчил илиқ юмор билан йўғрилган. Табиати, асли маслак-мақсади, билим савияси жиҳатидан бир-бирига терс бу икки руҳоний орасидаги гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора зиддиятлар, диний мавзудаги баҳс-мунозаралари ифодаси 30-йиллар адабиёти учун ноёб ҳодиса. Гап шундаки, муаллиф ҳар икки персонаж характеристидаги ожиз жиҳатлар, катта-кичик қусурлар устидан кулса ҳам ҳеч қачон уларнинг диний туйфу, эътиқодларини таҳқириш томонига ўтмайди. Бу икки шахс орасидаги диний қонунқоидалар хусусидаги баҳс-мунозаралар пайтида танқид тифи умуман динга, исломнинг мўътабар ақидаларига эмас, кўпроқ бу ақидаларни нотўғри тушуниш, тамагирлик билан шахсий манфаатларга мослаштириш йўлидаги уринишларга қарши қаратилади. Умуман, 30-йиллар ўзбек адабиётида динга, диндорларга бунақа холис муносабатда бўлган бошқа бирорта асарни, руҳонийларнинг бунақа самимий, ҳаётий образларини кўрмаймиз. Шунинг учун ҳам динга, руҳонийларга нафрат руҳида тарбияланган ўша давр танқидчилиги бундай талқинни асло ҳазм қилолмайди; ёзувчи диннинг синфиий «эксплуататор характеристини очишга уринмайди», «диннинг моҳиятини фош этишга уринмаган», повестда руҳонийларни синфиий душман сифатида фош этиш эмас, «уларга муҳаббат, улар ҳам одамку» деган ачиниш туйфуси бор, «бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишдир» деб муаллиф шаънига таъна-дашном ёддиради, дағдаға қилади...

Мана энди 1926 йили Қодирий бошига тушган мудҳиш савдо — унинг ҳибсга олинниш воқеасига қайтсан бўлар. Юқоридаги мулоҳазалардан қузатган бўлсангиз керак, ёзувчининг инқилобдан кейинги йиллардаги ижтимоий фаолияти, сиёсий-мағфуравий позицияси шарҳидан бу кўргиликнинг баъзи сабаблари сизга аён бўлгандир.

Қодирий катта ақл-заковат, юксак истеъдол эгаси бўлса ҳам, барибир, ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг фидойи инқилобчиларига хос муайян инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт

эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари мамлакатда авж олдирилган «синфий кураш», «динга қарши юриш» кампанияси таъсирида адибнинг бойлар, эшонлар, уламолар фақат бой, эшон, уламо бўлгани учунгина уларни синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда жиҳоди акбар эълон этиб, аёвсиз кураш олиб бориши, синфий-мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда хийла жангарилик, қизиққонлик кўрсатиши, баҳслар пайтида гоҳо одоб доирасидан чиқиб, ҳамкасларини ҳақоратлаш томон ўтиб кетиши, уларнинг ўтмишини титкилаш, фоявий айблар тақаш билан банд бўлиши — шу хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли адиб айтганидай, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштириди. Қодирий қамоққа тушишида уларнинг, айниқса, бирга ишлаган ва ундан дакки еган ҳамкасларининг қўли, иштироки борлиги, «Муштум»да босилган «Йигинди гаплар» мақоласидаги юқори раҳбарларга тегадиган «қалтис гаплар»ини ўз вақтида «пайқаб», яшин тезлигида тегишли ташкилотларга етказганлар айни ўшалар экани аниқ.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг жумхурият олий суди жиноят бўлими фондида 1714 рақами билан ҳисобга олинган ЖКнинг 73 ва 116-моддалари бўйича «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Муштум» журнали масъул котиби «Абдулла Қодирийнинг 26-сонли иши» деб аталган папкадаги хужжатлар орқали бизга ўша мудҳиш ҳодисанинг кўпгина тафсилотлари маълум бўлади. «А. Қодировнинг иши»даги 32-рақамли ордерга кўра, 1926 йил 8 март куни тергов органлари Қодирий хонадонини тинтуб қилиб, ёзувчини қамоққа оладилар. Бир неча кун Қодирий нима сабабдан қамалганилигини, айби нимадан иборат эканини аниқ билмайди, вақтида уни сўроқ ҳам қилишмайди. Ниҳоят, 22 март куни у терговга чақиришларини сўраб ГПУ комендантига ариза ёзади. Рус тилида битилган аризада шундай дейилган:

«Шу йилнинг 8 марта ҳибсга олиндим ва ҳанузгача назорат остида қамоқда сақланиб келинмоқдаман. Ҳалигача сўроққа чақирилганим йўқ. Умуман не гуноҳларим учун айбланаётганилигим мен учун қоронғи. Заррача бўлса-да, ўзимни гуноҳкор сезаётганим йўқ. Шундай бўлса-да, менинг ишим кимда эканлигини аниқлаб, терговга чақиришларингизни сўрайман. Акс ҳолда ўзимни курбон қилсан-да, 24 марта бошлаб очлик эълон қиласман».

Ана шу қатъий талабдан сўнг 24 март куни Қодирий терговга чақирилади. ГПУнинг маҳсус ишлар бўлими ходими Ағидулин уни сўроқ қиласди. Сўроқ пайти гап нимада экани маълум бўлади. Тергов пайти тузилган айбномада кўрсатилишича, «Муштум» журналининг муҳаррир ёрдамчиси бўлиб ишлаган Абдулла Қодирий, гёё ўз мансабидан фойдаланган ва уни суистеъмол қилган ҳолда муҳаррирнинг қаршилигига, қатъий ман этишига қарамай журнал-

шинг навбатдаги 3 (27) сонида «Йигинди гаплар» мақоласини бостирган; мазкур мақола моҳият эътибори билан Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати масъул раҳбарларини обрўсизлантиришга қаратилган, шу билан бирга мақола муаллифи Ўзбекистонда олиб борилаётган компартия ва шўро ҳокимиятининг муҳим тадбирларини масхаралайди ҳамда танқид қиласди, мақола муаллиф томонидан очиқдан-очиқ аксилинқилобий мақсадларни кўзлаб тайёрланган ҳамда уни журналда босиш орқали омма орасида кенг ёйишга уринган.... Сўнг айбномада бу жиноий хатти-ҳаракат Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 72-моддаси ва 105-моддасининг 1-бандига мувофиқ кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.

Айбнома ёзма равиша ўша куни Қодирийга берилади, Қодирий у билан танишиб, ўзига қўйилган айбларни қатъий равиша рад этади, айбнома остига «Ўзимни айбдор деб тан олмайман» деб ёзди ва имзо чекади.

Тергов жараёнида Қодирий айбини чукурлаштирадиган янгидан-янги «далил-ашёлар» топилади, «Муштум» редакциясида Қодирий томонидан таҳрир қилиниб, босмахонага туширилган Хуршид қаламига мансуб «Бон-бон» мақоласи ҳам ёзувчини айловчич ҳужжат қаторига киритилади. Гўё бу мақола ҳам муҳаррир томонидан босишига яроқсиз деб топилган, аммо Қодирий муҳаррир резолюциясини ўзгартириб, сохталаштириб, ўзича таҳрир этиб, ўз фояларига мослаштириб босмахонага юборган... Агар бу даъво тўғри бўлса, Қодирий яна жиноят кодексининг 116, 128, 129, 142-моддаларига биноан жавобгарликка тортилиши керак эди. З апрелда тузилган бу айбномани ҳам Қодирий «ўзимни айбдор деб тан олмайман» деб этади.

Терговга Қодирийнинг кўпгина ҳамкаслари гувоҳ сифатида ҳақирилади. Уларнинг аксарияти ё ҳасад, ё ғараз-адоват, атайн қасд олиш ёки ўз жонларини ўйлаб, кўрқоқлик қилиб ҳақиқатдан тонадилар, юзсизларча ёлғон гувоҳлик берадилар, очиқдан-очиқ Қодирийга тұхмат қиласдилар. Бу ҳол Қодирийни ларзага, чукур изтиробга солади. Айниқса, Хуршид Шариф, Зиё Сайд ва Комил Алиевларнинг мунофиқлиги уни лол қолдиради.

Тергов ўтгач, маҳбус Абдулла Қодиров 8 июнда Самарқандга олиб борилади. Бир ҳафтадан кейин 15 июнда Қодирий устидан суд бошланади. Суд уч кун давом этади ва 17 июнь куни якунланади, уни икки йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилади.

Тергов ҳужжатларини кузатганда бир нарса аён бўлади. Ҳукуқалия ходимлари томонидан Қодирий ҳибсга олинган дақиқалардан бошлаб то суд ҳукми чиқарилгунга қадар адолат йўлидан бориб ҳақиқатни аниқлаш эмас, ҳужжатларда бобма-боб адигба қўйилган айбларни тасдиқлашга, ҳатто жиноий ишни чукурлаштиришга

ҳаракат қилинган. Қамоқда, тергов пайтида устига бўхтондан иборат айблар қўйилганида, айниқса, ҳамкасларининг юзсизларча мунофиқлик қилаётганини кўрганда адаб қандай аҳволга тушганини, бу имони бутун, ўта ҳалол, ростгўй, мард йигит қалбida қандай түғёнлар кечганлигини хаёлан тасаввур қилиш мумкин. Агар ўша кескин драматик руҳий ҳолат тўла тикланса, шекспирона трагедия туғилиши аниқ.

«Қодировнинг иши»га оид ҳужжатлар орасида «Сўроқ мажлиси протоколи» нисбатан батафсил, ўзбек тилида саводли тузилган. Унда гувоҳларнинг сўзи билан бирга Қодирийни айблаш учун келтирилган «Йигинди гаплар» мақоласи хусусида муаллифнинг тушунтириш-изоҳлари — кулгининг моҳияти, тарихи ҳақидаги кенг шарҳи, шунингдек, адебнинг қисқача таржимаи ҳоли, ўзининг асли foя ва маслаги билан таништирувчи иқорномаси мавжуд. Уларда Қодирий ўзига қўйилган айбларнинг бошдан-оёқ нотўғри, мантиқсиз ва фаразгўйликдан иборат экани, ўзининг кимлигини — ўтмиши ва ҳозирги қунини, эътиқод ва маслагини баён этиб беради. «Суддаги нутқ» деб ном олган бу тарихий ҳужжатда Қодирий табиатига хос кўп жиҳатлар — мустаҳкам имон-эътиқод, катта ақлзаковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ҳақгўйлик, мардона бир шижаот — барчаси ёрқин намоён бўлган. Хийла босиқлик, мулоҳазакорлик билан сўзланган нутқда, барибир, ёзувчининг ҳиссият олами кишиси экани, унинг ёниқ қалби, юрак түфёни, ғазаби, нафрати, алам-изтироблари, фифони — барчабарчаси баралла сезилиб, эшитилиб турибди. Ёзувчи «Йигинди гаплар»нинг ёзилиш, редакциядан ўтиш жараёни тўғрисида гапириб, бу ҳодиса гувоҳларни келтириб, мақола ўзбошимчалик билан эмас, аввало, масъул муҳаррирнинг розилиги, ташабуси, мақола билан танишган бир қатор редакция ходимларининг маъқуллаши, хайриҳоҳлиги билан чиққанлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар билан исботлайди. Қодирий мақоладаги жумхuriят масъул раҳбарлари — Охунбобоев ва Икромовга даҳлдор жумлалар, яъни овсар одам тилидан берилган гўё Охунбобоев билан Икромовни танқид қилаётгандай бўлиб кўринган гаплар аслида улар шахсиятини камситиш, обрўсизлантириш бўлмай, балки бунинг акси, ҳазил-мутойиба — овсарона танқид йўли билан улар ёнини олиш эканини айтади. Бунинг учун кишида озгина фаросат, ҳазил-юмор туйфуси бўлиши лозимлигини уқтиради. Шу мақсадда у кулги табиатини тушунтириб беради, кулги тарихини эсга олади. Кулги табиатини билмаслик, ҳис этмаслик, бу борадаги бе-фаросатлик, жаҳолат тарихда қандай фожиаларга олиб келганлигини эслатади. «Йигинди гаплар» мақоласининг маъноси келган-кетган гаплар деган сўздир, ҳам фақат кулги тарикасида ёзилғондир», — дейди адаб. «Одил судлардан сўрайманким, — деб давом этади у,

кулғи ҳақындағи түшүнтириш ва «Йиғинди гаплар» шарҳидан сүнг, — мен айбланған мақолани маним устимда турлик шубҳалар туғдирғон күлгүликтен шу юқорида санолғон мезонларға солиб текширилса ва ҳукм берилса экан. Күлгүликтә улар айтғандек ёмон ният билан яширилғон ҳеч бир маңын йўқ. Ҳарна ёзилғони бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-дехқон манфаати кузатилиб айтилган, ҳукумат кишиларига бўлғон гаплар ўртоқлик ҳазили, шахсий мазохор».

Бас, шундай экан, мақола устидаги машмашаларнинг сабаби ёзувчига аён. «Судга мен қораланғувчи — қора курсида ўлтиргувчининг фақат шахсий адоват орқасида бу ҳолга тушганим яхши англашилди деб биламан... бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг, билмадим, қандоғдур тарозуларига солиб, заарллик топишлари эрса гарразгўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир», — деган узил-кесил хуносага келади адид.

Қодирийга, айниқса, бирга ишлаган, кечагина бир дастурхон атрофида ўтирган ҳамкасбларининг сўроқ пайти «шахсий адоватга кетуб» ёлғон гувоҳлик беришлари алам қиласди. «Бу гувоҳларнинг мундоқ гапириши фақат шахсий адоватдан иборат, чунки бирон вақт жонларига теккан бўлсан керак», — дейди у фифони ошиб. Сүнг «аммо қай тариқада уларға гап тегдирганимни айта олмайман» дея хаёлга толади. Ёзувчи ўша мунофиқлардан баъзиларининг номларини тиља олиб ўтади. Мана, улардан бири: «Гувоҳ Зиё Сайдийни оғзаки танқид қиласр эдим. Матбуотда танқид қилғоним йўқ. Қисқаси, умуман Зиё Сайдий ва бошқалар менга қарши бўлғонлари учун ёлғондан гувоҳлик берадурлар».

Яна бири эса масъул муҳаррир Комил Алимов. Мақолани зааррасиз ва журналга мувоғиқ топиб босишга рухсат бергувчи унинг ўзи бўлган. «Бу кун, — дея ажабланади Қодирий, — ўз лавзидан қайтиб, виждони олдида қип-қизил ажива бўлгувчи, мени қоралагувчи ва устимга бошқа бўхтонларни тақиғувчи ҳам унинг ўзи бўлди». Бугина эмас, ёзувчининг айтишича, бу одам Қодирий теварагидаги катта бир кампанияга бошчилик қилган: «Уч ойлардан бери матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлғон ҳақсиз хужумлар, англашмовчиликлар, bemaza иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили ҳам шубҳасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангидаги бўялди».

Қизиги шундаки, Комил Алимов Абдулла Қодирий қандай киши эканини яхши билган, чунки Қодирий Москвада ўқиган кезлари олти ой у билан бир ҳужрада яшаган, бинобарин, Қодирийнинг қанақа йигит эканини яхши синаған эди. Қодирийнинг айтишича, 1925 йил июнь ойида ёзги таътилга Тошкентта қайтиб, 1925—26 ўқув йили таҳсилига Москвага бораман деб тайёргарлик кўраётганида Комил Алимовнинг ўзи уни олиб қолган, унинг таклифи билан «Муштум» хизматига киришган. Ана шундай одам қалтис

вазият келганида тўнини тескари кийиб олади, журнал билан боғлиқ можародан қуруқ чиқиш учун ўз тинчини ўйлаб, масъулиятни бўйнидан бутунлай соқит қилмоқчи, ҳамма айбни Қодирий зиммасига юкламоқчи бўлади. Ёзувчи бундай мунофиқ, тубан шахслар олдида ўзини мардона тутади, бирор ўринда бўлмасин паст кетмайди, туҳмату бўхтонлардан, сиёсий айблар ва даг-дағалардан чўчимайди, таҳликага тушмайди, ҳеч кимдан мадад, ҳимоя сўраб ялинмайди. «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдирган йигит эмасман», — адабнинг бу гапи ниҳоятда самимий, унда ҳеч қанақа муболага йўқ.

Ҳа, Қодирий ҳақиқат, озодлик, адолат йўлидаги мардона, қаҳрамонона шахс эди. У фақат суддаги охирги сўзида эмас, уч ойдан ошиқроқ қамоқда ётган кезларида, терговлар, ҳар хил тазииклар пайтида ҳам сира иккиланмай, қатъий туриб ўз шаънини ҳимоя қилади. Адолатсизликларга норозилик сифатида очлик эълон қилганида неча бор уни бу ниятидан қайтармоқчи бўладилар, аммо Қодирий бунга кўнмайди, очлик салкам икки ҳафта давом этади, Қодирийнинг саломатлиги ўта ёмонлашиб, ҳаёти хавф остида қолади, шунда уни касалхонага ўтказиб, зарурат туғилганида сунъий равишда овқатлантиришга жазм этадилар... «А. Қодиров иши»га оид ҳужжатлар орасида адабнинг 9 апрелдан 18 апрелга қадар касалхонада ётиб даволангандиги ҳақида врач маълумотномаси бор. Эҳтимол, Қодирий онасининг бу воқеалардан хавотир олиб қамоқхона раҳбариятига ёзган ташвиш тўла арзномаси билан танишиб, муштипар она кўнгли деб очликни тўхтатган бўлиши мумкин. Акс ҳолда у адолат тикланмагунча, ўзига қўйилган асоссиз айблар устидан олиб ташланмагунча аҳдидан қайтмаслиги аниқ эди...

Бироқ, шуларга қарамай, Қодирий, барибир, тирик инсон. У ҳар қанча мардона шахс бўлмасин, ўзининг ҳақлигига ишонмасин, ўзи атрофидаги машмашалар туфайли «майда кишилар» қутқуси билан айбсиз айбдор бўлиб қолиши; жамоат ишига жонини тиккан ҳақиқатгўй бир инсон тескаричи сифатида шўро ҳокимияти қамоқхонасига тушиши — шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг бу гаройиб шеваси, бундай мислсиз хўрлик адаб қалбини пора-пора қилади. «Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир». Адабнинг алам-ўқинчларга тўла бу қалб фифони уни шу кўйларга солган, шундай қарорга келишга мажбур этган тубан кимсалар, ўша муҳит-вазият устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди.

Маълумки, Октябрь инқилоби мамлакат, кўхна Туркистон халқлари тарихи, тақдирида оғир из қолдирди. Шўролар мағкураси

ва сиёсати кўплаб софдил зиёлиларни чалғитди. Муайян хайрли ишлари билан баробар инқилобнинг емирувчилик томонлари кенг намоён бўла борди; кўхна ўтмишни, ўтмишдан қолган жамики қадриятларни, дин, ахлоқ, фалсафа, адабиёт ва санъат, кўхна маданиятнинг кўпдан-кўп нодир намуналарини инкор қилиш, маҳв этишга уриниш кенг ёйилди, янги маданият, адабиётнинг бир қатор пешқадам вакиллари, масалан, инқилобчи шоир Ҳамза «Эски турмуш боғлари»ни «қарға, зоғлар»га макон қилиб қолдиришга, «Эски турмуш»ни бутунлай бузиб, замон ичра «янги турмуш»ни тузишга чорлади, бу йўлда «Бизга кимлар қарши турса, шартта-шартта отамиз!» деб чиқди. Бундай кайфият қисман Қодирийда, унинг публицистик чиқишлирида ҳам кўринди. Энг ёмони, инқилобий жангарилик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги оддий инсоний муносабатлар, Шарқ ҳалқарига, айниқса, зиёлиларига хос юксак ахлоқ, одоб-андиша дарз кета бошлади, кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоявий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бир-биридан айб, ғоявий хато қидириш, бир-бирларининг устидан тегишли идораларга донос — гап етказиш одат тусини олди, ҳатто бу ҳол 20-йилларнинг ўрталарига келиб даврнинг ахлоқ нормаси, давлат, партия сиёсати даражасига кўтарилди. Шу тариқа одамлар орасида бир-бирига ишончсизлик, юзсизлик, мунофиқлик кенг ёйила бошлади. Боя кўриб ўтганимиз — Қодирий билан унинг энг яқин кишилари — Комил Алимов, Фози Юнус, Зиё Сайд каби ҳамкаслар орасидаги кўнгилсиз можаролар шу файриинсоний вазият, носоғлом сиёсатнинг оқибатидир. Қарангки, шу файриинсоний, файриахлоқий вазият, сиёсатнинг ўзбек зиёлилари ичидаги илк қурбонларидан бири — энг ҳалол, юксак эътиқод, мисллиз истеъод соҳиби, ҳаққўй адаб Қодирий бўлди.

Қодирий Октябрь инқилоби туфайли сўз эркинлиги, жасорат олдик деб кувонган эди, энди бор овоз билан ҳақиқатни айтиш, ёзишга чоғланган эди; у инқилобни, янги ҳаётни олқишлаш, ҳимоя қилиш билан баробар янги ҳаёт йўлидаги хилма-хил тўсиқларни фош этишга, шўро воқелиги ривожи зиддиятларини холис туриб кўрсатишга жазм этди. У билардики, янги ҳаёт йўлидаги тўсиқлар фақат бой, домла-имом, руҳонийлар қаршилигидан иборат эмас, янги дунё қурувчилари ҳаракати, интилишининг ўзи ички зиддиятларга, қарама-қаршиликларга эга; қатор чиқишлирида, хусусан, ҳажвий асарларида адаб мана шу зиддиятлар моҳиятини очишга, бадиий таҳлил этишга интилди. Аммо унинг бу интилишлари бирин-кетин зарбага учрай бошлади. «Московдан хатлар»и тақдира ида буни аниқ сезди; «Йигинди гаплар»даги айрим ҳаёт зиддиятларига юмористик муносабат, ҳукумат кишилари ҳақидаги беозор кулги бу қадар шов-шуввларга, оғир кўргиликларга олиб келишини у бошда хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Демак, бу

даврга келиб шўро воқелиги зиддиятларини кўрсатиш, салгина бўлсин жамият, унинг раҳбарияти ҳақида танқидий гап айтиш имкони битди. Хуллас, 1926 йилги Қодирий фожиасининг асл илдизи ўша кезлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, мамлакатда бошланган Октябрь инқилоби, социализм идеаллари ва ваъдаларидан чекиниши ҳодисасига бориб тақалади.

Аммо Қодирийнинг энг катта баҳти шундаки, у муайян муддат давр таъсирига берилган, қизиллашган, замона суронлари гирдобида гоҳо бир ёқлама сўзлар айтган, давр тўзони ичра қолиб бошига оғир савдолар тушган бўлмасин, барибир, 20-йиллар алғовдалғовларидан омон чиқди, оқибат-натижада давр тазиикларини енгигиб ўтиб, улардан юқори кўтарила олди, хусусан, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари билан замонасидан бир неча ўн йиллар олға кетди.

Шу пайтга қадар «Ўткан кунлар» романидан парчалар 1922 йилда «Инқилоб» журналида босила бошлаганлигини, 1925 йили асарнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида ҳолда, сўнг 1926 йили ёзувчининг жиддий таҳрири билан яхлит ҳолда китоб бўлиб чиққанини билар эдик. Адид романни қачон ёзишга киришгани ҳақида ҳар хил тахминлар юрарди. 1937 йили Қодирий устидан уюштирилган жинойи иш, тергов материалларининг эълон этилиши туфайли маълум бўлдики, адабнинг ўзи «Ўткан кунлар»ни 1919 йилда ёза бошлаганини айтган. Романнинг 1925 йили чоп этилган биринчи бўлимига илова тариқасида битилган «Узр»да адид бу асар дунёга келиши биланоқ баҳтсизликка учрай бошлагани, «беш йиллаб босила олмай» ётгани ҳақида куйиниб ёзди. Демак, роман 1920 йилда ёк асосан ёзил тугатилган, аммо асар қўлэзмаси устидаги иш у тўла ҳолда нашр этилгунга қадар давом этган.

Ёзувчи «Ўткан кунлар»да холис — объектив туриб XIX аср ўрталаридағи Туркистон тарихининг, ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини беради, муҳим тарихий жараёнларни чуқур бадиий таҳлил этади, даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади, ўша замон кишиларининг аҳвол-руҳияти, орзу-интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқулодда билан маҳорат билан ёрқин образлар орқали кўрсатади. Адид асар ёзилган давр ҳукмрон мағкураси таъсирига, ўзининг ўша кезлардаги синфий майлларига берилмай, реализмнинг бош принциплари асосида реал ҳаёт қандай бўлса, ўшандайича кўрсатади. Назаримда, илк бор худди шу роман орқали ўзбек халқи ўзининг бўй-бастини, асл қиёфасини, ички дунёсини, кучли ва ожиз томонларини бор бўйича худди тиниқ ойнадаги ҳар бўлди. Бу роман ўзбек адабиётида реализмнинг ҳақиқий тантанаси, катта ютуғи бўлди.

Адид ўтмишдан олиб ёзган бу асарида ўтмиш ҳақиқатини асло бузмаган, замонавийлаштирмаган ҳолда замонавий мавзудаги

асарларида замонаси ҳақидаги айтолмаган жуда кўп гапларини айтишга, ўзини тўлқинлантирган талай муаммоларга қарашини изҳор этишга эришди. Россияга муносабат, ҳалқнинг бирлиги, озодлиги, шахс эрки, ахлоқ, оила, севги каби масалалар бўйича ёзувчи илгари сурган гоялар, хусусан, ҳалқнинг ўтмиши, ўтмиш маданияти инкор этилаётган ўша 20-йиллар шароитида, тарихимизнинг энг кир, қора кунларида ҳам ҳалқимиз орасида ажойиб сиймаларнинг борлиги, улар одамдек яшаб ўтганлиги, уларнинг катта қалби, юксак маданияти, орзу-интилишлари, изтироб ва қувончлари тасвири — булар ўша давр маъмурий қўмондонлик сиёсати билан пинҳона баҳс-мунозара самараси эди.

Романи ўзбек ўқувчиси, бутун туркий тилда сўзлашувчи ҳалқларнинг зукко кишилари катта байрамдек кутиб олдилар, роман тилларда достонга айланди, у қисқа фурсатда қайта-қайта чол этилди, бир неча тилларга таржима қилинди.

Афсус, адабий танқид ўз вақтида романнинг ҳаққоний баҳосини беролмади; ёзувчи М. Шевердин уни заарарли асар деб баҳолади, мұнаққид Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар» ҳақидаги рисоласида роман мөҳиятини бузиб кўрсатди. Ҳатто Ойбекдек зукко шахс «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида адаб маҳорати хусусида илиқ гаплар айтса ҳам романнинг гоявий йўналишини бир ёқлама талқин этди, асарнинг асл мөҳиятини очиб беролмади. Роман тўғрисидаги чин ҳақиқат факат 60—80-йилларга келиб юзага чиқа бошлади, лекин ҳамон бу ҳақиқат тўлалигича кашф этилгани йўқ. Бу романни ҳар бир давр, ҳар бир китобхон ва табиийки, ҳар бир адабиётшунос, танқидчи ўзича идрок этади, кашф қиласи. Роман ҳақида кейинроқ маҳсус тўхталамиз. Ҳозирча эса ёзувчи 20-йилларнинг бошларида қандай қилиб «Ўткан кунлар»дек, А. Қаҳҳор ибораси билан айтганда, янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли роман яратишга эришди, реализмнинг юксак чўққисига кўтарила олди, деган ҳайратомуз саволга қисман жавоб излашга уриниб кўрамиз.

Аввало, Қодирий ноёб истеъдод эгаси. Ойбек айтганидай, у ижодда «турмушни бадиий кўрсатиш» бобида фоят тез ўди, унинг насрдаги усталиги тез мукаммалашди. «Жувонбоз» билан «Улоқда» ҳикоясини қиёслаб кўринг. Орадан бир йил ўтар-ўтмас реализм томон шу қадар олға кетиш ҳайратомуз ҳодиса. Гоҳо бутун бошли адабиёт ва улкан истеъдоллар бунақа эволюцияни босиб ўтиши учун бир неча ўн йиллар керак бўлади... Бу орада Қодирий юрги катта ижтимоий силсилалар палласига — миллий озодлик, инқи-лобий воқеалар даврига кирди, адаб бундай ҳаракатларда фаол иштирок этди, сўнг шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида янги ҳаёт, янги маданият, матбуот, адабиёт яратиш учун кетган шиддатли ва зиддиятли курашнинг олдинги сафида борди. Ҳаётдаги

инқилобий ўзгаришлар, қизғин фаолият адибдаги катта маънавий-ижодий имкониятларни, ёзувчи истеъдодининг яна ҳам тезроқ, тўлароқ юзага чиқишига олиб келди. 20-йиллар ватан адабиётида бунақа ҳодисалар кўп бўлган. Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби улкан санъаткорлар истеъдодининг худди ўша йиллари кенг намоён бўлганлигини эсланг.

«Ўткан кунлар»дек романни яратиш учун ёзувчидаги катта адабий билим, эстетик бисот бўлиши лозим. Ёзувчи ёшлигиданоқ Шарқ ва Farb маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига мұяссар бўлди. Рус-тузем мактабида ўқиб, рус тилини эгаллади, мадрасада таълим олиб, араб ва форс тилларини, адабиётларини чукур ўзлаштириди; татарларда ва қардош туркӣ тилларда чиқиб турган театр ва янги типдаги проза намуналари билан танишди; ўзи эътироф этганидек, турк миллий адабиётининг ўша даврдаги машҳур насрчилари Ёкуб Қодирий, Фолих Рафиқий, Равшан Ашраф, Яхъе Камоллар унинг севимли ёзувчилари эди; араб адаби Жўржи Зайдон романларини севиб мутолаа қилди; Зайдонни ўзини роман ёзишга ҳаваслантирган устоз деб атайди. Қодирийнинг 20-йилларда ёзган адабий-танқидий мақолаларида рус ва Европа адабиётининг Данте, Сервантес, Чехов, Гоголь каби буюк намояндалари номлари учрайди, бугина эмас, ёзувчи бу адиллар ижоди моҳиятини чукур англаб етган, уларнинг айрим асарлари хусусида теран фикр-мулоҳазалар билдирган. Умуман олганда, 20-йилларда Абдулла Қодирий ҳар тарафлама шаклланган мукаммал реалистик эстетик концепцияга эга. Шуниси муҳимки, Қодирийнинг реализмга оид назарий эстетик қарашлари бевосита ижод жараёнида амалиёт билан бирга туғилди, шаклланди. 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳеч ким Қодирийчалик реализм назарияси билан бу қадар кенг машғул бўлмаган. Қолаверса, ўша кезлари бизда ҳеч ким реализм бобида ижодда Қодирий даражасига кўтарила олмаган. Жаҳон адабиётидан яхши биламизки, реализмнинг эстетик концепциясини биринчи галда реалист адилларнинг ўзлари ишлаб чиққанлар. Ўзбек адабиётида шу буюк вазифани ўташ биринчи галда буюк реалист адаб Қодирий зиммасига тушди.

Ниҳоят, яна бир муҳим ҳолат. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни устидаги ишни интиҳосига етказиш унинг Москвада ўқиган даврига тўғри келади. Ёзувчи «Таржимаи ҳол»ида Москвага ўқишига боришибабини шундай изоҳлайди: «Октябрь кундан-кунга ўсади. Унинг ўсиши баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсади. Юқорида ҳам айтиб ўтдим. Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпа гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда

хизматимдан жавоб олиб, Масковга ўқишига кетдим. Мақсадим, учтүрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди».

Бу — ўта камтар ва ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан, билимга, маърифатга чанқоқ одамнинг дил сўзлари, орзу-ниятлари. Афсус, у ўзи ният қилгандай уч-тўрт йил Москвада бўлолмади, фақат бир ўқув йилигина марказда Валерий Брюсов номидаги Бутуниттифоқ адабий-бадиий институтда таълим олди. Бироқ шу бир йиллик таълим ҳам Қодирийнинг маънавий чанқоқлигига бир қадар таскин берди. Қодирийнинг Москвадаги ҳаёти, фаолияти ҳали яхши ўрганилган эмас. Ўша йиллари институтда қанақа фанлар ўтилган, кимлар маъруза ўқиган, машгулотлар олиб борган, Қодирий нималарга кўпроқ қизиқсан, институт таълими унга нималар берган — бу хил саволлар ҳозирча очиқ турибди. Аммо бир нарса аниқ — ёзувчи Москвада эканлигига ўқиш билан баробар ижодий фаолиятни изчил давом эттирган, Москвада ёзилиб, жумхурият матбуотида босилган «Московдан хатлар» туркуми, «Миллий ашулачимиз фалончи Италиядан ўқиб қайтдими?» каби мақола ва ҳажвий асарлари шундан далолат беради. Эҳтимолки, «Ўткан кунлар» романни устидаги ижодий иш ҳам Москвада интиҳосига етказилгандир. Москвада ёзилган асарларга назар ташланса, уларда адабининг мушоҳада доираси хийла кентайғанлиги, ҳалқимизнинг, миллий маданиятимизнинг аҳволи ва истиқболи тўғрисида кенг миқёсларда туриб қуюнчаклик билан фикр юритаётганлиги англашилади. Шунингдек, Москва таълими жумхуриятимиздаги кўпгина инқилобий жараёнларни қайта идрок этиш, адабни ўз фаолияти, хатти-ҳаракатларига танқидий қарашга ҳам ўргатди. Буни у кейинроқ ёзган айрим ишларида, жумладан, «Шаллақи» мақоласида эътироф этади.

Қодирийнинг Москвадаги фаолияти, ижодини атрофлича ўрганиш бу ёқда турсин, гоҳо Москвада ёзган айрим ҳажвий асарларини бир ёқлама баҳолаш ҳоллари ҳамон давом этади. Чунончи, айрим адабиётшунослар «Московдан хатлар»ида муаллиф ҳаётдаги икир-чикирларни (Ўзбекистондан ўқишига бориб, майшат билан машғул бўлган ҳаромхўрларни) тасвирлаш билан овора бўлиб кетиб, шўро мамлакати пойтахтидаги ажойиб ижобий ҳодисалар ҳақида ўқувчига тасаввур беролмайди» (И. Султонов) деган фикрни илгари сурадилар. Ҳолбуки, ёзувчи Москвадаги «ажойиб ижобий ҳодисаларни» кўрган, яхши билган, мақолаларида, жумладан, «Московдан хатлар»ида ҳам буни алоҳида таъкидлаган. Аммо бу туркум мақолаларида ёзувчининг мақсади «ажойиб ижобий ҳодисалар» ҳақида хабар қилиш эмас эди, у «Московдан хатлар»ида «Муштум» вакили, мухбири сифатида иш кўради, айни шу сатирик журнал учун «Муштум»боп ҳодисалар ҳақида ёзади. «Московдан хатлар»ининг аввалидаёқ ўз муддаосини ошкор этади:

«Муштум!» Ҳузурингдан чиқар чоғимда менга берган ваколатинг ҳамон бўйнимда тумордир. Бироқ, сипоришингни қайси йўсин билан бажаришга ҳайронман. Чунки Московнинг барча ишлари олипта: санга ярарлиқ ерини тутиб бериш қийин...».

Муаллиф шу қийин ишга қўл уриб Москвадаги Ўзбекистонга алоқадор масалаларга эътиборни тортади, Москвада яшаётган, таълим олаётган ўзбеклар ҳаёти билан боғлиқ ҳажвиялар яратади. Фақат маънавий бузуқ кимсалар қилмишини фош этиш билан чекланмай, адабиёт, матбуот, маданият муаммоларини ҳам кўтагради, чунончи, Олтой деб аталган ёш шоирнинг футуристик изланишларини танқид қилувчи машхур мақоласи ҳам шу туркумдан жой олган.

20-йиллар ўрталарига келиб ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда таркиб топа бошлаган носоғлом муҳит-вазият унинг кўп эзгу ниятлари йўлига ғов солди. Ёзувчининг номи эл орасида достон бўлган, «Ўткан кунлар» романи босилиб, қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, адаб ҳаёли янгидан-янги ижодий режалар билан банд бўлиб юрган бир пайтда у, кўриб ўтганимиздек, мудҳиш муҳитнинг, нобоп сиёсатнинг қурбонига айланди, ёзувчи айтмоқчи, маънавий ўлим билан ўлдирилди. Адабнинг ҳаётдан, ижоддан, ҳамкасб дўстларидан ихлоси қайтади, ҳафсаласи пир бўлади, энди у жисмоний ўлимига ҳам рози эди. Яхшиямки, ҳали асл эзгу идеаллар барҳаёт экан, одамлар, ҳамкаслар орасида инсоф, диёнат тугаб битмаган экан, юқори доираларда инсофу адолат йўлини тутадиганлар бор экан. Ёзувчи қамоқда эканида кўплар Қодирий ва Қодирийлар хонадонидан юз ўгириб кетганида машхур драматург Ғулом Зафарий Қодирийлар оиласи жонига оро киради, ҳолидан хабар олиб туради, онаси номидан тергов органларига аризалар ёзиз, Қодирий мушкулини осонлаштириш йўлини қидиради. Халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобов Қодирий устидаги машмашалардан огоҳ бўлгач, адаб ёнини олади, унинг ташаббуси билан ижтимоий шўролар жумҳурияти Олий суд ҳукмини бекор қилади, Қодирий озодликка чиқади.

Қамоқда инсонлик шаъни, номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адаб ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди. Аммо бўлиб ўтган даҳшатли қуон асорати бир умрга кўнглида, тақдирида, фаолиятида ўз таъсирини, қора кўланкасини қолдириди. Аввало, 1926 йил можаросидан сўнг у матбуотдан, ижтимоий ишлардан кетади, етти-саккиз йил давом этган жўшқин журналистик-публицистик фаолият энг авжида бирдан узилиб қолади. Шундан кейин ҳам Қодирий гоҳо-гоҳо матбуотда адабий-танқидий, публицистик мақолалар билан кўринади, аммо ғаламислар қилмиши, нобоп муҳит тазиёки туфайли ўзбек миллий матбуоти, публицистикаси, бинобарин, кенг

журналхонлар, газетхонлар оммаси ўзининг тенгсиз соҳиби қаламидан, жонқуяр, фаол матбаа ташкилотчисидан тириклайн айрилди. Бунинг учун тарих ўша қаллоб кимсаларни, ўша мудҳиш муҳитни ҳеч қачон кечирмайди.

Қодирий озодликка чиқиб, муайян муддат нафасини ростлаб олгач, 1926 йил кузида «Ўткан кунлар» устидаги иш пайтидаёк ўйлаб қўйган режасини рўёбга чиқаришга — «Мехробдан чаён» романини ёзишга киришади. Роман нисбатан тез ёзилди, 1928 йилнинг февраль ойида асар устидаги иш интиҳосига етди, роман 1929 йил мартаида Самарқандда босилиб чиқди. Гарчи бу асар мавзуи XIX асрдан, кейинги хонлик замонидан олинган бўлса ҳам, давр воқеаларини, ижтимоий жараёнларни, зиддиятларини, давр одамлари руҳияти, орзу интилишлари, кечмишларини, ҳаққоний, бетакрор тарзда зўр реалистик куч билан ифода этган бўлса ҳам, унда замонавий руҳ кучли.

Юқорида айтилганидек, 1926 йили Қодирий бошига тушган савдолар қоғозга туширилса, зўр фожиавий асар пайдо бўлиши мумкин эди, аммо бунинг иложи йўқ, эканлигини Қодирий яхши биларди. «Мехробдан чаён» романини ҳар гал қайта ўқиганда шахсан менга унда ёзувчи гўё 1926 йил фожиалари ҳақида ҳикоя қилаётгандай, ўша мудҳиш машмашаларни ўтган асрга кўчириб, хонлик саройи, саройдаги муншийлар орасидаги можароларга ўраб, ўзгача кўринишида гавдалантираётгандай бўлиб туюлаверади. Асарни «Мехробдан чаён» деб аташ, унда кўпроқ зиёлилар — мадраса кўрган мактабдор мулла одамларни қаҳрамон қилиб танлашдан мурод айрим адабиётшунослар ўйлаганича «мусулмон руҳонийларининг реакцион ролини фош» этишдангина иборат эмас, балки муқаддас даргоҳдан чиққан, муқаддас даргоҳга номуносиб мунофиқ, қаллоб, тубан кимсаларга, зиёли, билимли бўла туриб илмига амал қилмайдиган, муқаддас даргоҳни, эътиқодни оёқ ости этадиган, шахсий манфаат, мансаб-мартаба йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, истеъодоли, ҳалол одамларни кўролмайдиган ҳасадгўйлар қилмишига ишорадир. Кўпинча «Ўткан кунлар»даги Отабекни Қодирийнинг ўзига қиёс қиласидилар. Отабекда ҳам, қолаверса, адабнинг бошқа йирик асарлари бош қаҳрамонлари образи сиймосида ҳам ёзувчининг ўзидан кўчиб ўтган анчагина жиҳатлар, хислат-хусусиятлар бор. Аммо «Мехробдан чаён»даги Анвар қисматида, Анвар теварагидаги фиску фасодлар, қаллоблар куткуси билан Анвар бошига тушган кулфат-кўргиликлар, унинг қалб изтироблари, қаллобларга чексиз нафрати ифодасида Қодирийнинг ўз бошидан ўтган, қалбидан кечган изтироблари шундоққина билиниб, кўриниб турибди. Зотан, «Мехробдан чаён» устида иш олиб бораётганида «маънавий ўлим билан ўлдирилган» Қодирийнинг қалб яраси ҳали битиб ултурмаган эди... Эҳтимол, роман

услубидаги муайян шиддат, ошкора публицистик талқинлар ёзувчининг ўша кезлардаги руҳий ҳолати билан ҳам изоҳланар. Албатта, «Мехробдан чаён»дек етук романнинг асосий пафоси, маъно кўламини фақат ёзувчи биографиясидаги драмалар билангина чеклаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Ишимизнинг «Мехробдан чаён» таҳлилига бафишланган бобида романнинг фоявий-бадиий бисоти ҳақида муфассал тўхталамиз.

Абдулла Қодирийнинг ижодий қисмати тимсолида умуман 20—30-йиллар ўзбек адабиёти ривожига хос зиддиятли, драматик жараёнларни кўриш — кузатиш мумкин. Ҳар қанча мураккаб, алғовдалғовларга тўла бўлмасин, 20-йилларнинг биринчи ярмидаги адабий ҳаёт чиндан ҳам кўп қиррали, жўшқин жараён сифатида борди; жамики кам-кўстларига қарамай адабиётда хилма-хил ижодий майлар, қарашлар, ранг-баранг истеъдоларнинг, кутилмаган, фавқулодда бадиий қашфиётларнинг юзага чиқишига, кўнгилдаги гапларни рўй-рост айтишга, ижодий изланишларга имкон бор эди. Бора-бора мана шу имкониятлар торайди, гўё ҳар бири ўзича садо бериб, шарқираб оқиб, яхлит миллий адабиёт уммонига қўйилган ирмоқлар қаттиқўл миробнинг назорати остида бир ўзанга йигилиб, бетон ариққа солиб юборилди, шу тариқа ҳар бир ирмоқ ўз қиёфаси, овозини йўқота бошлади. Ҳаммани бир хилда фикрлаб, бир хил гапни айтишга мажбур этилди. Бу ҳақиқий истеъдол эгаси учун оғир кўргилик эди. Ўша кезлари замон шароити ва мажбурияти олдида осонгина таслим бўлиб, нуқул юқори доирадагилар юргизган сиёсатнинг, ҳукмрон мафкуранинг қулига, ҳозиржавоб тарғиботчисига айланган ижодкорлар ҳам кўп бўлди. Бироқ қанчалар қаршиликка, зарбага учрамасин, гоҳо замона билан муайян даражада йўлигагина муросага борса ҳам, барибир, моҳият эътибори билан ўзлигига, имон-эътиқодига, ҳаёт ҳақиқатига содик қолган мардана адиблар ҳам бор эди. Ўзбек адабиётида Чўлпон билан Қодирий шулар жумласидан. Чўлпон кўп танқид ва таъқиблардан сўнг 20-йиллар охирига келиб шеъриятда кўнгил розини изҳор этишдан бирмунча тийилди, давр ўзанига тушиб, дилидагиларга зид гапларни шеърга sola бошлади. Аммо, айни пайтда, чин қалб розини ифодалаш учун бошқа йўллар ахтарди, Қодирий каби ўтмишга мурожаат этиб, йирик роман «Кечава кундуз»ни ёзи. Бу 30-йиллар шароитида кўнгил розини изҳор этиш, чин ҳақиқатни айтиш йўлида дадил қадам эди. Ўша 30-йилларнинг ўта қалтис шароитида Қодирийнинг замонаси воқеаларига фаол муносабат, ўткир муаммоларига жавоб тариқасида «Обид кетмон» романини яратиши ҳақиқатан ҳам катта жасорат бўлди. «Кечава кундуз» ҳам, «Обид кетмон» ҳам замонасининг етакчи адабий ўзанига тушмайдиган, ҳукмрон мафкурасига мос келмайдиган асарлар эди.

Қодирийнинг машъум 1926 йилдан кейинги ҳаёти, ижодий қисмати ғалати жумбоқ. Бир қарасангиз, Қодирий ижтимоий фаолият, идора ишлари ташвишларидан озод, эркин ижод кишиси; у Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасидаги боғида тинчгина ижод, мароқли жисмоний меҳнат билан банд; ўз режаси асосида қурдирган машхур шийпонида ҳар хил меҳмонларни кутиш, атоқли ёзувчи, рассом, бастакор, хонандалар билан сұхбат, базм куриш билан банд. Унинг ҳузурида А. Толстой, С. Айний, Сўфизода каби таниқли адиллар меҳмон бўлади, кўплаб ёш истеъодлар уни зиёрат қилиш, сұхбатини олиш учун келишади... Баъзи замондошларининг хотира-мақолаларида талқин этилишича, Қодирий ўша кезларда гўё Лев Толстой ўзининг Ясная Полянадаги боғ-мулкидаги каби фароатда яшаб ижод этгандай... Л. Толстой катта граф эди, унинг мол-мулки ҳадсиз-ҳисобсиз эди. У ҳам ўзига мос ташвишлар билан яшаса-да, унинг учун ижодий режаларини рӯёбга чиқаришда Қодирий олдидағи каби тўсиқлар йўқ эди. Қодирийнинг туриш-турмуши, тирикчилиги ҳам бир нави, кўл учиди кун кўради, ўн танобдан ошиқроқ боғдан келадигаи даромад билан катта рӯзгорни тебратиш мумкин эмасди. Ҳ. Қодирийнинг эслалича, Қодирий «Ўткан кунлар» учун олинган қалам ҳақини танишларидан бирига қарзга бериб додга қолади, у одам қарзини бермай кетади; «Мехробдан чаён» учун олинган қалам ҳақи ҳам арзимас пул бўлган; адил аввалгидек бирор идорада ишламайди, асалари матбуотда узлуксиз босилмайди, бинобарин, тайинли иш ҳақи, даромади йўқ. Ҳ. Қодирий отаси ҳақидаги хотира-ларида адилнинг ўша кезлардаги тирикчилигига оид йўл-йўлакай айтган гапларини, келтирган фактларини ўқиб, кишининг юрак-бағри ээлиб кетади. Қарангки, буюк сиймо, тенгсиз санъаткор Қодирий рӯзгор тебратиш ниятида бирорларга ариза ёзиб беради, кўнгил майларидан йироқ нарсаларни таржима этади, чунончи, 1928 йилда у татар олими Абдулла Шуносийнинг уч бўлимдан иборат ўрта мактаблар учун ёзилган «Физика курси» ўқув китобини ўзбекчалаштиради, маънавий эҳтиёж эмас, балки кўпроқ сабаби тирикчилик учун ҳар хил бадиий таржималар билан машгул бўлади. Қодирий бунда ўзини эмас, кўпроқ оиласини, фарзандларини ўйлайди. 1937 йил баҳорида қаттиқ хаста бўлиб қолган пайтда динга қарши адабий мажмуа таржималари рўйхатини тузиб, «14-қисм таржима учун Ўздавнашрдан оладиган қалам ҳақимни олиш ваколатини Ҳабибулло Абдулла ўғлига топшираман» деган ваколат хатини ёзиб қолдиради...

Партия Марказий Комитетининг 1932 йилги «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида»ги Қароридан кейин Қодирийга муносабат бирмунча ўзгаради. Қодирийнинг ўзи ҳам катта умид билан бу қарорни «кутилган гўзал совфа» деб олқишлиайди; «шўро адабиёти бу тарихдан бошлаб, ўз қаноти остига шу кунгача социализм қозонида

Қайнамай келган «Эскироқ» ёзувчиларни ҳам олди, уларга раҳбарлик қилди, турли моддий ва маънавий ёрдамлар берди... Мен ўзимни Марказқўмнинг улуг қароридан сўнг шўро қаноти остига кирган ёзувчилар гуруҳига мансуб ҳис қиласман», —деб ёзди у 1934 йилда. Дарҳақиқат, ўша кезларда партия ва ҳукумат раҳбарлари — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоевлар Қодирийга эътибор билан қарайдилар, жумҳурият ёзувчилар союзи ташкил этилгач, уни союз аъзолигига қабул қиласидар; союз раҳбарияти — Курбон Берегин, Раҳмат Мажидий, Назир Сафаровлар Қодирий ҳолидан хабар олиб, уни жамоат ишларига, адабий ҳаётга тортишга уринадилар, ижодий ишлар бўйича уни ёзувчилар сафида Москвага, Қозонга юборадилар; қишлоқ ҳаётидан йирик асар яратмоқчи бўлганида, унинг бу ташабусини кўллаб, қайноқ ҳаёт ичига киришида кўмаклашадилар. Бироқ бундай ҳиммат узоққа бормайди. Аввало, Қодирий бошқалар каби ҳайбаракаллачилик йўлига ўтмайди, раҳбарият ҳиммати учун улар йўриғига йўргаламайди. Унинг қишлоқ ҳаётидан олиб ёзган «Обид кетмон» романни ҳам раҳбарият кутган сталинча колективлаштириш сиёсатини кўллаб-қувватловчи, улуғловчи асар бўлиб чиқмади... Бунинг устига мамлакат осмонида Сталин қонли сиёсати туфайли кўзғалган тўзоннинг қора булутлари тобора қуюқлашади; социализм олга борган сари синфий кураш, душман синфи қаршилиги кучая боради, деган концепция илгари сурилиб «душман» қидириш, «ёт унсур»ларни фош этиш жазаваси авжига чиқади. Мана шу тўзон, жазаванинг ўзбек адабиётидаги илк қурбонларидан бири яна ўша ҳақиқатгўй, имони бутун, мардона шахс, буюк сиймо Қодирий бўлди. Матбуотда Қодирийга яна ҳужум бошланди, айниқса, машъум 1937 йилга келиб бу иш авжига чиқди. Ўша йили матбуотда адабни «ер билан яксон этиш»га қаратилган элликдан ортиқ мақола босилди. «Улар бош мақола, обзор, «илмий текширув», ахборот тарзида ёзилган бўлиб, имзоли-имзосиз босилаверган. Хуллас, кимнингки мақола ёзгиси келса, обрў орттираман, ишонч қозонаман деса, ҳеч иккilanмай Абдулла Қодирийни дўпослайверади ва ҳеч хато қилмай мақсадига эришаверади. Гўё Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг бирдан-бир мудхиш айборди...» дейди Ҳ. Қодирий алам-изтироб билан «Қодирийнинг сўнгти кунлари» хотира-қиссасида.

Шахсга сифиниш деб аталган бало-оғатнинг даҳшатини қарангки, шундай улкан сиймолар ҳам виждонига хилоф ишлар қилиш даражасига бориб етганлар, кўра-била туриб нурдай пок, тенгсиз истеъод соҳибига бўхтонлар ёғдиргандар, уни Сталин жаллодлари кўлига топшириш учун «далил-асос» тайёрлаб берганлар. Шу тариқа, уларнинг ўзлари ҳам одамларни, яқин кишиларини, улкан ақл эгаларини бир-бирига душман этиб қўйган қонли муҳитнинг маънавий қурбонларига айланганлар.

Қодирий бошида қора булутлар қуюқлашган ўша кезлари адабнинг яқинлари, меҳрибон таниш-билишлари уни бало-оғатлардан сақлаб қолиш ҳақида қайғурғанлар, унга ҳар хил маслаҳатлар берганлар. Ҳ. Қодирийнинг ёзишича, Тошкентнинг машхур кишиларидан Манноп табиб унга «дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин» дейди. Ҳ. Қодирий бўлган гапни дадасига етказганида, у чуқур ўйга толиб сўнг: «Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак... Йўқ гуноҳни бўйинга олиб, ватанни тарқ этиш, ҳалқ кўнглига шубҳа солиш... аллақайси жойларда бўйин эгиб, сарғайиб юриш... йўқ, бўлмайди!.. дея қатъий жавоб қиласди. Фоят ориятли, мардона шахс Қодирий бундай маслаҳатга кўниши асло-асло мумкин эмас эди.

Ёзувчилар Союзидаги бўлган ўша шармандали муҳокамадан, пленумдан сўнг орадан тўрт ой ўтар-ўтмас 1937 йилнинг 31 декабрь куни кечқурун Қодирий ҳибсга олинади. Ўша кезларда адиб қаттиқ хаста эди, руҳий замзама — қўйноқлар оқибатида баданига эгзема тошиб, дард азобидан ўзини кўярга жой тополмас эди; бунинг устига катта ўғли Ҳабибулла суяқ сили касалига йўлиқиб, гипсда ётарди. Қодирий ўз дарди қолиб ўғли ҳаётини, соғлигини ўйларди<sup>1</sup>. Ана шундай ғамли кунларда у қамоққа тушди. Шу кетганича ундан узоқ йиллар дом-дарак бўлмади. Оила аъзолари, яқинлари, соғайиб оёққа турган Ҳабибулланинг сўраб-сўроқлашлари ҳам ҳеч қандай наф бермади. Қодирийнинг кейинги қисмати ҳақида сўнгти йилларга қадар ҳар хил гаплар, тахминлар юрарди, ҳибсдаги қисмати, унга қандай айб қўйилгани, қачон ва қаерда вафот этгани ҳам маълум эмас эди. Ниҳоят, ошкоралик, демократия кунларига келиб, Давлат ҳавфсизлик комитетида сақланаётган Абдулла Қодирийнинг «жиноий иши»га оид ҳужжатлар тарихчи олим Р. Сафаровнинг «Хўрлиқдан ўлим тансикроқдир» — Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижтимоий аҳволига доир янги маълумотлар» сарлавҳали мақоласи («Тошкент ҳақиқати», 1989 йил, 21 ва 23 ноябрь) орқали ilk бор жамоатчиликка маълум этилди.

Қодирийнинг «жиноий иши»даги ҳужжатлар, аминмизки, ҳали атрофлича ўрганилади, чуқур таҳлил этилади, улар ҳақида хилмажил фикр-мулоҳазалар айтилади. Бу ҳужжатларга ёндашганда ҳаммадан бурун бир ҳолатни ҳисобга олиш, «жиноий иш»даги жамики далил-ашёлар 1937—38 йилларнинг маҳсулни эканлигини, улар ўша давр шароити қонуниятлари асосида уюштирилганлигини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Давлат Ҳавфсизлик комитети архивида сақланаётган «4269-сонли Абдулла Қодирийнинг жиноий иши»да 1937 йил 31 декабрда тўлдирилган анкета бор. Унда адиб қарамогидаги оила аъзоларидан хотини, икки қизи, 12 ёшли ўғли Маъсудни кўрсатгани ҳолда ўша кезлари ТошМИ талабаси бўлган катта ўғли Ҳабибуллани бу рўйхатга киритмаган. Эҳтимол, Қодирий хаста ўғлиниң тақдирини ўйлаб атаян шундай қилгандир.

ва тартибга солинганлигини асло унугмаслик даркор. Тергов ходимлари «айбдор» ҳақидаги ҳақиқатни очиш — аниқлашга эмас, ҳар боб билан уни қоралашга, фош этишга, йўқ айбини бўйнига кўйиб, жавобгарликка тортишга ҳаракат қилганлар. Шу ниятда асл ҳақиқат сохталаштирилади, мавжуд фактларга ўзгача маъно берилади, жиноий ҳолатни кучайтириш учун кўп нарсалар тўқиб-бичилади. Терговда Қодирийга қўйилган айбларга қаранг: эмишки, Қодирий аксилинқилобий миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлган ва кўп йиллар давомида шўро ҳокимияти ва партияга қарши миллий аксилинқилобий кураш олиб борган; матбуотда бир неча бор партия сиёсати ва ҳукумат раҳбарларига қарши аксилинқилобий ва тұхматдан иборат кескін чиқишлиар қилган; яксон этилган ўзбек аксилинқилобий пантуркча ташкилот — ўзбек аксилинқилобий ишларида фаол қатнашган; ийғинларда доимий равиша шўроларга қарши аксилинқилобий фикрларни тарғиб қилган ва ҳоказо.

Ёдингизда бўлса, 1926 йилги тергов чоғида ҳам Қодирийга шу хил айбларнинг баъзилари тақалган эди. Аммо терговда, сўнгра суддаги охирги сўзида адаб бундай даъволарнинг барчасини мардана туриб инкор этади, ўзига қўйилган айбларнинг сохта ва мантиқсиз эканлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар орқали исботлайди. Бу ерда эса қўйилган айбларнинг кўпчилигини ҳеч қандай қаршиликсиз бўйнига олаверади. Масалан, 1926 йилги фожиавий воқеа устида сўз борганда, ўшанда судда айтган гапларига зид ўлароқ «матбуотда шўроларга қарши чиқишлиарим учун ҳибсга олиниб, жавобгарликка тортилган эдим» дейди; бир вақтлар матбуот, жумладан, «Муштум» орқали Октябрь инқилоби, шўролар, меҳнаткаш ишчи-дехқонлар манфаатига сидқидилдан хизмат қилганигини фаҳр билан такрор-такрор таъкидлаган адаб, бу ерда «Муштум» журналида фаол иштирок этиш билан «шўроларга қарши курашганлиги»ни эътироф этади; бир вақтлар ўзини «гоя ва иш эътибори билан чин коммунист» санаган одам, бу ерда бирдан бошқа шахсга айланади, «ўзимнинг буржуа миллатчилик маслагимни мутлақо яшириш истагим йўқ», «Мен буржуа миллатчиси эканлигимни тасдиқлайман ва матбуот ҳамда адабиёт соҳасида олиб борган шўроларга қарши ва миллатчилик фаолиятим учун тўла жавобгарман», — дейди. Асарларининг, ижодининг ғоявий йўналиши ҳақидаги тутуруқсиз даъволарнинг айтарли барчасини тан олади...

1926 йили судда: «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдирган йигит эмасман»; «маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир» деб ҳайқирган довюорак сиймо 1938 йилга келиб нега бунаقا итоаткор, муте одамга айланди? — деган ҳақли савол туғилади. Албатта, 1938 йилги сўроқ

1926 йилги тергов эмас. Замон бутунлай ўзгарган, оддий инсоний ҳуқуқлар, демократия тугаб-битган, ҳақиқат, социал адолат тушунчалари топталиб, яксон бўлган, хавфсизлик, суд, тергов органлари қутурган авторитар қўмондонлик системасининг емирувчи — маҳв этувчи машинасига айлантирилган эди. Мен аминманки, Қодирий 1938 йилги терговда ҳам ўша биз билган Қодирийлигича қолган, аслида у ўзини айбдор деб санаган эмас. Ўша ясама ҳужжатларда ҳам гоҳо асл ҳақиқатдан далолат берувчи, Қодирий ўзига қўйилган асоссиз айбларни қатъий туриб рад этганлигини тасдиқловчи айрим деталлар сакланиб қолган. Чунончи, у «аксилинқилобий ташкилотга аъзо экани» ҳақидаги кўрсатмани бир неча бор инкор этади, айрим асарларини, жумладан, «Обид кетмон» романи аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги асар деб ҳисобламайман», дейди... Қодирийни қамоқقا олган, уни қайта-қайта сўроқ қилган терговчи Н.И. Тригулов кейинчалик 1956 йил 24 декабрда терговда берган жавобида Абдулла Қодирий қамоқقا олинган биринчи кундан бошлаб бўйнига тақалган барча айбларни инкор этганлигини, сира тан олмаганлигини айтади. Эҳтимол, ҳам хўрлик, ҳам оғир дард азобини чекаётган хаста адабнинг ўзига қўйилган асоссиз айбларни мардона туриб охиригача рад этишга жисмонан қурби етмагандир... Балким, у жаллодларнинг зўравонлиги, ваҳшиёна калтаклаши туфайли ҳушидан кетиб, ўзига келган кезлари ўша ваҳший терговчиларнинг ўzlари тузган, ясаган «протоколлар»ига имзо чекишига мажбур бўлгандир. Бизни ажаблантирган ҳужжатлардаги Қодирий «эътирофлар»ининг сири шунда. Тергов ҳужжатлари билан танишган, Қодирийнинг қандай шахсиймо эканини билган ҳар бир ҳушёр одам учун уларнинг бошдан-оёқ сохта, атайн ясалган экани шундоққина кўриниб турибди. Бу ҳужжатлар Қодирийни эмас, уларнинг «ижодкорлари»ни айблайди, фош этади. «Қодирий иши»да қотиллар қилмишининг мисини чиқарадиган даҳшатли фактлар бор. Улар билиб-бilmай ўз қўллари билан ўzlари учун абадулабад тавқи лаънат тамғаси бўладиган ҳужжат қолдиргандар. Маълум бўлишича, Қодирий иши суднинг ёпиқ мажлисида қораловчи томоннинг ҳамда ҳимоячининг иштирокисиз, гувоҳларни чақирмасдан кўриб чиқишига қарор қилинган. Суд мажлиси 1938 йилнинг 5 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Бу мажлис соат 12 дан 45 дақиқа ўтганда бошланиб, 13.00 да тугайди. Қодирий охирги сўзида Ватан манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш учун имконият яратиб берилишини сўрайди. Аммо суд уни олий жазо — отувга ҳукм қиласди. Қандай даҳшат — Қодирийдек буюк сиймо қисмати бор-йўғи 15 дақиқа ичida ҳал этилади! Бундан ҳам даҳшатлиси, «Қодирий иши»даги маълумотномада суддан бир кун илгари — 4 октябрда ҳукм ижро этилгани кўрсатилган. Фақат Қодирий эмас, Чўлпон, Фитрат каби

алломалар қисмати ҳам худди ўша қунлари, ўша тарзда ҳал этилган... «Қодирий иши» билан илк бор танишган Р. Сафаров юқорида биз тилга олган мақоласида ёзди: «Демак, Қодирий судгача отиб ташланибди-да. Гумонларимни тажрибали адлия ходимларига айтиб кўрдим. «Худди шундай, — дейишиди улар, — ҳукмнинг ҳукм чиқарилганга қадар ижро этилганлиги эҳтимолдан холи эмас. У кезларда бундай нарсалар оддий воқеа ҳисобланади. Маҳбуснинг тақдирни судгача, ҳибсга олиш пайтида, балким, ундан олдинроқ ҳал этиб қўйилган бўлса ажаб эмас». Бу сўзлардан баданларим жимирашиб кетди, бутун вужудимга қўрқув юргургандек бўлди».

Шу тариқа Абдулла Қодирий 1938 йилнинг 4 октябринда машъум сталинизм жаллодлари томонидан Тошкентда қатл этилди. Аммо унинг табаррук жисми қаерда дафн этилгани, хоки қаерда экани аниқ маълум эмас.

Қодирий ҳибсга олингач, кўп ўтмай оиласини таъқиб этиш бошланади. Қодирийнинг ҳовли-жойини тортиб олишга чоғланадилар, бунга эришадилар ҳам. Қодирийнинг машхур шийпони жойлашган бօғни, Қодирий ўз қўли билан ўстирган мевазорларни пайҳон қиласидилар, бу табаррук масканни отхонага, чўчқаҳонага айлантирадилар; Қодирий асарлари заарли саналиб маҳв этилади, уларни ўқиш тақиқланади, Қодирий асарларини яшириб ўқиган ёки адид ҳақида бирор калима илиқ гап айтган неча ўнлаб одамларнинг ёстиги қуритилди, кейинроқ Қодирийнинг катта ўғли — ТошМИ толиби Ҳабибулла Қодирий «халқ душманининг фарзанди» сифатида ҳибсга олиниб, сургун қилинди. Бундай таъқибу таҳқирлар йигирма йилча давом этди. Ниҳоят, Абдулла Қодирийнинг қутлуғ номи, асарлари халққа қайтарила бошланди. Бу ҳол халқимиз, маданиятимиз учун қутлуғ байрам бўлди. 30-йилларнинг машъум юхоси Қодирийни ўз комига тортиб кетди, уни жисман йўқ қилди, аммо у юратган маънавий бойликни йўқотолмади. Қодирий барпо этган боф — гўзаллик чамани мангу қолаверади, неча-неча авлодларга маънавий озиқ, битмас-туганмас завқ-шавқ ато этаверади. Бироқ шундай улуғ зотнинг фожиавий қисмати авлодлар кўнглида мангу армон бўлиб қолади.

## ФАҚАТ «ҲАҚИҚАТ ОЛДИДА БЎЙИН ЭГИШ БЎЛСИН»

(Адабнинг адабий-танқидий қарашлари хусусида)

Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий, эстетик бисоти адид ижодий меросининг каттагина қисмини ташкил этади. Қодирийнинг адабий-танқидий қарашлари муаллифнинг матбуот, хусусан, «Муштум» журнали, ҳажвиётга оид мақолаларида, романларига ёзган сўз бошиларда, асарлари теварагида борган баҳс-мунозаралар,

айтилган танқидий фикрлар муносабати билан берган шарҳизоҳларида, ниҳоят, алоҳида ёзувчилар ижоди, санъат ва адабиёт асарларига бағишлиланган ишларида ўз ифодасини топган. Қодирий меросининг кўпгина соҳалари каби ёзувчи эстетик бисоти ҳам ҳали чуқур ўрганилган, чинакам баҳосини олган эмас.

Қодирий бадиий ижоднинг жуда кўп масалалари хусусида фикрмуюҳазалар айтилган. Аммо адабининг адабий-танқидий қарашларида бош гап — реализм масаласидир. Қодирий ўзининг реалистик ҳикоя, қисса, романлари билан ўзбек адабиёти тарихида бурилиш ясаган, янги босқични бошлаб берган буюк санъаткор бўлиш баробарида, у ўзбек адабиётшунослигига реализм принципларини ишлаб чиқишида фойт катта иш қилди. Шуниси ҳам борки, Қодирий ҳеч қачон адабиётшуносликка, назариячи олимликка даъво қилган эмас, у маҳсус назарий тадқиқотлар ҳам олиб борган эмас, унинг адабий-танқидий қарашлари бевосита амалиётда — адабий-ижодий фаолияти давомида, қайноқ ижтимоий-адабий ҳаёт қучогида, қизғин баҳс-мунозаралар жараённида туғилиб шаклланган. XX аср бошларида, хусусан, 20-йилларда адабий-бадиий тафаккур ривожидаги бурилиш, янгича услуб, шаклларнинг, реализмнинг қарор топиши ва фалабаси хийла мураккаб, зиддиятли тарзда борди. Кўпроқ классик шеърият, ҳалқ афсона-ю достонлари руҳида тарбияланган оддий ўқувчиларнинг ҳатто «Ўткан кунлар»дек ўта миллий, бокира, ҳалқ ҳаётини айни ўзидек кўрсатган реалистик асарни қабул қилиши бирмунча қийин кечди. Ёзувчининг ўзи ўқувчиларидан асарни «тушуниб олгунча энка-тенкамиз чиқди» деган шикоятлар эшитгани ҳақида ёзади. Оддий ўқувчиларни қўя турайлик, профессионал адиб, танқидчилар, матбуот ходимлари ва масъуль шахслар ҳам кўп ҳолларда ёзувчи қаламига мансуб нодир асарлар моҳиятини, уларнинг ўзига хос новаторона хусусиятларини яхши англаб етмадилар. Жаҳолат гирдобида қолган танқид бу нодир асарларга ўринисиз таъна ва ҳамлалар қилди, реалистик ҳажвиянинг яхши намунаси бўлган «Йифинди гаплар» асари учун адиб таъқибга учраб, ҳибсга олинди. Энг ёмони, адабиётда ҳақиқатни айтиш, бинобарин, реализмни кенгроқ барқарор этиш йўлида жиддий ғовлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай шароитда ёзувчи ўзи тутган адабий йўлнинг, асарларининг асл маъноси, моҳиятини тушунтириб беришга ўзида чуқур эҳтиёж сезди. Бу вазифани аслида адабий танқид, профессионал мұнаққидлар адо этиши керак эди. Бирок эндиғина туғилиб, тетапоя бўлиб келаётган, илк қадамларидәк вулыгар социологизм оғуси билан заҳарланган янги типдаги адабий танқидчиллик бу ишни бажаришга қодир эмаслигини Қодирий яхши биларди. Унинг кино, театр, ҳажвий «Муштум» журнали ҳақидаги мақолалари, хусусан, 1926 йили суддаги нутқида айтилган гаплари, «Йифинди гаплар» мақоласининг батафсил шарҳи,

«Ўткан кунлар» ва «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»и, ўз ижодий тажрибаларига доир мулоҳазалари шу тариқа майдонга келди. Ўша давр, вазият тақозоси билан ёзилган бу мақолалар, айтилган мулоҳазалар, қарангки, 20-йиллар ўзбек танқидчилигининг, реализм эстетикасининг мўътабар намуналари бўлиб қолди.

Қодирий XX аср бошларида илгари сурган кўпгина адабий-танқидий фикрлар бугунги кунда ҳам ўз қадр-кимматини йўқотгани йўқ. Айниқса, узоқ йиллар биз амал қилиб келган, адабий-танқидий тафаккур тараққиётида «янги босқич», «мўътабар таълимот» деб атаб келинган марксча-ленинча эстетика, унинг муҳим қисми саналмиш социалистик реализм назарияси инқирозга учраган, бу назариянинг қатор ожиз ва зиддиятли томонлари ошкор бўлиб қолган даврга келиб, бир вақтлар биздаги айрим «соцреализм назариячилари» назаридан бу методдан «четроқда турган», гўё қарашларидаги «қолоқлик» туфайли «социалистик реализмга етиб келолмаган» Қодирийнинг адабий-танқидий қарашларига, ижодий принципларига бўлган қизиқиш бениҳоя ортди, улкан реалист Қодирийнинг ўз ижодий принципларига оид мулоҳазалари адабиёт илмида ҳукмрон даққи назариябозликтан безган адабиёт муҳлислари учун тозартирувчи, оромбахш маънавий озиқ хизматини ўтай бошлади.

Хўш, Қодирийнинг реализмга оид қарашларидаги энг асосий жиҳатлар нималардан иборат?

Ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатига садоқат — ёзувчининг ижоддаги бош шиоридир, айни шу ҳақиқат унинг учун адабиёт, санъат асарига, ҳақгўйлик, бу йўлда событик эса ижодкор шахсига баҳо беришнинг муҳим мезонларидан биридир. У ҳамиша ижодкорларни — ҳамкасларини ҳақиқатнинг кўзига тўғри қарашга чорлайди. Қодирий ҳамиша ҳаққоний, ҳалқ дилига, руҳига яқин, «ҳаёт ва муҳитнинг акси бўлган асарлар»ни ёқладайди, ижодда «асл ҳаёт тарафдори» эканини қайта-қайта таъкидлайди. Унингча, ижодда ҳақиқатни барқарор этиш, ҳаққонийликка эришиш учун ижодкорнинг ўзи «шахси бутун», «мустақил шахсият» эгаси, ҳақиқатгўй, жасур сиймо бўлиши лозим; шахси бутунлиги бўлмаган, яъни «ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмағон ожиз, ихтиёrsиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин аъзо бўлолмаслар; айниқса, адабиёт, санъат дунёсида ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмағон ожиз, ихтиёrsиз» кимсалардан ҳеч қачон чинакам реалист ёзувчи чиқмайди. Қодирий замондоши Чўлпоннинг «Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсан: Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғулғонсан!» деган нидосига жўр бўлиб, «бўйин буккан бандадарнинг энг ярамасидур, куилуқ бунёд қилғон расво расволарнинг яна ашаддий расвосидур»

дэя ҳайқиради. Бу гапларни адиб 1926 йили суддаги нутқида айтган. Ўша кезларда маънавий ҳётда, ижодда хатарли бир ҳодиса содир бўлаётган, ижодкор зиёлилар орасида шахси бутунликни, шахсий ихтиёрни, муҳокамани кўлдан бериб, замон ва вазият тазиики остида тоталитар система, ҳукмрон сиёсат, мафкура олдида қуллуқ қилиш, бўйин эгиш, итоаткорлик жараёни бошланган эди. Бу — адиб амал қилган реализм йўлидаги энг хатарли хавф, реализмнинг асосий кушандаси, ҳаёт ҳақиқатига хиёнатнинг ибтидоси эди. Ёзувчи ўзбек адиблари орасида биринчилардан бўлиб Чўлпон каби бу хатарли хавфни вужуд-вужуди билан ҳис этди, унинг жабрини ҳаммадан олдин татиб ҳам кўрди, унга қарши мардона қураш бошлади, бу хатар ҳақида бонг уриб, ҳамкасларини огоҳлантириди. Унингча, тавба қулликдир, бўйин эгиш бандаликдир, банда эса ҳақиқатга тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. «Бас, бу ҳолдаги тавба — тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани кўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишидир, — дейди адиб қатъий қилиб, — бу дунёда тавба, қуллик қилиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин». Ёзувчи шахсан ўзи ҳақида мардона туриб: «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдирган йигит эмасман», дейди. Ҳа, ана шундай шахс — тўғрилик, ҳақ сўз йўлида бошини беришга, жонини фидо этишга ҳам тайёр, ҳеч қанақа тазиикү таҳдидлардан чўчимайдиган, ҳукмдорлар амрига бўйсунмайдиган, фақатгина ҳақиқатга топинадиган, унинг олдидагина бўйин эгадиган шахси бутун, имон-эътиқодли, мардона одамлардангина чинакам реалист ёзувчи чиқиши мумкин. Ўтган асрнинг даҳо реалист ёзувчилари шундай кишилар бўлган.

Минг афсуски, тоталитар система мана шундай шахсларни таъқиб остига олди, маҳв этди, омон қолганлар танидаги мана шундай фазилатларни емирди, «мустақил шахсият»дан маҳрум, шахсий ихтиёрни, мустақилликни кўлдан бериб, одамгарчиликдан чиқсан итоаткор, хушомадгўй, маддоҳ қаламкашларни етиштириди, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-куvvatлади, рағбатлантириди... Адабиётимизнинг ҳақиқатдан, реализмдан узоқлашувига биринчи галда шу ҳол сабаб бўлди.

Ижодда ҳақиқатни барқарор этиш учун мустақил шахс, ҳақгўй, жасур бўлиш баробарида, ўша ҳаётни чўқур билиш, уни теран тадқиқ ва таҳдил эта олиш лаёқатига эга бўлиш, ёзувчи ибораси билан айтганда, турмуш ичига кириш, уни билиш, турмуш кишиларини ўрганиш машаққатини зиммага олиши керак.

Буюк реалист Лев Толстойнинг «Реализм фанга қараганда ҳам аниқликни талаб этади», деган гапи бор. Улкан реалист Қодирийнинг реализм ҳақидаги қараши ҳам Толстой фикрига яқин. Унингча, ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Адиб

ижодда ёзувчининг ҳаётий тажрибаси, синчков кузатувчанлиги муҳим аҳамиятга молик эканини алоҳида таъкидлайди. У ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз бошидан кечирғанлари ёзувчи бўлишида катта роль ўйнагани, турмушнинг турли соҳаларида ишлаганилиги натижасида ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни ўргана олганлигини айтади. «Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман, — дейди адиб. — Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсанм, ўша жойни аввал неча мартаба кўрган эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман». Ёзувчи материални ўрганиш маҳали энг майда нарсаларга — деталларга ҳам аҳамият беради. «Масалан, мен ҳали ўрганмоқчи бўлган ерда, — дейди у, — қанча дараҳт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дараҳтларда қандай күшлар қайси хилда кўниб турганлиги ва шунга ўхаш жуда майда нарсаларгача».

Бадиий тўқима, яъни ёзувчининг ўзидан қўшиши адабий асарда катта роль ўйнашини адиб эътироф этади; «лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарса ҳақида ҳеч нарса ёзмайман», — дейди қатъий қилиб. Асарларида гавдалантирган жамики ҳодиса ва персонажлар биринчи галда «турмуш ҳақиқатига қараб иртиқоб қилинганд». Дарҳақиқат, адиб ўзи турмушда кўрмаган, билмаган нарса ҳақида ҳеч қачон ёзган эмас. У ўтмишдан, ўтган аср воқеаларидан олиб ёзган асарларида ҳам ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзи турмушда кузатган, кўрган, яқиндан билган одамларни, халқ ичидаги типларни кўз олдига келтириб туриб қалам тебратгани, асарларига асос қилиб олинган давр, шароитни, тарихий воқеалар ва шахсларни, воқеалар юз берган маконни, ўша кезлардаги халқнинг турмуш тарзи, амал қилган удум-тамойилларини ҳар қандай тадқиқотчи олимдан ҳам ортиқроқ ва чуқурроқ билиши шундоққина сезилиб туради, бу масалада у ҳар қандай билимдан одам, мутахассис тадқиқотчи билан бемалол беллаша олади. Унинг «Ўткан кунлар» хусусида мунаққид Сотти Ҳусайн билан баҳсларини эслайлик. Энг қизғин баҳс романдаги бир қатор эпизодларнинг турмуш ҳақиқатига мос ёки мос эмаслиги масаласи устида боради. Чунончи, романнинг «Исён» бобидаги Тошкент аҳлининг Азизбек зулмига қарши Юсуфбек ҳожи бошчилигидаги исёни ифодаси хусусида танқидчи «Юсуфбек ҳожи дабдурустдан исён чиқоради, озгина жарчилликдан сўнг тўполон бошланиб, уруш бўлиб кетади», дея ажабланади. Қодирий бу эътиrozга ҳаёт ҳақиқати ва ҳодисалар мантиқидан келиб чиқиб лўнда тарзда шундай жавоб қиласи: «Холбуки, ўша исённинг жараёни айнан мен ёзғанчадир. Ёлғон-яшиги йўқ, исён «дабдурустдан!»; материалистча ўйлаганда ҳам, бу «дабдурустдан»нинг сабаби очилса

көрек. Масалан, 70 кун мұхосарада қолган, очиқкан, нонсиз бир халқа бундан іоз йил илгариги курс билан 32 танга (бир ярим тиілла баробари) солиқ солинсин-чи, қандай томоша бўлур экан! Шундай кезларда халқа бир раҳбаргина керакдир. Шу раҳбарликни «дабдурустдан» Юсуфбек ҳожи ўтаса неажаб?»

Бугина эмас, романда Азизбек ва Юсуфбек ҳожининг тарихи, улар орасидаги зиддиятлар сабаби яхши баён этилган, Тошкент аҳлиниң Азизбекка ва Юсуфбек ҳожига муносабати батағсил берилган, Азизбек билан Юсуфбек ҳожи орасидаги мураккаб, зиддиятли муносабатлар, бу муносабатларнинг энг авж пардаларга етиб борганлиги, донишманд ҳожининг ўша топда халқа ҳақиқатни айтишдан, халқни исенга бошлашдан бошқа чора-тадбири қолмаганлиги, халқнинг ҳам ҳар жиҳатдан исенга тайёр экани мантиқан чуқур асосланган.

Романда қаламга олинган халқ удумларига, персонажлар табиати ва хатти-ҳаракатига оид мунаққид назаридаги «мантиқсизлик»лар хусусида ёзувчининг берган изоҳлари реализм принциплари нуқтаи назаридан фоят ибратли ва қадрлидир. Танқидчи бир ўринда «Кумуш қиз экан, ота-онаси ундан сүрамай, ризолигини олмай эрга беради, эрдан чиққандан сўнг (Отабекдан сохта ажралгандан кейин) иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг ризолигини оламиз, деб овора бўлишадилар. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайди...» деб даъво қиласди. Бу эътиroz — даъвога ёзувчининг жавоби шундай:

«Холбуки, бу «мантиқсизлик» турмуш ҳақиқатига қараб иртиқоб қилингандир. Зоро, эски турмуш айтади: «Кумри қиз экан ота-онасининг танлашлари билан эрга чиқсан, бу одоб, иффат тақозоси. Вақтики эри ўлди ёки эрдан чиқди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина... Қизлари эндиликда куёвни ўз кўзи билан кўради, уй-жойларини, касби-корини текширади — унга рухсат. Бинобарин, «Ўткан кунлардаги «мантиқсизлик» ҳам шу мақомдадир». Бундай асосли, чуқур мантиқий жавобга ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ.

Романдаги шаддод, эрига ҳам ўз ҳукмини ўтказа оладиган Хушрўйиби танқидчига файритабиий, бўлмаган тип бўлиб кўринади. Ёзувчи бундай даъвога асло кўшила олмайди. «Бошқа типларни файри табиийроқ топилса ҳам, бироқ улар устида Хушрўй каби қатъий ҳукм берилмайдир. Хушрўйнинг табиийлигини англаш учун яна турмуш кишиларини ўрганиш мashaққатини зиммага олиш керак».

Бу ўринда адид танқидчиликдаги хатарли бир ҳавфга, яъни асарга, асар қаҳрамонларига турмуш ҳақиқатидан келиб чиқиб эмас, ҳаёт ҳақидаги тайёр, расмий тушунчалар асосида ёндашишга қарши чиқаётir. Ўша кезлари ўзбек аёллари ётмишида ёппасига забун, эри

олдилда муте, деган тушунча кенг тарқалган, тарқатилган эди. С. Ҳусайн Хушрўй образига айни шу расмий тушунча — тасаввур орқали ёндашади, унинг ҳаётийлигига шубҳа билдиради. Ваҳоланки, ҳаётни, ҳаётдаги ҳамма одамларни бир қолипга солиш мумкин эмас, ўтмишда ўзбеклар орасида муте аёллар билан баробар Хушрўй типидагилар ҳам бўлган, адаб Хушрўйни «асл ҳаёт» ичидан олган; Хушрўйнинг ҳаётий, ҳаққонийлигини англаш учун, ёзувчи айтмоқчи, «асл ҳаёт»ни яхши билиш керак.

Ниҳоят, нодон танқидчилар Отабекнинг ишқидан ва умуман, муҳаббатидан баҳс очиб, «ишқ-муҳаббат доимий бўлмайди» дейдилар. «Бу фикрга мен ҳам қўшиламан, — дея изоҳ беради Қодирий. — Аммо ишқнинг беш-ён йилга тортилиши аниқдир. Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўп. Отабекнинг ишқи уч яримтўрт йилгина. Бундай тинчсиз, ҳажр ва фироқли шароитда ундан ҳам кўпга тортилиши маълум».

Қодирийнинг «Ўткан кунлар» устидаги танқидий мулоҳазаларга жавобларидан кўриниб турибдики, адабнинг ҳаққонийлик, ҳаётийлик, табиийлик, умуман, реализм ҳақидаги қарашлари миллийлик тушунчасидан ажралмасдир; унингча, миллийликсиз ҳаққонийлик йўқ, ҳаққоний бўлмаган асарда эса миллийлик ҳам йўқ; миллий турмушдан йироқ асар хаёлий ва сохта бўлади. «Равот қашқирлари» мақоласида адаб бу ҳақда янада батафсилоқ тўхталади. Ёзувчи ўзбек ҳаётидан, умуман, Ўрта Осиё ҳалқлари турмушкидан олиб яратилган фильмларнинг кўпчилигига ҳаётимизга ёндашиб келган лавҳалари, кўринишлари хаёлий, сохта бўлгани учун ҳаётий, ҳаққоний, миллий чиқмаганлигини айтади. Чунончи, «Ажал минораси», «Мусулмон хотин» каби фильmlар тўқиб ташланган афсоналардан иборат бўлиб қолганлигини танқид қиласди. «Бу ҳол, — дейди у афсус-надомат билан, — ёлғиз кинолардагина эмас, европаликларнинг, ҳатто Ўрта Осиёда чиқадиган кундалик газета, журнallарда ва адабиётларда бизга бағишлиб ёзилган парчаларда, лавҳаларда ҳам шу хаёлот ёки ривоят орқали ёзилган «ваҳималарга» кўп учраймиз. Аксар шундай сохталикларга йўлиққан ўзбек, табиий, ўзини кулгидан тўхтатолмайди, ёқа ушлаб ўзига иснод қилинган «нав ижод ҳаёт»ни бир неча вақтгача кулги мақомида ўртоқларига, ҳазилмандларига сўзлаб юради».

Адаб «Равот қашқирлари» фильмини шу тур хаёлий, сохта, ҳаётдан, миллий заминдан йироқ асарларга қарши қўяди, уни «ўзбекнинг биринчи кино ўйини» деб атайди. Адаб назарида фильмнинг энг жиддий ютуги, фазилати унинг ҳаққонийлиги ва миллийлигига. У мамнуният билан фильмда «Ўзбекнинг уятсиз бойи, камбағал дехқони, Каромат бибиси, домла-имоми, Содиги, Жалили, тўй-ҳашами, ерсиз камбағал дехқоннинг онгизлигидан фойдаланиб, ўзи каби қашқирлар подаси тузган босмачисини

кўрдим», — деб ёзади. Бундан ҳам муҳими, асардаги персонажларнинг, ҳодисаларнинг жонли, ишонарли, ҳаётйилиги, табийлиги, характерлар хатти-ҳаракатининг мантиқан далилланганлиги — картинадаги шундай ўринлар, айниқса, ёзувчини қувонтиради. «Буларни қуруққина кўриб қолмадим, — дея давом этади у, — Равот тоғининг «бой ака» исмида юргувчи қашқирларини жонлик, камбағал деҳқоннинг чорасиз, гариф ва эҳтиёж орқасида қизини қашқирга баҳолаб бергувчини кўрдим. Содиқни, хўжасига итдек ихлос билан ишлаб бергувчи лаванг, таёқхўр ва сўнгра шўролар ҳукуматининг ташвиқот ҳам таъсири баракасида одамшавандা кўрдим...»

Мақола муаллифи фақат фильм ҳақидаги ўз шахсий мулоҳазалари билан чекланмай, кўпчилик ўзбек томошабинларининг таассуротлари ва тушунишларини синчковлик билан кузатади: «Равот қашқирлари»ни томоша қилган кўпчилик европаликларнинг олган таассуротлари, тушунишлари қандайдир, билмадим. Аммо ҳар бир ўзбек ўз томошасини роҳатланиб, завқланиб томоша қилди; Абдунабининг уятсизлигини ўз «бой акаси»нинг виждонсизлигидан ажратади. Совчиликка деб сурдариб юрган домла-имомни «Калвак маҳзум эмасми?» (Калвак маҳзум — ўзбекча бир ҳикоянинг қаҳрамони) деб бир-бирига қарашиб олиши. Кароматнинг дадаси эзилган, баъри баърига етмай қарзига одам баҳолаб бериб юрган бир ғриқ деҳқон ва бошқалар умуман ҳаётимизнинг бир қанча нуқталарини ҳикоя сиедирган қадар «Равот қашқирлари»да жонлик кўрдик, десам янглиш бўлмас».

Бундай кузатиш ва таассуротлардан чиқадиган асосий хулоса шуки, миллий заминдан йироқ, ҳаётйликдан, табийликдан маҳрум хаёлий, сохта асар одамлар эътиборини қозонолмайди, ҳалқнинг таъна-дашномига, кулгисига дучор бўлади, фақат чинакам миллий, ҳаққоний асаргина унинг қалбига йўл топади, унга роҳат, завқ баҳш этади; энг муҳими, бундай асар ҳалқнинг ўз турмушини, ўзлигини англашга ундаиди.

«Равот қашқирлари» фильми танқиди, шунингдек, фильмнинг кам-кўстлари ҳақида гап борганда ёзувчи яна ўша миллийлик — ҳаққонийлик мезони асосида иш кўради. Чунончи, Жўрабоев деган одам «Правда Востока» газетасида босилган мақоласида фильмдаги бир лавҳа — яъни күёв Абдунаби бойга хотинлар томонидан исириқ солинишини «тўгри эмас» (неправдоподобна) деб ўтади.

Қодирий бунга эътиroz билдириб дейди: «Холбуки, бу одатни ўзбекнинг етти ўшлиқ боласи ҳам билади. Жўрабоевнинг инкорини ўқиб, «Жўрабоев онаси билан тўйга бормаган экан ёки отасидан етим қолиб, ўзбекдан файри бир оилада тарбияланган экан» деб ўйладим. Жўрабоев ўзбек бўла туриб, тўйда келин ва кўёвга солинадиган исириқни инкор қилиб ўтириши уятдур. Билмаган

нарсасини биламан, даъвосида бўлиб, кўпчиликни адаштириш, билмадим тағин нимадир».

Энди картина нинг танқидбоп нуқталари устида ёзувчининг кузатишларига ўтгайлик. Фильмда шундай эпизод бор: никоҳ куни бойникига мажбурият ва зўрлик остида жўнайдирган Каромат дадасидан фотиҳа олгач, бошқа хотинлар билан чопиб аравага чиқади... Бу ҳол ёзувчига файриتابий бўлиб туюлади: «Холбуки, ўзбекнинг кекса бойига ёки ўзи хоҳламаган кишига берилган қизи тихирлик билан, хотинларнинг зўри, судраши билан аравага юзланади». Яна бир эпизоддаги воқеа ҳам миллий удумларимизга хилоф бўлгани учун ёзувчи унга жиддий эътиroz билдиради: «Бой Кароматни уриб турган ҳолатда хизматкор Содиқнинг ичкарига кириб, бойни кўтариб олиб чиқиши ҳақиқатдан узокроқдир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам «номаҳрам»нинг киши уйига кириши мумкин эмас, балки урилган хотинни уйдаги бошқа хотинлар, масалан, бойнинг опаси ёки катта хотини ажратиб олади...».

Қарангки, Қодирий 20-йилларда, ўзбек миллий киноси, қолаверса, чинакам миллий реалистик адабиёти шакллана бошлаган бир пайтда айтган бундай танқидий мулоҳазалари ҳозирга қадар ўзбек миллий санъати, киноси, ҳаттоқи адабиётининг энг жиддий муаммоларидан бўлиб қолаётир, ҳанузгача, айниқса, кино оламида миллий заминдан, миллий руҳдан йироқ хәёлий, сохта, «тўқиб ташланган афсоналар» тўлиб-тошиб ётибди. Қодирий ўша вакъдаёқ бундай касалликдан кутулиш йўлини кўрсатган эди. «Менга қолса, ўзбек давлат киносини чин муваффақиятга олиб борадиган нарса, — деган эди у, — мумкин қадар сценария ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш ва ҳозирча бўлса, европалик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашдир». Ёзувчининг бу таклифида ҳеч қанақа миллий маҳдудлик, ўз кўмачига кул тортишга уриниш аломати йўқ. Аксинча, ўзбек кишиси ролини қойил қилиб ўйнаган европалик артистлар маҳоратига тан беради, Кароматхоним ўзининг сиймоси ва аксар ҳаракатлари билан европалик эканини унутаёзганини эслатади. Бироқ миллий санъатни биринчи галда шу миллатга мансуб кишилар яратиши, бу ҳол санъатнинг, реализмнинг талаби, қонунияти эканини у яхши билади: «Чунки ўзбек турмушининг майдачудасигача ўзбек боласи билади. Ўзбек бўлмагач, ҳар қандай мутахассиснинг ҳам афсона кўchasига кириши аниқ ва бу ҳолда «ўзбек киноси»нинг маъноси ҳам бўлмас».

Қодирийнинг реализмга оид қарашларидаги яна бир муҳим жиҳат ҳаёт ҳақиқатини холис туриб тасвир этиш масаласидир. Унинг мақолаларида «ҳақиқат» билан ёнма-ён «холис» сўзига кўп бор дуч келамиз. У ёш ёзувчиларга маслаҳат бериб, улар олдига «Масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз

йўқми» деган шартни қўяди. Бу гап шунчаки ёшларга бир маслаҳат, ўгит бўлишдан ташқари, реализмнинг холислик ҳақидаги муҳим концепциясини ҳам ифодалайди. «Калвак махзум», «Тошпўлат тажанг» асарлари ҳақида гап боргандা улардаги персонажлар холис туриб тасвиранганини таъкидлайди. 1926 йили суддаги нутқида, «Кулги ҳақида»ги мақоласида бир неча ўринда ёзувчи ҳажвияларида воқеаларни ўзини четга олиб, холис туриб ҳикоя қилганигини эслатади. Жумладан, у «маним кулгиликдаги қаҳрамонларимни олсак, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг (персонажларнинг — У.Н.) ўз оғзидангина эшитасиз», — дейди. Унингча, кулгили асарнинг энг муҳим фазилати шундаки: «Сиз бу кулгиликни ясаган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қилсан. Шу характеристика ичидан сиз бермакчи бўлган маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши» таъминлансан.

Ёзувчи 20-йилларда яратган қатор ҳажвий асарларида мана шу объектив — холис тасвир йўлидан борди. Умуман олганда, рус адабиётида XIX асрда Н.Гоголь объектив сатирага асос соглани каби ўзбек адабиётида, ҳажвчилигига Қодирий объектив — холис тасвиринг шакланишида катта хизмат қилди, у фақат объектив — холис ҳажвий асарларнинг нодир намуналарини яратиш билан чекланмай, бу йўлнинг назарий асосларини ҳам ишлаб чиқди.

Холис тасвир фақат унинг ҳажвиялари билан чекланиб қолмади. Адаб объектив ҳажвиялар яратиш, «холис» тасвир хусусидаги мулоҳазаларини кенг шарҳлаш, тарғиб этиш асносида булар билан ёндош ҳолда айни шу принципларга асосланган машҳур тарихий романлари устида иш олиб борди. Романларига, хусусан, «Мехробдан чаён»га ёзган сўз бошиси, ундаги эътирофлар, шунингдек, «Ўткан кунлар» танқидига берган изоҳлари шундан далолат берадики, адаб ҳажвий асарлари каби, романлари устида ишлаётганда ўзининг шаклланган, барқарор реалистик принципларига таянган, қатъий амал қилган. Ёзувчининг романларида амал қилган принциплари шунчаки хусусий ҳол, адабнинг шахсий майли, ўзига хослиги икrorи бўлиб қолмай, миллий адабиётимизнинг тақдирни учун ҳаёт-мамот масаласи бўлганигини мана энди англаб етятмиз. Танқидчи И.Фафуров «Раъно ва Хайём» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 13 октябрь) илк бор «Мехробдан чаён» сўз бошисидаги шу жиҳатларга эътиборимизни жалб этди.

Маълумки, роман 20-йилларнинг иккинчи ярмида ҳаётга, тарихга бир ёқлама синфий-партияйий ёндашиш, ўтмишни фақат синфлар кураши тарихидангина иборат деб тушуниш расмий тус ола бошлаган бир шароитда ёзилган. Бундай расмий қарав Қодирийга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатди, адаб асарга ёзган

сўз бошида унда «икки синф кураши»ни тасвир қилишни, Худоёрхон, унинг биринчи истинодгоҳи бўлган уламолар романнинг номарғуб — манфий қаҳрамонлари, мазкур қора кучларга қарши турувчи «тубан синф» — камбағаллар марғуб қаҳрамонлари эканини айтади. Шу билан бирга у йўл-йўлакай, сезилар-сезилмас қилиб ўз тасвир принциплари, қолаверса, реализмга доир жуда муҳим бир фикрни таъкидлаб ўтади. «Албатта, мен, — дейди муаллиф, — бу сўнгги, марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар олишга тиришдим. Чунки шундан ортиғи соҳта бўлиши устига, китобнинг қадрини ҳам туширад эди».

Бу гапларда реалистик тасвирнинг энг асосий принциплари — қаҳрамонларни тарихнинг «ҳазми кўтарган» қадар олиш, умуман, тарихнинг эмас, аниқ, миллий, янги ўзбек тарихининг, «Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоёрхон» даврининг одамларини реал муҳит, шароит доирасида кўрсатиш ва уларни тарихда — ҳаётда қандай бўлса шундайича — ўз ҳолиҷа олиш, яъни холис туриб ифодалаш — тарихий ҳаққоният, миллийлик, холислик масаласи таъкидланаяпти. Ёзувчининг фикрича, шу мўтабар принциплардан чекиниш ижодда соҳтагарчиликка йўл очади, айни пайтда асарнинг қадрини туширади.

Надоматлар бўлсинким, ўзбек адабиёти узоқ йиллар реализмнинг шу принципларидан йироқлашди, буюк реалист адабнинг ўз вақтидаги огоҳлантиришлари унуптилди. И. Фафуров айтганидай, кейинчалик биз ўзбек тарихидан олиб ёзилган бир қанча турли жанрларга мансуб асарларда қаҳрамонлар ўзбек тарихининг «ҳазми кўтарган» қадар олинмаганлиги — улар ё ҳаддан ташқари бўяб ва ёки ҳаддан ташқари янги замон фикрига мослаштирилиб тасвирланганидан юзаки таъсирчан ёхуд, тўғрироғи, соҳта таъсирчан бўлиб қолганлигини биламиз; бу — тарихнинг ҳазми кўтартмаган нарсаларни унинг бўғзига тиқишириш, бошқача айтганда тарихни «зўрлаш» оқибатида юзага чиқди... Қодирий сўз бошида таъкидлаган «ўз ҳолиҷа олиш» И. Фафуров ибораси билан айтганда, реалистик ҳаққоний тасвирнинг онасидир; афсуски, адабиёт кўп даврлар ҳаёт ва инсон манзараларини ўз ҳолиҷа олиб тасвирашдан йироқлашди; идеаллаштириш, йўқ нарсаларни бўрттириш, борича эмас, идеалга тўғри келадиганча ёзиш адабиётга бўлган ишончни, адабиётнинг қадрини сўндириди. Энг ёмони, адабиётшуносликда Қодирий илгари сурган ва ижодда амал қилган бундай принциплар социалистик реализм назариясига зид ҳол сифатида қайта-қайта танқид остига олинди. Замондошларининг эслашича, адаб иложи борича бундай жоҳилларча танқидга эътибор бермасликка, ундан устун турнишга тиришса ҳам, асоссиз танқид тошлари иззат-нафсига тегиб, қалбини яралайди. Айниқса, гап ўзи муқаддас деб билган реализмдаги бош принципларга — ҳаёт, тарих ҳақиқати масаласига

бориб тақалғанида жаҳолат қаршисида жим туролмайди. Ойбек адабининг шундай кезлардаги ҳолатини эслайди: «Мени миллатчиликда айблаш фирт бемаънилик эмасми?! — деди у менга бошқа сафар. — Нимага миллатчи дейишияпти денг? Мен халқни қандай бўлса ўшандайлигича кўрсатмоқчи бўлганим учун бундай қилиш япти. Ҳаммасини бир ўлчовда ўлчаш интернационализм эмас-ку, ахир?»

Бундай замзамалар ҳатто 80-йиллар охирларига қадар ҳар хил кўринишда давом этди. Чунончи, адабиётшунос Ҳ. Ёқубов «Йирик санъаткорнинг тўнғич романи» мақоласида «Ўткан кунлар» қаҳрамони устида тўхталиб: «Отабек дунё ишига ва тарихга қаттиқ боғланган, лекин у ҳали тарихга сезиларли таъсир кўрсатувчи «қаҳрамон», унинг «бунёдкори» эмас», — дейди; романда характерларнинг «шаклланиши ва тақдира таъсир кўрсатувчи» яшерини «салобати»ни таъкидлаш мавжудлигига эътиroz билдиргандай бўлади. Б. Имомов ва Д. Тўраевнинг 1988 йили чол этилган «Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм масалалари» китобида «ҳаётий ҳақиқат — революцион кураш истиқболининг муқаррар галабасига ишонч туғдирган марксизм-ленинизм таълимоти социалистик реализм методининг ғоявий негизи бўлиб, унинг танқидий реализмга нисбатан олга кетишини, келажакни очиқ-оидин ҳис этиш ва кўра олишини таъминлади» дейилади. Муаллифлар яна қатъий қилиб «...ижобий қаҳрамонларнинг ўз даври учун энг илғор прогрессив ижтимоий ҳаракатлари социал-синфий ғоялар билан боғланиб, шу йўлда курашчан, фаол шахс бўлишлари зарурлиги социалистик реализм поэтикасининг муҳим хусусияти» дейилар. Китоб муаллифлари социалистик реализмнинг шу хил «қатъий талаблари»дан келиб чиқиб, Қодирий романларининг, у амал қилган принципларнинг «ожизлик»ларини кўрсатмоқчи бўладилар. Уларнинг уқтиришича, «ёзувчи жамиятни синфий тушуниш жиҳатидан, тарихни яратувчи куч меҳнаткаш халқ оммаси эканини идрок этиш ва уни бадиий ифодалашда коммунистик партиявиий негизда тура олмади, истиқболга назар ташлолмади...».

Яхшиямки, Қодирий тарихий романларида ўз принципида қатъий туролди; худо кўрсатмасин, мабодо, адаб бояги адабиётшунослар айтганча йўл тутиб «коммунистик партиявиий негизда» туриб, «истиқболга назар ташлаб», «келажакни очиқ-оидин ҳис этиш ва кўра олиш»ни таъминлаш томонига ўтганида, қаҳрамонларини «ўз ҳолича» олмасдан, янада курашчан, фаол шахсга айлантирганида, «ўзбек тарихининг ҳазми» кўтармайдиган ишларни қилишга мажбур этганида, характерларни «типик шароитнинг устунлиги ва қўрқинчли «салобати»дан халос этиб, «тарихга сезиларли таъсир кўрсатувчи» қаҳрамонига айлантирганида,

табиийки, бугунга қадар ўз маърифий ва бадиий қимматини йўқотмай келаётган тенгсиз реалистик романларга эга бўлмас эдик. Тарих Қодирий тутган йўл ҳақ эканини тўла тасдиқлади.

Албатта, Қодирий ҳам ўз даврининг фарзанди, ўз ижодий принципларида ҳар қанча собит туришга уримасин, гоҳо замона сиёсати, ҳукмрон мафкура таъсирида бир оз чалғиган, иккиланган, ёлғон ваъдаларга умид боғлаган, сиёсат тазиқига дош беролмай бир оз муросага борган пайтлари ҳам бўлган. Ижодда доимо ҳақиқат ва холисликни тарғиб қилган адиб бъазан ўз эътиқодига зид бориб, ижодкорлар олдига ўринсиз талаблар қўяди. Чунончи, боя мамнуният билан тилга олинган «Равот қашқирлари» мақолосида тилга олинган босмачилик масаласининг ёритилиши хусусида тўхталиб, асарда «уларнинг бачча сақлаши» ифодаси кифоя эмаслигини айтади, босмачилик фаолиятининг ғайри тарафларини, масалан, шайхулислом, қози, муфти кабиларнинг босмачиликка дин номидан фатво беришлари, қўрбошидан инъом-эҳсон кўриб, йигитларни ғазотга даъват қилишлари ва бошқаларни ҳам кўрсатиш керак эди, лейди. У жуда қатъий қилиб: «Холбуки, босмачиликда энг зўр роль ўйнаганлар шу уламолар эдиларки, буларга қўзим тушмади» дея даъво қиласди.

Қодирийнинг босмачилик ҳаракати ва бу ҳаракатда руҳоний уламоларнинг роли масаласидаги мулоҳазалари менга бу ҳодисаларни шахсан кўрган, яқиндан билган, чукур ўрганган холис одамнинг ўз сўzlари эмас, балки ўша кезларда босмачилик ва руҳонийлар муносабати ҳақида кенг тарқалган, аниқроғи, тарқатилган расмий фикр-тасаввурлар таъсирида айтилган гаплардай туюлади. Босмачилик ҳаракатига оид архив материаларини, бор ҳақиқатни яқиндан ўрганиш шундан далолат берадётirки, босмачилар билан руҳонийлар орасидаги муносабат, қолаверса, босмачилик ҳаракатининг ўзи мавжуд расмий тасаввурларга қараганда хийла мураккаб кечган, босмачиларни қўлга курол олишга, шафқатсизлик қилишига, гоҳо руҳоний уламоларнинг босмачилар томонини олишига ўша пайтларда шўролар ҳокимияти тепасида турган, қизил армияга, чекистларга бошчилик қилган ношуд, қаллоб раҳнамоларнинг хато сиёсати, ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, маҳаллий халққа нисбатан ўта шафқатсизликлари ҳам сабаб бўлган. Виждонли, имон-эътиқоди бутун уламолар, умуман, шўроларга эмас, шўроларнинг адолатсиз, шафқатсиз сиёсатига қарши турганлар, айни пайтда босмачиларнинг шафқатсизликларини ҳам кечирмаганлар.

Шу тариқа Қодирийдек ижодда ҳақиқат, холислик тарафдори саналмиш реалист адибнинг мана шу мураккабликларини назардан соқит қилиб, «Равот қашқирлари»дан, албатта, босмачилик ва руҳоний уламолар муносабатини ўша давр ҳукмрон расмий

мафкураси тасаввури асосида ёритишни талаб этиши адебнинг гоҳо ўз ижодий принципларидан муайян даражада чекинганлиги аломатидир.

Қодирий «Кутилган гўзал совға ҳақида» мақоласида ВКП(б) Марказкомининг 1932 йил 23 апрелда «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта куриш ҳақида»ги Қарорига катта умид боғлади, бу қарорни ижодкорларга аталган «кутилган гўзал совға», партияning адабиётга оид сиёсатини эса «олийжаноб ҳаракат» деб атайди. Айни шу қарор нарироқ бориб ижодкорларни авторитар ҳокимиятнинг итоаткор малайига, ҳукмрон мафкурунинг ижрочиси ва тартиботчисига айлантириб қўяжагини, бошда «шу кунгача социализм қозонида қайнамай келган «эскироқ» ёзувчиларни ўз қаноти остига олиб», сўнг бошига не-не савдолар солажагини, эҳтимол, адаб хаёлига ҳам келтирмагандир. Бунинг устига ўша кезларда мамлакатда амалга оширилаётган дабдабали тадбирлар, улар атрофида кўтарилиган шовқин-суронлар таъсирида бир оз эсанкираб, адабиётнинг ўша суронлардан орқада қолаётгани ҳақида ташвишланиб гапиради. У ёзади: «Коллектив хўжалик асосида дев қадамлар билан илгари юрган янги қишлоғимиз, унинг қаҳрамон ёшлари, йигитлари, оғолари, хотин-қизлари бизнинг нафис асарларимизда гавдаландими? Шаҳарларимизда ҳайратбахш ва азим бинолар, солинаётган заводлар, фабрикалар, гидрлар, билмадим яна нималар ва уларнинг чарчамас девкорлари, зарбдорлари бизнинг достонларимизга, ҳикоя ва романларимизга жонли, нафис зийнат бўла оладиларми?

Таассуфки, йўқ, бўлгани ҳам арзигулик эмас».

Қодирий ўзи тилга олган бундай «коллектив хўжалик асосида дев қадамлар билан илгари юрган янги қишлоқ»лар, шаҳарлардаги «ҳайратбахш ва азим бинолар, солинаётган заводлар, фабрикалар, гидрлар» қай тариқа, нималар эвазига, қандай зиддиятлар, фожиалар орқали амалга оширилаётганлигини, бу ишларнинг ижрочилари — «қаҳрамон ёшлари, йигитлари, оғолари, хотин-қизлари... чарчамас девкорлари, зарбдорлари» бошида не-не савдолар кечеётганлигини ўйлаб кўрганмикин?!

Аминманки, ёзувчи бу ҳақда ўйлаган, ўша кезлари мамлакатдаги, она юртдаги «асл ҳаёт» қанақа эканини, дабдабали тадбирлар қай йўсинда олиб борилаётганлигини билган, мақоладаги гапларни эса, эҳтимолки, муроса-ю мадора тариқасида битган. Даъвомизнинг далили щуки, мазкур мақоладан ярим йилча илгари ёзган «Ўзи хон — қўланкаси майдон» фельетонида «дев қадамлар билан илгари юрган янги қишлоқ»лардаги ўзбошимча раҳбарни нақадар шафқатсиз фош этган! Гарчи «Обид кетмон»нинг қатор саҳифаларида давр мафкураси, дабдабозлик таъсири сезилса-да, адаб ўша давр қишлоқ ҳёти, у ердаги жараёнлар ҳақида имконият доирасида даврнинг ҳукмрон мафкурасига, юргизилаётган сиёсатга зид

ўзининг жуда жиддий юрак сўзларини ифодалай олган. Шу тариқа адиб қарашларидаги зиддиятли ҳолатларни амалиётда бартараф этишга баҳоли қудрат ҳаракат қилган. Муайян иккиланиш, чекинишларга қарамай адиб асос эътибори билан бир умр ижодда ўзининг бош принципларига содик қолди.

Қодирий эстетикасидаги яна бир муҳим жиҳат шуки, ижодда «асл ҳақиқат»га холис туриб, ҳаётдан шунчаки нусха кўчириш орқали эришиб бўлмайди, бунинг учун кишидаги ақл-заковат, билимдонлик, синчковлик, турмушни чуқур билиш лаёқати ҳам асло етарли эмас; адабиёт, бадиий ижод сирли-сехрли олам, бу соҳанинг одами бўлиш учун аввало туғма истеъод, санъаткор қалби бўлиши керак; турмуш ҳодисаларини, одамлар ҳаётини, қалбини, қалбидаги нозик жараёнларни кўриш, кўрсатиш билан бирга уларни бутун вужуди билан ҳис этиш, энг муҳими, шу нозик туйѓуларини бошқаларга етказа олиши лозим. Бадиий ижод жараёнидаги энг нағис сирли-сехрли ва ўта мashaқатли ҳолат худди шу нозик кечинмаларни моҳирона ифодалаш ва қофозга туширишдан иборат. Қодирийнинг замондоши ва маслакдоши Чўлпон «Мен шоирми?» шеърида шундай сирли-сехрли, ўта нозик, мashaқатли ижодий ҳолатни жуда яхши ифода этган. Шоир хаёл қанотида олис-олисларга парвоз этади, хаёли бир мансилга етгач, тўхтаб қолади ва шоирни ҳам ҳайратга, ҳам лаззатга, ҳам қийноққа солади:

*Бир замон бир ширин жойга етганда,  
Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир;  
Ошиқдек ястаниб, ётиб оладир...  
Шу чоқда қийналиш бошланар менда.  
Чунки, хаёлимнинг кўзлари билан  
Бир гўзал ҳолатни кўриб турман;  
Лаззатга фарқ бўлиб, ўлиб турман.  
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан —  
Англатиш қўлимдан келмай қоладир.  
Шу чоқда тилларим қалдираб кетиб,  
Борлигум ўйқликка ғалдираб кетиб,  
Дейманки: «Бошқалар билмай қоладир —  
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен  
Рассом бўлсан эди, чизиб берардим.  
Ўхшаши нусха билан ёзиб берардим,  
Шу ожиз ҳолимда, шоирманми мен?..»  
Шоирлик менда бир соями дейман,  
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач!  
Рассомдек хаёлни чиза олмагач!  
Ҳақип борлигумга кўп афсус ейман...*

Шоир хаёлнинг кўзлари билан кўриб турган бир гўзал ҳолни маълум даражада ўқувчига етказади, уни ўқиб, биз лирик қаҳрамоннинг бамисоли гул баргидаги бутун олам жамолини ўзига жо этиб, титраб турган шабнам томчисидек қалбини вужуд-вужудимиз билан кўриб, ҳис этамиз. Лекин бу ифодадан шоир асло қаноат ҳосил қиласиди. Шоирнинг ўша дамлардаги кечинмалари қофоздаги аксига кўра бир неча чандон сержило ва виқорли экани аён. Уларни тўлалигича ифода этолмаётганидан шоир афсусланади, ўзини ижодкор сифатида ожиз сезади. Мана шу ҳолатни сеза олиш, ҳис этиш ҳам чин санъаткорликнинг муҳим бир белгиси.

Қарангки, Қодирийдек санъаткор ҳам ҳаётдаги, одамлар қалбилаги мураккаб, зиддиятли, нозик жараёнларни кўриш, қалбан туйиш билан бирга Чўлпон каби уларни ифодалаш, қофозга тушириш борасида гоҳо ўзини ожиз сезади. «Ўткан кунлар»да бир неча бор шундай ҳодисалар ифодаси пайтида адид «Бу ҳолат тасвирига қаламим ожиздир» дейа узрини айтиб ўтади. «Баъзи руҳий кечинмалар (переживание) борки, киши сезмайди, тушунади, — деб ёзади адид. — Бироқ шу ҳолни қофозга туширмакчи бўлингандা сўз топилмай, ифода қилолмай, ҳайратда қолинади, ноилож ожизни икрор қилишга, «қаламим ожиздир» дейишга мажбур бўлинади». Бир мисол. «Ўткан кунлар»нинг «Хайриҳоҳ қотил» бобида шундай ҳаяжонли лавҳа бор: кутилмагандаги Кутидор Отабекдан хат олади, унда ғаламислар макри туфайли Отабек ва Кутидор оиласи бошига тушган кўнгилсизликлар, уюштирилган сохта «талоқ хати» сири ошкор этилади. Шу дақиқаларда Кутидор, Офтоб ойим, айниқса, Кумуш қандай ҳолга тушди, улар қалбida нималар кечди? Аввало, Кутидор хат билан танишгач, «даҳшат ва таажжуб ичидаги тошлек қотиб қолгани» айтилади; мактуб ўқилиб битганда «Офтоб ойим, айниқса, Кумуш Кутидорнинг бояги ҳолига тушган эдилар», деб ёзади адид ва бу маълумотидан асло қониқмай «Кумушнинг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш, албатта, мумкин эмас эди» дейа ўзи берган маълумотдан кўнгли тўлмаганини изҳор қилиб ўтади. Сўнг, Кумуш ҳолати ифодасига яна қайтади ва шундай лавҳани чизади: «У титрар эди, кўкарап эди, тўлғанар эди... Ҳозирги энг кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни, ҳиссиётнинг аъло ифодаси бўлган, ёш билан тўкар эди». Шу тариқа энди у қаҳрамоннинг тифиз руҳий ҳолатини бир қадар жонли гавдалантиришга, қалбидаги жараёнларни, кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни ўқувчига етказишга муваффақ бўлади.

Агар адид «Кумуш Кутидорнинг бояги ҳолига тушган эди» деган маълумот билан чекланганда, у санъаткор эмас, шунчаки воқеа-навис бўлиб қолган бўлар эди. Тўғри, бу маълумот ҳам қаҳрамон ҳолати ҳақида муайян тасаввур беради, бироқ у қаҳрамон қалбидаги кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни тўлалигича ҳис этишга, ўқувчи қалбини

ларзага солишга қодир эмас, фақат кейинги лавҳа орқали, яъни унинг титраши, кўкариши ва тўлғаниши, кучли ҳаяжон ва ҳиссийт ичидан кўз ёши тўкиши ифодаси орқали ўша дақиқалардаги, қаҳрамон қалби ҳақиқати ҳақиқат, қалб драмаси ўкувчи қалбига бирмунча тўлароқ етиб боради... Адабиёт худди шуниси билан санъат, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айланиш сири ҳам шунда. Қодирий санъатнинг бу сирини ва уни юзага чиқариш машак-қатларини теран тушунган, нозик ҳис этган. Бу борада ўз ифодасидан ҳеч қачон тўла қаноат ҳосил қилмаган. Ҳаёт ҳақиқати ҳақила гап кетгандা, афсуски, масаланинг бу томонига ҳамиша ҳам етарли эътибор беравермаймиз. Қодирийдан кейин яратилган жуда кўп тарихий асарларда тарих ҳақиқати, инсон қалби ҳақиқати ҳақиқат Қодирий даражасида бадиий ҳақиқатга айланганми, бу масалада қаламкашлар ўзларига нисбатан Қодирийчалик талабчаник кўрсата олганларми — деган масала устида етарли бош қотириб кўрмаймиз. Сон-саноқсиз тарихий мавзуда ёзилган асарларда тарихий ҳақиқатнинг насрый баёни, ифодаси бўлса ҳам улар санъаткорона кашф этилмагани, бадиий ҳақиқатдан маҳрум бўлгани учун санъат асарига айланмай, адабиётимиз тарихида из қолдирмай унутилиб кетмоқда.

Шу тариқа Қодирий эстетикасида ҳақиқатнинг бадиий ифодаси, шакл, услублар масаласи муҳим ўрин тутади. Бу ўринда Қодирий эстетикасидаги яна бир характерли жиҳатга эътиборни тортмоқчиман. Гарчи ёзувчи реалист сифатида ижодда бу принципларда изчил турса-да, уларни кенг шарҳ ва тарғиб қилса-да, адабиёт, санъатдаги бошқа хил оқим ва йўналишларга, турли-туман шаклий, услугубий изланишларга ҳурмат ва эътибор билан қарайди. Қодирий ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам учраб турадиган ўзи танлаган, амал қиласидиган алабий ақидалардан бошқасини тан олмайдиган, бошқалар тутган йўлга нописандлик билан менсимай қарайдиган ўжар, феъли тор қаламкашлардан фарқли ўлароқ, ижоддаги чинакам изланишларни бағрикенглик билан химоя қиласиди. «Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак», — дейди у.

Адабиётшуносликда Қодирийнинг бу хусусдаги айрим мулоҳазалари, чунончи, шоир Олтойнинг футуристик изланишлари, «Ўткан кунлар»да «сўнгги приём»ларни қўллаш масаласи тўғрисидаги мулоҳазалари бир ёқлама талқин этиб келинди. Дарҳақиқат, Қодирий Москвадан йўллаган, «Муштум»да босилган бир хатида ёш ҳаваскор шоир Олтойнинг мувваффақиятсиз изланишлари устидан кулган, футурист шоирларга кўр-кўронга тақлидига пародия ёзиб, кескин танқид қилган. Айрим адабиётшунослар бу хусусий ҳодисадан Қодирий футуризмни «қаттиқ танқид қилиб келди», «формалистик изланишлар»ни доимо қаттиқ танқид қилиб келди» деган жiddий умумий хуносага келадилар. Мен аминманки,

Қодирий бу ерда асло футуризмга қарши чиқаёгани йўқ, Олтой-нинг маънисиз тақлидини, ўз ҳунарида нўноқлигини танқид қилаётир, холос. Қолаверса, ҳар қандай шаклий, услубий изланишларни «формалистик изланишлар» деган ёрлиқ билан аташ ҳам тўғри эмас. Қодирий боя айтилганидек, турли ижодий оқим ва мактабларга, шаклий изланишларга ҳамиша хайриҳо бўлган. «Ўткан кунлар»даги «сўнгги приём»лар масаласига келганда, бу хусусда ҳам ёзувчининг позицияси аниқ-равшан, бундай шаклий изланишларни миллий адабиётга олиб киришга тарафдор. Аммо у бу масалага оқилона ёндашиш, бир томондан, ҳалқимизнинг ўзлари ҳали «сўнгги приём»ни кўллашга қанчалик тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олиш зарурлигини уқтиради. «Модомики, асар савияси ўзимизга маълум шу ҳалқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт «сўнгги приём»лардан кўз юмиб туриш, оралиқда «сўнгги приём»ни оз-оз қистира бориш лозимдир», — дейди. Адабий танқид ёзувчининг бу оқилона мулоҳазаларини шундай изоҳлайди: «Бу ердаги «оралиқда сўнгги приёмни оз-оз қистириб бориш лозим» лиги ҳақидаги гапларнинг эҳтиёт учун айтилгани ва аслида Абдулла Қодирийнинг формалистик приёмлар душмани экани шу келтирилган сўзлардан ҳам аниқдир». Бу ўринда ёзувчининг сўзларига бошқача маъно беришга, уни шунчаки йўлига «эҳтиёт учун айтилган» дейишга ҳожат йўқ. Ёзувчининг гаплари самимий; адабнинг «сўнгги приём» иборасини формализмга тенгглаштириш, адабни ҳар қандай «сўнгги приём»нинг душманига чиқариш инсофдан эмас. Қодирий foят самимият билан бу романни орқали «халқимиз рагбатини бир оз бўлса ҳам янгиликка» тортмоқчи бўлгани, имкон қадар «сўнгги приём»ларни кўллагани, бироқ, бу «сўнгги приём»лардан баъзиларини «Ўткан кунлар»га эртароқ киргизган»и учун айрим ўқувчилардан шикоятлар эшитганини, бинобарин, ўқувчи омманинг савия — даражаси ҳали «сўнгги приём»ларни тўла қабул қилишга тайёр эмаслигини афсусланиб эслатиб ўтади. Қодирий ижодда ҳалқимиз рагбатини янгиликка тортиш йўлида сабот билан иш кўрди, тарихий романларидан салгина кейин яратган «Обид кетмон»да И.Faфуров айтганидай, Европа адабиётига хос янгича изланишлар, «сўнгги приём»ларнинг бир қатор белгиларини, яъни ички монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, сюжетнинг «исталган» ерда бошланиши ва «исталган» ерда тугаши, кутилмаган янги воқеа чизиқлари куртаклаши каби экспрессион ҳолатларнинг бошланғич зухуротларини кўрамиз.

Ёзувчи шаклий изланишларга, бу борада дадил новаторона тажрибаларга нақадар катта эътибор билан ёндашгани, ҳақиқий истеъод эгасининг ўзига хос йўлига, ифода тарзига хурмат ва эҳтиром билан қараганини «Ўқиш — ўрганиш», «Тонг сирлари»га

сўз» мақолаларидағи мулоҳазалари ҳам тўла тасдиқлайди. Адид «Ёш ленинчи»нинг адабий тўгарагида сўзлаган нутқида ёш ижодкорларга: «Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиганда ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қандай йўл билан ўқувчига англата олганини диққат қилиб суришириб бориш керак», — деда маслаҳат беради. У А. Чеховнинг «Буқаламун» («Хамелион») ҳикоясига бағишиланган мақоласида эса «ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қандай йўл билан ўқувчига англата олганини», яъни ўзига хос тасвирлаш санъати сирларини моҳирона — заргарлик билан таҳлил этиб беради. Мақола охирида Л. Толстойнинг А. Чехов услубига хос хусусиятлар хусусидаги мана бу сўзларини келтиради: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо узокроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан». Аввало, 30-йиллар шароитида Л. Толстойдек даҳо томонидан айтилган бўлса ҳам, «формализм мактаби»га мансуб импрессионистларга хос шаклга хайриҳоҳлик билдирган сўзларини келтиришнинг ўзи катта жасорат, қолаверса, ўзбек китобхони, ёш ёзувчилари эътиборини ана шундай «сўнгги приём»ларга тортиш яна бир жасорат эди!

«Тонг сирлари»га ёзилган мўъжазгина сўз бошидаги мана бу сўзларга қаранг:

«Ўктабр ўзгариши қора тунимизнинг тонгини оттирди эса-да, бу мудҳиши кечанинг баднамо кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратадилар ва ул чор-ночор йиғлади... Шу йиги орасида барқ уриб кўринган эрк қуёши бу кўз ёшларидан «чечаклар унгуси»ни сўзлади...».

Қодирий, аввало, Чўлпон шеъриятини, аниқроғи, «Тонг сирлари» тўпламига кирган шеърларини, уларнинг бош пафосини — асосий руҳини, асл моҳиятини теран тушуниб, нозик ҳис этиб, қолаверса, шоирнинг ўзлигига чуқур эҳтиром билан қалам тебрататиёт; шоир шеърларида мавжуд мунгли мотивларнинг, шоирнинг юрагини титраттган, чор-ночор йиғлашга мажбур этган ҳолатларнинг туб сабабларини билимдонлик билан очиб бератиёт... «Тонг сирлари» тўплами ҳақида ҳанузгача бундан ошириб гап айтган одамни кўрганимиз йўқ!

Энди ўша сўз бошига танқидчиликда берилган мана бу баҳони ўқинг: «Абдулла Қодирийнинг foявий етуксизлиги, айниқса, миллатчи ёзувчи Чўлпонга бўлган муносабатда кўринади: Чўлпоннинг «Тонг сирлари» (1925) шеърий тўпламига ёзган сўз бошисида Абдулла Қодирий бу тўпламга кирган асарларнинг реакцион моҳиятини очиб беролмайди, автор пессимизмини фош этол-

майды, ҳатто авторнинг «кўз ёшларидан чечаклар ундиromoқчи» бўлганига ижобий баҳо беради» (И. Султон. Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том, 343-бет). Мана шунаقا ўта дағал, жоҳил танқид, жоҳилона баҳо туфайли Қодирий эстетик меросидаги кўп нодир жиҳатлар узоқ йиллар илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келди. Эндиликда ўша бебаҳо сарчашмаларга элтадиган йўллар ҳар қандай чақир тиканаклардан халос бўлиб бораётганлиги кишига далда беради, узоқ танаффусдан сўнг бундай бебаҳо хазиналар яна ўз эгасига — халқа қайтарилаётгани кўнгилларга кувонч баҳш этади.

## ХАРАКТЕР КУЛГИСИ

Абдулла Қодирийнинг ҳажвий мероси ҳанузгача тўлалигича йифилган, атрофлича ўрганилган эмас. Маълумки, Қодирий ижоддаги илк қадамлариданоқ ҳажвиётга мойиллик билдиран эди. Унинг «Ахволимиз», «Тўй», «Миллатимга бир қарор», «Фикр айлағил» шеърлари шундан далолат беради. Бундан ташқари, унинг «Жувонбоз», «Бахтсиз күёв», «Улокда» сингари насрый ва драматик асарларида ҳам адиддаги нозик ҳамда ноёб кулги туйфуси, халқ кулгисининг хилма-хил жилолари кўзга ташланади.

Қодирийнинг ҳажвий истеъоди, хусусан, 20-йилларда тўлароқ намоён бўлди. Қодирий ўша кезларда урф бўлган ҳаёт ва адабиётдаги жамики янгиликларни Октябрь инқилоби оқибати қилиб кўрсатиш удумига биноан «янги инқилобий кулгилигимиз ўз тарихини Буюк Октябрдан сўнг ёзган»лигини уқтириб дейди: «Октябргача бўлган ўн йил ичидаги жадидлик байроғи остида чиққан матбуотга назар ташланса, кулги рангидаги парчага жуда оз учрашилади ёки сира учрашилмайди. Демак, бизга янги давр кулгилигини бошлаб бергувчи, бизга ўхшаш ҳом кишиларни бу йўлга тортувчи Улуғ Октябрdir».

Адабнинг фикрича, миллатнинг кулгилик даҳоси аксар ўша қавмнинг интибоҳ — уйғониш тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади; масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес ва Россияда Гоголлар каби; бизнинг кулгилигимиз ўз тарихига эга, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чин негизини ҳали sola олган эмас, Октябрь ижтимоий инқилобининг турткиси билан у эндинига уйғониш кўчасига кира бошлади... Адаб ўша кезлари бизда «ўтқир кулги ижодчилари йўқлигидан», «бу кунги ҳажвиётимизда кескинлик» етишмайтганлигидан афсусланади. «Бироқ яхши хусусиятимиз шундаки, ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаймиз, изланишдан чарчамаймиз ва ўтириб қолмаймиз» дей ўзига таскин беради; янги инқилобий ҳажвчилик «ёшлиги жиҳатидан дағаллиги, қўполлиги ва камчилиги бўлиши ҳам табиий» эканлигини эътироф этади.

Дарҳақиқат, XIX асрда Гулханий, Муқимий сингари ҳажвчиларни берган ўзбек адабиётида XX асрнинг дастлабки йигирма йили давомида ёрқин ҳажвий истеъоддларни, баркамол ҳажвий асарларни деярли кўрмаймиз. Мавжуд ҳажвий йўналишдаги асарларнинг аксарияти ибтидоий, яланғоч ташвиқий, нуқул «қолоқ удумлар»ни қоралаш — фош этиш руҳида. Бундай бир ёқламалик йигирманчи йилларда ҳам бошқачароқ кўринишида давом этди. Агар инқилобдан аввал ҳажв кўпроқ тараққийпарвар адилар кўлида маърифатпарварлик — жадидчилик foяларини тарғиб этишга, «қолоқ удумлар»ни қоралашга хизмат қилган бўлса, инқилобдан кейин янги ҳукмрон инқилобий мафкуранинг «ўтқир қуроли»га айланди; эски тузумни, унинг маънавий асосларини, эски жамият устунлари бўлмиш мансабдор, бой ва руҳонийларни қаҳру газаб билан қоралаш, савалашга тушди. Инқилобнинг дастлабки йилларида яратилган аксар ҳажвий асарларда қаҳру газаб, қоралаш, фош этиш бор-у, чинакам санъат асарига, чин маънодаги реалистик ҳажвиётга хос, Қодирий ибораси билан айтганда, «характер кулгиси», ҳаётнинг, турмуш ҳодисаларининг холис ва теран бадиий таҳлили йўқ. Қодирийнинг кўплаб ҳажвиялари ҳам бундай камчиликлардан холи эмас. Айни пайдга 1915 йилда битилган «Улоқда» ҳикоясидан бошлаб ёзувчи ижодида кулгининг хилма-хил товланишлари — енгил ҳазил, нимтабассум, киноя-кесатиқ, пичинг йўллари билан ҳалқ турмуши манзараларини холис туриб чизиш, персонажлар қисмати ва характеристи моҳиятини очиш тенденцияси кўзга ташлана бошлаган эди. «Оtam ҳам большевик», «Тинч иш», «Бечора Розиқбой ака», «Маслаку мақсаддан шаммаъи изҳор» каби асарлари бу жиҳатдан характеристи. 20-йиллар миёнасида яратилган «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвий қиссалари янги кулгичилигимизнинг жиддий ютуғи бўлди. Бу асарларда ёзувчи кулгиси чиндан ҳам «характер кулгиси» даражасига кўтарилди, муаллиф энди ҳаётдаги, одамлар табиатидаги муайян салбий ҳодисаларни соф мафкуравий позицияда туриб нуқул бир ёқлама қоралаш, фош этиш йўлидан бормай, характеристер ва ҳодисаларни холис туриб мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишга жазм этади. Ҳа, Қодирий буюк сўз усталарига хос реалистик тасвирнинг сеҳрли қудратини кўрсатди, ҳатто ҳажвий асарларида, ҳажвий персонажлар талқинида ҳам бир хилдаги ранг, оҳангдан қочиб, бўёқларнинг ранг-баранг жилоларини намоён этди. Бундай фазилат «Ўткан кунлар» романидаги Ўзбек ойим, «Мехробдан чаён»даги Солиҳ маҳдум, «Обид кетмон»даги Хатиб домла, мулла Муҳсин образлари ифодасида яна ҳам сайқал топган. Мазкур образлар жаҳон адабиётидаги ҳажвий характеристларнинг энг мумтоз намуналари қаторидан ўрин олишга ҳақли.

Қодирий ижодининг, санъатининг кўп қирралари қатори унинг ҳажвий бисоти моҳияти ҳам ўз вақтида тўла англаб етилмади.

Қодирийга, Қодирий ижодига жоҳилларча муносабат айни унинг ҳажвий асарларини нотўғри тушуниш, талқин этишдан бошланди; чунончи, адібнинг 1926 йили «Муштум»да босилган «Йифинди гаплар» ҳажвиясидаги жумҳурият раҳбарлари ҳақида овсар бир персонаж тилидан айтилган беозоргина танқид, ҳазил аралаш ҳақ гап учун унга сиёсий айб қўйилиб қамоққа олинди, адіб устидан ифво, бўхтонлар уюштирилди, бу табаррук зот шаъни оёқ ости этилди. Ўзбек ойим, Солиҳ маҳдум каби персонажлар ўша давр танқидчилигида умуман ёзувчининг ютуғи сифатида нисбатан ижобий баҳолангандан бўлса ҳам, бу хил образлар моҳияти анчайин юзаки талқин этилди. Бу ҳол кейинги йилларга қадар ҳам давом этиб келди.

Сўнгги пайтларда «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» персонажлари теварагидаги айрим баҳслар, янгича изланишлар пайтида фақат мазкур асарлар персонажларигина эмас, умуман, Қодирий ижодидаги ҳажвий характерларнинг адабиётшуносликдаги талқини кескин танқидга, қайта кўриб чиқишга муҳтож экани маълум бўлиб қолди. Шуниси қизиқки, аксар адабиётшунослар «Мехробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумни салбий тип, қабоҳатлар тимсоли тарзида баҳолайдилар, ўз даъволарини романдан олинган далиллар асосида исботглашга ҳаракат қиласидар. Танқидчи Азим Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима айб?» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 3 август) эса бу шахс устига қўйилган айбларни рад этишга, ҳар боб билан уни оқлашга — реабилитация қилишга тиришади, маҳдумнинг «ижобий ишлари»ни, «инсоний фазилатлари»ни тасдиқладиган далиллар келтиришга уринади. Адабиётшунос Муртазо Қаршибоев «Солиҳ маҳдум фариштами?» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 2 ноябрь) эса ислом мафкураси нуқтаи назаридан келиб чиқиб А. Раҳимов даъвосига эътиroz билдиради, Солиҳ маҳдумни ўта салбий кимса сифатида қоралайди. У ҳам романдан ўз қарашларини тасдиқладиган талай далилларни топишига эришади. Эҳтимол, яна бир тадқиқотчи бу образга бошқа томондан ёндашиши, ўз қараши исботи учун янги далиллар топиши мумкин. Хўш, нега шундай? Гап шундаки, адіб бу образ тасвирида реализмнинг энг мўътабар принципларига амал қилган, ўзининг шахсий майллари, мафкуравий мақсадларидан юксакроқ турган, бу тур одамлар ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича — холис кўрсатган; бу шахс ёзувчининг хоҳиш-иродаси билан эмас, ўз ички мантиқи асосида объектив шароит, вазият тақозосига кўра ҳаракат қиласи, Аллоҳ инъом этган зуваласидаги мавжуд табиий хусусиятларни ошкор этади. Характер ва ҳаракат мантиқига кўра, менингча, бу одам романдаги икки қутб — «номағруб — манфий қаҳрамонлар» ёки «марғуб қаҳрамонлар» тоифасига ҳам кирмайди. У икки ўт орасида қолган, табиатидаги оқиз майларнинг кулига айланиб, шайтон васвасасига учеб, вазият,

шароит ҳукмига бўйсуниб ҳам аянчли, ҳам кулгили аҳволга тушиб қолган шўрлик бир банда. Дарҳақиқат, унда бир талай ижобий фазилатлар бор, бироқ, улар ўқувчида ўзига нисбатан жозиба, меҳр уйфотишга тўла қодир эмас; унда кўп ярамас одатлар бор, бу ҳол эса, негадир, унга нисбатан сизда кескин бир нафрат ҳам туғдирмайди; кўп ўринларда, хусусан, пировардида унинг аҳволи аянчли, аммо сиз ҳеч қачон унинг аянчли ҳолига астойдил ҳамдам бўлолмайсиз. Ёзувчи ҳалқ кулгисининг хилма-хил жилоларини ишга солиб, бу одамнинг табиатидаги жамики қирраларини кўрсатади. Солиҳ маҳдум образи туб моҳиятини мана шу ифодалар ранг-баранглигини назарда тутмай туриб очиш, тагига етиш мушкул; фақат бир ёки икки жиҳатигагина ёпишиб олиб, бу образ ҳақида узил-кесил ҳукм чиқараман деган киши, шубҳасиз, янглишади.

Шундай бир ёқламалик адабнинг «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» каби асарлари талқинида ҳам кўзга ташланади. И. Султонов «Абдулла Қодирий» тадқиқотида биринчилардан бўлиб, бу икки асарни анча кенг таҳтил этган, мазкур асарларнинг асосий пафоси «ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, айниқса, кишиларнинг онгига сақланиб қолаётган эскилиқ қолдиқларига, эксплуататорлар синфи идеологияси саналмиш динга, фақат капитализм сарқитларигагина эмас, феодализм қолдиқларига қарши кураш»дан иборат эканлигини айтади. Бугина эмас. Олимнинг фикрича, «Абдулла Қодирий салбий характеристларни тасвиrlаш орқали ижобий ҳодисаларни тасдиқ этади», «ёзувчи совет давридаги ижобий ҳодисаларни шу ҳаётда эскилиқ сарқити бўлган салбий персонажлар орқали тасвиr этади» (И. Султон. Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том, 345-бет).

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»да (1-том, 1968) ҳам «Калвак маҳзум» билан «Тошпўлат тажанг» асосан феодал ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларини фош этувчи асарлар сифатида қаралади. «Ёзувчи бу асарларида, — дейилади «Тарих»да, — ўтмиш сарқитлари, руҳонийлар ва текинхўр такасалтангларни қаттиқ танқид қиласиди, уларнинг янги ҳаёт қуришимизга кўрсатаётган қаршиликларини очиб ташлайди» (71-бет). Бу асарлардаги етакчи персонажлар моҳияти одатдаги қараашлар доирасида шарҳланади. Чунончи, маҳзум — реакцион руҳоний, эски тузумнинг кўпгина ярамас томонларини ўзида мужассамлаштирган, у янги тузум афзалликларини тушунишдан жуда узоқ кимса (262-бет). Калвак маҳзум ўтмишига оид тасвиr маъноси шундай изоҳланади: «Таржимаи ҳол» билан танишар эканмиз, ички дунёси чирик, ташки қиёфаси кулгилик Калвак маҳзумгина эмас, балки бундай тубан тушунчали, бузуқ ахлоқли кишиларни етиштирган ўтмиш жамият, қолоқ ижтимоий тузум иллатлари ҳам кўз ўнгимизда намоён бўлади» (264-бет).

Махзумнинг ўёро давридаги саргузаштларига оид тасвир маъносининг «Тарих»даги талқини эса мана бундай: «Октябрь социалистик революциясидан кейинги янги тарихий шароитда — Калвак махзум каби кишилар тоифасининг илдизига болта урилган бир вақтда — реакцион руҳоний уламолар дарғазаб бўлдилар, прогрессив кучларга қарши фийбат ва бўхтонларни ёғдирдилар» (264-бет). «Тарих»да «Тошпўлат тажанг» хусусида мухтасаргина қилиб у «ўтмишлаги қолоқ ижтимоий тузумнинг ярамас сарқитларидан қутула олмаган тубан кишиларнинг типик бир вакили» дейилади (261-бет). А. Алиев «Абдулла Қодирий» китобида «Калвак большевикларнинг, янгича кишилар ва янгича тартибларнинг ашаддий душмани», «калваклар гуруҳи совет замонасидаги энг реакцион элементлардан бири» (67-бет); Тошпўлат эса «бекорчилик орқасида текинхўрликка ўрганиб, янги ҳаётдаги ҳамма нарсаларга нафрат билан қарайдиган бебурд чапани» деб ёзди (62-бет).

М. Қўшжоновнинг Тошпўлат образи ҳақидаги қараашлари ҳам булардан фарқ қилмайди. «Моҳиятан «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳам, «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан»га ўҳшаб кетади, — дейди у. — Бу ерда ҳам бирор ижобий хусусиятга эга бўлмаган шахс — чапани ҳаётда рўй берәётган янгиликларнинг устидан кулган бўлади. Шу орқали у ўзини ўзи, ўзининг қолоқлиги, бемаъно характеристикаси — текинхўрлиги, қиморбозлиги, безорилиги; ҳамма аста-секин янгича яшашга кўнигаётган пайтда, у ҳамон эски жамият туғдирган қилиқлардан қутула олмаётган кимса эканини ошкор қиласди» («Ижод масъулияти», 1981, 188—189-бетлар). Азим Раҳимов «Солиҳ махдумда нима айб?» мақоласида яна ҳам кескинроқ қилиб «Калвак махзум жоҳил ва нотавон, жисмоний ва маънавий мажруҳ бир шахс», «унда қизғин фаолият учун куч ҳам, билим ҳам, қобилият ҳам йўқ», «ўта кетган худбин, ақли кўтоҳ бир нодон», «юз берәётган катта ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга тор манфаатпарастлик доирасидан қарайди», у «жамият тараққиёти томонидан четга улоқтириб ташланган жирканч кимса» дейди. Ниҳоят, энг кейинги манбалардан бири «Ўзбек совет адабиёти тарихи» дарслигига ҳар икки асардаги асосий гап «эскини, салбийни инкор этиб, фош қилиб, янгининг улуғвор, ҳаётий, пўртанавор одимларини тасдиқлаш ва олқишлишашда» экани таъкидланади (32-бет).

Мен «Калвак махзум» ва «Тошпўлат тажанг» ҳақидаги бу хил фикрларни бутунлай рад этмоқчи эмасман, уларда муайян ҳақиқат бор, албатта. Аммо ҳар икки асарнинг, улардаги етакчи персонажларнинг маъно-мазмун доираси фақат шулардангина иборат эмас. Менингча, бу хилдаги гаплар ҳар икки асарнинг айрим жиҳатлари, кўпроқ улардаги маъно қатламларининг устки, ташки томонларигагина дахлдор, холос.

Абвало, ҳар икки асарнинг асосий пафоси ўтмишни қоралаш, феодал ўтмиш сарқитларини фош этиш, шўро даври воқелигини, ҳаётдаги янгиликларни тасдиқлаш ва олқишилашдан иборат деб санаш, яъни асарларни соғ мағкуравий тарафкашлик маҳсули деб қарашнинг ўзида бир ёқламалик бор. Ҳар икки асарни тадқиқ этишга киришганда ёзувчининг мазкур асарлар ва уларнинг етакчи персонажлари хусусида айтган мулоҳазаларини ҳам назарда тутмоқ лозим. Махзум ҳақида Қодирий дейди: «Калвак мажзумни ўқинг: кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлағон холис бир маҳалла имомини кўрасиз». Сўнгра Тошпўлат ҳақида мана бундай дейди: «Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилик ва фаҳшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанини кўрасиз». Эътибор беринг, адид бош қаҳрамонлари — махзум, Тошпўлат характерлари ирода йўналишларининг етакчи жиҳатларига ишора қиляпти, шу билан бирга ҳар икки шахс характерининг бир муштарак жиҳатини — уларнинг «холис» одамлар эканини уқтираяпти. Майлумки, ҳар иккала асар ҳам ўша етакчи персонажлар тилидан ҳикоя қилинади. Табиийки, улар ҳодисаларни ўз савиёси нуқтаи назаридан туриб баҳолайдилар. Бироқ улуг реалист ёзувчи санъатининг сехри шундаки, муаллиф мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган мутаассиб руҳоний Махзум, ишсизлик ва фақирлик орқасида эзилиб тажангланган чапани Тошпўлат характерларига хос ажиб бир холисликни ҳам кашф этади. Бир қарашда хийла тарафкашлик билан ҳикоя қилинаётган ҳодисаларда ҳаётнинг холис, объектив манзараси гавдаланади. Ҳар икки асарни синчиклаб ўқир экансиз, уларда сиз фақат «феодал ўтмиш»ни қоралаш, эскиллик сарқитларини, мутаассиб руҳоний ва тажанг — безорини фош этиш ёки шўро даври янгиликларини тасдиқлаш ва олқишилашнигина эмас, айни пайтда ўтмишдан мерос қатор ҳалқ удумларини — қандай бўлса шундайлигича, манфий ва мусбат томонлари билан кўрасиз.

Айниқса, асарда суннат тўйи, никоҳ тўйи, фарзандни мактабга, мадрасага узатиш, аза удумлари лавҳалари холисона чизилган. Махзум, Тошпўлат ва уларга яқин кишиларнинг кечмишидаги талай ноxуш жиҳатлар билан бирга уларнинг табиий, инсоний кувончу ташвишларига шерик бўласиз; шўро даври воқеалари қаламга олинганда адид нуқул етакчи персонажлар нигоҳида салбий бўлиб туюлган марғуб ҳодисаларнигина эмас, балки 20-йиллар ҳаётига, социалистик воқеликка хос бир қатор жиддий, ноxуш манзараларга эътиборимизни тортади, янги инқилобий давр ривожининг мураккаб ички зиддиятларини бадиий таҳлил этади. Бу ҳол 20—30-йилларда жоҳил кимсалар дарвоҳ қилганидек, асло ёзувчининг янги жамиятга ноxуш муносабати, қандайдир «фарази», «душманлиги»,

«революцияга қарши хатти-ҳаракати» аломати эмас, балки виждони пок, ҳақгүй адебнинг чин фуқаролик бурчини адо этганлиги тасдиғидир.

Гапни Калвак махзумдан бошлайлик. Сир эмас, асар бошчидан Махзумни фош этишга уриниш хийла кучли, ёзувчи ҳар боб билан Калвакни қоралаш, масхаралашга тушади, айрим ўринларда муаллиф қаҳрамонини характер мантиқига зид хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур этаётгандай туулади. Чунончи, Махзумнинг ит уриштираётган болалар қилиқларидан завқданиши, ўн икки ёшлар чамаси қиз болага беҳаёларча тегажоқлик қилиши, уни чапаниларча сўроққа тутиши, қизчага қаратса: «Эмчагинг олмадек бўлуб қолибdir: ўйнашинг ҳам борми?» дейиши — булар мадраса хурофоти билан мияси говлаган мулла одамнинг гапи эмас, бу гапларни Тошпўлат тажанг типидаги чапани одам айтса, унга тўла ишониш мумкин эди. Шунингдек, Махзумнинг дунёга келиш тарихи, чақалоқлик йиллари, касалликларга чалиниш воқеалари баёнида ҳам инсон шахсини таҳқирлаш, масхаралаш, бу борада меъёрдан чиқиб кетиш ҳоллари учрайди. Бунинг муайян объектив сабаблари бор, албатта. Маълумки, «Калвак махзум» 1923 йили ёзила бошлаган эди. Ўша кезлари мамлакатда «феодал ўтмиш»га, «ўтмиш сарқитлари»га, жумладан, динга, диний ақидаларга, диндорларга қарши шафқатсиз кураш авж олдириб юборилган, кўплаб зиёлилар, ижодкорлар мана шу курашга сафарбар этилган эди. Қодирийдек эътиқоди бутун аллома ҳам замона зайли туфайли, ихтиёрийми ёки ўайтон васвасаси, шубҳа-гумонлар, руҳий-маънавий иккиланиш, изланишлар оқибатидами — қандайдир сабаблар билан муайян муддат шу жанг жадалларда қатнашади, дин ва диний удумларни ёппасига қораловчи, рад этувчи асарлар ёзади, дин ва диндорлар хусусида тарафкашлик билан хийла кескин бир ёқлама ҳақоратомуз танқидий гаплар айтади. Биргина мисол, «Замонанинг зayıli» мақоласида «Миллатнинг пешонасининг шўри бўлган, тўғриси, миллатнинг соғ ва тоза миясини сиқиб олиб, ўрнига ҳайвон миясини ўрнаштирган оқ саллали девларни бир чукурга тиқиб, устига маориф ва маданият асосини қурсак қандай ур-йиқит базм бўлар эди», — деб ёзади. «Калвак махзум» Қодирий худди шундай қарашлар гирдобида эканида ёзила бошлаган. Табиийки, бу ҳол асарда, руҳоний Махзум образи талқинида ўз муҳрини қолдирган. Аммо реалист ёзувчи ўзининг ўша кезлардаги мафкуравий ақидаларидан, майлларидан юксакликка кўтарилиб, айни ўша ҳажв тифига рўпара қилинган руҳоний — Махзум, унинг шахсияти, муҳити, ўтмиши ва шўролар давридаги саргузашлари билан боғлиқ объектив ҳақиқатни ҳам айтишга, кўрсатишга муваффақ бўлолган.

Ҳеч шубҳа йўқки, ота-она тилаб олган, отаси қирқ беш ёшида кўрган, оиласда якка-ягона ўғлон — Калвакнинг ўта эркатой бўлиб ўғани, мударрис ота паноҳида мадрасада шалтоқ ишлар билан

машғул бўлгани, отасининг ҳам шалтоқ ишларга алоқаси борлиги, қаллоб йўллар билан фариштадай қизга уйланиши, кўнгилсиз келинга ваҳшийларча тажовузи ва бу ишнинг ноҳуш оқибатлари — шу каби ўринларда ёзувчининг кулгиси ҳақиқатан ҳам заҳарханда қаҳқаҳага айланади, муаллиф қаҳрамони табиатидаги қабоҳатларни боллаб фош этади. Шу билан баробар, адид ота билан онанинг ёлғиз фарзанд тарбияси, саломатлиги, камоли, истиқболи, баҳти деб чеккан азиятларини ҳам тушуниб, юракдан ҳис этиб қалам тебратади. Бу дардчил, кўримсиз, ношуд-нотавон, қалвак табиат ўғлон ота-она бошига не-не ташвишу савдоларни солмади, ахир! Хусусан, ўғлининг мадрасадаги шалтоқ ишлари ошкор бўлган кезлардаги ота ҳолати, сўнгра нобоп ўғлоннинг чимиилдиқда келинчакка қилган тажовузидан кейин қудалар, эл-юрт олдида шармандалик ва қўркувдан таҳликага тушиши, яна ўша баҳти қаро ўғилнинг бошини икки қилиш йўлидаги ташвишу заҳматлари — ҳажвий асар бағридан шундай тифиз, мунгли руҳий драматик тасвирнинг жой олиши санъатда сийрак учрайдиган ноёб ҳодиса! Шунингдек, китобхон мадраса хурофоти билан мияси говлаган Махзумнинг ҳаётдаги бир қатор мақбул ўзгаришлар, янгиликлар, таркиб топиб бораётган янгича таомилларни ҳазм қилолмай ноқуладай аҳволга тушиб қолишидан қаҳқаҳ отиб кулади: қироатхонада эрқак билан аёл кишининг оддий инсоний муносабатлари Махзумга фаҳш бўлиб туюлади; у қироатхонанинг одамларга текин хизмат қилиши сабабига тушунолмай гаранг бўлади, қироатхонадаги жадид — янги илмий китобларга нафрат билан қарайди, уларни «ағдариш-тўнтариш қилуб кўчага чиқариб» ташлагиси келади; маҳаллий ҳалқ ёшларининг марказга ўқишига юборилиши унга зўравонлик бўлиб кўринади ва ҳоказо. Бундай ўринлардаги пичинг, киноя-кесатиқлар муҳим ижтимоий маъно касб этади. Аммо Махзум қисмати, саргузаштлари ифодасида бошқа жиҳатлар ҳам мавжуд. Махзум табиати ва қисмати эътибори билан ҳар қанча кулгили — комик характер бўлмасин, у аянчли кимса. Аввало, Аллоҳнинг ўзи унинг баҳтини кемтик қилиб яратган, болалиги дарду ташвишлар билан ўтган, вояга етиб, уйланганида илк қувонч азага айланган; орадан анча Фурсат ўтиб бошқа бир ўзига муносаби аёлга унашув асносида ота оламдан ўтади, тўйга аталган нарсалар ота азасига харж қилинади; сўнг отадан қолган мулкнинг бир қисмини сотиб уйланади, фарзанд кўради, баҳтли бўлдим деб қувонади, аммо бирин-кетин икки фарзандини қаро ерга бериб, жудолик ўтида ўртанади. Ниҳоят, яккаю ягона қизини вояга етказиб, узатиб энди «тинчигани»да юртда инқилобий ўзгаришлар бўлиб, большевойлар сиёсати туфайли мадрасалар ёпилади, диндорларга, эски зиёлиларга муносабат кескинлашади, кўплар қатори Махзум ҳам тирикчилик манбайдан — имоматдан ҳайдалади, кўча-кўйларда сарсон бўлиб қолади;

«бу вақтда тириклик тошдан қаттиқ, бола-чақанинг ташвиши кишини қайси күйларга солмайдыр...». Махзум ночор дуохонлик қилишга мажбур бўлади, аммо дуохонлик орқасида кун кўриш бисёр қийин, фақат кампири чархи билан жонига ора киради; баҳтига кампири бор экан «ипу иплиқ қилиб» рўзгорни тебратади; Махзумнинг «Муштум» идорасига ёзган хатидаги имоматдан тушиб қолгандан бери бениҳоя дилгирилиги, эртадан-кеч қиласидаги иши уйга кириш, эшикка чиқиш — бундан бошқа гап йўқлиги, бекорчиликдан эр-хотин орасида дилхунлик давом этаётгани хусусида қилган шикоятлари ифодасида кулги оҳангидан кўра қаҳрамоннинг ночор аҳволига ачиниш туйғуси устувор. Махзум саргузаштлари талқинидаги яна бир фоят характерли йўналиш шу пайтга қадар адабиётшунослар эътиборидан мутлақо четда қолиб келаёттир. Гап шундаки, гўё Махзум учун тушункисиз, файритабиий, кулгили бўлиб туолган ҳодисалар замирида тамомила бошқа бир маънони уқиб олиш қийин эмас; бир қарашда Махзумни «фош этиш»га қаратилгандек бўлиб кўринадиган кулги тиги ўша давр — 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларининг кўпгина жиддий томонларига, адаб ибораси билан айтганда «жамият қитифига» тегиб ўтадики, ёзувчи бундай қалтис ишни бениҳоя усталик, катта маҳорат билан адо этади. Бунда у мумтоз адабиётимиздаги муҳим бир санъат — тажоҳи ул орифин — билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олиш усулини ишга солади. Эсланг, Махзум Мусҳафи Усмонийни — Куръони каримнинг нодир нусхасини қидириб қироатхонага боради; маълум бўладики, у халқдан яширин — «пўлод сандиққа солуб соқдор эканлар». У қироатхонада муқаддас диний китобларни сўраб-сuriштиради, қироатхонада уларнинг бирортаси ҳам йўқ экани маълум бўлади. Демак, жамоатчилик аллақачон улардан маҳрум этилган. Махзумнинг бухоролик таниши тилидан шўро ижроясига ёзган мактубида ўз-ўзини фош этувчи жиҳатлар талай, шу билан бирга, шўро одамлари билан ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақидаги ишораси кишини хушёр тортиради, чунки Махзумнинг «ул ҳаромзодалар андак сабабини айтиб, дарҳол қамоққа олмоқдин ҳам тоймаслар» деган гапларида жиддий ҳақиқат бор. Бошқа бир ўринда ҳикоя қилинишича, Махзум масжидда ер ислоҳоти хусусида амримаъруф қилиб, шариат бўйича бирорвонинг мулкини олиш аҳли мўминларга ҳаромлигини айтгани учун эртаси куниёқ милиционер келиб оёғини ерга теккизмай олиб кетади, контролреволюционер сифатида камалиб кетишига оз колади.

Калвак махзум бир неча ўринда шўро ҳукумати, фирмқа ходимларига рўпара келади. Одатдагидек, улар билан мулоқотда Махзум овсарлиги туфайли бир қадар кулгили ҳолатга тушади, айни пайтда ўша кулгили ҳолатларнинг ўзида ҳодисанинг бошқа жиҳатларига имоишора, пичинг-киноя мавжуд. Масалан, кўчада кетаётган Махзум

милтиқ күттарган милиционерга дүч келади, уни «ўрс» деб ўйлайди, кейинроқ билса, у рус эмас, мусулмон боласи, ўзиники, қуий маҳаллалик таниши экан, бу йигит тирикчилик тошдан қаттиқ бу замонда бола-чақанинг ташвиши билан милицияга ишга кирганига иккор бўлади; Махзум унга «Яширинча бўлса ҳам намозингни ўқи, чўқингонингда ҳам ичингдан «худоё ўзинг кечир...» деб тур, қани бўлмаса бир «таждиди имон» қиласайлик!» деганида бечора теваракка аланглаб калима айтади. Эҳтимол, 20-йиллар шароитида фидойи инқилобчилар назарида милиционер йигитнинг бу қилмиши мунофиқлик, шўро ходимига нолойиқ ҳатти-ҳаракат бўлиб туолар. Аммо унинг ҳадик билан теваракка аланглаб калима айтишида енгил кулги билан баробар нақадар самимият бор; устига-устак одамларнинг виждан эрки, эътиқоди учун ҳадисирашга мажбур этган сиёсатга муайян муносабат ҳам бор. Ўша ўринда Махзумнинг шундай сўзлари келтирилди: Ул (милиционер. — У. Н.) кетгандан сўнг мусулмонларнинг ҳолига ниҳоятда афсус қилиб йигладим: — оҳ, — дедим, — бу кофир мусулмонларнинг бошига нималар солмади, — дедим». Бу ўша давр сиёсати учун хийла кескин айбнома. Бироқ бу гапларни Махзум, яъни «мадраса хурофоти» билан миясиғ ғовлогон», «овсар», «калавак», «қолоқ» одам айтгани учун билинар-билинмас елдек ўтиб кетади, ўкувчи унинг оҳларига, кўз ёшлирига унча эътибор бермайди, аммо булар сезгир китобхонни бирдан хушёр тортиради...

Улуғлардан бири вафот этади, мархумнинг яқинлари Махзумни жаноза ўқишига таклиф этадилар. Маълум бўлишича, «мархум ўзи ўшал наузан биллоҳ ҳақдин тонғонлардин эрди, аммо ботинда дини исломни дўст тутуб, кабзи руҳ асносида васият қилибдирларким, «агарчандики, маҳфий бўлса ҳам фақирни жаноза бирлан дафн қилингиз», деб...». Ёзувчи ҳодиса тафсилотини давом эттиради, Махзум тилидан бир қадар кулгили, аммо аччиқ ҳақиқат аён бўла боради: «ўзга улуғларнинг қулоғига бу маънидин чизи хабар етмасин, деб» ўша маҳалланинг имомига ҳам буни билдирамайдилар, узоқ-яқин қавм-қариндошлар тўпланиб, ярим тунда маҳфий тарзда жаноза ўқилади; эртаги кун учун эса ажиб бир тадбирга ҳозирлик кўриб кўйилади: «Эрта бирлан ўшал мансабдор партийлар тушиб, мунзакон бирлан закуска қилиб, мархумни кўмар эканлар...». Қарангки, 20-йилларнинг ўрталаридан бошланган, эҳтимолки, сўз санъатида илк бор Қодирий томонидан қаламга олинган бу хил таажжуб ҳангомалар ҳаётда кейинги йилларга қадар давом этиб келди, ҳатто бу хил кулгили аччиқ ҳақиқат грузин адиби Н. Думбадзенинг 1980 йили рус тилида эълон қилинган «Абадият қонуни» романида қаламга олинди.

Асарда ўз даврининг ақл бовар қилмайдиган гаройиб зиддиятлари ҳақида йўл-йўлакай имо-ишоралар, қистирма гаплар кўп учрайди. Бир ўринда муаллиф Сўфи Оллоёрнинг «Агар дарё тагида

бўлса жойинг, Баҳона бирла еткурғай худойинг» деган байтини келтиради-да, парвардигорнинг бу иноятидан аҳли куффор ҳам насибадор эканини айтади ва бунинг далили сифатида Махзум тилидан шуларни сўзлайди: «Ўзбекистон деб тасмия қилибдурлар, неча лак аҳли бедин умргузоронлик қилурлар ва яна ул қавми тоюофликунлардин ҳар рўз ва ҳар шаб оташ ароба бирлан вакон-вакон сарупо баражна ҳўрду калон бул жанобларга азимат қилиб ва андак фурсатларда хўраклик ва пўшаклик бўлиб даражот ба даражот ўшал мағриби заминда умргузоронлик қилғувчи фарангилардек кўпас бўлиб кетар эрканлар. Ваҳоланки, биз калимагў аҳли мамлакатлар ул парвардигорнинг чизи марҳаматига як рўз ташна ва як рўз гурусна бо ин ҳама шуким ва зикр илоҳийга забонгўёлик қилурмиз».

Бу кулгили эътироф — 20-йиллардаги, НЭП давридаги Ўзбекистоннинг, туб миллатга мансуб ҳалқарнинг қисматига оид шафқатсиз аччиқ ҳақиқатнинг ўзгинасидир.

Кўпчиликка аёнки, «Калвак махзум» 1923—27 йиллар давомида ёзилган. Бу йиллар мобайнида ҳаётнинг ўзида, қолаверса, Қодирий қисматида, қарашида кўп жиддий ўзгаришлар содир бўлди; Октябрь инқилоби берган эрк, ҳақ-хуқук бирин-кетин тортиб олина бошланди, ваъда қилинган нарсалар, кутилган кўп ширин орзу-умидлар саробга айланди, маъмурий қўмондонлик ҳокимиятининг таҳдид ва зулми кучайди: Қодирийдек ўзини шўро ҳукуматига, жамоат ишига содиқ санаган аллома адаб арзимас баҳона билан қамоққа олиниб, «контрреволюцион ҳаракат»да айланди, инсонлик шаъни, орзу-умидлари топталди. Ҳаётдаги, адаб қисмати, қараши ва қалбидаги мана шу кескин драматик фожиавий жараён ёзувчининг ижодий тадрижида чуқур из қолдирди; буни, жумладан, «Калвак махзум»да ҳам кўриш мумкин. Бошда кўпроқ жонли ҳаёт билан алоқаси узі тган, қолоқ, овсар бир руҳоний устидан кулишга қаратилган асар бора-бора даврнинг ижтимоий зиддиятлари ва иллатларини фош этувчи ўтқир памфлетга, асаддаги бош ҳажвий персонаж эса «ҳажв обьекти» лигидан чиқиб, давр қурбони, аянчли бир кимсага айланба боради. Асар охиридаги икки ҳолатга эътибор берайлик: бири — бюрократизмни фош этувчи «Қавоидул умаро» ҳангомаси, иккинчиси — ўша даврда ўртага ташланган «одамиздонинг ақли етмайдиган» «Қишлоққа юзингни ўгир!» шиорининг асл маъноси ҳақидаги киноя-кесатиқларга тўла мулоҳазалар. «Қавоидул умаро» бобида адаб салтанатни бошқаришда золим подшоҳ ва амирлар, сulton ва салотинлар, Худоёрхоннинг бек ва бекзодалари, Николай оқ подшоҳ мансабдорлари амал қилган «кўхна ва лекин пухта қоидалар» «ушбу ҳуррият, мардикор, сарадеҳқон замона ҳукуматдорлари орасида ҳам давом этаётганидан аччиқ истеҳзо билан кулади.

Кейинги пайтларда инқилобдан кейип бизула олиб борилган аграр сиёсат ҳақидағи асл ҳақиқат бор овоз билан айтилянғы, күпілаб илмий-тадқиқотларда, публицистик чиқишиларда, жумладан, Александр Ципконинг «Принципларимиз мақбулми?» мақоласыда («Новый мир», 1990, № 4) бундай аграр сиёсатиниң чин маңынси — асрлар давомида әл-юртни кийинтириб, боқиб келгап барқарор дәхқон хұжалигини маҳв этиш, талаш, дәхқоннинг оддий эрки, ҳақ-хуқуқи, шағнини топташдан иборат бўлғанлигини ишончли далишлар билан очиб ташлайди; бугина эмас, бу сиёсатнинг назарий асослари, асл манбалари, фожиавий оқибатларини ҳам кўрсатиб беради. Шуниси характерлики, оломон, кўпчилик қаламкашлар ўйламай-нетмай ҳеч сўзсиз бу сиёсатни қўллаб-куватлаб, олқишлиб турган бир пайтда хушёр, виждони пок адиллар бу хатарли ишнинг зиддиятли, кўнгилсиз жиҳатларига эътиборни тортган эдилар. А. Платоновнинг «Чевенгур», «Ҳавза» асарлари бу жиҳатдан мислсиз жасорат бўлди. Қодирий ҳаттоқи А. Платоновдан сал бурун «Калвак маҳзум» асарининг «Одамзоднинг ақли етмайдир», «Қишлоққа юзингни ўғир!» «Бачимаъни?», «Қишлоққа қопингни ўғир!» бобларини ўша ҳодисаларга бағишлайди. Бу бобларда адаб ўзгача — хийла мураккаб кўп қаватли серистеҳzo ифода услугуб ва усулларини қўллайди. Холис, бетараф комик ифодалар билан ёнма-ён ошкора памфлет тарзидаги публицистик талқинлар пайдо бўлади.

«Қишлоққа юзингни ўғир!» шиори маңыносини қидириш йўлидаги ҳангомалар ва бу шиорга берилган изоҳлар, яъни большевиклар шаҳарда амалга оширган ўзгаришлар ва энди қишлоқда рӯёбга чиқармоқчи бўлган режалар шарҳи, одатдагидек, ўқувчини ҳам кулдиради, ҳам кулдириб туриб ўйга толдиради. Мана улар:

«Энди қишлоққа юз ўғирингиз, яъни югурингиз. Уларни ҳам бир ярим олчинлик кўйлак ва лозимлардан баҳраманд қилингиз, яъни қалтадум айлангиз! Янги мактаблар очиб, эр ва қиз болаларни ўқиттириб, мактаб фойдасига йиғилғон донларни шаҳарга келтириб, уйингизга босиб олиб, муаллимларга ўз тишиларининг кирини сўрдирингиз! Сигирларга ҳўқиз ва ҳўқизларга бузоқ, деб ном берингиз! Отлик кишини эшакка ва эшакли кишини отға миндирингиз! Қишлоққа қадам ранжида қилиб борғонингизда бообрӯ, оғзи катта шахсларнинг хоналарига меҳмон бўлиб, шул шахсларнинг маслаҳати билан бир тангалик солиқни ўн танга қилиб йиғиб, ортигини орада бўлиб олингиз!..» Бу хилдаги аччиқ пичинг-киноялар — нақд «жамият қитиғига» тегадиган гаплар ўз даврида жамоатчилик орасида қандай таассурот қолдирган экан?! Айниқса, «Сигирларга ҳўқиз ва ҳўқизларга бузоқ деб ном берингиз! Отлик кишини эшакка ва эшакли кишини отға миндирингиз!» деган заҳарханда иборалар ўша кезларда юргизилаётган бемаъни, мудҳиши сиёсат ҳақида ўтқир айбнома эмасми?!

Ёзувчи булар билан чекланмай яна давом этади ва танқид тифини бундан ҳам кескинлаштириб, дангалига «Қишлоққа юзингни ўғир!» деган чақириқнинг асл маъноси қишлоқни талашдан иборат эканини, уни «Қишлоққа қопингни ўғир!» деб тушуниш мумкинлигини таъкидлаб, кескин бир оҳангда мана буларни ёзди: «Қишлоққа юзингни ўғир!» бойчечаги ўрнига «Қишлоққа қопингни ўғир!» шиорини қабул қилиш ва ундан сўнг ҳар биримизни қишлоқдаги катта мансабларга, масалан, ижроқўм, саркотиб, суд, ер-сув, шуъба, милисия бошлифи, хўжалиқ, идора (аммо муаллим белгилаш яна ярамайдир, чунки бу дунёда шундай расво ва унумсиз хунар йўқ!) ва бошқа амалларга белгулаб, бағдазон ҳар биримизнинг қўлимиизга топилса қоп, топилмаса халта бериб қишлоқларға чиқориш керак эди. Бу тақдирда ҳалиги «Қишлоққа юзингни ўғир!» шиори хоҳ-ноҳоҳ амалга ошиб, шаҳарда қолғон катта гўзимларни ҳам биз каминалар топиб-тутқон жийда халталаримиз билан қишлоқ томонга табассум қилдирғон бўлар эдик».

Бу даъвонинг тасдиғи сифатида ўша кезлари бўлиб ўтган кичик бир воқеа келтирилади: Кўркўлдак суви устига кўпrik солмоқчи бўладилар, бу кўпrik ҳам дехқонлар, ҳам пахтакўм идораси эҳтиёжига хизмат қилиши керак. Бироқ кўпrik солища «иштонсиз дехқонлар» жонини жабборга бериб ишлайдилар, улар ноиложликдан пахтакўм эшигига «ўн икки дона хари сўраб «шайан лиллаҳ» ўқийдирлар», пахтакўм эса уларнинг илтижоларига нописандларча «попирисининг кулини черта-черта «Худой берсин!» жавобини қиласди. Хулоса шуки, «пахтакўмдек бир идора ҳам аптини четта буриб, қопини кенг қилиб, қишлоққа ўғирди». Биз юқорида Калвак маҳзумни ҳам кулгили, ҳам аянчли шахс, давр алғов-далғовлари қурбони, деб эдик. Асар охирига томон уни ҳажв қилишдан кўра унга нисбатан ачиниш, ҳамдардлик туйфуси ортиб боришини эслатган эдик. Биламизки, «Калвак маҳзум» саргузашлари 1927 йили тўхтаб қолади.

Умуман, Қодирий анча вақт ҳажвиётни тарқ этиб кетади. Ниҳоят, адаб 1935 йил 10 марта «Ёш ленинчи» газетасининг адабий тўгарагидаги учрашувда «яна ўзининг ҳажвчилигини янгидан бошлаш тилаги бор» лигини айтади («Ёзувчи ўз иши тўғрисида» мақоласига қаранг). Шу ниятда у, аввало, чала қолган машҳур «Калвак маҳзум» қиссаси устидаги ишни давом эттиради. Ҳабибулла Қодирийнинг эслалича, орадан ўн йил ўтиб, адаб 1936 йили яна Маҳзум тарихига қайтади, асарнинг аввал журнал ва газеталарда чиққан бобларини бир ерга жамлаб, каттагина — ўн икки варакли дафтарга жо бўлган хотима боби билан тўлдиради. Бу нусхани ёзувчи, машҳур туркшунос — филолог олим Е.Д. Поливановга таржимага беради, уни ўзбек ва рус тилларида китоб ҳолида чиқармоқчи бўлади. Афсус, бу нусха (эҳтимолки, унинг тайёр бўлган таржимаси ҳам бирга) ўша кезлардаги мудҳиш воқеалар тўзони

ичра йўқолиб кетган. Ҳ. Қодирий янгидан ёзилган хотима бобини ўқиб чиққан, ундаги Махзум саргузаштлари тасвири ўша пайтда 18 ёшда бўлган йигит хотирасида яхши сақланиб қолган. Ҳ. Қодирий-нинг айтишича, бу бобда Махзумнинг қишлоққа сафари ва у ердаги кўргиликлари ҳикоя қилинган. Махзум иш тополмай рўзгор важидан қийин аҳволда қолади. Ниҳоят, таниш-билишлар орага тушиб, Тошкўргон қишлоғи масжидига имомликка тайинланади ва эшакда қишлоққа отланади; не-не орзу-ҳаваслар ҳамда машақатлар билан қишлоққа етиб келиб, бу ерда энди иш бошлаганида «ўрисча кийиниб, соч қўйган» ёш бир комсомол йигит масжидга кириб домлага: «Ҳа, шаҳардагиларнинг миясини чиритиб бўлиб, энди қишлоқдагиларнинг миясини чиритгани келдингизми?!» дейа дағдага қилади. Домла ўзидек одамлар ҳатто қишлоқларда ҳам хор бўлганидан бениҳоя афсус чекади. Шу орада қишлоқда колхозлаштириш, кескин синфий кураш, қулоқларни синф сифатида тугатиш кампанияси бошланади, бой хонадонида ётиб юрган Махзум тўс-тўполон пайти қўлга олиниб, «синфий душман»лар қаторида ялангоёқ, ички кўйлак-лозимда ҳайдалиб, қишлоқ шўросига олиб борилади. Сўроқ-текширудан сўнг Калвак оқланади, аммо энди у нотинч қишлоқда яшашдан воз кечади. Ҳ. Қодирий маълумотига кўра, асар хотимаси «Калвак тоғам яна Тошканд шаҳрида эски бекорчилар. Энди имоматчилик топилмаса, бирон қоровулчилик хизматига ҳам розилирлар», — деган сўзлар билан тугалланади (Ҳ. Қодирий. «Отам ҳақида». 1983, 43—44-бетлар).

Ҳ. Қодирий хотирасида сақланиб қолган ҳодисалар, умуман, асар руҳига, воқеалар ривожи мантиқига мос. Унда Махзумнинг бир қадар кулгилик, аммо асос эътибори билан аянчли қисмати бу ерда муайян интиҳосига етади. Қиссанинг эълон этилган охирги бобларида шаҳарда туриб қишлоқ муаммолари қаламга олинган бўлса, хотима қисмида муаллиф қаҳрамонни қишлоққа олиб боради, унинг ачичқ саргузаштлари ва нигоҳи орқали энг кескин, драматик палла — коллективлаштириш даври ҳодисаларига ўз муносабатини билдиради. Каттагина — ўн икки варакти дафттардан иборат йўқолган хотима бобининг барча тафсилотлари бизга қоронги. Бироқ бу тафсилотларнинг умумий руҳи хусусида таҳмин қилиш мумкин. Модомики, асарнинг эълон қилинган охирги боблари бу қадар кескин тарзда битилган экан, ўз-ўзидан драмаларга тўла коллективлаштириш воқеалари ҳам шу йўсинда тасвиrlанган, давр зиддиятлари хийла кескин тарзда очиб берилган, ҳодисалар моҳияти теран таҳлил қилинган бўлиши табиий. Ҳ. Қодирий қисқача баён этган воқеалар тафсилоти, чунончи, «ўрисча кийинган, соч қўйган» комсомол йигитнинг масжидга кириб, қишлоқ қариялари олдида шаҳардан келган домлани, нима бўлганда ҳам четдан келган меҳмонни, кекса одамни менсимай ҳақорат қилиши, қишлоқдаги синфий кураш

туфайли таҳликали ҳаёт, Махзумнинг синфий душманлар қаторида таъқиб қилиниши, қишлоққа сифмай шаҳарга қайтиши — шуларнинг ўзиёқ хотима бобининг жиддий бир руҳидан далолат бериб турибди.

«Калвак махзумнинг хотира дафтаридан» асаридаги шу хил ўринлар ҳозирга қадар адабиётшунослик эътиборидан четда қолиб келаётганилиги кечириб бўлмас бир ҳолдир. Бинобарин, шу хил ўринларни назардан соқит қилиб, асарга ва ундаги етакчи персонажга берилган баҳолар ўта бир ёқлама ва юзакидир. «Тошпўлат тажанг нима дейди?» асарининг «таҳлил» ва «баҳоси» бундан ҳам ноchor. Тошпўлат «утмишдаги қолоқ ижтимоий тузумнинг ярамас сарқитларидан кутула олмаган тубан кишиларнинг типик бир вакили», у «бекорчилик орқасида текинхўрликка ўрганиб, янги ҳаётдаги ҳамма нарсага нафрат билан қарайдиган бебурд чапани», асарнинг бош фояси эса «эскини, салбийни инкор этиб, фош қилиб, янгининг улуғвор, ҳаётий, пўртанавор одимларини тасдиқлаш ва олқишлиш»дан иборат, деган хуносалар қиссани юзаки мутолаа қилиш туфайли туғилган бир ёқлама тасаввурлар самарасидир. Қолаверса, бу ҳол чинакам реалистик асарга ҳаётнинг холис, ҳаққоний тасвири, ҳаёт ҳақиқати, ривожи ички зиддиятларининг холисона бадиий тадқиқи деб эмас, балки унга «ғоявий курол» деб қараш, асарни мағкуравий мақсадлардангина келиб чиқиб баҳолаш оқибатидир. Шунинг учун ҳам «Калвак махзум» таҳлилида бўлгани каби «Тошпўлат тажанг»ни баҳолашда ҳам ундан асосан «феодал ўтмишни», ўтмиш сарқитларини «фош этадиган», шўро воқелигини эса «тасдиқладиган» ва «олқишилайдиган» жиҳатларига эътибор қаратилади, етакчи персонаж Тошпўлат нуқул сарқитлар, тубанликлар тимсоли деб талқин этилади.

Такрор айтаман, «Калвак махзум»да бўлгани каби, «Тошпўлат тажанг»да ҳам бундай ҳолатлар йўқ эмас, албатта. Дарҳақиқат, асар етакчи персонажи Тошпўлат характеристида кўп нобоп зиддиятли жиҳатлар мавжуд, у болалигида яхши тарбия кўрмаган, мактабда ёлчитиб билим олмаган, саводсиз — оми, маърифатдан йирок, ҳаётда йўлини топа олмаган, омадсиз одам. У фаҳш ишлардан — нашавандлик, қиморбозлик, безориликдан ҳам тоймайди. Маърифатсизлик туфайли у кўп ҳолларда оддий турмуш чигалликларини ечолмай, ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар моҳиятини англаб етолмай қийналади, кулгили, танг аҳволга тушиб қолади. Хусусан, солиқ қоғозининг, умуман, солиқ сиёсатининг маънисига тушунмай довдираши, бабақ хўроздини қувлаб мактабга кириб қолиб, у ердаги янгича таълим-тарбия, ўкувчилар ҳақида ўзича бадбин хаёлларга бориши — шу каби ўй-хаёллари, бемаъни хатти-ҳаракатлари билан чиндан ҳам у ўз-ўзини фош этади. Бироқ асар персонажига баҳо берётганда унга йўқ айбларни тақаш, ҳажвий асар қаҳрамони экан деб жамики ёмон хусусиятларни ёпиширавериш тўғри эмас.

Айниқса, унга нисбатан айтилган «тубан кишиларнинг типик вакили», «бекорчи», «текинхўр», «ҳамма нарсага нафрат билан қарайдиган бебурд чапани» деган айблар асоссиз. Ёзувчининг ўзи бу образ характеристига хос етакчи хусусиятларни жуда аниқ таърифлаб берган. Муаллифнинг фикрича, Тошпўлат — ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ёмон йўлларга кириб қолиб тажангланган чапани. Тошпўлатни такасалтанг бекорчи, текинхўр деб бўлмайди, у ўзини ҳар хил соҳага уради, мардикор бозорига тушиб ёлланиб, бирорларнинг хизматини адo этади — бироқ, бу билан унинг сира косаси оқармайди; дўконни барҳам беради, бир йил бурун тегирмонга аралашгани учун катта солиқ тагида қолади, «Нон ўрнига кесак тишлаб, ёз бўйи сув ичиб ишлаб, оёғида битта чилим қовоққа эга» бўлади; касалванд ночор одам билан бирорвга мардикорликка ёлланиб, ҳамма ишни ўзи бажариб, олган ҳақини ночор шеригига инъом этиб ўзи қуруқ қолади... Хулласи, ўз ибораси билан айтганда, у «одамизод фарзандининг фариби». Уни емаган сомса учун ҳақ тўлашга мажбур этганларида, тегирмончи деб солиқ солгандаридан айтган мана бу кулгили гаплари тагида фақиру ҳақиқ одамнинг фифони яшириниб ётиди:

«...Нима, ман пул қоқябманми?

Чойчақасини ундан-мундан қилиб, таралласини тортиб юрган Тошпўлатинг етти ярим сўлкавойни тағин қайси гўсхўрдан олсин, а? Бобогимни сотиб берайми? Ёки сайдратмамними? Этигим бўлса-ку ўн беш кундан бери гаравда, чопонни бўлса ўтган кун ўзингни олдингда уч сўлкавойга сотдим. Худой ҳаққи, галавам айнади...» Худди ўша ишсизлик, адолатсизлик, йўқчилик туфайли чин најот йўлинни тополмай, аламидан асабийлашади, нашавандликка берилади, беданабозлик, хўроз уриштириш билан ўзини овунтиради, гоҳо гуноҳ ишларга қўл уради, йўлда кетаётган нотаниш бегуноҳ одамнинг ёқасидан олади, мушкул аҳволдан, қалтис вазиятдан чапаниларча безорилик йўли билан чиқмоқчи бўлади. Бундай ўринларда Тошпўлатнинг ҳолати ва хатти-ҳаракатларидан ҳам куласиз, ҳам ичдан зил кетасиз.

Худди «Калвак маҳзум»да бўлгани каби бу ерда ҳам муаллиф Тошпўлат саргузаштлари орқали сизни 20-йиллар ҳаётининг зиддиятли драматик ҳодисаларига, даврнинг ўткир муаммоларига рўпара қиласи. Тошпўлатнинг мардикор бозоридаги кўрганлари ва ўша топдаги аҳвол-руҳиятини эслайлик: «Қиссан кўгоҳ шуки... тунов кун мардикор бозорига тушкан эдим — кулинг, қарасанг кетман кўтарган хумсоларинг арофат. Кулинг ҳам қаторга кириб ўлтиридим. Ҳайтовур, мардикор бозорингни ижарага олгон хумсо йўқ экан. Сенга ёлғон, худога чин, ука, одамзоднинг юзтаси тўқкуз пул, ўзваги, тожиги, маччоси, қозоги, қалмоғи... барча етмиш икки жамарғасидан ҳам топасан. Боҳо олтита, одам оладирғон хумсонг

бўлса анқо. Феълим айнади,вой, камбағалчиликни чиқарғонни, дедим...»

Булар шўро ҳокимиyatининг еттинчи-саккизинчи йилларида Тошкентдек шаҳри азимда бўлаётган воқеалар. Ана фуқаронинг аҳволи, хилма-хил миллат, жамоага мансуб одий меҳнат аҳлининг ҳоли, қадри! Буни кўрган, бошига ўша фарибларнинг куни тушган Тошпўлатдек фақир, чапани одам феъли айнимай, тажангламай, фақирликдан нолимай тура оладими, ахир! Воқеаларнинг давоми яна ҳам аянчли, аянч тўла кулгили. Тошпўлат ҳикоя қиласиди: «Кетмани тагимга қўйиб ўтиридим. Ёнимда бир безгак; рангини қарасанг сариқ сумалак; бунинг устига эҳи-эҳи қилиб йўталиб ҳам кўяди. Ҳа, дедим, касалингни мардикор бозорида торгасанми, ака, дедим. Ёки бу ерни поштоликни касалхонаси, деб ўйладингми, дедим. Эй, ука, деди, йўқчилиги курсин, жўжавирдек жонман, деди. Ўзи деҳқон фарзанди экан, бобойи деҳқон тоза қўллаптилар камбағални! Азбаройи худо, таъбим тирриқ бўлди. Борди-келдимни ҳисоблаб қараган эдим, чўлоқ кетмандан бошқа ҳеч гапим йўқ, ранги рўйига қарасам жуда увол. Сан кет, ака, — дедим. Ана шу букун қанчаки ишласам саники бўлсин, касалингни уйингда торт, — дедим. Безгак хумсонг марҳаматимга сира ишонса-чи. Индамадим. Қаҳрим билан мардикор бозоринг бўйича ёғрин бериб, гурс-гурс одим тошлоб, бир-икки ўтиб солдим. Акли кўзида бўлғон бир хумсо савлатимга пўрт учди. Ҳа, дедим, ўн бир кунлик ишингни бир кунда бажариб берайми, ака, дедим. Етти оқтага гаплашдик. Безгагингни ҳам шу баҳога сўзлашиб, ёнифа келдик. Афти башарани кўриши биланоқ хўжайнинг кайфи учди. Ҳа, дедим, бу хўрзку, ака, дедим. Бунинг ранги ўзи туфма; ўнта наърашерингни ишини қилмаса, ҳалол тузингни сол, — дедим. Бўлмади, хумсонг жудаям пих ёрғон туллак экан. Аранг отанг яхши, онанг яхши билан бир сўлқавойга баҳаял иторибман. Бордиқ. Хайтовур хўжайн жониворинг бизни ишга солиб, ўзи бозорга жўнаб солди, касофатингни салқинга чўзилтириб, ўзим кушод кетманинг оловини чиқордим. Хумсо асрографа егулигини еб, ёткан ерида волдираф ётди. Қечқурин баминадор ўн икки оқтани олиб, ўн бирини безгакка узотдим, бир оқтани ўзим нашамга олиб қолдим, хумсонг ҳали ҳам марҳаматимга ишонса-чи; нуқул, «ортиқ бердингиз», дейди-я; вой сани эгам чақирсан, дийман.

Кеча кетмани ҳам олти яримтага сотиб юбордим. Нима, очингдан ўл дейсанми. Ахир уч кунгача киши иш тополмаса, нимани ейди?»

Қаранг, нақадар тиниқ, жонли, ўта шафқатсиз, драмаларга тўла лавҳа! Ёзувчи кулиб туриб ҳаётнинг мунгли, аянчли ҳақиқатини айтган, қойил қилиб айтольган. Бугина эмас. Бу лавҳада Тошпўлат характерининг туб моҳияти — қанақа одам экани жуда яхши очилган.

Маълум бўляптики, у оми, чапани, безори, нашаванд, қиморбоз бўлса-да, унинг вужудида, руҳида кўп олийжаноб хислатлар мавжуд. Ўз турмуши, аҳволи не ҳолатда-ю, ўзини эмас, кўпроқ ўзига ўхаша фақир фуқаролар қисмати ҳақида ўйлайди, ўйлаб эзилади; ғарибу мискин, ўта ночор нотаниш одам ҳолига ачиниб, унинг жонига оро киради. Кези келганда айтиб ўтгай: Тошпўлатга дуч келган фақир, хаста мардикор деҳқон образи, унинг бадиий ифодаси, талқини ёзувчининг муҳим бадиий кашфиётидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Калвак маҳзум талқинида ҳам мунгли садолар учраса-да, моҳият эътибори билан у комик образ, чунки унинг бисотида кулги, истеҳзо учун асослар етарли. Тошпўлат дуч келган мардикор деҳқон эса ўта ғариб, мискин бир кимса, унинг ҳолати, қисмати фақат мунгли — фожиавий сентиментал йўналишдаги талқинни тақозо этади. Қарангки, адид мана шундай одам учун ҳам ҳажвий асар бағридан жой топиб бера билган. Гап шундаки, ёзувчи бу ночор одам ҳаётига Тошпўлат типидаги чапани нигоҳи билан қараб, ўта мунгли ҳолат-ҳодисалар бағридан ажиб бир кулгили жиҳатларни топади. Бошқачароқ қилиб айтганда, кулги йўли билан аянчли, фожиавий ҳодисалар моҳиятини очади. Тошпўлатнинг бу хаста, ночор шахс билан чапаниларча муносабати, хийла-найранглар билан бу «ўтмас матоҳ»ни пуллаб ёллаши, қолаверса, ҳаётга, одамларга, уларнинг марҳамату саховатига ишончини йўқотиб қўйган ғариб кимсанинг гаройиб танти одамга дуч келиб, галати аҳволга тушиб қолиши, ишга бориб кечга қадар ишламай салқинда «еб ётган ерида волдираб ётиши», Тошпўлат меҳнат ҳақининг кўпини унга ҳадя этганида гўё унда ўзининг ҳам ҳиссаси бордек нуқул «ортиқ бердингиз» деб туриши — шу каби кулгили ўринлар мунг тўла ҳодисага қандайдир «енгиллик» — ўзгача руҳ баҳш этади. Аслини олганда бу ердаги кулгига «енгиллик»нинг ўзи йўқ, кулгили бўлиб туюлган ҳолатлар аянчли истеҳзоларга тўла.

Шу лавҳадан ҳам кўриниб турибидики, Тошпўлат асло тубан, ишёқмас, бекорчи такасалтанг эмас, танида куч-ғайрат, кўнглида эзгулик; шижаот тўлиб-тошиб ётибди, аммо ўша ночор мухитда куч-ғайратини ишга сололмай, ўз меҳнати, куч-ғайратининг нафии — самарасини кўролмай сарсон-саргардон; ишсизлик, бинобарин, фақирлик орқасида нима қиласини билмай гаранг, тажант, аламзада. Айниқса, ҳаётдаги ажиб жумбоқларни —тeng-сизлик ва адолатсизликларни кўрганда куфурлиги ортади; ҳиссиз биорократ мансабдорлар, шундай оғир замонда «камбағалнинг бошини силаш»ни хаёлига келтирмайдиган, юрт ободончилиги ҳақида қайғурмайдиган, фақат ўзини, машнатини ўйлайдиган бадавлат кимсалар, олифта кийиниб юрадиганлар кўзига бало бўлиб кўринади, ўзига ўхшашларнинг фақир яшашига, сарсон-саргардон юришига фақат шулар айбор деб билади. Шунинг учун ҳам уларга

дуч келганида асабийлашади, безорилиги тутади. Ночор ўзини овтиш учун нашавандликка ружу қиласди.

Асарда Тошпўлат бисотини бундан ҳам ёрқинроқ очиб берадиган, даврнинг шафқатсиз ҳақиқатини, аянчли драмасини янада кескинроқ кўрсатадиган бошқа бир лавҳа бор. Бу лавҳада ёзувчининг бояги ноёб бадиий кашфиёти — мунгли, аянчли ҳодисаларни ҳам кулги — аянчли истехzo билан ифодалаш санъати янада ёрқинроқ намоён бўлган: Тошпўлат Салим сўтак деган танишиникига томсувоқ ҳашарига боради. Салим ҳам косаси сира оқармай келаётгандардан. Унинг оилавий аҳволи ҳам кулгили, ҳам ночор. Тошпўлат ҳикоя қиласди: «Анави йил Тожи ямоқчининг қизига уйланган эди. Хотинчаси тозаям ташлаб берипти. Қарабманки бешта гўдак! Ҳа, дедим бучувринди баччаларни қаёғдан йиғиб олдинг, хумсо, дедим. Салим сўтагинг кулади. Ҳа, дейди, ҳаммаси ҳам худой берган қулбаччаларинг, Тошпўлат, дейди. Вой, дедим, вой, ўйламай иш қилғон одам фарзандига, дедим. Битта арпа саватинг борми, Салим, дедим. Бўлса, дедим, қама ҳамма жўжаларингни, пуллаб берайин-чи, мен сенга, дедим. Худой ҳаққи, Салим сўтакка жудаям оғир бўпти: ёнингни ковласанг оғзини очади, гўдаклари тушкир!..»

Икки фақир, соддадил дўстнинг ҳазил-мутойиба билан айтган гапларини эштиб туриб, Салим сўтакнинг, бешта норасида гўдакнинг ночор ҳолига боқиб, айниқса, гўдакларнинг ённи ковлаганда оғзини очишларини кўриб эт-этинг увишиб кетади. Очиғи, шу пайтга қадар адабиётимизда 20-йиллар ўзбек турмушининг, жўжабирдай фақиру ҳақири деҳқон ҳаётининг бунақа ёрқин, аянчли, шафқатсиз манзараси ифодасини кўрган, ўқиган эмасман!

Ёзувчи қисқагина қилиб Салимнинг шу ҳолга тушиш тарихини ҳикоя қиласди. Авваллари Салимнинг «иши йирик: тагида от-араваси, ёнида чойчақаси готов» бўлган; пул топиб ақл йўқотган бу бандай мўмин бир «наҳс босқон билан шерик бўлиб» амиркон пахта экади, «фабрикончи ўруஸвой» билан битим тузиб, ундан беш-үн сўлкавой пул олади. Кузда ёмғир уриб бериб, ҳосил нобуд бўлади-ю, қарзга ботади, «войвояги бола очиб, қиши билан жўжаларига от-аравани сотиб» едиради, энди у ҳам Тошпўлатга ўхшаб бекорчи, ишсиз, на қиларини билмай ҳайрон. Ўша дамда Тошпўлатнинг: «Ҳа, дедим, бўлар иш бўпти, энди нашантни баҳузур чакавер, Салим, дедим. Монови жўжаларингни бўлса, дедим, худо йўлига қўявер, дедим», — дея берган «далда», «маслаҳати» даврнинг шафқатсизликларига нисбатан шафқатсиз киноя-кесатиқ бўлиб эштилади.

Мана шу аянчли вазият асносида дард устига чипқон, деган-ларидай яна бир кўнгилсиз ҳодиса юз беради — фақир одамнинг

фақир дўйстлари унинг жонига оро кириб, томини суваш учун ҳашарга тўпланганида — қизгин иш пайтида олифта бир мансабдор пайдо бўлади, «Салом йўқ, алик йўқ, ҳорма — бор бўл ҳам қўлтиғда» закун суринширади, Салимни одамлар кучидан фойдаланаётганликда айблайди; бу оддий халқ удуми, меҳр-оқибат эканини тушунишни ҳам истамайди; «Ҳашар ишлаб ухлогонга маҳшар куни азоб ўлмас, Тайбас қилиб шароб ичсанг яна сенга ҳисоб ўлмас», — деган китоб сўзлари эслатилганида, унга қулоқ ҳам солмайди, ҳашарчиларни, улар қатори Тошпўлатни ҳам хатга солиб, тергов учун давлат маҳкамасига боришга мажбур этади. Салим сўтак бу ишлардан жон-пони чиқади, безгаги хуруж қилиб, мансабдорга нима деганини билмай қолади. Тошпўлат эса одатдагидек, бу ишлардан тажанг, «шу замоннинг оқибатидан хафа» бўлади...

Бу ерда гап сиёсатга бориб тақалмоқда. Асаддаги тўғридан-тўғри давр сиёсатига оид баъзи характерли ҳодисалар тафсилотига диққатингизни тортсам. Ишсизликдан, фақирликдан, адолат-сизликдан бора-бора Тошпўлатнинг тоқати-тоқ бўлади, адолат-сизликларга қарши ўзича «исён» кўтаради, шўро идораларига бориб, ер ислоҳоти қилиб фуқароларга ер улашган ҳукуматдан савдогарлар дўконини тортиб олиб, ўзига ўхшашларга бўлиб беришларини сўрашга қатъий жазм этади, синдикатлардан «мол олиб, бирни икки қилишни хўб биламиз» дея гердаяди, ўзини билагон қилиб кўрсатади. Қизиги шундаки, шу хилдаги фаоллиги, жангарилиги билан у дарҳол эл назарига тушади. Сайлов кампанияси пайтида саккизта камбағал уни ўраб олиб, «Сени улуғ сайлаймиз!» дея ундан розилик сўрайдилар.

Шу ўринда пичинг-кинояларга, нозик имо-ишораларга тўла зиддиятли гаройиб ҳодисалар қаламга олинади; бурунги «оқ соққа, қора соққа сайлови» пайтидаги казо-казоларнинг, қози-домлаларнинг тамагирларча саховати, пул улашишлари эслатилади; эндиги сайловда улар ҳақсиз, улар уйга қамалиб устидан қулф солиб олишган. Бу гал камбағал меҳнаткаш ҳалқнинг сайлови, энди катта мансабларга фақиру ҳақирлар сайланishi, ҳа, Тошпўлат каби кечаги ялангёёқ, оми, чапани, «юқ орқалайдиган», «хўлеган», безориликдан, «ганак топилса эрмак» деб қимор ўйнашдан ҳам тоймайдиган кимсалар давлатни бошқариши лозим! Энг ачинарлиси шундаки, амалда бундай ишлар бўлган. Аммо Тошпўлатда андак андиша, инсоф бор. «Шу қўл кўтардиминан усталчасига ўлтирсам» дейди-ю, одамларнинг маломатидан чўчиди, бундай масъулиятли лавозимга ўзини нолойиқ санайди; бу соддадил фақир одам фуқаропарвар жамиятнинг фуқаропарвар сиёсатидан ажабланади, «шу замонангни борди-келдисига тушунолмай» яна тажанг бўлади. Ахиর ўшандай сиёсат туфайли, гарчи фақиру ҳақир, меҳнаткаш ҳалқ орасидан чиққан бўлса-да, ўзи мутлақо тажрибасиз, фирт оми,

маърифатсиз одамлар мўътабар мансабларга кўтарилиб ўзини ҳам, эл-юртни ҳам не-не кўйларга солмади, ахир! Ҳушёр адаб Тошпўлат билан алоқадор бояги ҳодисаларни қаламга олиш билан ўз вақтида тўё жамоатчиликни шундай кўнгилсиз ҳодисалардан огоҳ эт-ётгандай бўлади. Ёзувчи Тошпўлат сингари фақири ҳақиқилар ҳолига қанчалар ачинмасин, уларга ҳамдарл бўлмасин, уларнинг ҳам «орқасига офтоб тегаётгани»дан қувонмасин, барибир, ҳали улар масъул вазифаларни бажаришга, давлат ишларини бошқаришга тайёр эмаслигини сезиб, тушуниб туради. Шунга кўра у қатор қаламкаш ҳамкаслари каби ўша йиллари шўролар замонасида содир бўлаётган бу хилдаги янгиликларни ўйламай-нетмай ҳар боб билан маъқуллаш, оқлаш, олқишилаш йўлидан бормай, бу хил жараёнларни холис туриб, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолича гавдалантиради, жанр имконияти доирасида ҳалол бадиий таҳлил этади. Ҳодисалар бағридаги ички, табиий зиддиятлар, яъни шакл билан мазмун орасидаги номувофиқлик эса ёзувчи кулгиси учун битмас-туғамас асос-манба бўлиб хизмат этади. Хулласи калом, Абдулла Қодирийнинг машҳур ҳажвий асарлари — «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» қиссаларининг мазмун — мундарижа доираси мавжуд тасаввур, қарашларга қараганда анча кенг, ёзувчи кулгиси бениҳоя сержило. Энг муҳими, реалист адаб 20-йиллар шўро воқелигининг кўп нозик жиҳатларини, ўша даврда юз берастган характерли тарихий жараёнларнинг ички зиддиятларини гоят зийраклик билан илғаб ололган, ҳалоллик ҳамда фавқулодда маҳорат билан ҳажвий-юмористик йўсинда бадиий ифода этишга эришган.

## ИСТИҚДОЛ ҚАЙФУСИ

(«Ўткан кунлар»нинг маъно ва бадиият жисололари)

«Ўткан кунлар» тўғрисидаги гапни, аввало, романнинг адабий танқидчиликдаги баҳоси, талқини, тарихидан бошлашга тўғри келади. Гарчи бу хусусда кўп гапирилган, ёзилган бўлса ҳам романдан сўз очилганда мазкур масалани четлаб ўтиш асло мумкин эмас. «Ўткан кунлар»нинг баҳоси, талқини масаласи бу фақат шунчаки бир асар, биргина ёзувчи устидаги гап эмас. Бу борада йўл қўйилган хатолар, чалкашликлар айрим адабиётшунос, ёзувчиларнинг хатосидангина иборат деб бўлмайди. «Ўткан кунлар»га муносабат мисолида миллий адабиётимизнинг, адабий танқидчилигимизнинг кейинги ярим асрлик ривожи, тадрижини, мамлакатимиздаги адабий-маънавий сиёсат, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг характерини, чекланган ва зиддиятли томонларини, танқидий тафаккурдаги даққилик қандай кўнгилсиз оқибатларга,

фожиаларга олиб келишини яққол кўриш мумкин. Ўша даққи қарашлар асорати ҳатто ҳозирги кунларга қадар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтган асрнинг 20—50-йилларида адабиёт фанида вужудга келган ноҳуш вазият фақат адабиёт оламига кириб қолган тасодифий, малакасиз майдо шахсларнигина эмас, йирик истеъдод соҳибларини ҳам чалғитди. «Ўткан кунлар»дек нодир асар М. Шевердин сингари истеъдодсиз қаламкашлар, С. Ҳусайн каби тажрибасиз, бебурд мунаққидлар томонидан нотўғри баҳоланганд бўлса, унчалик хатарли эмас эди. Аммо, надоматлар бўлсинки, Ойбек, F. Фулом, А. Мухтордек улкан адаблар ҳам ўша машъум мұхит таъсири ва тазиёни остида бу шоҳ асар ва унинг муаллифига нисбатан адолатсизлик қилдилар. Шуни назарда тутиб «Ўткан кунлар»нинг танқидчиликдаги баҳоси ва талқини устида сўз борганда «танқиддан тубан» ишларни атайин четлаб ўтиб, фақат истеъдодли адаблар, йирик адабиётшуносларнинг айрим қарашлари билан мунозара олиб боришга жазм этдик.

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» (1936) тадқиқотида «Ўткан кунлар» романни таҳлилига кенг ўрин беради. Ойбекнинг «Ўткан кунлар» хусусидаги мулоҳазаларини ўқиганда ҳушёр китобхон тадқиқот муаллифи уларни қоғозга тушираётганда зиддиятли бир ҳолатни қўнглидан кечирганлигини сезиб туради. Бир томондан, Ойбек инсофли бир инсон, истеъдодли ёзувчи сифатида «Ўткан кунлар»да кашф этилган бадиий ҳақиқат, адабнинг мислсиз санъати олдида таъзим қиласи. Айни пайтда ўн йиллик ўқиши, ўзлаштириш, ўзи эгаллаган марксча-ленинча дунёқараш, давр сиёсати уни Қодирий бадиий ҳақиқатига бошқача кўз билан қарашга мажбур этаётгандай бўлади. Натижада қалбини мафтун этган Қодирий ҳақиқати замонаси тақдим этган ақидалар билан тўқнаш келади, муаллиф чор-ночор ҳукмрон расмий мафкура йўлини тутади. Ҳукмрон мафкура ақидаларига кўра, тарих факат синфларнинг курашидан иборат. Ойбек шу қарашдан келиб чиқиб ёзади: «Синфлар мавжуд бўлган жамиятларда, синфий кучларнинг муносабатлари қандай бўлмасин, синфий кураш формаси ва унинг кескинлиги қай даражада бўлмасин, ижтимоий ҳаётнинг асосини синфий кураш ташкил этади. Тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиш, ҳаёт ҳақиқатини очиш учун ёзувчи тарихий давр проблемаларига синфларнинг кураши нуқтаи назаридан қарashi лозим» (Ойбек. Асарлар. Ўн томлик, 9-том, 253-бет).

Кўриниб турибдики, бу гаплар ўтмишга, тарихга ёндашишнинг бир йўли, бирор шахс ёки гуруҳнинг шунчаки мулоҳазаси, қараши эмас, балки қатъий ҳукм, қонун-қоида тарзида айтиляпти. Бу ерда энди бошқача мулоҳаза, қарашга асло ўрин ийӯқ. Бундай концепция назидиа тарихга ҳар қандай бошқача ёндашув ҳақиқатга, қоидага

хилоф, тарих ҳақиқатидан чекиниш саналади. Ўз-ўзидан равшанки, «Ўткан кунлар» ҳақиқати асло бу қолипга тушмайди. Чунки «Ўткан кунлар»ни ўқигандан, синфлар кураши эмас, «яхшилик идеяси билан ёмонлик идеясининг кураши каби бир ҳол сезилади» (260-бет). Ойбек назарида, гарчи романда феодализм давридаги турмуш тартиб ва қоидаларининг ҳаддан ташқари адолатсизлиги фош этилса-да, эскирган урф-одатларнинг чиркин ва зааралилиги, айниқса, уларнинг оила қуриш ва «эркин» муҳаббатга фожиали таъсир кўрсатиши образларда бадиий акс этган бўлса-да, социал синфий зиддиятлар яхши очилмайди, хонлик даври ҳаётининг конкрет тарихий мазмуни, синфларнинг кураши ўз ҳаққоний ифодасини топмайди; шахслар ва уларнинг яшаши, интилиши ва фаолиятлари синфий тўқнашувлардан анча четда содир бўлади.

Ҳаётда синфий курашлар мавжудлигини асло инкор этмаган ҳолда тарихни фақат синфлар курашидангина иборат, деб қараш ва ҳар қандай асаддан, албатта, синфий курашнигина ифодалашни, асад конфликтини синфий кураш асосига қуришни қатъий талаб этиш ўринисиз эканини бугунги кунда исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Қарангки, 30-йилларда Ойбекдек истеъод соҳиби ҳам шундай талаб билан чиққан. Алибининг романдаги образларга ёндашув принципи, қолаверса, бадиий адабиётда тип ва типиклик тушунчалари ҳақидаги қарашлари ҳам бошдан-оёқ худди ўша синфиийлик руҳи билан йўғрилган. Унингча, тип биринч галда социал-синфий гуруҳнинг асосий чизгиларини ўзида мукаммал ва яққол акс этиради; шу вақтдагина ёзувчи ҳаётий ҳақиқатни тўғри кўрсатган бўлади (259-бет). Шу қарашдан келиб чиқиб, ҳар бир тип — қаҳрамон образи, аввало, қайси синфга мансуб эканини, унинг синфий асосини белгилашга, чунончи, Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кутидор, Ҳасанали, уста Олим ва бошқаларда улар мансуб бўлган синфларнинг «типик» хусусиятлари қанчалик ҳаққоний ифода этилганини аниқлашга ҳаракат қиласди. Табиийки, тадқиқотчи бу образларда ўз тасаввуридаги «типик» белгиларни тополмайди, шу асосда уларнинг ҳаққоний, ҳаётий эканлигига шубҳа билдиради.

Ойбекнинг эътироозича, «Ўткан кунлар»да қаҳрамонлар синфий табақаларнинг социал моҳиятини эмас, ёзувчининг «гуманистик ахлоқий, сиёсий-ижтимоий идеалларини» ифода этадилар; мусбат образларни беришда ёзувчи маълум нуқтаи назарни, ахлоқий-эстетик эътиқодларни, гўзаллик принципларини ўйлаб чиқарилган одамларда тажассум эттиради; ёзувчи уларни «ўз ахлоқий умум-гуманистик идеали ичига кўмиб, уларнинг ижтимоий онгининг объектив равишда ривожланишини панада қолдиради» (261-бет). Тадқиқот муаллифи ўз фикрини янада кескинлаштириб ёзади: «Ўткан кунлар»да савдогарлар тоифаси аксарият мусбат гурухни ташкил қиласди... Уларни бир ёқлама бўрттириб тасвирилашда ёзувчи

дунёга қарашининг торлиги очиқ кўринади» (264-бет). Унингча, Отабек, Юсуфбек ҳожи ва бошқа савдогар табақа намояндалари «Ўткан кунлар»да социал кучнинг ҳақиқий сиймосини атрофлича тўла ифода этажак бир равишда эмас, балки уларнинг айрим томонлари романтик равища бўрттириб акс эттирилади; улар яхшиликнинг рамзи каби кўрсатилади, бутун ёмонликни гавдалантирган феодал тузилиши арбобларига қарши қўйиладилар (260-бет). Отабек образи «давр тараққиёти тенденциясини тўлиқ акс эттирувчи социал тип даражасига кўтарила олмайди»; ёзувчи Отабекнинг «маънавий сиймосини идеаллаштиради, уни яхшилик, тозалик символи каби кўрсатади...» (264-бет) ва ҳоказо.

Синфий ёндашув концепциясининг мутаассибларча тор, ўжарлигини қарангки, ўтмишда, шу ақидага таянган Ойбекдек адаб ҳам «Ўткан кунлар»га мавзу қилиб олинган «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»да синфий рақобатлар билан баробар, муайян ижтимоий гурухлар ичida табақаланиш, улар орасида ҳам зиддиятлар бўлғанлигини, юқори табақага мансуб илфор фидойи шахслар феодал тузумнинг қолоқ ва қора кучларига қарши турғанлигини, юрт истиқболи ва истиқтоли ҳақида қайғурғанлигини, улар ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатишга лойиқлигини асло тан олгиси келмайди. Аслида роман муаллифи бундай мусбат кучларни сираям идеаллаштирган эмас, балки ҳётда қандай бўлса, ўшандайича — кучли ва ожиз томонлари, зиддиятлари билан кўрсатган. Масаланинг бу томони ҳам инобатга олинмайди. Отабек, Юсуфбек ҳожи социал аҳволи жиҳатдан савдогарми — бўлди, бошқа гапга ҳожат йўқ, уларни даврнинг илфор фикрли кишилари, мусбат қаҳрамонлар тарзида бериш мумкин эмас, улардан фақат савдогарларга хос «типик» хусусиятларни излаш лозим. Шундай талаб қўйишнинг ўзиёқ ҳақиқатдан, реализм принципларидан чекиниш эмасми?!

Синфий ақидапарастликка амал қилган адаб романдаги уста Олим каби оддий меҳнаткаш халқ, хунармандлар образига муносабатда «принципиаллик»ни янада оширади. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқоти муаллифи даъвосига кўра, модомики, уста Олим хунарманд-косиб табақасига мансуб экан, у албатта фақиру ҳақир, оч-яланғоч яшashi керак, романда эса, аксинча, хон, бек ва бошқа амалдорлар томонидан таланган, оғир меҳнат илиа топган даромадининг кўпини солиқларга берган косиблар турмуши аслидан жуда ошириб кўрсатилган; муаллиф у вақтларда косиблар турмушининг характерли моментларини тўғри чизиш ўрнига кам-кўстсиз, фаровон ҳаёт тақдим этган. «Унинг моддий ҳаёти тўла-тўқис, — дея ажабланади муаллиф, — палов қилиш учун хурмада ёғи, ўрада сабзиси тайёр... Мусаллас ҳам хумда қайнаб ётади. Унинг қайғуси маънавий соҳада» (267-бет). Аслида уста Олимдек

моҳир, тадбиркор косиб одамнинг палов қилиш учун хурмада ёғи, ўрада сабзиси бўлиши ажабланарли ҳол эмас. Шунга асосланиб «косиблар турмуши тўғри берилмаган» ошириб кўрсатилган, кам-кўстсиз, фаровон ҳаёт тақдим этилган деган хulosага келиш ўринсиз деб ўйлайман. Ўша оғир замонларда ҳам тадбиркор, меҳнаткаш кишилар уста Олим даражасида рўзгор тебратганига, одамдек яшаганига ишончимиз комил. Қолаверса, уста Олим турмуши камтарона, хоксор бир одамнинг турмуши. Бу турмуш тасвирида ҳеч қанақа ошириб-тошириш йўқ. Асаддаги ҳар бир персонаж тақдирини, қисматидаги фожиаларни, қаҳрамоннинг ҳар бир қайғусини, албатта, ижтимоий зиддиятларга олиб бориб тақашни талаб этавериш ҳам ўринсиз. Уста Олим «феодал хонлик тузилишининг босимидан, тазиқидан озоддир», «унинг қайғуси маънавий соҳада» деган эътиrozлар ўқувчига эриш туюлади. Аввало, асарни синчиклаб ўқиган одам уста Олимнинг давр, тузум тазиқидан бутунлай озод эмаслигини, ҳаётда бундай тазиқларга неча бор дуч келганлигини яхши билади, баралла ҳис этади. Унинг маънавий фожиасига келсак, тўғри, севгилиси Саодатнинг ўлими, устанинг оиласий турмушдаги омадсизлиги ижтимоий турмуш шароити билан бевосита боғланмаган, бунга ҳожат ҳам йўқ. Зотан, инсон ҳаётида ҳамма замонларда айни шундай ижтимоий тузум тазиқидан холи фожиалар, баҳтсизликлар ҳам мавжудки, реалист ёзувчи буни тасвирлашга тўла ҳақли.

Ойбекнинг Қодирий тарихий романларига, хусусан, «Ўткан кунлар»га изчил синфий позицияда туриб кескин танқидий ёндашиш сабаби фақат давр, расмий мафкура тазиқи оқибатигина бўлмай, ёзувчининг ўша кезлардаги руҳий-ижодий фаолияти, шаклланган эстетик принциплари билан ҳам боғлиқ. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» ёзилган пайтларда Ойбек яқин тарихий ўтмишдан ҳикоя қилувчи «Кутлуғ қон» романни хаёли билан банд эди. Тадқиқот муаллифи Қодирий романлари билан мунозара олиб борар экан, «Ўткан кунлар» бадиий ҳақиқатини, адид тутган йўлни рад этар экан, гё ёзилажак романининг ижодий принципларини баён этаётгандай, бўлгуси ўз романни қонуниятлари, мезонлари билан «Ўткан кунлар»га ёндашаётгандай туюлади. Дарҳақиқат, ёзувчи «Ўткан кунлар»да рад этган жиҳатларни «Кутлуғ қон»да тасдиқлашга интилади. Роман муаллифи тарихий ўтмишга изчил синфий позицияда ёндашади, асар конфликтини синфий рақобат ва курашлар асосига қуради, ҳар бир персонажда у мансуб бўлган ижтимоий-синфий табақа, гуруҳга хос «типик» белгиларни мужас-самлаштиришга тиришади, бой-бадавлат кишиларни тескаричи кимсалар, салбий қаҳрамонлар, меҳнаткаш халқ вакилларини эса — жафокаш, тараққийпарвар кишилар, бинобарин, ижобий қаҳрамон сифатида беради; меҳнаткаш ҳаёти ночор, уларнинг ҳар бир

бахтсизлиги, қайгуси албатта давр, ижтимоий тузум босими билан боғланади ва ҳоказо.

Модомики, Ойбек инқилоб арафасидаги ҳаётга шу тарзда ёндашган экан, у бунга ҳақли. Ҳаётда шундай ҳодисалар бўлган, адаб асосий эътиборни ҳодисаларнинг синфий томонига қаратган. Бироқ, бу бадиий адабиётда турмуш ҳақиқатига ёндашишнинг бирдан-бир -- ҳамма ёзувчилар амал қилиши лозим ва мажбур бўлган йўриқ эмас. Бошқа бир истеъодли ёзувчи айни ўша инқилоб арафасидаги синфий рақобатлар хйла таранглашган замон, давр воқеалари, ижтимоий кучлари ҳақида ўзгача нигоҳ билан бокиб, давр ҳақиқатининг бошқа томонларини очиб бериши, бу борада «Кутлуғ қон» билан бемалол ижодий мусобақа қила оладиган асар яратиши мумкин. Тарих фанида, публицистикада инқилоб арафаси, революция даври, шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларига доир кейинги йилларда маълум бўлган кўпгина фактлар, янгича илмий талқинлар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Эҳтимол, Ойбек каби тарихга «синфий ёндашиш» принципига амал қиласидиган яна бир ёзувчи «Ўткан кунлар»да акс этган давр воқеалари ҳақида «Кутлуғ қон» типидаги бевосита синфий рақобатларни акс эттирадиган роман ёзиши мумкин. Бунга ҳеч ким қарши эмас. Бинобарин, Қодирий «Ўткан кунлар»да танлаган йўлга эътиroz билдириш бадиий ижоднинг оддий қонуниятини, ёзувчининг оддий ижодий эрки, ҳуқуқини, руҳий эркинлигини менсимаслик, рад этиш демакдир.

Бу ерда мен Қодирий, аниқроғи, унинг тарихий романлари хусусида фақат биргина одам, истеъодли ва инсофли адаб — Мақсад Шайхзоданинг дил сўзларидан бир парча келтириш билан чекланаман. «Абдулла Қодирий, — дейди у, — ўзига яқин бўлган қардош халқлар адабиётлари, хусусан, озарбайжон, татар, рус адабиётлари тажрибаларидан фойдаланиб биринчи ўзбек романи — Европа адабиёти мезонлари билан ўлчанадиган роман яратди. Абдулла Қодирий бу романлари билан фавқулодда истеъод соҳиби, иирик асарлар устаси эканини исботлади. Бу романлар инқилобгacha бўлган Туркистон халқини, тарихий шароитни яхши биладиган одам томонидан завқ-шавқ билан гўзал бир шаклда яратилган. Романлар ана шу жиҳатлари билан жуда катта бадиий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир...».

Бундай самимий илиқ баҳолар қаршисида бояги дағдағалар ўз таъсир кучини йўқотади, Қодирийнинг оқланишига, икки йил ўтиб «Ўткан кунлар»нинг халққа қайтарилишига йўл очди, «Ўткан кунлар» талқини тарихида янги даврни бошлаб берди.

Гарчи роман ўша кезлардан эътиборан қайта ҳаётини бошлаган, 60—80-йиллар давомида асосан ижобий баҳоланиб келинган бўлсада, у ҳақдаги баҳс-мунозаралар сира тўхтаган эмас. Айниқса,

романнинг бош фоявий мазмуни, асосий пафоси, аҳамияти, замонавий құммати ҳақида, умуман, ижобий йұналишда бўлсада, хилма-хил фикрлар билдирилди. Аёнки, чинакам санъат асарини ҳар бир давр ўзича баҳолайди; давр руҳи ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ундан янги-янги маъно топишга ҳаракатлар бўлади. Бу жараён кўпинча асарни конъюнктура мақсадларини кўзлаб баҳолаш, ўта жўн тарзда тушунишдек сўллик касалликлари билан бирга кечади. «Ўткан кунлар» талқинида ҳам айни шундай ҳолатларга дуч келамиз.

Шуниси характерлики, янги этапда Қодирий ҳақида ёзилган деярли барча илмий ишларда авваллари «аксилинқилобий миллатчилик фояси», «буржуа миллатчилик қарашлари» билан сугорилган асар деб қаралган адаб романлари энди қора ўтмишни қоралашга, инқилобни тасдиқлаш ва улуғлашга хизмат этадиган асарлар сифатида баҳолана бошланди. Бундай қараш факат Қодирий романларига эмас, 20-йилларда яратилган тарихий мавзудаги барча етук асарларга нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди. Таниқли адабиётшунос И. Султонов ёзади: «Совет адабиёти революциядан аввалги ҳётни тасвирилашга мурожаат этар экан, унда хукм сурган эксплуатация ва зулмни фош этиб, социалистик революциянинг чукур одампарварлик ва адолатпарварлик характерини очиб беришга ва социалистик тузумни мустаҳкамлашга хизмат қиласади» (И. Султон. Асарлар. Тўрт томлик, 2-том, 355-бет). Адабиётшунос олим «Ўткан кунлар» асосида «феодализм давридаги социал тартибларнинг ва шуларнинг бир томони бўлган «одат»нинг адолатсизлиги ва бемаънилиги фояси» ётади деб ҳисоблади.

Яна бир йирик адабиётшунос Ҳ. Ёқубов ҳам асарда «феодал тартиблари ва одатларининг норасо ва нобоплигига танқидий муносабатда бўлиш етакчи ўрин» эгаллашини уқтиради. Олим «Ўткан кунлар»нинг 1974 йилги нашрига сўнгсўз тарикасида ёзган «Йирик санъаткорнинг тўнгич романи» мақоласида асарнинг «замонавий аҳамияти» доирасини бирмунча кенгайтириб, уни инқилобдан кейин амалга оширилган бир қатор ижобий тадбирлар билан боғлаб мана бундай дейди:

«Ўрта Осиё республикаларида халқ хўжалиги социализм куриш асосида қайта тикланаётган, бу улкан вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун миллий чегаралаш ўтказилаётган, хотин-қизлар озодлиги ва уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги кескин қилиб қўйилган йилларда ёзилган бу романда бош қаҳрамоннинг оиласи ҳаётга, муҳаббатга, хотин-қизларга муносабатини белгилаш пафоси ва юртининг бирлиги учун қайғуриш пафоси замонавий аҳамиятга эга эди. Ёзувчи ўтмишнинг «энг кир, қора кунлари»да ҳам муҳаббат эркинлиги, социал адолат орзузи яшаб келганини ва бу хилда интилишларнинг ижтимоий-тарихий ва

миллий илдизларини топишга ҳаракат қилади» («Ўткан кунлар», 1974, 392-бет).

Бошқа бир адабиётшунос М. Қўшжоновнинг «Ўткан кунлар» пафоси, замонавий аҳамияти ҳақидаги қараши И. Султонов билан Ҳ. Ёкубов фикрларидан бир оз фарқ қылса-да, моҳият эътибори билан уларга ҳамоҳанг. Олим ёзади: «Романнинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан ўзига хослиги шундаки, Абдулла Қодирий ўтмишда, қарийб революция арафасида зулмат ва жаҳолат ўзининг «пўлат» чангали билан бутун жамиятни, ҳатто имтиёзли синф вакилларини ҳам бўғиб ташлаганини кўрсатди. Уларнинг сал-пал прогрессив фикр юритадиганларини эса барча инсоний ҳақ-хукуқлардан маҳрум қилиб, оғир фожиаларга дучор этиб кўйганини тасвиirlади. Романни ўқиб шундай хulosага келасизки, модомики, имтиёзли синф вакилларига ҳаёт шу даражада бешафқат экан, оддий меҳнаткаш халқ эрк, ҳақ-хукуқлар хусусида ўйлаши ҳам ортиқча. Мана романдан келиб чиқадиган муҳим социал маъно!» («Ижод масъулияти», 1981, 185-бет).

«Ўткан кунлар» баҳси ҳақидаги гапларни бир оз тўхтатиб, бу роман билан деярли бир вақтда яратилган, ўтмишдан олиб ёзилган бошқа бир асар — Фитратнинг «Абулфайзхон» драмасининг пафоси, замонавий аҳамиятига оид мулоҳазаларни эсга олайлик. Олим, шоир, таржимон Жамол Камол «Абулфайзхон» — тўнгич тарихий драма» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 14 апрель): «Хўш, «Абулфайзхон» қандай мақсадларни кўзда тутиб яратилди?» деган савол қўяди ва одатдагидек, бу саволга жавобни Бухородаги инқилобий ўзгаришлардан қидиради. Мақола муаллифи уқтирганидек, дарҳақиқат, бу драма ёзилган пайтда Бухорода халқ жумҳурияти эндиғина барпо этилган, лекин таҳтдан ҳайдалган амир ҳали чегарада тиши қайраб турарди. «Ана шундай шароитда, — деб ёзади у, — кенг меҳнаткашлар оммаси кўзи ўнгига амирлик тартиботининг моҳиятини барадла фош этиш қалам аҳли олдиди турган муҳим вазифалардан эди. Садриддин Айний «Бухоро манғит амирлари тарихи», «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» деган очеркларида масалани илмий-тарихий йўналишида ёритиб берди. Абдурауф Фитрат эса бу вазифани санъаткорона амалга ошириди».

Мақола муаллифи драманинг пафоси, аҳамияти ҳақида узилкесил қилиб дейди: «Абулфайзхон» мураккаб шароитда, лекин чукур ўйлаб, моҳирона битилган драма. Фитрат ғоят усталик билан тарихий материални инқилобий воқеликни улуғлашга бўйсундирди... «Абулфайзхон» тарихий мавзуда битилган ҳозиржавоб замонавий асар ва у инқилобий даврга хизмат қилди, деб бемалол айта оламиз».

Кўриниб турибдикни, Жамол Камолнинг «Абулфайзхон» хусусидаги мулоҳазалари гарчи «қайта қуриш» даврида айтилган бўлса-да, бу тур асарлар ҳақида «турғунлик йиллари»даги қарашлар руҳи билан

йўғрилган. Ҳолбуки, «қайта қуриш» даврига келиб, ҳатто И. Султоновдек адабиётшунос ҳам «Ўткан кунлар»нинг «замонавий» аҳамияти, моҳияти ҳақида бутунлай бошқача — «замонавий» фикр билан чиқди. Адабиётшунос олим «Ўзбек совет адабиёти тарихи» дарслиги (1990) учун ёзган «Абдулла Қодирий» бобида «Ўткан кунлар»нинг ёзилган замонаси билан алоқасининг баъзи томонларини тушуниш учун 20-йилларда мамлакатимизнинг маънавий ҳаётида мавжуд бўлган баъзи негатив — салбий ҳодисаларни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини уқтиради. Дарҳақиқат, олим айтганидай, бу вақтга келиб ҳаётнинг ленинча демократик нормаларини рад этган сталинча янги бюрократия тизими аллақачон шаклланган эди; бу даҳшатли тизим томир ёйган сари ҳаётнинг турли соҳаларидаги кишиларни, ижтимоий гуруҳларни бир-бирларига қарши қўйиб, улар орасида сунъий равишда низо яратди... «Ўткан кунлар»даги ҳалқни душман гуруҳларга — «қора чопон» ва «қипчоқ»ларга бўлиб, улар орасида низо солиш воқеасида И. Султонов худди асар яратилган 20-йиллар билан алоқадор жиҳатларни кўради. «Бу, 20-йилларда сталинча бюрократия томонидан авж олдирилган бўхтончилик ҳамда чақимчиликнинг акс-садоси, бешафқат, жасурона танқиди, бу ҳалокатли системага қарши дадил исён эди», — дейди қатъий қилиб («Ўзбек совет адабиёти тарихи», 1990, 163-бет).

Шу тариқа олимнинг ўзи «социалистик революциянинг чукур одампарварлик ва адолатпарварлик характерини очиб беришга ва социалистик тузумни мустаҳкамлашга» хизмат этадиган дея баҳолангандар асар энди «ҳалокатли системага қарши дадил исён»га айланади.

Айни шундай параллелларни, «замонавий» маънони авваллари фақат ўтмишни қоралаш, баралла фош этиш, инқилобий воқеликни улуғлаш, тасдиқлашга, «инқилобий даврга», «социалистик революциянинг чукур одампарварлик ва адолатпарварлик характерини очиб беришга ва социалистик тузумни мустаҳкамлашга» хизмат этадиган асарлар деб қаралган 20-йилларда яратилган бошқа етук асарлардан, жумладан, Фитрат ижодидан, аниқроғи, унинг «Абулфайзхон» драмасидан ҳам топиш мумкин.

Ҳамид Исмоилов «Абдурауф Фитратнинг қора баҳти» мақоласида («Литературная газета», 1991 йил, 3 апрель) адид ўша йиллари яратган «Шайтоннинг тангрига исёни» поэмаси, «Абулфайзхон» пьесаси, «Бедил» эссеси, «Қиёмат» фантастик ҳикоясида тоталитаризм, фикр бир хиллиги, якка шахс ҳокимлиги тартиботининг бошланишини башорат қилганлиги ва шафқатсиз фош этганини таъкидлайди ҳамда «Абулфайзхон» персонажларидан бирининг: «Хоқонимизга маълумдирким, подшолик қон билан сугорилатурғон бир ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир», деган сўзларини келтириб ўтади.

Авваллари, «Ўткан кунлар» нуқул феодал одатнинг «адолатсизлиги ва бемаънилиги», «норасо ва нобоплиги»ни, «чиркин урф-одатлар ва оиласиий бидъатлар»ни аёвсиз фош этувчи роман деб қаралар эди. Истеъдодли ёзувчи Хайрийдин Султонов Абдулла Қодирий санъати ҳақидаги мақолаларида бу қарашга зид фикрни илгари суради. Унингча, ҳалқимиз характерига хос андиша, уят, ор-номус, виждан тушунчалари Қодирий романларининг маънавий устунлари саналади; А. Қодирий инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша, ор-номус, уят каби муқаддас туйгуларни одамзод қалбидан абадий маскан тутишини орзу қилган. Ёзувчи Қодирий қаҳрамонларига хос андиша деган тушунчаларнинг кундан-кунга биздан узоқлашиб, орадан кўтарилиб бораётганлигидан афсусланади. «Турмушимизда юз берган ва юз берадиган барча фожиаларнинг асосий сабабларидан бири ҳам эҳтимол шундадир, — деб ёзади у «Андиша» мақоласида. — Ҳусусан, ошкоралик замонида беандиша кимсаларнинг тама ва манфаатга қурилган саъй-ҳаракатлари туфайли бу қадимий туйғу қарийб ўтмиш сарқитига айланиб қолди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 8 декабрь).

Хўш, нега шундай? Бир вақтлар, 20—30-йилларда аксилин-қилобий, миллатчилик ғояси, буржуа-миллатчилик қарашлари билан йўғрилган деб саналган роман 50—60-йилларга келиб инқилобни улуғловчи, тасдиқловчи, социалистик революциянинг чуқур «одампарварлик ва адолатпарварлик характерини» очиб беришга хизмат этадиган асар деб баҳоланди, эндилиқда эса ундан инқилоб даври зиддиятларига ишоралар қидириляпти; феодал ахлоқини, одатини қораловчи, фош этувчи ҳисобланган асар, бугун юксак инсоний ахлоқий фазилатлар, қадриялар мадҳияси сифатида баҳоланаяпти.

Бу ҳол, бир томондан, адабий танқидчилик, умуман, танқидий тафаккуrimiz ривожи, тадрижи йўлидаги ожизликлар, зиддиятлар, қолаверса, ижобийлик томон ўзгаришлар аломати, оқибати бўлса, иккинчи томондан, чинакам санъат асари, ҳусусан, баркамол реалистик асарда акс этган ҳаёт ҳақиқатининг сержилолиги, маъно доирасининг кенглигидадир. Биз узоқ йиллар асарга кўпроқ тор, бир хил мезонлар, расмий ҳукмрон мафкура, синфиийлик позициясидан туриб ёндашдик, баҳолаб келдик. Ўша тор мезонлардан йироқлашганимиз сари ўзимизни эркинроқ қўйиб, асарда акс этган ҳаёт ҳақиқатига холис назар ташлашга интилганимиз сари унда хилма-хил маъно жилоларини, кўпинча аввалги тасаввурларга зид ҳолатларни кўриб ҳайратга тушмоқдамиз.

Масаланинг яна бир чигал томони бор. Адабиётдаги жамики ҳодисалар синфиийлик, партиявийлик принципи, революция, социалистик жамият манфаати нуқтаи назаридан баҳоланадиган бир даврда асар, унинг бош пафоси ҳақидаги бор ҳақиқатни рўй-

рост айтиш имкони йўқ эди. Баъзи адабиётишунослар ҳаққоний, юксак бадиий, аммо ҳукмрон мафкура қолипига тушмайдиган нодир асарларни нима қилиб бўлса-да, ҳимоя қилиш, халқга қайтариш, «замонага хизмат қилдириш» мақсадида гоҳо «ҳийлаи шаърий» усулларини қўллашга мажбур бўлганлар, асардаги энг муҳим нуқталарни атайин четлаб ўтганлар ёки кўриб-кўрмасликка олганлар. Асарлардан социалистик мафкурага, социалистик реализм методи талабларига мос келадиган жиҳатларни топишга ҳаракат қилганлар. Шахсан менинг ўзим ҳам 70-йиллари «Ўткан кунлар» теварагида борган, бу қутлуғ романни бадном қилиш учун бошланган мунозара чоғида, Қодирий «синфий курашни тушуниш ва ифода этиш масаласида» баъзи ўтмишдошларига, масалан, Муқимий даражасига етолмади (Ҳ. Абдусаматов), деган даъволар айтилаётган бир пайтда «Ўткан кунлар» «социалистик реализм асари» эканини, унда тарихни синфий тушуниш ва ифода этиш мавжудлигини исботлашга уринганман. Ҳозирга келиб бунақа баҳслар хийла чучмал, бачкана кўринади, «Ўткан кунлар» ўшандай ҳимояларга муҳтож эмаслигини бугун ҳамма билади.

Хўш, «Ўткан кунлар» романнинг асосий бадиий-ижтимоий пафоси нимадан иборат? Шўро ҳокимиютининг дастлабки йилларида муаллифни шундай асар ёзишга, «мозийга қайтиб иш кўриш»га нима мажбур этди? Улуғ адиб романи учун кўп асрлик тарихимизнинг муҳим паллалари, беҳисоб воқеалари, сон-саноқиз ёрқин сиймолари орасидан айни кейинги «хон замонлари»ни мавзу қилиб танлади? Кейинги «хон замонлари»ни нега «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» деб атади? Бундай саволларни кўндаланг қилиб кўявериш, уларга одилона жавоб бериш, айланма йўллар ахтариб ўтирамай, бор гапни яширмай дангал айтивериш пайти келди.

Ёзувчига илҳом берган, қўлга қалам олишга мажбур этган омиллар, асарнинг яратилиш пайтидаги муаллифнинг руҳий ҳолати, ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган мавқеи, позицияси романнинг гоявий-бадиий пафосини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. «Ўткан кунлар» яратилган давр ўзбек халқи учун миллатнинг эрқи, озодлиги, истиқболи, жаҳон тараққиёти, мамлакатлари қаторидаги ўрни масаласи ҳаёт-мамот аҳамиятига молик муаммо эди. Абдулла Қодирий собиқ Туркистондаги тараққийпарвар зиёлилар изидан бориб, улар сафида туриб она юртининг, миллатнинг аҳволи, истиқболи ҳақида ўйлай бошлаган, кўпгина маслакдошлари каби у ҳам халқ тутқунликда, жаҳолатда яшаёт-ганлигини, эл-юрт жаҳон тараққиётидан, маърифатдан орқада қолганлигини англаб етган, ўзича нажот йўлини қидираётган эди; ўзи ёзганидек, унда истиблодга нафрат фоят кучли эди. Дастваб, 1917 йилги Февраль, сўнг Октябрь инқилоби алибга катта кувонч

ва умид бахш этди; «Николайнинг таҳтдан йиқилиб, хуррият бўлғонига хурсандчилигим албатта дунёга сифмас эди ва сифмаслиги табиий эди», деб ёзади у. Адаб большевикларнинг вайдаларига, Шарқ озодлиги, мазлум Туркистон меҳнаткашлари саодати ленинизм орқасида вужудга чиқишига астойдил ишонди, Октябрь инқилоби эрк берди, жасорат берди, онг берди, ҳақ берди, деб қувонди. Халқининг эрки, озодлиги, мустақиллиги, маънавий, маданий-иқтисодий равначи йўлида енг шимариб файрат билан курашга отланди. Аммо шу муқаддас йўлнинг бошидаётқ донишманд адаб катта вайдалар билан амалиёт орасида қескин зиддиятлар рўй бераётганини, ёвуз мустамлакачилик сиёсати моҳият эътибори билан ўзгармай қолаётганини, балким у мунофиқона ашаддий тус олаётганини, эл орасида бузгунчилик, фитна, синфий, мафкуравий адоват авж олдирилиб, биродаркушлик уруши бошланиб кетганлигини, гоғил ҳалқ янги ўзи хон — кўланкаси майдон кимсаларнинг манфаати йўлида курашаётган фидойи кишилар қаттиқ қаршиликка учраётганини, қатағон этилаётганини, қисқаси, ҳалқимиз учун янгидан истибод, мустамлакачилик даври бошланаётганлигини ўз кўзи билан кўраётган, чуқур ҳис этаётган, бу ҳақда жиддий бош қотираётган эди. Туркистонда ташкил топган биринчи миллий мустақил давлат — Кўқон Мухториятининг яксон этилиши кўплаб илғор зиёлилар каби Қодирийни ҳам ҳушёр тортирган бўлиши табиий.

Мустамлака, истибод, тутқунлик, қуллик учун кўпинча биз босқинчи зобитларнигина айбдор деб қоралаймиз. Ҳолбуки, қарамлик, тутқунлик учун, аввало, қарам бўлган халқнинг ўзи, эл-юрт тепасида турган раҳнамолар айбдор. Ўз қадрини билган, эрки, номуси, шаънини муқаддас санаган, эрки, мустақиллиги йўлида бир тану бир жон бўлиб бирлашган, жаҳон тараққиёти йўлинни тутган ҳалқни ҳеч қандай куч енга олмайди, бундай ҳалқ ёт зобитлар олдида асло бўйин эгмайди, киshan киймайди, таслим бўлмайди. Минг афсус, XIX асрнинг ўрталарида ҳалқимизда худди шу фазилатлар хира тортиб қолган эди. Аввало, собиқ Туркистон жаҳон тараққиётидан орқада қолиб кетган, юртнинг раҳнамолари дунёда, ҳатто ён қўшниси Россияда нималар бўлаётганлигидан бехабар, давлат идора усуллари эса ўта қолоқ, эл-юртнинг бирлигига путур етган эди. Юрт остонасида қаттол босқинчи турганини билгани ҳолда хону беклар бирлашиб, ҳалқни юрт ҳимоясига сафарбар этиш ўрнига тор манфаат, мансаб-мартаба йўлида ўзаро уруш, бир-бирларини қириц, талаш билан овора эдилар; эл орасидан чиққан илғор фикрли кишиларнинг сўзини, фифонини эштадиган зот йўқ эди ўлкада...

Мана шундай бир шароитда мудҳиш фалокат рўй берди, муқаддас, шавкатли Туркистон тупроғи чор Россияси зобитлари

оёғи остида топталди, халқ тутқуннекка гирифтор бўлди. Октябрь инқилоби туфайли ярим аср чор Россияси истибоди азобини чеккан халқ олдида узоқ йиллик орзу — тутқунлиқдан озод бўлиш, ўз эркига, миллый мустақилликка эришиш имконияти туғилгандай бўлди. Илфор фикрли зиёлилар ўша кезлари бундай имкониятни рўёбга чиқариш учун ғофил халқни уйғотиш, унга ўзлигини, миллый қадриятларини англатиш, уни улуғ мақсадлар сари сафарбар этиш лозим деб билдиар. Қодирий «Ўткан кунлар»га қўл урган пайтда маслакдошлари Чўлпон ва Фитрат қатори ана шундай фикрда эди. Бу адибларнинг ўша кезлари вақтли матбуотда чиқсан кўплаб мақолалари шундан далолат беради. Жумладан, Абдурауф Фитрат катта билим, зўр ҳаяжон билан ёзган «Туркистонда руслар» мақоласида маслакдош адибларнинг қараашлари, фикр-туйгуларини жуда яхши ифодалаган. «Бир кишининг миясиға чоғирнинг қандай таъсири бор эрса, бир миллатнинг миясиға дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бордир, — деб ёзади Фитрат 1917 йил кузида битилган ўша мақоласида. — Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, кўлимиздоги салтанат қиличи билан маданият дафтарини бир ёнда қўйиб, сафоат чолгуларини олдиқ. Урдиқ, чолдиқ, ичдиқ, йиқилдиқ, ёндиқ ва шунлар учун бир-бирамиз билан урушдиқ.

Мана шул чоғларда эдиким: Руся давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди...».

Мана шундай алам-ўқинчлар «Ўткан кунлар» муаллифининг қўлига қалам тутқазган омиллардан бири экани сир эмас!

Адид бу романни орқали «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» — юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги «хон замонлари» ҳақида сўз очиб тарихнинг бу аянчли ҳақиқатидан халқа сабоқ бермоқчи бўлади.

Романнинг ижодий тарихидан биз ҳали бехабармиз. Роман кўл-ёзмалари сақланмаган, романнинг яратилиш жараёни ҳақида ишончли тарихий ҳужжатлар ҳозирча йўқ; «Ўткан кунлар»нинг 1926 йилги биринчи нашрига ёзилган кичкинагина сўз бошидаги асар мавзууга оид «мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим» деган бир оз пардали жумлалар кўп нарсадан, адибларнинг асл муддаосидан далолат бериб турибди. Асар ёзила бошлаган 1919 йилдан то у алоҳида китоб ҳолида чиқсан 1926 йилга қадар ўлкада жиддий ўзгаришлар рўй берди, ижтимоий-сиёсий вазият ўзгача тус олди, жумладан, эл-юрт мустақиллиги foяси «Эскириб», замона зайлига, яъни мустабид ҳокимият мағкураси ва сиёсатига зид келиб қолди, бора-бора миллый мустақиллик ҳақида сўз очиш, ҳатто чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати тўғрисида гапириш ҳам foявий-сиёсий хато, миллатчилик кўриниши сифатида қарала

бошланди; эл-юрт бирлиги, равнақи, миллат мустақиллиги учун курашган одамларни йирик асарга қаҳрамон қилиб олиш — улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш — ёзувчи учун турган-битгани фурбат, мусибат экани ўз-ўзидан равшан. Донишманд адид буни олдиндан сезмаслиги, билмаслиги мумкин эмас эди. Буни сезган, билган муаллиф «Ўткан кунлар» устидаги иш жараёнида ўзижодий режа-ниятларига кўпгина таҳрирлар киритган бўлиши, эл-юрт ғами билан юрган, юрт бирлиги, истиқоли ишига жонини тиккан Юсуфбек ҳожи, Отабек ҳақидаги ҳамма гапларини тўла айтиш, қофозга туширишга қийналгани шундоқ сезилиб туради. Романда худди ўша қаҳрамонлар ижтимоий фаолияти тўғрисида гоҳо узилишлар, ноизчилликларнинг мавжудлиги сабаби, эҳтимол шундадир. Бироқ 20-йиллар шароитида романда айни шу хусусдаги мавжуд ижтимоий мотивларнинг, ифода, талқинларнинг ўзи ҳам адиднинг мислсиз жасоратидан далолатдир. Асар шу ҳолида ҳам халқнинг миллий-сиёсий онгини шакллантиришда, ўзлигини англатишда бениҳоя катта аҳамият касб этди.

Бошда айтилганидек, «Ўткан кунлар» романининг маъно-мундарижа доираси тоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар ичида, менингча, энг муҳими юртнинг, миллатнинг тақдери, мустақиллиги масаласидир. «Ўткан кунлар» романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ўтган асрда миллат тақдери учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратилмаган.

Асарда худди ўша — ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бадиий талқинини кўздан кечирайлик.

Асарнинг илк бобларида ёқ унинг асосий ижтимоий-бадиий руҳи аён бўлади. Асар бош қаҳрамони Отабек Марғилонда Зиё шоҳичининг уйидаги зиёфатда ўзининг (бинобарин, ёзувчининг) юрак дардини аён этади. Отабек зиёфатда Россия сафари хотира-ларини гапирганда, ўтирганлар, ҳатто Марғилоннинг энг олдинги одамлари ҳайратдан лол бўлиб қоладилар. Чунки ўша кезлари чет элларга, Европа шаҳарларига, ҳатто ён кўшниси Россияга бориб савдо қилувчилар Туркистонда оз, шунинг учун Марғилоннинг энг олди кишилари ҳам руслар тўғрисида аллақандай хаёлий ривоятлар эшишиб юрган. Отабек ҳам рус сафаридан бурун ҳамсұхбатлари каби тасаввурда бўлган. У ўтирганларга дейди:

«Шамайга бормасдан илгари ўз хукуматдорлигимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, ...лекин Шамай меним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди

бир ўйинчоқ бўлганлигини икрор этишга мажбур бўлдим.

Бизнинг идорамиз букунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди. Шамайдা эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсан, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсамда, ўруsnинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиқ ёзиб, ўруsnинг идора тартибини дастуруламал этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элизми ўrusники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элизма қайтиб кўрдимки, Шамайдা ўйлаганларим, ошиқданларим ширин бир хаёл эмиш! Бу ерда сўзимни эшитувчи бирор ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: «Сенинг арзингни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?» деб, мени маъюс қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсан ҳам, сўнгидан тўғри сўзни айтганларини билдим. Дарҳақиқат, мозористонда «ҳай-ю алал-фалоҳ» хитобини ким эшитар эди!» («Ўткан кунлар», 1974, 18—19-бетлар).

Чор Россияси истилоси олдиди собиқ Туркистондаги аҳвол ана шундай эди: ҳукмдорлар, хону беклар дунёдан, дунёдаги ўзгаришлардан, янгиликлардан бехабар гафлатда, юрт бамисоли улкан қабристон, бир-иккита дунё кўрган, юртга нажот истаб орзуларини, юрак дардларини айтса, уни тинглайдиган кишилар йўқ ҳисоб, истиқлол қайфуси уларнинг тушига ҳам кирмаган. Отабекнинг дардини, дилдан чиқариб айтган сўзларини, армон-ўқинчларини эшитиб, Зиё шоҳичидек виждонли одам ҳушёр тортиб, изтироб билан: «Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли бадимиздан!» деса, Ҳомиддек жоҳил кимса пинагини бузмай: «Худо кофирининг бу дунёсини берган!» дейа ўзини, ўзгаларни овутмоқчи бўлади.

Ўша мажлисада Отабек Россия тараққиётининг сабаблари хусусида ўз тахмин-мулоҳазаларини айтади: «Менимча, ўrusning биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса керак». Туркистон инқизори сабабини эса худди ўша ўзгаларга хос иттифоқнинг йўқлигига деб билади; «бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низойимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман» деган холосага келади. У афсус-надомат билан ўша кезлари ўлкада юз бераётган низоларни эслатади: «Орамизда бу қўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ, билъакс бузгунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содла ҳалқни ҳалокат чукурига қараб тортадилар. Бу кунги қорачопон ва қипчоқ низоларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин: ўйлаб кўрилсин, бу низолардан бизга қанчалик фойда ва қипчоқ оғайниларимизга нима манфаат ҳосил бўлмоқда?! Фақат бундан фойдаланувчилар икки ҳалқ орасига адоват уругини сочиб юргувчи бир неча иғвогар бошлиқларгинадир». Ёзувчи бундай парокандалик фақат эл-юртнинг кундан-кунга орқага кетишига сабаб бўлаётган омилгина эмас, балки юртни ҳалокатга,

ўнглаб бўлмас мислсиз кулфатларга, жаҳаннамга олиб бориши мумкин бўлган ҳодиса сифатида баҳолайди. Отабек ўзича нажот чораларини излайди. Унингча, модомики «ўз ғарази йўлида истибод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар йўқотилмас эканлар — бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазиш нажотимизнинг йўлидир!» (20-бет).

Отабек, шунингдек, Юсуфбек ҳожининг шу хилдаги сўзларини, ижтимоий позициясини назарда тутиб кейинги пайтларга қадар қатор адабиётшунослар «Юсуфбек ҳожи ҳам, Отабек ҳам ўз синфининг туб манфаатларидан ташқари чиқа олмайди», улар инқилобий ўзгаришлар тарафдори эмас, балки ислоҳотчилардир, хонлик тузумига қарши эмас, «инсофли хон» тарафдоридир» деб, буни «асарнинг жиддий камчилиги», ёзувчи дунёқарашибаги оқизлик, «ёзувчи фикрининг торлиги» сифатида изоҳлаб келдилар. Бундай қарав илмий манбалардан ўтра мактаб дарслекларига ўтиб, улар орқали минглаб ёш авлод онгига сингдирилди (Қаранг: «Ўзбек совет адабиёти», 1987, 168-бет). Ҳолбуки, реалист ёзувчи соҳта «инқилобийлик»дан қочиб, тарихий ҳақиқатни ўз ҳолича рўй-рост кўрсатган.

XIX аср ўрталаридағи Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тасвиридан инқилобий руҳ қидириш бемаънилиkdir. Ўша кезларда Отабек, Юсуфбек ҳожидек тараққийпарвар кишиларнинг ислоҳчилик ташаббуси билан чиқишлиари катта жасоратдир. Бу қаҳрамонларни синфий чекланганликда айблаш, буни «ёзувчи фикрининг торлиги» сифатида изоҳлаш адабиётшуносликлаги фикрий торликнинг бир кўринишидир. Муаллифдан, ўтра мактаб дарслигига даъво қилинганидек, «жамият тараққиёти тарихидаги антагонистик синфлар курашини, эксплуатация қилинувчилар билан эксплуататорлар орасидаги муросасизликларни» тўла-тўқис ифода этишни талаб этиш ҳам ўринсиздир. Ҳаётда ўша кезлари шундай зиддиятлар бўлганлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Қодирий тарихда «синфлар кураши» мавжудлигини, аминманки, роман ёзилган пайтларда жуда яхши тушунганди. Ўша кезлари у олиб борган қизгин ижтимоий-сиёсий фаолияти, ёзган ўнлаб публицистик мақолалари буни тўла тасдиқлади. Ёзувчини XIX аср ўрталарида Туркистонда синфий курашдан ҳам муҳимроқ ва жиддийроқ зиддият, яъни бир бутун турк эли орасидаги ўзаро низолар, адоватлар, ҳалқни, она юртни ҳалокат ёқасига тортаётган фикрий қолоқлик, жаҳолат изтиробга солади. Қарангки, шу зиддият, муаммолар Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам бизда кескинлигича қолмоқда эди. Адид китобхон эътиборини романи орқали шунга тортмоқчи бўлади.

Отабек ва Юсуфбек ҳожиларнинг ислоҳчилик руҳидаги

гапларига таяниб, Қодирийни ҳам ислоҳчиликда айлаш қип-қизил нодонлиқдир. Романни синчилаб ўқиган одам ислоҳчилик ғояси оқибати нималар билан тугаганини яхши билади. Роман воқеалари ривожини кузатсангиз, қаҳрамонлар ўйлаган нажот йўли қисман тантана қилиб, юрт бошига гоҳо яхши одамлар келади, чунончи, Қўқонда бузғунчи Мусулмонқул, Тошкентда золим, калтабин Азизбек ҳокимиятдан четлатилади, Азизбек ўрнига Нормуҳаммад күшбеги тайинланади. Унинг даврида ўринсиз одам ўлдиришлар, вақтсиз ҳам ўринсиз солиқ солишлар, бехуда ўрда истрофотлари, бўлмагур тақиқлар ва ортиқча диний тақаллуфотлар бирмунча эпга олинади; нисбий осойишталик қарор топади, Азизбек истибодида эзилган Тошкент халқи эркин нафас олади, савдо-сотиқ, экинтикин ва касби кор кўтарила бошлайди, одамлар жонланади... Қизиқ, ёзувчи яхши бекнинг яхши ишларини батафсил тасвиirlаб, жонли лавҳаларда кўрсатиб ўтирумай, улар ҳақида шунчаки ахборот бериш билан чекланади. Демак, ёзувчининг асосий мақсади ислоҳчилик ва унинг яхши самараларини кўрсатиш, ташвиқ этиш эмас. Асосий муддао — ўша ёзувчига тинчлик бермаган эл-юртни ҳалокатга олиб келган омилларни, зиддиятларни очиш, бадиий таҳдил этиш. Зотан, Мусулмонқулни саройдан четлатиш билан юртдаги асосий зиддият барҳам топмайди, Нормуҳаммаднинг ҳокимлиги, адолатли сиёсати узоққа бормайди. Яна ўзаро низо, адоват, бир халқнинг икки уруғи орасига кутқу солиш, бехуда қон тўкишлар бошланади...

Хўш, нега шундай? Бунинг илдизлари қаерда? Нега халқ тараққийпарвар, адолатпарвар ислоҳчи раҳнамоларни охиригача ҳимоя қилмайди, қила олмайди? Нега халқнинг бир уруғи иккинчисининг қонини тўқади? Адид мана шундай аламли саволларга жавоб излайди.

Асарни ўқиганда, ундаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар жараёни ва талқини билан танишганда шунга амин бўламизки, халқ қатта Кудратга эга; Чўлпон айтмоқчи, «Халқ дengизdir, халқ тўлқинidir, халқ кучdir, Халқ исёнdir, халқ оловdir, халқ учdir...». Афсуски, халқдаги мана шу имконият ҳар доим ҳам юзага чиқавермайди ёки бу Кудратли куч улуг мақсадларга сафарбар этилмайди. Халқ алданиши, ўзидағи хавфли оловни, исённи, ўчни ўзига, ўз манфаатига қарши қаратиши ҳам, шу оловда хонумонини куйдирib, кул қилиши ҳам мумкин. «Ўткан кунлар»да мана шу шафқатсиз ҳақиқат мардона бир оҳангда моҳирона ифода этилган. Роман муаллифи алам-изтироб билан шуни қайд этадики, Туркистон эли ҳали халқ, миллат сифатида шаклланиб улгургани йўқ. Халқда сиёсий онг этишмайди. Темур Кўрагон, Улубек, Бобур каби булоқ давлат арбобларининг ворислари бўлган хону беклар боболари анъаналарини — юртни бошқаришдек машаққатли ва масъулиятли вазифани адо этишга лаёқатсиз, уларда

денишмандлик, тадбиркорлик укуви йўқ, доно одамларни яқинига йўлатмайди, уларнинг ҳақ гапига, маслаҳатига қулоқ тутмайди. Юрт ғамини ўйлайдиган доно одамларнинг ахволи мушкул, раҳнамоларга ҳақ гапни айтиш бефойда эканини билиб эзиладилар. Шўрлик соддадил халқ ўзаро низоларга, бехуда қон тўкишларга, адолатсизликларга кўнишиб кетган.

Тошкент ҳокими Азизбек Қўқонга қарши бош кўтаргани, қўқонликлар эса бунга қарши Тошкент устига юриш бошлагани маълум бўлади. Фоят таҳликали хабар. Бироқ халқ бунга бутунлай бепарво. Ёзувчи ҳам алам, ҳам нимкесатиқ билан «Бу воқеага ҳеч ким ажабланмади ва бунда фавқулоддалик кўрмади», деб ёзади ва дарҳол бунинг сабабини изоҳлади: «Халқ бунга ҳақли эди, чунки бундай тинчсизликларни энди кўра-кўра жуда ҳам ўрганиб қолган, букун бўлмаса эртага ўзининг ботир бошчисининг, офтобачисининг, хуллас, ким бўлса ҳам беклардан бирининг шундай тинчсизлик чиқаришига «мумкин ва бўладиган» иш деб қарап эди» (35-бет).

Бироқ, оз бўлса-да, хушёр, очиқ кўзли, ўткир зеҳни куюнчак одамлар ҳам бор, улар бу совуқ хабарга лоқайд эмас. Отабек шундайлардан. Муаллиф ёзади: «Аммо Отабек бу хабарга совуқ-қонлик билан қарай олмас эди ва қарай олмади. Бу хабарни эшитар экан, еб тургани оғзида, ютгани бўғзида қолди: ўзининг очиқ кўзи, ўткир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш, фалокатли манзаралар кўрар, халқини қўрқинч жар, тегсиз жаҳаннам ёқасида, йиқилиш олдида топар эди-да, сесканиб «ўзинг сақла, тангрим!» дер эди. Бу хабарни эшитгандан сўнг гангиг эсини йўқотди, яраси янгиланди» (35-бет).

Дарҳақиқат, Отабек кутган фалокат юз беради. Тошкентга юриш бошланади. Етмиш йиллик аччиқ тарих сабоқларидан бугун шуни англаб етдик: халқ тепасига чиқиб олган мустабид ҳар хил ҳийланайранглар, тарғиб-ташвиқотлар орқали халқ онгини заҳарлаб, гуноҳ ишларни савоб деб ишонтириб, халқни гуноҳ ишларга сафарбар қилиши, алданган халқ эса, ўз навбатида, қонхўр жаллодни ёки қаллоб, нодон, ношуд-нотавон кимсани даҳо деб кўкларга кўтариши, унга топиниши, унинг соҳта foялари, қабиҳ мақсадлари йўлида ҳаётини, жону жаҳонини фидо этиши мумкин экан. Ленин, Сталин, Брежнев ҳақидаги бор ҳақиқат аён бўла бошлагач, бунга яна бир карра амин бўлдик. Бироқ улуғ зот Қодирий очиқ кўзи, ўткир зеҳни билан ҳали мамлакатимизда бундай мислсиз фалокатлар рўй бермасдан туриб, янги мустабид ҳокимият эндинигина оёққа туриб келаётган бир пайтда, «Ўткан кунлар» романни билан мана шу фалокатдан халқни огоҳ этган, ўтмишимишининг аччиқ ҳақиқатини сабоқ қилиб кўрсатган эди.

Қарангки, Тошкент қамали арафасида халқ кечагина қонли қиличини фуқаро устида юргизиб турган Азизбек ёнида жанг

қилишга аҳд қиласи; унинг тифи зулми билан қора қонига беланган ўғлиниңг, отасининг, онасининг, оғасининг мазлум гавдаси тупроқ остида ҳали чириб битмай туриб, буқун ҳалқ яна Азизбекка, ўша қонхўрга ўз қони билан ямин этади; Азизбекни то ўзининг бир томчи қони қолгунчалик ҳимоя қилмоққа онт ичади.

Шу ҳодисалар тасвирида кичик, аммо гаройиб бир лавҳа, ноёб балий топилма бор. 60-йилларда машҳур кинорежиссер М. Ромм-нинг «Оддий фашизм» деган ҳужжатли фалсафий фильмни катта шовшувларга сабаб бўлган эди. Ўша фильмда таъсирчан бир эпизод мавжуд: қонхўр Гитлер минбарда, у «оташин» нутқ сўзлайди, майдонни тўлдирган оломон уни олқишлийди, минбарга яқин турганлар фюерерга талпинадилар, фюерернинг «илтифоти»га сазовор бўлганлар, қўли унга етиб борганлар қувончдан кўзда ёш билан энтиқадилар. Юртига, ўз бошига мислсиз балолар келтираётган одам шаклидаги маҳлуққа оломон ана шундай топинади!.. Фильм муаллифи алам ва кесатиқлар билан бу ҳодисага шарҳ бериб ўтади. Шу эпизодни танқидчилар кино санъатида буюк топилма деб ёзган эдилар...

Фильм муаллифи «Ўткан кунлар»ни ўқиганми ёки йўқми билмайман, 20-йилларнинг бошларида ёзилган бу романда айни ўшандай лавҳа бор. Азизбек буйруғи билан ўрда тагига Тошкент ҳалқи йиғилади. Бу йиғинда уламолар ҳам бор, фузалолар ҳам бор, шаҳарнинг ҳар бир синфидан одам ҳозир. Шунда мана бу ҳодиса рўй беради: «Азизбек ўрда қоровулхонасидан турууб фуқароға салом қилди. Азизбекнинг саломига мушарраф бўлғувчиларнинг кўзларидан ёшлар оқмоқда эди...» (36-бет).

Ана сизга алданган шўрлик ҳалқнинг ҳоли! Энди буёғига қаранг: ўрда дарбозасида икки «гуноҳкор» — қипчоқ гавдаси осилиб турибди. Азизбек устомонлик билан ўзининг «адолатли иши»га ҳалқни ишонтиради: «Мен буларни сиз қорачопон фуқаром томонидан ўч учун ўлдирдим, сиз қорачопон оғайниларнинг қипчоқ қўлида шаҳид бўлган қариндошларингизнинг руҳларини шодлантирмоқ учун ўлдирдим!» (36-бет). Сўнг ҳалққа: «Ёки бу ҳаракатим адолатдан эмасми, фуқаро?» деб савол беради. Авом ҳалқ бу макрға лаққа тушиб «Адолат! Хўп қилгансиз, тақсир! Қипчоқларнинг жазолари шундай бўлмоғи керак!» дея жавоб қайтаради. Устомон Азизбек ҳалқнинг ўз домига илинганига тўла ишонч ҳосил қилгач, ўз вақтида келгуси хатарларнинг олдини олиб қўйиш чорасини кўради, бу «холисона хизмати»га қарши қипчоқлар қасдига тушиши мумкинлигини эслатади. Шунда оломон «Бир томчи қонимиз қолгунча йўлингизда жон берамиш! Қипчоқларда ҳад бўлгаймики, биз тирик турган жойда сизнинг бир тола мўйингизни ҳам қилсинлар!» Бундай ҳиммат ва бирдамликка жавобан Азизбек: «Рахмат, фуқаро! Орқамда сизнингдек фуқаром турганда менга ҳеч бир қайғу йўқдир» дейди (37-бет).

Халқни лақиллатиш, қабиҳ ишларга сафарбар этиш «сиёсати»ни бу қадар аёвсиз фош этган, халқ руҳиятидаги ожизлик, мутелик ва унинг фожиавий оқибатини бунчалик ёрқин ифодалаган асар ўзбек адабиётида яратилган эмас! Шу воқеаларнинг шоҳиди бўлган Юсуфбек ҳожининг: «Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам!» деган аламли сўзлари ҳалиҳали дилларни ўртайди.

Ёзувчи бу билан чекланмайди. Фаразли тарғибот билан онги заҳарланган, ўз халқига қарши курашга отланган оломоннинг жанг майдонидаги «жонбозликлари», «душман»ни ер тишлатгани хусусида фурур билан сўзлашларини кўриб, оломоннинг ҳолига дод дегингиз келади! Жанг майдонида бегона эмас, бир юртнинг одамлари, бир халқнинг икки уруғи; бир томонда даҳшатли манзара: кўрғон осллари бошсиз ва иштондан бошқаси тўналган инсон гавдалари билан тўла. Бу очиқ мозористонни Тошкент мудофаачилари минг турли шодликлар ичидан томоша қиласидилар. Шундан кейинги мудҳиши лавҳаларни ўқиши оғир, жуда оғир! Мана улар:

«Кўрғон устидаги қаҳрамонлардан биттаси кула-кула бир саркардани отиб ўлдирғанлигини сўзлаб — «Падар лаънатини ўзим хўбам отдим-да, отининг устидан уч газ кўтарилиб йиқилди!» дейдир. Тағин биттаси ўликлар ичидан кимнидир кўрсатиб — «...ана, ана, ҳов ана! Ўша қипчоққа ўқ тегиб ўлиб-ўлолмай, юриб-юролмай инграб ётган экан, қиличим билан бошини шартта кесиб, белидаги олтин камари ва устидаги кимхоб пўстинини олиб чиқдим!» дер. Ҳар ким бу кунги урушдаги ўзининг эрликлари билан, қўлга туширган олтин камари, ёкут кўзли узуги, сувсар пўстини, кумуш қинли қиличи ва бошқа ўлжалари билан мақтанади» (80-бет).

Шу даражага бориб етган халқни, ўз қардошини қойил қилиб ўлдиргани ҳақида кула-кула сўзлаган, ўқ тегиб ўлиб-ўлолмай, юриб-юролмай инграб ётган қипчоқнинг бошини шартта кесиб, борбудини шилиб олган кишиларни, жангда кўрсатган ўз «эрликлари» билан мақтанаётган ғофил бандаларни кўриб туриб, уларни аллақачон ер ютиб кетмаганига ажабланамиз! Бунақа халқ эртами кечми, албаттга тубсиз жарга, жаҳаннамга қулаши муқаррар эканига амин бўламиз.

Бу гумроҳ оломонга энди гап кор қилмайди, тирик одамнинг таъна-дашномлари таъсир этмайди. Энди оддий тасвир, армон-ўқинчлар, ўпка-гиналар иш бермайди. Ёзувчи ўзгача йўл излайди, «даҳшатлар тепаси» — кесилган бошлар таъна-дашномларини изҳор этади:

«Уч-тўрт юз инсон бошидан турғизилган бир тепа!

Қаричга келадиган узун соқоллар, бошдаги хун олуд сийрак сочлар, бўзарган юзлар, қонга беланиб, ярим очиқ ҳолда қорачиқ ўрнини кўрқинч бир оқлик босган кўзлар дунёга ва шу ҳаётга лаънат

ўқигандек қарайдилар, айниқса, бир бош, эҳтимолки ҳали йигирма йилга ҳам ўтмагандир, мурти ҳам чиқмаган! Ҳун олуд қулоқ қошлари остидаги ярим очиқ кўзлари кимнидир излагандек қарайдир... Ярим очиқ иринлари ичидаги оқ тишлари билан тилини гарчча тишлаганда, гўё шу турмушда, шу замонда туғилгани учун «аттанг ўқийдир» (81—82-бетлар).

Энг даҳшатлиси — бу кесилган бошларнинг дунёга ва шу ҳаётга ўқиган лаънатини, шу турмушда, шу замонда туғилгани учун билдирган аттанг — афсус-надоматларини уқадиган, бундан таъсиранадиган, эзиладиган, ўйга толадиган кимса йўқ!

Нихоят, Азизбек ҳалқ мадади билан Тошкент мудофаасида кўқонликлар устидан голиб чиқади. Тошкент беклиги «мустақиллик»ка эришади. Азизбек энди мустақил ҳукмдор, Тошкент ва атрофининг ҳони, хоқони! Хўш, буёғига нима бўлади? Ҳалқнинг қони, моли эвазига эришилган мустақиллик ҳалққа нима берди, мустақил бекнинг мақсади нимадан иборат? Мана у: «Энди духоба ва атласлар устидагина ўтироққа қаноатланмай, ўз шаънига, ўз Қудратига мувофиқ тожлар, тахтлар ясатмоқчи, ўзининг эски маҳрамига кўнгли тўлмай, бошқа бир ўйинчи, ашулачи, ҳусндор бир маҳрам топмоқчи ва ўзининг бу машхур маҳрами билан ер юзига донг, шуҳрат чиқармоқчи» (105-бет). Ана унинг савидаражаси, ер юзига донг, шуҳрат чиқариш воситаси! Шўрпешона гумроҳ ҳалқ шу одамнинг шундай бачкана мақсадлари деб жон бериб, жон олишди, бир томчи қони қолгунча йўлингизда жон берамиз, деб онт ичди ва бу сўзида туриб берди! Биз «Ўткан кунлар»ни кўпроқ ҳалқимизга хос яхши фазилатларни, мўътабар удумларимизни, ҳалқ орасидан чиққан нурли сиймоларни ардоқловчи, кўз-кўз қилувчи асар сифатида баҳолаймиз. Бу, бир томондан, тўғри, асарда шундай жиҳатлар мавжуд. Шу билан бирга, бу роман ҳалқимиз тарихидаги мудҳиш ҳодисаларни, ҳалқ онги ва табииатидаги ожиз жиҳатларни, қабоҳатларни мардона туриб кўрсатиши, бу борадаги шафқатсиз ҳақиқати билан ҳам тенгсиз романдир.

Романда бошқа бир муҳим ҳақиқат ҳам ифодаланган. Агар ҳалққа одил ва оқил арбоб раҳнамолик қиласа, уни ўз ортидан эргаштира олса, ҳалқ танидаги чексиз куч хайрли мақсадларга хизмат қилиши ҳам мумкин. Яна улуф шоир Чўлпон сўзлари билан айтадиган бўлсан, шундай мақсадда «Ҳалқ кўзғолса куч йўқдирким, тўхтатсин, Кувват йўқким, ҳалқ истагин йўқ этсин. Ҳалқ исёни салтанатни йўқ қилади, Тож-тахтни, истибодни емиради...».

Орадан кўп ўтмай Азизбек юзидағи никоб йиртилди, у ўзининг асл мақсадини рўёбга чиқариш, уруш туфайли бой берилган хазинани тиклаш учун жабрдийда ҳалққа солиқ солади, ҳалқдан солиқ ундиришни диёнатли арбоб Юсуфбек ҳожига топширади.

Эҳтимол, Ҳожи ўрнида итоатгўй, диёнатсиз одам бўлганида тарғиб-ташвиқ билан бу сиёсатни оқлаши, халқни авраб, солиқ тўлашга кўндириши мумкин эди. Аммо Юсуфбек ҳожи бундай қдоломайди, бўлаётган адолатсизликлардан паймонаси тўлган Ҳожи халқни Азизбекка қарши исёнга даъват этади. Бу доно, тадбиркор арбоб халқнинг кўнглига йўл топади. Халқ табиатига хос гаройиботни қарангки, кечагина Азизбекка бир томчи қони қолгунча йўлингизда жон берамиз, деб онт ичган ва бу аҳдида қаттиқ туриб уни ҳимоя қилган ўша халқ бугун унга қарши қўзғолади, «севикли» бекни таҳтдан қулатади, «Сен бизларга нима ишларни қилмадинг?» дея унга таъна тошлари ёғдиради. Ўша «садоқатли» оломоннинг талаби билан Азизбек икки оёғидан арқон билан боғлаб отнинг човига судратма қилинади. Қизиқ, яқингинада Азизбек ёнида туриб кўқонликларни қирган, ўз қирғинидан хузур қилган шу халқ, энди Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишини хузурланиб томоша қиласди.

Романда тасвирланган бундай гаройиб зиддиятли воқеа-ҳодисалар шунчаки хусусий характердаги мозийда бир бор содир бўлган ҳодисалар эмас, балким бу кўхна дунёда неча бор тақрорланган ва ҳамон тақрорланаётган ҳолатлардир. «Ўткан кунлар» яратилгандан бўён ўтган салкам етмиш йиллик тарихимизда неча марта бунинг гувоҳи бўлдик: кечагина доҳий, раҳнамо, ҳаммамиз учун суюкли деб бошга кўтарган арбобларни эртаси бадном этиб, ерга уриб, тарихдан номини ўчириб ташлашга уринганлар шу халқнинг ўзи — сиз билан бизлар! Қисқаси, Қодирий «Ўткан кунлар»да ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг шундай бир бадиий моделини кашф этганки, бу фақат мозийдаги муайян тарихий ҳодисаларнинг реал ифодаси, бадиий тадқиқи бўлиб қолмай, халқ табиатидаги мангу ожизлик, зиддиятлардан инсониятни огоҳ этувчи доно сабоқдир.

Роман муаллифи эл-юртнинг ижтимоий-сиёсий таназзул сабабларини бадиий тафтиш этишда давом этади. Қипчоқ ва қора-чопон адовати ёнига яна бир иллат — маҳаллийчилик касофати қўшилади. Тошкентлик мансабдорлар орасида қўқонлик Нормуҳаммадга қарши иғво, фиску фасод тарқатувчилар бош кўтаралилар. Нормуҳаммаднинг Тошкент халқи учун қилиб турган хайрли ишларини кўра-била туриб шундай қабиҳ ишга қўл урадилар. Уругчилик билан маҳаллийчилик қўшилиб, катта бир фалокатга йўл очишини сезган Ҳожи бу хавфнинг олдини олиш учун бутун куч-қувватини, ақл-заковатини ишга солади. Романдаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тадрижи тасвирида мухим бир ҳақиқат аён бўла боради. Ички адоват, зиддият, таназзул кучая борган сари ташқи хавф, истило ва истиблод шунчалик яқинлашади. Бу ҳолни ҳам жуда озчилик — очиқ кўз, ўткир зеҳн эгалари — Ҳожи ва Отабекларгина юраклан хис этадилар ва бу хатардан ғоғил амалдорларни

огоҳ этадилар. Ҳожи уларга қарата дейди: «Биродарлар! Ўрис ўз ичимииздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тагида қўр тўкиб ётибdir. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвга берадирган кучимизни ўз қўлими билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсак, ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилув-чимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганимизми?!» (283-бет).

Шу сўзларни айтатётган пайтдаги Ҳожи ҳолатига эътибор беринг: у ўзини тутолмай кўз ёшисини оқ соқолига куяди. Шундай оқил, босиқ одам дил-дилдан йиғлаб, кўз ёшлари билан сўзида давом этади: «Мана, биродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда сизга иккинчилар тобут чопадир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга етган кўраман!.. (283-бет. Бу кўчирмалар романнинг 1926 йилги нашри матни асосида тикланди — У.Н.). Агарда дунёдан ўтаётган бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, биродарлар. Илло Юсуфбекни ўлдига чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз!»

Хатарли фалокатни дил-дилдан ҳис этган, фалокатнинг олдини олиш мумкинлигини тушунган, аммо бунинг чораси йўқлигини билган, фикри тор кўру кар, нодон, жоҳил кимсалар қуршовида эканини, қалб фифонлари, кўз ёшлари уларга кор қилмаётганини сезган одамгина шу ахволга тушиши мумкин. Даврадагилар бу сўзлардан хушёр тортиш ўрнига Ҳожини ваҳимачига, кўкнори ичган одамга чиқарадилар. Демак, чоризм истилоси олдида Ҳожи сингари истило хавфини аниқ сезган, ҳукмдорларни бундан огоҳ этган хушёр, доно сиймолар бўлган, аммо уларнинг огоҳлантиришлари бехуда кетган. Юсуфбек кабилар ноилож ҳафсаласи пир бўлиб, дунё ишларидан этак силташга мажбур бўлганлар. Юсуфбек ҳожи, Отабек каби тараққийпарвар кишилар фожиасининг бош сабаби ана шунда.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, тараққийпарвар кучлар ўзларини четга олсалар, гафлатда қолсалар, дунё ишларидан этак силтасалар қора кучларнинг давру даврони бошланади, гуноҳ ишларга кенг йўл очилади. Ҳожи ғаламис мансабдорлар даврасидан ўзини ташқарига олиб гафлатда қолганида, дунё ишларидан кўнгли совуб юрганида Тошкентда аввалгилардан мудҳишроқ жиноят юз беради, қипчоққа қирғин бошланади. Тошкентдаги даҳшатли воқеаларни ёзувчи аввалилари ўзгалар — Ҳожи ёки Ҳасанали кабилар орқали гавдалантирган эди. Бу сафар бу қонли лавҳаларга Отабекни рўпара қизади. Эҳтимол, пайманаси тўлиб кетган Ҳожи ёки бунақа хунрезликларни кўравериб кўнишиб қолган бошқа бирор одам мазкур қонли воқеаларга дуч келса, у қадар ҳаяжонланмаслиги мумкин.

Ёзувчинини бу даҳшатли ҳодисани айни: Отабек – наэқдорон, оқзи, эл-юрг қайғусида юрган, озми-күтми ҳаётнинг аччиқ-чучутини татиган, ўта таъсирчан, қабоҳатларга муросасиз, инсоғли, шиёнатли бир одам нигоҳи орқали ифода этиши тасодифий эмас. Муаллиф бу билан рўй берган ҳодисаларнинг даҳшатини бор бўйича китобхонга етказишга эришса, иккинчи томондан, шу ҳодисаларга муносабатда Отабек қарашидаги, руҳиятидаги ижтимоий-сиёсий йўналиш силсиласи, тадрижи энг олий нуктасига кўтарилади, муайян интиҳосига етади. Умуман, шу ҳодисалар тасвирига бағишланган «Қипчоққа қирғин» боби романдаги ижтимоий-сиёсий йўналишининг кульминацияси, мантиқий якунидир.

Ёзувчи китобхонни ҳам, қаҳрамонни ҳам мана шу энг кескин дақиқаларга тайёрлаш учун ўзига хос усул қўллайди. Шаҳарла қипчоққа қирғин уюштирилган куни эрталаб Отабек яқин дўсти билан шаҳар ташқарисига сайдга чиқсан. Гўзат табиат қучоғида ором олиб, турмуш ташвишларини бир дам унутиб, кечкуруни шаҳарга қайтиб, шаҳар дарвозасига қадам қўйиши биланоқ, боши танидан олинган кишилар гавдасига йўлиқади. Боша бу ҳолга тушунолтмай сабабини суриштиради. Шаҳарда қипчоққа қирғин боштангани, қипчоқ зоти бўлса суриштирмай молдай сўйилгани маълум бўлади. Отабек йўлда давом этади, одим сайин боши кесилган мурдаларни кўради... Ниҳоят, даҳшату ваҳшат ичилда уйига келиб, Ҳасаналига йўлиқади. Ҳасанали мислсиз раҳмисизлик ҳақидаги ҳикоясини бошлайди: «Худди қиёмат бўлди! Бечоралар нима гуноҳ қилдиларикин? Уйида ҳатол касбини қилиб ўтирганларигача тутиб сўйилар... Эй, бечоралар, қандай гуноҳлари бор экан? Йигитлар тутиб келтириб турадир, жаллод бош кесиб борадир... Бу ногаҳоний қазодан эслари чиқиб кетган бечоралар йиғлашадилар... Айниқса, бир бўёқчи... худди хум ёнидан тутиб келгандар — кўли бўёқ... Эй, худо, мен нима гуноҳ қилдим, деб йиғлайдир... Чидаб бўлмади, дўконни ёпиб қочдим, кўплар ҳам қочдилар... тағин бир...» (296-бет).

Отабекда бу ёғини эшитишга тоқат қолмайди, бекнинг юраги эзилиб оқиши даражасига етади. Бу ҳодисалардан ўзини йўқотар ҳолга келади, кечки овқатни ҳам емай, отаси билан ҳам учрашмай, «гўё шу йиртқичлар дунёсидан яширингандек оқ кундаёқ тўшагига ётиб, кўрпасига бурканниб» олади. Отабекнинг ўша кезлардаги руҳий ҳолатини бундан аниқроқ, таъсирчанроқ ифодалаш қийин бўлса керак.

Отабек бир оз ўзини тутиб олгач, эртаси отасига рўпара келади. Отасига дуч келганида илк бор фарзандлик одобини бузиб, отага салом бермайди, чунки ўз отасини қипчоқ қирғинига алоқадор деб ўйлайди. Кеча кўрган, эшитган даҳшатлар ҳам биру, ўз отасини бу ишларга «алоқадор»лиги дард устига чипқон. Шу хаёл, айниқса,

уни эзади. Кеча оқшом тилсиз-забонсиз бир ҳолда йиртқичлар дунёсидан яширгандек түшагига бурканиб олиш сабаби ҳам бир чеккаси, шундан. Отага саломсиз рўпара бўлган ўғилини кўриб, бу ёғига нима бўларкин, деб энтикиб турасиз. Инсон руҳиятининг моҳир билимдони ўша топдаги оқил ота билан яхши тарбия топган етук фарзанд орасидаги ўта кескин ва нозик муносабатлар, улар кўнглида кечган тифиз ва нафис туйғу, ўй-хаёлларни мислсиз маҳорат билан қоғозга туширади. Ҳар қанча қаҳр-газаб ўтида ёнмасин, Отабек, барибир, биринчи бўлиб сўз очолмайди, одоб юзасидан ота юзига тик қараб «гуноҳи»ни юзига солишга журъат этмайди. Орада узоқ жимлик ҳукм суради. Ниҳоят, биринчи бўлиб ота гап бошлайди. Сўнг Отабек тилга кириб, кечаги қонли воқеалар, бу ишларда отасининг иштироки хусусида имо-ишоралар қиласди. Фаросатли ота дарҳол буни тушуниб, рўй берган воқеаларнинг тафсилоти, бу ишларга ўзининг алоқаси йўқдиги, имкон қадар бу хатарнинг олдини олишга урингани, бироқ иложсиз қолгани ҳақида батафсил гапириб беради.

Хўш, бу қирғинлардан мақсад нима? Яна шу савол қўзғалади. Жавоб аён: Бу қирғинни ўюштирганлардан биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммаднинг ўрнига минмоқчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Ҳон эса Мусулмонқулга бўлган адоватини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи. Уларда бундан бошқа мақсал йўқ. Ота-бала суҳбатида Юсуфбек ҳожи дилидаги асосий дардини айтади. Ҳожининг дил сўзлари бу одам умри, фаолиятининг муайян якунидир, умри давомида тўплаган тажрибаларидан чиқадиган бош хуласасидир, келгуси авлодлар олдидаги армони, узридир, келгуси авлодларга қолдирган аччиқ сабогидир. Мана у: «Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқ нелигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биrimizning тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндирки, ўрис истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйинтуриғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлига тутқин қилиб топширгувчи — биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим...» (301-бет. Бу кўчирма романнинг 1926 йилги нашри матни асосида тикланди — У. Н.).

Бу ёғига нима бўлганлиги маълум! Энди романнинг бош гоявий пафоси, ёзувчининг китобхонга айтмоқчи бўлган асосий ва энг зарур гали нимадан иборат экани бир қадар англашилгандир.

Юсуфбек ҳожи қалбидан вулқондек отилиб чиққан бу дард-алам тўла фарёд, ёзувчи дилини ўртаган аччиқ ҳақиқат бугунги кунда, ўлка салкам бир ярим аср давом этган истибододдан сўнг мустақиллик остонасига қадам кўйган фоят масъулиятли кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, бу сўзлар аччиқ тарих сабоқлари, халқни бўлғуси хатарлардан огоҳлантирувчи бонг бўлиб янграйди. Ҳозирги кунда кўпгина хушёр, виждонли адилари мизнинг қалб сўзлари, жумладан, шоира Ҳалима Худойбердинг «Йифи» шеъридаги мана бу сатрлар Юсуфбек ҳожи, Отабек, бинобарин, буюк адид Қодирийнинг дил ҳайқириқларига ҳамоҳангдир:

*Олтловон ола бўлиб олдирган халқ, меники,  
Гоҳ ичди заҳар, тиљда бол турган халқ меники,  
Тиф тортиб ўз отасин ўлдирган халқ меники,  
Ё раб, қай ажоддимнинг қўли кир, деб йигладим.  
... Бирлашмадинг, Кўқону, Ўзган бўлдинг, Ўши бўлдинг,  
Фитна пичоқларида талош, лахта тўш бўлдинг,  
Куёв-келин бўлмасдан қўши мозора, қўши бўлдинг,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштири, деб йигладим.  
Бирлашмадинг, кетма-кет бало келди, ўт келди,  
Тоғдай йигитни солиб, лопиллаб тобут келди.  
Сув бўлиб оқдик, кўздан жала келди, хут келди,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштири, деб йигладим.  
Шукур, бугун озод сен, аммо тарқоқ; сен, ёт сен,  
Тарқоқми сен, инсонни азал-абад барбодсен.  
Жўровоз бўлолмасанг якка-якка мунг, дод сен,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштири, деб йигладим...*

Агар биз романнинг асосий пафосини, ундаги етакчи қаҳрамонларнинг бош ҳаётий, ижтимоий-сиёсий маслак-матлабини назарда тутадиган бўлсақ, асар хотимасида Отабек қисмати хусусида айтилган гапларга — рус босқини бошланганида биринчилардан бўлиб зобитларга қарши жангга отлангани, Авлиё ота устидаги чор аскарлари билан тўқнашувда қаҳрамонона уришиб, шаҳид бўлгани тўғрисидаги гапларга асло ажабланмаймиз. Юсуфбек ҳожи бу кезларда кексайиб қолган, дунё ишларидан этак силтаб кетган эди. Навқирон Отабек эса ота ишини давом эттириб, эл-юрга фами, мустақиллиги йўлида жон фидо этди.

Бу ҳол Отабекнинг роман бошида Россия, унинг ўша кезлари Туркистондагига нисбатан илғор туюлган тартиботлари ҳақида айтган илиқ гапларига зид эмасми, деган савол туғилади. Асло зид эмас. Чунки Отабек ўз юрти, ўз элининг чин фарзанди, аммо унинг эл-юрга меҳри мутаассибликдан холи; у ўз ўлкасини жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторида кўришни, улар тажриба-

ларидан баҳраманд бўлишини истайди. Бироқ у ватанпарвар, миллатпарвар ўғлон сифатида она юртни бошқалар, ҳатто тараққий этган давлатлар томонидан истило этилишини, юрти зобитлар оёғи остида топталишини асло истамайди. У шу юрт дахлсизлиги, истиқололи йўлида кўксини қалқон қилиб, жон фидо этган экан, бунда ҳеч қанақа гайритабиийлик йўқ. Бу — умуминсоний туйғу. Ҳар бир онгли, виждонли, ўз қадрини биладиган, ўзини эл фарзанди, юрт фуқароси санайдиган одам ўшандай вазиятда Отабек йўлини тутиши табиий.

Романинг етакчи қаҳрамонлари Отабек ҳам, Юсуфбек ҳожи ҳам ғоялар одами, эл-юрт ташвиши, истиқболи ғамида юрган, юртни ҳалокатдан асраб қолиш чораларини излаган, бу ҳақда аниқравшан ўз дастурига эга бўлган, уни амалга оширишга баҳоли кудрат интилгандан пировардидан иложисиз қолган кишилардир. Етмиш йил давомида бизда кўпдан-кўп коммунистик ғоявийлик руҳи билан чулғанган қаҳрамонлар образи яратилди. Ҳозирга келиб бу образларнинг аксарияти ўз қадр-қимматини йўқотди. Бундан юрак олдириб қўйган адабиётчи-танқидчилар умуман адабиётда, образда ғоявийлик хусусида сўз очишига ҳам тиллари бормайдиган, «ғоявийлик»дан чўчийдиган бўлиб қолдилар... Жаҳон адабиёти дурданаларини эсланг, улардаги машҳур адабий қаҳрамонлар борки, барчаси ғоялар одами-ку, ахир! Бутун гап қаҳрамон ташийдиган, амал қиласидиган ғоянинг қандайлигига. Бизда яратилган асарлардаги коммунистик ғояни ташийдиган қаҳрамонларнинг чуби чиқиб қолиш, қадри кетиш сабаби шундаки, ёзувчилар зўр бериб ўтказган, ҳимоя қилган, тарғиб-ташвиқ этган ғоялар соҳта, гайриинсоний бўлиб чиқди. Ажабки, коммунистик ғоялар руҳида тарбияланган адабиётшунослар назаридан соҳта коммунистик ғояларни ташувчи қаҳрамонлар яхши, адабиётимизнинг ютуғи, «Ўткан кунлар» қаҳрамонлари таянган эл-юрт, миллат тақдири, истиқололи билан боғлиқ ҳаққоний юксак эзгу ғоялар эса ёмон, ёзувчи фикрининг торлиги бўлиб кўринди.

Коммунистик ғоялар билан суғорилган қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, «Ўткан кунлар»даги ғоявий қаҳрамонлар ўзларининг табиийлиги, ҳаётийлиги билан ажralиб турадилар. Юсуфбек ҳожи чин дилдан менда «виждон бор, дин бор, диёнат бор» дер экан, унинг бу сўзларига тўла ишонасиз. Отабек ҳам, Ҳожи ҳам кўп ўринда ўз ғоя-маслакларини ошкора изҳор этади.

Шуниси характерлики, романда қаламга олинган кўп ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ифодаси пайтида мумкин қадар ўзини четга олиб, холис турган адаб қаҳрамонларнинг асл ғоя, маслак-мақсадлари устида, миллат, юрт тақдири, шу миллат фарзандларининг ўз қўллари билан ўзлари учун соҳ қазиётгани ҳақида сўз борганида муаллиф ўзини тутолмай қолади, ҳис-ҳаяжонларини, армон-

ўқинчларини барадла тўкиб солади. Бундай ўринларда тасвир ва талқин ошкора публицистик тус олади, муаллиф сўзлари билан персонажлар нутқи орасидаги фарқ — чегара йўқолади. Аммо булар ўқувчига асло сезилмайди, булярнинг барча-барчаси ўта табийй, ҳаётий, самимий. На Отабек, на Юсуфбек ҳожи сўзларида, хатти-ҳаракатларида бирор ўринда бўлсин сохталик, атайинликни кўрмайсиз. Бу борада ҳам Қодирий тажрибаси, санъати ҳамон адилларимиз учун ўрнак.

Энди романдаги адебни ўйга толдирган, қийнаган бошқа муҳим масалалар — оилавий-маиший, маънавий-ахлоқий муаммолар талқинига ўтгайлик. Аслида, романда ижтимоий-сиёсий масалалар билан миший-ахлоқий муаммолар айри ҳолда эмас, бир-бирлари билан туташган-чатишган ҳолда берилган. Биз таҳлил учун қулагай бўлсин деб уларни айри ҳолда таҳлил этаётимиз. Худди ижтимоий-сиёсий масалаларда бўлгани каби романнинг бошидаёқ ёзувчининг оилавий-маиший, маънавий-ахлоқий соҳадаги бош концепцияси аён бўлади. Роман бош қаҳрамони Отабекнинг ҳали уйланмагани, ота-онаси уни уйлантириш тарааддуидага экани ҳақидаги маълумот баҳонасида Отабек хузурида асар персонажлари Раҳмат билан Ҳомид орасида оила қуриш, уйланиш, ишқ-муҳаббат хусусида қизғин баҳс бўлиб ўтади. Бу икки шахснинг оила хусусидаги қарашлари бир-биринидан кескин фарқ қиласи. Раҳматнинг фикрича, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқ; уйланган хотининг таъбингга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса мунчалик оғир гап дунёда бўлмас! Ҳомид эса бу борада тамомила бошқача ўйлади: «Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ... Хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя... хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас».

Раҳмат баҳсни давом эттириб дейди: «уйланишдаги ихтиёrimiz, ота-оналаримизда бўлганликдан, оладирган келинлари ўғилларига ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзларига ёқса бас. Бу тўғрида уйланувчи йигит билан эр қилувчи қизнинг лом-мим дейишга ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир» (11-бет).

Ҳомид фикрича, уйланиш ота-она учун бўлиб, улардан ранжиб юришнинг ўрни йўқ; хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қиласи! Буниси ҳам келишмаса, учинчисини ол! Хотиним мувофиқ эмас, деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас.

Раҳмат ўз сўзида қатъий: «Хотин кўпайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин?.. Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмак, менимча, энг маъқул иш». Раҳмат энди умумий мулоҳазалардан аниқ далил-исботга ўтади, тоғаси Ҳомидга писандада қиласи: «Масалан, икки хотинликнинг биттаси сизми? Уйингизда ҳар кун жанжал, бир дақиқа тинчлигингиз йўқ».

Ҳомид ҳақ гапга дош беролмай чапаничасига шаллақиликка ўтади: «Сенингдек йигитлар учун, албатта, битта хотин ҳам ортиқчалик қиласди!.. Кўп хотин орасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қилоласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйгумимча йўқ, аммо хотинни учта қилишига ҳам ўйим йўқ эмас!» (12-бет).

Эътибор беринг, оила, муҳаббат устидаги бундай кескин баҳс нега бегона одамлар эмас, балки яқин кишилар — тоға-жиянлар орасида бўляпти? Қаранг, тоға билан жиян уйланиш, оила қуриш хусусидаги қарашлари жиҳатидан икки кутбда турибдилар. Романдаги оиласвий-маиший воқеалар, саргузаштлар тадрижини кузатсангиз, бу борадаги энг кескин зиддиятлар, можаролар, персонажлар шахсий ҳаёти билан боғлиқ фожиалар асосан худди ўшандай яқин одамлар қарашлари, ҳаётий ақидаларидаги тафовутлардан келиб чиқади: Отабек — Ўзбек ойим — Юсуфбек ҳожи, қисман эрхотин Мирзакарим қутидор ва Офтоб ойим, опа-сингил Зайнаб ва Хушрой қарашларидаги келишмовчиликлар туфайли Отабек — Кумуш — Зайнаб баҳти, умри ҳазон бўлади. Тўғри, Отабек — Кумуш — Зайнаб баҳти, умрининг завол топишида Ҳомид типидаги нобоп муҳит етиштирган нопок кимсаларнинг, тубан шахслар айби билан юртда вужудга келган нотинчилкларнинг ҳам таъсири, зуфуми катта. Аммо асар қаҳрамонлари, ҳар қанча чигал, мушкул, даҳшатли бўлмасин, давр тўзонлари, талотумларидан омон ўтадилар, Ҳомидлар қазиган чоҳлардан эсон-омон чиқадилар. Бироқ оиласдаги «арзимас» можароларга чора тополмай хуноб бўладилар, яқин одамлар ҳозирлаган ош — оғу туфайли ҳалокатга дучор бўладилар. Бунда ҳам муҳим ҳаётий ҳақиқат мавжуд. Худди ижтимоий-сиёсий борада ҳалқ табиатидаги ожизлик, беқарорлик, юртдаги паро-кандалик, бирдамликнинг йўқлиги мамлакатни даҳшатли чоҳга, ҳалокатга олиб боргани, ҳалқни тутқунликка мубтало этгани каби, оиласдаги, яқин одамлар онгидаги тафовут, зиддиятлар, қолоқ қарашлар яқин одамларнинг оромини олиб, баҳтсизлик ва мусибатларга йўл очаётганлигини ёзувчи романда донишмандлик ва фавқулодда маҳорат билан кўрсатади.

Қодирий етук реалист ёзувчи сифатида ижтимоий-сиёсий масалалар каби оиласвий-маиший муаммолар талқинида ҳодисаларнинг ҳаётий манбалари, илдизларига алоҳида урғу беради, ҳамиша ҳодисаларни ички зиддиятлари, мураккабликлари билан идрок этади. Бу борадаги қарашларини ҳар хил йўллар билан, гоҳ образлар қисмати орқали холис, объектив тарзда, гоҳ эса ошкора публицистик йўсинда изҳор этади. Бир ўринда даврнинг маънавий-ахлоқий ҳолати қиёфасига таъриф-тавсиф бериб, тўғридан-тўғри ёзади.

«Халқымиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Ўғирлик қилган учун кўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадирлар, ичкилик ичган учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди ғулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширар, фарзи айнни билмаганларни урдирап эди. Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қонга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айнининг бош томонидан тўртбеш жумлани ҳар ким қўйналмасдан сайрай олар эди. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тириклик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар. Тошкентнинг Чуқур қишлоқ деган ерида очилган ва ҳамиша рустамнамо кишилар билан айқириб ётган бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди» (217—218-бетлар).

Биз сўнгги йилларда ҳаётда илдиз отиб кетган жиноятчилик, маънавий-ахлоқий бузилиш сабабларини кўпинча миллий қадриятлардан чекиниш, диний ақидаларни — имон-эътиқоднинг сёёқ ости қилиниши билан изоҳлаётимиз. Бу, бир жиҳатдан, тўғри. Аммо, «Ўткан кунлар» муаллифи таъкидлаганидек, «мусулмонобод» замонлар ҳам бу жиҳатдан дориломон замон бўлган эмас. Ўша даврларда ҳам бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган ишлар бўлиб турган. Бу ишлар, бир томондан, қора кучлар — ёлғиз ўз шахсий манфаати йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамларнинг қолоқ, маданиятсиз, жоҳил, чапани кимсаларнинг айби, қилмиши оқибати бўлса, иккинчи томондан, умуман, яхши одамларнинг табиатидаги ожизлик, зиддиятлар самараасидир.

Романда муаллиф ошкора ёвуз кучлар — Азизбек, Мусулмонқул, Худоёр, Ниёз күшбеги, Ҳомид, Жаннат, Содик, Мутал кабиларни кўпроқ ташқи томондан кузатади, уларнинг руҳиятига кириб ўтирамайди; уларни — мансабпаст, дунёпаст, шуҳратпаст, муттаҳам, қолоқ, жоҳил, чапани — эл-юртни ҳалокатга олиб бораётган, одамлар баҳтига зомин бўлаётган кимсалар сифатида қоралаш, фош этиш билан чекланади. Ёзувчи булар эл-юрт қисмати учун хавфли-хатарли кучлар эканини қайта-қайта таъкидлайди. Адибнинг бутун дикъат-эътибори, ёзувчилик маҳорати, санъати кўпроқ яхши одамлар тану жонидан, табиатидан жой олган ожиз жиҳатларга, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган гаройиб жумбоқларга қаратилади. Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрўй характер ва

руҳияти жиҳатидан ҳам ёзувчи, ҳам китобхон учун фаройиб жумбоқ; ҳатто Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кутидор, Офтоб ойим ҳам муайян даражада жумбоқ. Ўзбек ойимни қўя туринг, нега Юсуфбек ҳожидек донишманд одам кўра-била туриб Ўзбек ойимнинг ёнини олади, ўғли майлига зид равища уни иккинчи бор уйлантиришга розилик беради? Нега дунё кўрган, оқ-корани яхши ажратса оладиган, оила, ишқ-муҳаббат хусусида ўз қатъий қараси, эътиқодига эга Отабек ота-она изнидан чиқолмайди? Нега Кумуш ҳам Отабекнинг иккинчи бор уйланишига рози бўлади? Кутидор билан Офтоб ойим нима сабабдан аввалги шартларидан қайтиб, ёлғиз қизларининг Тошкентга кетишига — Ҳожи хонадонига кундош ёнига боришига кўнадилар? Зайнабдай бўш-баёв аёл қандай қилиб Кумушнинг қотилига айланди? Кумушдек фариштадай майин-мулойим аёл табиатида не сабабдан инжиқлик, торлик, рашк ҳисси пайдо бўлиб қолди? Не сабабдан қатъиятли, баркамол йигит — Отабек кундошлар орасида бора-бора муросасоз одамга айлана борди?..

Ёзувчи романда шу каби саволларга жавоб излайди. Қаҳрамонлари табиатидаги шу каби ожиз жиҳатлар, зиддиятлар, ўзгаришларнинг ҳаётий, маънавий-руҳий сабабларини санъаткорона таҳлил этади. Персонажлар табиати, руҳиятидаги зиддиятлар, сирли-сехрли жумбоқларнинг ўта нозик, моҳирона бадиий тадқиқи ва таҳлили жиҳатидан «Ўткан кунлар» жаҳон реалистик адабиётининг нодир намуналари билан бир қаторда туради. Энг муҳими, ёзувчи Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрўй каби зиддиятли характерлар талқинида, Ҳожи, Отабек, Кутидор, Офтоб ойим хатти-ҳаракатларидаги ожизлик, зиддиятли жиҳатлар ифодасида асло уларни бутунлай қоралаш, фош этиш йўлидан бормайди, балки уларни тушуниб қалам тебратади. Зотан, реалистик асарнинг, аниқроғи, етук реализмнинг муҳим хусусиятларидан бири инсон боласининг, бандай ожизнинг қалбини, бисотини тушуниш, англашга интилишдан иборатdir. Инсон боласининг бирор айби учун қоралаш осон, уни тушуниш эса бениҳоя мушкул. Қодирий «Ўткан кунлар»да, эҳтимолки, ўзбек адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб шу мушкул вазифага кўл урди ва бу вазифани, хусусан, Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрўй образлари тасвири ва талқинида қойилмақом қилиб адо этди.

Гапни Ўзбек ойим образи талқинидан бошлайлик. «Ўткан кунлар»даги кўп персонажлар тасвири ҳақида кескин танқидий гап айтган Ойбек Ўзбек ойимга келганда, ёзувчининг бу образ тасвиридаги реалистик маҳоратига тан беради, уни энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс деб атайди, унинг бутун ҳаракати, бутун қўлмишлари характерини очишга хизмат қилишини таъкидлайди.

Ўзбек ойим устида гап борганда кўпроқ унинг чала думбул табиатли аёл экани, бу аслзода аёлнинг ўзига хос фурури, ўткирлиги,

ўжарлиги, ўз орзуси йўлида якка-ю ягона ўғли Отабек бахтига зомин бўлгани, қолаверса, биринчи галда шу чала думбул табиатли аёлнинг қилимиши туфайли ҳам Кумуш, ҳам Зайнаб ҳёти хазон бўлгани, икки оила бошига оғир кулфатлар тушгани ҳақида гапирамизу, бу асл ҳоҳиш-истакларининг табиийлиги ва қонуний-лигини ҳамиша ҳам эътиборга олавермаймиз.

Биламиз: Ўзбек ойим эрига ўтқирилиги, бугина эмас, Тошкент хотинларига ҳам ўтқирилиги билан машхур; ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб, тўйларида, азаларида, қисқаси, тиқ этган йигинларида уйларининг тўрини унга атайдилар, қиз чиқарадиган, ўғил уйлантирадиган, суннат тўйи қиласидиган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашибдан ташқари бошламайдилар... Мана шундай аёл ўғил уйлантириб, орзу-ҳавас кўраман, деб тагли-жойли қиз қидириб турганида, ўғли ота-она райисиз Марғилонда нотаниш қизга уйланиб олганини эшитгач, қандай аҳволга тушиши ўз-ўзидан равшан! Онанинг жаҳл устида: «Энди менга бундог ўғил керак эмас... Оқ сутимни оқقا, кўк сутимни кўкка соғдим... Энди Тошкентга келмасин у ўзбошимча бетийиқ!» деб бақириб-чақиришлари, йиглаб-сиқтаб дарду ҳасратини бошига кийиб олишини, ўғли Марғилондан келганида саломига алик олмай, ундан юзини ўғириб, ҳурпайиб туришини кўрганимизда ҳам асло бу аёлдан койина олмаймиз; фурури, шаъни оёқ ости қилинганд, бу довруғли аёлга осон эмаслигини билиб турамиз. Қарангки, ўша тигиз дақиқаларда Отабек ҳам, Юсуфбек ҳожи ҳам Ўзбек ойимга бирор нарса дейишга тиллари бормайди.

Орадан бир йилча фурсат ўтади. Отабекнинг Марғилон билан боғланиб қолганига, якка-ю ягона ўғил қўлдан чиқиб кетаётганига она асло тоқат қиломайди. Нима қилиб бўлмасин Отабекни Тошкентдан уйлантириш пайига тушади. Юсуфбек ҳожи чала думбул табиат хотинининг ўжарлик билан палапартиш қиласётган хатти-ҳаракатларидан кулса-да, уни бу борада шошилмасликка, ақл-мулоҳаза билан иш кўришга унласа-да, Отабекнинг эркин севгисига қарши бўлмаса-да, барибир, Ўзбек ойимнинг ҳоҳиш-истагига ҳам кескин қарши боролмайди. Отанинг мана бу сўзлари масаланинг моҳиятини, мураккаблигини англашга ёрдам беради:

«Ўғлим, сен онангнинг гапига аччиғланма. Ул ҳар нарса деса, факат Марғилондан уйланганингта қаршилигидан айтадир. Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмайман, балки бизга куда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли, ўғлим, дейман. Сенинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соқقا ҳисобланмайдир. Сен бунга яхши ишон. Аммо бизнинг ҳозирги бაъзи бир раъйиларимиз сенга ётишиб келмас экан, бунга ҳаққинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан, бизни ҳам ҳақсиз ташлаб кўйма,

ўёлим. Бизнинг сендан бошқа умид нишонамиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўриб ўтатурган барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган. Биз худой таолога минглаб шукур айтамизки, сен бошқаларнинг фарзандидек если-хушли бўлдинг: кишилардек сен билан ифтихор қилмасак-да, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик. Айниқса, онангнинг сенинг туфайли кечиратурган умидлари тобора ортиб боради. Бу кун онанг сенинг олдингга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам орага тушиб сендан сўраймиз: сен ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг сенга муборак бўлсин. Эслилик даъвосида юрган ота-онанг тилаги, албатта, шундан бошқа бўлмас. Шу билан бирга, сенинг сабаби вужудинг бўлган бир киши ўз ҳаёти ичида боласи орқали бир орзу-ҳавас кўрмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда...» (138—139-бетлар).

Ҳожи гапларида мантик, асос шу қадар кучлики, Отабек унга нима деб жавоб қайтаришга қийналиб қолади. Ёзувчи Отабекнинг ўша пайтдаги ҳолатига изоҳ бериб: «Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг рукни ва асосини бир даража айтиб ўтган, Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўғли бўлиб эшитган эди. Тўғриси ҳам у дадаси томонидан сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлган кучга молик эмас, бас кучсизликнинг натижаси эса сукут эди», — деб ёзади (139-бет).

Шу хил ҳолатларни назарда тутиб, айрим танқидчилар Отабекни (қолаверса, Юсуфбек ҳожини) пассивликда айблайдилар, у муҳитга сезиларли таъсири кўрсатувчи «қаҳрамон» эмаслигини афсусланиб таъкилайдилар, буни асарнинг жиддий камчилиги санайдилар. «Характернинг муҳитга кўрсатадиган актив акс таъсири етарлича бадиий тадқик этилмайди, — деб ёзади Ҳомил Ёқубов «Йирик санъаткорнинг тўнгич романи» мақоласида. — Отабекнинг муҳитга, «оқим»га қарши бориши мавруди билан, ҳатто ҳаёти қил устида турган кезларда ҳам ҳақ гапларни айтавериш билан чекланади ёки ташаббуснинг жиловини яқин кишилари (хизматкори Ҳасанали, отаси Юсуфбек ҳожи, онаси Ўзбек ойим)га топширишга кўнадики, бу персонажлар билан алоқадор сюжет ривожи ҳам охир пировардида, социал муҳитнинг маълум томонлари мазмунини ифодалайдилар. Адолатсиз муҳитнинг зарбали турткilarини ея бериб эсанкираган, ўжар, қаҳри қаттиқ воқеликнинг шиддатли қуюнига дучор бўлган Отабекнинг шахсий баҳти узил-кесил чилпарчин бўлади, умидсизликка тушади...». «Ўткан кунлар», 1974, 393—394-бетлар).

Тасаввур қилинг, агар ёзувчи Отабекни «шу муҳитнинг бир ўғли» сифатида отаси айтган қонунларга «қарши чиқиш учун лозим бўлган кучга» эга бўлмаган шахс сифатида эмас, бошқача — муҳитга кескин

қарши чиқадиган социалистик реализмнинг одатдаги фаол қаҳрамонига айлантирганида, танқидчи талаб қилганидай «характернинг муҳитга кўрсатадиган фаол акс таъсири етарлича бадиий тадқиқ этганида нима бўларди? Яхшиямки, буюк адиб бунақа сохта йўлдан бормаган, акс ҳолда «Ўткан кунлар»дек нодир реалистик асардан жудо бўлардик. «Ўткан кунлар»нинг энг катта ютуғи, Отабек, Ҳожи каби ижобий қаҳрамонларнинг муҳим фазилати уларнинг «шу муҳитнинг бир ўғли» сифатида берилганлигидадир. Уларнинг кучлилиги, улуғлиги, баҳти ҳам, ожизлиги, баҳтсизлиги ва фожиаси ҳам ҳаёт ҳамда қалби драмалари манбаи ҳам «шу муҳитнинг бир ўғли» сифатида кўрсатилганлигига.

Яна бояги лавҳага, ўша тобдаги Отабек руҳиятига қайтайлик. Ота сўзларидан кейин Отабек сукутда. Аммо унинг қалби зиддиятли туйгулар оғушида. Отабек, бир томондан, шундай орзу-ҳавас учун бола ўстирган ота-она кўнглини олмоқчи, отаси айтган хижолат чектирумайдиган ўғиллардан бўлмоқчи; иккинчи томондан, унинг кўз олдида Кумуш, у гўёки вафосиз, вадасиз деб қичқираётгандай бўлади. Бунинг устига Отабек бу ишни бўлғуси келинга — «бир бечорага кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат» деб билади ва бу нарса ҳам уни эзади. Ўша тобда Отабек бу ҳақиқатни ота-онасига айтишни қалб бурчи деб санайди: «Ўғлингизнинг вужуди билан орзунгизни қондириш осон бўлса ҳам, келинингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз!» дейди у қатъий қилиб.

Ўша тобда Отабек бундан ортиқ «жасорат» кўрсатиши мумкин эмас. Бу жасоратнинг акс таъсири ифодаси ҳам фавқулодда ҳайратомуз, ҳам ўта ҳаётий-табиий. Шу гапларни эшитганда Юсуфбек ҳожи ялт этиб хотинига қарайди, ўғлининг сўзи тўғрилигини, қалтис иш юз бераётганлигини вужуди билан англайди; аммо бир мулоҳаза юзасидан «истиқболнинг қоронгу ишларини» ҳозир мулоҳаза қилиб кўришдан ўзини тияди. У ўғлига қаратадейди: «Жуда тўғри айтасан, ўғлим, бироқ онангнинг бир мулоҳазасизлигига бошдаёқ мен лабимни тишлаб қолган эдим. Ҳозирда ҳам шу ҳолда қолмоққа мажбурман... Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас, онанг бирорни ишонтириб қўйган; бизнинг оиласдан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайдир» (140-бет).

Эҳтимол, Ҳожи айрим танқидчилар орзу қилган муҳитга фаол таъсир кўрсатадиган қаҳрамонлардан бўлганида андишанинг бандаси бўлиб ўтирас, масалани шартта ҳал этиб, Отабекни мушқулотдан халос қилиб юборган бўлармиди?! Бу одамнинг — бу образнинг бутун жозибаси уни «шу муҳитнинг бир ўғли» — одами эканида; бу андишали одам ўша тобда бошқача иш тутишини тасаввур этиш қийин. Ҳожи бояги гапларни юксак масъулият ва ички бир дард билан айтаётганлигини билиб турамиз.

Ўзбек ойим ҳам шу муҳитнинг одами, аммо у тамомила бошқача, чала думбул табиатли шахс. Ўша тифиз, драматик дақиқаларда у Отабекнинг дарду дунёсини ҳам, Ҳожи қалбидан кечётган андиша, қийиноқлари, бўлгуси хатарли ишлардан хавотирни ҳам мутлақо тушунишга, ҳис этишга қодир эмас. У нима бўлса ҳам ўз орзуси рўёбга чиқаётганидан, ўғли Тошкентдан уйланишга рози бўлаётганидан хурсанд. Отабек юрак ютиб, алам билан ўзини бўлажак келин қаршисида «жонсиз ҳайкал» эканини айтганида бу думбул табиат она «Майли, болам, бу ёқни ҳозир сен уйламай қўй!» дейди. Умуман, бу аёл «ўз хоҳишига тескари келган ҳақиқатни кўрмайдирган қизиқ бир табиатга молик» шахс. Ўз ҳақиқатига тескари келган ҳақиқатни кўра олмаслик, ўзгалар, хусусан, яқин одамлар қалвидаги дарду аламларни хоҳиш-истакларни, драмаларни, рўй берадиган, рўй бериши эҳтимоли бўлган кўнгилсиз воқеаларни, фожиаларни сезмаслик, ҳис этмаслик ҳам катта фожиа. Отабек, Ҳожилардан фарқли ўлароқ, Ўзбек ойим фожиаси — унинг чала думбул, ўжар, басир табиатидан келиб чиқадиган фожиа.

Қизиги шундаки, мана шундай ўжар, басир, чала думбул табиатли аёлни — мулоҳазасиз хатти-ҳаракатлари билан Ҳожини ноқулай аҳволга солиб қўйган, ўғлининг баҳтига зомин бўлган, келини Кумуш, бу ёқда Зайнаб турмушининг хазон бўлишига йўл очган Ўзбек ойимни ёзувчи асло «қаҳр-фазаб» билан фош этиш, қоралаш йўлини тутмайди, аксинча, юқорида айтилганидек, уни тушуниб қалам тебратади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи ёқдан, нима бўлганда ҳам Ўзбек ойим — барибир, она; табиатидаги барча зиддиятларига, ожиз томонларига қарамай, у ўзбекнинг мағрур, танти онаси! Ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишали адид уни қоралашга тили бормайди. Айни пайтда ростгўй, реалист ёзувчи унинг ножёя қиликлари, хатти-ҳаракатлари, гуноҳларидан бутунлай кўз юмолмайди; у ҳақда индамай ўтолмайди. Бу масалада ёзувчига ҳалқона ҳаётбахш юмор ниҳоятда қўл келади. Бу образ тасвири бошдан-оёқ ажаб сержило — ҳам киноя-кесатиқларга, ҳам ардоққа, меҳрга тўла юмор билан йўғрилган. Шу сержило комик тасвир орқали Ўзбек ойимнинг фазилатларини ҳам, ожиз томонларини ҳам, фожиасини ҳам — барча-барчасини кўриб, ҳис этиб турамиз.

Шуниси муҳимки, Ўзбек ойим қотиб қолган характер эмас; воқеалар жараёнида, муҳит таъсирида мана шу ўжар аёл онгиди, характерида ҳам муайян ўзгариш содир бўлади. Кўп тафтишлардан, сўраб-суришишлардан кейин Отабекнинг Кумушга бўлган севгиси, Кумуш ҳақидаги бор ҳақиқатлардан огоҳ бўлгач, бошда унда ўзгариш юз бермагандек туюлса ҳам, лекин руҳан анча бўшашиб қолади. Марғилонлик келин ота-оналари билан ўз хонадонига келаётгани дарагини эшитгач, аввалги гина-кудурат-

ларни унугиб, қудаларни муносиб кутиб олиш тараддудига тушади, ўз уйини, хонадонидаги энг кўркам хонани бир вақтлар орқаворатдан «анди» деб ҳақоратлаб юрган марғилонлик келинига раво кўради. Марғилонлик келинига илк бор дуч келганида унинг қаддистига маҳлиё бўлиб, меҳри жўшиб, уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олади, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилади, Кумушга тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлайди... Мана шу «ноаниқ» йиғида ўта аниқлик мавжуд, шу хатти-ҳаракатда Ўзбек ойим фожиаси, ўзи қилиб қўйган гуноҳини савқи табиий тарзда ҳис этиши, тушуниши ярқ этиб қўзга ташланади. Ўзбек ойим энди беихтиёр Зайнаб қолиб Кумуш томонга ўтади. Кумуш ўлимидан кейин Отабекни тушуниб, унинг хоҳиш-иродасига мутлақо қаршилик кўрсатмайди... Булар мумкин қадар Ўзбек ойимнинг гуноҳини енгиллаштиради.

70—80-йиллар давомида ўзбек шоирлари Зайнабга бағишлиб кўплаб шеърлар битдилар. Уларнинг деярли барчасида бу «қотил» аёлни тушуниб қалам сурилган, бу баҳти қора аёлга ҳамдардлик изҳор этилган. Зайнаб образи талқинида ёзувчининг чиндан ҳам инсон руҳи муҳандиси, инсон қалбини, дардини тушуниш, ҳис этиш бобида тенгсиз санъаткор эканига яна бир карра тан берамиз.

Дарҳақиқат, Зайнаб ҳам ёзувчи, ҳам китобхон учун энг суюкли шахс — Кумушнинг қотили. Ўзбек ойим-ку, билиб-билмай, оқибатини ўйламай гуноҳ иш қилиб қўйган. Зайнаб эса билиб туриб Кумушга заҳар беради. Гуноҳкор одам ҳақида, қотил ҳақида тушуниб, ҳамдардлик билан қалам тебратиш ўзбек адабиётида биринчи ҳодиса. Фарб реалистик адабиётида, чунончи, Толстой, Достоевскийлар ижодида бу анъана бор эди. Ўзбек адабиётида Қодирий миллий заминда туриб, бу борада биринчи қадамни қўйди. Ёзувчи Отабек билан Зайнабнинг никоҳдан кейинги муносабатлари тасвириданоқ ихтиёrsиз никоҳ, жавобсиз муҳаббат қурбони бўлган бу аёлга нисбатан ачиниш уйғотади. Зайнаб келинлик удумига кўра, одоб билан ўрнидан туриб, Отабекка чой узатганида куёвидан илтифот ўрнига дакки эшитиши келинчак учун нақадар ҳақорат эканини биламиз. Бунинг устига куёвнинг ёш келин ёнига ойлаб ўйламай, ўзини олиб қочиб юриши аёл учун хўрлик эканини билиб Зайнаб ҳолига ачинамиз. Айни пайтда Отабекнинг ҳолини ҳам англаб турдимиз. Бошида Зайнаб буларни ўзига қаттиқ олмайди. Муштипар, муте аёл бундай хўрликларга чидайди. Аммо хўрликлардан бора-бора унинг ҳам кўзи очила боради. Кечикиб бўлса-да, совуқ муносабатларнинг туб сабабига тушуниб, аламидан иложсиз ўртанади. Отабекка «Сиз уйланишдаёқ уни севиб олгансиз, мени бўлса, мен ота-онангизнинг орзуларича!» деб кўзига жиқ ёш олади. Бу гаплар, бу кўз ёшлар фақат китобхонни эмас, Зайнабга нисбатан «жонсиз ҳайкал» Отабек кўнглини ҳам туғёнга солади. Ёзувчи Отабекнинг шу тобдаги ҳолати ҳақида тўхталиб, «Отабек оғир ҳолга

тушли, бу тўғри сўз уни тамом эсанкиратди ва бу ҳақиқатга қарши бориш, яъни — ёлғонлаш яна оғир эди» дейди (313-бет).

Энди Отабек билан Зайнаб ошкора гапга кўчадилар. Зайнаб ўзига нисбатан совуқ муносабатлардан шикоятлар қиласди, Отабек ўзини оқлашга тиришиб баҳоналар ахтаради, мизожи заиф эканини писандада қиласди, Зайнаб бу омонат баҳонага ишонгиси йўқ. Энди у дилда бор ҳасратини, дардини тўқиб солади. Ўша топда изҳор этилган қалб сўзларида, хатти-ҳаракатларда бу аёлнинг бутун бир асарга арзигулик ҳасрат, армон, фифонлари, фожиаси ўз ифодасини топган. Мана ўша лавҳа, ўша кўнгил фифонлари:

«Зайнаб ишонар-ишонмас унга қаради.

— Тўғри сўзламадингиз...

— Ишонмасангиз ўзингиз билинг, лекин ҳақиқат гап шу, сиздан узоқда юришимнинг сабаби ҳам шунда.

— Ишонганимда ҳам бу ҳол ташқариди ётиб юришингиз учун катта сабаб бўйлмайдир. Чунки мен фақат шунинг учун сиздан ўпкаламайман, — деди ва кўзини тўлдириб Отабекка қаради. — Менга сизнинг мизожингиз керак эмас... Ўзингиз!.. — деди ва ийглаб ёлборган ҳолда Отабекнинг қучогига ўзини ташлади... Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди. Бечора Зайнаб — жонсиз ҳайкални ўпиб қучоқлар ва ёлборар эди» (314-бет).

Жавобсиз севги аламида қовурилган, аёллик шаъни таҳқирланган қалбнинг бундай фарёдини эшишиб, бу шўрлик келиннинг кўзини тўлдириб Отабекка қараб туришини, ийглаб-ёлвориб севмаган одам қучогига ўзини ташлашини, «жонсиз ҳайкал»ни ўпиб, қучоқлаши ва ёлборишини кузатиб туриб китобхон ўзини кўярга жой тополмай қолади. Реалист ёзувчининг санъаткорлиги, инсон руҳиятининг муҳандиси экани мана шундай тифиз, иложсиз вазиятлар, руҳий ҳолатларнинг шу тарздаги бекиёс тиник, таъсиричан ифодасида, айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Реалист ёзувчи инсонни тушунишга ҳаракат қиласди, инсон шахси, табиатидаги ўзига хослик, тумга табиий ботиний хусусиятларни таъкидлаш баробариди, ундаги ижобий ёки салбий хусусиятларнинг юзага чиқишида, ҳаракатга келишида ташқи омилларнинг — муҳит, шароитнинг таъсирини ҳам кенг тадқиқ ва таҳлил қиласди. Боя кўриб ўтганимиздек, ташқи муҳит таъсирида Ўзбек ойимдек ўжар аёл ҳам ўзгаради; кундошлик муҳитида бўш-баёв, муте Зайнаб секин-аста «ҳаққини таниб» қасоскорга айланада боради, Кумушдек беозор, фаришта аёлда ҳам «бир қизғончиқлик» ҳисси уйгонади, Зайнабга рашқ қиласди, Отабекка терс гаплар айтади; қатъиятли Отабек эса ҳам Кумуш, ҳам Зайнаб кўнглини оламан деб кўнгил раъйига зид иш тутади, муросасозлик йўлига тушади... Романда галати бир диалектик жараённи кузатамиз; нобоп вазият

нокомил одамларнинг номақбул хатти-ҳаракатлари туфайли вужудга келади, нобоп вазият ёмон одамларни қутуртиради, умуман, яхши, беозор одамлар танидаги мудраб ётган шайтонни уйғотади. Шайтоний майллар эса гоҳо қутуриб, уни гуноҳ ишларга ундаиди. Зайнаб мисолида биз бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Бўш-баёв Зайнаб жавобсиз севги аламлари гирдобида кундошлик балоси муҳитида Кумушга нисбатан ёвга айланади борган бўлса ҳам, у ҳали қотиллик қилиш даражасига етмаган эди. Эҳтимол, эгачиси Хушрой унинг кўзини очмаганида, ўзига ўзлигини англатмаганида бир умр ғиди-бидилар ичидаги Кумуш билан муроса қилиб ўтаверган бўлармиди. Демак, Зайнаб кўнглига гулгула солган Хушрой ҳам муайян даражада Кумуш ҳалокатига сабабчи. Бироқ, ёзувчи бу аёлни ҳеч қаерда ошкора қораламайди, аксинча, холис туриб, унинг синглиси Зайнабдан кескин фарқ қиласидиган сажия-характерини таърифлайди, ички ва ташқи қиёфасини чизади, энг муҳими, унинг ўзига хос ҳаёт, яшаш фалсафасини очади.

Биз ўзбек аёллари ўтмишда ёппасига забун, ожиза-нотавон, итоаткор-муте, ҳақсиз-хуқуқсиз, «ичкари»нинг қули бўлган деб одатланганмиз. Қодирий «Ўткан кунлар»ида, шунингдек, бошқа асарларида ўтмишдаги айни шундай аёллар образини яратиш билан бирга, шу қарашга зид, тамомила бошқа типдаги аёллар – ўзлигини, ўз ҳақ-хуқуқини таниган, ўзлигини тўла намоён эта оладиган аёлларимиз образини ҳам берган. Йўқ, улар эртак ва достонлардаги эрлар билан баробар турадиган шижоатли, курашчи афсонавий романтик қаҳрамонлар эмас, реал миллий муҳит, шароит доирасида ўзлигини намоён қила оладиган ўта табиий, жонли реалистик образлардир. Романдаги эрига ўтқир, мағрур Ўзбек ойим каби шаддод Хушрой образи ҳам адабиётимизда ноёб ҳодиса. Хушрой ҳам ўзининг реалистик кучи жиҳатидан Ўзбек ойим образидан асло қолишмайди.

Худди Ўзбек ойим образи талқинида бўлгани каби ёзувчи дастлаб Хушройнинг фавқулодда сажия-характери, тугма ботиний хусусиятларини батафсил таъриф-тавсиф этади. Хушрой болалигиданоқ шаддод, айтганини қилдирадиган бўлиб ўсан. Ота-онаси ҳам, тантни акаси ҳам унинг раъйини олмай бирор иш қилолмайдилар. Унинг эрга тегиши ҳам ўзига ўхшаш фавқулодда бўлган; бошда келган совчиларни қувиб ҳайдайди, сўнг ота-она раъига қараб эмас, ўз хоҳиши бўйича бўлгуси куёв билан олдиндан тил бириктириб эрга чиқади. У ҳам синглиси Зайнаб каби билиб туриб хотин устига эрга теккан. Аммо у Зайнаб каби «писмиқ» эмас, у чодирдан чиқмасданоқ кундошига кесатиқ билан ҳужум бошлайди, сўнг устига сапчийди, кундошининг сочини юлиб, бўғиб уриш одатини чиқаради. Ниҳоят, кундоши бу таҳқику таъқибларга чидолмай эридан талоқ сўрайди, эри Нусратбек ноилож унга жавобини беришга мажбур бўлади.

Хушрўй дағдағаси туфайли жабрдийда хотин икки боласини ҳам ўзи билан олиб кетади. Шу тариқа Хушрўй уч ой ичида томир ёйиб қолган бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчиди.

Хушрўйга дуч келган эрнинг ахволи маълум: Нусратбек кўчага чиққанида беклик даъвосини қилиб, уйга кирганида Хушрўйбекага муте. Хушрўй оиласда ҳамма нарсага эришса-да, бир қалтис масалада тили қисиқ — турмуш курганига етти-саккиз йил бўлса ҳам фарзанд кўргани йўқ. Аммо бу масалада ҳам у мушкулотнинг чорасини топиб қўйган. Нусратбек бир гал секингина кесатиқ аралаш шу ҳақда сўз очганида Хушрўй қатъий қилиб: «Боласиз киши дунёда туролмайдиган бўлса, бир оз заҳарни бошлаб сизга бераман, ундан кейин ўзим ейман!» — дейди. Шунда Нусратбекнинг дами ичига тушиб кетади ва бу ҳақда иккинчи гапирмайдиган бўлади.

Хуллас, Хушрўй ҳар жиҳатдан фаол, ўзлигини таниган, ўз ҳақ-хуқуқи, шаъни, баҳти учун кураша оладиган, муҳитга фаол таъсир кўрсата биладиган курашчи қаҳрамон. Шунга қарамай, негадир, бир вақтлар Қодирий ижодидан, «Ўткан кунлар»дан социалистик реализм белгиларини қидирган адабиётшуносларнинг бирортаси ҳам (жумладан, мен ҳам) бу «характерли факт»дан фойдаланмаганлар. Бунинг сабаби шундаки, гарчи Хушрўй фаолликда сиртдан қараганды социалистик реализм талабларига жавоб берса ҳам, у моҳият эътибори билан, барибир, бу метод қолипига сифмайди, у гўё ўша кезлари социалистик реализм адабиётида яратилган ва яратилажак фаол қаҳрамонларга пародия каби туюлади; Хушрўйнинг фаоллигини муаллиф ҳар доим ҳам хушламагани, бундай фаоллик, шаддодлик замирида қандайдир истеҳзо, пичинг ётганлигини пайқаш унчалик қийин эмас. Айниқса, Хушрўйнинг синглиси Зайнаб билан суҳбатида Хушрўй фалсафаси талқинида бу нарса ёрқин аён бўлади.

Хушрўй — Зайнаб суҳбати фақат икки хил табиатли опасингилларнинг дил розлари бўлиб қолмай, бу — ҳаёт, оиласвий турмуш, аёлнинг ҳаётдаги мавқеи ҳақидаги икки хил қараш, икки хил фалсафанинг бадиий талқинидир. Бугина эмас, ёзувчи икки кутбнинг мусоҳабаси орқали икки хил қараш, фалсафанинг ички драмасини, зиддиятларини очади, муштипар Зайнаб кўзи билан шаддод Хушрўйнинг ўзи ҳазм қилолмайдиган фалсафасига баҳо беради, шаддод Хушрўй нигоҳи орқали эса «писмиқ» Зайнабнинг мутелик қарашлари таҳлил этилади. Одатдагидек, эгачи-сингил орасидаги баҳс жуда табиий бошланади. Нусратбекнинг бурнидан ип ўтказиб олган Хушрўй арзимас баҳона билан эридан енгилгина шикоят қиласди. Тўлиб турган Зайнаб «поччамдан нолишингиз яҳши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг кунимни солса, нима қилас эдингиз!» деб ҳасратини бошлайди. Гап-гапга уланади. «Мен ҳам Зайнаб бўлсанам, албатта солар эди... Менга қолса ҳар ким ўз нафсига

яхшилилек ёки ёмонликни ўзи ҳозирлайдир!..» Шу тариқа Хушрўй ҳодисага фалсафий тус беради.

Таомилларга зид исёнкорона бу гаплардан Зайнаб чўчиб кетади, «Тавба, денг, опа!» дея илтижо қиласди. Хушрўй эса яна ҳам кескинроқ оҳангда дейди: «Мен шу чоққача бандасига бош эгишни ва бандаси олдида тавба қилишни ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...». Зайнаб фожиасининг туб сабабини у шундай тушунади: «Сенинг тинчлигингни ҳеч ким куритган эмас, Зайнаб! Ҳамма жабрни ўзинг ўзингга қиляпсан!» Соддадил Зайнабнинг «дунёда ким ўзига жабрни хоҳлайдир?» деган саволига Хушрўй лўнда қилиб: «Сен ва сенга ўҳшаганлар!» дея жавоб қиласди. Сўнг Хушрўй Зайнаб қисмати шарҳига ўтади. Хушрўй ўз шарҳлари билан соддадил Зайнаб ҳаёти, бор бисотини бамисоли тиниқ ойнага солиб ўзига кўрсатади. Мана ўша шарҳ:

«...Сенинг эр қилишда тариқча ихтиёринг ва ризолигинг йўқ эди. Эҳтимолки, ихтиёр нима, орзу нима ўзинг ҳам пайқамас эдинг. Балки ихтиёр ва орзуларинг ҳам бўлгандир, бироқ уни ҳеч ким майдонда кўрмас эди. Шунинг учун тизгининг ойинг билан дадангнинг кўлида, бошқача айтганда, уларнинг туяга ортган юки, кимга сотса, қаерга жўнатса ихтиёrsиз эдинг... Ёингда борми, никоҳ куним мен кулиб, чақчақлаб аравага миндим, сен бўлсанг уйдан йиғлаб чиқдинг ва эрингникуга йиғлаб бординг... Яхши, эринг сенга ёқди, аммо эринг фақат сенга ёқкан билан иш битмаслигини яна хотирингга келтирмадинг. Эринг сени ташлаб кўйди, сен чурқ этмадинг, истиқболинг тўғрисида ўйламадинг... Фақат ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафга ташлай бошладинг... Лекин энди бир минг тоблансанг ҳам натижа ўзингнинг феълингча битта: сенинг учун ҳар кун бир ўлим» (367—368-бетлар).

Рад этиш мумкин бўлмаган бу ҳақиқатлар қаршисида Зайнаб кўз ёши тўкишдан бошқасига ярамайди. Хушрўй эса бундан ранжийди. Йиги билан иш битмаслигини, ўзи йиғлашни билмаслигини, кишилар иложсизликдан йиғлаганда кулгиси қисташини айтади. «Сенинг ўрнингда бўлсан, биласанми, нима қилар эдим, Зайнаб... дунёсини ост-уст қилар эдим, бир томчи ёшимни юз томчи заҳар билан кўшиб ташлар эдим!» — ана унинг иродаси, ҳаёт фалсафаси! Демак, Хушрўй ҳоҳиш-иродаси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Шу гапларни айтаётганда ёзувчи Хушрўйнинг юзида «золимона бир истеҳзо» пайдо бўлганлигини, буни Зайнаб ҳам пай-қаганлигини эслатиб ўтади.

Гап гоят нозик муаммо — яқин одамларнинг билиб-билмай яқин кишисиага жабр қилаётгани хусусига кўчганда Хушрўй фалсафасининг асл моҳияти, ички зиддияти янада равshan кўринади. «Душман ўзи нима деган сўз» — деди. — Мен сенга боя ҳам айтдим: кишининг дунёда дўсти йўқ, магар нафсига ўзи дўст; кишининг

дунёда душмани йўқ, магар нафсига ўзи душман! Масалан, сен ўзинг отангга, онангга дўстим, деб ишондинг, аммо улардан нима яхшилик кўрдинг? Букун уларнинг «сабр қил, болам» деб берган кенгашлари сенинг ярангга малҳам бўларми? Албатта бўлмас. Бошдаёқ эринг сенга қарамай қўйди, аммо сен қайнин онангнинг ваъдасига ва тағин алланарсаларига ишондинг... Ўзинг ўла, болани она туғадир, лекин унга муҳаббатни ҳам она туғиб берадими? Албатта, бу мумкин эмас. Сен бечора шунга ҳам ишондинг. Энди гап нима? Отанг сенга сабр едирадир, қайнин онанг бўлса кундошинг дуосида... сен бўлсанг йифи кучогида...» (358—359-бетлар).

Кисқаси, бошда инсоннинг ўзлигини англашга, ўз баҳти, шаъни учун курашга чорлаш бўлиб туюлган қарааш замира бора-бора қандайдир худбинлик майли ҳам борлиги маълум бўлади. Хушрўй тажрибаси, фалсафаси, маслаҳатидан келиб чиқадиган сабоқ шуки, ҳаёт шафқатсизлигига фақат шафқатсиз бўлган одамгина бу дунёда яшай олади; инсонга ҳеч ким, ҳатто яқин кишилари, ота-оналари ҳам дўст эмас, шундай экан инсон фақат ўзини, ўз тирикчилиги, ўз баҳтини ўлаши даркор. Хушрўй ўз шахсий баҳти йўлида дунёни ост-уст қилишга ҳам тайёр; ахир у ўзгалар баҳти ҳисобига баҳтга эришади, томир ёйган бир оиласи илдизи билан юлқиб ташлаб, унинг вайронаси устида макон қуради, муштипар кундошнинг кўз ёшлари, норасида гўдакларнинг чирқиллаши уни мутлақо қийнамайди. Шу хил вайрона устида тикланган оиласи ҳақиқий оила, шафқатсизликлар эвазига топилган баҳтни чинакам баҳт деб бўладими?

Биз Зайнабга ҳам, Кумушга ҳам, Отабекка ҳам осон тутолмаймиз, ота-она орзу-ҳаваси туфайли уларнинг ҳаёти чигаллашиб, баҳти ҳазон бўлайтганини кўриб, ҳис этиб турдимиз, бунинг учун беҳад ачинамиз, ўқинамиз. Айни пайтда Хушрўйнинг исёнкорона хатти-ҳаракатлари, фалсафасини ҳам тўла оқлай олмаймиз. Бу йўл билан ҳам инсон боласи тўла баҳтга эриша олмаслигига амин бўламиз.

Такрор айтаман: Қодирий реализмининг кучи, аввало, ана шунда, ҳаётни, одамлар турмуши, тақдири, табиати, улар амал қиладиган ақида-фалсафани бор ҳолича бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан холисона кўрсата олганида. Табиийки, бундай ноёб асарда тасвир ва талқинлар сержило бўлади. Даврлар ўтган сари асаддаги маъно қатламлари очила боради, ҳар бир киши ундан янгидан-янги маънолар топаверади.

## «ОРТТИРМАЙ ВА КАМИТМАЙ...»

(«Мехробдан чаён» романининг тасвир принциплари ҳақида)

Узоқ давр Абдулла Қодирий ижоди устидаги баҳс-мунозаралар, асосан, «Ўткан кунлар» теварагида борди. Сўнгги йилларга келиб алибининг иккинчи буюк романи «Мехробдан чаён» хусусида ҳам хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдирила бошланди. А. Расуловнинг «Шарқ юлдузи»да (1989, 7-сон) босилган «Романинг машақатли йўли», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да бирин-кетин чиқсан И.Faфуровнинг «Раъно ва Хайём» (1989 йил 13 октябр), А. Раҳимовнинг «Солиҳ маҳдум нима гуноҳ?» (1990 йил 3 август), М. Қаршибоевнинг «Солиҳ маҳдум фариштами?» (1990 йил 2 ноябрь), Ю. Шоназаровнинг «Яна Солиҳ маҳдум ҳақида» (1991 йил 25 январь), ниҳоят, сал олдинроқ ёзувчи X. Султоновнинг «Шоирона, дарвешона бир маъно» (1990 йил 1 июнь) мақолалари «Мехробдан чаён» ҳақидаги кўп йиллардан бўён шаклланган, «хрестоматия» тусиға кирган қарашларни бир қадар ўзгартириди, бундай чиқишларда романга, романдаги образлар, бадиий талқинларга янги томондан ёндашишга уринишлар бўлди.

Биламизки, Ойбек 1936 йили ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида илк бор «Мехробдан чаён» ёзувчи дунёқараши ва тарихни тасвирлаши жиҳатидан бир босқич баландга кўтарилиганини кўрсатади», деб ёзган эди (Асарлар. 10 томлик, 9-том, 284-бет). И. Султонов «Абдулла Қодирий» асарида (1962 йил) бу фикрни давом эттириб, «Мехробдан чаён» романи «Абдулла Қодирий дунёқараши ва ижодида сезиларли эволюция майдонга келганилиги»нинг самараси эканини таъкидлайди ва бу фикрни кенг шарҳлайди. «Абдулла Қодирий ўз олдига «икки синф курашини тасвир қилиш» вазифасини қўйиш билан тарихга марксча-ленинча қарашга интилганини кўрсатади, — деб ёзади олим. — Бу эса «Ўткан кунлар» ёзилган даврга нисбатан ёзувчи дунёқарашида ижобий эволюция юз берганидан биринчи далолатdir». Олимнинг фикрича, романнависнинг гоявий етуклиги ва тарихни чукурроқ тушуна бошлаганини бу асарнинг «бош қаҳрамонини танлашида» ҳам кўриш мумкин: бу гал романнавис асарга бош қаҳрамон қилиб халқ ичидан чиқсан камбағал боласи, етим Анварни олади. Тадқиқот муаллифи «Мехробдан чаён»ни ҳар жиҳатдан «Ўткан кунлар»дан устун қўйишга тиришади: «Анвар Отабекдаги синфий чекланганлик иллатидан холи»; «бош қаҳрамонни тўғри танлаш билан автор XIX асрдаги синфий курашининг ўткирлигини, ўша замоннинг илфор гояларини ва бу гояларни ташувчи прогрессив кишиларни «Ўткан кунлар»дагига нисбатан тўғрироқ, тўлароқ ва эркинроқ тасвирлаб беришга» мұяссар бўлган: «Феодализмни фош этиш «Мехробдан

чаён»да «Ўткан кунлар»га нисбатан изчилроқ, чукурроқ, ҳақ-қонийроқ; «Ўткан кунлар»да Худоёрхонни ҳукмрон сифатида қоралаш йўқ», «Мехробдан чаён»да эса Худоёрхон «феодал иерархиянинг чўққисида турган ва бутун адолатсиз тузумни ўзида мужассамлантирган тарихий шахс» сифатида тасвир этилади; Қодирий «Ўткан кунлар»да жамият ҳаётида руҳонийлар ўйнаган ролга тўхтамай ўтган; «Мехробдан чаён»да эса феодал тузумнинг идеологлари ва тиргаклари бўлган руҳонийлар шафқатсиз фош этилади; романнинг «Мехробдан чаён» деб аталишида ҳам бу асарнинг асосий фоявий вазифаларидан бири — мусулмон руҳонийларининг реакцион ролини фош этиш экани кўриниб туради — олим даъво қилган «Мехробдан чаён»нинг «Ўткан кунлар»дан устунлигини тасдиқлайдиган омиллар ана шулар. (И. Султон. Асарлар, 4 томлик, 2-том, 377—386-бетлар.)

Сир эмас, «Мехробдан чаён» романида «Ўткан кунлар»га нисбатан тасвир принциплари жиҳатидан бир талай ўзгаришлар бор, бироқ бу ўзгаришларнинг барчаси ижобий характерга эгами? «Мехробдан чаён»да ёзувчи дунёқараши ва тарихни тасвирилаш жиҳатидан ҳақиқатан ҳам бир босқич «баландга кўтарилган»ми? Адидаги масалаларга марксча-ленинча ёндашишга интилиш унинг дунёқарашидаги «ижобий эволюция»ми? Бир вақтлар қувонч билан қайд этилган бундай «ижобий ўзгаришлар»нинг кўпли эндиликда бошқача талқин этилмоқда, булар буюк санъаткор шахси ва қарашига 20-йиллар иккинчи ярмидаги муҳит, шароит — тоталитар система мафкураси, адабиёт соҳасида юргизилаётган бир ёқлама сиёсатнинг салбий таъсири — оқибати сифатида баҳоланмоқда. Ёзувчи галдаги романида «Ўткан кунлар»даги реалистик принциплардан муайян даражада чекинганлиги, холис, объектив тасвир ўрнига гоҳо тарафкашлик йўлини тутганлиги, «Ўткан кунлар» романида Қодирий бадиий эстетик концепциясида эркинлик устун бўлганлиги, «Мехробдан чаён»да эса шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги талабларига маълум даражада мослашиш, тасвирида қисилган ҳолатлар учраши очиқ айтиляпти. Шунингдек, «Яна Солиҳ маҳдум ҳақида?», «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?» мақолалари муаллифлари «Мехробдан чаён»даги айрим ҳолатларни, чунончи, адабнинг роман сўз бошисидаги ўз фоявий позициясига оид сўзларини, айрим ҳодисалар, персонажлар талқинидаги бир ёқламалик, тарафкашлик унсурларини эҳтиёт чораси, ўзига турли хуружлар бўлиши мумкинлигининг олдини олиш деб тахмин этмоқдалар.

Бундай тахмин, мулоҳазаларда муайян асос бор. Бироқ «Мехробдан чаён»нинг янгича талқинларида, романга оид баҳс-мунозараларда қатор чалкашлик, бир ёқламаликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Ҳамкасбларимиз бир вақтлар йўл қўйилган хатоларни тузатмоқчи,

асарга соф гоявий-мафкуравий мақсадлардан келиб чиқиб ёндашиш принципларини инкор этмоқчи бўладилару, ўзлари ҳам беихтиёр, бошқачароқ кўринишда яна ўша эски андазаларга тушиб қолаётганликларини сезмайдилар. Чунончи, «Солиҳ маҳдумда нима айб?» мақоласи муаллифи «Мехробдан чаён» романидаги Солиҳ маҳдум образи талқинида шу кунги «қайта куриш», «демократия» талабларидан келиб чиқиб ҳар боб билан уни «реабилитация қилиш», «ижобий образ» тарзида кўрсатишига тиришади. «Солиҳ маҳдум фариштами?» мақоласи муаллифи эса ислом ақидалари, ахлоқи, шариат қоидаларига таяниб нуқул уни қоралаш, «салбий қаҳрамон» қилиб кўрсатиш пайида бўлади. Кўриниб турибдикি, адабий танқид ҳали ҳам соф мафкуравий тарафкашлик майлларидан бутунлай халос бўлолгани йўқ.

Гарчи «Мехробдан чаён»да давр зуғуми, таъсири муайян даражада сезилса-да, гоҳо адидба тарафкашлик майллари кўринисда, борингки, ёзувчи эҳтиёт чоралари сифатида баъзи тадбирларни кўрган, замонага мос гапларни айтган бўлса-да, аслида амалда моҳият эътибори билан реализм позициясида турган, тарихий ҳақиқатни мумкин қадар ҳаққоний ифодалашга тиришган. Эҳтиёт чораси сифатида айтилган айрим гаплар, талқинлар билан бирга адид ўзининг бош эстетик принципини қайта-қайта таъкидлайди, асар қаҳрамонларини «ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича» олишга тиришганлигини, чунончи, маҳдум образи талқинида «унинг шахсига хиёнат ва бўхтон қилишдан сақланиб, яъни орттирмай ва камитмай ўқувчига тақдим» этишга интилганлигини эслатади. «Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдик, эҳтимолки, домланинг фийбатини ҳам қилдик ва қиласмиз, — дейди адид ва ўзига таскин бериш мақсадида давом этади. — Лекин шунисидан хотиржаммизки, йўқни йўндириմдик, маҳдумнинг шаънида бор гапларнигина ёзик ва ёзармиз» («Мехробдан чаён», 1974, 15-бет).

Романга, аввало, худди ўша ёзувчи танлаган бадиий тасвир йўсими — тарихий ҳақиқатни, шахсларни «орттирмай ва камитмай», «ўз ҳолича кўрсатиш», «йўқни йўндиримай», «бор гапларнигина ёзиш» принципидан келиб чиқиб ёндашиш, адиднинг шу бадиий ақидаси асарда қанчалик намоён бўлганлигини аниқлаш, бизнингча, танқидчиликнинг асосий вазифасидир. Шунингдек, улкан адиларнинг галдаги асарини таҳлил ва тадқиқ этаётганда унга нуқул аввалги шоҳ асари мезонлари билан ёндашиш ҳам ўринли эмас, ҳаққонийлик даражаси, бадиий таъсири кучи қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир истеъоддли асар ўзича бир мустақил дунё, у ўз ички қонуниятларига, ўзининг кучли ва ожиз жиҳатларига эга. Буни асло назардан соқит этмаслик даркор. Агар биз нуқул «Ўткан қунлар» мезонларидан келиб чиқиб «Мехробдан чаён»га баҳо

берадиган бўлсак, табиийки, бу асар йўққа чиқиши, аксинча, «Мехробдан чаён»да мавжуд хусусиятларни «Ўткан кунлар»дан қидирадиган бўлсак, бу шоҳ асар чиппакка чиқиши турган гап.

Танқидчиликда таъкидланганидек, «Мехробдан чаён»да Худоёрхон «феодал иерархиянинг чўққисида турган ва бутун адолатсиз тузумни ўзида мужассамлаштирган тарихий шахс» сифатида тасвир этилган, фош қилинган экан, «Ўткан кунлар»да Худоёрхонни ҳукмрон сифатида қоралаш йўқ, деб койиниш ассосиз экани ўз-ўзидан равshan. «Ўткан кунлар»да Худоёрни ҳукмрон сифатида қоралаш йўқлиги асарнинг камчилиги эмас, бу адабнинг вазифасига кирмайди; шунингдек, «Мехробдан чаён»да Худоёрхонни кескин фош этиш, қоралаш ҳам асло бу асарнинг «Ўткан кунлар»дан устунлигини кўрсатадиган аломат эмас. «Ўткан кунлар»да биз Худоёрни эпизодик тарзда биринчи бор тахтга келган болалик пайтида учратамиз. У ҳали ҳукмдор сифатида ўзини тўла намоён этгани йўқ. «Мехробдан чаён»да эса у ўз ҳукмронлигининг чўққисида, қолаверса, асадаги тўқнашувларнинг марказида намоён бўлади. Бинобарин, бу ерда Худоёрхонни ҳукмрон сифатида тўлароқ кўрсатиши имконияти очилади. Энг муҳими, «феодал иерархиянинг чўққисида турган ва бутун адолатсиз тузумни ўзида мужассамлаштирган» тарихий шахс образида кескин қоралаш, фош этиш билан бирга уни ўз ҳолича, йўқни йўндирамай, бор гапларни ёзишга уриниш ҳам мавжуд. Адабиётшуносликда, негадир, ҳозирга қадар Худоёрхон талқинидаги мана шу жиҳатлар эътибордан четда қолиб келаёттир.

Модомики сўз Худоёрхон устида бораётган экан, гапни одатдагидек, романдаги бош қаҳрамонлар — Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдумдан эмас, Худоёрхон образи талқинидан бошлий қолайлик. Худоёрхон образи талқинига киришишдан олдин икки оғиз адабнинг инсон шахси ва жамият, шароит муносабатига оид қарашлари, эстетик принциплари ҳақида гапириб ўтсак. Ёзувчи инсонни тушунишда, аввало, унинг Аллоҳ инъом этган табиий, түфма хусусиятларига эътибор беради. Шу билан бирга кўпчилик буюк реалистлар каби жамият, муҳит, шароитнинг инсон шахсига таъсири жуда кучли эканини ҳамиша назарда тутади. Унингча, жамият бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа ёки синфига, яна тўгриси, фардига шу касал сироят қилмай қўймайди («Мехробдан чаён», 64-бет).

Асада талқин қилинишича, Худоёр ўзи ҳукмронлик қилган жамиятнинг жамики касалликлари билан оғриган маънавий хаста шахс. Аммо у нуқул касаллигу иллатлар қурамасидан иборат эмас. Ўшандай одамнинг табиатида, фаолиятида ҳам гоҳо мусбат жиҳатлар учрайди. Аммо унинг ҳар бир адолатли тадбирлари, хайрли ишлари ўзи бошқарган мудҳиш муҳит қаршилигига дуч келиб,

хайрли тадбирлар ташвишу мусибатлар ичиди кечади ёки улар тескари оқибатларга олиб келади.

Романда келтирилган Худоёр ҳақидаги илк маълумотни эсланг. Бир вақтлар Худоёр «одил подшоҳ бўлмоқ ниятида» учта мирзони — инсофли, диёнатли, адолатпарвар кишиларни маҳфий равиша вилоятларга жўнатиб, уларга: «Золим бекларим, порахўр қози ва бошқа амалдорларим бўлса, менга билиб берингиз, мен уларнинг жазоларини бераман», деб буоради. Мирзолар вилоят туманларида неча вақт маҳфий кезиб, мансабдорларни текшириб чиқадилар. Уларнинг аниқлашича, маъмурларнинг қарийб тўқсон фоизи золим ва порахўр бўлиб чиқади. Хон бу ҳолга ҳайрон бўлиб, ўрдадаги яқин одамларига бу сирни очади. Улар бояги мирзоларнинг рақиблари бўлиб, хонга ифво қиласидилар, «Мирзолар ўзларига пора берувчиларни яхши кўрсатиб, бермовчиларни ёмон кўрсатадилар. Йўқса, сизнинг овони адолатингизда шунчалик ёмонлар бўладиларми? Бу кўрнамаклар нафс сўзига кириб, жанобингизнинг аксар содиқ қулиарингизни сиздан юз ўтиришларига ва салтанатингизга раҳна солишга сабабчи бўлмасинлар» дей хон кўнглига фулгула соладилар. «Одил подшоҳ» бу ифвога лаққа учиб, мазкур уч мирзонинг қулоқ ва бурунларини кесиб, ўзларини ўрдадан ҳайдашга ва улар кўрсатган ўн фоиз яхши кишиларни ҳам ишдан олишга буоради... Адолатсиз жамиятда «адолатли сиёsat»нинг, адолат қиласман деган кишиларнинг ҳоли, қисмати — шу!

Роман муаллифи Худоёрнинг учинчи маротаба таҳтга чиқиб, саккиз йил эркин нафас олиб, Фарғона устида ўзи тилаганча қамчи ўйнатган ва зулм тифини камбағаллар қони билан сарбаст бўяган сўнгги даврини қаламга олар экан, беихтиёр у амалга оширган хайрли ишларни, тадбирларни ҳам санаб ўтади: Хон Кўқонда янги раста, карvonсарой, пахтасарой ва каппонлар курдиради; шаҳарнинг Урганч мавзеида машҳур Оқсанойни солдиради, узоқ жойдан ариқ қаздириб келиб, Оқсаной атрофини супортиради, «Боги Эрам» ясатади; онаси Ҳоким ойимнинг васиятига мувофиқ «Ҳоким ойим мадрасаси» деб аталган машҳур мадрасани, Амир Умархон тарафидан асос кўйилган янги ўрдани битиртиради; «Улуғ наҳр» ёки «Хон ариқ» деб ном олган машҳур ариқни қазитади, «Мадрасаси олий»ни, «Даҳмаи шоҳон»ни ва бошқа бир қанча бино, иншоотларни барпо қиласидиради...

Адид хон амалга оширган бу тадбирларни бирма-бир қаламга олар экан, хоннинг гарчи зулм билан бўлса ҳам солган мадрасаларига, қаздирган ариқларига таҳсин қилувчи — «золим бўлса ҳам маъмуриятпарвар экан!» дегувчи баъзи бирорвлар топилиб қолишини назарда тутиб, бир чеккаси, танқидчилар айтганларидаи, эҳтиёт чораси тарзида, иккинчи томондан, бу тадбирларнинг асл моҳиятига урғу бериш мақсадида хонни маъмуриятпарвар қилган омииллар устида тўхталиб ёзади:

«Хон икки марта таҳтдан ҳайдалиб, анчагина тажриба ортирган, учинчи марта таҳтга ўтириши маданиятлик рус истибодининг Тошкентни олиб Хўжандга қўл узатган саналарига тўғри келган эди. Бу кунги шароит тажрибалик хонни бошқача сиёsat ушлашга мажбур этар эди. Ниҳоятда қаттиқўллик бўлиш, юқори табақа ҳисобланган уламони, ашрофни ўзига қаратиш лозим ва таҳтга аждаҳо каби оғиз очиб келмоқда бўлган рус подшоҳига қарши ўз маданиятини куриб, жавоб бериши керак эди. Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб, мадрасалар бино қилмоқда, ариқлар чиқармоқда, сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди».

Менингча, шу кичик бадиий шарҳ-талқинда Худоёр шахсининг, фаолиятининг туб моҳияти жуда равшан, ҳаққоний очилган. Хон таҳтни идора қилишда катта тажриба ортирган, даврига, шароитга мос сиёsat юргизишига қодир, замонасини ҳис этишга қобил ҳукмдор. У имкон қадар эл-юрт тақдирни учун энг даҳшатли хавф — «таҳтга аждаҳо каби оғиз очиб келмоқда бўлган рус подшоҳига қарши» туради, бунинг учун ниҳоятда қаттиқўллик билан юқори табақа ҳисобланган уламони, ашрофни ўзига қаратиш сиёsatини олиб боради. Худоёрхон бош рақиби — рус империяси нисбатан тараққий этган мамлакат эканини яхши билади; хон яна шуни ҳам яхши биладики, рус подшоҳи таҳдидига куруқ дағдаға, жангарилик билангина қарши туриш мумкин эмас, бу таҳдидга фақат ўз маданиятини куриб жавоб бериши, рақибига юрт шон-шавкатини жонли кўрсатиш билангина бас келиши мумкин. Меҳнаткашни шафқатсиз ишлатиш эвазига амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан мурод шу! Ёзувчи масаланинг шу томонига алоҳида ургу беради. Аммо гуманист адаб бу мақсад йўлида хоннинг «меҳнаткашни раҳмсиз ишлатишини», шафқатсизликларини асло кечиролмайди, «бунда самимий ҳеч нарса йўқ» дейди. Айни пайтда реалист, ҳақиқатгўй адаб, барибир, Худоёр фаолиятигаadolatли баҳо беради, унинг маъмуриятпарварлигини Туркистон хонларида сийрак кўрилган ҳол, деб атайди. Буюк реалист кўп ўринда нафрат, қаҳр-ғазаб билан қаламга олган золим хоннинг бағрикенглигини, тантлигини ҳам мардона тан олади. Романдаги «Хон кўнгил очмоқчи», «Қизиқлар» деган бобларида Худоёр характерининг шу қирралари жуда ёрқин кўринали.

Ўрда боғи саҳни вазир, саркарда, қозикалон, шайхулисломлар, қози-кузот, раис ва шаҳарнинг зўр уламолари — мударрислар, аҳли тариқат эшонлари, ўрда ходимлари, кўрбоши ва даҳбошилар билан лиқ тўла. Даврага хон кириши билан дастлаб унга ҳамду сано бошланади, сўнг қизиқчилар ўз хунарларини кўрсатишга тушадилар. Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиқчиси Зокир-гов бошдаёқ кулги билан хон ва ўрда аҳлининг фақири ҳақиqlарга адolatcizligini,

зулмини кескин танқид қила бошлайди; хонни «хоним» деб шахсиятига тегадиган гап қиласы, хонга арз қилишда янглишиб, бегуноқ осилиб кетилиши мүмкінлегини эслатади. Хон ҳузурига келаётіб йўлда нимани ўйладинг, деган саволга ҳам ҳазил, ҳам чин аралаш «Хон ҳузурига бораётибман, деб ўлимни ўйладим, етим қолатурган болаларимни, мен ўлғандан сўнг эрга тегатурган янгизни ўйладим!» дея ҳаммани кулдиради. «Раиятни маътал қилмай, тезроқ арзингни айт!», деган гапга: «Сизлар ҳар кун минглаб кишини ўрда тегида маътал қўйганларингизда мен бир нафас маътал қўйсам, хи, хи, хи...» дея фош этишни давом эттиради. Ниҳоят, қизиқчи шериги дағдагаға ўтганида хонга қарата ошкора: «Бунингизнинг дағдагаси сизницидан ҳам ўтадиган кўринади!» дейди.

Қизиқлар сафи кенгаяди, қизиқчилек авжига чиқади, хонни, ўрда аёнларини шу тариқа ҳазил аралаш савалаш давом этади. Яна хон шахсиятига тегиб ўтадиган гаплар айтилади, уни «лақма»га чиқарилади, хонга салом бериш маросими масхарабозликка айланади, даврада ўтирган аёнларнинг ҳаммаси «одамхўр» деб аталади, қизиқчилардан бири «У ёгини сўрасанг, хонингга ҳам ишонмай қолдим!» дея кесатади. Сўнг шайхулислом Валихон тўрага муқаллид саҳнаси бошланади. Қизиқлардан бири Валихон тўра қиёфасида ундаги мунофиқлик, маҳаллийчилек иллатини боплаб танқид қиласы. Олтиариқлик талаба қиёфасидаги қизиқчи подшоҳ янги бино қилдирган мадрасадан ҳужра сўрагандан жой йўқ дейди. «Муллаларнинг орасига қўйсангиз ҳам бўлавуради менга... Биз қишлоқ одами, сиқилишсак ҳам ётавурамиз, тақсир!» дея тавозеъланганида, «Акун ҳужраларимиз муллабаччаларминан беҳад тўлган, ҳолонки бир тариқ ҳам сифмайди, биз дуруғ сўзламаймиз...» деб туриб олади. Оз фурсат ўтиб чустлик ҳамшаҳари ҳужра сўраб келганида, бу одам авлодини сурishiриб, бадавлат танишининг фарзанди эканини билгач, «ба ҳамин одам як ҳужра додангир!» дея хизматчисига буюради...

Мана шундай қалтис ҳазиллар пайти хон ҳам ўрда аёнларига қўшилиб қаҳ-қаҳ отиб қулади, ўзига, у бош бўлган ўрда аҳли шаънига айтилган истеҳзо, кескин танқид, танбеҳ, истеҳзоларни сирами кўнглига қаттиқ олмайди... Беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Золим Худоёрхон замонида хон ва унинг аёнларини шу тариқа кескин танқид қилиш, масхаралаш, кўпчилик олдида дангал фош этиш, хато ва камчиликларини юзига солиш мумкин экан, «адолатли», «эркин» шўро замонида-чи?! Қодирийдек санъаткорнинг 1926 йили «Муштум»да босилган «Йигинди гаплар» ҳажвиясида ўша кезлардаги жумхурият масъул раҳбарлари ҳақида персонажлар тилидан айтилган беозоргина танқид, ҳазил-мутойиба учун қанақа машмашалар, шов-шувлар, кўнгилсиз воқеалар юз берганини эсланг: Қодирийдек буюк сиймо масъул раҳбарларнинг

обрўсини тўкканликда айбланиб ҳибсга олинди, шармандаларча тергов ўтказилиб, суд қилиниб, адаб шаъни, оддий инсоний ҳуқуқлари паймол этилди. Эҳтимол, қизиқчилар саҳнасини қаламга олганида муаллиф яқингинада ўз бошидан кечган ўша мудҳиш воқеаларни эслагандир, ўша золим хон дид-фаросатда, адолатда, бағри кенгликда, ҳазил кўтаришда «адолатли» шўро тузуми арбобларидан кўра устунроқ, инсофлироқ эканини писанда, ибрат қилиб кўрсатгандир.

Худоёрхон фақат танқидга чидаш, ҳазил кўтариш бобида эмас, одамларга, истеъодли шахсларга баҳо беришда ҳам гоҳо одиллик қиласди. Ўрдадаги мирзолар орасида Анварни ўзгача истеъодли йигит эканини пайқаб етади. Маълумки, Анвар девонда расмий миরзо бўлишининг учинчи йилида катта эътибор қозонади; айниқса, туркий таҳирда у миризоларнинг барчасидан устун; чиройли услуби, осон таркиб ва ифодаси борлигини миризолардан бошлаб сарой шоирлари, сарой муфтилари, бош мунший Муҳаммад Ражаббек, қолаверса, хоннинг ўзи ҳам эътироф этади. Худоёр муҳр босиш асноси ёзилган ёрлиқ ва номаларни ўқитиб эшитар, муншийларнинг араб ва форс сўзлари орқали тўқилган яrim туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас, «Эналаринг арапқа текканма!» деб миরзо, муфтиларни койир эди. Аммо Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини мусиқа каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва «шу бола бариларингдан ҳам ўқифонроқ чиқар!» деб миризоларнинг юрагига ўт ёқади. Бош мунший Муҳаммад Ражаббек оламдан ўтгач, унинг ўрнига ҳеч иккиланмай Анварни, унинг келиб чиқиши-ю фақир оила фарзанди, «чилласи чироқ кўрмаган» бир етим эканини ҳам суриштириб ўтирай «миризолар орасида ўбдан кўринган» ўша Анварни танлайди.

Хоннинг шу хил хислатларини тасдиқладиган яна баъзи далилларни келтириш мумкин: Раъно туфайли хон билан Анвар орасига нифоқ тушиб, Анвар яшириниб юрган кезлари ўрдадаги ғаламислар қутқуси орқали Анварнинг яқин дўсти Султонали гаровга олинади, агар Анвар белгиланган муддатда ўрдага келмаса, Султонали қатл этилиши овоза қилинади. Табиийки, Анвар ўз боши учун чин дўстининг дорга осилишини асло истамайди, ўрдага келади. Бу можароларда Султоналининг қўли борлиги хонга аён. У Анвар ва Султоналини биргаликда ўлимга маҳкум этиши мумкин эди. Шунда Анвар хонга Султоналининг гуноҳсизлигини айтади, қатъий тарзда ундан дўстини қутқаришни сўрайди, «сизда адолат борми, жаноб!» дэя ҳайқиради. Кўрқинч бу ҳайқириқ Худоёрни инсофга келтиради, Султоналига қараб: «Сиз озод бўлдингиз!. Девонга чиқиб ўз ишинғизга қаранг!» деб буюради. Шундан кейин дўстлар маслаҳатига кўра Султонали ҳар эҳтимолга қарши яширинади, хон эса ўз сўзида туради, қайтадан уни йўқламайди, таъқиб

остига олмайди. Асар хотимасида Кўқондан қочиб, Тошкентда паноҳ топган Анвар Худоёрдан бир афвнома олиб, Раъно билан Кўқонга қайтгани айтилади. Анварнинг Кўқонда ўлдирилганлиги ҳақидаги тахминлар ҳам инкор этилади, унинг ўлдирилмаганлиги, Худоёрдан сўнг анча йил яшаб, ўз ажали билан ўлгани тўғрисида тахмин-маълумот келтирилади.

Яна бир характерли ҳолат: «мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиш»га қодир, ўнлаб хотинлар, канизларга эга хон хорлик ва муҳтоҷлик кунларида ёнида турган вафодор хотини Оғача ойимга содиқ қолади, уни беҳад қадрлайди, бу олийжаноб, ақлли, тадбирли аёлга катта ҳуқук, имтиёзлар беради.

Романда Худоёрхон образининг шу хил мусбат томонларини, хайрли ишларини эслатишдан мақсад асло уни «реабилитация қилиш», «ижобий қаҳрамон» қилиб кўрсатиш эмас, бу ўта сунъий, башкана, файрийлмий иш бўлар эди. Аслида бу билан биз ёзувчининг бош ижодий принципига, реализмига хос хусусиятларни — тарихни, тарихий шахсларни, ижтимоий кучларни ортиргани ва камитмай «ўз ҳолича» олиш, «бор гапларни» ёзиш санъатини таъкидламоқчимиз, холос. Гарчи адиб роман сўз бошисида «Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоёрхоннинг ўз ҳоҳиши йўлида дехқон оммаси ва майда ҳунарманд-косиб синфини курбон қилиши, мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши келувчиларга, тиласа ким бўлмасин, раҳмсиз жазо бериши — романнинг мавзуидир» деб белгилаган, бу ниятини имкон қадар амалга оширишга тиришган, Худоёрхонни аёвсиз фош этган бўлса-да, ҳақиқат ва адолат юзасидан унинг характеристи ҳамда фаолияти, хатти-ҳаракатларидаги юқорида эслатилган мусбат жиҳатларни ҳам эътироф этган. Қодирий реализменинг, умуман, реализмнинг бебаҳо фазилати, куч-кудрати ана шунда, адиб ҳақиқатни ўз шахсий майли, ҳоҳиш-истагидан баланд қўя билганида!

Энди «Мехробдан чаён»даги «феодал тузумнинг идеологлари ва тиргаклари» бўлган мусулмон руҳонийларининг «реакцион ролини фош этиш» масаласига келайлик. Қодирий асар сўз бошисида Худоёрхоннинг олиб борган сиёсати йўлидаги биринчи истимотгоҳи уламолар бўлганини айтади, уларнинг ички-ташқи аҳволи, ахлоқи, мадраса ва оила ҳаёти, уламода инсоний ҳис битганлиги ва қолгани ҳам ифлослик пардаси остида сезилмас даражага етганлигини роман мундарижаси сифдирган қадар баён қилиш ниятида эканини айтади. Дарҳақиқат, асардаги ҳукмдорлар, хон образи сингари қатор уламолар образлари ҳам жамият касали теккан кимсалар. Гарчи сўз бошида адиб уламолар ҳақида хийла кескин гап қилган бўлса-да, амалда уларнинг барчасини ёппасига қоралаш, фош этиш йўлидан бормайди. Улар орасида инсофли,

диёнатли кишилар ҳам борлигини асло унутмайды. Аввало, мархум бош мирзо Мұхаммад Ражаббек инсофли, адолатпарвар шахс бўлган, Анварнинг тарбиясида, унинг ўрдага келишида, марта-баларга кўтарилишида бу одамнинг хизмати катта. Абдураҳмон Бухоро мадрасасида ўқиб юрганида уни ифлос мұхитдан, шалтоқ ишлардан асраб қолиш учун жон куйдирган мударрис домлани эсланг. Демак, мадрасада шундай ҳушёр, пок, инсофли уламолар бор! Ўрдадаги ғаламислар гуруҳининг вакили Мұхаммад Ниёз домла Анвар учун энг қалтис дамда, хон билан юзма-юз тўқнашув пайтида уни ҳимоя қилиб, юрак ютиб хондан: «Шу одобсизнинг гуноҳини менинг учун кечсинлар», — дейди.

Рұхоний домлалар тоифасига мансуб Солиҳ маҳдум образи ўзгача бир олам. У ёгини суриштирсангиз, уламолар орасидан чиққан ғаламис, мунофиқ, тубан кимсаларга қарши турувчи Анвар билан Султонали аслида маърифатли зиёли кишилардир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хоннинг биринчи истинодгоҳи бўлган уламолар қитмирлик, ғаламислик, тамагирлик касалига мубтало бўлсалар-да, ўз нафси, манфаати, мансаб-мартаба йўлида қабиҳ ишларга кўл урсалар-да, хеч қаерда давлат, сиёсат ишларига аралашмайдилар, дин, исломни курол қилиб гуноҳ ишларга фатво бермайдилар. Аксинча, Солиҳ маҳдумнинг отаси бир вақтлар хонга ношарый фатво беришда иштирок этгани учун оғир кўргиликларга мубтало бўлганлиги эслатиб ўтилади. Бинобарин, асарда уламоларнинг, мусулмон рұхонийларининг, умуман, ислом динининг «реакцион роли»ни фош этиш йўқ. Уламолар, рұхонийлар орасидаги тубан кимсаларни ёки уламолар характеристига хос ожиз, зиддиятли жиҳатларни қаламга олиш — бу ёппасига динни қоралаш эмас-ку ахир!

Ойбекнинг роман камчилиги сифатида айтган «Хонлик феодал тузилиши системасида диннинг реакцион роли, камбағал ҳалқ оммасини эзищ учун ҳоким синфлар қўлида қуроллиги анча ёпиқ қолади. Абдулла Қодирий сатира тигини динга қарши эмас, фақат динни нотўғри англаган, динни ўз шахсий манфаати учун ишлатган, «ҳийла шаръий» ясамачиларига қарши қаратади» деган сўзлари аслида романнинг камчиликлари эмас, балки асар муаллифининг уламоларга, рұхонийларга муносабатда тутган йўлининг ўзига хослигига тегишилдир. Дарҳақиқат, Қодирий романда танқид, сатира тигини динга қарши эмас, диний ақидаларни, шариат қоидаларини оёқ ости қилган ҳасадгўй, мунофиқ, беқарор кимсаларга қарши қаратган. Асар фабуласидаги асосий зиддият — Анварнинг бош муншийликка кўтарилиши, ҳасадгўй кимсаларнинг уни орадан кўтариш мақсадидаги ҳийла-найранглари, ғаламисликлари, пинҳона олиб борган жанглари аслида шариатга хилоф ишлардир. Аламзада мирзолар Анвардан ўч олиш учун унинг

севгилиси Раънони хонга рўпара қилган, Анвар билан Султоналини хонга тутиб беришда иштирок этган эканлар, бунақа қабиҳ ишларни қилиш учун ислом руҳонийси, уламо бўлиш шарт эмас. Бунақа фаламислар ҳамма динларда, қолаверса, динсизлар орасида, коммунист мансабдор зиёлилари даврасида ҳам истаганча топилади. Ёзувчи 1926 йилги ўз бошидан ўтган оғир кўргиликлар асносида бунга ишонч ҳосил қилган. Муқаддас даргоҳ — ҳақиқат, адолат жарчилари ва ҳимоячилари маскани саналмиш шўро матбуоти ходимлари қалтис вазиятда ўз жонининг тинчини, шахсий манфаатини ўйлаб, ҳақиқатдан юз ўғирдилар, ораларидаги энг истеъдолли, ҳақгўй, одил инсон Қодирийни ҳимоя қилишга ярамадилар, аксинча, виждонига хилоф йўл тутдилар, кўра-била туриб оқни қора дедилар, адоват юзасидан юзсизларча Қодирийга тухмат қилдилар. «Мехробдан чаён» муаллифи муқаддас динимизга алоқадор уламолар орасидаги ҳасадгўй, тубан, бебурд кимсалар қилмишини қаламга олаётганда куни кеча ўз бошидан кечирган ҳодисалар, янги давр уламо-зиёлиларининг қиёфаси, замона муқаддас даргоҳидан чиқкан чаёнлар кирдикори кўз олдида гавдаланиб тургани аён.

Реалистик асарда ҳам тарафкашлик руҳида битилган, фақат оқ ёки қора бўёқ билан чизилган лавҳалар, персонажлар бўлиши мумкин. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Азизбек, Ҳомид, Жаннат каби «Мехробдан чаён»даги Абдураҳмон домла ҳам нукул қора бўёқлар орқали гавдалантирилган персонаждир. Ёзувчи бу кимсага нисбатан қаҳр-ғазабини ошкора тўкиб солади, унинг ифлос кечмишини, тубан, шалтоқ ишларини аёвсиз фош этади, уни «чаён», «калтакесак», «чувалчанг» деб ҳақоратлади, бу одамга бағишланган саҳифалар памфлет тусини олади. Йирик, кўп тармоқли, ифода жиҳатдан сержило асарда шундай тасвир йўналиши, ошкора қаҳру ғазабга дучор персонажлар ҳам бўлавериши мумкин эканини инкор этмаган ҳолда, реалист адабнинг санъати, тасвир маҳорати аввало инсон шахсига, ҳатто у ўта салбий моҳиятга эга бўлса ҳам, хилма-хил томондан холис ёндашиша, характерларни мураккаблиги, зиддиятлари, манфий ва мусбат томонлари билан кўрсатишида эканини уқтирумокчимиз.

Бу жиҳатдан, айниқса, романдаги Солиҳ маҳдум образи таҳсинга сазовор. Ҳатто «Мехробдан чаён» ҳақида кўп танқидий фикрлар айтган Ойбек бу образ тасвирига келганда адабнинг маҳоратига тан беради, маҳдумни «тўла-тўқис характер, типиклик билан индивидуалликни энг муваффақиятли бириктирган одам образи», «Маҳдум белгили бир гуруҳнинг «хислатлари»ни ўзида порлоқ қабариқ гавдалантирган йиғинди реалистик образдир», у «асардаги ҳамма персонажлар орасида энг жонли, энг ёрқин, энг типик фигура» деб атайди. А. Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?»

мақоласида бу баҳони яна ҳам ошириб: «Абдулла Қодирий прозасидаги ҳеч қайси қаҳрамон у билан тенглаша олмайды, ҳеч қайсиси Солиҳ маҳдум образи кўтариғлан юксакликка чиқа олмаган. Шу маънода Солиҳ маҳдум образини ўзбек совет адабиётининг биринчи ва ҳақиқий қашфиётларидан деб айтиш мумкин», — деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, Солиҳ маҳдум образи ўзининг реализми, характеристининг серқирралиги жиҳатидан ёзувчининг жиддий ютуғи, аммо уни Қодирий яратган барча қаҳрамонлардан, ҳатто «Ўткан кунлар» персонажларидан маҳорат жиҳатдан устун қўйиш, уни янги ўзбек адабиётининг «биринчи ва ҳақиқий қашфиёти» дейиш, менингча ортиқча. «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожи, Отабек образларини бир ёққа қўйиб турганда ҳам, шахсга хилма-хил томондан ёндашиш, уни мураккаблиги билан кўрсатиш бобида Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрой образлари Солиҳ маҳдумдан камми? Улар янти ўзбек адабиётида илк ва ҳақиқий қашфиётлар бўлмаганмиди?! Аслида Солиҳ маҳдум образи тасвирида адаб «Ўткан кунлар»да қашф этган тажрибаларини давом эттириди, уни қатор янги хусусиятлар билан бойитди.

Романда муаллиф енгил ҳазил-мутойиба, кулги-юмор, пичинг, киноя-кесатик, ҳажв орқали маҳдум табиатига хос «мағтаб бўлмайдиган» хусусиятларни — хасисликка ўхшаш ҳолат, тамагирлик каби одат, ичиқоралик, андишасизлик сингари ҳаракатларни батафсил, жонли гавдалантиради. Бундай хусусиятларнинг ботиний ва ташқи-ижтимоий илдизларини ҳам тушунтиради. Айни пайтда маҳдумнинг «ҳамма нуқсонини ювуб кетарлик» фазилатини ҳам кўрсатади; «нима бўлганда ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Кўқон аксарияттининг саводхон бўлишларига сабабчи устозлардан, ҳатто улуғ хизматларга киши етишириб берувчи нодир муаллимлардан» эканини алоҳида таъкидлайди. Маҳдум образига хос ҳар икки жиҳатни тасдиқлаш учун асардан истаганча далил-исбот топиш мумкин. Адабий танқидчиликда авваллари нуқул маҳдум характеристига хос салбий хусусиятлар тилга олинар, ундаги мусбат томонлар, гарчи шундоққина кўриниб турсада, у ҳақда индамай ўтилар эди. Эҳтимолки, инсофли тадқиқотчилар Қодирийни аяш мақсадида руҳоний, эски мактаб домласи бўлган бу одам характеристи, фаолиятига хос ижобий томонларни атайи кўриб-кўрмасликка олган, у ҳақда индамай ўтган бўлишлари ҳам мумкин. Эндиликда маҳдум образи ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш имкони туғилганда, юқорида эслатилганидек, уни фақат ижобий қилиб кўрсатишга, нуқсонларидан ҳам фазилат топишга уриниш бўлаётирки, бу ҳам адолатдан эмас. Бу образ талқинида ёзувчининг энг катта ютуғи, унинг салбий хусусиятларини ҳам, характеристи, фаолиятидаги мусбат томонларни ҳам «орттирмай ва камитмай» ўқувчига бор ҳолича тақдим эта билганида. А. Раҳимов мақоласида

махдумнинг мактабдорлик фаолияти, унинг ўқув тизими ва усули ўз даврига нисбатан илфор йўналишда экани, яна бир қатор хайрли ишлари бирма-бир санаб кўрсатилган. Мен бу ўринда маҳдум табиати, руҳиятига хос, гарчи зиддиятли тарзда кечса-да, гоҳо ўз айбини англаш, ўзини тафтиш этиш майллари ифодаси устида озигина тўхталиб ўтсан. Зотан ўз айбини англаш, ҳис этиш, ўзини тафтиш эта билиш ҳам савоб иш ...

Романинг «Хайрулумури авсалтҳо» бобида маҳдум оиласий даврасининг гўзал бир тасвири бор: дастурхон атрофида, ошхўрлик устида чиройли, самимий суҳбат давом этаётир, жиддият, ҳазилмутойиба, кундалик ташвишлар — барчаси меъёрида; маҳдумнинг авсал, яъни ҳар ишда ўртамиёначиликнинг афзаллиги ҳақидаги «амри маъруфи», гарчи нимтабассум руҳ билан йўғрилган фалсафа талқинида маҳдум табиатига хос тежамкорлик майли сезилиб турсада, бу ҳол ҳеч кимга малол келмайди. Шу орада мулла Абдураҳмон, унинг кимлиги тўғрисида гап чиқади-ю, беихтиёр маҳдум андишасизлик қилиб, унинг Раънога совчи юборганини қистириб ўтади. Даврада нокулай вазият вужудга келади. Раъно «совчи» сўзи билан энсаси қотгандай, сочиқни олиб кўлини артади, Анварда ҳам файерлик каби бир ҳис уйғониб, ош олишдан тўхтайди. Нигор ойим Анварни ош ейишга ҳар қанча қистамасин, бу пайт Анвар ош ейдирган ҳолатда эмас. Бироқ, андишли йигит ўз ҳолатини ўзгalarга сездирмасликка тиришади. Юз берган нокулайликни орадан кўтариш учун чақалоққа гап қотади. Ҳушёр маҳдум дарҳол бу ҳолатни англаб етади, «Анвар билан Раънонинг тупроғи бир жойдан олинган... иккиси ҳам кам таом» деб нозик, даврадагиларга, хусусан, Анвар билан Раънога хуш ёқадиган қочириқ қиласиди. Бирдан вазият ўнгланади: «Маҳдумнинг бу сўзи юқоридаги гуноҳини ювандай бўлди. Улар бир-бирларига қаравшиб, илжайишдилар. Нигор ойим ҳам оғирликдан чиқди».

Бошқа бир ҳолатни эслайлик. Мўътабар беклар маҳдум хона-донига келиб, Раънони хонга сўраганларида маҳдум дастлаб довдираб қолади, ўзида, ожизасида бир қанча гуноҳлар, нуқсонлар, узрлар борлигини, аввало, қизи «улуг марҳамат»га сазовор ва лойик эмаслигини, олампаноҳдек улуғ зотга ҳамхоб бўлмоқ учун кифоя тарбия олмаганини, қолаверса, ожизаси бир важ билан мирзо Анварга ишонтириб қўйилганлигини, бу масала ўзига бир оз мушкул келишини айтади. Хон одамлари маҳдум арзига қулоқ тутмай, апил-тапил Раънони хонга фотиҳа қилиб кетадилар. Ўн беш дақиқалик бу ҳодисадан маҳдумнинг мияси шишади. Мана унинг ўша тобдаги ҳолати:

«Маҳдум «улуг меҳмонлар»ни жўнатиб, меҳмонхонага қайтиб келди. Мияси ҳануз тузукроқ муҳокамага қобил эмас, кутилмаган бу ҳодиса ўзи учун фойдалики, зааралики — имтиёз қилолмас

эди. Анварни аяганликданми ёки ундан уялганликми, баҳарҳол, кўнглида бир хил ғашлик, чигаллик бор эди. Муҳокама ҳар турли: тўйини илгарироқ қилиб кўйсак бўлар экан, деб ўйласа, иккинчи тарафдан, «хонга падари аруслик» масаласи орага кўндаланг тушиб, яна фикричувалиб кетар эди. Бир тарафдан Анвар, иккинчи тарафдан хон... Шу йўсин, фикри бир йўлда тинолмай гангиган ҳолда меҳмонхонани ёпиб чиқди».

Бошқа бир нўноқроқ ёзувчи бўлганида эҳтимол «хасис», «тамагир» отани ҳеч қанақа иккиланишсиз, қийналишсиз дарҳол бу «улуф марҳамат» олдиди Анвардан юз ўтириб, хон томонига ўтказиб қўя қолган бўлармиди. Роман муаллифи ихчам тарзда бўлсада, маҳдум руҳиятидаги ўша тобдаги мураккаб, зиддиятли жараёнларни, бу одамдаги иккиланиш, қийналишларни, кўнглидаги ғашлик, чигалликни, ниҳоят хон томонига офиш сабабларини, руҳий асосларини моҳирона ифода этади. Маҳдум бўлиб ўтган ҳодисанинг асл моҳиятини ҳануз таҳлил этиб улгурган эмас, кутилмаган ҳодисанинг ўнг-терсини ўйлаш учун унга тинчлик керак. Дарсни тўхтатиб, болалрга жавоб бериб, ўзича ҳодисани муҳокама этишда давом этади. Анвар тўғрисидаги кўнгил ғашлиги унга тинчлик бермайди, аммо ҳар турли йўллар билан ўзини овута бошлайди, кўнглида яхши умидлар туғилади: хонга қайин ота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас. Подшоҳ кўёвдан кўп қалин кутиш мумкин. Бугина эмас, бу соддадил бандай ожиз ширин ҳомхаяллар оғушида гарқ: Раъно хонга хотин бўлиб, агар худо ўғил набира ато қиласа, Худоёрнинг таҳт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор... Унингча, Раъно билан Анвар тўйининг кейинга силтаниши эса тақдир иши, Раънонинг тақдирни хонга битилганлигидан. Маҳдум энди Анварни койишга ўтади: «Тўйни кўкламга кўй деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам. Энди хон сўратгандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор!» Шундан сўнг маҳдум кўнгли озгини тинчиди, бирмунча фурсат ўй сурисиб ўтиргач, бу ожиз банданинг кўз ўнгидаги қалин учун бериладиган бир саноч олтин, эл қошидаги обрў, энг охирида Худоёрнинг таҳт вориси бўлган хонзода гавдаланади, ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб илжайди. Энди у узил-кесил Анвар масаласидаги ғашликни кўнгилдан қувиб чиқаришга қарор беради...

Маҳдум руҳиятидаги шу зиддиятли жараёнлар ифодаси билан танишганда китобхон гарчи у тутган йўлни оқламаса ҳам, бу одам ҳолатини, ўша тобда унга ҳам осон эмаслигини фезиб туради, бу тамагир, соддадил осий банда хом хаёллар оғушида икки ёш баҳтига зомин бўлаётганлигини, гулдай қизини аждаҳо комига тутиб бербаётганлигини кўриб афсусланади. «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрўй сингари маҳдум образи ҳам бизни гуноҳкор одамларни тушунишга ундейди. Зотан, адабиётда гуноҳкор одамни

қоралаш, фош этиш нисбатан осон, айблор шахсни тушуниш, китобхонга тушунтириш эса қийин, жуда қийин иш. Қолирий ижодда ана шундай қийин ижодий вазифани қойил қилиб адо этолган мислсиз санъаткордир.

Бир қараашда Анвар билан Раъно фавқулодда романтик қаҳрамонлардай кўринади. Баркамоллик — ақл-заковат, лўстга, севигига садоқат, эрк, адолат йўлидаги шижаот бобила улар ағсона, достон қаҳрамонларини эслатадилар. Ишқий мулоқотлар бобила бу икки ёш жуда эркин, ораларидаги гап-сўзлар бир қалар китобий, шоирона. Масалага синчилкаб қаралса, Анвар ва Раънодаги фавқулодда, китобий туялган хислатлар, уларнинг «ғайритабии» хатти-харакатлари мантиқан ва психологияк жиҳатдан асосланган. Улар мактаб кўрган, яхши тарбия, чуқур билим олган, Шарқнинг юксак маданияти, гуманистик ғояларини ўзлари учун чин эътиқод, бош мақсад қилиб олган одамлардир. Анвар билан Раънонинг шеъриятга ихлоси баланд экани, ҳар иккисида ҳам шеърий завқ ва шоирлик истеъоди борлигини, хусусан, Раъно яхшигина шоира эканини назарда тутадиган бўлсак, улар орасидаги китобий туялган мулоқотларнинг ҳаётий ва табиийлиги ўз-ўзидан англашилади. Бунинг устига ақл-заковат, истеъодод бобида зукко Раъно ҳали болаликни тўла тарк этгани йўқ, уни биз кўпинча кичик укалари билан овунганди, ўйнаб юрган ҳолда кўрамиз. Анварга дуч келганида у бирдан балоғат остонасига қадам қўйгандек бўлади, болаларча шўхтлик билан зукколик қўшилиб, унинг тимсолида ажиб бир нафосат намоён бўлади.

Анвар билан Раънонинг севги, висол фалсафасида анъанавий илоҳий ишқ ва тақдирга қарши исён тулашиб кетган. Раъно хонга унаштирилгач, икки ёш орасида севги ва висол хусусида мухим сұҳбат бўлиб ўтади; ўрладаги ифлослар бирлашиб, Анвар билан Раънони бир-биридан ажратиш пайида Раънони хонга рўзгора қўлганлиги айтиласди. Анвар дейди: «Бироқ, улар бизни бир-биримиздан ажратса оладиларми? Йўқ. Мажозий ажратиш — ажратиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий бўлганганимиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш ифлослар узасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икков нега хафа бўлайлик, Раънод! Сиз Анвар ишқ ҳақиқатиги асосий танини айтади: «Ишқ давомси овсем ўйлаганча васл эмас — ҳақрлир. Зоро, васл ишқ ўтини сўнгизурчча, ҳажр эса камолотга эришигурувчилир». Анвар энг асосий саволни ўртага қўяди: «Сен шу иккисидан қайси бирисини таҳтайдсан. Раъно?»

Бу саволга дарҳол жавоб бериш осон эмас. Раъно узоқ мушоҳадалан сўнг, ҳалиги савол Анвар тарафидан яна тақрорлантач, ишонч-эътиқод билан кейингисини танлашини айтади. Аммо бир шарти билан, у бу борада тақдирга тан беришга асло рози эмас —

«хоннинг ифлос тўшагида ётмайман!» дейди қатъий қилиб. Анвар ҳам ўз навбатида «Сени йиглатиб ҳайвон чангалига бермасман!» дейди мардона туриб. Бу борада уни ўйлаб, ақл билан иш кўришга, тадбиркорликка чорлади.

Гарчи Анвар билан Раъно ишқ, висол, ҳажр бобида анъанавий, китобий ақидалар руҳида тарбияланган бўлсалар-да, барибир, бошқа бир давр ёшлари, ҳажр орқали камолотга эришувни оғизда эътироф этсалар-да, амалда бошқа йўл тутадилар, ҳажр эмас висол учун талпинадилар, бу борада дадил курашадилар. Бу икки ёш ишқи васфини қаламга олган адаб ҳам янги давр ёзувчиси, ишқ масала-сига кўпроқ янги давр мезонлари асосида ёндашади, ёшларнинг ота-она раъйига қарши бориб, эркин севги, ўз эрки, тақдири, баҳти йўлидаги дадил хатти-ҳаракатларини астойдил қўллаб-кувватлайди, уларни замондош ёшлар учун ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Ёзувчи гоҳо ёшлар ёнини олиша ошириброқ юборади. Чунончи, адебнинг севимли қаҳрамони Раъно бир неча ўринда, хусусан, Анвар олдида ўз отасини киноя-кесатиқлар билан масхара қиласи, унга бағишлаб ҳажвий шеър ёзади, ўринсиз бир гапи учун отасини «кандишасиз» деб атайди. Булар холис тарзда ёшлар табиатига хос заифлик, зиддиятли ҳолатлар тарзида талқин этилганида бошқа гап эди. Бироқ бундай хатти-ҳаракатлар ифодаси чогида адеб холисликни қисман бой бериб, бутунлай ёшлар томонига ўтиб олади. Қандай одам бўлганда ҳам, ҳар ҳолда ўз отасини, ўзига, севикли кишиси Анварга яхши тарбия бериб, маърифатли қилиб ўстирган устоз одамни бу хилда масхаралаш, ҳажв қилиш — буни барча бирдек ҳазм қилиши қийин...

Эътиросли, шиҷоатли дамлар ўтиб, икки ёш орасида висол онлари бошланиши билан қаҳрамонлар замин одамига айланадилар, тасвир яна холис, изчил реалистик ўзанга тушиб олади. Бошда жасорати, кучли иродаси, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши билан эътиборимизни тортган Раъони оиласдан бош олиб кетгач, орадан кўп ўтмай ҳиссиётларга мағлуб ҳолда қўрамиз — бола табиат бу қиз онасини соғиниб, у томон талпинади, инжиқлик қилиб, кўз ёши тўкиб Анварни хуноб қиласи. Жўмардлик ақидасини қабул қилган, ўз бошини хон жаллодларига тугиб бериб, дўстини қутқаришга қарор берган жасур Анвар Тошкентда нисбатан тинч, осойишта кундалик турмушнинг қийинчиликларига дош беролмай яна «зулм ўчоғи»га, Кўқонга қайтишга мажбур бўлади.

Дарвоқе, танқидчиликда роман воқеаларининг интиҳоси — мирзо Анварнинг Кўқондан бош олиб кетиши, кейинги ҳаёти талқини гоявий жиҳатдан юксак баҳоланади. «Мехробдан чаён» романининг бутун образлар системаси ва сюжетининг хотимаси билан Абдулла Қодирий Туркистоннинг Россияга қўшилишининг

катта прогрессив аҳамиятини тасдиқ этади, — деб ёзали И. Султонов. — Романинг сўнгги боби бош ижобий қаҳрамонларнинг Кўқондан қочишини тасвирилаши ва эпилоги («Мирзо Анварнинг кейинги ҳәёти ҳақида») уларнинг «зулм ўчоги»дан қочиб, Тошкентга келганликлари ва «Худоёрнинг қўли етмайдиган Тошкентда (рус қўли остида) тинч» яшагани ҳақидаги сўзлар билан тамом бўлади. Бу бир боб ва автор изоҳи бутун романнинг ғоявий мазмунида муҳим ўрин тутади: автор «рус қўли остида» яшаш феодал тузум шароитида яшашга нисбатан яхшироқ эканини, хонлик йўқ жойда адолат ортикроқ эканини уқтиради. Бу, аввал қайд этганимиздек, хонликни фош этишнинг мантиқий якунидир». Буни олим «Мехробдан чаён»да Абдулла Қодирий реализмининг янги босқичига кўтарилигини кўрсатувчи яна бир момент санайди. (И. Султон. Асарлар, 2-том, 387—388-бетлар.)

Аммо хотимадаги бошқа бир момент — ёзувчининг муҳим бир изоҳи олим эътиборидан четда қолади. Роман ёшларнинг «рус қўли остида тинч» яшагани ҳақидаги сўзлар билан тамом бўлмайди, бу тинч яшашнинг давоми бор. Муаллиф гарчи Анвар Худоёрнинг «қўли етмайдиган Тошкентда (рус қўли остида) тинч» яшаса-да, жуда ҳам фақир кун кечиргани, бойларга мирзолик қилса ҳам, даромади доимий бўлмагани, қашшоқлик жонига теккан мирзо Анвар Тошкентда туришининг учинчи йилларида Худоёрхондан афвнома олгач, ўйлаб ўтирмай дарҳол Раъно билан Кўқонга қайтгани тўғрисида сўзлайди. Демак, Анвар пировардида истибодол муҳитидан — «рус қўли остида»ги бунақа тинч, фақир, қашшоқ ҳаётдан «зулм ўчоги» бўлса ҳам ўзининг нотинч, аммо мустақил ҳаётини афзал билади. Улуғ адабининг Россияга, рус маданияти, маърифатига эҳтироми баланд бўлган, аммо у ҳеч қаерда, ҳеч қачон рус босқинини, истибодини оқлаган эмас! Мирзо Анвар кейинги ҳәёти тўғрисидаги маълумотномада рус қўли остидаги нисбатан тинч ҳаётнинг ички драмасини, мудҳиш оқибатини — қарамлик бу қуллик факирлик, чидаб бўлмас қашшоқлик эканини эслатиб ўтган. «Мехробдан чаён» реализмининг яна бир сеҳрли кучи ана шунда.

«Мехробдан чаён» романнинг поэтикаси, бадииятга хос хусусиятлари ҳали яхши тадқиқ этилган эмас. Бу роман, аввало, ҳикоя тарзи, баён — ифода оҳангги томонидан ўзгача. «Ўткан кунлар» гарчи ифода жиҳатидан кўп оҳангли бўлса-да, унда вазмин-сокин бир оҳанг — таҳлилий психологик тасвир етакчилик қиласи. «Мехробдан чаён»да манзара бутунлай бошқача: ҳам ҳужжатли проза, ҳам ҳажвий-юмористик, ҳам лиро-романтик услубий шоҳобчалар туташиб, бир-бири билан алмашиниб, романнинг ўзига хос кўтариинки, жўшқин, сержило оҳангини ташкил этади.

Адаб асар персонажлари қисмати билан боғлиқ ҳолда бир қатор муҳим тарихий ҳодисалар, шахслар, саргузаштлар ҳақида маълумот

беради. Солиҳ маҳдумнинг кечмиши, ота-боболари қисмати баҳонасида келтирилган Амир Умархоннинг канизи тўғрисидаги ҳикоя, Анвар бир сұхбатда алам билан эсга олган воқеа — Худоёрхоннинг топширигини бажариб, ҳақ иш учун жабр кўрган мирзолардан Сайдикон, мулла Сиддиқ ва Мўминжонларнинг аччиқ қиссаси, «Зулм ўчоги» бобида келтирилган Худоёрхон тарихи, у амалга оширган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар, Оғача ойим саргузашти, роман ёзилган пайтда ҳали ҳаёт бўлган Худоёр хотинларидан бири Розия ойимдан ёзувчининг ўзи олган хон ҳарами, хотинлари, ўрдадаги қуллар тўғрисидаги маълумотлар асарда салмоқли ўрин тутади. Бу хил парчалар, чунончи «Зулм ўчоги» боби хусусида Ойбек «бу боб асарга мустақил бир очерк шаклида киргизилгандай романнинг бадий тўқимасидан четда, ажралган ҳолда туради» дейди. Бир қараашда шундай туюлади. Аслида шу хил хужжатлар асарга ўзгача рух, маърифий кувват баҳш этади, асарнинг тарихий асосини мустаҳкамлашга хизмат этади. «Зулм ўчоги» сиз Худоёр образининг, шахсининг моҳиятини тўла англаш мушкул. У ёғини суриштирангиз жаҳон тарихий романчилигида бундай усул — персонажлар қисмати баҳонасида асарга тарихий хужжатлар, маълумотларни қистириб ўтиш тажрибаси кенг тарқалган.

Сўз Анвар ва Раъно устига кўчиши билан тасвир шўх, шиддаткор, гоҳо маъюс, аммо латиф лиро-романтик жило касб этади. Бу латиф жўшқин ифода асардаги яна бир етакчи услубий оҳанг — ҳажвий тасвир билан енгилгина тугашиб кетади. Романда ҳажвий ифоданинг оддий ҳазил-мутойибадан тортиб пичинг, киноя-кесатиқ, зардали истеҳзў, масхара, заҳарли қаҳқча, серғазаб памфлетгача — деярли барча жилолари мавжуд. Аммо бирор ўринда бўлсин кулги, ҳажв маънодорликдан холи эмас. Ҳажв, кулги воситасида адид персонаж характеристининг, ҳаёт ҳақиқатининг бирор муҳим томонини, унинг туб моҳиятини очади.

«Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим характеристи, қисмати ифодасида адид ҳазил-мутойиба, енгил кулги воситаси орқали ҳодиса замирида ётган жиддий ҳақиқатни, ҳодисанинг ички зиддиятларини, фожиасини очиб бериш санъатини намоён этган эди. Бу тажриба «Мехробдан чаён»да янгича сайқал топган. Синчиклаб кузатсангиз Солиҳ маҳдум устидаги енгил ҳазил-мутойиба тарзida бошланган ифода тобора товланиб, ранг-баранг жило касб этиб, бир қадар кескинлашиб, охирида маҳдумнинг аянчли ҳолати тасвири билан ўз интиҳосига этади. Агар «Ўткан кунлар»даги мағрур, думбул табиат Ўзбек ойим ўз майли, орзу-ҳаваси йўлида жигарбанди Отабек, фариштадай аёл Кумуш, Зайнаб ҳаётига зомин бўлса, бир қатор ижобий хислатлардан холи бўлмаган маҳдум хасислиги, тамагирлиги туфайли кетма-кет кулгили ҳолатларга тушади, пировардидаги шафқатсиз муҳит тазиёқи, қолаверса, ўзининг айби, хом хаёллари

оқибати ўлароқ, турмушнинг қаттиқ зарбасига учрайди, ҳаётидаги таянчлари — гулдай қизи Раънодан, ажойиб ўғлон Анвардан жудо, эл-юрт орасида шарманда бўлади. Анвар ва Раъно гойиб бўлгач, бу ҳодисанинг тафтиши пайти яна бир бор маҳдумга дуч келамиз. Энди у ҳақдаги тасвирда аввалги кулги, ҳажв йўқ. Маҳдум ўта мунгли, аянчли аҳволда. Тунқатор маҳдум ёнига келиб: «Сизда гуноҳ йўқ. Бироқ қиз ўстиришни билмас экансиз!» деб дакки беради. « — Бандамиз! Бандамиз! — деб ийғлади маҳдум. — Илоҳи жувонмарг бўлсин, мени ерга қаратди!» Маҳдум ҳақидаги ҳикоя шу тариқа жиддий бир йўсинда, мунгли оҳангда тугайди.

Енгил кулги, ҳазил-мутойиба замиридаги кескин драма, зиддиятларни очиш, қувноқ тарздаги ифоданинг мунгли, оғир фожиавий оҳанг билан алмашиниши — бундай сехрли санъат романнинг «Кирқ қизлар», «Нозик» бобларида алоҳида куч билан намоён бўлган. Ҳар икки бобдаги тасвир ҳам ҳарамдаги канизларнинг шўхликлари, ҳазил-мутойиба билан бошланиб, ҳазин бир кайфият билан якунланади. Ўзини «онҳазратнинг отган ўқлари» санайдиган, ҳарамни дўндиқ қизлар билан тўлдириб туришни касб қилиб олган Гулшан «Кирқ қизлар» ҳовлисига кириши билан қизларнинг шўхлиги, ўйин-кулгиси авжига чиқади. Қизиги шундаки, канизлар ўзларини шу мудҳиш қафасга тушиб қолишида воситачи бўлган бу аёлни энди рақиб деб билмайдилар, аксинча, уни ўзларига яқин олиб, атрофида эркалаб парвона бўладилар, унинг олдида ўзларини беҳад эркин тутадилар, унга эркалик, шўхлик қиласидилар, юрак сирларини очадилар. Шундай ҳолат-муносабатнинг ўзида қанчалар маъно, кескин драма мужассам! Бу мудҳиш мұхитда канизлар учун ўша ашаддий рақиб — ифлос аёлдан яқинроқ одам, сирдош йўқ! Қизлар қанчалар шўхликлар қилмасин, улар даврасида ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, базм авжига чиқмасин, ҳатто «тўп ўйин», «қўйлак ечар», «иштон солар» сингари беҳаё ўйинлар билан ҳовлини, хонани бошига кўтармасинлар — булар асло канизлар қалбидаги ҳаётдан ризолик, хурсандчилик аломати эмас. Муаллиф ёзганидек, «эркаклар дунёсидан алоқаси кесилган мазлума, оила ҳаётидан маҳрум бечоралар шундан бошқа нима билан ҳам овунсин?! Уларнинг овунчоги — кундузлари ўйин, кечалари базм ва тунлари уйқу ҳам туш эди». Ҳар қайсиси бир оилани обод қилиши мумкин бўлган, иккита-учта боланинг онаси бўлатурган ёшдаги бу дўндиқ қизлар хоннинг «илтифоти»га бир-икки маротабагина «лойик» кўрилиб, сўнг бу олтин қафасга солинган. Қаранг, қафасдаги, гурбатхонадаги қушларнинг ҳолини, фожиасини ёзувчи шўх ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги, юмор орқали очади. Муаллиф бу билан чекланмай, пировардида қизларнинг мунгли нолаларини ҳам беради, қизлар базмида бугун ораларида йўқ, беҳисоб фарёдлар, фифонлар, ҳасратлар билан чарчаган, ҳозир тупроқ остида тинч ухлаб ётган

бахтсиз шоира қыз Назмининг фифонларга тўла шеъри қўшиқ қилиб айтилганида, бирдан даврадаги қувноқ руҳ сўнади, базм тугаб ҳар ким ўз жойига тарқалади...

Орадан бирмунча вақт ўтиб Назми фарёди бир оз унтулиб, яна канизлар шўхлиги бошланади. Энди бошқа бир каниз — Нозикнинг жавобсиз севги қиссаси бошланади. Бу шўрлик қыз Анварга пинҳона ошиқи шайдо, аммо унга ўзи номуносиб эканини, Анвар уни олмаслигини билади. «Албатта... мени олмас. Менга ит теккан, мен...» дейди у синиқ оҳанг билан. Нозик қиссасидан сўнг қизлар уйкуга кетади. «Бир оздан сўнг қатордан пишиллаган товушлар эшитилди ва бу пишиллашни ора-чора пиқ-пиқ йиғлаган товуш бузар эди». Уйқу, пишиллаган товушлар ва бу пишиллашни бузётган ора-чора пиқ-пиқ йиғи... Юракни қон, кўнгилни хун қиласидиган манзара!

Ҳазил-мутойиба, кулгили бўлиб туолган ҳодисалар замиридаги шунчалар теран маъно, жиддий инсоний драма, шафқатсиз ҳақиқатни кашф этиш Қодирий даҳосининг, санъатининг мўъжизасидир. Балким, «Қирқ қизлар», «Нозик» бобларида қаламга олинган канизлар фожиасини бошқача йўсинда — бошдан-оёқ мунгли, фожиавий оҳангда, нуқул қизларнинг ҳасрат ва фифонларини келтириш йўли билан ҳам ифодалаш мумкин эди. Хассос адид ўзгача йўл танлаган. Ёзувчи танлаган усул, бир томондан, асарнинг етакчи услубий-ҳиссий оҳангига мос тушган, қолаверса, бу тарздаги зиддиятли — «ҳазил, ҳазилнинг таги зил» қабилидаги ифода ҳодисанинг ички зиддиятини кутилмаган йўсинда ўта таъсиричан очишга хизмат қилган.

Қисқаси, «Мехробдан чаён» ҳаёт ҳақиқатини орттиrmай ва камитмай, ўз ҳолича, жамики қирралари, товланишлари билан гавдалантирган, характерлар оламини ўзига хос оҳанглар, бўёқлар воситасида кашф этиб берган ўхшали йўқ бадиий обидадир.

## «ОБИД КЕТМОН» ҲАҚИҚАТИ

Абдулла Қодирийнинг эътиборга сазовор деярли барча асарлари қатори «Обид кетмон» қиссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади, вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган, фақат «синфий ёндашув»нигина мезон қилиб олган, аслида чинакам илмий синфий ёндашишдан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид бу ўзига хос қисса моҳиятини бузиб, уни «идеологик бузукликлар ва хатолар»га тўла, «сиёсий тутуриқсиз» деб эълон этди (Ж. Шарифий, О. Шарафиддинов. «Обид кетмон» ҳақида. «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 3 июнь).

Кейинги йиллар давомида адабиёт илмидаги соғлом кучлар Қодирий ижодига, хусусан, адид романларига қарашдаги жаҳолатни

бартараф этиш, бу ноёб санъат дурдоналари қадр-қимматини тиклаш, гўзаллик сирларини очиш йўлида ҳам хайрли ишлар қилдилар. Аммо «Обид кетмон» повести, негадир, ҳамон муносиб баҳосини олган эмас. Тўғри, кейинги ишларда «Обид кетмон» ҳақида аввалги бешафқат танқидлар ҳамласи бирмунча юмшаган, автор шаънига илгаригидай фоявий-сиёсий ёрлиқлар тақаш, дағдагалар қилиш йўқ. Айни пайтда бу асар қиммати, адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилашга астойдил уриниш ҳам бўлмади. Кисса устида сўз борганда жуда умумий тарзда «Обид кетмон» «ўзбек адабиётида колхоз темасини ишлашнинг муҳим ютуғи», «ёзувчининг фоявий ва ижодий ўсишида олга қўйган қадами» бўлгани, унда автор «қишлоқнинг социализм йўлидан боришининг афзалликларини кўрсатишга бел боғлагани», «колхозда деҳқонларнинг тўқ ва маданий ҳаёт қураётганини кўрсатишга алоҳида эътибор бергани» айтилади. Шу тарздаги мақтovлардан сўнг повестнинг, «энг жиддий камчилиги» — унда «колхоз курилиши атрофида борган ўтқир синфий курашнинг етарли акс этмагани» хусусидаги эски эътиrozлар юмшоқроқ шаклда такрорланади. (Иzzat Султон. Асарлар. Тўрт томлик, II том, 391-бет.)

Колективлаштириш мавзуидаги асарларга баҳо беришда узоқ йиллар айни шу «ўтқир синфий кураш» концепцияси, яъни социализм куриш жараёнинда синфий курашнинг тобора кучайиб бориши тўғрисидаги сталинча қарашга таяниб иш кўрилди. Бунинг устига бу мавзудаги жамики асарлар М. Шолоховнинг «Очилган кўриқ» романи мезони билан ўлчанадиган бўлди. «Очилган кўриқ» пайдо бўлгач, рус ва қардош халқлар адабиётида унинг таъсирида ўнлаб асарлар яратилди, чунончи, биздаги «Душман», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Куллар» романининг коллективлаштириш даври акс эттирилган қисми айни «Очилган кўриқ»ка тақлидан битилган. Энг ёмони, бу йўл танқидчиликда ҳар боб билан рагбатлантирилди ва аксинча, колхозлаштириш тўғрисидаги мавжуд ҳукмрон қарашга, «Очилган кўриқ» типидаги асарлар мезонига мос келмайдиган, чунончи, А. Платоновнинг «Котлован («Хавза») повестига ўхшаш асарлар кескин танқидга, таъқибга учради, Ҳ. Қодирийнинг эслалича, А. Қодирий «Обид кетмон»ни ёзишдан аввал ўша пайтга қадар коллективлаштириш мавзуида битилган мавжуд асарлар билан танишган, жумладан, «Очилган кўриқ»нинг русча нашри унинг столи устида турган («Отам ҳақида», 165-бет). Бироқ қишлоқ ҳаётини, коллективлаштириш жараёнини, ўзбек деҳқонлари руҳиятини яқиндан ўрганганди, билган адаб «Очилган кўриқ» муаллифи ва бошқа қаламкашлар йўлидан бормади, ўша даврнинг ҳукмрон қарашларидан фарқ қилувчи ўз шахсий кузатиш, хуносаларини, мураккаб тарихий жараён тўғрисидаги ўз концепциясини ифода этди.

«Обид кетмон»нинг бадиияти хусусида ҳам ҳамон паст-баланд гаплар юради, гоҳо Қодирий ижоди мухлислари орасида ҳам бу қисса бадиий жиҳатдан адилнинг тарихий романлари даражасида етук эмас, деган тъяналарни эшитишга тӯғри келади. Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам шундай ҳоллар эслатиб ўтилган («Отам ҳақида», 170—171-бетлар). Эҳтимол, бундай эътиrozларда муайян асос бордир. Аммо бадиийликнинг бош мезони — ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос тарзда кашф этиш, ижодий оригиналлик, шахс талқинидан, прозада эса биринчи галда теран, маънодор, ёрқин, жонли характерлар яратишдан иборат деб қараладиган бўлса, «Обид кетмон» шу юксак талабларга жавоб бера оладиган асар. Аввало, муаллиф қиссада Обид кетмон, Берди татар, Ҳатиб домла, мулла Мұхсин каби баркамол характерлар яратадики, улар ўзларининг жонлилиги, ҳаққонийлиги, концептуаллиги жиҳатидан адил романларидағи персонажлардан асло қолишмайди. Иккинчидан, ёзувчи инсон шахсига ёндашишда ўша даврда одат тусига кирган тор «синфийлик» доирасидан анча четга чиқиб, умуминсоний қадриятларни асраш, ардоқлашга жазм этади. Адил холис туриб колхозлаштириш даврининг бир қанча жиҳатларини ҳаққоний кўрсатиш, инсонийликка мос тушадиган, тараққиётга элтадиган томонларини кўллаб-қувватлаш билан бирга, бу ҳаракатнинг ички муаммо-зиддиятларини ҳам имкон қадар, йўлини топиб айтади, очади, эҳтимол тутилган хатарли оқибатлардан ўқувчини огоҳ этади; энг муҳими, замонавий деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўзининг демократик моделини тақдим этади. 30-йиллар танқидчилиги учун жиддий нуқсон, гоявий хато бўлиб кўринган кўпгина ҳолатлар — асарда «колхоз ичидаги синфий кураш кўрсатилмаган», «синфий душман фош қилинмаган», «ўқувчидаги синфий душманга нисбатан қаҳр-ғазаб кўзғотмайди», қиссада «улар ҳам одам-ку» деган ачиниш туйгуси бор, асар ўқувчини динга қарши тарбиялашдан узоқ туради», ёзувчи «одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яҳши» ва «ёмон» деган «гуруҳлар»га бўлади» қабилидаги айбловлар — буларнинг барчаси асло адил дунёқарашибидаги чекланганлилар, «шўро воқеlegини билмаслик», «турмушимизда бўлиб турган буюк воқеаларнинг (жумладан, колхоз курилиши) моҳиятини тушунмаслик» оқибати эмас. Синчков адил ўша давр жараёнларини — колхоз ҳаракати муайян синфий силсилалар, алғов-далғовлар гирдобида кечётганлигини, булар нуқул душман синфнинг, кулоқларнинг иши, тескаричи руҳонийлар куткуси оқибати эмас, балки сталинча зўравонлик, шафқатсизлик, қўмондонлик йўли билан ёппасига колективлаштиришга ўтиш сиёсатининг ҳам оқибати эканини сезмаслиги мумкин эмас эди. Назаримда, улуғ адил буларнинг барчасини теран идрок этган, аммо ўша кезларда бу ҳақиқатни ошкора айтиш, ифодалаш имкони бўлмагани учун асарда

синфий курашга алоқадор воқеаларни иккинчи планда беради, қолаверса, синфий кураш тасвирида ғалати киноявий усул қўллайди. Мулла Обиднинг ҳар хил синфий табақа, ижтимоий гурӯҳ вакиллари, чунончи, «сиёсий ҳушёр» кимсалар назарида «ашаддий душман» бўлиб кўринган бадавлат кишилар, руҳонийлар билан гаройиб мuloқot-саргuzаштларини ифодалаш билан чекланади. Қишлоқ «устунлари»нинг, уларнинг энг фаоли саналмиш Абдужалил тегирмончининг ёки «тескарич» руҳоний Хатиб домланинг колхоз ҳаракатига, қишлоқ фаолларига, жумладан, мулла Обидга қарши хатти-ҳаракатлари хийла ибтидоий, кулгили; «устунлар» Обидни босмачи деб ўйлаб, ундан тил олиш, уни ўзлари томонга оғдириш йўлида кўп овора-ю сарсон бўладилар ва пировардида ўзлари нокулай аҳволга тушиб қоладилар. Демак, муаллиф назарида синфий, гоявий рақиблар қаршилиги коллективлаштириш йўлида катта ғов ҳам, жиддий хавф ҳам эмас. Ёзувчи бутунича ўша мураккаб, зиддиятли тарихий жараённи коллективлаштириш ҳаракатининг «синфий онги» етук, фаол кишиларни эмас, синфий-мафкуравий курашлардан четда турган холис-бетараф ўртаҳол деҳқон — Обид кетмон назаридан ўтказиб таҳлил этади.

Обид кетмон образи адабиётимизда ноёб ҳодиса. Кўпгина танқидчилар таъна қилганларидек, чиндан ҳам ёзувчи уни фавқулодда фазилатлар эгаси қилиб кўрсатади. Бироқ бу ҳол қусур саналмаслиги лозим. Ёзувчининг мақсади Обид кетмон образида шунчаки ўрта деҳқонга хос «типик хусусиятлар»ни қайд этиш, жамлашдан иборат эмас. Айни бу шахсдаги фавқулодда фазилат-хислатлар, унинг гайриоддий хатти-ҳаракатлари, гаройиб кечимиши орқали адаб гўё, боя айтилганидек, янгича демократик деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўз гуманистик орзу-идеалларини, моделини тақдим этаётгандек, шу тариқа ўша кезларда қишлоқда ўтказилаётган хатарли сиёсат билан пинҳона ва моҳирона баҳс олиб боргандек туюлади. Коллективлаштириш даврида Обид кетмон тутган ўзига хос йўл — ўша давр учун гайритабиий ҳодиса бўлиб туолган ҳодиса — феномен ҳаётда айнан бўлғанми-йўқми, аниқ билмайман, аммо 20-йилларда якка деҳқон хўжалигининг тинч йўл билан социализмга ўсиб бориши ҳақида назарий қарашлар мавжудлигини яхши биламиз. А. Қодирий улар билан яқиндан таниш эканига шубҳа йўқ. Обид кетмон тақдиди таҳлилидан аён кўриниб турибдики, муаллиф бундай қарашга хайриҳоҳ, бу йўл онгли, асл меҳнаткаш деҳқон руҳига, дилига мос тушадиган гуманистик мафкура. Коллективлаштиришнинг сталинча зўравонлик гояси зўр бериб тарғиб этилаётган, катта курбонлар эвазига ёппасига коллективлаштириш амалга оширилаётган бир даврда ҳукмрон мафкурага зид гоялар билан чиқиш, хусусан, 30-йиллар шароитида мислсиз жасорат эди.

«Обид кетмон»нинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, коллективлаштириш ҳақида ўша йиллари яратилган кўплаб асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда синфий рақиблар орасидаги кураш — тўқнашув ва олишувлар эмас, хўжалик, ишлаб чиқариш муаммолари тасвири, талқини биринчи ўринда туради. «Обид кетмон» ўзбек адабиётидаги биринчи «ишлаб чиқариш» романи, Обид эса биринчи ишбилармон одам образи. Бу ҳол ҳам ёзувчининг колектив хўжалик тўғрисидаги концепцияси билан алоқадор. Адиб орзусича, коллективлаштириш — сиёсий-мафкуравий мақсадлардан, беҳуда галвалардан, синфий душман қидириш, уларни маҳв этишдан иборат бўлмай, балки биринчи галда, эл-юрг фаравонлигини таъминлаш, камбагал меҳнаткашга турмушида енгиллик бериш, барчани текис турмушга, текис саодатга етказиш, якка хўжаликка қараганда кўпроқ меҳнат унумдорлигига эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Киссанинг иккинчи қисми асосан Обид бошчилик қилган «Четан» колхозининг бир йиллик — эрта кўклидан то кеч кузгача олиб борган меҳнат фаолияти, хўжалик ишлари хроникасидан иборат. Қодирий аввалги романларида кўпроқ севги куйчиси, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бадиий тадқиқотчиси сифатида танилган бўлса, бу ерда иқтисод, хўжалик масалаларининг зўр билимдони, тадқиқотчиси сифатида кўринади, асар бош қаҳрамони бисоти — характеристи, руҳий олами асосан меҳнатда, меҳнатга, хўжалик ишларига муносабатда очилади. Обид образини ўзбек ҳалқининг меҳнат, деҳқончилик маданияти бобидаги етуклиги тимсоли дейиш мумкин. У деҳқончилик илмини, хўжалик юритишни, иқтисодни, ҳисоб-китобни миридан сиригача пухта билади.

Энди Обид кетмон образи характеристи ва тақдири орқали ёзувчи илгари сурган концепциянинг баъзи жиҳатларига конкретроқ ёндашиб кўрайлик. Маълумки, коллективлаштириш мавзуидаги деярли барча асарларда якка хўжалик коллектив хўжаликка қарама-қарши қўйилади; якка хўжалик — деҳқон учун кони кулфат, у фақатгина коллектив хўжалик орқали баҳт топиши, фаронлилкка эришиши мумкин, деган ғоя илгари сурилади. «Обид кетмон»да биз бошқача манзараға дуч келамиз. Мулла Обид қайнатаси инъом этган беш таноб ерда тадбиркорлик билан ҳалол ишлаб, катта бойлик, баҳт, шон-шуҳрат топади. Бу ўринда Обид тажрибасидан чиқадиган энг муҳим сабоқ — хулоса шуки, якка хўжалик шўро жамиятига табиатига ёт эмас, агар оқилона, ҳалол ёндашилса, социализм шароитида ҳам у алоҳида шахс, жамоа ва бутун жамият учун кўп наф келтириши мумкин. Афсуски, ўша пайтлари «сиёсий хушёр», аммо оқилона мулоҳаза юритишга келганда гирт карахт танқид Обид шахсий хўжалигида «яна бир-икки йил шундай ишласа, қулоқ бўлиши турган гап» деб ваҳима, шов-шув кўтаради.

Обид коллективлаштириш сиёсатига бошда шубҳа билан қарайди, айниқса, уни бу ҳаракатнинг истиқболи — келгусида эҳтимол тутилган бир хавф ташвишга солади: «Тиктепа деҳқонлари бир рўзгорга айландилар деяйлик, бунда унчалик катта фарқ йўқ. Лекин шу бир рўзгорга айланганлар ичida яхши ишлайдиганлари бор, ёлқамсиқлари, муғомбирлари бор. Албатта, бу сўнгиларидан бириси ўз табиатидаги ёлқамсиқликни қиласди, иккинчиси муғомбирликни ташлай олмайди.. Аммо, яхши ишловчи деҳқон билан бу иккиси кузда даромадни баравар тақсим қилиб ола беради... Бу ёқда яна бир эҳтимол бор: ишchan деҳқон муғомбир билан ёлқамсиққа ишлаб берайми, дейди-да, бу ҳам яхши бир ялқовга ёки мукаммал бир муғомбирга айланади...» («Обид кетмон», 1959, 108-бет). Обид назарида «Тиктепа ерларини бириттириш, орадаги чегараларни йўқотиб, бир бутун қилиш қийин гап эмас», колхозга киришда ўзидан кетадиган нарсалар учун унчалик ачинмайди, аммо «одамларни текислаш мумкинми?» деган савол кўнглини ғаш қиласди. Обид шу хусусда яқин одами — коммунист Берди татарга сўз очганида, у: «Колхозлаштириш шиорини ташлаган коммунист фирмаси масаланинг бу томонини ўйлаб қарамаганмикин, шундай катта ишга бел боғлаган ҳукуматнинг сен билан менча ақли йўқмикин!» — деб мушкул саволга савол билан жавоб қайтаради («Обид кетмон», 111-бет). Фирқа топширигини сўзсиз бажаришга одатланган фирмә аъзоси Бердибоя яна: «Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров «лаббай» дейман», деб жавоб қиласди. («Обид кетмон», 112-бет).

Қарангки, асар қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар устида «шундай катта ишга бел боғлаган» раҳнамолар яхшироқ ўйлаб кўрмаган экан, фирманинг итоаткор ходимлари эса ўйланмай қабул қилинган қарор-топшириқларни «лаббай» деб ижро этаверганлар; айни шу колхоз ҳаракатининг бошидаёқ «Обид кетмон» қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар кейинчалик жиддий муаммога айланди. Худди шу тарздаги «текислаш», кўр-кўrona ижрочилик туфайли деҳқон хўжалиги издан чиқди, деҳқон энг азиз бисотидан — ерга, мулкка эгалик туйгусидан маҳрум бўлди, бу ҳол бора-бора деҳқондаги ўз касб-хунарига бўлган туфма ихлоснинг, шахсий ташаббуснинг сўнишига олиб келди.

Хўш, шундай хавфни сеза туриб, нега Обид Бердибойнинг ташвиқига жиддий эътиroz билдиримади, колхозга кирди, деган савол туғилади; бу ерда масалага тарихий нуқтаи назардан қараш керак. Обид юз бераётган ҳодисалар ҳақида ҳар қанча теран ўйламасин, у — ўз даврининг фарзанди, колхоз ҳаракатининг «афзаликлари» хусусида кенг авж олдирилган тарғиботлар Обидга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, гарчи «колхозчилик муваффақият қозонгандага текис, масъуд турмушга етилади, башарти қозонмагандага

чи?» деган ўй уни тарк этмаса-да, барибир, «камбагал-мехнаткашга турмушда енгиллик бериш, барчани текис турмушга, текис саодатта етказиш» гояси ширин орзу сифатида уни ўзига мафтун этади («Обид кетмон», 114-бет).

Обидни колхоз ҳаракатига тортган яна бир муҳим хусусий омил бор. Улуғ реалист қаҳрамони характеристига хос табиий бир ҳолатни – уни биз худбинлик деймизми ёки инсоний ожизлик деб атаймизми, нима бўлишидан қатъи назар, рўй-рост кўрсатаверади – Обид ҳалқ ўртасида от чиқаришни зимдан севади. Ёзувчи қаҳрамондаги бу туйғу илдизлари хусусида ўз тахминларини ҳам айтиб ўтади: «Бу номдор бўлиш ҳисси ёки орзуси мулла Обид Шоҳномалар ўқиб юрган вақтларида туғилганми ёки ундан илгарими ҳар ҳолда бу ҳис ҳануз сақланиб келмоқдадир. Деҳқончиликда муваффақият қозониб, «Обид кетмон» номини кўтариш унинг бу ҳиссини бир даражада қаноатлантирган бўлса ҳам, бироқ ҳозир бу ҳисни кенгроқ бир доирага ўтказишга майл йўқ эмас. Бунинг учун колхоз унга яхши замин бағишламасмикин? Камбагаллар, очлар, яланғочларнинг саодати йўлида қаҳрамонлик, номдорлик-а?!» («Обид кетмон», 114-бет).

Бошда холис ният билан бошланган Обид кетмонда кўринган номдор бўлиш туйғуси, афсуски, кейинчалик кўп ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келди, бу нарса мудҳиши социал иллатга айланди, хушёр адиллар эътиборини ўзига торти; Қодирий издошлари Қаландаров, Давлатбеков, Отакўзи каби образлар тимсолида бу ҳодиса моҳиятини чукур бадиий таҳлил этиб бердилар (А. Қаҳҳорнинг «Синчалак», П. Қодировнинг «Қора кўзлар», О. Ёкубовнинг «Диёнат» асрлари назарда тутилмоқда).

Обид колхозга раис бўлиб иш бошлар экан, қатор жумбоқларга дуч келади. Бунда у жуда дадил, принципиал позицияда туради. Аввало, буйруқбоззлик усули, колхоз ишига юқоридан туриб билиб билмай аралашиб, кўрсатма бериш ҳолларига қарши чиқади. Иккинчидан, дабдабоззлик, мадҳиябоззлик жазавасига тушиб, озгина ютуқни гупуртириб, кўкракка уриш бошланганида мулла Обид тўғридан-тўғри оломонга қарши боради; «бойидик, большевиклашдик, социализмга чиқдик», деб талтайишларга жиддий эътироҳ билдиради. Колхоз ҳаракатининг бошидаёқ Қодирий пайқаган, адид қаҳрамонлари ҳаётда дуч келган бу кўнгилсиз ҳодисалар бора-бора қанчалик хатарли тус олгани ҳаммага аён.

Асарни ўқир эканмиз, ўта сезгир, хушёр реалист жамоатчиликни яна бошқа эҳтимол тутилган хатарлардан огоҳ этгандай бўлади. Қарангки, колхоз ҳаракатининг илк қадамларидаёқ пахта яккаҳокимлиги гояси туғилган экан; аёлларни, мактаб ўқувчиларини оғир дала ишларига жалб этиш ўша кезлардаёқ бошланган экан.

Аасарнинг кўп ўрнида пахта колхозда асосий экин бўлиб қолаётгани, пахтага ажратиладиган ерларни кенгайтириш зарурияти устида гап боради, ҳатто кичкина «Четан» колхози ерларининг «тўқсон беш фоизи» пахта ҳамда жуда яхши бўлмаса ҳам, ўртача ҳосил берадиган пахта»дан иборат экани айтилади («Обид кетмон», 222-бет). Коллектив ҳўжалик юритиш жараёни мантиқидан шу нарса аён бўладики, бу хилдаги меҳнат тарзи албатта «хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш»ни, болаларни, мактаб ўқувчиларини, шаҳарликларни дала ишларига жалб этишни тақозо этади. Шуниси ҳам борки, аёллар ўзларига мос енгилроқ меҳнатга эмас, энг оғир ишларга, масалан, чопиққа жалб этилади. «Тавба қилдим, худо... Хотинларнинг чопиқ қилганини етти отадан бу ёққа эшитмаган эдик, — деб баъзи хотинлар ёқа ушлайдилар» («Обид кетмон», 179-бет). Аммо шу каби тарихда бўлмаган оғир ишларни қилишга мажбур бўладилар.

Аасар бош қаҳрамонининг жамият турли қатламларига — фирмага, комсомолларга, қишлоқ устунлари саналмиш бадавлат кишиларга, дин пешволари — руҳонийларга муносабати ҳам ўзига хос, ҳозирги кун кишилари учун фоят қизиқарли. У жамиятда ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини, уларнинг асл синфий моҳиятини яхши тушунади. Бироқ одамларни фақат қайси гуруҳ, синфга мансуб эканига қараб дўст ёки душманга ажратмайди. Одамга баҳо беришда унинг учун бош мезон — кишининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, одамийлиги, амалий фаолияти. Ким бўлишидан, қайси табақа, ижтимоий гуруҳга мансуб эканидан қатти назар, у биринчи галда, одамин одам деб, уни тушуниб, одамларча муомалада бўлади: қишлоқ устунлари саналмиш бойлар инсофли, кўпчилик учун жони ачийдиган одамлар эмаслигини билгани ҳолда зиёфатга таклиф этганларида одамгарчилик юзасидан уларни кига боради, бироқ улар кувлиқ билан Обидни ўз томонига оғдиришга уринаётганликларини сезгач, дарҳол улар билан орани очиқ қиласи; яна ўша оддий одамгарчилик таомилларига кўра қишлоқ масжиди имомини меҳмондорчиликка чақириб, кўй сўйиб сийлайди... Обид учун коллективлаштириш давридан олиб ёзилган кўпчилик аасарларнинг фаол қаҳрамонларига хос «сиёсий хушёрлик» шиори остида одамларга шубҳа билан қараш, улардан бўлар-бўлмас душманлик қидириш, одамлар орасига нифоқ солиш одати бутунлай ёт. Мулла Обид бош бўлган колхозда қулоқларни рўйхатга олиш, уларни «синф сифатида тугатиш», сургун қилиш ишлари хийла силлиқ, тинч йўл билан ҳал этилади; қизиқон ёшларнинг худони, динни инкор қилиб, бошқаларни ҳам худосизликка чақириши мулла Обидга ёқмайди, соглом ниятили билимдан руҳонийлардан коллектив манфаати йўлида фойдаланиш йўлларини излайди, одамларнинг диний туйғуларига эҳтиром, одоб билан муносабатда

бўлади. Ибратли бир мисол. Берди татар қишлоқдаги намоз ўқилмай бўшаб қолган Катта масжидни клубга айлантиришни таклиф қилганида, Обид бунга асло қўшилмайди. У бу хусусда фоят мулоҳазакорлик билан мана бу гапларни айтади:

« — Бино-ку, албатта керак! ... Лекин Катта масжидни клубга олиш менга ёқмайди. Балки сиз: бу ўзи диндор, масжидни олишга худодан кўрқади, дерсиз. Ундан эмас, масжидсиз ҳам намоз ўқиш мумкин...

...Шундай. ... Менинг масжидни клубга олиш тўғрисида қаршилигим бошқа тўғридан... Мени бир ёққа кўя туриング, сиз қишлоқ ҳалқини назарга олинг. Бу ҳалқ сиз билан менингча ўйлаб, масалага «масжидда намоз ўқувчи йўқ» деб қарамайди, тўғридан-тўғри «динни бузадилар, шариатга раҳна соладилар» деб билади. Дуруст, очиқ қаршилик кўрсата олмас, бироқ ичдан кекланади. Бу эса бизнинг янги бошлаган ишимиз учун хайрли эмас. Масжиддан ҳам каттароқ, йиғилишга қулайроқ бир бино ёпиш учун ўн минг сўм сарф бўлсин, боринг, йигирма минг сўм кетсин. Аммо шу суммани фойда қиласман деб ҳалқнинг кўнглига кек жойлашга арзимайди, колхознинг юз минг сўмлик ҳосилига лат беради» («Обид кетмон», 187—188-бетлар).

У ёғини суриштирангиз, ёзувчи севимли қаҳрамонини асло идеаллаштирумайди, холис реалист сифатида уни мураккаблиги, зиддиятлари билан ўқувчига тақдим этади. Мулла Обиднинг тақдири, колхозга келгунга қадар ўтган кечмиши анча мураккаб, ўзига хос. Бир томондан, у инқилобдан бурунги тузум адолат-сизилкларини татиган, мардикорликка ёлланиб, Германия фронтида бир ўлимдан қолган, кар-гаранг бўлиб қайтган; иккинчи томондан, инқилобдан кейин анча вақт щуролар ҳокимиятига бетараф қараб келган, сўнг косибчилик ҳунари касодга учраб, рўзгор тебратолмай қолган кезлари унда ҳуқуматга қарши бир кек пайдо бўлган, жамиятдан, жамоат ишларидан ўзини четга олган — ёзувчи қаҳрамоннинг шу сингари «қовушмаган феъллари» ҳақида ҳам яширмай дангал гапиради.

Обид, Қодирийнинг ўтмиш ҳақидаги романлари қаҳрамонлари каби саводли, китоб кўрган, билимдон одам. Унинг меҳнат-кашлигига ишора бўлган «кетмон» лақаби билан баробар «мулла» лақабини олиши шундан. У худога ишонади, ҳатто колхозга бош бўлган кезларда ҳам беш вақт намозни тарқ этмайди. Бироқ мулла Обид — тор мутаассиб руҳонийлар тоифасидан эмас. У исломнинг илфор, ҳалқчил, гуманистик ақидаларига амал қиласди. У ҳеч қаочон одам боласига ёмонликни раво кўрмайди. Унинг пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб яшаашдан иборат ақидаси нақшбандийлик тариқатига бориб туташади.

«Обид кетмон»да узоқ йиллар социалистик ҳаёт тарзи акс этган асарларда деярли учратмайдиган файриоддий лавҳаларга дуч келамиз.

Чунончи, мулла Обидни раисликка кўтариш пайти «колхозга раис бўладиган киши номозхон бўлса ҳам майлими, бунга ҳукуматларимиз нима дер эканлар?» деган масала кўтарилади. Шунда масъул партия ходими: «Номоз ўқиши... кишининг хусусий иши, бирор кўпчиликнинг ишига ва ҳукуматнинг сиёсатига зарба бериш учун номоз ўқир экан, албатта, ҳукумат бунга йўл қўёлмайди. Аммо, ҳар икки томонга заарсиз равишда бирор номоз ўқир экан, бунга ҳукумат ҳеч нарса демайди... Обид кетмоннинг номози шу кейинги йўлда... Обид кетмоннинг ўқиган номози унинг колхозга раис бўлишига моне бўлмайди» деган жавоб қиласди. («Обид кетмон», 152-бет.) Бугина эмас, шундай саволни берган киши «синфий душманга сотилган одам», бу — қип-қизил фитначи, демагогнинг иши, деган қатый хулосага келади... Оқилона сиёсат тантана қиласди, Мулла Обид бир оғиздан раисликка сайланади.

Ўйлаб қоласан киши, «жанговар атеизм» жунбушга келган ўша йилларда ҳақиқатан ҳам ҳаётда шундай бўлганмикин? Ёки бу шунчаки ёзувчининг орзуси, янги, эркин демократик коллектив дехқон хўжалиги ҳақида адаб тасавvuридаги моделнинг бир хусусиятимиidi?! Мабодо ўша кезлари шу хил сиёсат ўтказилган бўлганда адабий танқид қиссадаги дин ва диндорлар билан алоқадор ўринларга бу қадар хурож қиласмиди?! Агар Қодирий талқинидаги динга, диндорларга оқилона сиёсат ўша кезлардаёт изчиллик билан ўтказилганида, тантана қилганида жамият қанчадан-қанча беҳуда галвалардан, фожиалардан халос бўлмасмиди?

Асарда худди шу масала билан боғлиқ яна бир характерли лавҳа бор. Берди татар Обидни фирқага тортишга тарғиб этади, ҳар жиҳатдан у фирмә аъзолигига муносиблигини айтади. Обид ўйланиб қолади. Улар орасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

« — Фирқага кириш... менга тўғри келмас...

— Нега келмас?

— Мен.. худога ишонаман.

Татар Мулла Обиднинг юзига тўғри қараб бош қашинади...

— Фирқанинг бошқа йўлларига қаршилигинг йўқми?

— Йўқ. Мен фақат худога...

Татар бир оз ўйланиб ўтиради...

— Хайр, бу масала очиқ қолиб турсин...» («Обид кетмон». 186—187-бетлар).

Салкам олтмиш йилдирки, бу масала очиқ қолиб келди.

Обиднинг динга муносабати масаласи каби асардаги руҳоний шахслар — Хатиб домла билан мулла Муҳсин образларининг бадиий талқини ҳам эътиборга сазовордир. Руҳоний зоти бўлса фақат ё салбий, ёки ҳажвий қаҳрамон сифатида нуқул қоралаш, фош этиш одат тусини олган 30-йиллар шароитида «Обид кетмон»да Қодирий тутган йўл кутилмаган фавқулодда ҳол, катта ижодий жасорат эди.

Ёзувчи қув, тамагир Хатиб домлани ҳам, унинг зидди бўлмиш гўл, соддадил, аммо ҳалол одам мулла Муҳсинни ҳам синфий, мафкуравий душман деб эмас, холис туриб инсон сифатида — ҳаётда қандай бўлса шундайича, мураккаблиги, зиддиятлари, айрим фазилатлари (хусусан, мулла Муҳсин образида) ва инсоний ожизликлари билан бор ҳолича тирик одам сифатида гавдалантиради. Мана шу холис реалистик йўл ҳақиқатни эмас, синфий-мафкуравий мақсадларни бош мезон — дастак қилиб олган ўша давр танқидчилигига маъқул тушмайди. Синфий позицияда изчил турувчи танқидчилар назарида дин фақат оғу, диндор одам борки — барчаси реакцион, синфий душман, уларда ижобий фазилатлар, умуман, улар орасида яхши, ҳалол одамлар бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра руҳонийларни «яхши» ва «ёмон»га ажратиш жиддий хато... Шундай қилиб улар «жаҳолат»га, «мутаассиблиқ»ка қарши курашман деб, беихтиёр ўzlари жоҳил, мутаассиб кимса ҳолига тушиб қоладилар; ҳаётда, 30-йиллар шароитида Хатиб домла билан баробар мулла Муҳсин типидаги шахслар ҳам борлиги, улар «асл ҳаёт»нинг ўзидан, ўзбек турмушидан олингандигини ўжарлик, мутаассиблиқ, бундан ҳам ёмони, сиёсий демагоглик билан инкор этишга урина-дилар. Юқорида тилга олинган 1937 йилда «Қизил Ўзбекистон»да чиққан тақризда: «Абдулла Қодирий одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» деган «гуруҳлар»га бўлади. Шунинг учун ҳам у «Обид кетмон»да диннинг моҳиятини очиб бериш ўрнига, руҳонийларни «яхши» (Муҳсин домла каби) ва «ёмон» (Хатиб шалҳак каби) руҳоний тарзида кўрсатиш билан ўзини катта иш қылгандек ҳис этади, ваҳоланки, бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишидир», — дейилади. Тақриз муаллифлари, айниқса, мулла Муҳсиннинг «ижобий тип» қилиб кўрсатилиши, яъни унинг ислом динини тўғри англаши, беш вақт намозни ҳам қўймаслиги, бошқаларга ҳам зарар бермаслиги, динни ўз шахси учун ишлатмаслиги сингари хислатлари тасвирига тоқат қилолмайдилар. Демак, бу образ бундай табиий хусусиятлардан халос этилиши лозим... Мабодо шундай қилинганда бу шахсдан нима қолиши, умуман, тирик одам, ҳаётий, ҳаққоний образ сифатида барбод бўлиши уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Аслида улар учун реалистик адабиётнинг жон-тани бўлмиш образнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги, самимилиги — бир пул, уларга ҳаётий образ эмас, фақат синфий мафкурага хизмат қиласиган, бу ўринда эса динни, синфий душманни фош этишга ярайдиган қўғирчоқ керак, холос.

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида ёзувчи — санъаткор сифатида «Обид кетмон»даги Хатиб домла ва мулла Муҳсин образларининг ҳаётий, ҳаққонийлигига тан беради. У мамнуният билан мана буларни ёзади:

«Домлаларнинг образини чизишда ёзувчи — санъаткор. Домлаларнинг юриш-туриши, сўзлари, фикр юритиши, халқни алдаш ва ҳоказо бутун сифатлари ўқувчининг кўз олдида жонланади. Асарда домлаларни ёзувчи етакламайди, улар ўзлари домлаларча юрадилар. Уларнинг оғзига ёзувчи ўз сўзларини тиқмайди, улар ўзларича сўзлайдилар... Қишлоқ домлалари ҳақидаги боблар юмор ва сатира билан тўла, жонли, реал картиналардан иборат» (Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том, 305-бет).

Аммо Ойбекдек санъаткор ҳам ўша давр ҳукмрон мафкураси исканжасида юқоридаги гапларига зид бориб, «ёзувчи «қиттак» ўнгга бурилиш» ясаганлигини, домла Шалҳакни очкўз Хатиб домлага контраст тип қилмоқчи бўлганинги танқид қилишга тушади. Домла Шалҳакнинг соддадил, гўл, «кирсиз мусулмон» сифатида берилишига, ҳийлакор, олғир эмас, ҳатто оғзидаги ошни ҳам олдириб қўядиган, тузофига тушган овни ҳам эплаб ололмайдиган, динни, шариатни тўғри англайдиган, тўғри татбиқ Қиладиган одам тариқасида талқин этилишига қарши чиқиб, бу образнинг ҳаётийлиги, табиийлиги хусусидаги бояги юксак баҳосини бутунлай инкор этади. Ойбекни бунга мажбур этган нарса охирида аён бўлади. У ҳам юқоридаги тақриз муаллифлари каби диндорлар образидан охир-оқибат синфий-мафкуравий мақсадларни талаб этади; бу образларда адид «диннинг аҳамиятини, унинг эксплуататор характеристини очишга уринмаган»лигини, Мулла Мухсин образида «диннинг моҳиятини фош этишга уринмаган»лигини айтади (Юқоридаги асар, ўша бет).

Шу тариқа Ойбекдек санъаткор ҳам оқибат-натижада ҳаққонийтиқ, ҳаётнийтиқ принципларидан чекиниб, синфий-мафкуравий мезон талаби олдида бош эгади, ўта ҳаётий, жонли образлар қимматини шу мезон — талаб орқали йўққа чиқаради. Асарга, образларга мутаассибларча тор синфий-мафкуравий ёндашув алабиёт, реализм йўлида нақадар каттағов бўлганини, реализмниң ҳаққонийтиқ, ҳаётнийлик, холислик сингари муқаддас принципларини маҳв этишга қаратилганинги мана эниги бутуни даҳнати билан ҳис этялмиз. Синфий-мафкуравий муносабат даҳнатат солиб турган 30-йиллар шароитида «Обид кетмон»да талай холис туриб битилган бетакрор ҳаққоний, ҳаётий образларини, жумлалан, Хатиб домла ва мулла Мұхсинлек жонли тинларини яратилиши чиндан ҳам жiddий жасоратлир.

Нихоят, яна бир мұхим савол. Нега сиёсий стук, ташаббускор фаоллар, қашшоқ батраклар вакили қилиб, айни Обид кетмон ҳа, ўша худога ишоналиган, руҳонийларга хайрихоҳ, таржимах ҳолида «доғ»лари бор, бир вакиллар кўнглила кек сақлаган, иккек хўжаликни хуш кўриб, колхоз ҳарракатига бонула унча хайрихоҳ бўлмаган ижтимоий писсив олим раисликка сайланди? Ген

шундаки, Обид, аввало, мулла, китоб кўрган, билимдон, қолаверса, чин меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, мустақил одам. У бир қарашда содда, дағал бўлиб туялган табиати ва шу соддалик, дағаллик замирида ётган фавқулодда теран ақл-идроки, тадбиркорлиги билан ҳаммадан ажралиб туради. У хўжаликни сохта фаоллик, гапдонлик, сиёсатбозлик билан эмас, балки ҳалқнинг бой деҳқончилик тажрибаси, иқтисодий сабоқ, ҳисоб-китоб асосида бошқаради.Faқат Обид эмас, унинг яқин фаоллари — маслакдошлари ҳам деҳқончилик бобида билимдон кишилар. Суғоришга оид бир баҳсада оддий деҳқон рус агрономининг хато қарашига қарши чиқади, ўзининг ҳақлигига уни ишонтира олади; ўша деҳқонлар немисларнинг ерни гўнг шираси орқали ўғитлаш усулиниңг афзал томонларини ҳам, кам-кўстларини ҳам ажратадилар...

Қаҳрамон образининг ўзига хослиги, ёзувчининг асл муддаосини тушуниб етмаган ёки тушунишни истамаган танқидчилар: «Обид янги тип кишилар, колхозчилар образи, айниқса, социализм йўлида актив иштирок этувчи колхоз раисининг образи бўлолмайди. У икки жаҳон ўртасида қолган қолоқ одам. У — тип, образ ҳам эмас, ўйланиб чиқарилган схема» деб даъво қиласидилар. Адиб танқидчилар тасаввуридаги «типик» раҳбар ходим — «фаол» раис образини эмас (бунақа фаол раҳбар ходимлар образи адабиётда кўп яратилган), айни улар назарида «қолоқ», «схема» бўлиб кўринган раҳбар образини яратган экан, бунда чукур маъно бор. Ёзувчи эътиқодича, «сиёсий ҳушёр», «синфий» томондан мақбул, чаққон, гапдон кимсалар эмас, айни Обид типидаги билимдон, ишбилармон, холис, вазмин, мулоҳазакор одамлар колектив хўжаликни чина-камига оқилона бошқариши мумкин. Ёзувчи Обидга синфий томондан эмас, меҳнаткаш ҳалқ, деҳқон аҳли манфаати нуқтан назаридан келиб чиқиб баҳо беради, худди ўша Обидни қишлоқ кишилари назарida унинг зидди бўлган, келиб чиқиши жиҳатидан меҳнаткаш, мафкура томонидан шўроларга яқин, аниқроғи, «партия ва шўро аъзоси», аммо фақат гапни, булбулдек сайрашни биладиган, меҳнатдан, хўжалик юритиш илмидан йироқ, бу борада деҳқонларга маъқул фикр айттолмайдиган кимсаларга қарама-қарши қўяди. Муаллиф ёзади:

«Қишлоқилар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўринсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар. «Пих ёрган» деб нах шулауни айтса бўлади. Ўртоқ Очилди чет қишлоқнинг боласи бўлмаганидек, советга чет унсур ҳисобланган оиласдан ҳам эмас — Тиктепанинг ўзидан чиқсан, кам ерли, камбағал деҳқоннинг боласи. Агар ишонсангиз оғзи билан меҳнаткашлар мафкурасига жон беради. Бироқ, қишлоқилар оғзи билан ўроқ ўриб, оёғи билан машоқ терувчига қаноатланиб қола бермайдилар, яъни маъраканинг гули бўлмоқчи

бўлгандан яна бошқа нарсани ҳам талаб қиласилар. Омочнинг кулоғини ушлаганми, кетмоннинг шамолини еганми? — Хўп, еган бўлса, ўз касбида қанчалик муваффақият қозонган, ёлчибина хирмон кўтарганми, бели букилибгина аравага пахта ортиб, ертўлага дехқончилик тўйканми?

Ўртоқ Очилди Собиров, Мирвали банди таъбирини қўлласак, маъракада сўз вожидан «гар-гар» қилса ҳам, бироқ, дехқонларнинг кейинги шартлари устига келганда яна Мирвали ота иборати билан жавоб берсак «ер чизади». Қишлоқилар ўзларича энг аҳамиятли ҳисобланган кейинги шартни Очилди Собировдан тополмайдилар, шунинг учун йигинлардаги унинг сўздан ўйнаган хулсларига уччалик аҳамият беролмайдилар. Аммо мулла Обид...» («Обид кетмон», 29—30-бетлар).

Обид типидаги истеъодди, ишбилармон, тадбиркор шахслар — халқнинг миллий бойлиги. Ҳаёт йўлидаги, табиатидаги барча зиддиятли жиҳатларига қарамай қишлоқ аҳли яқдиллик билан мулла Обидни ўзларига бошлиқ қилиб сайлаган эканлар, бу тасодифий эмас. Асл дехқон учун шундай раҳнамо керак, меҳнаткашлар назарида Обиднинг «қовушмаган феъллари», «синфий чекланган»лиги катта айб саналмайди. Афсуски, ҳаётда акс ҳол устун келди, шахсга синфий-идеологик талаблар асосида ёндашиш устувор бўлган кезлари Мулла Обид типидаги халқнинг миллий бойлиги саналган истеъодди одамлар раҳбарликка йўлатилмади, йўлатилганлари ҳам мафкуравий «чекланганлиги», «хатоси», ўтмишдаги «гуноҳ»лари учун ишдан четлатилди, қатағон қилинди, гумроҳ танқидчилар эса уларни адабий асар қаҳрамони бўлишга нолойик санадилар. Бундан халқ, жамият, қолаверса, адабиёт қанчалар ютқазгани тарихдан маълум! Ёзувчи мана шу хатарни кўрган, билган ҳолда ўз асарида Мулла Обид намунаси орқали гўё тарихнинг шафқатсиз оқимига терс бориб, хато сиёsat тазиқига тушиб қолган гумроҳ бандларга сабоқ бермоқчи бўлгандай туюлади.

Қиссада колхоз йўлига кирган меҳнаткаш дехқоннинг умумий қайфияти — улардаги коллектив хўжаликнинг истиқболи, баҳтили, фаровон турмуш ҳақидаги тарғиботларига болаларча умид-ишонч, шу ширин орзу-ишончдан туғилган чексиз ғайрат-шижоат, саратон қуёши остидаги дўзах азобига тенг меҳнатни роҳат-фароғат билиб, ўзларини қуёш билан курашга чоғлашлари, қўлга кири-тилган озгина омадни катта баҳт санаб зўр тантана қилишлари, ютуқлардан сўз очган нотиқнинг ҳар бир гапига олқиши ёғдиришлари — барчаси ажиб бир нозик киноя билан қаламга олинган. Бу картиналар А. Платонов повестидаги истеҳзоларга тўла меҳнат тасвирини ёдга туширади.

Қизиги шундаки, колхоз ҳаёти, меҳнат-шижоати, дабдаба-ю асьасалар тасвири орасида гоҳо бир дақиқагина дехқонларнинг

ночор, аянчли аҳвол ҳолати — орзу-умид қанотидаги парвоз билан реал турмуш орасидаги зиддият ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Мана, одамлар байрам кунида ҳам дам олмай балчиққа қоришиб, тинка-мадори қуриб, қурсоқлари яланиб меҳнат қилаётирлар. Шунда кўқдан улар учун байрам муждаси ёғилади, самолётдан байрам варақалари тарқатилади, уларда, жумладан, «Биз коллектив хўжалик орқали фақирликдан қутуламиз» деган сўзлар ёзилган. Зовурда ишлаётган соддацил деҳқонлар бу «умидбахш» сўзлардан қувониб, бу ваъдаларга учиб, «гўё баҳт талашаётгандек «яшасин» деб қичқирадилар, зовурда чапак, олқиши, яшасин товушлари янграйди... («Обид кетмон», 170—171-бетлар).

Нарироқ бориб меҳнат шиҷоати билан ёнган, фаровон турмушга умид боғлаган деҳқонларнинг ҳақиқий ҳоли маълум бўлади: «Сигирлилар шаҳарга сут, қатиқ сотиб, пулини рўзғор керак-яроғига яратиш учун бир-икки қунга идорадан рухсат сўрайдилар. Сигирсизлар пулсиз қийналганликларини арз қилиб, бирор ҳафта мардикор ишлаб беш-үн сўм топиб қайтиш учун изн истайдилар. Баъзилар этиксиз шудгорда қийналганликларини кўрсатиб, идора этик бермаса, ишга чиқмасликларини танбех қиласидилар» («Обид кетмон», 176-бет).

Ҳар қандай ғайрат, меҳнат шиҷоатининг ҳам чегараси бор. Қарангки, колхоз ҳаракатининг илк босқичидаёқ бошланган зўр меҳнат шиҷоати мoddий муҳтоҷлик туфайли секин-аста сўна бошлаган. Энди меҳнатни уюштиришнинг бошқа чора-тадбирлари кўрилади — қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатиш, зўравонликка ўтилади. Колхозчиларнинг бояги арзи додларига идоранинг жавоби шундай: «Идора уларга изн беролмайди, чунки изн бериш — колхоз ишини ост-уст қилиш деган сўз. Бундан ташқари, ўн кишига изн берилса, эртага йигирма кишининг рухсат сўраши турган гап. Шу билан бирга, гарчи баъзиларининг узри бир баҳонадан иборат бўлса ҳам, баҳар ҳол уларни сукут қиласидириш учун тадбирлар лозим бўладир...» («Обид кетмон», 177-бет).

Эркин меҳнат хўжалиги орзуисида ташкил топган колхоз хўжалиги шу тариқа бора-бора меҳнат каторгасига айланган. Ҳатто Обид кетмондай тадбиркор, инсонпарвар одам ҳам ўша хилдаги шаф-қатсиз тартиб исканжасидан чиқиб кетолмайди, хўжаликда қатъий меҳнат интизоми ўрнатиш бобида кўпинча қаттиққўллиликни ҳаддидан ошириб юборади. Чунончи, Аҳмад тоға танбалроқ одам ёзилиш баҳонасида меҳнатдан бўйин тоблаганида, уни тафтиш қилиб, ёзилган жойини бориб текширади, шу тариқа унга танбех беради, уялтиради... («Обид кетмон», 213—214-бетлар).

Юқорида келтирилган колхозчиларнинг мoddий аҳволига оид лавҳа колхоз ҳаракатининг биринчи йилига тегишли. Орадан тўрт йил ўтиб, колхоз қурилиши «дев қадамлар билан илгарилаган»,

тўрт йиллик галабани нишонлашга багишланган катта тантана арафасидаги умри бетиним меҳнатда ўтаётган деҳқонларнинг ҳолаҳволи ҳақида йўл-йўлакай муаллиф мана буларни ёзди: «Аъзолар ёз ўтиб кийим-кечакка, кўрпа-ёстиққа қарай олмаганлар. Барчанинг яктак-иштони, тўн ва чоловори лавак-лавак бўлган, этиклардан пайтава осилиб юрийди. Аксар дўппилар тепчиgidан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради...» («Обид кетмон», 245-бет).

Шуниси ҳам борки, биз юқорида тилга олган ўринлар, қиссада кўтарилиган колхоз қурилишининг илк босқичига оид талай зиддиятли ҳолатлар, муаммолар бутун ўткирлиги билан ўқувчини ўйга толдирдиган, ларзага соладиган пафос даражасига бориб етмаган. 30-йиллар шароитида бунинг иложи ҳам йўқ эди. Бироқ ўша кезларда колхоз ҳаракати ҳақида шунча гапларни, бор ҳақиқатни йўлини топиб айтиш, ифодалаш катта шижоат эди. «Обид кетмон» ҳақиқати ўша мураккаб йиллар ҳақидаги бугунги ошкоралик, демократия даври тафаккурига кўп жиҳатдан мос тушиши кишини ҳайратга солади, ўз давридан бир неча ўн йиллар илгарилаб кетган донишманд, ҳақгўй, чин реалист адабимизга бўлган хурмат-эътиборимизни яна бир карра оширади.

## ФИФОН

(Илова. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира қиссаси хусусида)

«Қодирийнинг сўнгги кунлари»ни варақлашим биланоқ 1987 йил май ойида Дўрмондаги ёзувчилар ижод уйида хотира қисса муаллифи Ҳабибулла Қодирий билан бўлган мулоқотлар ёдимга тушди. Ҳабибулла aka ўша йили қиши ва баҳор ойларини ижод уйида ўтказдилар. У киши оғир бетоб эдилар. Ҳар куни шаҳардан ўғиллари келиб хабар олиб туришар, умр йўлдоши эса укол қилиб муолажани давом эттиради. Шунга қарамай Ҳабибулла aka бетиним ижод билан банд эди. Ён хонада туриб бемор одамнинг кунни тунга улаб ишлашига, бир чеккаси, ҳавасим келса, бошқа томондан, унинг аҳвол-руҳиятини, ранг-рўйини кўриб юрагим эзилиб кетарди. Чамаси, кўпни кўрган шифокор, ёзувчи бу одам умрининг сарҳисоб пайти яқинлашганини ичдан сезар, авлодлар учун жуда муҳим гапларини айтиб қолишга, қофозга туширишга шошиларди. Кунларнинг бирида оқшом пайти ёзувчи Сайд Аҳмад Пиримқул Қодиров, Ҳабибулла aka ва мени боғ ҳовлисига меҳмонга таклиф этди. Ярим тунга қадар давом этган бу мароқли сухбатда Сайд Аҳмад aka очилиб кетиб, илк бор ўзининг лагерь ҳаёти ҳақидаги аччиқ қиссасини гапириб берди. Авваллари мен ундан бу ҳақда сўраганимда, негадир нуқул гапга чап берар, бу тўғрида сўзлашни хуш кўрмас эди. Эҳтимол, ўша куни икки жабрдийда учрашиб, ёнма-

ён ўтириб эски яралар очилиб кетдими, ҳар ҳолда ўша куни Саид Аҳмад ака бутун бир йирик фожиавий асарга арзигулик аламли достонини тўкиб солди. Кейинроқ «Шарқ юлдузи»да босилган «Қўрқув салтанати» деб номланган сұхбатида шу аччиқ достоннинг бир қисмини ўқувчиларга инъом этди.

Сұхбат пайти Ҳабибула ака деярли гапта аралашмай чукур ўй-хаёлларга гарқ ҳолда жим ўтиридилар. Меҳмондорчилик тугаб, мезбон билан хайрлашиб, Ҳабибула ака иккаламиз Пиримқул Қодировни боғ ҳовлисига кузатиб қўйдик; қайтишда у киши юрагини ёриб қолдилар: «Саид Аҳмад акангизнинг гапларини эшитдингиз-а... Мен шу кунларда иккита дард билан олишаяпман. Бири — жисмоний хасталик, иккинчиси Қодирий ва Қодирийлар хонадонининг армони, фифони... Саид Аҳмаднинг хотиралари менинг ярамга туз сепгандай бўлди... Мен шу пайтга қадар қалам тебратиб унча-мунча нарсалар битдим. Аммо ҳеч қачон ҳозир битаётган асарим каби ўзимда ёзишга, кўнглимдагиларни бўшатишга бу қадар кучли эҳтиёж сезган эмасман. У мислсиз оғир дард бўлиб вужуд-вужудимни ўртамоқда. Шу дард, шу армонни қофозга туширмагунча, ёзib битирмагунча бу дунёдан кетолмайман, жон беролмайман...».

Кимdir яхши айтган: тарихда шундай сиймолар бўладики, улар тарих, жамият ўзларига юклаган вазифани адо этмагунча дунёдан кетмайдилар. Эҳтимол, бу гап катта миқёслардаги тарихий миссиялар ҳақидадир. Аммо бу ҳикматни бошқачароқ, бирор ҳалқнинг маданияти, адабиётига даҳлдор шахсларга ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин, деб ўйлайман. Чунончи, Ҳабибула Қодирий ўзининг машаққатли фаолияти, отаси Абдулла Қодирий ҳақидаги хотиралари, айниқса, «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссаси билан маданиятимиз, адабиётимиз тарихи, ҳалқимиз учун бошқа бирор зот қилиши, қила олиши мумкин бўлмаган мислсиз улуф ишни, тарихий вазифани адо этиб оламдан ўтди. Мен аминманки, бу иш учун миннатдор авлодлар унинг табаррук руҳи олдida қайта-қайта қуллуқ қилажаклар.

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» «Ёшлик» журнали саҳифаларида эълон этила бошлаши биланоқ кенг жамоатчилик эътиборини ўзига тортди, ҳали асар охиригача босилмай туриб, у ҳақда жўшқин баҳслар бошланиб кетди, бир-бирига зид мулоҳазалар ўртага ташланди, фоят хилма-хил тоифа, турли ёшдаги ўқувчилардан журнал редакциясига хатлар оқими ёғила бошлади, адабий танқидчилар, ёзувчилар орасида асарни кўллаб-куватловчилар ва айни пайтда уни ғашлик билан нохуш қабул қилувчилар ҳам бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки у етмиш йиллик тарихимизнинг энг мураккаб, фожиавий йиллари, қатли ом жафолари, яна ҳам аниқроғи, улуғ адаб Қодирийнинг, Қодирийлар хонадонининг, қолаверса, бутун бошли адабиётимизнинг, маданиятимизнинг қора

кунлари ҳақидаги асардир; даврнинг ўта шафқатсиз ҳақиқати тўғрисида шафқатсиз далиллар — хужжатлар тили билан сўзланган ачиқ хотиралар достонидир, шоир Шукрулло сўzlари билан айтганда, бу асар «қора кунлар ҳақида айтилган рост сўз сифатида ҳам биз учун қадрлидир».

Шуниси характерлики, «Қодирийнинг сўнгги кунлари» асарининг матбуотда пайдо бўлиши А. Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» адабий тадқиқотининг ватанга қайтиши, «Новый мир» журналида чиқиши билан деярли бир пайтга тўғри келди. Бу икки асарни олдинма-кейин ўқидик.. Мен «Қодирийнинг сўнгги кунлари»ни асло Солженицин асарига тенглаштирмоқчи эмасман. «ГУЛАГ архипелаги» ўзининг ифода кўлами, фикрлар миқёси, мардона ҳақиқати жиҳатидан жаҳон адабиётida тенги йўқ асар. Аммо, камтарона бўлса-да, ўзбек матбуотида «ГУЛАГ архипелаги» билан бир пайтда, балки ундан сал олдинроқ ўзининг мавзуматериали, бешафқат ҳақиқати, пафоси жиҳатидан унга ҳамоҳанг асарнинг пайдо бўлиши адабиётимиз учун қувончли ҳодисадир. Атоқли тарихчи олим Рой Медведев «ГУЛАГ архипелаги»нинг хорижда рус тилида чиқиши муносабати билан 1974 йили ёзган ва орадан ўн беш йил ўтиб, асар ватанида илк бор юз кўриши туфайли «Правда» газетасининг 1989 йил 18 ва 29 декабрь сонларида эълон қилинган мақоласида шундай фикр бор: «Солженициннинг китоби одам боласи ҳазм қилиши қийин бўлган даҳшатли фактларга бой. Бу китоб чукур ва ҳаққоний, балким ҳар доим ҳам ҳақ бўлмаган, бироқ ўн миллионлаб одамларнинг ададсиз изтироблари, халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихида мисли кўрилмаган укубатлари замирида туғилган фикр ва кузатишлар билан лиммо-лим асар. Сталин лагерлари ва қамоқлари даҳшатли «Архипелаг»ига тушган ҳар бир зот ундан ёши ва саломатлиги жиҳатидангина эмас, ўзининг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги тасаввури жиҳатидан ҳам бутунлай бошқача одамга айланган ҳолда чиқади. Ўйлайманки, бу китобни кўлга олган одам ҳам уни ўқиб тугатгач, аввалгидан бутунлай бошқача бўлиб қолади...».

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» ҳам муайян кам-кўстларига қарамай, ўзига хос мардона, шафқатсиз ҳақиқати билан китобхонларнинг 30-йиллар халқ ҳаёти, маданий-адабий муҳит тўғрисидаги аввалги тасаввурларини ўзгартириб юбориш, минг-минглаб ўқувчилар қалбига туғён солиши қурратига молик асардир. Кўпдан бери ўзбек адабиётida бунақа ҳодиса юз бермаган эди.

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» хусусидаги гап-сўзлар негадир асарнинг фақат биргина «Жосуслар союзи» боби атрофида ўралашиб қоялти. Редакцияга келган мактублар ҳам асосан шу бобда қаламга олинган факт-ҳодисалар, шахслар ҳақида. Тўғри, мазкур боб асарнинг энг ҳаяжонли, айтиш мумкинки, кульминацион нуқтаси.

Унда ўқувчи кутилмаган, ўта бешафқат аччик ҳақиқатларга, дарҳол ҳазм қилиш, тагига етиш, тўғри изоҳлаш, одилона хулосалар чиқариш мушкул бўлган чигал жумбокъларга дуч келади. Эҳтимол, бу ҳужжатли хотира қиссанинг энг кучли жиҳатлари ҳам, муайян кам-кўстлари ҳам ўша бобда ёрқин кўринар. Ҳар қанча ҳаяжонли бўлмасин, бу боб асардаги кўпдан-кўп характерли воқеа-ҳодисаларни, аҳамияти, таъсир кучи жиҳатидан ўша бобдагидан асло қолишмайдиган фактларни, адабнинг аламли ўйлари, нозик кузатишларини сояда қолдирмаслиги керак.

Танқидчи Абдугафур Расулов «Хужжат ва бадиийлик» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 1 декабрь) «Қодирийнинг сўнгги кунлари»да ҳақиқий санъат асарига хос концепция мавжуд» дей ҳақ гапни айтади, аммо қиссадаги концепция нимадан иборат, деган саволга тайинли жавоб бермайди, концепция ҳақидаги жуда умумий, мужмал назарий мулоҳазалардан сўнг, бирдан бояги фикрига зид бориб, қиссадаги «воқеа-ҳодисалар, факту ашёлар заминини кўраман, улардаги ички боғлиқликни топаман, десангиз анча мушкул ахволга тушиб қоласиз» деб ёзди; унингча, қиссада «ҳақиқат акс этган». Лекин «бу ҳақиқат бадиий жиҳатдан» исботланмаган. Танқидчи умуман асарнинг қимматини шубҳа остига олади. Модомики, мунаққид концепцияси — «санъаткорнинг борлиғи, замон шамоллари, сиёсат тазииқига бўй бермайдиган асос» деб санар экан, қиссада айни шундай асос, воқеа-ҳодисалар, факту ашёлар орасида чуқур ички боғлиқлик, уларни бирлаштириб турадиган яхлит гоя — «санъаткорнинг борлиғи» мавжуд, муаллифнинг ноҳақлик, шафқатсизлик қурбони бўлган ота ҳақидаги қалб фифони, түғёни, барадла эшитилиб, шовқин солиб турибди-ку!

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссанинг ўзига хослиги, танқидчи даъво қилганидек, шунчаки «Отам ҳақида» хотирасига сифмай қолган, янги топилган, ниҳоят, автобиографик характердаги материаллар киритилган» лигидагина эмас, балким бу асар авваллари айтиш, ёзиш мумкин бўлмаган аччик ҳақиқатлар китобидир; асар сўз бошисида айтилганидек, «сиёсат ўзгарди, Сталин ҳокимияти паторат топди, ошкоралик,adolatни, ҳақиқатни очик айтадиган кунлар келди», қисса ана шу хайрли кунларнинг мева-сидир.

Бу асар билан танишганда беихтиёр адабиётимизда 70—80-йилларда лайдо бўлган халқнинг асл ўғлонлари билан шу халқ, жамият, ҳокимият муносабатлари талқин этилган, маломатли ўй-мулоҳазалар билан тўлиб тошган А. Ориповнинг «Маломат тошлири», «Оломон», Э. Воҳидовнинг «Рұҳлар исёни», О. Матжоннинг Шукур Бурҳон тўғрисидаги достон ва шеърлари ёдга тушади. Худди ўша асарлардаги каби «Қодирийнинг сўнгги кунлари»да ҳам

халқнинг асл ўғлони, халқи маданияти, равнақи учун жонини тиккан фидойи инсоннинг, тенгсиз истеъдод соҳибининг қадри муаммоси оғир дард, олов бўлиб муаллиф қалбини, вужудвужудини ўртайди, мана шу изтиробли ўйлар китобхон қалбига ҳам кўчиб ўтади, борлигини ларзага солади. Менингча, асарнинг концепцияси, пафоси шундан иборат. Мабодо қиссада ҳақиқат бадиий жиҳатдан исботланмаган бўлса, у ўқувчини ларзага солармиди, ўйга толдирамиди?!

Шуни ҳам айтиш керакки, асар Қодирий ҳаётига, ижодига оид мавжуд маълумотлар билан таниш, дидли, фаросатли китобхонларга мўлжаллаб ёзилган. Қисса 1926 йилги Қодирий ҳаётига доир мудҳиш ҳодисани эслатиш билан бошланади, лекин муаллиф бу ҳодисанинг тафсилотларини батафсил ҳикоя қилиб ўтирумайди. Маълумки, ўша йили Қодирий арзимас баҳона билан — «Муштум»да босилган «Иифинди гаплар» мақоласидаги раҳбар ходимлар шаънига айтилган беозоргина ҳазил-мутойибани рўкач қилиб, раҳбарларни обрўсизлантиришга уринган, деган айбнома билан қамоққа олинади. Бир неча ой давомида ёзувчи атрофида матбуот саҳифаларида уни кўролмаган айрим шахслар адовати туфайли ўринсиз, ҳақсиз ҳужумлар, англашмовчиликлар, bemaza иснодлар ва жимжималик замзамалар авж олдирилади, шу тариқа, Қодирий сўзлари билан айтганда, адоват мамлакат рангига бўялади. Қарангки, ўзини Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирди санаган, ўзи айтгандай, «Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомланган, Лениннинг соғлом, улуғ, фазаматсиз, гидирсиз йўлига томон» холис ниятда бел боғлаган, «Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган» бир одамга ҳеч қандай асоссиз аксилинқилобчи деган айб тақалади. Шўро ҳокимияти идораларида сидқидилдан ишлатан, «Муштум»нинг асосчиларидан бўлган, «Муштум»даги ичак узди фельетонлари, ҳажвиялари, оташин публицистик мақолалари билан янги дунё қуришда фаол кураш олиб бораётган, «Ўткан кунлар» романи билан адабиётда, халқимиз бадиий тафаккурида инқилоб ясаган улуғ адаб худди ўша «Ўткан кунлар» тўла ҳолда китоб бўлиб чиқсан йили ҳибсга олинади. Яхшиямки, ҳали инсоф, адолат барҳаёт экан, одамлар орасида инсоф, диёнат тугаб битмаган экан, юқори доираларда адолат йўлини тутадиганлар бор экан, Ижтимоий Шўролар жумҳурияти суд ҳукмини бекор қиласи, Қодирий озодликка чиқади. Аммо бу мудҳиш машмаша, суд можароси Қодирий учун оғир кўргилик бўлиб қолди, инсонлик шаъни, ҳуқуқи топталган ориятли адаб бу ишни ўзи учун маънавий ўлим санайди. Адаб судда сўзлаган нутқида «Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир», — дейди чукур алам билан.

Хўш, шундан кейин нималар бўлди? Хотира қиссада айни шу ситамли саволга жавоб топамиз. Асар бежиз «Қодирийнинг сўнгги кунлари» деб номланган эмас. Гап бу ерда қисқа фурсат — адаб ҳәётининг сўнгги кунлари устида бораётгани йўқ. Қодирийнинг «маънавий ўлими»дан то «жисмоний ўлими»га қадар орада ўн икки йилдан ошиқроқ муддат ётибди. Ўн икки йилга чўзилган бу давр чиндан ҳам Қодирийнинг сўнгги қора кунлари. Тўғри, бу йиллар давомида адаб учун нисбатан осойишта, ёруғ кунлар ҳам бўлди. Улкан истеъододлар учун озгина далда, сийлов ҳам уларга нақадар катта куч, илҳом баҳш этиши мумкинлигини Қодирий қисмати яна бир карра тасдиқлади. Суд пайти номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адаб юқори доирадагилар ҳি�ммати туфайли ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди, илҳом билан ижодга киришади, «Мехробдан чаён»ни ниҳоясига етказади. 1932—36 йиллар давомида онда-сонда бўлса-да, адига нисбатан озгина эътибор — Ёзувчилар Союзига қабул қилиниши, Москвада ўтган анжуманларда иштирок этиши, Қозон сафари, А. Икромов марҳамати, А. Толстой, С. Айний, Сўфизода каби таниқли шоир, ёзувчиларнинг хонадонида бўлиши — буларнинг барчаси уни катта ишларга руҳлантиради, қатор публицистик мақолалар ёзади, таржималар қиласиди, «Обид кетмон» романини яратади, янги тарихий роман учун материаллар йигади... Афсуски, айни ижодий балогатга етган, куч-кудратга тўлган адаб учун бунаقا осойишта, саодатли кунлар ниҳоятда оз, ўта танқис бўлди.

Қисса муаллифи адаб ҳәётидаги ўшандай танқис, саодатли дақиқаларни ҳам йўл-йўлакай эслатиб ўтади, лекин асосий диққат-эътиборни адаб тақдиридаги драматик, фожиавий ҳолатларга қаратади. Тарихда шундай алломалар бўладики, уларга муносабатга қараб, умуман, жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим қандай эканини баралла кўриш, укиш мумкин. Бизнинг тарихимиизда Қодирий ҳам шундай сиймолардан. 20-йилларнинг иккинчи ярмидаги, 30-йиллардаги Қодирий теварагидаги можаролар, адаб бошига тушган қора кунлар биргина ўша шахс тақдирига дахлдор бўлмай, бутунича тарихимиизнинг ҳам драматик паллалари, қора кунлариdir. Қарангки, Ленин вафотидан кейин бошланган демократияга, сўз эркига қарши хуруж, демагогиянинг илк қурбонларидан бири Қодирий бўлди. «Буюк бурилиш» даври, сталинча зўравонлик системаси ҳамласига биринчилардан бўлиб айни шу Қодирий дуч келди, адаб ижтимоий фаолиятдан, матбуотдан четлатилди, айни шу кезларда унинг «Муштум»даги фаолияти, ҳажвиялари яна қайтадан тафтиш қилинди, «Ўткан кунлар» кескин танқид остига олинди, ёзувчига жиддий гоявий-сиёсий айблар қўйилди, машъум ёрлиқлар тақалди. 30-йилларга ўтиб социализм олға борган сари синфий кураш, душман

синфи қаршилиги кучая боради, деган сталинча концепция илгари сурилган, «дushman» қидириш, «ёт унсур»ларни фош этиш жазаваси авжга мингандар кезлари илгор зиёлилар орасида бундай даҳшатли балоофатга илк бор дуч келганлардан бири яна ўша Қодирий бўлди... «Қодирийнинг сўнгги қунлари» муаллифи ғоят ишончли фактлар, вақтли матбуот, архив материаллари, ниҳоят, ўзи шоҳид бўлган жонли воқеалар — хотиралар воситасида буларнинг барчасини кўз олдимиизда гавдалантиради.

Биз кўпинчка кейинги пайтларда одамлар орасида меҳр-оқибат, инсоф-диёнат кўтарилиб бораётгани, мурувват, шафқат туйғуси хира тортиб, дагал, беоқибат, тошбагир бўлиб кетаётгани ҳақила кўп гапираётирмиз, аммо бу кўнгилсиз ҳодисаларнинг илдизлари хусусида ўйлаб кўраётганимиз йўқ. Ҳолбуки, бундай маънавий-руҳий инқизорзининг илдизлари, аввало, айни ўша сталинча зўравонлик, шафқатсизлик сиёсати авжига чиққан йилларга бориб тақалади. «Қодирийнинг сўнгги қунлари» бу жиҳатдан бизда ҳозирча тенги йўқ тарихий ҳужжат. Қиссани варақлар экансиз, ғайриинсоний авторитетар система, хато сиёсат, носоғлом мұхит одамлар орасидаги оддий муносабатларга раҳна солиши, меҳр-оқибатни емириб, маънавий жиҳатдан нақадар юзтубан кетишга олиб боришини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. 1926 йили Қодирий устидан уюштирилган фитна, суд тафсилотларидан биламизки, кечагина адиг билан ёнмаён юрган, бирга ишлаган, Қодирийнинг нурдай пок одамлигини, ҳар жиҳатдан ҳақ эканини билган кимсалар бу одам бошида кўланка айланиши биланоқ ундан ўзларини олиб қочадилар, бугина эмас, кўра-била туриб ютўғри гувоҳлик берадилар; ўзи ҳажв ёзиб, ҳажв нималигини яхши билган истеъдолди шоир оби ҳавога қараб имонига зид равишида адиг ҳажвияларига ҳужум бошлайди; куни кеча улуғ адигба шогирд тутинган, ундан сабоқ, маълумот, маслаҳат олган ёш танқидчи эртаси яна ўша оби ҳаво, мұхит, шароит таъсирида виждонига хилоф равишида адигба тухматлар қиласи, ҳақиқатнинг юзига туфлайди. Қиссанинг «Бўрон арафасида», «Жосуслар союзи» бобларини ўқигандан китобхон ўзини йўқотар ҳолга тушади. Қодирийга ҳужум, айниқса, машъум 1937 йили авжига чиқади, ўша йили матбуотда адигни «ер билан яксон этиш»га қаратилган элликдан ортиқ мақола босилади. «Улар бош мақола, обзор, «илмий текширув», ахборот тарзида ёзилган бўлиб, имзоли-имзосиз босилаверган. Хуллас, кимнингки мақола ёзгиси келса, обрў орттираман, ишонч қозонаман деса, ҳеч иккиланмай Абдулла Қодирийни «дўппослайверади» ва ҳеч «хато қилмай» мақсадига эришаверади. Гўё Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг бирдан-бир мудҳиш айбдори...» — дейди муаллиф изтироб билан. Айниқса, қисса муаллифини архив ҳужжатларида муҳрланиб қолган халқимизнинг, адабиётимизнинг фахри саналган атоқли ёзувчи-

шоирларнинг ўз ҳамкасби бўлмиш тенгсиз истеъдод эгаси Қодирийга ноxуш муносабати, у ҳақда айтган ноxақ гаплари оғир қийноққа солади. Қиссанинг айни шу ҳаяжонли, баҳсли ўринлари хусусида кейинроқ маҳсус тўхтalamиз.

Қодирийга муносабатнинг ноxуш тус олиши фақат ижтимоий-ижодий давралар билангира чекланиб қолмай, адид оиласи, кундалик турмushi, майший ҳаёт доирасига ҳам захрини солади. Узоқ-яқин одамларнинг, қўни-қўшниларнинг ҳам Қодирийга, Қодирийлар оиласига муносабати ўзгаради. Қодирийга ҳаммаҳалла, ҳамулфат Акбархўжа исмли бир зот ундан каттагина қарз олиб, қарзини узмайди, қабристондаги Қодирийлар хилхонасига шерик бўлиб олади. Ўша кезлари ишдан четлатилган, «Ўткан кунлар» учун берилган қалам ҳақини қарзга бериб доғда қолган Қодирий катта рўзгорни тебратиш учун ҳар хил қаланғи-қасанғиларга, яхши-ёмон одамларга ариза ёзиб бериш билан машғул бўлади. Бу Қодирийдек улуғ сиймо учун таҳқир, иснод, ҳақорат эди-ку! Бунақа «икир-чикир»лардек туюлган ҳодисалар, айниқса, Қодирийлар хонадони бошига катта кулфат тушган, Қодирий ҳибсга олинган кезлари зўр қудрат касб этади. Ўзини ўзбек, мусулмон, умуман, одам санаган бир гуруҳ кимсалар шу мушкул дақиқаларда жабрдийдаларга мадад бериш, мадад эмас, уларнинг ҳолига одам каби ачиниш ўрнига уларни таҳқирлайди, хўрлайди; эри қамалиб норасидалар билан қолган аёлнинг нолишларига, кечагина касалдан туриб, рўй берган мусибатдан довдираб ҳали ўзига келолмаган, номаълумлик қаърига кетган ота дарагида юрган Ҳабибулланинг ночор ҳолига қарамай, Қодирийлар оиласини уйидан қувиб чиқариш, уни тортиб олиш пайида бўладилар, хеч қанақа юз хотирга бормай, ўта андишасизлик билан бу ночор оиласидан Қодирий «қарзи»ни ундириб оладилар; кўч-кўч машмашаси пайти муштипар она «Хеч қаерга кетмайман, ўлигим шу ердан чиқади!» деб милиционерларга бўш келмай дод солиб йиғлаганида қўшни аёл зўрлик, ситамдан қақшаб қоврилаётган жабрдийда ёнини олиш ўрнига: «Хой, ҳукумат «кўчгин» дегандан кейин кўчиш керак-да, йиғлаганинг нима фойдаси бор!» дэя зўравонларга ён босади. Ҳолбуки, бу қўшни бир вақтлар Қодирийдан ҳиммат кўрган, 1933 йили очлиқдан оиласи билан шабкўр бўлиб қолганида Қодирий уларни боқиб кўзини очган эди.

Ҳабибулла «халқ душманининг ўғли» сифатида қамалиб, не-не жабр-ситамларни бошдан кечириб ГУЛАГ азобларига, бало-оғатларига дош бериб, юритига қайтганида яна ўша ноинсоф тошибагир кимсаларнинг таъқиб, таҳқир-надоматларига дуч келади. Қодирий кўли билан обод этилган бое ҳовлига кўз тиккан қаллоблар мақсадига эришади, ҳаммасини бўлмаса-да, ҳовлининг машҳур Қодирий шийпони жойлашган қисмини эгаллаб олишади. Буниси ҳам майли, Иккинчи жаҳон уруши йиллари фашистлар Ясная

Полянада улуф Л. Толстой уй-мулкини қандай топтаган бўлсалар, ўзимиздаги собиқ сталинчилар ҳам Қодирий мулкини ўшанақа ваҳшийларча оёқ ости этадилар: ўша машҳур шийпонни отхонага, атрофдаги олмазор, мевазор ерларни бузиб, чўчқаҳонага айлантирадилар. Гўзал романлар, ажойиб ҳикоялар яратилган, кўп улуф одамларнинг гўзал сұхбатлари учун маскан бўлган Қодирийнинг илҳомбахш уйи, шийпони шундай ночор аҳволга келтирилади. Муаллифнинг ўқинчларга тўла мана бу сўзларини жўн ўқиш мумкинми: «Ёз кунлари отхона ва унинг теварагида яшовчи хона-донлар пашшанинг кони бўлгани етмаганидек, устига-устак шийпон тагидан оқиб ўтадиган, четларига қозиқ тол ўтқазилган узун чиройли ариқда ёз кунлари иссиқлаб қолмасин, яхши ўссин, семирсин деб ўша юзта чўчқани чўмилтиришар экан. Ваҳоланки, бу ариқ бизнинг шийпондан ўтгандан кейин яна йигирма хонадонни сув билан таъминларди. У вақтларда ҳали бизнинг томонларга водопровод ўтқазилмаган, ҳалиги йигирма хонадон эса овқатга ва ичишга фақат шу чўчқа ювиндиси билан «табаррук» этилган ариқ сувидан фойдаланишар, челакларга, бак, хумларга сув тўлғазиб кўйиб, тинитиб ичишар эди. Жумладан, биз ҳам шу йўсин ўша ариқдан фойдаланаар, сувга аччиқтош ташлаб тиндириб ичар эдик...».

Ўша кезлари «халқ душмани»нинг оила аъзолари ҳам, кўни-кўшнилар ҳам бу ҳақда оғиз очишга, юқори идораларга шикоят қилишга журъат этолмайдилар. Ахир ўша пайтлари шўро чўчқаларига тил теккизиб бўлармиди! Бироқ одамлар барибир жим турмайди, аламларини яна ўша жабрдийда Қодирий хонадонидан олишади. «Бу отанг Жулқунбой қандай касофат одам бўлган-а, унинг жатига биз чўчқа шалтоғини ичиб ўтирибмиз!» — деб Ҳабибуллаға кесатиқ, ўпка қилишади... Бунақа ҳадсиз таъна-дашном, таҳқир-надоматларга қандай дош берди экан бу аламдийда ўғлон, унинг жигаргўшалари! Ана сизга сталинча мудҳиш муҳит етиштирган одамларнинг ҳоли, ахлоқ тарзи, бир-бирига меҳр-оқибати! Наҳотки, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Кутидор, Отабек, Кумуш, Ҳасаналилар авлоди бўлган халқ фарзандлари шу ҳолга тушиб қолсалар! Халқда «Корнимга эмас, қадримга йиглайман» деган аламли гап бор. Ҳ. Қодирий қиссаси бошдан-оёқ ана шундай аламли йифи, фарёд билан йўғрилган.

Дарвоқе, ўша мудҳиш қора кунларда Қодирий тақдири ҳақида ўйлаган, унинг ёнини олган, у ҳақда ҳақ гапни айтган, Қодирийлар хонадонига мурувват, мадад қўлини чўзган сиймолар ҳам бўлган. Қиссада А. Икромов, Қ. Берегин, Л. Соцердотова, Маниоп табиб сингари сиймолар тўғрисида илиқ гаплар айтилган. Лекин уларнинг жасорати, ҳиммати ўша зулмат қўйнида бамисоли ожиз щам каби шунчаки милтиллаб кўринади, холос. Улар зулматни ёритищ, зулмат булатини парчалашга қодир эмаслар. Бу ҳам реал ҳақиқат. Зотан,

ўша шароитда уларнинг жасорати, ҳиммати бундан ортиғига ярамайди.

Хотира қиссада Ҳабибулла Қодирийнинг мاشаққатли саргузаштлари — ота ҳибсга олингандан сўнг бошига тушган савдолар, таъқибу таҳқирлар, қамоқ, сўроқ, сургун азоб-уқубатлари ҳам ўрин олган. Бироқ бу ўринларда ҳам муаллиф бош мавзудан унча узоқ кетмайди, баъзи бир тасодифий детал, ҳолатларни, ортиқча тафсилотларни мустасно қилганда «Навбат бизга», «Тергов», «Лагерларда» бобларида ҳам асосий гап ота — Қодирий устида боради. Тергов пайтида Ҳабибулла Қодирийга қўйилган сохта айбномалар, терговчининг Қодирий қўлёзмаларига ваҳшнийларча муносабати, лагердаги Қодирий ҳақидаги миш-мишлар, турфа ҳангомалар, лагердан қайтгач, Қодирий хусусида янги чекист ходимлари билан мулоқот, Қодирийнинг фожиавий қисмати, ўлими ҳақида улар берган маълумотлар, Қодирийнинг оқланишига ҳисса қўшган ва монелик қилган кимсалар, ниҳоят, Қодирий расман оқланган, унинг қутлуғ номи, шаъни тикланган қувончли кунлар — буларга оид барча тафсилотлар маданиятимиз, адабиётимиз, Қодирий қадрига етадиган бугунги ва келгуси авлодлар учун бебаҳо ҳужжатлардир. Фақат бугина эмас, Ҳ. Қодирий ўз қиссада А. Қодирий тақдири билан боғлиқ ўттиз йиллик тарихимизнинг ҳали илм-фанда очилмаган, адабиётда ифодасини топмаган кўп қоронғи жиҳатларига йўл-йўлакай нигоҳ ташлаб ўтади, жумладан, колективлаштириш даврида қулоқларни синф сифатида тутгатиш кампанияси фақат қишлоқда эмас, шаҳарда — Тошкентда ҳам давом этгани, шаҳарда қўл учida тирикчилик қиласидан бегуноҳ сабзи-фурушнинг қулоқ қилингани, шаҳардаги пахта солиғи, табиб ва руҳонийларнинг таъқиб остига олиниши, 1932—34 йилги қаҳатчилик даҳшатлари тафсилотлари китобхон учун янгиликдир...

Мана, ниҳоят, сўз қизгин баҳсларга, шов-шувларга асос берган қиссадаги «Жосуслар союзи» бобига ҳам этиб келди. Маълумки, бу бобда юқори идораларнинг кўрсатмаси билан республика Ёзувчилар Союзида ўтказилган «аъзолар рўйхатини синчилаб текшириш», «тозалаш» ишларига оид архив ҳужжатлари, аниқроғи, ўша ҳужжатлар орасидаги Абдулла Қодирий билан боғлиқ тафсилотлар келтирилди, бу ҳужжат тафсилотларни ўзича изоҳлади. Ўша ҳаёт-мамот кунлари халқимиз узоқ йиллар ардоқираб келган Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ф. Гулом, А. Қаҳҳор, Уйгун, К. Яшин, Ойдин каби адибларнинг улуғ сиймо Қодирийга нисбатан тутган позицияси муаллифни ҳам, ўқувчини ҳам ҳаяжонга солади, изтиробли ўйларга толдиради.

Афсуски, адабий танқидчилик қиссадаги мана шу тоят аччиқ ва қалтис ҳақиқат моҳиятини етарли даражада холис — объектив, илмий таҳлил этиб беролмади, бу хусусда хийла зиддиятли, бир ёқлама, кескин фикрлар айтилди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

газетасида босилган «Холис ва ҳаққоний» сарлавҳали редакцион мақолада (1989 йил 11 август) «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссаси тилга олинмаса ҳам, айни қиссанинг «Жосуслар союзи» бобида келтирилган архив материалларини назарда тутган ҳолда шундай дейилади: «Ўша йиллари ижодий ташкилотларда ҳар куни мажлисга ўшаган тергов ва терговга ўшаган мажлис ўтган. Уларда кўзга кўринган зиёлилар ҳаммаси бир-бирига қарши қўйилган, аллақандай ёвуз куч уларни бир-бирлари билан жиққамушт қилган, бирининг қонли кўйлагини иккинчисига кийдирган. У ҳужжатлар ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиасини кўрсатади. Одамлар зўравонлик машинасига бир-бирларини қурбон келтирадилар...»

Ҳақ гаплар. Қани энди, «ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиасини кўрсатадиган ҳужжатлар шу баҳо асосида изчилиллик билан шарҳлаб берилса. Йўқ, ундан қилинмайди, ўша заҳотиёқ мақолада ўша мудҳиш ҳодиса ҳақида гап очиш, ҳужжатларни эълон этишга қарши чиқилади; буни «сталинча маъмурлар ясаган ўзаро душманчилик муҳитини қайси бир тарздадир давом эттириш ёки такрорлаш билан баробар» деб атайдилар. А. Расулов «Ҳужжат ва бадиийлик» мақоласида бу қарашни давом эттириб ва яна кескинлаштириб «Ҳ. Қодирий кўп ўринларда 30-йиллар кишиси сифатида фикр юритади» дейди. Танқидчи, умуман, ёзувчиларнинг хатолари ҳақида гапиришга қарши эмас, мунаққид муаллиф олдига бундай гаплар «ҳар томонлама исботланган фактлар асосида айтилган, гуманистик концепцияга асосланиши зарур» деган ҳақли талабни қўяди. Унингча, қисса гўё шундай гуманистик концепциядан холи, унда келтирилган ҳужжатлар ҳар тарафлама исботланмаган. У ёзди: «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасидаги ҳар томонлама ўрганилмаган фактлар, бошқа ёзувчиларга нисбатан ҳозирги пайтда айтилаётган фикрлар миллионлаб китобхонларни саросимага солиб, боши берк кўчага киритиб қўйяпти. Одам бир сўм пул йўқотса, ачиниб кетади. Унинг қалбидаги бойлик тортиб олинса, заррама-зарра пайдо бўлган эътиқод инқизорзга учраса, қандай аҳволга тушиб қолишини тасаввур этиш қийинмас».

Аввало, гапни қиссада келтирилган ҳужжатларнинг чинлиги масаласидан бошлайлик. А. Расулов ҳужжатларнинг ҳар томонлама исботланмаганлигини қайта-қайта таъкидлайди, лекин уларнинг асосли, чин эмаслигини тасдиқладиган бирорта ҳам далил келтирмайди, аслида келтиrolмайди ҳам. «Холис ва ҳаққоний» мақоласи муаллифи эса бундай ҳужжатларни ўша пайтда «фақат тор ёзувчилар доирасидагина айтилган ва фақат шу доиранинг ички ишларига тегишли» деб санайди, бугина эмас, ўша ҳужжатларни «маънавий ишончга лойиқ» эканига шубҳа билдиради. Қани энди шундай бўлса! Маломатлар бўлсинким, ҳужжатда қайд этилган тафсилотлар ҳаётда айнан юз берган. Бундай ҳолатлар «фақат тор

ёзувчилар доираси» ва фақат шу «доиранинг ички ишлари» билан чекланиб қолган эмас; хужжатларда келтирилган ёзувчилар доирасида, ичкарида айтилган гаплар аллақачон ташқарига ҳам чиқсан, қиссада номлари тилга олинган адилларнинг амалий-ижодий, илмий-танқидий фаолиятидан буни тасдиқдайдиган истаганча факт-далллар келтириш мумкин. Энг даҳшатлиси, ёзувчилар доирасида, шунингдек, матбуотда айтилган гаплар, хulosалар Қодирий ҳисбга олиниб, тергов қилинганида такрорланган, ёзувчи устидан айни шу хulosалар асосида ҳукм чиқарилган.

Мана шу ачиқ ҳақиқатни, «ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиасини кўрсатади»ган хужжатларни бугунги китобхонга маълум қилиш масаласига келганда, қизиқ, юқорида тилга олинган мақолалар муаллифлари бунга моҳият эътибори билан қарши, ўша қонли воқеалар гувоҳи бўлган кекса алломаларимиз, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси эса бунга тўла хайриҳо.

Республикамиз маданиятининг жонкуярларидан бири, кекса фахрий Сулаймон ота Азимов бу хусусда шундай фикрдалар: «Одамлар энди тилга кирдилар. Мана шундай вақтда ҳам тарихда мисли кўрилмаган жиноят қатламларини ёпиб: «...айтиб қўйсам, нима бўларкин?» деб кўркиб ўтириш, тарих олдида гуноҳ эмасми? Шу боисдан кекса авлоднинг вазифаси — ўзи кўрган-билганларини ҳозирги авлодга етказиш, токи кишилар ўтмишимиз ҳақида бор гапларни, ҳақиқий ҳодисаларни эшитсинлар, билсинлар! Бунингсиз ўтмишнинг жиноят қатламлари очилмай қолиб кетаверади. Ўтмишимиз ҳақида кишилар онгода ёлғон тасаввурлар туғилади. Бу эса, қўйинга тўлдирилган пуч ёнғоққа ўҳшайди. Токи элининг, халқининг келажагини ўйлаган, ўзини билган одам пуч ёнғоқ билан ҳеч кимнинг қўйини тўлдирмасин» («Гулистан», 1989, 12-сон, 16-бет).

К. Яшин ҳам ўша йиллари йўл қўйилган камчилик ва хатоларни очиқ ошкора айтишга даъват этади, унингча, ўша даврда бекорга азият чеккан, энг азиз умрларини бой берган ажойиб ёзувчиларимиз, олимларимиз ва санъаткорларимиз ҳақидаги бор гапларни айтиш керак, жон сақлаш мақсадида уларга бўхтонлар ёфдирган, туҳматлар уюштирган, таъқибга учраганларнинг ҳисобига яшаганлар кимлар эканлигини ҳамма, айниқса, ёш авлод билиб қўйисин; мабодо, гуноҳи борлар аниқланса, тавба-тазару қилишар, жамият ҳам уларни кечирад. Ахир бунинг нимаси ёмон! «Ўз айбини билган — мард» деган халқимиз»..., дейди адиб («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил 16 декабрь).

Бу хусусда бундан ошириб бирор нарса дейиш қийин. Энди «Қодирийнинг сўнгти кунлари» қиссади муносабати билан журналхонлардан редакцияга келган мактублардан баъзи намуналар,

қиссада келтирилган айни шу аччиқ ва қыргыс ҳужжатлар хусусида айтилган муроҳазалар билан танининг. Фарғона вилояти, Куба тумани 2-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нўймон Мўйдинов қиссадан чиқадиган маънони шундай тушунади: «Асарда тасвирланганидек. Жулқунбой фожиасининг бош айбдори «Халқлар отаси» ва унинг машъум сиёсатицир. Кўркув, шубҳа ва гумон давлат миёсига кўтарилиган бу давр тўфони, аввало, энг талантли, эътиқолли, тўғри сўз чинорларимизни синдириди. Бироқ кўреатма юқоридан берилган, қурбонлар қўйидан танланган. Агар ҳакамлар Лидия Соцерлотова, Қурбон Берегин каби одил, ҳақиқатгўй бўлганда. У. Носир, А. Қодирий қурбон бўлмаслиги мумкин эди. Афсуски, кўплар шамол йўналишига қараб иш тутишган, бўр ҳақиқатни тан олишдан кўра, ундан кўз юмишган. Бундай кишилар орасида адабиётимиз устунлари ҳисобланган ижодкорларнинг бўлиши фоят ачинарли ҳолдир. Чунки бошқалар тушуммаган тақдирда ҳам ўз соҳаси билимдонлари Қодирий ижодининг туб моҳиятини тушунишлари лозим эди. Бироқ кўркувми, ҳасад ёки ожизликми бунга йўл қўймаган».

Бўка туманидан мактуб йўллаган Абдуҳамид Пардаев қиссанинг аҳамиятини шундай тушунади: Ҳабибулла Қодирийнинг хотира қиссасини ўзбек халқининг энг янги тарихини яратишга қўшилган холис ҳисса сифатида ҳам баҳолаш керак. Биз шу тарихий асар орқали Қодирийнинг фожиали тақдиридан хабардор бўлиш билан бирга қатагон йилларидаги мудҳиш ҳодисалар ҳақида анчайин тўла тасаввурга эга бўламиз. Бу асар Сталин бебошликлари ҳақида ҳикоя қўлувчи ўзбек адабиётидаги дастлабки асар сифатида ҳам қимматлидир». Сўнгра мактуб муаллифи «Холис ва ҳаққоний» мақоласи билан мунозараға киришади, мақоладаги қиссада келтирилган шафқатсиз ҳужжатлар «сталинча маъмурлар ясаган ўзаро душманчилик муҳитини қайси бир тарздадир давом эттириш ёки тақрорлаш билан баробар» деган гапга жiddий эътиroz билдиради. «Ҳаётни бор бўйича кўрсатиш қачондан бўён хато саналадиган бўлиб қолди», дея хитоб Қитобхон А. Пардаевнинг қиссада қаламга олинган атоқли адиблар, жумладан, F. Ғуломнинг Қодирийга муносабати хусусидаги муроҳазалар шахсан менга жўяли бўлиб туюлди. Мана, бу ҳақда у нималар дейди: Faфур Ғулом шахсиятидаги хусусиятлар нега энди унинг ижодиётига соя солар экан? Шундай талқин қилишни оми бирор кишидан эшитганимизда эриш туюмасди. Бироқ муҳтарам адабиёт газетамиз мана шундай қовушмайдиган даъволар билан чиқаётганлиги фақат ажаблантиради. Шуни ҳам айтиш керакки, Faфур Ғуломни фаришта сифатида кўрсатишга уринишнинг нима ҳожати бор? Faфур Ғулом академик шоир, ўзбек адабиёти, халқимизнинг маънавияти юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшган забардаст ижодкор. Буни ҳеч ким инкор

қилаётгани йўқ, жумладан, Ҳабиулла Қодирий ҳам. Ижодкорлар улуғлигига шак келтиргмаган ҳолда улар ҳам эл қатори инсон эканлигини ким ҳам унutarди Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ҳабиулла Қодирийнинг асарини эмас, балки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Холис ва ҳаққоний» мақоласини сталинча маъмурларга хос ёндашиш деб қарашга тўғри келади...».

Нихоят, яна бир мактубдан парча. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Малика Йўлдошеванинг қалб қаъридан отилиб чиққан афсус-надоматларга тўла мана бу сўзларини эшитиб кўринг: «Биз улуг адиб Абдулла Қодирийдан жуда катта қарздормиз, унинг руҳи олдидга гуноҳкормиз. Унга ноҳақ тухмат тошлари отилди, асрой олмадик. Бегуноҳдан-бегуноҳ «халқ душмани» деган тамға босилиб қамоққа олинди, моненлик қила олмадик. Бевақт қурбон бўлди, унга отилган ўққа қалқон бўлолмадик. У фақат Сталин шахсига сифи-нишнинг қурбони бўлгани йўқ, балки кимларнингдир лоқайдлиги, кимларнингдир кўрқоклиги ва кимларнингдир қора юраклиги қурбони ҳам бўлди. Хотира қиссада Қодирий ҳаётининг кўп деталлари қаторида ана шу одамларнинг кўплари номлари ҳам рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида фош этилади. Уларнинг кўпли Абдулла Қодирий билан ёнма-ён ижод қилган, баъзан бир дастурхондан чой ичиб юрган алломаларимиз эканлиги, албатта, бизни жуда-жуда ранжитади. Лекин мен, — деб давом этади мактуб муаллифи, — улардан ҳозир ўпкалаб ўтироқчи эмасман. Ким билади, кимдир, нимадир уларни шундай қилишга мажбур қилгандир. Ҳабиулла аканинг хотира қиссаси эса нафақат Қодирийнинг сўнгги кунлари ҳақида қимматли маълумотлар бергувчи асар, балки бизни ҳалолликка, адолат, ҳақиқат, тантанаси учун курашишга, бу йўлда бефарқ, лоқайд бўлмасликка ундаидиган қиссадир. Ҳар қандай вазият, шароитда ҳам».

Очиғи, бу мактубларни мен асли билан танишмай газета ва журналда чоп этилганда ўқисам, улардаги сўзларга ишонмаган, улар атайнин уюштирилган ёки жиддий таҳрир, ишлов билан чиқарилган деб ўйлардим. Мактубдаги сўзларга ҳеч қанақа қалам теккизмай, қандай бўлса шундайича келтирдим. Қаранг, қандай ўқувчиларимиз бор! Тўғри, ҳамма китобхонлар ҳам улар даражасида эмас. Бироқ ҳалқимиз орасида шундай фаросатли, нозик дидли ўқувчилар бор экан, «Қодирийнинг сўнгги кунлари» сингари ўта шафқатсиз, мардона ҳақиқат руҳи билан йўғрилган асарлар тақдиридан хавотирга тушмасак бўлаверали. Қиссада келтирилган қалтис ва чигал ҳужжатлар «миллионлаб китобхонларни саросимага солиб, боши берк кўчага киритиб қўйяпти» деб ваҳима қилишга асос йўқ. Бир қисм тажрибасиз китобхонлар, даққи зиёлилар ёки ўта эҳтиёткор қаламкашлар, қиссада келтирилган ҳужжатларга шахсан даҳлдор кимсалар орасида муайян саросима, ёқтирумаслик кайфиятлари юз берган бўлиши мумкин, бунинг учун ажабланмаса

ҳам бўлади. Қиссани ўқишида атоқли ёзувчиларимиз ҳақидаги нохуш маълумотлардан огоҳ бўлиш пайтида ўқувчидаги туғиладиган ҳолатни — «бир сўм пулни йўқотган»даги ачинишга қиёс қилиш жиддий ижтимоий-маънавий муаммо маъносини жўнлаштиришдан, бачканалаштиришдан бошқа нарса эмас.

Ҳ. Қодирий ўз асарида аллома ёзувчиларимизнинг Қодирийга нисбатан ноҳақ, ноодил муносабатини эслатиш билан уларнинг бутун ижодини, халқимиз, адабиётимиз олдиғаги хизматини асло инкор этаётгани йўқ, китобхон А. Пардаев тўғри таъкидлаганидек, хушёр, дидли ўқувчи улар ҳам эл қатори инсон экалигини, инсоний ожизликлардан холи эмаслигини яхши билади. Бир ёқлама, ёлғон, нукул ижобий, ҳаттоти афсонавий тасаввурларни бартараф этадиган ҳақиқатга киши «қалбидаги бойликни» тортиб олиш, «заррама-зарра пайдо бўлган эътиқодини инқирозга маҳкум этиш» деб қарааш ўринисиз. Киши қалбидаги бисот фақат юксак ахлоқ, адолат ва ҳақиқатга асосланган тақдирдагина чинакам қадрият, маънавий бойлик касб этади.

Ҳозирги куннинг маърифатли одамига аёнки, марказий матбуотда шўро адабиётининг улкан арбоблари, авваллари тил теквизиши мумкин бўлмаган сиймолари, жумладан, М. Горький йўл қўйган хатолар, унинг не-не истеъоддли адабларга нисбатан адолатсизлик қилгани хусусида кўпдан-кўп катта ва кичик фактлар, хужжатлар ошкор этиляпти, кескин танқидий гаплар айтиляпти. Бу билан М. Горькийнинг адабиётдаги хизматига путур етаётгани, ўқувчиларнинг ундан ихлоси қайтаётгани йўқ. Ана шу шафқатсиз фактлар туфайли биз М. Горький ҳақидаги бир ёқлама тасаввурлардан кутулаётгандар, адаб ҳаёти ва ижодини бутун қирралари, зиддиятлари, драмаси билан тўлароқ билиб олаётгандар, ундан ҳозирги кун ва келажак учун ибратли сабоқлар чиқараётгандар. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» ана шундай кутлуғ ишга хизмат этадиган асар.

Адолат юзасидан айтиш керак, қиссадаги атоқли адабларимизнинг Қодирийга муносабати талқинида, шунингдек, уларнинг шахсиятига дахлдор мулоҳазаларда гоҳо кишида оғир таассурот қолдирадиган ўринлар, киноя-кесатиқлар, таъна-дашномлар ҳам учрайди. Чунончи, А. Қаҳҳорнинг энг яқин дўстси, сирдоши Элбекни сўроқ қилиши, сирини фош этиши; бир эмас, бир неча бор Қодирий ҳақида салбий гап айтган F. Фуломнинг улуг адаб оқланганида биринчилардан бўлиб Қодирий хонадонига келиб, бу оилани табриклагани; Ёзувчилар Союзидаги адаб ижоди юзасидан тузилган комиссия таркибида бир вақтлар Қодирийни қоралаган кишиларнинг, жумладан, А. Қаҳҳорнинг борлиги, биринчи мажлис олдидан А. Қаҳҳорнинг «Ўткан кунлар»га берган баланд баҳоси шу каби зиддиятли ҳолатлар ифодасида муаллиф ўзининг таажжуб ва таассуфларини яширмайди. Ойдин, Ҳ. Олимжоннинг Қодирий ҳақидаги дағдагалари муносабати билан уларнинг шахсиятига оид оғир

гаплар айтади муаллиф. Бир шафқатсизлик албатта бошқа бир шафқатсизликка йўл очади, дейдилар. Аммо шафқатсизликка ҳар доим ҳам шафқатсизлик билан жавоб қайтаравериш ўринли эмас. Шу жиҳатдан «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хусусидаги танқидий мулоҳазаларда муайян асос бор. Бироқ бундай ўринларда асарнинг жанр хусусиятини, муаллифнинг аҳвол-руҳиятини ҳам назарда тутмок, ёзувчини тушунмоқ даркор. Хотира қисса «субъектив жанр» намунаси, унда шахсий-хусусий мулоҳазалар бўлиши табиий. Қолаверса, қадрдан отаси ҳақида қалам тебратётган муаллиф отаси бошига тушган агадсиз кулфатларга бевосита шоҳид бўлган, ота туфайли ўзи ҳам не-не таъна, таъқиб, таҳдид ва хўрликларни кўрган одам бу ишларга оздир-кўпdir ҳисса кўшганлар ҳақида холис туриб гапириши, уларга нисбатан ҳотамтойлик қилиши, даъвонардан осонгина воз кечиши қийин. Шундай ички алам-изтироб, афсус-надомат туйғуси бўлмаганида, эҳтимол, бу асар яратилмасди. Қолаверса, Ҳабибулла Қодирий ҳам, улуғ адаб Абдулла Қодирий ҳам тирик инсонлар, уларни ҳам инсоний ожизликлардан бутунлай холи идеал шахс деб айта олмаймиз. Ойдиннинг букур аёл экани, Ҳ. Олимжон билан Зулфиянинг тўйи ҳақидаги эслатмаларга, балки, ота ва ўғил табиатидаги ожиз жиҳатлар деб қарааш тўғри бўлар. Бундан жiddий хулосалар чиқариш, бу ҳол ёзувчини «майдалаштириб қўяди» деган ўйга бориш учун асос йўқ. Даҳо шахслар, улуғ ёзувчилар турмушида, шахсиятида ҳам бунақа ҳодисалар кўп учрайди, улар ҳақида кўп ёзилган. Шу туфайли улар ҳеч қачон тахтиравонидан тушиб қолган эмас.

Яна бир гап. Қиссада келтирилган Ойдиннинг отаси Собирхон aka миллионер бойлардан экани, Финландияда иккита магазини бўлгани тўғрисидаги гапларни рўйиҳа қилиб, асар муаллифини «30-йиллар кишиси сифатида фикр юритадиган одам»га чиқариш гўллик бўлар эди. Муаллиф Ойдиннинг Қодирий ҳақидаги қораловчи гапларидан сўнг шу фактни эслатади. Ҳ. Қодирий адабнинг А. Қодирий ҳақидаги танқиди носамимий эканини, фақат ўзини эҳтиёт қилиш, ҳокимиятга яхши кўриниш, ўша кезлари жiddий қаралган ҳол — ижтимоий келиб чиқиши — насл-насабини яшириш мақсадида вазиятдан фойдаланиб улуғ адигба ҳужум қилганлигини таъкидлаш учунгина бу фактни келтиради. Асарда шу фактдан сўнг «Ойдин Собирова юқоридаги қораловчи гапларни ўзини ҳар жиҳатлама эҳтиёт қилиш учун айтгандир. Жулқунбойнинг елкаси бақувват, жамики ёлғон-яшиқларни кўтараверади. Ишқилиб ёшлар омон бўлса, бурни қонамаса бас...» деган тагдор, киноявий гапларни ўқиган одам қисса муаллифининг асл ниятини пайқаб олиши қийин эмас.

Абдуғафур Расулов юқорида тилга олинган мақолосида қиссанинг «мутаносиб шакл-шамойили йўқ» деб даъво қиласди. Бадиийлик ҳақидаги мавҳум, умумий талаблардан келиб чиқиб «Наҳотки, бадиий

асар бутун-бутун тақризу мажлис қарорларини ҳазм қилиб юбораверса?» дей ажабланади. Асарга мавхум талаблар асосида эмас, балки унинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиқиб баҳо бериш зарурлиги қадимдан маълум. Қиссада қиёмига етмаган жиҳатлар, тасвир, таҳлил эмас, шунчаки тавсиф, ахборотдан иборат ўринлар, айрим ортиқчаликлар бор. Буни айтиш керак, аммо кескин тарзда асарнинг «мутаносиб шакл-шамойили йўқ» деб ҳукм чиқариш инсофдан эмас. Шакл-шамойили йўқ асар-асар бўладими, шунчалар эътибор қозонадими! Бунинг устига жаҳон адабиётидан яна шуни яхши биламизки, бошдан-ёёқ фактлар, тарихий ҳужжатлар асосига курилган асарлар кўп. Узоққа бормай А. Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги», «Қизил филдирак» асарларини эслайлик. «ГУЛАГ архипелаги» бутунича ҳужжатлар асосида қурилган. «Қизил филдирак»нинг кўп саҳифалари, масалан, «Ўн олтинчи йил Октябрь» тармоғининг талай бобларida Давлат Думаси мажлисининг узундан-узоқ протоколлари келтирилади. Булар ўқувчига асло малол келмайди. Демак, «Қодирийнинг сўнгги кунлари»даги «бутун-бутун тақризу мажлис қарорлари»дан ажабланмаса бўлаверади; менингча, асар уларни ўзига яхши ҳазм қилолган. Зотан асарнинг табиати шуни тақозо этади. Ўқувчи шундай ҳужжатлар қиссада яна ҳам кўпроқ бўлишини истайди, қолаверса, асарнинг энг таъсирчан ўринлари юқорида таъкидлангандек, айни шундай фактлар келтирилган боблардир.

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» — тарихий-илмий рисола эмас, хотира қисса; ундаги фактларнинг ҳар тарафлама холис, илмий баҳосини талаб этиб бўлмайди. Қиссада баҳсли ўринлар, охирига етмай қолган гаплар анчагина. Буларни айтиш мумкин ва лозим. Бироқ бунда марҳум муаллифга ота ҳақидаги сўнгги нидоси, қалб фифони, алам-ўқинчлари учун маломатлар ёғдиришдан эҳтиёт бўлмоқ даркор.

Ҳ. Қодирий бугун ҳаёт бўлганида мен қиссага баъзи тўлдиришлар киритишни, жумладан, Ойбек билан Абдулла Қаҳҳорнинг бир вақтлар йўл қўйган хатоларини тузатиш, қилган гуноҳларини ювиш йўлидаги жасоратларини айтиб ўтишни, алоҳида таъкидлашни маслаҳат берган бўлардим.

Маълумки, Ойбекнинг 1936 йилда ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарида, шунингдек, ёзувчи архивида сақланиб қолган Қодирийга оид қайдларида адиб ижоди хусусида зиддиятли, бир ёқлама кескин танқидий фикрлар анчагина. Чунончи, у А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар»да тарихий мавзуга мурожаат қилишини қоралайди, романда хонлик тузуми синфиий курашсиз кўрсатилганлигини танқид қиласи, ёзувчини тарихни идеалистларча тушунишда айблайди. Қодирий оқлангандан кейин ҳам 1958 йилда Ёзувчилар Союзининг сўровига берган жавобида адибнинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини эътироф этган ҳолда 30-йилларда бўлгани каби бу пайтда ҳам ёзувчи учун жиддий айб саналмиш — «А. Қодирий

асарлари ленинизм-марксизм асосидан узоқ» деган гапни такрорлайди... Таниқли адабиётшунос М. Қўшжоновнинг айтишича, 60-йилларнинг бошларида Ойбек Қодирий ҳақидаги ишларини эслаб «Адолатсизлик бўлган. Хато бўлган. Тузатиш керак», деган экан. Орадан сал фурсат ўтиб «Дружба народов» журналининг 1966 йил август сонида Ойбекнинг «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сарлавҳаси остида сұхбати эълон қилинди, унда А. Қодирий ҳақида маҳсус тўхталиб, адига қўйилган айбларни рад этади, адига ижодига юксак баҳо беради. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқоти ёзувчининг розилиги билан жиддий таҳrir этилган, айрим жойлари тузатилган ва қисқартирилган ҳолда ўн томлик асарлар тўпламига, сўнг мукаммал асарлар тўпламига киритилди. «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сұхбатида Қодирий ҳақида айтилган илиқ гаплар, юксак баҳо адига ҳақидаги ҳақиқатни Иттифоқ миқёсига олиб чиқиша мұхим роль ўйнади.

А. Қаҳҳорнинг 30-йиллардаги мудҳиш кампания таъсирида Қодирий ва бошқа халқчил, ҳалол, ростгўй адигларга нисбатан адолатсиз чиқишлиарини асло оқламаган ҳолда партия XX съездидан сўнг социал адолатни тиклаш йўлидаги жонбозлигини унтишга ҳаққимиз йўқ. Ёзувчи А. Қодирий ижодини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш комиссияси составида сидқидилдан ишлади, «Обид кетмон» унинг таҳририда бешикаст чоп этилди. 1964 йил апрелида А. Қодирий туғилган кунининг 70 йиллиги муносабати билан Тил ва адабиёт институтида номигагина, ярим пинҳона ўтказилган «юбилей» кечасида қатнашиб, Қодирий ҳақида қилинган ўта журъатсиз доклад ва мужмал, нописанд гаплардан ғазабланиб, оташин нутқ сўзлаган эди. Салкем бир соат давом этган бу маъруза залда ўтирганларни ларзага соглани, эртасига ёк бутун шаҳарга, балки республикага овоза бўлиб кетгани, Қодирийга қараашда одамлар онгига инқилоб ясашга хизмат қилгани ҳамон ёдимизда. Афсуски, бу нутқнинг стенограммаси сақланиб қолмаган, қисқача тезислари «Абдулла Қодирий» сарлавҳаси остида ёзувчининг беш жилдлик асарларининг V жилдидан жой олган. Шу қисқа тезислардан ҳам А. Қаҳҳорнинг жасоратини ҳис этиш мумкин. Мен буни чин дилдан, вижданан йўл қўйган хатони тузатиш, гуноҳни ювишнинг мардона бир намунаси деб биламан. Таассуфки, ҳаммада ҳам мана шундай жасорат етишавермайди.

Афсус, бу гапларни «Қодирийнинг сўнгги кунлари» муаллифиға эслатиш имконига эга эмасмиз. Энди қиссани давом эттириш, тўлдириш имкони йўқ. Аммо биз тириклар бу хил ҳақиқатларни билишга, уларни асло назардан соқит қилмасликка, Ҳ. Қодирий айттолмай кетган гапларни халққа етказишга бурчлимиз. Адигларимиз ҳаёти ва ижоди, адабиётимиз, умуман, жамиятимиз тарихи ҳақида тўла ҳақиқатни тиклаш йўлида хайрли кураш бораётган ҳозирги кунларда бу ниҳоятда зарур.



## Иккинчи бўлим ҚОДИРИЙ МЎЪЖИЗАСИ

### ОТАГА ТАЪЗИМ

Адабиёт тарихидан аёнки, ёзувчи-санъаткорнинг ижодий тақдирида яқин одамлари — ота-она, ога-инилар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, устозларнинг таъсири, ўрни фоят катта бўлади, аксар ҳолларда улар адиллар яратган асарларда гоҳо ошкора, гоҳо пинҳона — руҳан иштирок этадилар. Бу ҳол, айниқса, реалистик адабиётда ўзгача тарзда кўринади. Улкан реалист адилларнинг кўпчилиги ҳаёт довонларидан ўта бориб, болалик йилларига қайта-қайта мурожаат этганлар, болалик йиллари ҳақида хотира асарлари яратиб, қадрданлари сиймосини муҳрлаб қолдирганлар. Рус адабиётида Л. Толстойдан тортиб М. Горькийгача ўнлаб адилларнинг, бизда эса Ойбек, Ф. Фулом, А. Қаҳхор, О. Ёкубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимовларнинг бу борада яхши анъана-тажрибалари бор.

Мен аминманки, буюк адаб Абдулла Қодирий 30-йиллар қатағонига дуч келмаганида, узокроқ яшаганида, албатта, болалик йиллари ҳақида маҳсус хотира асарлар яратган, биринчи галда муҳтарам падари бузруквори, волидаи муҳтарамаси, қолаверса, кўплаб жигарбандлари, қадрданлари хусусида дил сўзларини батафсил ифода этган бўларди. Бу беназир сиймо болалик хотира-ларига оид асарлар яратишга имкон бўлмаслигини олдиндан сезган шекилли, ўзи учун қадрдан айрим шахслар, хусусан, отасига оид фоят муҳим маълумотларни, отага бўлган чексиз ҳурмат, таъзим-эҳтиромини, миннатдорчилик туйғуларини турли шаклларда изҳор этиб қолдирган.

Назаримда, Қодирийнинг илк бор ўзлигини англаши, бу шафқатсиз ҳаётни таниши отасини, унинг ҳолини, турмушдаги мавқеини англашдан бошланган. «Бошида бой оиласда туғилдимми ёки камбағал оиласами, албатта билмадим. Аммо ёшим 7—8 га етгач, қорним ошқа тўймагонидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоги фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келиб, боғ

мевалари оғатга учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келиб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз».

Дарвоқе, Абдулла дүнёга келганида отаси Қодир бобо 72 ёшларда бўлган. Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида берган маълумотга кўра, Қодир бобо тахминан 1821 йили туғилиб, 1924 йили 104 ёшида вафот этган. У тўрт марта уйланган, олдинги уч хотинидан фарзанд бўлмаган ёки бўлса ҳам турмаган; баъзи хотинлари қазо қилган, баъзилари билан ажралишган. Ниҳоят, Қодир бобо тирноқ илинжида 50 ёшларida, 15—16 ёшли Жосият исмли қизни никоҳига олади. Жосият биби ўғли Раҳимбердидан сўнг бирин-кетин 12 фарзанд кўради, бироқ барчасини қора ерга беради. Шундан кейин бу оила ирим қилиб, Эскижўвадаги ҳовлиларини сотиб, Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлиларига яқинроқ бўлган Эшонгузар маҳалласидан қуруқ ер олиб, янги уй қуради, шу янги уйда 1894 йили Абдулла туғилади... Абдулла 7—8 ёшга етиб, ақlinи таний бошлаганда кўпни кўрган ота қартайиб, бутун бошли катта рўзгор бир парча ер — боғ-ҳовлидан келадиган даромадга боғланниб қолган эди. Таржимаи ҳолдаги эътирофдан сезилиб турибдики, Қодирий болалигига ёқ ота ҳолини чуқур бир изтироб билан ҳис эта бошлаган.

Қодир бобо бўлғуси адид Абдулла Қодирий учун тирик тарих, нақд ноёб хазинанинг ўзгинаси эди. Қодирий тарихий асарлари учун қимматли маълумотларни, аввало, шу одамдан олди. Бу ажойиб сиймо Қодирийни машҳур романларида акс этган давр билан бевосита туташтирувчи олтин ҳалқа вазифасини ўтади. Қодирий 1922 йили ёзган «Отам ҳам большевик» номли хотира-ҳикоясида бу табаррук зот ҳаёт йўлининг энг муҳим паллалари, сажия-характерининг айрим жиҳатлари ҳақида самимият билан сўзлайди. Даставвал, бу одам руслар келганида 42 ёшларда бўлиб, Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қылганларнинг бири эканини айтади, сўнг унинг кўрганларини бирма-бир санайди: Қодир бобо Туркистон хонларидан Шералихонни, ундан сўнг Худоёрхон, Маллахон, бу орада йиллаб ва ойлаб хонлик қилиб ўтган Муродхон, Саид Султонхон ва бошқа хонларни; Тошкент бекларидан (ҳокимларидан) Муҳаммад Шариф оталиқ, Салимсоқбек (бу зот Бухоро амири томонидан Тошкент беклигига қўйилган, Мусулмонқул томонидан ўлдирилган), Азизбек, Нормуҳаммад қушбеги, Шодмон ўроқ, Қаноатшо, Мирза Аҳмад қушбеги, Маллахон (Маллахон оғаси Худоёрхоннинг хонлиги вақтида Тошкентда уч йиллаб бек бўлиб турган), энг охирида Кушодҳоларнинг беклигини кўриб ўтказган; хонликнинг бош нозири ва қўмондони ўрнида бўлганлардан Мусулмонқул ва Мулла Алимқулларни кўрган ва урушларида бўлган, пискентлик Қашқар амири машҳур Ёқуббекни Қашқарга кузатган... «Шундоқ қилиб, — дея гапга якун ясади адид, қирқ

йиллаб мусулмон хонлари замонини, эллик йиллаб Руся чор истибодини ва энди беш йиллабдирки, меҳнаткашлар ҳокимииятини кўради».

Энди ёзувчи энг муҳим масалага — юз ёшдан ошган одамнинг ўзи гувоҳ бўлган уч хил ижтимоий тузумга — хонликлар даври, чор истибоди ва меҳнаткашлар ҳокимииятига муносабати изҳорига ўтади. Қарилек ҳам бамисоли болаликдек бир палла, қария ҳар қандай тарафкашликни қўйиб, тарихий босқичларга ўзи билганича холис баҳо беради. Табиийки, қария Русия чор ҳукуматини сира ҳам тиламайди, чунки унинг эллик йиллик истибоди зулмини, аччиқ-чучугини кўп татиган; у бу кунги меҳнаткашлар ҳокимииятига ҳам унча дўст эмас. Шу ўринда ёзувчи «бунинг ҳам сабаби маълум» деб қистириб ўтади, бироқ «сабаби» нима эканлигини ошкора айтмайди, кейинроқ пардалироқ тарзда ошкор этади. Қария кўпроқ хон замонларини қўмсайди. Бизни ҳам бу ўринда кўпроқ шу масала қизиқтиради. Ҳикояда ўқиймиз: «Аммо хон замонларини ўйлаган чоқларида: «Эй, хўб замонлар бор эди, тилла жабдуқлик отлар ва басавлат беклар, ўрдаларда ҳар куни қарса базиму... Үтиб кетди энди бир замонлар», — деб афсус еб кўяди... Қариянинг энг жиддий армони — юртнинг чор истибоди исканжасига тушиб қолганлигига, «Худонинг хоҳлагани-да, кофирнинг кўлида қолиб кетдик», дея афсус-надомат чекади у. Бунинг сабабини, аввало, ўзидан, ўзига ўхшаганларнинг феълидан, халқ сажиасидаги ожизликлардан қидиради. «Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга тупуриб, яроғ тополмагандга ҳам қора калтак бўлиб чиқса, исни-бисга кўймас эди». Мана унинг дилидаги оҳи — юрт бошига тушган кўргилик, фожианинг бош сабаби ҳақидаги далил-исботи. «Қадимги замоннинг йигитларидан шу кунда ҳам бўлганда-чи, эй-ҳа, ўрисингга йўл бўлсин...» Афсус-надомат билан айтилган бу гаплар қалб ҳайқириғи каби янграйди. Ҳикояда йўл-йўлакай изҳор этиб ўтилган бу маълумотлар ота қалбida қат-қат бўлиб ётган армон, афсус-надомат, дарду аламларнинг айрим зарралари, шунчаки учқунлари экани шундоқ сезилиб турибди. Қодир отанинг ҳикояда келтирилган сўзлари бу асар билан деярли бир вақтда яратилган Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеъридаги мана бу ҳам аламли, ҳам оловли мисраларга нақадар оҳангдош:

*Эй, тоглари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?  
...От минганда қушлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,  
От чонганда учар қушни тутгувчи,  
Учар қушдек ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси — сор, бургутлар қаерда?*

... Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар  
Эгасини бир қул каби қизғонмасдан янчалар.  
... Нима учун ёвларингни бир замон  
Йўқ қилғудек темирили ўч йўқ сенда?... .

Маълум бўляптики, ҳикоядаги қария шунчаки кўпни кўрган меҳрибон ота, бетакрор шахсина эмас, балки қатъий маслак-эътиқодга эга бўлган, эл-юрт қайғуси, истиқлол ғами билан юрган ижтимоий-сиёсий сиймо ҳамдир. Ёзувчи Қодирий қараашларининг шаклланишида бу одамнинг таъсири, шубҳасиз, бениҳоя каттадир. Бу гаройиб қария тақдири, маслак-қараашлари билан «Ўткан кунлар» қаҳрамонлари, биринчи галда Отабек, Юсуфбек ҳожи маънавий-руҳий оламида, армон, орзу-истакларида кўпгина муштаракликлар мавжудлигини, қариянинг қалб армонлари, дил сўзлари Юсуфбек ҳожи билан Отабекнинг эл-юрт аҳволи ва қисмати ҳақида куйиб-ёниб айтган гапларига бошқачароқ тарзда кўчиб ўтганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Қарангки, қария Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилғандардан. «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабек ҳам айни шундай бурчни адо этади, фарқ шундаки, Отабек Тошкент мудофаасида эмас, Олмота устидаги ўрус билан тўқнашувда биринчи сафда қатнашади ва қаҳрамонона урушиб, шаҳид бўлади...

«Отам ҳам большевик» хотира-ҳикояси яна бир жиҳатдан аҳамиятли. Ҳаётда инқилобий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли ота билан бола қараашлари, маслаги орасида содир бўлган муайян ажralишлар унда холис бир тарзда ифодаланган. Биламизки, Қодирий 1917 йилги Февраль инқилобини зўр қувонч билан кутиб олган. «Николайнинг таҳтдан йиқилиб, хуррият бўлғонига хурсандлигим, албатта дунёга сифмас эди ва сифмаслиги табиий эди. Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибододга нафрат менда ҳам кучлик эди, — дейди адаб таржимаи ҳолида. Қодирий большевикларнинг эл-юртга истиқлол, озодлик, эркинлик бериш ҳақидаги ваъдаларига чин дилдан ишонди, ўзини «Улуг Октябрь инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишган бир ходим» санади, озодлик йўлида ҳар қандай оғирликка чидаб, янги жамият учун ҳалол хизмат қилишда давом этди. Хотира-ҳикояда Қодирий янги тузум ходими, большевиклар тарафдори сифатида уларнинг ёнини олади, большевикларнинг сиёсати, хизматини отага тушунтириш пайида бўлади. Ота фақат бир масалада меҳнаткашлар ҳокимиятига тан беради, у большовийлар оқ подшога қирон келтирғанлигидан хурсанд. «Баракалла большовойнгга, балли большовийнгга, хўп қилипти-да! Оқ подшолигини бурнидан чиқарипти...» — деда қаҳ-қаҳ уриб, тасанно айтади. Аммо бошқа масалаларда ўғил куйиб-пишиб айтган илиқ гаплар, тушунтиришлар

бехуда кетади. «Эски турмуш билан заҳарланиб қолган чол» гап уқмас бўлиб олади, энг жиддий масалаларга келганда эса қария хушёр тортиб, жамиятнинг қитифига тегадиган гапларни айтади: «Баччаталоғингни бечорапарвар, деб эшитаман: қўйлак-иштонга беш-үн газ мата сўрасанг берармикин?... Хайр, бермаса ҳам гўрга. Ишқилиб солиқлардан дарҳон қилса бўлди. Ҳаммадан ҳам боқقا кўз олайтира кўрмасин».

Бу «бечорапарвар», «камбагалпарвар» бўлиб кўринган ҳукумат сиёсатининг туб моҳиятига нозик бир ишора, киноя-кесатиқнинг ўзгинасиdir. Қария «бечорапарвар» ҳукуматнинг хайр-эҳсонига, қўйлак-иштон учун берадиган беш-үн газ матасига зор эмас, энг муҳими, одамларни солиқлардан дарҳон қилса, ҳаммадан ҳам одамларнинг мулкига кўз олайтирмаса бўлгани! Мана, қариянинг большевиклар ҳукумати сиёсатига эътиrozи! Бу хил эътирозлар қаршисида большевиклар тарафдори бўлган ўғлон лом-мим дея олмайди. Қарангки, большевикларнинг шафқатсиз солиқ сиёсати ва шахсий-хусусий мулкка тажовузи кейинчалик юртни, меҳнат аҳдини хонавайрон қилди...

Ота ва ўғил орасида меҳнаткашлар ҳокимияти, большевиклар сиёсати ҳақидаги баҳс давом этади, юрт бошлиқлари орасида ўзимизнинг мусулмонлардан борлигини эшитганда қария: «Тузук, тузук, кўп яхши. Большойинг одамохун экан», — дея ташаккур изҳор қиласи ва шу заҳоти ўғилни жиддий саволга тутади: «Сарбоздан кел, сарбоздан. Ўзимиздан сарбозлар борми?» Бу қалтис масалада ўғилнинг жавоби мужмал бир йўсинда:

« — Бор, лекин бўлса ҳам йўқ ҳисобида.

— Аттанг, шуниси чакки экан-да.

— Нима зарари бор, дада?

— Эй, ўғлим, одам бўлгандан кейин ҳар нарсанинг ҳам бошида бўлиши керак, «нон қўйнимда, ит кейинимда...»

Ўғилнинг «тушунтиришлари» бехуда кетмайди. Ҳикоя пироварлида адид ёзди: «Шундоқ қилиб, отам большовойга йигит бўлмоқчи-я. Бироқ бир оз дармони йўқроқ-да. Эҳтимол, баҳорга чиқиб дармони яхшиланур, соchlари қорайиб, бошқа ўғлон тишилари чиқиб бўлса ҳам, лекин ҳозир эндиғина милк ёриб келмоқда бўлган иккита жағ тишилари ҳам чиқиб бўлур-да, чолни большовой ҳам йигитликка қабул қилур ва ул большовойга чин «сарбоз» бўлур».

Енгил табассум, беозор киноя-кесатиқлар билан йўғрилган бу хотима киши хаёlinи олис-олисларга етаклайди. Қодирий шу ўринда сезиб ёки сезмай, савқи табиий орқали ўз келажагига, тақдирига ишора қилмаганмикин? 100 ёшдан ошиб кетган қария-ку большовойларга чин «сарбоз» бўлиши мумкин эмас эди, орадан икки йил ўтиб, ота ҳаётдан кўз юмди; аммо Қодирий меҳнаткашлар ҳокимияти, большовойларга чин ходим — «сарбоз» сифатида ҳалол меҳнат

қилишда давом этди, ва энг даҳшатлиси, бу ҳалол меҳнатлари эвазига у қандай «мукофотлар» билан тақдирланганлиги маълум!

Орадан ўн уч йил ўтиб, Қодирий яна бир воқеий ҳикоя эълон этди. «1819 йил ёдгори» деб аталган бу асар қаҳрамони 116 ёшлик Аҳмад амиркончи адабининг отаси Қодир бобога деярли тенгдош, 1819 йили туғилган. У ҳам Қодир бобо сингари хон замонларини яхши билади, хонлардан Маъдалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахонларни кўрган, қария адигба улар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ёзувчини, айниқса, қариянинг Маллахон тўғрисидаги ҳикояси ҳаяжонга солади, асарда уни тўлалигича келтиради: «Мен бир вақт Хўжандга бордим, — деди Аҳмад ота, — Маллахон Хўжанд теварагига қўргон олдирмоқда, шаҳарнинг ёшу қариси, хотин-қизлари зўрлик билан деворга ишлатилмоқда эканлар. Ҳар қандай узрни ҳам хон ва кишилари қабул қиласкермас, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмас экан... Ой-куни яқин бўлган бир ҳомилали хотин шотида туриб қўргонга лой ирғитар экан, туғиб юборди... Боласи ерга тушиб, жон берди, ўзи ҳам шотидан боласи устига ийқилиб, шунда ўлди. Бу ҳолга чидолмаган халқ хонга қарши қўзғолон кўтарди...».

Хўш, ёзувчини нега қариянинг хонлар ҳақида берган бошқа маълумотлари эмас, Маллахон ва унинг кишилари ваҳшати қизиқтиради, асарда айни ўша даҳшатли воқеа келтирилади? Маълумки, ҳикоя ёзилган даврларда колхоз тузуми галаба қилиб, хотин-қизлар колхозда катта кучга айланган, улар даладаги оғир меҳнатга жалб этилиб ултурган эди. Бу асар ёзувчининг Фарғона водийига қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган. Қодирий водий далаларини кезиб, саратон офтоби остида оғир меҳнат билан банд ёшу қарини, хотин-қизларни ўз кўзи билан кўриб эзилган, қаттиқ изтиробга тушган бўлиши табиий. Қариянинг хон замонлари ҳақидаги ваҳшатли ҳикояси айни асар ёзилган кезлардаги ёзувчи гувоҳ бўлган манзараларни ёдга туширган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У даврларда шўро далаларидаги оғир меҳнат, зўравон сиёsat, аёлларга шафқатсиз муносабат хусусида гап очиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаш ҳам даҳшат эди! Орадан неча йиллар ўтиб, аниқроғи, 60-йилларга келиб, бу ҳақда ёзила бошланди (О. Ёкубовнинг «Бир фельетон қиссаси», П. Қодировнинг «Қора кўзлар», «Эрк» асарларини эсланг). Демак, Қодирий қария ҳикояси орқали замонасига ишора қилаётгани аниқ. Гап бу ерда фақат хотин-қизларга шафқатсиз муносабатдагина эмас, умуман, хонлар ваҳшатини эслатиш — бу 30-йилларда авж олган сталинизм ваҳшатига нозик бир ишора эканини сезиш қийин эмас. Қарангки, хон ва унинг кишилари ҳеч қанақа узрни қабул қиласкади, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмайди... Бу 30-йиллар қатағон давридаги ваҳшатли сиёсатнинг ўзгинаси!

Хон замонларида-ку одамлар қалбидан инсоний туйгулар, ўч, исён сўнмаган экан, аёл фожиасини кўриб зулмга, шафқатсизликка чидолмаган халқ хонга қарши қўзғолон кўтаради, шўролар даврида — 30-йиллар шароитида эса ўйрлик оломон барча зулм, шафқатсизликларга бўйин эгиб, таслим бўлишдан ўзга чора тополмайди...

Бу ҳикоя, менинг назаримда, «Отам ҳам большевик»нинг давомидек туюлади. Аҳмад амиркончи гўё Қодир ота айтишга ултурмаган ҳодисаларни сўзлайди. Қария тимсоли орқали адиб гўё ота ўлимидан кейинги даврга муносабатини изҳор этгандай бўлади. Аҳмад амиркончининг сўнгги йиллари аянчли: чол бир неча марта уйланган, хотин-болалари ўлиб кетган, ҳозир ўзи ёлғиз яшайди, одамлар ундан хабар олиб турадилар, бундай ёрдам бўлмаган кунлари чол қийналади. У адиб билан хайрлашув чофида: «Охунбобоевни кўрсангиз айтасиз, ҳолим оғир... Агар ўлсам, ўзи кўмсин. Эсингиздан чиқармангиз!» — деб зориллаб қолади. Шўрлик соддадил қария билмайдики, Охунбобоевнинг бундан бошқа ташвишлари ҳам кўп... У кунлар соддадил қариянинг оғир ҳолига қайфурадиган, қалб зорларини тинглайдиган замон эмас эди...

Яна Қодир отанинг ўзига қайтайлик. Ёзувчининг соф бадиий асарларида ота ўрни, иштироки масаласига келайлик. «Жинлар базми» ҳикоясида, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларида бу табаррук зот ажаб бир эҳтиром билан тилга олинади.

«Жинлар базми» ўғлон тилидан ҳикоя қилинади, ўғлон эса ота ҳикоясини қайта ҳикоя қилиб беради. Асар ўша давр ўзбек адабиёти учун тамомила бир янги йўсинда, ноёб бир услубда битилган: бир воқеа, бир ҳикоя-саргузашт икки одам — ота ва бола нигоҳи, тили орқали берилади, ота ўз бошидан ўтган гаройиб саргузаштни сўзлайди, бола эса бу саргузаштни, уни тинглаш пайтидаги ҳолат ва кайфиятларини ҳам изҳор этган ҳолда, ўкувчига ҳикоя қиласди. Асаддаги ота ва ўғлоннинг номлари тилга олинмаган, зотан, асар учун бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Бадиий асар учун унда қаламга олинган воқеалар, шахсларнинг айнан ҳаётда бўлган ёки бўлмаганлиги муҳим эмас, балки уларнинг қанчалик ҳаётий, таъсирчан, маънодор чиққанлиги муҳимроқдир. «Жинлар базми» ҳикояси биздаги гаройиб саргузашт-реалистик ҳикоянинг биринчи ва шу билан бирга баркамол намунасидир. Унинг бизни қизиқтирган жиҳати — айни шундай ноёб асарнинг ҳам ёзувчи таржимаи ҳолига дахлдор эканлигидир. Адибнинг оиласвий муҳити, болалиги, отаси, қариндош-уруғлари, турар жойлари, шаҳар ва боғ ҳовлилари, ота машгулотларидан хабардор кишиларга аёнки, ҳикоядаги шахслар, оиласдаги гурунг, воқеа юз берган макон, манзаралар — барчаси таниш; ота сиймосида айни Қодир бобони, ўғлон қиёфасида эса Қодирийнинг ўзини, болалигини кўрамиз. Халқимиз орасида қадим-

қадимлардан гаройиб саргузаштларни сўзловчи оғзаки ҳикоянинг моҳир усталари бўлган, улар айниқса радио, телевидение бўлмаган замонларда узоқ қиши кечаларида ҳар хил гурунгларни, оила давраларини сехрли саргузаштлари, гаройиб ҳикоялари билан гуллатган. Қатор ҳужжатлар шундан далолат берадики, Қодир бобо ҳалқимиз орасида учрайдиган ана шундай оғзаки ҳикоя усталаридан бўлган. «Жинлар базми»ни мутолаа қилганда бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ота ўз бошидан кечган гаройиб ҳодисани нақадар жонли, жозибадор, тасъирчан, самимий ҳикоя қиласи! Саргузашти нимадан бошлаб, қаерда тугатиш, нималарни ошкор этишу, нималарни сир сақлашни, қайси воқеаларни қандай оҳангда сўзлашни, тингловчига қандай тасъир кўрсатишни — ифода санъатининг шу хил сир-асрорини яхши билади. Булар ёзувчининг маҳорати, санъати маҳсули эканини билиб турамиз, шу билан бирга Қодир бобонинг ўзида ҳам бу борада нимадир борлигини, адигба отадан нималардир ўтганилигини ҳам унутмаймиз. Ёзувчининг асосий асарлари — «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён»да Қодир бобо номининг эҳтиром билан тилга олиниши, роман воқеаларининг бу табаррук зот билан боғланиши тасодифий эмас. Бу шунчаки адабий приём — усул бўлмай, айни пайтда ҳар икки романнинг дунёга келишида ота хизматининг самимий бир эътирофидир.

«Ўткан кунлар»нинг охирроғида «Эсини киргизди» бобида: «Мен — ёзувчи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсан ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктиради. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олғонимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим», — деб ёзди адаб. Гап кундошлик можаролари икирчикирлари устида бораёттир. Бу реалистик адабиётда кўп учрайдиган адабий приём — усуллардан бири экани аён. Бу билан ёзувчи, бир жиҳатдан, асар учун кераксиз тафсилотларни ҳикоя қилиб бериш масъулиятидан ўзини халос этиш «чора»сини кўрса, иккинчи томондан, ҳодисага ўз муносабатини тайин этади, кундошликни асло хушламаслигини билдиради. Муҳими, бу ерда роман воқеалари ота томонидан неча бор ҳикоя қилингани, уларни адаб ҳар гал мароқ билан тинглагани ҳақидаги эътирофидир, ёзувчи ҳатто марҳум отаси гапириб берган талай воқеаларни асарга киритишини лозим кўрмаганлигини ҳам эслатиб ўтади. Биламиз, Қодир бобо «Ўткан кунлар» ҳикояларини айни романдагидек тарзда бир бошдан ҳикоя қилиб бермаган, албатта. Бироқ оила даврасида болаликдан қулогига қуйилган хотирот-ҳикоялар адаб кўнглидан муҳим жой олиб, кейинчалик роман нияти, поэтикасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этганлиги аниқ.

«Ўткан кунлар»да-ку, ота ҳикоячи сифатида эслаб ўтилади, холос. «Мехробдан чаён»да эса ота ҳикоя сўзловчилик вазифасидан

ташқари, воқеаларга бевосита аралашади, иштирок этади, муаллиф унинг асар бош қаҳрамонлари билан бевосита мулокоти ҳақида маълумот бериб ўтади. Ёзувчи «Ўткан кунлар»даги каби бу роман воқеаларини, яъни Мирзо Анвар ҳикоясини ҳам марҳум отасидан эшитганлигини айтади. «Мирзо Анвар, — дей давом этади адиб, — Кўқондан қочиб келиб, уч-тўрт йил чамаси Тошканднинг машхур Эскижўва маҳалласида турған. Ул вақтларда бизнинг ҳовлимиз шу Эскижўвада бўлиб, мирзо Анвар отамга кўшни эмиш».

Роман воқеаларининг Қодир ота билан бөгланиши одатдаги адабий приём — усуулардан бўлса-да, у аниқ ҳужжатга асосланган. Дарҳақиқат, роман воқеалари юз берган, мирзо Анвар Тошкентдан паноҳ топган кезлари ҳақиқатан ҳам, юқорида эслаб ўтилганидек, Қодирийлар оиласи Эскижўвадаги ҳовлида яшаганлар... Сўнgra ёзувчи Қодир бобо тилидан унинг қандай қилиб мирзо Анвар билан танишгани, улфатчилик қилгани, мирзонинг ўз оғзидан Худоёр билан кечган можаросини эшитгани, бундан фойят таъсирангани, минбаъд мирзога ихлоси ортгани, мирзо Тошкентда ўрус қўл остида тинч, аммо жуда ҳам фақир яшагани, бойларга мирзолик қилса ҳам даромади доимий бўлмай, қашшоқлик жонига тегиб, Раъно билан Кўқонга қайтгани ҳақида бирма-бир сўзлайди. Мана, Қодир бобонинг ўша ҳикояси:

«Чолнинг сўзига қараганда мирзо Анвар Худоёрнинг қўли етмайдирган Тошкандда (ўрус қўл остида) тинч, аммо жуда ҳам фақир яшаган, бойларга мирзолик қилса ҳам, даромади доимий бўлмаган. Тошкандда туришининг учинчи йилларида Худоёрдан бир афвнома олиб, қашшоқлик жонига теккан мирзо Анвар, ўйлаб турмай, Раъно билан Кўқонга қайтқан. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Кўқондан келгувчилар мирzonинг ўлдирилганлигини сўзлаганлар. Нега ўлдирилган, эски «гуноҳи» учунми, бошقا сабаб биланми ёхуд «афвнома» ҳам мулла Абдураҳмонларнинг найранги бўлганми, отам бу тарафини яхши билмас эди».

Ёзувчининг жонли гувоҳ — ота иштироки орқали, бир томондан, роман воқеалари, мирзо Анвар қиссаси ҳаётйлигини тасдиқлашга эришса, иккинчи томондан, отанинг мирзо Анварга хайриҳоҳлигини таъкидлаш билан ўзининг тарихий воқеаларга муносабатини тайин этади. Ниҳоят, отасига бўлган таъзим-эҳтиромини яна бир карра изҳор қиласи.

Биз — Қодирий асарларининг садоқатли муҳлислари ҳам улуғ адабимизга қўшилиб, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён»дек XX аср ўзбек адабиёти дурдоналарининг туғилишида ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшган табаррук зот — ёзувчи падари бузруквори Қодир бобо руҳи олдида таъзим қиласиз.

1994 йил

## «ЎТКАН КУНЛАР» ҲАЙРАТИ

Ўзбек адабиёти минг йиллар давомида асосан Шарқ халқлари адабиёти, маданияти анъаналари доирасида ривожланди. XIX аср адаби, XX аср бошларида у янги бир маънавий оламга, Европа адабиёти тажрибаларига юз ўгира бошлади. Бу ҳодиса узоқ вақт «Россияга қўшилишнинг прогрессив аҳамияти» сифатида баҳоланиб келинди. Ҳолбуки, бу хил ҳодиса фақат чор Россияси томонидан забт этилган Туркистон халқлари ҳаётидаги эмас, деярли барча Шарқ мамлакатларида, Фарб мустамлакачилари қўли етмаган юртларда ҳам содир бўлди. Жаҳоннинг бирор ҳудудида маънавий, маданий ҳаётда, илм-фанда, адабий тафаккурда пайдо бўлган янгиликларнинг ўзга ҳудудларга кўчиб ўтиши қонуний, табиийдир. Жаҳонга юз очган, янгиликларга ташна, хайриҳоҳ, ўзгаларнинг тажрибларидан ижодий баҳраманд бўла олишга қобил юрт, миллатнина тараққий этган халқлар, мамлакатлар сафида юра олади. Ўзбек халқи неча минг йиллик тарихида бунинг шоҳиди бўлган, илфор тажриблардан ижодий баҳраманд бўлиб, янги бадиий мўъжиза, мислизиз кашфиётлар яратишга, ўз навбатида, бошқа халқлар маданиятига таъсир кўрсатишга қодир эканини исбот этган.

XX аср бошларида халқимиз тарихида янги давр бошланди, ўлкада миллий уйғониш, ўзликни англаш жараёни кучайди, тараққийпарвар сиймолар ҳар бир соҳада янгилинишга чуқур эҳтиёж сездилар ва бу йўлда фаол ҳаракат қилдилар. Чунончи, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романига ёзган сўз бошисида: «Модомики биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхаша достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгиришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир — Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод — Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таниширишга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», — деб ёзганида барча сафдош маслакдошларининг ўша кезлардаги кайфиятини ифодалаган.

Кичкина изоҳ. Қодирийнинг: «Модомики биз янги даврга оёқ кўйдик» сўзларини биз тор сиёсий маънода, Октябрь инқилобини олқишилаш, Октябрь йўлидан боришга даъват деб изоҳлаб келдик. Аслида улуф адаб «янги давр» деганда кенг маънода халқ маънавиятидаги уйғониш, янгилиниш жараёнини назарда тутганлигини мана энди англаб етаётимиз.

Маълумки, халқ маънавиятидаги, бадиий тафаккуридаги янгилиниш осон кўчадиган ҳодиса эмас, бу фоят мураккаб, зиддиятли, баъзан узоқ давом этадиган мashaққатли жараёндир. Масалан, рус адабиётида «Бечора Лиза» каби янги йўналишдаги ибтидоийроқ асарлардан то «Евгений Онегин», «Ўлик жонлар»дек баркамол реалистик романлар пайдо бўлгунга қадар 30—40 йил керак бўлди.

Турк адабиётида танзимат деб аталган ислоҳотчилик ҳаракати орадан 40—50 йил ўтгач, «Чолиқуши» романни сингари етук самараларни бера бошлади. Ўзбек адабиётида эса бу жараён хийла тез кўчди. Биринчи драма, ҳикоя, роман, янгича шеърий шакллардан «Ўткан кунлар» романни, «Ёрқиной», «Абулфайзхон», «Параңжи сирлари» драмалари, «Ўйғониш», «Булоқлар» шеърий тўпламларининг, яъни Европа адабиёти гази билан ўлчангандага ҳам тўлақонли асарларнинг пайдо бўлгунича бор-йўғи орадан 5—10 йил ўтди, холос.

«Ўткан кунлар» муаллифи асар устидаги ишни 1919 йили бошлаган, роман 1920 йилдаёқ ёзиб тамомланган. Ёзувчининг «Бахтсиз күёв», «Жувонбоз», «Улоқда» каби илк драма, ҳикоялари 1915 йилда битилганини, «Улоқда» ўзбек адабиётида ўша пайтта қадар яратилган нисбатан пишиқ реалистик асар эканини назарда тутадиган бўлсак, орадан 4—5 йил ўтиб, «Ўткан кунлар»дек кенг қамровли, ҳар жиҳатдан баркамол романнинг майдонга келиши чиндан ҳам жаҳон адабиёти тарихида сийрак учрайдиган ноёб ҳодисадир, кишини ҳайратга соладиган бадиий мўъжизадир.

Ўтган йиллар давомида «Ўткан кунлар» романни теварагида қизғин баҳс-мунозаралар борди, у ҳақда асоссиз танқид, ўринсиз даъволар билан бирга кўп илиқ гаплар ҳам айтилди, асарни хилмажил жиҳатдан текширишга уринишлар бўлди. Бироқ бу романнинг ўзбек адабиёти, маънавий тараққиётимиздаги ҳақиқий ўрни, янгилиги, кашфиёти ҳали тўла-тўқис аниқланган, атрофлича илмий тадқиқ этилган, баҳолангандай эмас.

Гоҳо биринчи ўзбек реалистик драмаси, ҳикояси, қиссаси ва романнинг асосчиси ким, бу жанрларни ким бошлаб берган, деган масала теварагида бехуда тортишувлар ҳам бўлиб туради. Адабиётда бирор янги адабий шаклга илк бор ким кўл ургани эмас, балки шу шакл-жанрнинг чинакам баркамол намуналарини ким яратганлиги мухимроқдир. Чунончи, Навоийгача ҳам яхши ғазаллар, достонлар битилган, ammo Навоий туркий-ўзбек адабиётида бу соҳада энг юксак чўққига, «ғазал мулкининг сultonни» даражасига кўтарилиди, ҳақли равишда у ўзбек адабиётининг асосчиси номига мушарраф бўлди. Худди шунингдек, Қодирий ҳам янги ўзбек адабиётида асримизнинг 10-йилларида бошланган илк реалистик тажрибаларни янги босқичга олиб чиқди, «Ўткан кунлар» орқали узоқ йиллар адабиётнинг «қора» шакли деб камситилган наср Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб шеърияти каби фусункор санъат даражасига кўтарилиди.

Қодирийга қадар ҳам ўзбек, шунингдек, Марказий Осиёдаги туркий халқлар адабиётида «роман» ёзганлар бўлган. Айни «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» яратилган 20-йилларда ҳам бу жанрда асарлар битилган. Шунга қарамай, нега айнан Қодирий ўзбек миллий романчилигининг асосчиси деган номга сазовор бўлди,

ўша кезлари нега бирорта ҳам «роман» деган ном остида чиққан асар «Ўткан кунлар»га яқинлаша олмади? Чунки бу жанрнинг биздаги тўлақонли намунасини яратиш Қодирийга насиб этди.

Романнавис маҳорати деганда биз кўпинча тил, услуг, ифода воситалари, адабий приёмлар, санъатлар, сюжет, композиция, конфликт, асар таркиби, характерлар психологизми, миллийлик каби компонентларни тушунамиз, шу хил масалаларни текшириш билан банд бўламиз. Булар ҳам керак, албатта. Бироқ жанр моҳиятини белгилайдиган булардан ҳам муҳимроқ омиллар мавжуд. Ҳозирги замон назарий тадқиқотларидағи холосаларга таянган ҳолда романнинг, аникроғи, реалистик романнинг бош жанр хусусиятлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Асарда романга хос тафаккурнинг мавжудлиги, фикрий-фалсафий кўламдорлик.

2. Шахс ва ҳаётнинг янгича концепцияси.

3. Шахс ва ҳаётнинг худди кўзгудагидек холис — объектив ифодаси, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, ҳақиқатнинг ёзувчи шахсий майлари, қарашларидан устунлиги — устуворлиги.

Ўзбек адабиётида мана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган илк асар — Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни бўлди. Бинобарин, Қодирий ўзбек реалистик прозасининг асосчиси, романчилигимизнинг отаси деган фаҳрли номга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Қодирий «Ўткан кунлар» асосига муҳим романбоп фикр — фояни, ҳалқ, миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик масалаларни қўяди. Аввало, асарнинг мавзу-мундарижаси, пафосини белгиловчи омилнинг ўзида романга хос тафаккур унсури мавжуд. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида муаллифни шундай асар ёзишга, «мозийга қайтиб иш кўриш»га нима мажбур этди? Улуғ адаб романи учун кўп асрлик тарихимизнинг муҳим паллалари, беҳисоб воқеалар, сон-саноқсиз ёрқин сиймолари орасидан нима сабабдан айни кейинги «хон замонлари»ни мавзу қилиб, Отабек, Юсуфбек ҳожи каби эл-юрт фамида юрган шахсларни бош қаҳрамон қилиб танлади? Кейинги «хон замонлари»ни нега тарихимизнинг «энг кирлик, қора кунлари» деб атади? Бу саволларга аввалилари «замона зайли»га мос жавоблар бериб келдик. Энди бор гапни айтиш пайти келди.

«Ўткан кунлар» яратилган давр ўзбек ҳалқи учун миллатнинг эрки, озодлиги, истиқтоли, жаҳон тараққиёти, ўзга миллатлар қаторидаги ўрни фоят муҳим аҳамиятга молик масала эди. Қодирий Октябрь тўнтаришидан буруноқ собиқ Туркистон тараққийпарвар зиёлилари изидан бориб, улар сафида туриб, юрт истиқтоли ҳақида ўйлай бошлаган, кўпгина маслакдошлари каби у ҳам ҳалқ тутқунликда, жаҳолатда яшаётгани, эл-юрт жаҳон тараққиётидан,

маърифатидан орқада қолаётганини англаб етган, ўзича нажот йўлини қидираётган эди; ўзи ёзганидек, унда истибоддога нафрат кучли эди. Дастреб 1916 йилги рабочий олиш воқеалари, Февраль, сўнг Октябрь инқилоби адига катта қувонч ва умид бахш этди; Октябрь эрк берди, жасорат берди, ҳақ берди дея қувонди. Аммо шу йўлнинг бошидаёқ донишманд адига катта ваъдалар билан амалиёт орасида кескин зиддиятлар рўй бераётганини, ёвуз мустамлакачилик сиёсати моҳият эътибори билан ўзгармай қолаётганини, балки мунофиқона тус олаётганини биринчилардан бўлиб ҳис этди, англаб етди. Туркистонда ташкил топган биринчи миллый мустақил давлат — Кўқон мухториятигининг яксон этилиши кўплаб илғор зиёлилар қатори Қодирийни ҳам хушёр тортирган бўлиши табиий. «Ўткан кунлар» гоясининг муаллиф кўнглида айни ўша кезларда туғилиши, этилиши ҳам тасодифий эмас. Бу кезларда миллатни уйғотиш, унга ўзлигини, миллый қадриятларини англатиш, ҳалқни улуф мақсадлар сари сафарбар этиш ҳаёт-мамот аҳамиятига молик эди. Адига «Ўткан кунлар» орқали «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари», — юртни мустамлака балосига гирифтор этган «хон замонлари» ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқатидан ҳалққа сабоқ бермоқчи бўлди.

«Ўткан кунлар»нинг маъно-мундарижа доираси кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар ичida, менингча, энг муҳими юртнинг, миллатнинг тақдиди, мустақиллиги масаласидир. «Ўткан кунлар» романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ўтган асрда миллат тақдиди учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, холис, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратса олгани йўқ! Мана, «Ўткан кунлар»да романга хос тафаккурни таъмин этган бош оми!

Бундай ижодий вазифани ўша кезлари ҳал этиш учун ёлғиз тутма ижодий иқтидор, истеъдод, ўқиш, ўрганиш, адабий малакаҳининг ўзи кифоя қилмайди; бунинг учун З. Фрейл айтмоқчи, онг-идрокдан ташқари, қандайдир сирли, сехрли иқтидорли зот бўлиши керак. Аллоҳ Қодирийга ана шундай мўъжизавий иқтидор берган эди.

Қодирийнинг энг жиддий кашифиёти шундаки, у «Ўткан кунлар» орқали янги давр адабиётининг бир неча гоявий-бадиий вазифаларини моҳирона ҳал этиб берди. Асарда XIX аср рус ва Европа реалистик романчилигига хос деярли барча муҳим хусусиятларни топиши мумкин. Энг муҳими, бу хусусиятлар ҳар қандай тақлидлардан, зўрма-зўракицклардан холи равишида миллый заминда, миллый тафаккурга хос тарзда намоён бўлган.

Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан, «Бобурнома»даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш

мумкинки, «Ўткан кунлар»да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топди. «Ўткан кунлар» бамисоли улкан ва тиниқ кўзгу, унда халқимизнинг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, аҳвол-руҳияти, маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равшан гавдалантирилган, халқнинг қандайлиги ўзига шундайлигича — бор ҳолица кўрсатилган, ўзбекнинг урф-одатлари — оила қуриш, уй-рўзгор тутиш, меҳмон кутиш, эр-хотин, ота-бала муносабатлари, тўю аза, ҳар хил мажлислар, қувончли, завқли дамлар, драматик фожеий воқеалар, ўта шахсий хусусий саргузашт, кечинмалар, ҳаёт-мамот аҳамиятига молик улкан ижтимоий-тарихий ҳодисалар, ўрда ҳаётидан тортиб, оддий мискин кимсаларнинг, хилма-хил табақага мансуб кишиларнинг турмуш тарзи, ташвиш-кувончлари — барча-барчаси унда мужассам.

«Ўткан кунлар» романи билан ўзбек адабиётининг персонажлар, характерлар силсиласида янги давр бошланди. Қодирийнинг бу борадаги хизматини ҳазрат Навоий ижодий жасорати билан қиёслаш мумкин. Алишер Навоий «Ҳамса» достонлари орқали туркий-ўзбек тилида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар каби форстохик адабиётининг маълум ва машҳур қаҳрамонлари билан тенгглаша ва баҳлаша оладиган оригинал образлар яратиб, катта жасорат кўрсатди. Абдулла Қодирий эса реал ҳаётдан олинган Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумуш, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Зайнаб каби оддий ҳаётий одамларини Фарҳод, Ширин, Меҳинбону, Тоҳир, Зухра, Баҳром сингари анъанавий-афсонавий қаҳрамонлар қаторида тура оладиган ёрқин образлар даражасига кўтарди, кейинги йирик асарларида Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум, Худоёрхон, Муила Обид сингари бетакрор характерлар яратиб, бу тажрибани янада мустаҳкамлади. Қарангки, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» яратилгач, бизда Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра каби севимли исмлар сафида Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно деган номлар кўпайди.

«Ўткан кунлар»да реализмнинг яна бир муҳим хусусияти — шахс характери, руҳияти ва тақдирини аниқ тарихий шароит, жамият, сиёсат, мавжуд ахлоқ меъёрлари билан мустаҳкам алоқада ифода ва талқин этиш ёрқин намоён бўлган; романнинг етакчи қаҳрамонлари ҳам бетакрор шахс, ҳам жамият вакили, аниқ тарихий шароит, муҳит фарзанди сифатида кўринадилар. Ёзувчи уларни даврнинг ҳаёт-мамот воқеа-ҳодисалари, муҳим маънавий-ахлоқий муаммолари гирдоби ичидан олиб ўгади. Қаҳрамонлар қисмати ифодаси орқали адид жамият ҳаёти, ахлоқини, рус босқини арафасидаги халқнинг ҳолат, кайфиятини теран бадиий тадқиқ ва таҳлил этади. Буюқ тарихга, қурдатли давлатчилик, маданий, маънавий анъаналарга эга Туркистон ўлкасининг таназзулга юз

тутиш, рус империясининг мустамлакасига айланиш сабабларини очиб беради.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, гарчи адид шахс характери ва қисматини муҳит, шароит билан чамбарчас алоқадорликда тасвир ва таҳлил этса-да, инсон шахсининг муҳит ва шароитга боғлиқ бўлмаган туфма, сирли-сехрли гаройиб шеваларига ҳам эътиборни тортади. Бу жиҳатдан бир оила, бир хил шароитда туғилиб, вояга етган сажия-характер, сурат ва сиймо важидан икки олам — эгачи-сингил Зайнаб ва Хушрӯйбиби образларининг талқини фоят ибратли. Бири — муте, итоаткор, нукул ўзгалар изни билан иш кўради; иккинчиси эса — дадил, мустақил, ўз баҳти ва тақдири учун фаол кураш олиб боради. Ёзувчи бу икки шахс характерига хос туфма хусусиятларни шарҳлаш билангина чекланмайди, балки бундай хислатларнинг ўша кимсалар, қолаверса, ўзгалар тақдирига кўрсатган таъсири, фожиавий оқибатларини ҳам ифода этади. Тақдирини ўзгалар ихтиёрига топшириб қўйган Зайнаб шу ожизлиги туфайли ўз баҳтига зомин бўлибгина қолмай, яна ўша ожизлик туфайли ўзгалар куткуси орқасида беихтиёр жиноятга ҳам қўл уради, Кумушга заҳар беради. Мустақиллик, дадиллик — яхши хислат, бироқ унга худбинлик, фараз аралашса, балои азимга айланиши мумкин. Хушрӯйбиби ўз баҳти учун дадил кураш олиб бораркан, шахсий фараз йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, бошқа бирорларнинг кўз ёшлари ҳисобига, ўзгаларнинг оиласвий баҳти вайроналари устида ўз баҳтини тиклади.

Бу икки образ характери, тақдири орқали илгари сурилган фикр — гоя ифодаси мумтоз адабиётимизда кўп учрайдиган ибратли, дидактик ҳикоялардаги ифода тарзидан тубдан фарқ қиласди; бу ерда воқеа-ҳодисаларни олдиндан тайёр фикр — гоя тасдиги учун келтириш, «қиссадан ҳисса» чиқариш йўқ, аксинча, фикр — гоя бевосита жонли, ҳаётӣ, бетакрор образлар характери, руҳияти, хатти-ҳаракати, қисмати таҳлили ва тасвиридан ўз-ўзидан келиб чиқади. Фақат бу иккита персонаж эмас, балки романдаги барча қаҳрамонлар муайян фикр — гояни ташийдилар, аммо уларнинг барчаси биринчи галда шу тариқа бетакрор тирик инсон тарзида намоён бўладилар, фикр-гоя эса тирик тандаги қон томирлар каби қаҳрамонларни ҳаракатга келтиради, аммо уларнинг мавжудлиги бир қарашда дарҳол сезилмайди. Бу етук реализмнинг энг муҳим аломати, фазилатларидандир. Шу жиҳатдан «Ўткан кунлар» мумтоз адабиётимиздаги ҳикояларгина эмас, балки 10-йилларда яратилган драма, ҳикоялар билан қиёс қилинса, ёзувчи бадиият тараққиёти йўлида нақадар олға кетганлиги яққол кўринади!

«Ўткан кунлар»да реализмнинг энг муҳим омили — тарихийлик принципи, адабиётнинг ҳаётга яқинлашуви муваффақият билан ҳал этилди. Биламизки, ҳаётга яқинлашув, ҳаётни айнан ўзидай

тасвир этишга уриниш майший икир-чикирлар орасида ўралашиб қолишига, зерикарли тафсилотбозликка, натурализмга олиб келиши ҳам мумкин. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Қодирий реализм йўлидаги шу хатарни четлаб ўта олди, у реал турмуш манзараларини поэзия, санъат мулкига, реал ҳаёт ҳақиқатини чинакамига бадиий ҳақиқатга айлантира олди. Қаранг, асар қаҳрамонлари Отабек билан Кумушнинг оддий севги саргузаштлари — уларнинг илк учрашув, дийдорлашув, висол, ҳижрон ва яна висол дамлари ифодаси, тўй, қизлар базми, қудаларни кутиб олиш лаҳзалари тасвири — барчабарчаси нақадар ранг-баранг бўёқлар, хилма-хил оҳанг-садолар, нағис туйғулар билан йўғрилган!

«Ўткан кунлар»нинг яна бир характеристи жиҳати — унда ёзувчи ижодий фантазиясининг маҳсали бўлган воқеалар, тўқима образлар аниқ тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар билан моҳирона туаштириб, чатиштириб юборилганлигида. Тарихда айнан бўлиб ўтган воқеалар билан муаллиф фантазияси самараси саналмиш саргузаштлар, тарихий сиймолар билан Отабек, Кумуш, Қутидор каби тўқима қаҳрамонлар орасидаги тафовут сезилмас бир ҳолдадир. Бу жиҳатдан «Ўткан кунлар», шунингдек, «Мехробдан чаён» жаҳон адабиётининг нодир намуналари, жумладан, В. Скоттнинг тарихий романлари, А. Пушкиннинг «Капитан қизи» билан бир қаторда туради. Романнинг етакчи қаҳрамонлари Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумуш тақдиригининг ўтган аср ўрталарида ўлкада — Тошкент ва Кўқонда юз берган муҳим тарихий воқеалар (Кўқон хонлиги билан Тошкент беклиги орасидаги зиддият, тўқнашувлар, Тошкентдаги исён, қипчоқ қирғини ва ҳоказо), Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбек, Нормуҳаммад күшбеги, Қаноатшоҳ каби тарихий сиймолар билан алоқадорликда кўрсатилиши, бир томондан, асарнинг маърифий қимматини оширса, иккинчи томондан, ундаги тарихийлик, бинобарин, реалистик хусусиятларни янада чуқурлаштирган. «Ўткан кунлар»дан бошланган бу ноёб тажриба кейинчалик ёзувчининг «Мехробдан чаён» романнида, шунингдек, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарларида, яна ўнлаб йирик эпик полотноларда давом эттирилди.

Қодирий «Улокда» ҳикоясидаёқ ўзбек адабиётида биринчи бўлиб объектив — олис тасвирнинг яхши намунасини берган эди. «Ўткан кунлар»да бу тажриба кенг кўлам, янги кўриниш касб этди. Ёзувчи бутун аср давомида воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини холис, четдан туриб кузатали, воқеаларга деярли аралашмайди, қаҳрамонларни ўз ҳолига кўйиб беради, улар ўзларича мустақил ҳаракат қиласидилар. Асарда аср бошидаги мавжуд мафкуравий оқимлар — диний-исломий қараш, жадидчилик, коммунистик онг тамойилларини учратамиз. Бироқ, муаллиф асарда бирорта мафкуравий оқимнинг тарғиботчиси бўлишдан ўзини тияди.

Бу масалада ҳам у холис турати, факат ҳақиқат, адолат юзасидан иш кўради, қайси мафкурага дахлдор бўлишидан қатъи назар, шахс ва ҳодисаларни мусбат ва манфий томонлари, мураккаблиги, зиддиятлари билан бор ҳолича беришга интилади.

Ёзувчи асарда қаламга олинган даврни инқилобчиларга хос тарзда «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари» деб атайди. Ўша «кирлик, қора кунлар» даҳшатини шафқатсизлик билан кўрсатади, бироқ ўша қора кунларнинг нурли жиҳатларини ҳам асло назардан четда қолдирмайди, эл-юрт ғамида юрган нурли сиймолар образини ҳам яратади. Ёзувчи таъбирича, романдаги давр — «мусулмонобод» замон; хон мусулмон, бек мусулмон, ҳалқ мусулмон, бинобарин, асардаги барча қаҳрамонлар мусулмон, юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариатга мос. Аммо ҳар қадамда бу тантаналик таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам бўлиб турати. Адиб жадид адабиётида бўлгани каби эски қолоқ одатларни кескин танқид остига олади, айни пайтда эски одатларнинг мақбул жиҳатларини, жозибасини моҳирона тараннум этади... Демак, ҳамма ҳолларда адиб ҳақиқатга содиқ қолади. Шунга кўра «Ўткан кунлар»ни тўғридан-тўғри бирор адабий-мафкуравий йўналиш — ё жадид адабиёти, ё шўро адабиёти, ё диний адабиёт намунаси деб бўлмайди. «Ўткан кунлар» биринчи галда холис — объектив романнинг, чин маънодаги етук реализмнинг биздаги мислсиз намунаси. Бу жиҳатдан ҳозиргача ўзбек адабиётида унга тенглаша оладиган роман яратилган эмас.

Ниҳоят, «Ўткан кунлар» тил жиҳатидан ҳам ноёб ҳодиса. Ойбек шундай ёзган эди: «Ўткан кунлар» романнда ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романнинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир тиллир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз, фоят каттадир... Ўзбек бадиий прозаси «Ўткан кунлар» романнада қўйила ва шакллана бошлади. Бу эски поэтик воситалар системаси, эски китобларнинг «алқисса» услуби тузилишларини бузган, турмушга яқин, уни ҳаётий жиҳатдан аниқ қўрсатувчи бир прозадир! Эски прозанинг дабдабали, тумтароқли, сунъий, қуруқ услуби ўрнига бадиий содда, аниқ проза томонига қараб ўсишини кўрамиз».

Айрим адабиётшунослар, жумладан, Қодирийнинг тил бобидаги маҳоратига юксак баҳо берган Ойбек «Ўткан кунлар»нинг поэтик ифодалар тизимида, тилида мумтоз адабиёт ва умуман, эски адабий прозанинг таъсири борлигини негадир салбий баҳолайди. Бу масала мунозарали, у маҳсус тадқиқ этилишга муҳтоҷ. Асар ёзилган даврда, бунинг устига ўтмишдан олиб ёзилган романда эски адабий анъаналардан бутунлай воз кечиш ҳам бирёқламаликка, ноҳаётийликка олиб келиши мумкин эди. Ёзувчи, ўзи айтмоқчи, асарни ёзишда доимо ўқувчи омма кўз ўнгидаги, бу китоб билан ҳалқимиз

рағбатини мумкин қадар янгиликка тортишга интилган, айни пайтда шу кунгача ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келган халқнинг завқини, савиясини назарда тутиб, эски адабиёт усулларидан ҳам онгли равиша фойдаланган.

Қисқаси, бу роман тил, ифода тарзи жиҳатидан эски проза билан янги реалистик проза, қолаверса, бутун бошли мумтоз адабиётимиз билан янги ўзбек адабиёти орасидаги олтин кўпприк вазифасини ўтади, янги услубий йўналишларнинг қарор топиши, ривожи учун кенг йўл очиб берди.

1994 йил

## АДИБ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

### «Ўткан кунлар» ва қўркув салтанати

XX аср ўзбек насрининг шоҳ асари «Ўткан кунлар» романи илк бор 1922 йили «Инқилоб» журнали саҳифалари орқали дунё юзини кўра бошлаган бўлса, ўша дақиқалардан эътиборан бу асарнинг деярли ҳар бир миллат зиёлиси, китобхони руҳияти, маънавиятига, қолаверса, шахсий ҳаёти, тақдирига қандайдир дахлдорлиги бор.

1952 йилнинг кеч кузи. Ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнгинасида жойлашган САГУ (буғунги Миллӣи университет) биносининг иккинчи қаватидаги катта ўкув залида «Адабиётшуносликка кириш» фанидан маъруза ўқилмоқда. Икки ярим ойлик пахта терими ҳашаридан қайтган, маърузаларни соғиниб қолган биз — филология факультетининг биринчи курс талабалари — 64 та жон бир тан бўлиб бутун вужудимиз қулоққа айланиб доцент Зикриё Мирҳожиев сўзларини тинглаб ўтирибмиз. Шу пайт бирдан бино қасир-кусур, деразалар шақир-шукур бўлиб залда қий-чув кўтарилидди. Мирҳожиевнинг қизиқ одати бўларди. Маъруза ўқиётганида доимо юриб, аудиториянинг у бошидан бу бошига бетиним кезиб юради. Ана шу тўс-тўполон онларида ҳам домла одатини тарқ этмай шитоб билан юришда давом этди. Шунда қизлар: «Домла, ер қимирляяпти, зилзила бўляпти!» деб уввос солдилар. Домла эса парво қилмай юриб туриб: «Окўси, нима қилибди, ер бўлгандан кейин қимирлайди-да!» дедилар. Аудиторияда бирдан гуррос кулги кўтарилиди ва шу орада ер силкениши ҳам тинди.

Орадан бир ҳафта ўтиб яна «Адабиётшуносликка кириш» дарси, домланинг ўша-ўша шитоб билан юриб туриб маъруза ўқишлари... Бу галги дарс ўзгача тарзда тугади. Орамизда Самарқанднинг қайсиидир туманидан келган Саримсоқов деган ниҳоятда кўп ўқиган, китоб жинниси бўларди. Исми хотирамдан кўтарилибди. Яқинда курсдошим Шерали Турдиевдан суриштирсан, у ҳам исмини эслолмади. Ҳар бир дарсда у албатта домлаларга қандайдир савол

берар, кўпинча қалтис саволи билан манаман деган профессорларни ҳам довдиратиб қўярди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дарс охирида: «Жулқунбой деган ёзувчи ўтган экан, унинг «Ўткан кунлар» номли романи бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз» деб қолса бўладими! Шунда нима бўлди денг? Ҳамиша, ҳатто таҳликали зилзила пайтида ҳам бетиним юриб турадиган Мирҳожиев домламиз таққа тўхтаб, савол берган талабага анграйиб-бўзариб қарадилар. Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг домла: «Окёси, комсомолмисан?» деб сўрадилар. Тасдиқ жавобини олгач: «Комсомол совет студенти давлат университети аудиториясида бунақа саволни бермайди, коммунист совет доценти бунақа провакацион саволга жавоб қайтармайди» деди қатъий қилиб. Ўқув залида ўтирган талабаларнинг дами ичига тушиб кетди.

Эртаси қуни қалтис савол берган курсдошимиз дарсда кўринмади. Тўрт йил дараксиз кетди. 1956 йил баҳор кунларининг бирида у Чорсадаги ётоқхонамизга эгнида фуфайка, оёғида кирза этик афтодаҳол ҳолда кириб келди. Нима кор-ҳол бўлганини биз ҳам сўрамадик, у ҳам айтмади. Орада қандайдир ҳадик, кўркув хукм сурарди, гап гапга қовушмади. Буни сезди шекилли хушламаган меҳмонимиз «Сафардан қишлоққа қайтишда сизларни бир кўриб ўттай дедим» дея тезгина хайрлашиб йўлга отланди. Ўтган тўрт йил давомида «Ўткан кунлар», «Жулқунбой» сўзларини тилга олиш тугул, ҳатто бу номларни эслашга ҳам қўрқардик. Гарчи тасодифий учрашувда бу номлар тилга олинмаган бўлса-да, бирданига улар хаёлимизни чулғаб олди. Бу пайтга келиб «халқ душманлари» саналмиш адиллар, жумладан, Кодирийга муносабат қисман ўзгара бошлаган, лекин барибир юртда кўркув салтанати кезиб юради.

### «Қаллиқ ўйин» сурури

«Дилхирож» фильми, «Қаллиқ ўйин» спектакли томошалари пайти бирдан ўзимнинг никоҳ тўйим билан боғлиқ воқеалар ёдимга тушади. Тўрт йиллик Конибодом педбилим юрти, беш йиллик САГУ таълимидан сўнг Фарғона вилоятидаги шоир Муқимий «Ким кўrsa ҳанг манг экан» деб таърифлаган она қишлоғим Рапқонга, отоналарим бағрига бориб, мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Ота-она орзузи, қолаверса ўз майлим оқибати ўлароқ Бешариқдаги машҳур зиёлилардан Исоқов домланинг тўнғич қизига уйланадиган бўлдим. Ўзимиз «янгича» бўлсак-да, никоҳ тўйимиз «эскича» қишлоқ ўдумлари бўйича ўтди. Ўша кезлари бизда ҳам «қаллиқ ўйин» бўларди, бироқ «Дилхирож» ва «Қаллиқ ўйин» асарларидағидан бир оз ўзгачароқ ўтарди. Кўёвникидаги базмдан сўнг кўёв жўралари ҳамроҳлигида келинникига йўл олишар, у ерда ҳам қисқа, лекин жўшқин базм-зиёфат бўлар, ёр-ёрлар, ўланлар айтилар, сўнг

куёвжўралар келин-куёв учун палаклар билан безатилган хос хонада куёвни ёлғиз қолдириб, жўнаб қолишарди. Никоҳ, сўнг энг ҳаяжонли, «Ўткан кунлар»да тасвиirlанганидек, келин билан күёвнинг илк висол дамлари бошланар, куёв уч кунгача келин хонадонида қолиб кетар, ундан кейин ҳафтасига икки бор то «келин туширар» маросимига қадар ойлаб келинникига қатнар, бу «қаллиқ ўйин» деб аталар, бу кунлар йигит билан қизнинг энг totли дамлари саналарди. Шахсан мен ўша кунларни умримнинг энг файзли дамлари деб биламан.

Қарангки, турмуш ўртоғум ҳам ўзимга ўхшашиб китоб шайдоси экан, илк сұхбатимиз китобдан бошланиб, нуқул китоб устида давом этди. Билдимки, яқингинада ўрта мактабни битирган 17 ёшли бу қизнинг ўқимаган китоби қолмаган. Фақат русчага, араб ёзувидаги китобларга тиши ўтмас экан. Менинг арабча ёзуудан хабардорлигимни билгач, хона тўридаги тахмонга жойлашган сандиқни очиб, шоҳи рўмолга ўроғлиқ бир китобни олиб менга тутқазди. Очиб, не кўз билан кўрайки, илк муқовасида Кумушбиби сурати солинган «Ўткан кунлар» — учта алоҳида китобдан иборат ўша ноёб хазина! Венерахон буни ўқиб берасиз, — деб ёпишиб олди, мен жон деб унинг амрига бўйсундим. Бошда бир дақиқа кўркув салтанати кўнгилга гулгула солди, бироқ роман қаърига кириб борган сари кўркувдан асар ҳам қолмади. Уч кечакундузлик «қаллиқ ўйини»миз шу тариқа асосан «Ўткан кунлар» мутолааси билан ўтди. Шу кунлардан бошлаб ҳар иккимиз ҳам бир умрга «Ўткан кунлар» шайдоси ва тарғиботчисига айландик. Мен танқидчи-адабиётшунос сифатида «Ўткан кунлар», умуман, Қодирий ижоди бўйича иккита китоб, кўплаб мақолалар эълон қилдим, Венерахон Миллий университет филология факультетини тугатиб, 30 йил мактабда дарс берган бўлса, асосий дарси «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» теварагида борган. Даастур ва дарсликдаги «Она» романи, «В.И. Ленин» поэмаси, «Йўлчи юлдуз» сингари мавзуларни апил-тапил номигагина ўтиб, уларга ажратилган соатларни ҳам Қодирий романларига бағишилагани учун неча бор дакки ҳам эшитган. Энг севимли набираларига Қодирий қаҳрамонларига эҳтиром юзасидан шахсан ўзи Отабек, Раъно исмларини қўйган.

### Ҳақиқат туйғуси— муқаддас

«Қодирий боги» китобининг бир неча ўринларида устоз Иzzat Султонов фикрлари билан кескин мунозаралар бор. Менга кўп яхшиликлар қилган, ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларимга расмий оппонент бўлиб, мени қўллаб-куватлаган устоз олдида хижолат тортиб, бу китобни домлага туҳфа этишдан ийманиб юрадим. Шу орада устоз уйимизга телефонда кўнфироқ

қилиб қолдилар. Бирдан: «Қодирий боғи»ни ўқидим. Табриклайман!» дедилар. Довдираб қолганимни сездилар шекилли домла сўзларида давом этдилар: «Бир «дўстимиз» Умарали Қодирий ҳақидаги китобида Сизни роса дўппослабди, деб ваҳима қилди. Ҳеч қанақа ваҳима қиласдиган жойи йўқ. Менинг ишларимдаги Сиз билдирган эътиrozли ўринларни ўзим тузатиш имкони керак эди. Аслида менинг мақоламдаги Қодирийдан замонага мос жиҳатларни қидириш ўша кезларда улуф адибни ҳимоя қилишнинг бир йўли — усули бўлган. У даврлар ўтди, энди Қодирий ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш имкони келди. Шу ишни Сиз қилибсиз, муборак бўлсин. Қодирий ҳақидаги ҳақиқат Сизу бизнинг нафсониятимиздан юқори туриши лозим. Қодирий ва ҳақиқат ҳимояси йўлида мени ҳар қанча танқид қиласалар, бундан заррача хафа бўлмайман...».

Бу сўзларни эшишиб лол бўлиб қолдим. Буюк одамларнинг қалби нақадар кенг, адолат, ҳақиқат туйғуси улар учун ҳар нарсадан муқаддас! Афсус, биз ҳали улар даражасига етишимизга бир неча қовун пишиги бор.

### **Адабнинг туғилган ой-куни**

Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида «яқинларимнинг сўзларига қараганда, мустабид Николайнинг таҳтга ўтирган йилида туғилғонман» деб ёзади. Тарихдан маълумки, Николай II — Россиянинг охирги императори 1894 йили таҳтга ўтирган; демак, Қодирий айни ўша йили дунёга келган. Адаб туғилган йилнинг ой-куни хусусида ёзувчининг катта ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида «Қайбир вақт дадамдан: «Қайси ой-кунда туғилгансиз?» деб сўраганимда, у киши кулиб, «Ўрик гулида туғилғонман. Тахминан ўнинчи апрелда бўлса керак», деганлари ёдимда...» Ҳабибулла акага шу хусусда эътиroz билдириб, ўттиз йилдан бери Тошкентда яшаб бирор марта апрель бошларида ўрик гуллаганини билмайман, одатда ўрик март ойида гуллаб 10 апрель атрофида довучча туғиб бўлади. Бу пайтда эса олма, аниқроғи беҳи қийғос гулга киради. Дадангиз «беҳи гулида» деб айтмаганмиканлар» деганимда, у киши: «Дарвоқе, гапингизда жон бор, эҳтимол, дадамнинг сўзларини янглиш эшитгандирман, шу жумлани тузатиб қўйиш керак экан» деб жавоб қайтарган эдилар.

### **«Ўткан кунлар»нинг ёзиб тутатилган санаси**

«Ўткан кунлар» илк бор инқилоб журнали орқали дунё юзини кўра бошлаган бўлса-да, асар олдинроқ — 1920 йили ёзиб тутатилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар бор:

**Биринчиси:** «Инқилоб» журналининг 1922 йил 9—10-кўшма сонида эълон қилинган «Ўткан кунлар»дан боблар аввалида «Ёзғувчидан»

деб номланган сўз боши — изоҳнома келтирилади, изоҳнома охирида «Тошканд декабрь, 1920-нчи йил» деган маълумот бор. Кейинчалик «Ўткан кунлар»нинг китоб ҳолидаги нашрида ҳам ўша сўз боши — изоҳнома бироз таҳтирилар билан берилади, бироқ охиридаги макон ва санага оид маълумот негадир тушириб қолдирилган.

Адабий тажрибадан биламизки, бу хилдаги сўз боши — изоҳнома, одатда асар ёзиб тугатилгандан кейин битилади. «Мехробдан чаён»да ҳам айни шундай қилинган.

**Иккинчиси:** «Ўткан кунлар»нинг 1925 йилги алоҳида китоб ҳолида чиқсан биринчи бўлимига сўнгги сўз тариқасида ёзилган «Узр» сарлавҳали изоҳномада «Рўмон, деб сизга тақдим қилинган бу нарса дунёга келиши биланоқ баҳтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди» дейилади.

**Учинчиси:** «Ўткан кунлар» охирида «Ёзғувчидан» деган мухтасаргина сўнгги сўз мавжуд. Унда шундай дейилади:

«Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушиб асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўгул қолибдир. Ўгулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейилар».

Бу маълумотлар айни 1920 йил охиридаги вазият, руҳ-кайфиятни ифодалайди, улар айни ўша пайтнинг гапларидир.

Демак, адабнинг ўзи айтган иқрорлари, маълумотлари руҳи «Ўткан кунлар» романи 1920 йил охирида ёзиб тугатилган, деб узил-кесил ҳукм-хulosса чиқариш учун тўла асос беради. Тўғри, асар матни устидаги ишлар кейин ҳам давом этган, лекин роман айни ўша санада ниҳоясига етган.

### «Ўткан кунлар»нинг асл матни муаммоси

Абдулла Қодирий олти жилдлик «Тўла асарлар тўплами»нинг I жилди 1995 йили чоп этилди-ю, афсус, бу хайрли иш молиявий сабабларга кўра тўхтаб қолди. Адабнинг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларини ўз ичига олган 1992 йили нашр этилган китоб ҳозирча Қодирий романларининг асл нусхаси сифатида қабул қилинмоқда. Бу хусусда ўйлаб кўрадиган бир қатор жумбоклар бор. Тўпламда негадир «Ўткан кунлар»нинг ёзувчи ҳаётлик чоғида босилган сўнгги 1933 йилги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги нашри эмас, 1926 йилги нашри асос қилиб олинган. Ҳолбуки, бу нашрдан муаллифнинг мутлақо кўнгли тўлмаган.

Қодирий юқорида эслатилган, «Узр» сарлавҳали изоҳномасида афсус-надоматлар билан роман «бу кун босилиши мұяссар бўлганида ҳам турлик зарбаларга учради; имлоси уч-тўртта имлочилиаримиз

томонидан тузатилиб (!), ажойиб бир куроқ ҳолига келди, мусах-хижларимизнинг мусоҳалалари (бепарволиги) орқасида техника жиҳати кўз кўриб қулоқ эштимаган бир йўсунда чиқди» деб ёzáди. Ёзувчи асарнинг кейинги нашрида имкон қадар йўл қўйилган хатоларни тузатишга уринажагини айтади ва айни пайтда «бундай хатолардан соф бўла олишига вайда бера олмаслиги»ни ҳам писандга қилиб ўтади.

«Ўткан кунлар» нашрларини қиёсий ўрганиш, кузатишларнинг дастлабки натижалари шундан далолат беради. Романинг 1926 йилги нашри матни ёзувчи кўнглидагидек амалга ошмаган. Романинг тўлиқ ва асл нусхаси деб тақдим қилинган 92-йилги нашрини 33-йилги нашри билан солишириб кўрганимизда ҳар бир саҳифада ўнлаб, ҳатто юзлаб ўзгартириш, тузатишлар борлиги аниқланди. Ўзгартириш-тузатишлар факат матн имлосигагина оид бўлмай, айrim саҳифаларда матн структураси, композицияси ҳам қайта ишланган. 92-йилги китоб охирида берилган «Ўткан кунлар» рўмонининг 1926 ва 1933 йиллар нашрларидағи тафовутлар» деб аталган изоҳда бундай ўзгартириш-тузатишларнинг юздан бири ҳам қайд этилган эмас. Шуниси муҳимки, 1933 йил нашридаги ўзгартиш-тузатишларнинг аксарияти роман матни бадииятини мукаммаллаштиришга қаратилган. Тўғри, 33-йилги нашри ҳам хато-кусурлардан холи эмас. Бир саҳифанинг ўзида бир сўз (масалан, «билан» сўзи гоҳ «билан», гоҳ «блан» тарзида) турли шаклда берилган. Сиёсатга даҳлдор айrim кескин ибораларни бир оз юмшатиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунончи, Юсуфбек ҳожининг ўели Отабек билан учрашувда айтган ҳаяжонли нутқидаги «тўнғизхона» сўзи «оёқ ости» деб ўзгартирилган...

Бу гаплар «Мехробдан чаён» романи нашрларига ҳам тегишли. Хуллас, Қодирий романларининг ишончли асл матнини тиклаш борасида адабиётшунос-матншунослар олдида жиддий вазифалар турибди.

Афсуски, «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён»дан бирор саҳифа ҳам қўлёзма — автограф сақланиб қолмаган, агар у топилса, бу борадаги кўп чалкашликларга ўз-ўзидан аниқлик киритилган бўларди. Умидли дунё дейдилар. Изланишда давом этайлик. Зора, мўъжиза юз бериб, асл матн топилиб қолса...

### Москва таълими самаралари

Қодирий ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам ниҳоятда талабчан, ҳамиша янги замон даражасида фикрлашга мойил зот бўлган. Адиб таржимиҳа ҳолида янги замон ўзгаришлари «баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсгани»ни айтиб, сўнг бундай ёзадилар: «Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида зомон шароити ва мажбурияти остидағи чала-чулпи гаплар эди. Кейинги кунларда

нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ба 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб, Москвага ўқишига кетдим».

Хўш, Қодирий Москвада қайси ўқув даргоҳида ўқиган? Кейинги 30—40 йил давомида чиқкан Қодирий таржимаи ҳолига оид кўп ишларда у Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтида ўқигани айтилади. «Ўзбек совет энциклопедияси»даги (1971) «Абдулла Қодирий мақоласида эса Қодирий «Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиди» дейилади. Бу маълумот ҳақиқатга яқин деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, В. Брюсов 1921 йили Москвада Олий адабий-бадиий институтуни ташкил этган, кейинчалик у В.Я. Брюсов номидаги Бутунитифоқ адабий-бадиий институт (ВЛХИ) деб аталган. Ўша йиллари бу институт жаҳон адабиёти, санъати, фалсафасига доир қарашлар, жўшқин баҳс-мунозаралар маскани саналган. В. Брюсовнинг ўзи ҳам бу даргоҳда маърузалар ўқиган. Қодирий Брюсовни кўрганми, маърузаларини тинглаганми, бу хусусда бир нарса дейиш қийин, чунки Қодирий институтга кирган ўкув йили бошларида 1924 йил 9 октябрда бу киши оламдан ўтган. Лекин, аниқки, В. Брюсовга хос тафаккур, баҳс-мунозаралар руҳи бу даргоҳда давом этган. М. Горький В. Брюсовни «Россиядаги энг маданиятли ёзувчи» деб атаган. Ўз даврида у «модернистик адабиётнинг лидери», «рус символизмининг доҳийси» саналган. Янги ўзбек щеърияти намояндалари, жумладан, Ойбек В. Брюсовдан таъсирланиб, 20-йиллари мароқли изланышлар олиб борган.

Бу даргоҳдаги таълим Қодирий қарашларида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирган. Х. Қодирий «Отам ҳақида» китобида Қодирий-нинг институтда тинглаган лекцияларидан ёзib олган конспект дафтарларини неча бор қизиқиб ўқиб чиққани ва уларни 1945 йилгача авайлаб сақлағани ҳақида гапириб, сўнг бундай ёзади: «Русча ёзилган конспектда дунё адабиётидаги баъзи оқимлар ҳақида баҳс боради. Масалан, реализм, идеализм, романтизм, футуризм каби оқимлар; уларнинг кузатган foялари, қонуниятлари ва бу оқимларга мансуб кўзга кўринган ёзувчилар қисқа-қисқа баён қилиб ўтилади...».

Бундай ўқиши-ўрганиш самараси адаб фаолиятида яққол кўринади. Қодирийнинг 1925 йилдан кейин ёзган адабий-танқидий мақолалари, хусусан, унинг реализм, янгича адабий-бадиий оқимлар ҳақидаги қарашлари ўша давр замонавий адабий-танқидий тафаккури даражасида экани тасодифий эмас.

## Қозон сафари воқеаси

Қодирийнинг 1936 йил ёзида Қозон сафари чоги Амина исмли татар қизига уйланиб қайтгани ҳақида эшиштган, бироқ унинг тафсилотларидан бехабар эдим. 1976 йил июнида бод касалига

йўлиқиб, Хотинкўприкдаги касалхонада йигирма кунча даволанишимга тўғри келди. Ҳабибулла ака ўша кезлари бу ерда ишлар, ҳафтасига икки кун тунда навбатчи бўлиб қолар, қўли бўшади дегунча хонамга келар, тун бўйи сухбатлашиб ўтирадик. Кунларнинг бирида Қозон воқеасини сўрадим. У киши хушламайроқ бўлса-да, бўлган воқеани батафсил сўзлаб бердилар. Ш. Турдиев «Маърифат» газетасининг 2004 йил 31 март сонида эълон этилган «Дўстлар қалбидা» сарлавҳали мақолосида Қодирий — Амина воқеасига доир 1936 йилги Қозон сафарида Қодирийга ҳамроҳ бўлган Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи — татар аёли Зайнаб опадан ёзib олган хотираларини келтирган. Ҳабибулла ака сўзлаб берган воқеа моҳиятнан Ш. Турдиев келтирган хотирани тасдиқласада, бу ҳодисанинг талқини, тафсилотлари ўзгачароқ. Ҳабибулла аканинг айтишича, Аминанинг отаси Қозон яқинидаги Арча районига қарашли Качи овулида яшаган, фоят маърифатли киши бўлган. Бу оила аъзолари Қодирий романларини ўзбек тилида қўлмак ўқишиган, айниқса, оиласининг эркатой, романтик табиат қизи Амина «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабекка, роман муаллифига гойибона ошиқ бўлиб қолган. Ота Қодирийнинг Қозонга келганини эшитиб уни овулга таклиф этган. Амина «Ўткан кунлар» муаллифини кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолади... Қисқаси, бу иш никоҳ билан якунланади. Қодирий Качида икки ҳафта меҳмон бўлади. Кейинроқ Качи таассуротлари ҳақида ажойиб бир мақола ёзади. Амина Қодирий билан Тошкентга келгач, тез орада Қодирийлар хонадонининг чин аъзосига айланади. Ниҳоятда ширин сўз, чаққон, озода, саранжом-саришталиги, пазандалиги билан обрў-эътибор топади. Афсус, бу тотли дамлар узоққа бормайди. Қодирий хасталикка учрайди, адид устида гийбат, фалвалар, таъқибу таҳдидлар авжига чиқади. Адид ҳибсга олинниб бедарак кетгач, Амина Қозондаги қариндош-уруғларини бундан хабардор қилади. Аминанинг акалари Тошкентга келиб уни юртига олиб кетадилар.

### «Наво қуий» гурунглари

Ўтган асрнинг 60—80-йиллари Фулом Каримов бошчилигига 8—10 кишидан иборат гап-улфатгарчилигимиз бўларди. С. Долимов, О. Шарафиддинов, Ҳ. Ёкубов, А. Алиев, С. Фузайловдек устозлардан иборат бу даврага мен ва мен тенгли икки-уч ёш домлалар ҳам таклиф этилган эдик. Ойда бир бор улфатлардан бирининг хонадонида ўтадиган гурунглар фоят мароқли кечарди. Даврада албатта санъаткор — созанда ва хонандалар иштирок этарди. Машхур созанда Турғун Алиматов иштирок этган гурунгларни эсласам ҳамон кўнглим чарогон бўлиб кетади. Турғун акадек санъаткор Субутой домлани мумтоз куй, мақом бобида ўзига устоз деб атардилар.

Субутой ака дуторда, Тургун ака танбур ёки сатода ижро этган куйлардан сел бўлиб тўлғонардик.

Тургун ака ҳар гал «Ўткан кунлар»даги «Наво куйи» боби устида сўз очар, бу бобни ёд билар, ёд айтиб мумтоз куйнинг сўз орқали бу қадар нафис, тиник, аниқ жонли ифодасидан ҳайратини тўкиб соларди. Субутой ака «Ўткан кунлар»да тасвир этилган дуторда чалинган куйни ёшлигида тинглаганини сўзлар, Тургун акадан уни тиклашни қайта-қайта илтимос қиласарди. Тургун ака устоз илтимосини ерда қолдирмай, бу йўлда узоқ изландилар. Ниҳоят, улуғ созанда бир гал: «Устоз, дутор навесини топдим, «Ўткан кунлар»нинг ўзидан олиб тикладим» дедилар. Сўнг дуторни қўлга олиб, одатдагидек уни узоқ созлаб, Қодирий ёзганидек, дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ биз кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юбордилар. Куй бошланиши билан оқдаврадагиларнинг вужуди «зирр» этиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, эшилиб, тўлғаниб теварак-атрофга илоҳий бир сирли-сехрли садолар таратган дутор пардалари тинди. Субутой ака «Айни ўзи, қойил! Балли!» деб юбордилар.

Сұхбат уланиб, замонавий адабиётга келиб тақалди. Тургун ака: «Хозирги ёзувчи-шоирлар асарларида мумтоз куйнинг шунаقا тасвири борми?» — деб сўраб қолдилар. Мен: «Бор! — дезим, китоб жавонидан Абдулла Орипов тўпламини олиб «Муножот»ни тинглаб» шеърини ўқий бошладим.

*Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,  
Асрлар гамини сўйлар «Муножот».  
Куини шундай бўйса, гамининг ўзига  
Қандай чидай оғлан экан одамзод!*

Ана шу сўнгти сатрларга келганда улуг созанда: «Ҳа, бу шеърдаги «Муножот» тасвири «Ўткан кунлар»даги «Наво» куйи тасвиридан қолишмас экан» дедилар ўзларига хос босиқлик билтан.

2004 йил

## ҚАЛБ ДРАМАСИ ВА НАФОСАТИ

Мумтоз шеъриятимизнинг нодир намуналарига хос энг муҳим хусусиятлардан бири щуки, уларда шоир (лирик қаҳрамон) қатбининг агадесиз қийноқлари, оху зорлари ўқувчини ларзага солар даражада бутун кескинилиги, драмалари билтан изҳор этилади. Айни пайтда шу руҳий қийноқлар ифодаси киши кўнглини асир этадиган, овутадиган нафосат, ғаройиб бир шоирона түйғу билтан чулғанганд бўлаци, яъни дард билан лаззат, мунг билтан таскин уйғунликда ёндош келади. Жаҳон адабиётидаги энг ҳазин ва нурли севги қиссаси ҳазрат Навоининг «Лайли ва Мажнун» достони бунинг ёрқин

намунаси. Мана шу мўътабар анъана янги ўзбек адабиётига, жумладан, насрига ҳам кўчиб ўтган, айниқса, тўнгич миллий романимиз «Ўткан кунлар»да бу фазилат янгила кўринишида юксак даражада намоён бўлган.

Роман муаллифи тўғридан-тўғри Отабек ва Кумушнинг «ҳажр ва фироқли» ишқий мулоқатларида «самимият, яна тўғриси шеърият бор» деб эътироф этади ва бутун асар давомида ана шу нафосат — романтик руҳни бадиий кашф этиш йўлидан боради. Бу ҳол XX аср танқидчилигига кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, буни эскича усул, янги замон услубига, шафқатсиз реализмга зид деб китобийлиқда, ширинзабонлик, ҳатто чучмалликда айблаш ҳоллари ҳам юз берган.

Бундай қарашларнинг муайян сабаблари бор, албатта. XX аср жаҳон адабиётида романтик руҳдан бутунлай холи ҳётнинг ўта дагал, шафқатсиз, абсурддан иборат ҳақиқатини бутун кескинлиги, даҳшати билан очиб берувчи улкан адабий оқим пайдо бўлди. Бу йўналишда яратилган нодир асарларнинг бадиий кашфиёти ва шуҳратига маҳлиё бўлган биз каби бандай ожиз мунаққидлар энди романтиканинг даври ўтди, дея ҳукм чиқара бошладик. Шоирона эҳтирос билан йўғрилган асарларнинг «шарқона шоирона услуги»га нописанд муносабат сўнгги йилларда бизда хийла кенг ёйилди.

Ана шундай бир шароитда Farbda, жаҳоннинг турли минтақаларида нима бўлди денг?! Турмушнинг ўта шафқатсиз, дагал ифодаларидан толиқсан, зада бўлган китобхон, томошабин эҳтиёжини ўз вақтида нозик пайқаган сезгир ижодкорлар айни ўша «пуф сассиқ»قا чиқарилган шарқона романтик анъаналарга қайта бошладилар, XX аср поёнида пайдо бўла бошлаган «Титаник», «Ҳайратомуз ақл», «Қишиб сонатаси» фильмлари, П. Коэлонинг «Алхимик», «Бешинчи тоғ» романлари худди шу хислати туфайли Farb дунёсида шуҳрат қозонгани, катта шов-шуввларга сабаб бўлгани гаройиб ҳол! Гўзалликка, нафосатга шайдолик инсон зотининг боқий фазилатларидан экани, фан-техника, замонавий информатика мўъжизалари ҳам уни бу ноёб туйғудан мосуво этолмаслигининг ёрқин исботи бу!

Синчиклаб қаралса, Қодирий романларидаги шарқона эҳтиросларга йўғрилган ифодалар янги замон услубига, янги давр одамлари эҳтиёжи, завқига асло зид эмас эди. «Ўткан кунлар» муаллифи жаҳон адабиётидаги янги жараёнлардан, адабий-бадиий оқимлардан, «сўнгги приём»лардан яхши хабардор бўлган, ўзи айтмоқчи, ҳатто «сўнгги приём»ларнинг баъзиларини «Ўткан кунлар»га эртароқ киритган; айни пайтда ҳалқнинг савиясини, завқини, руҳини эътиборга олиб «эски приём»лардан, анъанавий шарқона ифода йўлларидан самарали фойдаланган. Адид «Модомики», асар савияси ўзимизга маълум шу ҳалқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт

«Сўнгги приём»лардан кўз юмиб туриш, оралиқда «сўнгги приём»ни оз-оз қистира бориш лозим»лигини айтади ва қатъий қилиб: «Эски приём билан ёзди, биноан алайҳи бу ёзувчига биринчи номерни бермаймиз» деб қилинган танқидлардан ҳуркмаймиз» дейди.

Қанчалик жасорат билан айтилган доно сўзлар! Бу фикр бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Жаҳон адабиёти ва санъатининг қарийб бир асрдан кейинги ҳолати адабнинг бу борада нақадар ҳақ эканини тасдиқлаб турибди. Улуғ адабнинг ўз вақтида эски миллий анъанаалар билан «сўнгги приём»лар, яъни замонавий адабиёт услубини оқилона қўшиб олиб боришдан иборат ноёб тажрибаси янги аср бошида ҳам аскотмоқда, жаҳон адабиёти ва санъатида янгидан-янги бадиий ихтиrolар учун йўл очмоқда. Абдулла Қаҳдор «Абдулла Қодирий, баъзи бир одамлар айтмоқчи, «бир-иккита рисола ёзган» анчайин ёзувчи эмас, балки янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчагандা ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адидир» деганида тўла ҳақ.

«Ўткан кунлар»даги Отабекнинг руҳий драмалари ифодаси талқинига оид айрим лавҳаларни шу жиҳатдан кўздан кечирайлик.

Отабек Зайнабга унаштирилгани ҳақидаги хабарни Кумушга, унинг ота-оналарига етказиш учун Марғилонга отланган; у «кўтариб бўлмайтурган бир қайгу, чидаб бўлмайтурган бир ҳасрат»ни орқалаб борар экан, Кумушбиби шум хабарни эшитганда нималар бўлишини ва қандай ҳолларга тушишини, ота-оналари нима дейишини ўйлаб от устида эзилиб, ўртаниб, ўзининг дунёда бор-йўқлигига ҳам тушунмай кетаётир... Кўклам фасли таровати, табиат, теваракатроф нафосати, қушлар чуфури ҳам кўнгил дардига таскин беролмайди. Кутидор хонадонига етиб боргач, шум хабарни айтмасликка ва бу даргоҳдан қайтмасликка қарор беради. Аммо барибир сир ошкор бўлади. Бироқ оқибат-натижа ҳам қаҳрамон, ҳам китобхон кутганидан ўзгача бўлиб чиқади: мулоҳазакор, андишали Кутидор қуда томон арз-ҳолларини тушуниб, унга розилик билдиради, нақадар ноҳуш, мушкул бўлмасин хотини Офтоб ойимни, қизи Кумушни, ниҳоят Отабекни ўз қарорига кўпидиради. Мана шу жараён нақадар нағис, санъаткорона ифода этилган. Ўша тобдаги ҳар бир қалбнинг титроти, изтиробларини, уларга осон эмаслигини баралла сезиб, ҳис этиб турасиз. Айни пайтда юксак одоб-ахлоқ соҳиби, ўзбекона андиша бандаси бўлмиш бу шахслар бундай вазиятда ўзлари учун ҳар қанча мушкул бўлмасин, ўзгача йўл тута олмасликларига амин бўласиз. Айниқса, Отабек Кумушдан итобомуз сўзлар, аччиқ хитоблар кутиб ўтирганида, у ўйга фариштадек кириб келиб кутилмаган жойда уни оғир ҳолатдан кутқаради: «Мен рози, мен кўндим» дейди дафъатан. Ёзувчи шу заҳоти Кумуш «бу сўзни нимадандир қўрққандек шошиб айтди» деся изоҳ беради. Мана шу шошиб ва нимадандир қўрқиб

айтилган сўзда Кумушнинг шу тобдаги кўнгил изтироби ва нафосати уфуриб турибди. Шундан кейинги ифода ўқувчи кўнглига гаройиб бир таскин ва сурур баҳш этади:

« — Кўндингиз...нега, а?

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичиди эди.

— Негаки, — деди Кумуш, — мен сизга ишонаман...

— Шунинг учун...

— Шунинг учун кўнглим...

— Кўнглингиз фаришталар кўнглидек.

— Сизнинг ҳам кўнглингиз...

Икки жон, икки юрак гўёки биттадек бир-бирисини онглар, бирисидан бирисига ўтиб юрар эди шу вақт.

...Кутидор тарафидан эртага Тошканд жўнаш эълони берилди.

Иккисининг ҳамма вақтлари шам ёнида сўзлашиб кечди...»

Шуниси ҳам борки, вазият тақозоси билан мушкул ҳолатнинг бу хилдаги гўзал ечими асло персонажлар қисматидаги драмаларнинг бутунлай бартараф этилиши эмас. Балки, бу ечим олдиндаги янгидан-янги мушкул жумбоқлар, кўргиликларнинг дебочаси эканлиги тасвирдаги ширин ва хазин бир оҳангдан англашиниб туради. Бу ҳаёт, тақдир шафқатсизлигини нафосасига йўғрилган ҳолда ифода этишнинг, нафис туйфулар тили билан сўзлашнинг беназир намунаси!

Адид қаҳрамоннинг фақат интим, ишқий-оилавий кечин-малари эмас, ижтимоий фаолияти, манфаатлари ифодасида ҳам айни шу йўлдан боради. Бу жиҳатдан романнинг «Қипчоққа қирғин» бобидаги Отабек руҳий изтироби ифодасини эслаш кифоя.

Отабекнинг ижтимоий йўналишдаги кўнгил дардлари ишқий-оилавий ташвишлари залворидан асло кам эмас. Шу билан бирга, улар орасида, бадиий талқинида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Ишқ изтироблари пайтида қаҳрамон сентиментал ҳолатларга тушади, йигидан, кўз ёшлари тўкишдан ўзини тия олмайди. Мисолларга мурожаат этайлик. Отабек «тутуруқсиз совғани кўтариб» гулларга, кўкатларга бурканган қирлар оралаб отда борар экан, узоқда кўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи қулогига чалинади, теваракни зир титратган «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» мисралари Отабекнинг истиқболидан ҳикоя қилгандек кўнглини ларзага солади, шу тобда ўзини тутолмай йиғлашга тушади, кўз ёшлари юзи оралиқ эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайди... Отабекнинг «Наво» куйини тинглаш онларидаги ҳолати бундан-да мунгли, таъсирчан: «Доторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чиқсан «Наво» куйи ўз ноласига тушунгучи... бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиғлар, кучини йиғишириб йиғлар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиғлар эди...» деб ёзади муаллифнинг ўзи ҳам тўлқинланиб.

Одатдагидек, бу ўринда ҳам Қодирийнинг қаҳрамонни тоқат қилиш мумкин бўлмаган оғир вазиятдан, тифиз руҳий ҳолатдан олиб чиқиш санъати кишини лол қолдиради. Бу шунчаки адабий приём бўлмай, энг муҳими, унда адебнинг асл ҳаёт фалсафаси ёрқин намоён бўлган: «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи орқалиқ тўклирди-да, фалакнинг тескари ҳаракатидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлғиз ҳасратгина бўлмаганлигини билдиргандек ўзининг «савт» куйини ер юзига шодлик ва сўйинч ёғдириб арз эта бошлади. «Наво»нинг сиҳирлик «савт»и Отабекнинг кўз ёшларини куритди-да, бир енгиллик бағишилади. «Наво» билан ювилиб кеткан унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди..»

Ниҳоят, Кумуш ўлемидан бир йил ўтгач, Отабекнинг қабристонда Кумуш қабри ёнидаги ҳолати, сўнгти кўз ёшлари тасвирини ўқиймиз. Аввалги лавҳалардаги кўз ёшлар гўзал табиат, гўзал куй жўрлигига тўкилган бўлса, бу галгиси фано интиҳоси ва бақо бўсағасида илоҳий қалом садолари оғушида оқади:

«Куръон оятлари қабристон ичига оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам Куръон оятларига қўшилишиб оқар эди». Эътибор берсангиз Куръон оятлари оқимида фақат ҳазинлик эмас, илоҳий бир таскин ҳам бор.

Бугун баралла айтиш мумкинки, Отабекнинг ишқи ҳар қанча ҳаётӣ, табиий бўлмасин, айни пайтда у сирли-сехрли илоҳий руҳ билан йўғрилган. Айниқса, бу ҳол охирги лавҳала аниқ кўринади. Моддиянчи мунаққидлар бу ҳолатни ўта ноҳуш қабул қилганлар. Чунончи, Сотти Ҳусайн роман муаллифи Отабекнинг ишқ, муҳаббатини илоҳийлаштирган, «А. Қодирий «илоҳий муҳаббат»га аниқ ишониб, шуни тарғиб қиласидир. Яъни ғайритабиий кучнинг борлигини исбот қилмоқчи бўладир» дея муаллиғга ғоявий айб қўяди ва қатъий қилиб: «Ишқ, муҳаббат илоҳий бўлмай, табиий, моддий бўладир, илоҳий деб қилина турған ҳар қандай таъбири ёлғон, кўз бўявлчилекдир» деб ёзади. Ким ҳақ, ким ноҳақ, ким кўз бўёвчи эканини ҳаётнинг, адабиёт, санъат ривожининг ўзи кўрсатди, кўрсатаётир. Юқорида эслатилган ҳар уч лавҳала ҳам кўз ёшлари билан йўғрилган ўта маъюс, мунгли драматик ҳолатнинг бунақа нафис, рангин чиройли тасвири сўз санъатида сийрак учрайдиган ноёб бадиий топилма! Менингча, бунақа сентиментал ҳолатларни ҳамиша ҳам инсоний заифлик аломати деб аташ тўғри бўлмас. Аксинча, у юксак инсонийлик, самимийлик белгиси. Дарз-аламларни чин дилдан ҳис эта билиш, ўртаниш, кўз ёши тўқа олиш ҳам буюк башарий фазилат.

Ишқий, интим кечинмалар онларида мискин, ожиз кўринган Отабек эл-юрт қайфуси йўлида ҳар қанча ўртамасин, куйиб-ёнмасин мардона, шижаоткордир. Эл-юрт йўлидаги шижаот, ҳатто фожиа – ўлим хабарида ёзувчининг қалами ҳам шафқатсиз.

мардона тус олади: «Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди: «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг кўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунушмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...». Ота ва она эса, ўз навбатида, жасур ўғлоннинг қаҳрамонона шаҳид бўлиш хабарини мардона қарши оладилар, бу ўринда нолалар, фарёллар, кўз ёши тўкишлар йўқ: «Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди».

Мана шу мардона хабар ҳам ўзгача оҳангдаги шеърий руҳ билан ўйғрилган. «Ўткан кунлар»да ёрқин намоён бўлган шахс ҳаёти, қалби драмаси ва нафосатини бадиий кашф этишдек ноёб фазилатнинг бугунги кунда юқорила эслатилган жаҳон адабиёти, санъатининг энг яхши намуналари билан муштарак эканлиги кишида фаҳр-ифтихор туйғусини уйғотади. «Ҳайратомуз ақл» фильмининг ўзбекча таржимаси томошаси пайтида ҳамкасб дўстим гурур билан фильм сценарийси муаллифи Зулфия Назар ота қонидан ўтган шарқона севги таронаси руҳини америка кино санъатига олиб кирибди, деди. Бу гапда жон бор. Шу ўринда кичик бир изоҳ: фильм ўзбекчага русча «Игры разума»дан сўзма-сўз «Тафаккур ўйинлари» деб ўтирилган. Инглизча асл номи «Beautiful mind» «Гўзал тафаккур» ёки «Ҳайратомуз ақл» деган маънени англатади. Шу ном унга ярашади. Зотан Зулфия Назарнинг фильмга асос бўлган жаҳонга машҳур китоби «Ажойиб ақл» деб аталади. «Ҳайратомуз ақл»даги севги, вафо, садоқатнинг сеҳрли кучи, «Қиш сонатаси»даги икки ёшнинг нозик ибо, самимият, нафосатга чулганган ишқий муроқотлари, «Алхимик» романидаги ёш испан йигити Сантьяго билан араб қизи Фотима, «Бешинчи тоғ» даги Илёс пайғамбар билан бева аёл ораларидаги пинҳона оташин муҳаббат тароналари — гўзаллик, нафосат, ибо туйғуси санъат, адабиётнинг мангу учар қаноти эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ғаройиб бир ҳол: айни жаҳон адабиёти, санъатида бўлгани каби миллий адабиётимиз ҳам муайян муддат ҳаётнинг яланғоч, шафқатсиз ҳодисаларининг яланғоч тасвирига ўта маҳлиё бўлишдан чекиниб, асл миллий қадриятларимизга қайта бошлади. Вое-ликнинг ўта шафқатсиз, мунгли, фожейи ҳақиқатлари қаламга олинган «Офтоб ойим», «Қоракўз мажнун» ҳикоялари (С. Аҳмад), «Тушда кечган умрлар» романи (Ў. Ҳошимов) бошдан-оёқ Қодирийга хос латофат ва нафосат туйғуси билан йўғрилган; «Тепаликдаги хароба» романидаги (О. Мухтор) Маликул қалом Мавлоно Лутфийнинг латиф севги достони тасвири асарга ўзгача руҳ баҳш этган, «Бозор»да (Х. Дўстмуҳаммад) эса Фозилбек ва Қадриянинг Отабек билан Кумуш ишқ достонини ёдга туширувчи

севги қиссаси миллий носирларимиз модернизмнинг ўзгача йўлларини қидираётганидан бир далолатдир.

Абдулла Қодирий тажрибаси ва ҳозирги жаҳон адабиёти, санъатидаги, қолаверса, бугунги ўзбек адабиётидаги муштаракликлар хусусидаги кузатиш, ўй-мулоҳазалардан чиқадиган энг муҳим сабоқ шуки, санъат, адабиётдаги «эскича» ва «янгича» ифода йўллари устида шошма-шошарлик билан ҳукм-холосалар чиқаришдан тийилайлик, азизлар. Биз эскига чиқарган ифода йўллари бугун ёки эртага бирдан янгиланиб буюк бадиий ихтиро, кашфиётлар учун замин, асос бўлавериши мумкин экан.

2004 йил

## ЎЗБЕК ОЙИМ ВА УНИНГ АДАБИЁТДАГИ ИЗДОШЛАРИ

Жаҳон адабиёти, санъати тарихида миллат менталитети, табииати, руҳияти, шаънини намоён этадиган, миллат тимсолига айланган ёрқин образлар кўп. Янги ўзбек адабиётида ҳам бу хил образлар талайгина, Қодирий, Ойбек, F. Фулом даҳоси кашфи бўлган Отабек, Кумуш, Ўзбек ойим, Навоий, Шум болалар, Чўлпон, F. Фулом шеърияти лирик қаҳрамонлари ўзбекнинг ўзлигини олис-олисларга танитганлиги кўпчиликка аён.

Миллий адабиётимизнинг кейинги авлодлари ижодида ҳам бу табаррук анъана давом этиб келмоқда. Чингиз Айтматов «Улуғбек хазинаси» романи муаллифи О. Ёқубовга йўллаган мактубида «романин ўқирканман, кўнглимда туркий халқларимиз тарихи учун ифтихор туйғуси жўш урди... Улуғбек шундай даҳоки, у бизнинг асрлар оша тарихимизга, заминда тутган мавқеимизга гувоҳ. Улуғбек — бизнинг дилдаги оҳимиз, армонимиз, у буюк башарий тажрибалар ҳақида, дунё ҳақида юксак мезонларда туриб мулоҳаза юритиш, ҳукм-сабоқлар чиқариш учун асос берадиган шахс», деб ёзган эди. Машхур француз тарихчisi Э. Ренан буюк темурий тождорлар — Бобур, Ҳумоюн ва Акбар орасидаги оқилона ворисийликни тарихда фақат бир бор содир бўлган нодир ҳодиса, дея баҳолаган. П. Қодиров «Юлдузли тунлар» («Бобур»), «Авлодлар довони» («Ҳумоюн ва Акбар») романларида айни ўша башарият тарихидаги нодир ҳодисани қаламга олган. F. Фулом, Зулфия, Э. Воҳидов, А. Ориповлар миллат шаъни-гуури, дарду дунёси ҳақида оламга нималар берганликларини ҳали биз етарли чамалаб кўролганимизча йўқ...

Сўз санъатининг сирли-сехрли, мўъжизакор қудрати шундаки, у фақат гўзал шахслар, буюк, даҳо сиймолар тимсоли эмас, оддий одамлар, афандитабиат, довдир, зиддиятли кимсалар образи орқали ҳам миллат шаъни, довругини оламга кўз-кўз қилавериши мумкин.

Зотан, Пушкин айтмоқчи, даҳолик довдирлик қўринишида ҳам намоён бўлаверади. «Дон Кихот» — жаҳон адабиётида бунинг ёрқин мисоли. XX аср жаҳон адабиёти ва кино санъати яратган Чарли Чаплин, Шукар бобо (М. Шолохов), Василий Теркин (А. Твардовский), француз, итальян, рус, грузин кинокомедияларининг ажабтовур афандитабиат қаҳрамонлари дунё бўйлаб қанчалар шуҳрат қозонганлигига гувоҳмиз. Ўзимизда «Майсаранинг иши», «Шум бола», «Шоҳи сўзана», «Келинлар қўзғолони» асарлари, «Ўткан кунлар» билан «Мехробдан чаён»даги Ўзбек ойим, Солиҳ маҳдум образлари ана шундай ноёб тимсоллар сирасидан.

Ойбек Абдулла Қодирий ҳақиқидаги рисоласида Ўзбек ойим образига юксак баҳо бериб, уни романдаги «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» деб атайди. Бу аёл, бир қарасангиз чала думбул, ўжар, басир, «ўз хоҳишига тескари келган ҳақиқатни кўрмайдиган қизиқ табиатга молик» кимса. Қизифи шундаки, мана шундай ўжар, басир, чала думбул аёлни — мулоҳазасиз хатти-ҳаракатлари билан Ҳожини ноқулай аҳволга солиб кўйган, якка-ю ягона ўғлининг бахтига зомин бўлган, аломат келини Кумуш, бу ёқда Зайнаб турмушининг ҳазон бўлишига йўл очган Ўзбек ойимни, аввал айтиб ўтганимиздек, асло «қаҳр-ғазаб» билан фош этиш, қоралаш йўлини тутмайди, аксинча, уни гаройиб жумбоқ сифатида тушунишга интилиб алоҳида меҳр, аниқроғи, гаройиб юмор, илик бир табассум билан қалам тебратади. Эътибор беринг-а, гоят жиддий, салобатли сиймо Ҳожи Ўзбек ойим билан мулоқотда ҳар доим ўзгача ҳолатда қўринади, кулги, ҳазил-мутойиба, қисман қувлик йўлини тутади, айни шу усул орқали унинг ўжар қалбига йўл топишга уринади. Нима бўлгандা ҳам Ўзбек ойим — барибир она; табиатидаги барча зиддиятлари, ожиз томонларига қарамай, у ўзбекнинг мағрур, тантни онаси! Ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишли адиб уни қоралашга тили бормайди. Айни пайтда ростгўй, реалист ёзувчи бу ўжар, «чала думбул табиатли» аёлнинг ножӯя қиликлари, хатти-ҳаракатларини батафсил қаламга олиш билан бирга, унинг қалби тубидаги ажиб меҳр, мурувват туйгусини, тантлилк каби фазилатларини ҳам фавқулодда маҳорат, теран ва нозик руҳшунос сифатида бадиий инкишоф этади. Марғилонлик қудаларни кутиб олиш жараёни тасвири бу жиҳатдан ноёб бадиий ихтиро! Куни кеча марғилонлик келинини ҳам, қудаларини ҳам кўярарга кўзи йўқ аёл бугун уларни алоҳида эҳтиром билан муносиб кутиб олишга ҳозирланади, уйининг энг тўрисини уларга раво кўради. Яқин-яқинларгача «анди» деб ҳақоратлаб юрган марғилонлик келинига илк бор дуч келганида унинг қадди-бастига, вужудидан ёғилиб турган ибо-латофатга маҳлиё бўлиб, меҳри жўшиб, уни маҳкам сиқиб кучоқлаб олади, юзидан шап-шап ўпидайтган айланиб ўргилади, Кумушга тикилиб-

тикилиб нима учундир йиғлайды... Мана шу «ноаниқ» йифида гаройиб сөхр бор, шу хатти-ҳаракатда Ўзбек ойимнинг асл бисоти, ўзи қилиб қўйган гуноҳини савқи табиий тарзда ҳис этиш, англаши ярқ этиб кўзга ташланади, гёё мана шу кўз ёши бу аёлнинг Кумуш олдидаги жамики гуноҳларини ювиг кетгандай бўлади. Шу дақиқадан эътиборан Ўзбек ойим беихтиёр Зайнаб қолиб, Кумуш томонга ўтади. Кумуш ўлимидан кейин Отабек дилини тушуниб, унинг хоҳиш-иродасига мутлақо қаршилик кўрсатмайди.

Бу образ тасвири бошдан-оёқ ажиг сержило — ҳам киноя-кесатиқларга, ҳам ардок, меҳр-мурувватга тўла юмор билан йўғрилган. Шу сержило комик тасвир орқали Ўзбек ойимнинг фазилатларини ҳам, ожиз томонларини ҳам, фожиасини ҳам — барча-барчасини кўриб, ҳис этиб турамиз. Улуғ адиг қалами сөхри туфайли мана шу «чала думбул табиат» аёл миллатнинг тимсоли даражасига кўтарилади.

Танқидчилик ибораси билан айтганда, романдаги эпизодик бир персонаж саналмиш Ўзбек ойим асардаги шунчаки «энг жонли, реалистик чизиқдар билан кўрсатилган шахс» бўлиб қолмай, XX аср миллий адабиёти тараққиётига сезиларли таъсири кўрсатди, ҳатто «Ўткан кунлар» қатағон қилинган йилларда ҳам бу персонаж таъсирида асарлар яратиш давом этди. Жумладан, «Шоҳи сўзана», «Келинлар қўзголони» комедиялари айни шу жиҳати билан эътиборни тортади. Бу икки асарнинг жаҳоншумул довруғи сири-сабаблари, очиги, ҳали танқидчиликда илмий кашф этилган эмас.

Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ўта талабчан, мақтанишни хуш кўрмайдиган Аблулла Қаҳҳор таржимаи ҳолида «Шоҳи сўзана» ва унинг довруғи хусусида шундай маълумотларни келтиради: «Янги ер» («Шоҳи сўзана»)га аввал Республика мукофоти, кейин Давлат мукофоти берилди. Пьеса Иттифоқнинг етмиш учта йирик, шу жумладан, Москва, Ленинград ва деярли ҳамма миллий республикалар саҳнасида, Хитой Ҳалқ Республикасида, Ҳалқ демократияси мамлакатларида қўйилди».

Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа комедиялари — «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» комик маҳорат бобида «Шоҳи сўзана»дан асло қолишмайди. Ижтимоий-танқидий пафоси, «жамиятнинг қитигига тегадиган» жиҳатлари билан ҳатто бу асардан устун туради. Нега энди улар қолиб айни «Шоҳи сўзана» бу қадар шуҳрат қозонди?

Танқидчиликда «Шоҳи сўзана»нинг фазилатлари, новаторона хусусиятлари тўғрисида кўп гапирилган, ёзилган. «Шоҳи сўзана» том маънодаги новаторона асар эди, — деб ёзади О. Шарафиддинов. — У жанр хусусиятларига кўра... комедия жанрига мансуб, бироқ традицион комедиялардан анча фарқ қиласиди. Абдулла Қаҳҳор бу асари билан комедиянинг янги хилини яратди дейиш мумкин.

Гап шундаки, комедияда ҳаётдаги муайян қусурлар, одамларнинг ўзаро муносабатларидаги кемтиклар, уларнинг харakterидаги нуқсонлар кулги орқали танқид қилинади... Абдулла Қаҳхорнинг «Шоҳи сўзана»сида эса салбий ҳодиса ҳам йўқ, салбий қаҳрамонлар ҳам. Автор асарда тасвирлаган одамларнинг ҳаммасига ҳайриҳолик билан қалам тебратади... Шундай қилиб, «Шоҳи сўзана» комедиясида кулги янгича функцияга эга — у ортиқ фош қилиш қуроли эмас, танқид воситаси эмас, балки ижобий кучларнинг фазилатларини тўлароқ очишга, замонамиз қаҳрамонларининг ахлоқий-маънавий фазилатларини тасдиқлашга хизмат қилди».<sup>1</sup>

Адабиётшуносликда «Шоҳи сўзана» «қаҳрамонлик комедияси» деган қарааш ҳам мавжуд. Шу хил қараашлар билан бирга комедия моҳиятини ўзгача талқин этишлар ҳам учрайди.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг «Абдулла Қаҳхор» бобида «Шоҳи сўзана»нинг новаторона жиҳатлари таъкидланган ҳолда, асар конфликти, персонажларро зиддиятлар таъқинида анъанавий йўл тутилади: «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонлар кураши масаласига алоҳида ургу берилади. «Тарих»да, жумладан, шундай дейилади: «Деҳқонбой, Ҳафиза ва Қўзиев каби ёшларнинг обод жойлардан қакроқ чўлга келиб, янги ер очишлари — совет кишиларига хос бир қаҳрамонлик. Ҳолнисо, Ҳамробуви ва Мавлон шу қаҳрамонликни ўзларининг майда-чўйда манфаатларига бўйсундирмоқчи бўладилар. Кичик ниятлар ва аянч нуқсонларнинг катта мақсад ва юксак фазилатлар устидан ҳукмонлик қилишга уриниши қаттиқ кулгига сабаб бўлади»<sup>2</sup>. Бугина эмас, «Тарих»да комедияда ижобий қаҳрамонлар марказий ўринда туриши, салбий қаҳрамонлар — Ҳолнисо билан Ҳамробуви тимсолида эскилиқ сарқитлари кулги остига олингандлиги бот-бот таъкидланади. Пьеса қаҳрамонлари ўтмиш сарқитларидан кулаётганида, бу сарқитлардан кулиб кутулаётгани айтилади. «Тарих»да яна шуларни ўқиймиз: «Фақат улар эмас, пьесани саҳнада кўрган минг-минглаб томошибинлар ҳам эскилиқ сарқитларини ўзига номуносиб билиб кулади, ўтмишдаги урф-одатлар, таассублар билан кулиб ора очиқ қиласи. Комедиядаги кулгининг гоявий мазмуни ва тарбиявий аҳамияти ҳам шунда» (88-бет).

Очиғи, мен ҳам бир вақтлар «Шоҳи сўзана»даги кулгининг моҳиятини, гоявий мазмуни ва тарбиявий аҳамиятини айни шундай — эскилиқ сарқитларини ўзида ташувчи Ҳамробуви ва Ҳолнисолар сингари «ҳаётдан орқада қолган», «қолоқ» кампирлар устидан кулиш ва улар билан «ора очиқ қилиш»да деб билганман. Лекин мени асардаги бир ҳолат ҳамиша таажжубга солар ва бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон бўлардим.

<sup>1</sup> Озод Шарафиiddинов. Абдулла Қаҳхор. —Т.: 1988, 194—195-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи. III том, I-китоб, —Т.: «Фан», 1972, 84-бет.

50-йилларнинг бошларида Конибодом педбилим юртида ўқиб юрган кезларим адабиёт ўқитувчимиз — аломат, талабчан, фидой инсон Жўнайдилла Сангинов ташаббуси билан «Шоҳи сўзана»ни талабалар ижросида саҳналаштирадиган бўлдик. Тажриба ўрганиш мақсадида Кўқон театрига ҳам бориб келдик. Менга — Одилов, тенгдош курсдош дўстим — кейинчалик яхшигина болалар шоири бўлиб етишган Олтмишбой Ўсаровга Деҳқонбой ролини ижро этиш насиб этди. Пьеса шаҳар клубида бир неча бор намойиш этилиб, катта шовшувларга сабаб бўлди. Қизиқ бир ҳол, олқишиларга сазовор бўлган пьесада мен ҳам, Олтмишбой ҳам негадир ўз ролимиздан қаноат ҳосил қилмадик. «Қаранг, — дерди Олтмишбой таажжубланиб, — энг зўр кишилар ролини — партком Одиловни Сиз, комсомол, фронтовик Деҳқонбойни мен ўйнасану улоқни қаёқдаги қаланги-қасанги, қолоқ кампирлар — Холнисо билан Ҳамробувилар олиб кетса-я!..»

Эҳтимол, мен ҳам, Олтмишбой ҳам ўз ролимизни этлаб ўйнолмагандирмиз, бироқ Холнисо билан Ҳамробувиларни ўйнаганлар ҳам «актёрлик маҳорати» бобида биздан унча ортиқ эмас эдилар.

Орадан ярим асрдан мўлроқ вақт ўтиб, унча-мунча оқ-корани таниб, адабий-танқидий тафаккурдаги эврилишлар силсиласини сарҳисоб қилиб, «Шоҳи сўзана» довруғи сирлари унинг илфор замондошлар, комсомол, партия раҳбар ходими образини яратганлигига, одамларнинг чўлни ўзлаштиришдаги шижаотида, асарнинг «қаҳрамонлик комедия»си эканлигига, ҳаётдан орқада қолган, «қолоқ» кимсалар устидан кулиб, ўз ўтмиши билан хайрлашаётганида эмас, балки айни ўша «қолоқ» кимсалар сиймосида тажассум топган миллиатнинг менталитетида, унинг табиати — бор бисоти, улуғлиги ва ожиз томонлари, ўйлаш, фикрлаш тарзи, самимияти фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатилганида экан.

Кампирларнинг барча кулгили хатти-ҳаракатларини «қолоқчик», «ҳаётдан орқада қолиш» деб талқин этиш ўринти эмас. Чунончи, комедияда шундай эпизод бор: Ҳафиза билан Деҳқонбои мажлисга бирга кетаётгандарида, Ҳамробуви Деҳқонбойни «бир оғиз гапим бор» деб тўхтатади, «Тўйсиз, никоҳсиз, бир эшиқдан чиқсанларинг эл-юрт нима дейди?» деб ёшларни шарм-ҳаёга ундаиди. Бу ҳолат «Тарих»да шундай талқин этилади: «Томошабин ҳам Ҳамробувининг эл-юрт нима дейди?» қабилидаги эски тушунчаларни устидан маза қилиб кулади» (85-бет). Хўш, бу ўринда Ҳамробувининг ёшларни шарм-ҳаёга чорлаши нега энди кулгили «эски тушунча» саналаркан?! Бу ердаги кулгининг асл боиси шундаки, солдадил Ҳамробуви ёшларнинг «тўйсиз, никоҳсиз бир эшиқдан чиқниши»ни одобсизлик деб билади-ю, улар кўча-кўйда, турли тадбирларда ҳамиша бирга эканлиги билан иши бўлмайди. Онажонларнинг «қолоқчик», «эскича тушунча» бўлиб туюлган аксар гап-сўzlари, хатти-ҳаракатлари, қирқ йиллик турмуш, қўшничилик, «намоз ўқимаса ҳам жаннати одамлар»

бўлган эрлари ҳақидаги хотиралари ажаб самимият, теран инсонийлик туйфуси билан йўғрилган. Жамики ожиз, кулгили жиҳатлари билан улар ўз қадри, шаънини баланд тутадиган асл ўзбек аёлларидир. «Ўткан кунлар»дан, Ўзбек ойимдек ноёб кишисидан маҳрум этилган ўзбек томошабини гўё Холнисо ва Ҳамробувилар тимсолида йўқотган бисотини топгандай, маънавий ташниалигини қондиргандай бўлди. Айни ўша онажонлар тимсолида XX асрнинг талотумлари гирдобида ўзлигини, шаънини, қалбини сақлаб қолган ҳақиқий ўзбекни кўрди ва уларга қойил қолди.

«Шоҳи сўзана»да Қодирийнинг тажрибаси янгича кўринишида давом эттирилди. Холнисо ва Ҳамробуви, улар орасидаги баҳслар, ўзаро ўткинчи низолар, уларнинг ўзгаларга, фарзандларига муносабати, билиб-бilmай ёшлар майлига, йўлига тўғоноқ бўлишлари — булар худди «Ўткан кунлар»дагидек ҳам ажаб бир ардоқ-мехр, ҳам киноя-кесатиқларга тўла қаҳҳорона юмор билан йўғрилган. Алабиёт замондошларнинг куруқ савлат, рекламадан иборат сўхтаси совуқ «ижобий қаҳрамонлар» билан тўлиб-тошиб кетган бир даврда — XX асрнинг 40—50-йиллари миёнасида Холнисо ва Ҳамробуви сингари «ижобийлик» ва «салбийлик» қолигларига сифмайдиган, мусбат ва манфий, улуғвор ва ожиз жиҳатлари билан гавдалантирилган бундай ўта ҳаётий-миллий образлар билан учрашиш томошабин — китобхон учун ўзига хос бир байрам бўлди. Қаҳҳор умрининг охирларида яратган «Аяжонларим» комедиясида ҳам айни шу тажрибани давом эттириди, асардаги Бўстон она образи адабнинг сўнгги бадиий ютуғи бўлди.

«Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойимдан бошланган ажойиб бир адабий анъана Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Аяжонларим» комедияларидағи Холнисо, Ҳамробуви, Бўстон образлари оша 70-йиллари Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони»га ўтиб, Фармон биби тимсолида яна жаҳоншумул обрў-эътибор топди. Шу тариқа Қодирий ва унинг ижодий мероси қатағонга учраган замонларда Қаҳҳор унинг мўътабар анъанасини давом эттириш, қутлуғ тажрибасини кейинги адабий авлод қўлига топширишдек савоб ишни адо этди.

Шуниси ҳам борки, «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим, «Шоҳи сўзана»даги Холнисо, Ҳамробувилар ҳар қанча довругли образлар саналмасин, улар эпизодик персонажлар эди. Уларнинг галдаги издоши Фармон биби комик саҳна асарининг бош қаҳрамони дарајасига кўтарилиди. Яна бир қизиқ ҳолат: Ўзбек ойим «Ўткан кунлар»нинг тўлиқ нашри орқали 1926 йили, Холнисо билан Ҳамробувилар «Шоҳи сўзана» орқали 1950 йили, ниҳоят Фармон биби «Келинлар қўзғолони» комедияси орқали 1976 йили дунё юзини кўрганлар. Бинобарин, улар орасидаги масофа чорак асрни, умумий муддат эса ярим асрни ташкил этади. Улар тимсолида ярим асрлик миллий адабий тафаккурдаги муайян силсилалар жараёнини кузатиш мумкин.

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласида «Ўткан кунлар»га ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ёндашиб, қатор персонажларни танқид остига олган ҳолда Ўзбек ойимни бутунлай ижобий баҳолайди. Озод Шарафиддинов ҳақли равишида таъкидлаганидек, «Шоҳи сўзана» комедиясини Абдулла Қаҳҳорнинг ўша пайтгача ва ундан кейин ёзилган ҳамма йирик асарлари ичидаги омаддиси деса бўлади. Чунки бу комедия адолатсиз, тўқмоқли танқид хуружларига деярли йўлиқмади, аксинча, у дунёга келиши биланоқ, жамоатчиликнинг илиқ муносабатини кўрди, кейинроқ эса асарни жаҳонга танилган санъаткорлар ва адабиётчилар қўллаб-қувватлагач, унга тош отишни мўлжаллаганлар ҳам анча ўйлашиб қолди<sup>1</sup>.

«Келинлар қўзғолони»нинг тақдирни эса мураккаброқ кечди. Комедия муаллифи Саид Аҳмад «Хуррият» газетасининг 2001 йил 15–21 август сонида эълон қилинган, кейинроқ «Киприкда қолган тонг» китобидан жой олган «Фармон биби қальасига штурм. Большевиклар ололмаган кўргон» бадиасида «Келинлар қўзғолони»нинг машаққатли ва шарафли йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган, бош қаҳрамон Фармон бибини, умуман, бу комедия моҳиятини англаш бошта ниҳоятда мушкул кечгандлиги, асарни саҳнага олиб чиқиш жараёни қанақа кескин курашлар орқали боргани айни шу бадиа орқали кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Қаҳрамон адабимиз бу ҳақдаги бор ҳақиқатни — комедия йўлига кимлар тўсиқ бўлганлигини ўзгатарга, ҳатто «Келинлар»нинг рақибларига ҳам малол келмайдиган бир тарзда ҳазил-мутойиба йўли билан дангал айтди.

«Келинлар қўзғолони»га, аввало, унда жиддий гап йўқ деган айб қўйилди, «тутуруқсиз, ғоясиз, ҳатто зарарли» асар деб баҳоланди. Марказком ходими муаллифга қарата сурбетларча «Пъесани ёзишдан мақсадингиз нима? Мен тушунмадим» деб дағдага қиласди. Унга жўровоз бўлиб гумроҳ кимсалар комедия муаллифи «Кекса онахонларимизни масхара қилиб кўрсатган», «Ҳукумат нега кампирларни масхара қиладиган театрга рухсат бериб қўйибди?», «Ҳамза театрининг куни майнавозчиликка қолган» деб таъна-дашномлар ёғидрадилар. Бунақа гаплар секин-аста матбуот саҳифаларига ҳам чиқа бошлайди. Танқидчи Норбой Худойберганов «Литературная газета»даги комедия баҳсида «Келинлар қўзғолони» хусусида тўхталиб: «Комедия билан танишгач, биз драматург нега, қандай мақсадда, нима учун қўлига қалам олган экан, деб бош қотирамиз» деб ҳайрон бўлади. Мунаққид комедиясининг мақсади «маршал кампир» — Фармон бибини енгилгина танқид қилишдан иборат, деб билади, бу ҳол комик асар учун камлик қилишини айтади. Айрим ҳамкаслар Фармон биби образини бутунлай бошқача талқин этадилар, уни «Бой ила хизматчи»даги Ҳожи онага тақлид деб

<sup>1</sup> Озод Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор. — Т.: 1988, 193-бет.

баҳолайдилар... Лекин ўша кезлари бирор кимса бу аломат образнинг миллий адабиётимиздаги сарчашмалари — «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим, «Шоҳи сўзана»даги Холнисо, Ҳамробувилар билан муштарак жиҳатлари хусусида ўйлаб ҳам кўрмадилар. У ёгини суриштирсангиз, на А. Қаҳҳор, на Саид Аҳмад ҳам бу хусусда ҳеч нарса деган эмаслар. Эҳтимол, А. Қаҳҳор ҳам, Саид Аҳмад ҳам ўз комик қаҳрамонлари устида ишлаётганларида бу борадаги Қодирий тажрибасини хаёлга ҳам келтиргмаган бўлишлари мумкин. Адабиётдаги ворислик ҳар доим ҳам онгли равищда эмас, беихтиёр тарзда содир бўлавериши мумкин. Ҳудди Ойбек каби А. Қаҳҳор билан Саид Аҳмадга ҳам Ўзбек ойим маъкул тушган, уларда яхши таассурот қолдирган бўлиши табиий; айниқса, юморга — ҳазилга, кулгига мойил ана шу икки ёрқин истеъдод ижодида Ўзбек ойим типидаги бетакрор ёрқин характерларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас.

Фармон биби образи асл моҳиятини Ҳожи она типидаги тимсоллар эмас, айни Ўзбек ойим, Холнисо, Ҳамробуви, Бўстон бибилар силсиласи орқали англаш, очиш мумкин. Фармон биби шу силсиланинг сўнгги энг юксак чўққиси бўлди. «Келинлар қўзгалони»дан сўнг шу типдаги онахонлар, «супер қайнона»лар образини яратишга уринишлар бўлди. Бироқ, ҳозирча, уларнинг бирортаси муваффақият қозонолмади.

Фармон биби хонадони ўзича «бир ҳукумат, ҳа, бир мамлакат», унинг «ўз пошшоси» бор; бу «хотин пошшо»нинг юрти». «Бу пошшоликнинг ўз қонуни, ўз урф-одатлари бор. Пошшо хотиннинг етти ўғил, етти келини, қирқ бир невараси бор. Жами бўлиб бу ўйда эллик олти киши туради». Эллик олти жоннинг барчаси пошшо хотин — Фармон бибининг амри билан иш тутади.

Бу улкан оиланинг ҳаёт тарзи билан танишар экансиз, гаройиб ҳолатта тушасиз. Фармон бибининг оиласидаги ҳукмронлиги Ҳожи она салтанатидан тубдан фарқ қиласи. Ҳожи она вужудидан қабоҳат, мугаассиблик, шафқатсизлик ёғилиб туради. Унинг хатти-харакати, гап-сўзларида самимиятдан асар ҳам йўқ. Бу хонадон қабоҳат ва инсоний фожиалар уяси. Фармон биби оиласа қаттиқўллик билан мустаҳкам интизом ўрнатишга интилар экан, ўзаро ишонч, иноклик бўлиши, ҳар бир оила аъзосининг ҳалол яшashi ва ишлаши учун қайғурadi. Фармон биби оиласи бамисоли ҳалоллик ва тартиб-интизом қалъаси, Фармон биби эса шу қалъанинг пособони. Бу қалъага гоҳо фирромлик, нопоклик, тартиббузарлик, ичкиликбозлик иллатлари хуруж қиласи. Фармон биби эса бунай хуружларни қатъий туриб даф этишга эришади.

Фармон бибининг «ўз пошшолиги» доирасида олиб борган сиёсати ҳаммага бирдек маъкул тушиши мумкин эмас, албатта. Хусусан, оиласа янги келган кичик келин — ўта замонавийлашган қиз Нигорага бу хонадон оддий «уй эмас, турма» бўлиб туюлади. Кичик келиннинг овсинларига қарата айтган мана бу сўзлари уларни

ўйлантириб қўяди: «Ахир, ўзинглар ўйлаб кўринглар. Меҳмонга боролмасак, меҳмон чақиролмасак, хоҳлаган кийимимизни кия олмасак, кўнглимиз тусаган овқатни пишириб ея олмасак. Кино-театрларга бориш у ёқда турсин, уйимиздаги телевизорни фақат «Оталар сўзи, ақднинг кўзи» бўлганидагина кўрсак...».

Бундай баҳс-мунозаралар томошабинлар даврасига ҳам кўчиши турган гап. Боя эслатилганидек, Фармон бибининг хатти-ҳаракатлари баъзи бирорларга Ҳожи онани эслатса, бошқаларда бутунлай ўзгача таассурот қолдиради. Муаллиф бадиасида эслатганидек, пъесани томоша қилган қайноналар «Нимаси ёмон, ҳаммаси тўғри! Оила бир қўлда бўлса, нимаси ёмон?!» комедия муаллифи «доно ўзбек онасини улуғлаган!» дейишган. Келинлар эса: «Менинг ҳам шунаقا қайнонам бўлса жон-жон дердим! Ишдан келсан овқатим тайёр бўлса, болаларимдан кўнглим тўқ бўлса, ҳатто шиппагимни ҳам яматиб кўйса, бозорга бормасам. Пайпокдан тортиб ич кўйлаккача ўзи опкелиб берса! Бунақа қайнонани қаёдан топасан?!» деба Фармон бибининг ёнини олишган.

Қисқаси, Фармон биби «кескин танқид», «қоралаш», «фош этиш» принципи асосида яратилган Ҳожи она типидаги персонажлардан фарқли ўлароқ, табиатидаги кам-кўстлари, зиддиятлари, манфий ва мусбат, ожиз ва улуғвор жиҳатлари билан намоён бўлган чин ҳаёт одамидир. У оиласда ҳар қанча ҳукмбардор, ҳокиму мутлақ тарзида қўринмасин, унинг табиатида Ўзбек ойимда бўлгани каби қандайдир фаройиб жозиба — самимият, адолат туйфуси мавжуд. Худди Ўзбек ойим каби у ҳам бир вақтлар эрига ўткир бўлган. Юрса, ер титрайдиган, йўталса, дараҳтдаги қушлар пор этиб учниб кетадиган, акса урса, осмонда момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақнайдиган одам — раҳматли эри Азим шер бўла туриб, Фармон бибининг бир галини икки қилган эмас. Ҳар куни эртабаб унга эгилиб салом берарди. Етти ўғли, олти келини, набиралари унинг измидан чиқмайди. Мана энди кичик келини Нигоранинг исёни туфайли оиласда ўрнатилган барқарор тартибот издан чиқаётган, бошқа келинлар ва ўғиллар ҳам кенжа келин томонига ўтаётган экан, бошда Фармон биби буни ҳазм қилолмай тўлғонади, лекин бора-бора онги — қарашларида жиддий ўзгаришлар рўйи беради. Гарчи ўз жигарлари бўлса-да, уларнинг ҳар бири инсон, алоҳида шахс эканини, ўз майли, хоҳиш-истак, орзу-мақсадлари борлигини, ўз хоҳишинча оила тутишга, яшашга ҳақли эканини англай бошлайди. Пировардида мардларча бу ҳақиқатни тан олади. У қанчалар ўжар бўлмасин, айни пайтда беназир тантини бир инсон. Биргина мисол: Фармон биби дастлаб кенжа келиннинг «беҳаё» қилиқларини кўрганда ўз ўтмишини ёдга олиб: «Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта ҳам кундузи ўпмаганди. Болалар ухлагандан кейин, чироқни ўчириб кейин ўпардилар... Менинг

уйимда бунақаси кетмайди. Кўрсатиб қўяман» дея ҳайқиради. Охир-оқибат мана шу «беҳаё» келин шўхликлари замирида ҳам самимият борлигига, у ҳам ўзича ҳақ эканига иқрор бўлади. Ниғорага қаратада: «Кенжатойим Тўхтавойдан кўнглим нотинч эди. Ўлиб кетсан бу бўшашганнинг ҳоли нима кечади, дердим. Бахтимга сен учрадинг. Энди кўнглим тинч» дейди. Қисқаси, инсон зоти шунақа ношукур банда. Шоир айтмоқчи, чархи қажрафторнинг шевасини, замона зайлини қарангки, «пошшо хотин»нинг эзгу мақсадлар йўлида қатъият билан олиб борган жонбозликлари туққанларига ҳам ёқмайди, шу пайтгача бу аломат аёл ўғил ва келинларини ўз чилдирмасига ўйнатиб келган бўлса, энди уларнинг чилдирмасига ўйнашга, улар қаршисида таслим, кулги-масхара бўлишга мажбур. Худди Дон Кихот каби жангда танҳо бу «пошшо хотин» охир-оқибат мағлуб. Бу умумбашарий трагикомедиянинг ўзгинаси.

Асарга ажид файз, ўзгача рух баҳш этган сеҳрли омил — айни шу: ҳам ўта миллий, ҳам умумбашарий кулгидир. Бу одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик, меҳр-мурувват туйғусини оширадиган, теран инсонпарварлик туйғуси билан йўғрилган ҳаётбаҳш кулгидир. Айни пайтда одамни ўйга толдирадиган шўх ва ҳазин бир кулгидир. Биз саҳнада Фармон биби, унинг ўғиллари, келинлари хатти-ҳаракатини кўриб — кузатиб кўздан ёш чиқар ҳолатда хандон отиб куламиз ва театр залидан шу одамлар билан дўст, қадрдан тутиниб чиқамиз. Шу билан бирга танти, магур «пошшо хотин»нинг мағлуб ҳолатидан қисман ўқинамиз. Бугина эмас, агар синчиклаб қаралса, асар фақат шу хилдаги шўх ва ҳазин ҳазил-мутойибалардангина иборат эмас. Ўша ҳазил-мутойибалар замирида авваллари биз пайқамаган жиддий маъно мавжудлигини — комедиядаги қувноқ ҳазил ва кулги билан йўғрилган ҳодисалар ифодасида асар ёзилган, саҳнага чиққан кезлардаги жиддий бир ҳодисага — барчани тенгглаштиришга, одамларни бир қолипга солишга йўналтирилган сиёсатга — «шўро ҳаёт тарзи» ва унинг инқирозига ишоралар борлигини ҳам кўриш қийин эмас.

«Келинлар қўзголони»нинг шу каби биз билган ва билмаган фазилатлари беҳисоб. Комик тил, ифода бобида эса бу асар XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодиса. Йигирма чоғли персонажнинг ҳар бири бошқасиникига ўхшамайдиган ўзигагина хос сўзлаш, фикрлаш тарзига эга. Танқидчилик ҳали бу асарнинг жаҳоншумул довруғи сабаблари, сир-синоатини асар матни таҳлили асосида илмий кашф эта олгани йўқ. Лекин бир нарса аниқ: Қодирий бошлаб берган ўзбекнинг ўзлигини, миллый менталитетини, фурури, шаънини улуғлаш анъанаси комедиянинг бош қаҳрамони Фармон биби тимсолида ғоят ёрқин, жозибадор, бетакрор тарзда намоён бўлган. Бу гаройиб адабий тимсол ўзбек миллый адабиётига ҳам, муаллифга ҳам катта обрў, шон-шуҳрат келтирди.

Комедия муаллифи балиасида ёзганидек, Фармон биби қальасига қилинган штурмларга қарамай, фанимлар уни забт этолмадилар, илохий адолат, холис ниятли асл одамларнинг аралашуви, ҳимояси туфайли асар юзага чиқди, кенг жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлди, сал фурсат ўтмай худди «Шоҳи сўзана» каби кўплаб ҳамдўстлик мамлакатлари саҳналарида қўйилди; Москвадаги кўриқда «мафкуравий-сиёсий юксак», «доҳий» образи яратилган жиддий асарлар қолиб «ножиддий» бу комедия катта совринга сазовор бўлди, «Правда» газетаси уни юксак баҳолади. «Ишончсиз кимса», «хал душмани» сифатида қоралангани учун умр бўйи хорижга чиқмаган адид айни шу асар туфайли Хитойни, Американи кўриш шарафига мусассар бўлди. Умри машаққатлар ичида ўтган адид ҳаётининг энг қувончли кунлари шу комедия довруғи билан боғлиқ. Бадиада муаллиф мамнуният билан шуларни ёзади:

«Тошкентда бир янгилик кутиб турганди. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида Уйғур автоном вилоятининг театри «Келинлар кўзголони»нинг премьерасига чақирибди. Эртасига ёйлуга чиқдим. Шу баҳонада Қашқар, Урумчи, Гулжа шаҳарларини кўрдим. Маҳмуд Кошфарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Қораҳонийлар давлатининг асосчиси Сўтуқ Буғроҳон ҳамда шайх Убайдуллоҳ Оғоқ Ҳўжам мақбараларини зиёрат қилдим.

Уйғур санъаткорлари асарни жуда яхши саҳналаштирган эканлар. Хурсанд бўлиб қайтдим.

Ана шундан кейин турли мамлакат ва қардош республикалардан премьерага таклифлар кела бошлади. Лаос, Мўгулистан театрлари ҳам асарни ўз томошабинларига кўрсатиши. Грознийда Нуриддинов номидаги Чечен-Ингуш театри билан Жанубий Осетия театрларидан ҳам таклифномалар келди...

Айниска, олис Американинг Нью-Йорк шаҳридаги «Возрождение» театрида пьесанинг намойиш қилиниши мен учун етти ухлаб тушимга кирмаган, ҳатто орзу қилишим ҳам мумкин бўлмаган бир бахтли ҳодиса эди. Нью-Йорк телевидениесида кўрсатилган reklamada «Бунт невесток» сўзларининг жаҳонга машҳур Озодлик ҳайкални атрофида айланиши ва унда менинг ҳам номим ёзилганини кўриб ҳаяжонланиб кетдим<sup>1</sup>.

Асл илдизлари миллий қадриятларимизнинг нодир сарчашмаларига бориб туташадиган, миллат ўзлигини, гурурини, кучли ва заиф жиҳатларини, миллатнинг ўзига ҳам, жаҳонга ҳам кўз-кўз қила оладиган довруғли асарлар, адабий қаҳрамонлар адид учун ҳам, миллий адабиёт учун ҳам катта баҳт, омад. Қодирий фақат шундай нодир қаҳрамонлар образини яратиш билан бирга бу борада издошларига омад, янги бадиий қашфиётлар эшигини очиб берган бекиёс саҳоватли сиймодир.

2004 йил

<sup>1</sup> Said Aғmatd. Киприкда қолган тонг. — Т.: «Шарқ», 2003, 311-бет.

## ЯНГИ БИР АНЪАНАНИНГ ТУФИЛИШИ

ХХ аср бошида ўлка маънавий, маданий, адабий ҳаётида юз берган жараёнлар кўп жиҳатдан Европадаги Ўйғониш даври ҳодисаларини ёдга туширади. Бу даврга келиб халқ миллат сифатида ўзлигини теран англай бошлади, ҳаётнинг жуда кўп соҳаларида бўлгани каби, маънавият, адабиёт ҳам кескин янгиланишга муҳтож эканлиги яққол аён бўлиб қолди; биринчи галда, ижодкорларнинг ўzlари ана шундай янгиланишга чукур эҳтиёж сеза бошладилар.

Миллий адабиёт эндиликда қайси йўлдан бориши керак, деган масала устида қизғин баҳслар бошланди, гоҳ Farb, гоҳ Шарқ тажрибалари томон оғишлиар бўлди. Ниҳоят, ҳам Farb, ҳам Шарқ анаъаналарининг оқилона уйғунлиги, мумтоз адабиёт билан бирга бой халқ оғзаки поэтик ижоди тажрибалари янги ўзбек адабиёти равнақи учун замин бўла олиши назарий ва амалий жиҳатдан исбот этила бошланди.

Фози Олим 1923 йили ўзи ёзиб олиб чоп эттирган «Алпомиш» достонига муқаддимада: «Янги адабиётимизга кучли миллий асос бизнинг халқ адабиёти бўлиши керак», деган фикрни олға сурали. Халқ адабиёти, бугунги иборалар билан айтадиган бўлсак, халқ оғзаки поэтик ижоди бутун бошли уммон, унинг дарё, ирмоқлари беҳисоб. Шулардан бири — халқ кулгисининг 20-йиллар адабиёти равнақидаги, етук реализмнинг шаклланишидаги ўрни, хизмати беқиёсдир. Афсус, бу масала хусусида ҳали жаҳон адабиёт фани эришган ютуқлар, масалан, М. Бахтин томонидан амалга оширилган халқ кулгисига таяниб жаҳон адабиётида буюк бадиий кашфиётлар яратган Ф. Рабле, Н. Гоголь ижоди ҳақидаги тадқиқотлари сингари ишлар қилинган эмас.

Маълумки, реализм халқнинг миллат сифатида уйғониш, ўзлигини таниш жараёнида тўлароқ шаклланади, санъат, адабиётдаги миллий руҳ эса ҳаммадан бурун халқ кулгисида намоён бўлади. Бунинг устига реализм ўз табиатига кўра холисликни, демократизмни, мардона ҳақиқатни, ҳаётга, шахсга хилма-хил томондан ёндашишни тақозо этади; халқ кулгиси эса бадиий ижод, ифода типлари ичида энг демократиги — кулги олдида шоху гадо баробар. Ҳақиқий кулги, М. Бахтин сўзлари билан айтганда, сержило, универсал; шахсга хилма-хил томондан ёндашиш халқ кулгиси, халқ қизиқчилигининг энг машҳур тимсоли — Насриддин Афанди қиёфасида ёрқин тажассумини топган. Афанди бир пайтнинг ўзида ҳам доно, сўзамол, топқир, қув; ҳам лақма, гўл, анқов; ҳам диндор, ҳам шаккок-дахрий; ҳам жасур, ҳақгўй, ҳам кўрқоқ; гоҳ ҳукмдор, гоҳ фақиру ҳақири. Шуларга қарамай, барин-бир, у ўта ҳаётий, самимий бир сиймо.

Бизда стук реалистик асарлар, қолаверса, реализм назариясининг ижодкорлари сифатида танилган улкан адиллар, жумладан, А. Қодирий ва Чўлпоннинг халқ қулгиси, қизиқлар масаласига катта эътибор берганликлари тасодифий эмас. А. Қодирий 1926 йили ёзган «Кулги ҳақида» деб аталган мақоласида ўтган асрда яшаб ўтган тошкентлик Калпарашиб исмли машхур бир қизиқ, унинг ижодий жасорати, ҳукмдорларни қойил қилиб масхара этиши, охири хонга муқаллид бўлиб, хонни айни ҳолатда кўрсатгани учун, бундан орланган хон уни жаллодга топшириб ўлдиртиргани ҳақида ҳикоя қиласиди. Орадан икки йил ўтиб майдонга келган «Мехробдан чаён» романнида айни ўшандай жасур халқ қизиқларининг аломат образларини яратади. Чўлпон эса қизиқлар ҳақида маҳсус мақола ёзиб, халқ қизиқчилиги тарихи, унинг асл моҳияти, қизиқларнинг маънавий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни хусусида қимматли фикрларни илгари суради. Адаб таъкидлаганидек, золим подшоҳлар, сultonлар, хону бекларнинг қамчисидан қон томган замонларда кўпчилик ўз дардини бир юлгун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратларини биронта сарой ёки халқ қизиги чиқиб «ҳазил» йўли билан едириб юборарди; катта-катта издиҳомларда, йирик сайил ва тўйларда қизиқлар неча мингларча халқнинг зўр мароқ билан ўзларига тикилиб турганини кўрганларидан кейин жамиятнинг файзи билан дадилланиб, мамлакатнинг катталарини — беклар, ҳокимлар, қозилар, раислар, муҳрдорлар ва ҳатто хонларнинг ўзларини танқид қилиб ташлар эдилар. Қодирий мақоласида эслатилганидек, Чўлпон ҳам бундай жасорати учун баъзи қизиқларнинг боши кетгани, баъзи бирлари бадарга этилиб, баъзи бирлари эса бошқа мамлакатларга қочиб, хонавайрон бўлганлигини айтиб ўтади. Айни пайтда адаб зўр ифтихор билан: «Фақат уларнинг оғизларидан чиқсан буюк ҳақиқатлар, ҳақиқатгўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби халқ кўнглига ёзилиб қоларди ва мучаллардан мучалларга ўтарди», дейди. Чўлпон мақоласида яна бир муҳим фикрни ўртага ташлайди. Унингча, Яқин Шарқнинг муштарак хазинаси саналмиш Насрииддин Афанди шу улуг эранларнинг устози, Афанди ҳам шу «қизиқ» деган шарафли ном остида юради. Ниҳоят, қизиқлар тарихини ўрганиш зарурлигини, янги адабиёт, санъат ривожида халқ қизиқчилиги, қизиқларни тажрибасининг роли, аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Рад этиш мумкин бўлмаган ҳақиқат шуки, янги ўзбек адабиётининг илк етук намуналаридағи энг ёрқин реалистик картиналар, образлар айни ўша халқ қулгиси рухи билан йўғрилгандир. Ҳатто вулгар социологизм оғуси билан заҳарланган 20—30-йиллар танқидчилигига ҳам бу ҳақиқат эътироф этилган. Ойбек 1936 йили чоп этилган Абдулла Қодирий ҳақиқдаги рисоласида адаб ижодини

мафкуравий жиҳатдан кескин танқид қилгани ҳолда ёзувчининг реалистик маҳоратига тан беради. Чунончи, «Мехробдан чаён»даги ҳалқ қизиқлари билан боғлиқ картиналар «жуда санъаткорона» тасвирланганлигини айтади. Ойбек фикрича, «Ўткан қунлар»даги «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» Ўзбек ойимдир; «Мехробдан чаён»даги ҳамма персонажлар орасида энг жонли, энг ёрқин, энг типик фигура Солих маҳдумдир; «Обид кетмон»даги «домлаларнинг образини чизиша ёзувчи санъаткор», улар тасвирида муаллиф «қаламини эркин юритади», мутлақо «қийналиш сезмайди...» Бундай муваффақиятларнинг боиси, адаб таъкидлаганидек, уларнинг ҳалқ кулгиси заминида майдонга келган ўта оригинал миллий комик йўналиш, Ойбек сўзлари билан айтганда, асарлари, образларида порлаб турувчи ёзувчининг юмористик таланти ҳануз адабиётшуносликда очилмаган қўриқ бўлиб турибди. Француз адабиётида Рабле, испан адабиётида Сервантес, рус адабиётида Гоголь ижоди қандай улкан роль ўйнаган бўлса, Қодирий кулгиси, юмористик таланти ўзбек янги адабиётининг равнақида ўшандай аҳамият касб этган.

Қодирий ижодидаги биргина эпизод, «Мехробдан чаён»даги қизиқларга оид лавҳа ифодаси моҳиятини ҳали биз етарли англаб етганимизми? Ўзга адабиётшуносларни билмайман-у, шахсан менинг ўзим М. Бахтиярнинг Рабле ҳақидаги тадқиқоти билан танишгунимга қадар бу эпизодни шунчаки ўтган аср ҳалқ ҳаётининг этнографик бир манзарасини гавдалантирувчи лавҳа сифатида тасаввур этар эдим. Ўттиз йилча бурун таниқли бир ёзувчимиз бу лавҳадаги қизиқларнинг қилиқлари ва раиятнинг, жумладан, хоннинг қизиқларга муносабати уларнинг савияси — дидсизлиги, «примитив»лиги нишонаси деган фикрни айтган эди. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, бу ҳол биз ўйлаганчалик жўн нарса эмас, балки у миллий адабиётимиз ривожида кечеётган чуқур ички жараён, янгиланишнинг ёрқин бир кўриниши экани аён бўлади. Рабле ижодидаги муболагага бой юмор, ҳалқ кулги маданияти — карнавал томошлари, Гоголдаги сержило кулги эса украин ҳалқ байрамлари, ярмарка ҳангомалари билан узвий боғлиқ бўлгани каби, «Мехробдан чаён»даги бу эпизод Қодирий кулгиси бевосита ўзбек ҳалқ ҳазил-мутойибалари, латифалари, биринчи галда, ҳалқ қизиқчилиги анъаналари, қизиқлар тажрибалари асосига қурилганлигини тасдиқловчи бадиий ҳужжат сифатида фоят қимматлидир.

Қизиқларга оид эпизодлар романдаги шунчаки бир «қистирма» лавҳалар эмас. Улар романнинг асосий мундарижаси билан узвий боғлангандир. Мъълумки, оддий, ҳалол, имон-эътиқоди бутун кишиларнинг кейинги хон замонларида ўз эрки, инсонлик шаъни ҳимояси йўлида адолатсизликка, зулмга, золимларга, ҳатто хонга қарши чиқиши, бу йўлдаги шижоат ва жасоратлари асарнинг мавзу-

мундарижасини ташкил этади. Анвар ва унинг сафдош ҳамда маслакдошлари шу курашнинг бошида турадилар. Адиб асарда улар жасоратини жиддий романтик йўсинда кенг ва батафсил ифода этади. Шу билан бирга, романда айни шу зулм ва адолатсизликларга, хонлик тартибларига «қарши чиқиши»нинг ўзгача бир йўналиши ҳам мавжудки, бу қизиқлар эпизоди орқали намоён бўлган. Зокир-гов бошлиқ қизиқлар ўрдада хон ва унинг аъёнлари — вазирлари, саркардалари, қозикалон, шайхулислом, қози-ю куззот, раис ва шаҳарнинг зўр уламолари — мударрислар, аҳли тариқат эшонлар, ўрда ходимлари, қўрбоши ва даҳбошилар олдида томоша кўрсатар эканлар, тўғридан-тўғри ҳадди сифиб, эркалик қилиб хон билан мулоқотга киришадилар; хон билан мулоқотда бўлишнинг хатарларидан сўз очадилар; хон қаршисида, унинг салобати босиб ўзларини йўқотиб қўйган, телба ҳолга тушиб қолган кимсалар қиёфасига кирадилар. Зокир-гов хон дағдағаси, бу мустабид сиёсатидан ошкора сўз очади; хон олдида бежо айтган биргина сўзи учун осилиб кетиши мумкинлигини, хон ҳузурига кела туриб ўлимни, етим қоладирган болаларини, ўлгандан сўнг эрга тегадурган хотинини ўйлаганини айтади, ҳатто «хоним» деган сўз ўйини билан хоннинг шахсиятига тегадиган гаплар қиласи. Сўнг хон аъёнларига муқаллид бошланади, қизиқлар аъёнлар қиёфасига кириб ўрда ва унинг атрофидаги мансабдорларни фош этишга киришадилар... Айниқса, шайхулислом Валихон тўра қиёфасида намоён бўлган Зокир-гов бу одамдаги маҳаллийчилик, иккιюзламачилик иллатларини қойил қилиб очиб ташлайди...

Ўзингиз солиштириб кўринг, адолатсизликка, золимларга, хонга «қарши чиқиши» бобида қизиқларнинг жасорати Анвар ва унинг маслакдошлариницидан камми? Ортиқ бўлса ортиқроқ, бироқ асло кам эмас! Қизифи шундаки, Анвар бошлиқ исёнкорлар қаршилиги қаттиқ зарба, тақиқ, таҳдидларга учраїди, Анвар аранг дордан қутулиб қолади, дўстлари мададида «зулм ўчоги»дан бош олиб кетади. Қизиқлар эса айни ўша «зулм ўчоги»да золимларни шунчалар шарманда-ю шармисор этишларига қарамай ҳеч қанақа кор-ҳол юз бермайди, таъқибга учрамайдилар; аксинча, аъёнларнинг, ҳатто хоннинг олқишига сазовор бўладилар.

Эҳтимол, бошқа нўноқроқ қаламкаш шу воқеаларни қаламга олганида, хоннинг «золим»лигини таъкидлаш, уни янада кескинроқ «фош этиш» ниятида Қодирий «Кулги ҳақида» мақолосида эслатган саргузаштга ўхшаш воқеани келтирган, Калпараш қизиқ кунини Зокир-гов бошлиқ қизиқлар бошига соглан бўлармиди. Буюк реалист адиб бунақа осон ва жўн йўлдан бормайди. Халқ турмушига оид олий ҳақиқат шуки, кулги олдида, юқорида айтилганидек, шоҳу гадо баробар; ҳазил йўли билан айтилса, оддий фақиру ҳақир одамнинг ҳар қандай ўткир танқидий гапи ҳам шоҳга малол келмайди. Ҳазилни

бўлмаслик, ҳазил кўтармаслик халқда ўта маданиятсизлик саналади. Қизиқларга оид лавҳалардан шу нарса аён бўладики, Худоёрхон ҳар қанча золим бўлмасин, у — шу халқнинг фарзанди, шу халққа хос завқ-шавқ, ўзига яраша маданият, қандайдир адолат туйғуси унда ҳам бор. Хон қизиқлар намойиш этган кулгили саҳна орқали ўзи ва аъёнлари ҳақидаги аччиқ ҳақиқатлар билан танишар экан, бундай ҳақ гапларга тан беради, бир дам «хонлик тахти»дан тушиб, оддий инсон сифатида кўзда ёшлар билан қаҳ-қаҳ отиб кулади, чин дилдан яйрайди. Мана сизга халқ кулгиси билан йўғрилган реалистик тасвирнинг буюк бир эҳсони, жозиба кучи! Ахир, адабиётнинг вазифаси инсонларни икки тоифага ажратиб олиб, бирини нукул қоралаш, фош этиш, иккincinnини улуғлаш, мадҳ этишдан иборат эмас-да! Фақат қизиқларга оид эпизодларда эмас, романнинг бошқа ўринларида, хусусан, Солиҳ маҳдум характери тасвири ва талқинида ҳам айни ўша халқона кулги — юмор асарга ажаб бир жозиба баҳш этган, ҳаёт ва инсон шахсини хилма-хил томонлардан кўрсатиш, очиш имконини берган, бинобарин, асар реализмини етуклик даражасига кўтаришда муҳим омил вазифасини ўтаган.

Айни шундай ҳолни бошқа бир улкан адаб — Ҳамзанинг «Мехробдан чаён» билан деярли бир пайтда яратган «Майсарапнинг иши» асарида ҳам кўриш мумкин. Бу асар мавзуи ҳам тарихимизнинг «қора кунлари» — кейинги хон замонларидан олинган, бу ерда ҳам хон, амир, беклар, турли мансабдорларнинг зулми, замона бедодликлари; уламоларда инсоний ҳис тугаб битгани, қолгани ҳам нопоклик пардаси остида сезилмас дараҷага етгани; улар томонидан мамлакат хотин-қизларининг истаганча тасарруф этилиши, бунга қарши келувчилар, ким бўлмасин, раҳмсиз жазо олиши... Икки ёш — Ойхон ва Чўпоннинг чин севгиси ва ночор аҳволи; бу жабрдийдаларнинг кўз ёшлари. Тадбиркор, кув аёл Майсара бошлиқ жабрдийдаларнинг ўз шаъни, эрки йўлида ҳақсизлик ва разолатга қарши кураши, ниҳоят, қора кучлар устидан тантанаси, уларни доғда қолдириб, эл олдида шарманда қилиши...

Сентиментал руҳда бошланган, эртакнамо романтик йўсинда давом этган ва фавқулодда эртакнамо ечим билан якунланган асарда биргина гаройиб образ бор. Сезиб турибсиз, гап Мулла Дўст устида боряпти. Уч тўсиқдан иборат комедиянинг асосан бир ўринда, яъни иккинчи пардасида иштирок этадиган бу аломат шахс бутун бошли асарнинг руҳини, тасвир оҳангини ўзгартириб юборади. Бу одам пайдо бўлиши биланоқ асардаги сентиментал, бир оз китобий оҳанглар ўз-ўзидан чекинади; бу одам жўрлигида, иштирокида давом этган фавқулодда эртакнамо саргузаштлар табиийлик, муболағадор, гротекс бўёқларда гавдалантирилган персонажлар қандайдир самимийлик, ҳаётийлик касб этади. Шу тариқа, тасвир, талқин ўзига хос реалистик комик ўзангга тушиб кетади.

Зокир-гов ва унинг сафдошларидан Фарқли ўлароқ, Мулла Дўст профессионал сарой қизиқларидан эмас, бироқ девонанамо шўх табиати, ростгўйлиги, эркатойлик билан фирибгар мансабдорларни, турмуш қабоҳатларини фош этишда улардан қолишмайди. Айни пайтда бу одам табиатининг ўта сержило ва зиддиятли экани билан эътиборни тортади. Бир қарашда бир-бири билан асло қовушмайдиган, сифишмайдиган хусусиятлар кулги сехри орқали унинг сиймосида уйғун тарзда табиий ҳолда келаверади. Чунончи, Мулла Дўст йигитлик чоғларини Аллоҳ йўлида тоат-ибодатлар билан ўтказиб, уйланышни унутган, мана энди қариганда «хотин жинниси»га айланган. Битта дилоромни тиззасига ўтқазиш кўйида ошкора хиёнатта ҳам тайёр. Бу борада омадсизлиги учун «шариатнинг адолат минбарида ўтирганлар»ни айблайди; «шариатни икки буклаб, олти қатлаб» ўшандай улуғ зотларнинг «қўлтиқларига қистириб қўйган» яратганинг ўзига шак келтиришдан ҳам тоймайди. Ўзи кўл остида ишлайдиган қози, у билан ҳамтобоқ мулланинг найрангу кирдикорларини миридан-сиригача ичдан билади, гап келганда отасини ҳам аямайдиган бу ҳақиқатгўй кимса ўткир пичинг, киноя-кесатиқлар орқали уларнинг авра-астарини очиб ташлайди. Шу билан бирга ўша фирибгарларнинг сохта, пуч ваъдаларига лақقا учиб, уларнинг гуноҳ ишларida иштирок этади, «ёр васли» илинжида Майсара уюштирган катта ўйин иштирокчисига айланади, охирида ўша шармандалар сафидан жой олади. Иккам ўттиз йиллик умрини қозихонада, «мана шу бехосият остонаи номуборакда» туну кун мулозимлик, уй супуриш, отхона тозалаш, ош пишириш, бало қилиш, баттар қидиришлар билан ўтказиб, охирида ҳеч вақоға эришолмай, «никоҳ чойшабинни босолмай» ўтиб кетаётган бу қариянинг киноя-кесатиқтарга тўла ҳасратларини тинглаб ҳам ачинасиз, ҳам куласиз.

Қисқаси, бир пайтнинг ўзидаги ҳам тақвадор, ҳам шаккок, ҳам ҳақгўй, ҳам ҳақсизликка қарши исёнкор, ҳам ожиз-нотавон, фақиру ҳақиқр, ҳасратгўй, ҳам мағрур, тантанавор, ҳам лақма «гуноҳкор» сифатида намоён бўлган бу одам негадир китобхон-томушабинни ўзидан асло бездирмайди, аксинча, тушуниш-тушунтириш қийин бўлган ички бир сехри билан сизу бизни ўзига ром этади, кўнгилларда илиқ ва қувноқ кайфият ўйғотади. Халқона кулгининг ажиг сехри, жозибаси шунда бўлса керак!

Кези келганда айтиб ўтрай: Мулла Дўст қулфи дили очилиб, киноя-кесатиқдарга тўла ҳасратларини тўкиб солаётганида бирдан асар матни узилиб қолади, афсус, қўллэzmанинг айни ўша энг қизиқ жойлари — бир неча саҳифалари йўқолган. Агар улар топилса — тикланса борми, табиийки, бу образ жамоли яна ҳам тўлароқ, сержилороқ намоён бўлар эди. Аммо шу ҳолда ҳам у ноёб бадиий ихтиро, кашфиёт тарзила ардоққа лойик.

1999 йил

## БАДИЙ СҮЗ ҚУДРАТИ\*

(Ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан сұхбат)

**ТАНҚИДЧИ.** Адабиёт тарихида шундай ижодкорлар борки, вакт ўтган сари улар яратған асарларнинг қадр-құммати тобора ошиб бораверади. Улуғ адиб Абдулла Қодирий ана шундай ижодкорлардан. Ёзувчининг ilk романи «Ўткан күнлар» китоб ҳолида босилиб чиққанита мана етмиш йил бўляпти, аммо бу асарга қизиқиш асло сусайгани йўқ.

Адабиёт тарихида қизиқ парадоксларга дуч келамиз. Шундай китоблар бўлади, улар ўз вақтида катта шуҳрат қозонади, атрофида шов-шуввлар кўтарилади, бироқ кўп вакт ўтмай, эсдан чиқиб кетади. Яна шундай китоблар бўладики, ўз вақтида тан олинмайди, лекин вакт ўтиши билан, барибир, улар ҳақиқий баҳосини олади.

**ЁЗУВЧИ.** Адабиёт тарихида бошқачароқ парадокслар ҳам бор. Шундай асарлар учрайдики, китобхон уларни қабул қилмайди, қиломайди. Муаллиф «ношукур» ўқувчидан ранжиб, мени келажак авлод тушунади, деб умид қилиб юради-юради, аммо келажак авлод ҳам тан олмайди. Бунинг сабаби аён: аслида ўша асарнинг ўзи бўш, фоявий-бадиий жиҳатдан ожиз бўлади.

**ТАНҚИДЧИ.** Абдулла Қодирийнинг бахти шундаки, унинг асарлари, хусусан, «Ўткан күнлар» яратилган пайтида ҳам, бугунги кунда ҳам бирдек машҳур, қадрли.

**ЁЗУВЧИ.** «Ўткан күнлар» чин маънода буюк роман бўлди. Бир қаламкаш ижодкор сифатида шунга аминманки, оддий китобхон ақалли тўртга шеърини ёд олиб юрмаган шоир шоир эмас. Оддий китобхон роман ёки қиссасини ўқиб, ақалли тўрттагина қаҳрамоннинг қисматини бошқа бирорвга ҳаяжонланиб айтиб юрса, шу қаҳрамонлар билан ўзини дўст тутса, ўша ёзувчи — ёзувчи. Ҳолбуки, йигирманчи, ўттизинчи йилларда ўз ўғлига Отабек, қизига Кумуш исмини қўйган одамлар кўп бўлган. Бунаقا ота-оналар ҳозир ҳам тез-тез учраб туради. Ёзувчи учун бундан катта баҳт йўқ.

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан күнлар»нинг ўз вақтида эл орасидаги довруғи ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Асарнинг пайдо бўлиши китобхонлар учун катта байрамга айланган. Қадимда бизда ғазалхонлик, достонхонлик кенг расм бўлган, романхонлик анъанаси эса «Ўткан күнлар»дан бошланган. Бу романни ўқиш, тинглаш билан кифояланмай, уни ўзи учун бошдан-оёқ кўчириб олувчилар, ёд олиб, давраларда айтиб юрувчилар бўлган. «Гулистан» журналида «Ўткан күнлар»ни ёд айтиб юрувчи тожикистонлик бир кекса

\* Сұхбатга «Ўткан күнлар» романининг 1974 йилги нашри асос қилиб олинган, айрим ўринларда 1926 йилги нашрига мурожаат этилди.

китобхон ҳақида бир мақола босилди. Фазални, достонни ёд олиш, ёддан айтиш мумкин, бутун бошли романни ёд олиб, узоқ йиллар хотирада сақлаб айтиб юриш сийрак учрайдиган ҳодиса. Оддий китобхон бутун бошли романни ёд олган экан, демак, бундай асар унинг учун ниҳоятда азиз, муқаддас, қалбига яқин бўлиши керак.

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Шоир Миртемир оғир дардга чалиниб касалхонада ётганида, танқидчи Озод Шарафиддинов билан кўргани бордик. Миртемир домла бир оз ўзига келган, бироқ шифокорлар ҳали туришга рухсат бермаган эканлар. Биз хонага кирганимизда домланинг қўлларида «Ўткан кунлар» романи, ётган жойларида мутолаа билан машғул эканлар. Домла роман орасига хатчўп қўйиб, биз билан саломлашдилар ва китобга ишора қилиб: «Мўъжиза, нақд мўъжизанинг ўзи!» — дедилар ва: «Бу галги мутолаа, балким юзинчисидир...», дея жилмайиб илова қилдилар. Маълум бўлдики, Миртемир домла касалхонада бир оз ўзига келиб биринчи сўрагани «Ўткан кунлар» романи бўлибди. Улкан шоирнинг оғир хасталик чорига хаёлинни, дилини ўзига мафтун этган, этолган, юзинчи бор ўқишга ярайдиган китоб ҳақиқатан ҳам, унинг ўз сўзи билан айтганда, мўъжиза!

ЁЗУВЧИ. «Гулистон»да босилган ўша мақолани мен ҳам ўқиганман. Яна битта мисол қўшишим мумкин. Ҳузуримга бир йигит келди. Спортчи, аниқроғи, каратэчи экан. «Ўткан кунлар»дан бутун-бутун саҳифаларни ёдаки айтиб берди... Ҳолбуки, бу йигит нари борса ўттиз ёшларда эди. Бундан чиқди, «Ўткан кунлар» эллик йил илгари одамларни қанчалар ҳаяжонга солган бўлса, ҳозир ҳам деярли шунчалик тўлқинлантирап экан-да!

Тўғри, ўтмишда бошқа ҳалқлар қатори бизнинг ҳалқимизда ҳам савод масаласи чатоқ бўлган. Лекин бу — ҳалқ ўртасида алабиётга қизиқиш йўқ эди, деган фикрни асло англатмайди. Акс ҳолда, ҳазрат Навоийнинг буюк ижоди яратилмас, бизгача етиб келмас эди.

Бундан бир неча йил илгари марказий матбуотда москвалик кекса педагогнинг «Оилавий қироатхонлик» («Семейные чтения») деган мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифи бир нарсани ҳаяжонланиб ёзди. Бир вақтлар оилавий китобхонлик бўларди, оиланинг катта-ю кичик аъзолари жам бўлиб, бир китобни ўқир, ўша китоб қаҳрамонлари билан биргалашиб қувонишар, изтироб чекишар, бу эса оила аъзоларини бир-бирига руҳан яқинлаштирап эди, дейди. Тўғри гап, ҳали ҳамма ёппасига саводхон бўлмаган пайтда бизда «Ўткан кунлар» оила аъзолари ўртасида, чойхонатарда, гап-гаштакларда завқ билан ўқилган, иштиёқ билан тингланган. Бир уй одам гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаган... Одамлар буни азбаройи бекорчилнидан қўлишган эмас...

Эсимда бор: урушдан кейинги йиллар эди. Тўрт-беш яшар боланинг хотираси нимага қодир бўлса, мен ҳам ўша қадар

хотирлайман. Дадам тоғам билан сұхбатлашиб ўтириб, Жулқунбой деган «зўр ёзувчи», «Ўткан кунлар», Отабек, Кумуш ҳақида гаплашиб қолишар, аммо, чамамда, ўша китобнинг ўзи уйда йўқ эди... Узун қишиш кечалари катта акам еттинчи чироқни сандал устига қўйиб, «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» сингари китобларни ўқир, катта-кичик ҳаммамиз жам бўлиб тинглар эдик... «Ўткан кунлар»ни мактабни битирган йилим ўқидим. Ўқидиму, ғалати, сирли бир оламга кириб қолгандек бўлдим. Тўғри, у пайтларда Евгений Бертельснинг «Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди, энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди», деган гапидан ҳам, Мухтор Аvezov Қодирий романлари гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди, деганини ҳам, машҳур туркман адаби Хидир Деряев Қодирийни ўзининг буюк устози санаганини, ниҳоят, Ойбек домла Қодирий ҳақида йирик китоб ёзганини билмас эдим. Орадан кўп йиллар ўтиб, бир нарсани англадим. Ўқувчини асар қаҳрамони билан шунчалик ошно қиласиган китоб ёзиш қийин экан, жуда қийин экан. Кейинроқ яна бир ҳақиқатни англаб етдим: чинакам улуф ёзувчи шундай мактаб яратар эканки, унинг мактабида тенгқурлари ҳам, келажак авлод қаламкашлари ҳам беихтиёр таълим олар экан. Ойбек, Faфур Фулом, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Ўқтам Усмонов, Худойберди Тўхтабоев, Немат Аминов, Хайридин Султоновлар ижодида Қодирий таъсири у ёки бу тарзда сезилади. Асар тилида, услубида, характерлар яратишда, роман жанри ёки сатира сирларини эгаллашда... Мен тилга олган номлардан ҳам кўриниб турибди: ҳозирнинг ўзигача тўртта авлод Қодирийдан ижодий баҳраманд бўлибди.

**ТАНҚИДЧИ.** Қодирий мактабида тенгқурлари ҳам таълим олган дедингиз. Буни тасдиқлайдиган биргина факт келтираман. Садриддин Айний «Дохунда» романидаги бир ўринда Қодирийдан таъсириланганини ошкора эътироф этган.

**ЁЗУВЧИ.** Яқинда «Ўткан кунлар»ни қайтадан синчиклаб ўқидим. Китобнинг сўнгги саҳифаларига келганда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шундай «жиддий адаси»нинг нимага йиглаётганини тушунмай ҳайрон бўлиб турган ўғил-қизим олдида ўзимни ҳеч тўхтата олмай йиглардим. Бу фақат асар қаҳрамонлари тақдирига ачиниб йиглаш эмас эди...

**ТАНҚИДЧИ.** Кўпинча адабиёт, санъат ривожидаги новаторона кашфиётлар кенг ўқувчилар оммаси томонидан бир оз қийинчилик билан қабул қилинади. Ўзбек адабиёти учун принципиал янгилик — том маънодаги биринчи реалистик роман — «Ўткан кунлар» кўлчиликка ниҳоятда маъкул тушган, кенг китобхонлар оммаси

қалбига осон йўл топган, улар қалбининг тўридан жой олган экан, бунинг муайян сирлари, сабаблари бўлса керак.

ЁЗУВЧИ. Сиз айтаётган ҳолат «кўпинча» бўлмайди, «баъзан» бўлади. Чунки новаторона кашфиётларнинг ўзи кўп бўлмайди. Шунда китобхон баъзан асарни яхши тушунмаслиги мумкин. Кўпинча эса бошқа нарса рўй беради: «қаламкаш мен новаторлик қиласман деб, халқ руҳидан, умуман, ҳаётдан узоқ нарсаларни ёзади, натижада ўз авлоди ҳам, келажак авлод ҳам ўша асарни тушунмайди, тўғрироғи, тушунишни истамайди ҳам. Қодирий домланинг сиз айтган новаторона асари халқ ўртасида шунчалик шуҳрат қозонишининг унчалик фавқулодда сири йўқ. Рост, ўша олис йигирманчи йилларда халқ Тоҳир ва Зухро, Юсуф ва Зулайҳо сингари афсонавий қаҳрамонларга кўниккан эди. «Ўткан кунлар»нинг қаҳрамонлари афсонавий шахслар эмас эди. Шундай экан, нима учун оддий китобхонлар уларни дарров жон-дил билан қабул қиласидилар? Чамамда, бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, романда халқ руҳи жуда ҳаётӣ, жуда чуқур акс этган. Иккинчидан, китобхонлар «Ўткан кунлар»да худди ўзларига ўхшаган реал, тирик одамларни кўришиди. Улар шундай асарга, ҳаётӣ қаҳрамонларга ниҳоятда муштоқ эдилар.

Бир қатор ҳурматли олимларимиз Қодирийнинг бадиий маҳорати ҳақида яхши ишлар қилишган. Бироқ, бу борада ҳали очилмай ётган кўриқлар ҳам беҳисоб. Айтилиқ, бадиийликнинг муҳим омиъларидан бири — асарда одамлар олами, халқ руҳини тасвирилаш, кашф этиш. «Ўткан кунлар» бу жиҳатдан бебаҳо бир ҳазина.

Аввало, бадиий асарда халқ руҳи деганда нимани тушунамиз? Ўзим гувоҳ бўлган иккита мисолни айтай. Бундан анча йиллар илгари экранларда «Анна Каренина» фильмни намойиш қилинди. Собиқ синфдошим, фабрикада ишлайдиган дўстим билан кинога тушдик. Кинодан чиққандан кейин дўстимнинг таассуротини сўрадим. «Фильм яхши-ю, лекин Каренина дегани ёмон хотин экан», деди дўстим. Мен унга ёзувчининг мақсадини, асар foясини тушунтиридим. Охири қўлига романнинг ўзини бердим. Ўн беш кундан кейин дўстим китобни олиб келди. «Ажойиб китоб экан, Аннани энди тушунгандай бўлдим», деди у... Орадан бир йилча ўтгач, Қора денгиз бўйига дам олишга борганимизда ленинградлик бир студент қиз билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. У республикамизга, ўзбеклар ҳаётига, адабиётимизга ниҳоятда қизиқар, лекин ўзбек адабиётидан ҳеч нарса ўқимаган экан. Мен унга биринчи галда «Ўтган кунлар»ни тавсия этдим. Ҳайриятки, санаторий кутубхонасида романнинг русча таржимаси бор экан, олиб ўқий бошлади. Уч кундан кейин олдимга келди, роман ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Айни пайтда бир масалада ўз таажжубини ҳам билдириди: «Ажойиб асар экан, фақат бир нарсага ҳайрон қолдим. Нима, Кумуш

жинними? Эри бошқасига уйланса, йиллаб ташлаб қўйса-ю, Кумуш унинг йўлига кўз тикиб ўтирас?»

Айтинг-чи, нима бу? Ким айбдор? Ёзувчими, китобхонми? Йўқ! Хеч ким айбдор эмас. Толстой ҳам, Қодирий ҳам, дўстим ёки студент қиз ҳам... Бутун гап инсон психологиясининг кўп йиллар мобайнида шаклланган кўнилмаларида, қолаверса, асарнинг ҳаётйлигига. Агар ҳамма адиблар бир қолигда асар ёзаверса, ижоднинг ўзи аллақачон барҳам топар эди. Чинакам миллий ёзувчининг маҳорати, бадиий тасвир қудрати ҳам шундаки, у инсон психологиясини, халқ руҳини ниҳоятда аниқ тасвирлайди. Аслида бадиий ижод мана шу ранг-баранглиги билан умуминсонийликка хизмат қиласди.

**ТАНҚИДЧИ.** Адабиётнинг бош вазифаси, Л. Толстой айтганидек, одамларни, бинобарин, халқларни бир-бирига яқинлаштириш. Одамларни, халқларни бир-бирига яқинлаштириш эса уларнинг бир-биirlарини яқиндан билиши, яхши тущуниши орқали амалга ошади. Адабиёт ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳаёт тарзини, миллий руҳиятини ифодалаш, кашф этиши орқали ҳам халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Мен аминманки, сизнинг ишчи дўстингиз рус адабиётини, ленинградлик студент қиз эса ўзбек адабиётини, унинг энг яхши, баркамол асарларини кўпроқ ўқисалар, ҳар иккаласидаги бояги ажабланиш тобора барҳам топиб, асарларда акс этган халқ руҳиятини англайдиган, миллий характерлар хатти-ҳаракати, кайфиятини тушунадиган, қадрлайдиган бўлиб борадилар.

Ўзимдан бир мисол келтирай. Дастрлаб Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» романини ўқиганимда ундаги кўп лавҳалар, одамлар орасидаги интим муносабатлар ифодаси мени таажжубга солган эди; романда сиз билан биз асло ҳазм қиломайдиган, биз учун ниҳоятда файритабиий бўлиб туюлган ҳолат, гаройиб одатлар оддий, табиий ҳодисадек тасвир этилади. Кейинчалик бу улуғ реалист ёзувчининг бошқа асарлари билан танишгандан кейин амин бўлдимки, Маркес Колумбия халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини, халқнинг ҳаёт тарзини, миллий одат, таомилларини фавқулодда бир маҳорат билан акс эттириб берган экан. Дастрлаб гаройиб туюлган ҳодисалар эндиликда мен учун ҳам табиий кўринадиган бўлиб қолди.

**ЁЗУВЧИ.** Келинг, «Ўткан кунлар»даги халқ руҳиятига оид мисолларга мурожаат қиласлил. Қодирийнинг бу борадаги маҳорати асар бошидаёқ кўринади. Отабек Марғилонга илк бор сафар қилганида, шаҳардаги баъзи одамлар у кўнган хужрага меҳмон бўлиб келишади. Хизматкор Ҳасанали чой келтиргани турганида, меҳмонлардан бири бу чол кимлигини сўрайди. Адип бу манзарани шундай тасвирлайди:

«Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини хужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз».

Хўш, нега у Ҳасаналини «узоқлатиб», сўнгра жавоб беради? Бу масалага оддий қарасак, Ҳасанали Отабекка маънавий отадек гап. Аслида ҳам шундай, шунинг учун йигит унинг хурматини жойига кўяди, деймиз. Аммо гап фақат шундами? Йўқ, яна бир гап бор. Муҳими шундаки, Отабекда андиша бор. Мабодо Ҳасанали маънавий ота даражасида бўлмаса ҳам, Отабек, барибир, шундай қиласар эди.

Яна бир лавҳа. Мирзакарим Қутидор Отабекни меҳмонга чақиради. Шу хабарни у оила аъзоларига мана бундай етказади:

— «Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш, — деди тураг экан, Қутидор Офтоб ойимга, — бу кунга бир меҳмон айтган эдим».

Бу суҳбат устида Кумуш ҳам бор. Қолаверса, Қутидор Отабекни аввал ҳам кўрган, «киройи күёвинг шундоқ бўлса», деган хаёлга ҳам борган эди. Энди, тасаввур қилингки, асар худли шу ҳолда бошқа тилга ағдарилди. Китобхоннинг хаёлига дарров бир фикр келади. Қутидор Отабекни қизига мақталяпти. Негаки, «Кумуш» деб мурожаат қиляпти. Аслида шунақами? Йўқ! Биринчидан, Қутидор бадавлат одам. Қизига келаётган совчиларнинг саноғи йўқ. Қолаверса, у тақводор киши. Ҳеч қачон ўз қизи олдида бегона йигитни гапириб ўтирамайди... Гап шундаки, у Кумушга эмас, хотинига — Офтоб ойимга мурожаат қиляпти. Ҳалқимизда ҳалиям бир удум бор. Эр хотинини, хотин эса эрини бош боласининг исмини айтиб чақиради, мурожаат қиласи, тасаввур қилинг, бу фикрни китобни бошқа тилда ўқийдиган китобхонга изоҳлаш учун озмунча шарҳ керак бўладими?

Яна бир мисол. Отабек Марғилонга келиши билан қайнатаси Офтоб ойим «товоқни хурмага, хурманни товоққа уриштириб», шоша-пиша қатиқ олиб чиқади. Ёки қипчоқлар қирғинини ўз кўзи билан кўриб келган Отабек Юсуфбек ҳожига қатиқ гаплар айтади. Отаси, гарчи айбор бўлмаса ҳам, бу гапларни изтироб аралаш жим эшитади. Аммо зум ўтмай, гап мавзуи Отабекнинг Марғилондаги «қотиллиги»га етганида Юсуфбек ҳожи «Шарқ оталиги вазиятини олади». Гарчанд нариги масалада отаси қанчалик айбсиз бўлса, бу масалада Отабек ҳам шунчалик бегуноҳ бўлишига қарамай, у отанинг бетига сапчимайди. Бор гапни, юрак дардини одоб билан тушунтиради.

Ниҳоят, тағин бир лавҳа: Кумуш илк бор қайнатаси билан юз кўришиди. Қодирий ёзади: «Кумуш уялиб зўргагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб сўйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди...».

Мана, сизга аниқ тасвир, ҳалқ руҳи, удуми! Ҳиндлар бир-бирини кўрганида кафтини жуфтлаб таъзим қиласи, баъзи араблар бир-бирига бурнини тегизиб омонлашади, француздар аёл кишининг қўлидан ўтиб саломлашади, ўзбек эркаги эса фарзанди

қатори аёлни оталарча эркалаганида, унинг манглайини силайдида, ўз қўлини ўпади...

**ТАНҚИДЧИ.** Одамни титратиб юборадиган яна бир ёрқин миллий ҳолат: Кумуш заҳарланиб, ўлим тўшагида ётиби. Қайнатаси Юсуфбек ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтиради. Келиннинг кўзи юмуқ, соchlари юзи устида паришон. Ҳожи келинининг соchlарини тузатиб, манглайига қўлини бўсади, «Ойим... Ойим!» деб мурожаат этади. Бунаقا ҳолатда ёши улуғ эркак кишининг, қайнатанинг келини ёнига келиб паришон соchlарини тузатиши, манглайига қўлини қўйиб ҳол-аҳвол сўраши табиий бир ҳол. Шунга қарамай, Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлайди ва таниб... қўзғалмоқчи бўлади. Қарангки, келин қайнатасини таниб, бу ёши улуғ эркак киши олдида афтодаҳол ётганидан ҳижолат чекиб, ўша ночор ҳолда ҳам одоб юзасидан қўзғалмоқчи, ўридан турмоқчи бўлади.

**ЁЗУВЧИ.** Умуман, Қодирий ижодида, «Ўткан кунлар»да ҳам, «Мехробдан чаён»да ҳам, «Обид кетмон»да, ҳикояларида ҳам бундай манзаралар тўлиб ётиби. Бу хусусда кўп гаплар айтиш мумкин. Менга қолса, Қодирийнинг «зўрлиги» бунаقا лавҳаларни ишлатишнинг ўзида эмас. Рус адабиётшунослигига «самоцель» деган жуда ўринли ибора бор. Ҳанузгача унинг аниқ ўзбекча таржимаси йўқ. Эҳтимол, бу «ўзининг билимдонлигини қўрсатиб қўйиш» деган маънони берар. Муҳими шундаки, Қодирий бу лавҳаларни ўзини қўрсатиб қўйиш учун ишлатган дейиш бориб турган гумроҳлик бўларди. Гап шундаки, буларнинг ҳаммаси асарнинг ўзи билан бирга қўшилиб туғилган. Аслида истеъод деганининг энг ёрқин қиррапаридан бири мана шу — табиийлик бўлади!

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан кунлар»ни элга манзур этган омиллар кўп, шулардан бири, Сиз айтгандай, романда халқнинг кайфияти, руҳияти, таомиллари ёрқин ифода этилганлигидадир. Халқ руҳияти, таомиллари ифодасига оид яхши мисоллар келтирдингиз. Аммо халқ руҳияти фақат шу хилдаги таомиллар ифодасидангина иборат эмас. Романдаги бир ҳолат ниҳоятда қадрли. Асарга, муалифнинг ўзи эътироф этганидек, «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» мавзу қилиб олинган; дарҳақиқат, романда «энг кир, қора кунлар» саналмиш кейинги «хон замонлари»нинг ярамасликлари, даҳшатлари, кескин зиддиятлари шафқатсиз бир реалистик куч билан очиб ташланган. Шу билан бирга ёзувчи халқ тарихига, унинг кечаги кунига, бой анъаналарига, яхши удумларига улуғ бир хурмат, эҳтиром билан қарайди, халқقا, унинг шаънига малол келадиган гап қилмайди, ўша «энг кир, қора кунлар»да ҳам халқ орасида зулматни ёритувчи нурлар, зулмат билан олишадиган, халқ истиқболини ўйладиган кучлар бўлғанлигини асло эсдан чиқармайди; ёзувчи ўша чиркин муносабатлар чириб битган, таназзулга

юз тутган, бундан эл-юрт мислсиз жафо чекаётган, қолоқ одатлар одамлар турмушига оғу солаётган, улар баҳтини завол этаётган бир замонда ҳам кишилар чин одамийликни сақлаб қолгандикларини, одамдек яшашга интилганликларини санъаткорона қўрсатади; гарчи муваққат, ўткинч бўлса-да, одамларнинг баҳти дамларини, ҳаётнинг сурурли дақиқаларини — дала сайри, меҳмон кутиш, ширин суҳбатлар, зиёфатлар гаштини, совчилик удуми, қиз узатиш, никоҳ тўйи базми, висол лаззати онларини бутун завқ-шавқ билан китобхонга етказади. Яхши одамлар қалбидаги заковат ва саховат, улар орасидаги меҳр-эҳтиром, бир-бирига мурувват, самимият, севги-садоқат, фидойилик туйғуларини топиб тасвирлайди; Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кутидор, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Кумуш, уста Олим — буларнинг ҳар бири китобхон дилини ўзига ром этади. Ана шундай одамлар билан танишганингизда, беихтиёр, ўзингизни шундай кишилар авлодидан эканлигингиз билан фаҳрланасиз. Бундай одамларни бошқа халқларга ҳам кўз-кўз қилгингиз келади.

**ЁЗУВЧИ.** Оддий бир ҳақиқат бор. Инсоният пайдо бўлган ўша кўхна замонлардан бери яхши одамлар ёмонлардан кўра ҳамиша кўпроқ бўлган. Акс ҳолда тараққиётнинг ўзи бўлмас эди. Яхшилар эзгу удумларни, покиза ниятларни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирганлар. Қўлларидан келганча шу покиза маънавий бисотни кўпайтиришга ҳаракат қилгандар. Ҳа, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, «Ўткан кунлар» тарихимизнинг энг «қора кунлари»ни акс эттиради. Адид инсон ҳаётини бўғувчи, жамият тараққиётига киshan бўлувчи муҳитни бутун зулмати билан тасвиirlайди. Аммо, давр ёмон дегани — одамзот ёмон, дегани эмас. Ёзувчи мана шу ҳақиқатни асло унутмайди. Ҳонликлар замонининг мудҳишиб манзараларини ўқиб, юрагингиз сиқилиб кетганидан табиатнинг гўзал лавҳалари, одамлар ўртасидаги самимий дўстлик, ҳар қандай синовга бардош бера оладиган қудратли инсоний муҳаббат, садоқат тасвирини кўриб, дилингиз ёришади. Қизлар мажлисини эсланг: «гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!» Отабекнинг Мингўрикка чиққанида кўрган баҳор манзараси-чи?

**ТАНҚИДЧИ.** Шуниси характерлики, ҳаётдаги нурли, завқли ҳодисалар ифодасида ўтмишни идеаллаштириш, безаб кўрсатишдан асар ҳам йўқ!

**ЁЗУВЧИ.** Адиднинг чинакам бадиий маҳорати шундаки, у энг гўзал, сурурли манзараларни тасвиrlаганда ҳам асарнинг бош концепциясидан асло чекинмайди. Китобхоннинг хаёлида алла-қандай хавотирга ўҳшаган ҳис доим сақланиб тураверади. Баъзан эса энг гўзал манзара энг оғир ҳолатни очиш учун хизмат қиласи. Ёдингиздами, Отабек Зайнабга унаштирилгандан кейин Марғилонга кетаётганида кўклам тасвири берилади...

**ТАНҚИДЧИ.** Умуман, «Ўткан кунлар» да манзара тасвири кам, борлари аниқ, тиник, ҳаммаси муайян мақсадга хизмат қилади...

**ЁЗУВЧИ.** Бояги ҳолатда ёзувчи кузнинг дилгир манзарасини чизса ҳам бўлар эди. Бундай қилиш муаллиф ихтиёрида. Аммо Қодирий кўклам тасвирини чизар экан, бошқа, катта мақсадни кўзлайди. Табиат яшнаган, қушлар ошён қуриш ташвишида. Бу Отабекнинг ҳолатига тамоман зид. Ҳатто қушлар ҳам уй қурялти. Ота-она орзузи эса унинг ширин ошёнини бузяпти. Ўқувчи буни ҳис қилади-ю, ўша табиат манзараси хаёлига умрбод муҳрланиб қолади.

Удумлар масаласига келсак, аксарият асарларда бу борада бир қолип бор. Ўтмишда аёллар забун бўлган, эркаклар абллаҳ, зўравон бўлган. Тўғри, ўтмишда забун аёллар ҳам, абллаҳ, зўравон эрлар ҳам етарли эди. Ҳомид, Азизбек, Содик, Мутал, Кўрбоши, Мусулмонкул каби разилларнинг бутун чиркин оламини Қодирий ўхшатиб, баъзан ошкора газаб билан тасвирлайди. Бироқ аёлларга муносабат бобида Отабек, Кутидор, Юсуфбек ҳожи, уста Олим сингари эрлар ҳам йўқ эмасди. Отабекдан совчи келганида, Кутидор энг аввал хотини билан кенгашади. «Энди қандай кенгаш берасан, хотин?» дейди. Ёки Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг муносабатларини олайлик. Ҳожи Ўзбек ойимнинг измидан чиқмайди. Кўп китобларда домлалар эчки соқол, саводсиз, очқўз қилиб тасвирланади. Отабекни Кумушга никоҳлаган домла эса «оқ соқолли, кўркам сиймо ва оғир табиатли...» Бу ишни адиб азбаройи ўша домлани «яхши кўриб кетганидан» қилган эмас. Гап шундаки, бу тасвир Отабекнинг ўша пайтдаги ҳолатига жуда мос. Мантиқан чукур асосланган.

**ТАНҚИДЧИ.** Шу тариқа «Ўткан кунлар» романи аввало асосий гоявий йўналиши, ижтимоий мазмуни, яъни ҳалқнинг тинкасини куритган, тарихий тараққиётга фов бўлган чиркин муносабатлар, қолоқ одатлар фожиасини очиб берганлиги билан, айни пайтда, ҳалқ ҳаётининг нурли томонларини, ҳалқ дилига яқин кишилар образини зўр эҳтиром билан кўрсатгани, шу йўл билан ҳалқ руҳи-яти, кайфиятига яқин бўлгани учун ўқувчилар орасида катта довруғ, обрў-эътибор қозонди. Бугина эмас, асар ўзининг бадиияти билан ҳам ҳалқ руҳига ниҳоятда яқин эди. «Ўткан кунлар»да ҳалқнинг узоқ йиллик ҳам оғзаки, ҳам ёзма бадиий, маънавий анъаналари, ҳаттоқи архитектура, мусиқа соҳасидаги бадиий тафаккури ўзига хос тарзда реалистик шаклда мужассамлашган.

Ёзувчи Темур Пўлатов «Тошга битилган достон» мақоласида адабиётимиздаги илк реалистик, ийрик асарларнинг туғилишида, уларнинг поэтикасида қадимий архитектура ёдгорликлари ансамбли тажрибаларининг маълум ва сезиларли таъсири, роли борлиги ҳақида қизиқ фикрларни ўртага ташлаган эди. Дарҳақиқат, «Ўткан кунлар» поэтикасида ўша улуғвор архитектура ансамбларини ёдга туширувчи нималардир бор... Қолаверса, мен «Ўткан

кунлар»ни мутолаа қилаётганимда негадир хаёлан шашмақом күйларини тинглаётгандай бўламан: гоҳ якка созда, гоҳ созлар ансамблида, гоҳ хонандалар билан созандалар жўрлигида... Роман бош қаҳрамони ҳаётининг энг кескин драматик дақиқаларидан бирида шашмақомнинг ниҳоятда мунгли, драматик кўйи — «Наво» садосини тинглаймиз. Бу — мақом куйининг сўз санъатидаги биринчи реалистик ифодаси, талқини! Бу тасодифий бир ҳол эмас. Романда «Наво» кўйи билан баробар кўп ўринда ҳалқ қўшиқлари, лапарлари ҳам қаламга олинади. Ҳа, асарда ёзувчи романга бу хил қўшиқлар оҳанги — руҳини ҳам сингдирган. Яхлит олганда, асардаги тасвир оҳанги мунгли, дардли бўлса-да, воқеалар, ҳодисалар қамрови, оқимиға кўра сержило — полифоник.

ЁЗУВЧИ. Аввало, ҳар бир чинакам бадиий асарнинг ўз ички мусиқаси бўлади. Бу куй ҳали адиб ёзув столи олдига ўтирамасданоқ бошланади. Илҳом деймизми, пафос деймизми, хуллас, шу куй бўлмаса, асар чинакам бадиийликдан маҳрум бўлади. «Ўткан кунлар»да ҳам биринчи саҳифаларданоқ қулоғингиз остида майин, ҳазин бир куй жаранглаб кетади. Адиб сизни шу мусиқа билан аллалаб, китоб ичига олиб кириб кетганини ўзингиз сезмай қоласиз. Асарнинг ички оҳанги ҳақида ҳали яна тўхталармиз. Ҳозир Сиз айтган ҳалқ кўйи, қўшиқларининг романда қўлланиши ҳақида...

Ҳа, асарда лапарлар, қўшиқлар кўп. Бироқ Қодирий буларни ҳам азбаройи ҳалқ оғзаки ижодидан яхши хабардорлигини кўрсатиш учун ишлатган эмас. Ҳар бир куй, лапар, қўшиқ қаҳрамон руҳиятини очишига, керак бўлса, асар драматизмини кучайтиришга хизмат қилади. «Қизлар мажлиси»даги қўшиқ Кумушнинг ҳолатини, ички дардини очиш учун энг чиройли восита. Ахир, у ҳозирги замон қизи эмаски, бу тўйнинг менга кераги йўқ, ўз севганим бор, деса! Баъзан адиб ишлатган бир сатр қўшиқ бутун бошли достоннинг кучини беради... Кулманг, муболага қилаётганим йўқ. Яна ўша боя тилга олинган манзарани эслайлик: Отабек Зайнабга унаштирилган, Кумушнинг олдига кетяпти. Баҳор, гуллар очилган. Олиса қўш ҳайдайтган йигитнинг қўшиғи эшитилади: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!..» Агар бу сўзларни Отабекнинг ўзи айтганида шунчаки сентиментал, чучмал эшитилиши мумкин эди. Йўқ, уни бутунлай бошқа одам айтяпти. Атайлаб эмас, шунчаки... Бироқ «шунчаки» ашула фавқулодда катта маъно касб этади. «Наво» кўйи ҳақида гапирдингиз. Шу бобда китобхонни титратиб юборадиган битта жумла бор. Маст Отабек хонандага буюради: «Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!...» Мана шу жумланинг ўзида жуда аламли, оғир, изтиробга тўла ҳақиқий эркак йифиси бор.

Яна асар мусиқасига қайтсак... Тўғри айтдингиз: асарда ранг-баранг оҳанглар бор. Аммо уларнинг ҳеч бири алоҳида ажралиб

қолмайди. Аксинча, бир-бирини тўлдиради, ягона оҳангдорликни ташкил этади. Ҳаётнинг ўзи шу: инсон боласига йиғлаш учун алоҳида, кулиш учун алоҳида кўз ато қилинган эмас. Қувонч ёши ҳам, алам ёши ҳам битта кўздан чиқади. Қолаверса, шодлик билан изтироб кўпинча етаклашиб юради.

**ТАНҚИДЧИ.** Кинода ҳамиша ҳодисалар мусиқа садолари жўрлигига гавдаланади, кўпинча биз бу куйларни тинглаб турамизу, уларга эътибор бермаймиз. Аксинча, энг яхши бадиий асарда, гарчи мусиқа, куй мутлақо тилга олинмаса ҳам, ҳодисалар бағридаги аллақандай ички садони, оҳангни баралла эшитгандай бўламиз. «Ўткан кунлар»даги энг ҳаяжонли ҳодисаларнинг барчаси ўз оҳангни, садосига эга. Уларнинг барчаси жам бўлиб, романнинг етакчи пафосини китобхон қалбига етказишида муҳим роль ўйнайди.

**ЁЗУВЧИ.** Романда одамнинг дилини ҳар хил кўйга соладиган садолар кўп: Кумуш Отабекни никоҳ кечасида илк бор кўрганида: «Сиз ўшами?» деб энтиkkанида, эр-хотин узоқ жудоликдан кейин дийдор кўришгач, Кумуш: «Сиз қочқоқсиз», деб Отабекни эркалаб, секингина юзига шапатилиб кўйганида, ўринга кирап экан, ёш боладек: «Бўлгани йўқ, бўлгани йўқ!» деб ўйинқароқлик қилганида жаранглаган садолар киши кўнглини яшнатиб юборади. Отабек билан Кутидор ўлим ёқасига борганида, Тошкент устида қонли булутлар тўпланганида бутунлай бошқача, мунгли, изтиробли, шиддатли куй эшитасиз. Отабек Кумушнинг узатилаётганини тасодифан эшитиб қолган оқшом «Хўжа Маъз» мозорига бориб тунаган пайтдаги мусиқа-чи? Қабристон, чакалак, тутаб ётган тўнка оидида ўтирган, сочи ўсиб соқолига аралашиб кетган девона... Зимзие тун, пишқирган, кутурган, гулхanni тўнка-пўнкаси билан улоқтирган, азamat чинорни кўпориб, ерни титратган ел, қарғалар, бойкушлар... Бунақа ёввойи, қудратли симфонияни китобхон қулоғи остида жаранглатиш қийин, жуда қийин... Уста Олимнинг ҳикояси... Сизни билмадиму, мен уни ўқиганимда нима учундир олис манзилга йўл олган карвоннинг маъюс қўнгиригини эшитгандек бўламан. Манзил нурли эмас, йўл олис, карвон толиққан, аммо барибири юриш керак. Қўнгироқ мунгли-мунгли жаранглайди.

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан кунлар»да ўтмишдаги улуғ алломалар, сўз санъаткорлари номи ҳурмат билан тилга олинади, Юсуфек ҳожининг «Бобурнома», Отабек билан Кумушнинг Фузулий газалларига меҳри алоҳида таъкидланади. Романда мумтоз адабиётимиз асарлари билан бевосита мувозийлар йўқ, аммо бу асар ўзининг руҳи жиҳатидан мумтоз адабиётимиз дурдоналарига оҳангдош. Чунончи, ҳаёт шафқатсизликлари ифодасида «Бобурнома» лавҳаларини ёдга туширувчи, ошиқ қалби назокати, ҳижрон аламлари фарёди тасвирида Фузулий газаллари нафасини эслатувчи ўринлар йўқ эмас. Умуман, «Ўткан кунлар»да қандайдир шоирона,

поэтик рух мавжуд. Прозанинг шоири леган ибора бор. Бу сифат бизда, менингча, ҳаммадан кўпроқ Абдулла Қодирийга ярашади.

ЁЗУВЧИ. Шоир насрнависга ўхшаса қанақа бўлишини билмайман-у, аммо насрнависда шоирона рух бўлиши жуда яхши фазилат. Жаҳон адабиётидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: Тургенев, Тагор, Мопассан, Лондон, Айтматов... Ҳатто Лев Толстой асарларида ҳам шундай ўринлар борки, адид қаҳрамон ҳолатини кўй қилиб чертиб юборади... Қодирий прозанинг шоири эди. Лекин ҳамон прозада поэзия аломатлари бўлишини нотўғри талқин қилувчилар бор. Гўё поэтик рух прозадаги реализмни сусайтирадигандек. Аслида, ҳаммаси маҳоратга боғлиқ. Қодирийда шу маҳорат бор эди. Адабиётимизда «Ўткан кунлар»дан кейин ҳам яратилган кўплаб ажойиб реалистик асарларда шунақа рух борлиги кишини қувонтиради... Қодирий насридаги мумтоз шеърият билан боғланадиган жиҳатларга келсақ, буни маҳсус текшириш, ўрганиш керак.

ТАНҚИДЧИ. «Ўткан кунлар» романнда, шунингдек, Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларида миллий маданият, адабиёт тажрибаларига бориб туташадиган робиталар кўп. Айни пайтда бу улкан санъаткор ижодида қардош халқлар, жаҳон илфор адабиёти дурданалари билан муштарак жиҳатлар ҳам мўл. Адиднинг ўзи араб фузалоси Жўржи Зайдонни устоз деб атайди, роман ёзишига ҳаваслантирганлигини эслатади; адабиётшунос Сотти Ҳусайн, Собир Мирвалиевларнинг ишларида Зайдон асарларининг Қодирийга таъсири ҳақида хилма-хил фикрлар илгари сурилган. Немис адабиётшуноси Ниото Тун Абдулла Қодирий билан В. Скотт тарихий романларини қиёслаб, улар орасидаги муайян яқинликларни аниқлаган; шу билан бирга «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларида А. Пушкин, И. Тургенев, Л. Толстой, А. Чехов асарларидаги айрим персонаж, манзара ёки тасвир усулларини ёдга туширадиган ўринлар борлиги, ёзувчи сатираси, хусусан, «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвияси услуби, ифода тарзи жиҳатидан Сервентеснинг «Дон Кихот», Я. Гашекнинг «Шоввоз солдат Швейкнинг кечмишлари» асарларига яқин туриш хусусида мулоҳазалар ўртага ташланган. Бундай қиёсларни яна давом эттиравериш мумкин. Масалан, «Обид кетмон»даги Хатиб домла билан Мулла Мухсинларнинг пичинг-кинояларга тўла қиёсий характеристикаси Н. Гоголнинг машхур қиссасидаги Иван Иванович билан Иван Никифорович образлари талқинидаги усулни эслатади...

Бу ерда эсга олинган ёзувчилар, асарлар билан Абдулла Қодирий ижодидаги муштаракликни илмий жиҳатдан чуқур, атрофлича ўрганиш навбатдаги вазифа; бироқ шу хил фактлар мавжудлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол шундан далолат берадики, Абдулла Қодирий асарлари, хусусан, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари соф миллий анъаналар заминидагина

эмас, қардош халқлар, жаҳон илғор адабиёти билан алоқада — жонли муроқотда, улар тажрибаларини ижодий ўзлаштириш асосида майдонга келган. Жаҳон реалистик адабиёти тажрибалидан бехабар ҳолда бундай етук реалистик романнинг пайдо бўлиши асло мумкин эмас эди.

**ЁЗУВЧИ.** Шубҳасиз. Мен ҳам Қодирий асарларида жаҳоннинг кўп улуг реалистлари ижоди билан муайян муштаракликлар борлигини сезиб тураман. Эҳтимол, бу гап кўпчиликка эриш туюлар: Отабек нима учундир менга Андрей Болконскийни эслатади. Йўқ, фоявий юқдорлиги, бадиий концепцияси билан эмас. Одам сифатидаги баъзи қирралари биланми, ақл-заковати, муҳаббатга мунособати биланми... Билмадим, бу менинг шахсий фикрим.

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан кунлар»дек романнинг майдонга келишида яна бошқа омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Романга қўл урган пайтда бу улкан истеъдод әгаси каттагина адабий, бой ҳаётий тажрибага эга эди. Қолаверса, у шахсий мутолаа, эскича таълим орқали миллый маданият, адабиёт бойликларини пухта ўзлаштириб олган, ёшлигига ёқ рус-тузем мактабида, кейинроқ Москвадаги Адабиёт институтида ўқиб, рус адабиёти, бинобарин, жаҳон илғор адабиёти билан яқиндан танишган эди.

Баъзан «Ўткан кунлар»нинг пайдо бўлиши фавқулодда бир ҳодиса сифатида кўрсатилади. Аслида бу роман тасодифан туғилиб қолган эмас, унинг муаллифи ҳар жиҳатдан шундай асар яратишга тайёр эди — ҳам ҳаётий, ҳам адабий тажриба, ҳам адабий билим, ҳам мағкура-дунёқарааш, ҳам маънавий жиҳатдан... Бунинг устига қуладай ижтимоий-тарихий шароит — инқилобдан кейинги уйғониш, кўтарилиш — хуллас, ноёб истеъдоднинг рӯёбга чиқиши, мислсиз асарнинг дунёга келиши учун ҳамма нарса муҳайё эди, шулардан бирортаси ҳам бўлмаганида, «Ўткан кунлар»дек романнинг яратилиши мушкул эди. Демак, буюк асарнинг майдонга келиши кўпдан-кўп омилларга боғлиқ экан.

**ЁЗУВЧИ.** Сиз санаган омилларнинг барчаси ҳам муҳим, аммо шахсан мен «Ўткан кунлар»дек романга қўл уришда муаллифнинг маънавий тайёргарлиги ниҳоятда муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу романга тайёргарлик пайтида, уни ёзиш вақтида адаб бутун вужуди билан шу романда акс этган ҳаёт ичидаги яшагани, нафас олганлигини сезиб тураман... Албатта, бировга нур бериш учун аввало ўша нур ўзингда бўлиши керак. Бадиий асар эса, аввало, адаб маънавиятининг, қалбининг маҳсули. Бу гап янгилик ҳам эмас. Ўша пайтларда, яъни адабиётимизда тузук-куруқ реалистик прозанинг ўзи йўқ бир замонда «Ўткан кунлар»дек мукаммал асарнинг пайдо бўлиши чиндан ҳам фавқулодда ҳодиса эди. Аммо, бу асарни Қодирий ёзганлиги тасодифий ҳол эмас. Негаки, Қодирий, Сиз айтгандай, ҳар жиҳатдан шундай романни ёзишга тайёр эди,

жумладан, унда пухта билим, малака етарли эди. Шарқ ва Farb, жаҳон адабиётидан хабардор эди. Xўш, қисқа бир муддат ичида одам дарров шунча илмга эга бўла қоптими, деган савол туғилади. Бу энди скептикларнинг майдан гапидан бошқа нарса эмас. Бадий ижодда истеъдод деган тушунча бор. Истеъдод эса ҳар қадамда учрайвермайди. Бошқалар ўн йил ҳижжалаган нарсани истеъдодли одам бир йилда бемалол ўрганиши мумкин. Негаки, у моҳиятни тезроқ англайди. Такрор айтаманки, «Ўткан кунлар»нинг ўша пайтда бирданига яратилиши тасодифий туюлиши мумкин, лекин уни Қодирий яратгани тасодифий эмас. Чунки Қодирийнинг ўзи фавқулода истеъдодли адиб эди. Ҳамма гап шунда.

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан кунлар»ни роман жанрининг етук намунаси дедик. Қодирийнинг романнавис сифатидаги маҳорати масаласига келадиган бўлсак, аввало, асардаги романга хос тафаккур санъати устида тўхталмоқ лозим. Мен аминманки, романга хос тафаккурни таъминлайдиган омиллар асарда ҳаётнинг романбоп нуқтаси – воқеа-ҳодисаси, жиддий, улкан драма ва баркамол, чуқур ҳис этилган янгича нуқтаи назарга эга бўлган қаҳрамоннинг мавжудлигидир. «Ўткан кунлар» да шуларнинг ҳаммаси бор.

Абдулла Қодирийнинг романнавис сифатидаги маҳорати аввало шундаки, у асари учун мозийдан мавзу танлар экан, тарихнинг романбоп нуқтасини тополган: боя айтилганидек, ўтган асрнинг ўрталари, чиркин муносабатлар чок-чокидан сўқилиб кетган, мустабид ҳукмдорлар мамлакатни бошқаришга, идора этишга яроқсиз бўлиб қолган, қолоқ одатлар одамлар турмушига оғу solaётган, бинобарин, ижтимоий, маънавий-ахлоқий зиддиятлар энг олий нуқтага кўтарилиган бир давр; бундай ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас, юрт қандайдир улкан ўзгаришлар олдида, бу ўзгаришлар ҳали юз бермаган бўлса-да, унинг нафаси уфуриб турибди... Ҳаётда чок-чокидан сўқилиб кетаётган чиркин муносабатларга, қолоқ одатларга қарши турувчи, юрт истиқболи ҳақида бош қотиравчи, янгиликка ташна илғор кучлар ҳам бор, аммо эндинга шакланаётган бу кучлар ҳали ожиз, бунинг устига уларнинг хатти-ҳаракатлари зиддиятли. Ана шундай тарихий шароит, вазият романга асос қилиб олинган.

**ЁЗУВЧИ.** Адибнинг маҳоратини қарангки, роман учун таъланган вазиятнинг ўзида асар концепцияси мужассам. Персонажлар тақдири, конфликт, сюжет, композиция – ҳаммаси бир йўла туғилгандек. Асарнинг бошиданоқ гоҳ «шахсий», гоҳ «ижтимоий» боблар кўринади. Бироқ, бу асарни бўлак-бўлакка ажратадиган мутахассислар роса тер тўкиб изласа, топадиган гап. Аввал Отабек ошиқ бўлиб қолади, кейин отасидан Тошкент воқеалари ҳақида хат олади. Аввал Қумушга уйланади, кейин қамоқча тушади. Аввал бир қамоқдан қутулади, кейин Тошкентда исён кўтарилади. Аввал Мусулмонқулнинг қонли

чангалидан кутулади, кейин ўша замоннинг бошқа бир ижтимоий зулм чангалига — чиркин удумлар исканжасига тушади. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда табиий равища рўй беради. Агар хон замонасининг зулматида яйраб юрадиган Ҳомидлар бўлмаса, Отабек ноҳақ чақувга учрамасди. Агар Юсуфбек ҳожи Азиз баччанинг мулозими бўлмаса, Отабек сиёсий душман саналмасди. Агар Юсуфбек ҳожи халқни Азизга қарши қўзғотмаса (бу ишни у азбаройи ўғлининг жонини сақлаб қолиш учун эмас, ҳақ йўлида, адолат йўлида қиласди), Отабек Мусулмонқул қўлида сўйилар эди. Агар эркин севги йўлига фов бўладиган чиркин удумлар бўлмаса, Кумуш охир-оқибат жувонмарг бўлмасди. Мана шу «агар-агарлар» романда шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, асар воқеалари ўша фожиага тўла манфур замон устидан чиқарилган ҳукмнома бўлиб жаранглайди. Натижада Отабек ҳам ўз даврининг қурбонига айланган фожеий қисмат бўлиб китобхон хотирасида умрбод сақланиб қолади.

**ТАНҚИДЧИ.** Роман қўптармоқли. Унда бир неча инсоний тақдирлар, сюжет тармоқлари мавжуд. Аммо барчаси романдаги бош foявий муаммо — ижтимоий муносабатларнинг нобоглиги, инқирози, қолоқ одатларнинг келтирган жабри масаласи билан боғланади. Ҳозир яратилаётган айрим романларимиз шу жиҳатдан оқсайди...

**ЁЗУВЧИ.** Айрим асарларимиз шу жиҳатдан оқсайди, леган гапингизда жон бор. Ҳар қандай бадиий асарнинг бош тасвир обьекти — инсон, унинг мураккаб олами. Баъзан биз замонамида юз берәётган ҳодисалар ҳақида ёзамизу, мана шу ҳодисалар инсон тақдирида нима ўзгаришлар қилаётганини, одамларимиз қисматидаги катта зиддиятлар, курашларни ишонарли, етарли тасвирлаб бера олмаймиз. Баъзан эса бунинг тескарисини кўрамиз. Инсоннинг шахсий ҳаёти тасвири катта ижтимоий ҳаётдан ажраб қолади.

**ТАНҚИДЧИ.** «Ўткан кунлар» ўзбек адабиётида алоҳида шахслар тақдирини бевосита ёки билвосита юрт тақдири билан, оддий одамларнинг шахсий ҳаёти, ишқий саргузаштларини, шахсий-оилавий драмаларини юртдаги муҳим тарихий жараёнлар, давр драмаси билан узвий алоқадор ҳолда ифода этиш бобидаги дастлабки тажрибалардан эди. Асарни ўқиганда унда ифода этилган давр нафасини, тарихнинг романга хос кенг қамровли манзарасини, ҳаракатини, драмасини кўриш, аср түғёнини баралла ҳис этиш мумкин.

Асадаги ишқий-оилавий саргузаштлар ҳар қанча ҳаяжонли бўлмасин, агар улар муайян тарихий-ижтимоий ҳодисалар, давр драмаси билан боғлиқ ҳолда берилмаганида, роман бу қадар муҳим аҳамият, таъсирчанлик касб этмаган бўлар эди. Романда ишқий-оилавий можаролар маънавий-ахлоқий муаммолар билан боғлиқ ҳолда берилади. Лекин шу маънавий-ахлоқий муаммолар ҳам даврнинг ижтимоий зиддиятларига бориб туташмаганида ёки уларнинг ижтимоий моҳият, драмаси очиб берилмаганида, роман

бу қадар реалистик құдраттаға эга бўлолмас эди. Зотан, ижтимоий таҳлил реалистик асарнинг қони ва жонини ташкил этади.

**ЁЗУВЧИ.** Ижтимоий таҳлил, менингча, ҳаётни, шахс ва жамият муносабатларини, даврни, тарихни чуқур бадиий идрок этиш оқибатида юзага чиқади. Бадиий идрок этиш эса, энг аввало, ҳаёт ҳодисалари ичидә ёнмоқ. Чингиз Айтматов сўзлари билан айтганда, изтиробга, ларзага тушмоқ демаклир. Ёзувчи фақат ўзигина ларзага тушиб қолмай, тарихни ҳам ларзага, изтиробга солмоғи лозим. Қодирий ҳаётни, даврни чуқур идрок этиши орқали тарихни ларзага, түғёнга сололган, ўтган аср түғёнини, фарёдини янги давр китобхонига етказолган. «Ўткан кунлар»нинг бош пафоси, ижтимоий-бадиий қўммати ҳаммадан бурун шунда деб биламан.

**ТАНҚИДЧИ.** Боя биз «Ўткан кунлар»да халқ руҳияти, миллий туйғулар, одат-таомиллар тасвири, бу борада ёзувчи нигоҳининг ўткирлиги, мислсиз маҳорати ҳақида гаплашдик. Ёзувчи реализмининг кучи, фазилати фақат шундангина иборат эмас. Улуғ адиб реализмининг қудрати яна шундаки, у халқ турмушининг бетакрор жамолини катта билимдонлик, нозик дид билан гавдалантириш баробарида халқ ҳаётининг маънавий-ижтимоий жиҳатларини чуқур таҳлил этиб беради, муайян тарихий ҳодисалар, миллий феълу атвортар, уларнинг тақдирни орқали чиркин бир жамиятнинг, унда амал қиласиган қолоқ одатларнинг гайриинсоний моҳиятини очади, ижтимоий адолат, инсон эрки, баҳти, камолоти сингари умуминсоний ғояларни илгари суради; оддий, камсуқум, ҳалол, жабрдийда одамларга нисбатан шафқат-мурувватга чорлайди.

Ёзувчи бадиияти, санъатининг яна бир жиҳатига эътиборни тортмоқчиман. «Ўткан кунлар»да барча ҳодисалар ҳаракатда берилади, бу ҳаракатлар эса диалектик тарзда, ички зиддиятлари билан содир бўлади; табиийки, ҳаракатлар жараённи қаҳрамонлар орқали амалга оширилади. Роман сюжети узлуксиз давом этадиган ички зиддиятларга тўла ҳаракатлар занжиридан ташкил топган. Ҳаракатлар занжиридаги ҳалқалар — ҳар хил воқеалар гоҳ оромбахш-қувончли, гоҳ тифиз-ташвишли, гоҳ тантанавор-сурурли, гоҳ алам-изтиробли. Улар бир-бири билан тўхтосиз атманиниб туради. Шуниси характерлики, баҳтли, оромбахш, қувончли дақиқалар ниҳоятда қисқа, ўткинчи, шу билан бирга улар пинҳона зиддиятларга тўла, уларда яқин орада юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг шарласи сезилиб туради. Отабек билан Кумуш кечмишини эсланг. Тасодифан дуч келган йигиттга қизнинг кўнгли тушиб қолган. У пинҳона ишқ ўтида маст. Шу орада у күёвга узатилади, пинҳона ишқ ўтида ёнган қизга тўй тантаналари, қувончлари татимайди; ниҳоят, күёв қиз пинҳона кўнгил қўйган йигит бўлиб чиқади, энди у кутилмаган баҳт, висол лаззатидан маст... Лекин бу висол лаззати узоққа бормайди, чақув-иғбо туфайли

Отабек, унга қўшилиб қайната Кутидор ҳибсга олинади, йигит ва қайната тақдири қил устида турганда яқин одамлар мадади билан улар ҳибсдан озод этиладилар; яна висол, баҳтили дақиқа, бироқ орадан кўп ўтмай тағин кўнгилсизлик; Ҳомид каби кимсалар ҳасади, қутқуси, юртдаги тартибсизликлар туфайли қаҳрамон бошига кетма-кет оғир савдолар тушади; ниҳоят, Ҳомид орадан кўтарилади, Кумушлар ханадонидаги англашилмовчиликлар барҳам топади, юртда нисбий осойишталик рўй беради, бошда Кумушнинг Тошкентга кетишига асло рўйхуш бермаган ота-она энди Кумушни олиб, Отабеклар хонадонига борадилар, яна висол, баҳтили дақиқалар, аммо шу дақиқаларнинг ўзида муросага келтириш, мумкин бўлмаган зиддиятлар, кундошлиқ можароси, келгусида содир бўладиган катта фожиаларнинг аниқ шарпаси...

**ЁЗУВЧИ.** Ҳодисалар ҳаракатининг ички драматизми, тадрижий, узлуксиз ривожи ҳақида гапиряпсиз. Мени воқеалар ривожидаги мантиқий изчиллик, ёзувчининг далиллаш санъати лол қолдиради. Бир қараашда «Ўткан кунлар»даги ҳар бир боб алоҳида асарга ўхшайди. Илмий тилда айтганда, ҳар бир бобнинг ўз тугуни, фабуласи, конфликтси, апогейга чиққан нуқтаси, ечими бор. Бироқ, уларнинг ҳаммаси бир-бири билан шу қадар чирмашиб кетганки, ҳеч қайсисини ўрнидан силжитиб бўлмайди. Керак ўринда адаб бир хонадан иккинчисига ўтадиган «туйнуклар» қолдириб кетади. Бу нарса асар бошидаёқ кўзга ташланади. Отабек илк бор Ҳомид билан кўришганида, Кумуш ҳақида гап кетади. Ҳомид типирчилаб қолади. Кутидор Отабекни чақирганида, Ҳомид ҳам ўғринча боради. Уни Тўйбека тасодифан кўриб қолади. Бу ёқда Отабек оҳ чекиб ётади, у ёқда Кумуш «иситмалаб», «алланучук сўзларни айтиб» чиқади. Шу ўринда мен китобхон сифатида кўп ўйлатадиган бир деталь ҳақида гапиргим келади. Кутидорнинг ҳовлисидан ариқ ўтади. Кумуш ҳаётининг бурилиш нуқталарида ариқ бўйига бир неча бор боради. Аввалига Кумуш Отабекни шу ариқ бўйида илк бор кўргани учунгина адаб бу детални қайта-қайта ишлатган деб ўйлаган эдим. Тўгри, бош муддао шу. Аммо, бу деталь яна бошқа мақсадни ҳам ташишини кейин тушундим. Гап шундаки, ўша замонда аёл кишини ташқи олам билан боғлайдиган (лоақал орзуларини боғлайдиган) нарса ариқ экан. Шу боисдан ҳам қадимий кўшиқларда ариқ детали кўп ишлатиларкан. Шундай қилиб, романдаги кейинги воқеалар ўз-ўзидан бири иккинчисини мантиқан давом эттиради.

**ТАНҚИДЧИ.** Романдаги тасодифлар ҳақида нима дейсиз?

**ЁЗУВЧИ.** Синчиклаб кузатган кишига романда тасодифлар кўпайиб кетганга ўхшайди. Отабек тасодифий чақув туфайли қамалади. Кумуш тасодифан қайнатасининг хатини топиб олади-ю, Ўтаббой қушбегига етказади ва отаси билан эрини қутқариб қолади. Отабек иккинчи бор ўлим ёқасида турганида Тошкентдан келган

хат билан яна қутулиб қолади. Отабек қайнатасиникидан ҳайдалганида тасодифан уста Олимниги бориб қолади. Уста Олим эса Содиққа қўши. Кумуш иккинчи бор узатилаётганида куёвни ўлдириб кетишади, Отабек бу ишнинг, умуман, ўз кулфатларининг сабабчиси Ҳомид эканини тасодифан билади... Битта асарга шунча тасодиф кўплик қилмайдими? Йўқ, кўплик қилмайди! Негаки Қодирий бу ҳодисаларнинг ҳаммасини чинакам реалист ёзувчи сифатида мантиқ билан оқлади. Аввало, Отабекнинг қамалиши тасодифий эмас. Кумушга кўз тиккан Ҳомид, калласи ёрилиб кетгудек ўйлай-ўйлай, охири Отабекнинг Марғилонга келишини Тошкент воқеаси билан боғлади. Кўрбошига ўхшаш порахўрлар бор экан, Отабекни қаматиш унинг учун ҳеч гап эмас. Кумуш хатни топиб олиши ҳам тасодиф эмас. Ўлим олдида турган кишисининг ҳар бир буюми одам учун азиз бўлади. У эрининг кийимларини кўздан кечирган бўлиши ҳеч гапмас. Айнан шу хат уни қутқариб қолишининг сабаби шундаки, жарчи жар солиб, икки гуноҳкорнинг айби нимадалигини айтган, буни Кумуш эшитган. Отабекнинг иккинчи бор қамалиши яна ғаламисликдан бўлади. Иккинчи бор қутулиб қолиши-чи? Буниси Азизбекнинг очкўзлиги, золимлиги, Юсуфбек ҳожининг халқпарварлиги билан боғлиқ.

Хатни айнан Ҳасанали элтиб бергани эса мутлақо ҳаётий деталь. Отабекнинг уста Олимниги бориб қолишига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу аҳволда у дунёнинг нариги чеккасига бориб қолса ҳам ажабланмас эдик. Ниҳоят, Содиқнингчувринди ҳовлиси айнан шу чекка маҳаллада бўлиши ҳам ажабланарли ҳол эмас. Уста Олимнинг Ҳомидни ёмон кўриши учун сабаб бор. Биласиз, Комилбекнинг қотили Ҳомид деганида уста ҳеч ажабланмайди. Бу гапнинг Отабек олдида айтилиши эса ўқувчини ҳайрон қолдиради дейишга асос йўқ. Негаки, Отабек устанинг қадрдони, бинобарин, унинг яширадиган сири йўқ. Отабек Ҳомиднинг режаларини ҳам осонгина билиб олмайди. Жаннат пучук ҳовлидан хабар олгани чиққанида Отабек замбил тагига бекинишини эсланг... Энг охиргиси. Умрида бирорнинг юзига тик қараб қаттиқ гапирмаган Отабек одам ўлдиради. Тағин бир эмас, учта каллакесарни! Хўш, буниси қай даражада исботланган? Чинакам реалистик тасвири билан жойжойига қўйиб исботланган! Отабек умрида илк бор одам боласини пичоқлаб, ўзини йўқотар ҳолатга келганида, тешилган девор ортидан жонидан суйган кишисининг нафасини эшитади. Ниҳоятда аниқ руҳий ҳолат! Бунақа пайтда ўз номуси учун, борингки, адолат учун жонини беришга қасд қилган одам ҳеч нимадан тап тортмайди.

Асарда фақат чинакам реалист санъаткоргина уddyдлай олиши мумкин бўлган галати ҳолатлар кўп. Юсуфбек ҳожи хотинининг Отабекни Тошкентда уйлантиришини маъқулламайди, аммо унинг раъйига қарши ҳам боролмайди. Кумушни доим «анди» деб

ҳақоратлаб юрадиган, «ҳинди домла»нинг «сехри»дан нажот тополмай қийналган Ўзбек ойим марғилонлик келинини илк бор кўрганида қувонганидан йиғлаб юборади. Негаки, ўз хатосини дафъатан англай бошлайди. Икки марта ўлим олдида турганида ҳам рақибларининг юзига тик қараган, Мусулмонкулдек қонхўрдан қўрқмаган Отабек икки хотинли бўлиб қолганидан сўнг, айниқса, Кумушбиби Тошкентга келгандан кейин Зайнабга бир хил, Кумушга бир хил гапиришга мажбур бўлади. Негаки, икки бор ўлим олдида турганида ҳам ўзини ҳақли деб биларди. Бу ўринда эса у ўзиниям айбли санайди. Ниҳоят, Ўзбек ойимдай шаддод хотин Кумушнинг ўлимидан кейин Отабек бутунлай Марғилонга кетиб қолганида лом-мим дёёлмайди... Реалистик асарда ёзувчининг дадиллаш санъати деб шуни айтадилар!

**ТАНҚИДЧИ.** Тасодифлар орасидаги мантиқий, ҳаётӣ, зарурий алоқадорликни топа олиш, буларга китобхонни ишонтира билиш чиндан ҳам санъат. Фақат реалист санъаткоргина бунинг уддасидан чиқа олиши мумкин. Қаҳрамонларнинг энг қалтис дақиқалардаги ҳолати, руҳияти, хатти-ҳаракати ифодаси-чи? Буларни топиб тасвирлаш ҳам катта санъат! Қодирий энг тифиз, драматик дақиқаларни ҳам, қаҳрамоннинг ниҳоятда қувончли онларини ҳам ўқувчи қалбини титроққа соладиган қилиб беради, уларни «энг нозик» дақиқалардан, Одил Ёқубов «Абдулла Қодирийни ўқигандা» мақоласида айтганидай, «эсон-омон ўтказиб» ола билади. Отабек билан Кумушнинг илк учрашув дақиқалари ёки узоқ ҳижрондан сўнг Тошкентдаги висол онлари, Кумушнинг Ўзбек ойим, Ҳожи ва Зайнаблар билан дийдорлашув лаҳзалари ифодаси — булар реалистик тасвирнинг ажойиб эҳсони.

**ЁЗУВЧИ.** Дарҳақиқат, «Ўткан кунлар»да бунақа ҳолатлар кўп. Эсланг-а, Отабек Марғилонга борганидан кейин ўзининг Зайнабга унаштирилганини қай юз билан айтишни билмай, охири, умуман Тошкентга қайтиб бормасликка аҳд қиласди. Шунда Кутидор қудасидан хат олади, сирдан хабардор бўлади. Отабек айттолмаган бу сирни Кумушга ота-онаси айтишади. Кумуш изтироб ичида ўтирган Отабекнинг олдига чиқади. Ораларида шундай гап бўлади: « — Мен рози, мен кўндин! — деди дафъатан Кумуш; бу сўзни нимадандир қўрққандек шошиб айтди». Ҳамма гап унинг бу сўзни «нимадандир қўрққандек шошиб» айтганида! Бу ҳолатда таҳлика ҳам, норозилик ҳам, алам ҳам, умид ҳам, хуллас, жуда кўп туйғулар мужассам. Агар Кумуш минғиллаб, йиғлаб-сиктаса, пичинг қиласа, у Кумуш эмас, бошқа аёл бўлиб қоларди. Лўлавозлик қиласа, қаттол Ҳушрўйга ўхшаб қоларди. У эса Кумуш! Шу вазиятда фақат Кумушгина шунақа дейишига, леганда ҳам айнан шунақа дейишига шубҳа қилмайсиз. Умуман, романда бунақа нозик тасвирлар кўп. Кумушнинг кўзи ёританида Отабек Зайнаб билан тунайди, туш кўради. Отабекнинг

туши кейинги фожиаларнинг ишорасидек. Майли, бунақа ҳолатни топиш унчалик мушкул эмас. Аммо унинг уйғониши лавҳасида ёзувчи битта жумла ишлатади: «Чўчиб уйғонди... Ёнида Кумуш... Зайнаб йўқ эди...» Бу нима дегани? Отабек-ку Зайнаб билан тунаган эди. Нимага адиб Кумушнинг номини айтяпти? Нимага Отабек аввало Кумушни излайди? Жуда аниқ, ҳатто тушунтириш мушкул бўлган даражада аниқ руҳий ҳолат! Яна бир жойи. Кумуш заҳар ичган. «Ҳасанали табибга югурди, Отабек қайтиб уйга кирди. Ҷақалоқни Зайнаб кўтарган, Кумуш ҳамон қусмоқда...» Нега қиласар ишни қилиб бўлган Зайнаб чақалоқни кўтариб туради? Мана шу жумланинг тагида ҳам изоҳлаш мушкул бўлган гаплар бор. Ўлаётган Кумуш эрининг Зайнабга «талоқсан», деб ҳайқирганини эшитганида сўнгги бор кўзи ярқ этиб очилиб кетади... Атоқли адибимиз Одил Ёқубов ёзганидек, бундай нозик лаҳзалар ёзувчи учун «қил кўприкдан ўтиб олиш»дек мушкул иш. Бунақа мушкул, нозик вазифани адо этиш фақат улкан санъаткор ёзувчиларгагина насиб этади.

**ТАНҚИДЧИ.** Энди романдаги тасвирнинг, ифода воситаларининг хилма-хиллиги масаласига ўтайлик. Абдулла Қодирийнинг бу борадаги тажрибаси ҳам ўз даврига нисбатан жуда катта жасорат, олга ташланган дадил қадам эди. Етук бир реалистик асарнинг ўзида биз ҳам романтик бўёқлар билан жилоланган лавҳаларга, ҳам эртаклардагидек сирли, кутилмаган фавқулодда вазиятларга, ҳам турмуш — майший ҳаёт икир-чикирлари тасвирига, ҳам чуқур ижтимоий-психологик: таҳлилга (буниси етакчи), ҳам детектив-саргузашт ифода усулига дуч келамиз. Асарнинг услубий оҳанги, тасвир мутаносиблиги, аввал айтилганидек, сержило-полифоник: гоҳ майнин лирик, гоҳ шиддаткор драматик, гоҳ ҳазил-мутойиба, киноя-кесатиқлар билан йўғрилган комик тасвир садолари бирбири билан алмашиниб туради; ёзувчи ҳодисаларни гоҳ ўз тилидан, гоҳ персонажлар нуқтаи назаридан ҳикоя қилади, мактуб усулидан кенг фойдаланади; реалистик принципларга изчил риоя қилган ҳолда она тилимизнинг жонли сўзлашув бойликларига дадил мурожаат этади, айни пайтда асарда қадимий ёзма адабиёт, хусусан, эски наср тили ифода тарзига хос унсурлар ҳам оз эмас. Қаранг, бир асарнинг ўзида нақадар хилма-хил усул, услуб, ифода воситаларининг уйғулиги, ҳозирги ибора билан айтганда синтези! Шаклдаги синтез аслида бизда «Ўткан кунлар»дан бошланган. «Ўткан кунлар»даёқ реализмнинг бағри хилма-хил услуб, ифода воситаларига кенг очиқ эканлиги тасдиқ этилган.

Шуниси мұхимки, бунчалар хилма-хил услуб, усул, воситаларни бағрига жо этган асар поэтик жиҳатдан яхлит, бир бутун. Кейинги пайтларда бир асарда хилма-хил услуб, усул, ифода воситаларидан фойдаланиш бобида бир оз нўноқлик юз бераётir, бу ҳол кўпинча асарнинг поэтик яхлитлигига монелик қилаётir, буни эса ҳар хил

йўллар, масалан, «мозаика» деган ниқоб билан оқлашга уринишлар бўлаётир. «Ўткан кунлар»да хилма-хил шакллардан, воситалардан фойдаланиш бор, аммо унда «мозаика»нинг ҳеч қанақа асорати йўқ...

ЁЗУВЧИ. Ёдингизда бўлса, бир сухбатда синтезлашув жараёни бутунги адабиётда катта янгилик эмаслигини айтган эдик. Бунга Қодирий ижоди ҳам мисол бўла олади. Ёзувчининг ҳамма асарларида, жумладан, «Ўткан кунлар»да ҳам юқорида айтганимиз — реализмнинг изчил тасвири ҳам, лирик ҳолатлар ҳам, ҳалқ оғзаки ижодидан унумли, ўринли фойдаланиш ҳам, детектив тасвир ҳам, хат, туш кўриш приёми ҳам, натурализмга яқин турадиган тасвир ҳам, юмор ҳам — барчаси бор. Бироқ бу ҳол асарнинг поэтик яхлитлигини бузмайди.

ТАНҚИДЧИ. «Ўткан кунлар» услуг жиҳатдан изчил реалистик оқимга мансуб. Унда асосан ҳодисалар, характерлар холис тарзда ифода этилади. Ёзувчи санъатини қарангки, асарда ўша етакчи услугбий-ҳиссий оҳанг сақланган ҳолда айрим ўринларда ҳодисаларга фаол аралашиш, қаҳрамонларга нисбатан муаллиф муносабатини ошкора ифода этиш, публицистик баҳо ва хитоблар ҳам учрайди. Бу ҳол, айниқса, юртдаги ижтимоий вазиятга баҳо беришда, ижтимоий жиҳатдан заарли тарихий шахслар, масалан, Мусулмонкул, Худоёр, Азизбекларга, мъянавий-ахлоқий жиҳатдан тубан кимсалар, чунончи, Ҳомид ва Содиққа муносабатда яққол кўринади.

ЁЗУВЧИ. Тўғри айтасиз, Қодирий «Ўткан кунлар»да асосан изчил холис услуг йўлидан боради. Аммо, айрим ўринларда ҳодиса ва қаҳрамонларга нисбатан ўз муносабатини яшириб ҳам ўтирумайди. Баъзан бу йўл ўзини унча оқламайди. Айрим персонажлар тасвирида муаллиф «бир маҳлуқ эди» деб қўя қолади. Эҳтимол бу — реалистик проза учун номақбул йўлдир. Лекин кўп жойларда муаллиф муносабати асар воқеаси ривожини, бадиийлигини сусайтирумайди, аксинча, кучайтиради. Содиқларнинг яшаш тарзи тасвирланган саҳнани эсланг. Искирт ҳовли, ойлаб сув кўрмаган ирkit идишлар... Ҳаётда бирор нурли мақсади бўлмаган одамнинг уйи шунақа бўладида! Ёзувчининг бу манзарага салбий муносабати шундоққина сезилиб турибди... Кумушнинг азасига етиб келган ота-она ҳолатини чизишига келганда адиб хитоб қиласди: «Бечора она, бечора ота!..» Реалистик асардаги публицистик талқин ҳақида гап кетса, айрим ўртоқлар бунга тиши-тирноғи билан қарши турдилар. Аслида бу ҳам тўғри. Баъзи асарларда қаҳрамонни оқлаш, олқишлиш ёки сўқиб кетиш, эзмаланиш, юракдан эмас, томоқдан чиқсан хитоблар публицистика деб берилаверади. Қодирийнинг хитоби эса, айтайлик, Офтоб ойимнинг соч юлиб йиглаши, Кутидорнинг талмовсираб қолганини кўрсатувчи бутун-бутун саҳифалардан кўра кучлироқ таъсир қиласди китобхонга. Мен оддий ўқувчи сифатида ҳам, оддий қаламкаш сифатида ҳам бунақа «публицистика»ни ҳамиша кўллаб-кувватлайман.

**ТАНКИДЧИ.** Сиз қувватлайдиган таъсирчан публицистик тасвир учун романдан яна бир мисол. «Наво куйи» бобида бўзахона, у ердаги Отабекнинг ҳолати тасвиридан олдин ёзувчи шундай публицистик чекиниш қиласди: «Халқимизнинг таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали таъбири бузиб қўядиган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Ўгрилик қилгани учун қўл кесилар ва ё дорга осиларди. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкилик учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулоғимларига дарра кўтартириб, номозсизларни текширас, фарзи айнни билмаганларни урдирап эди. Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўгрилар ўз тирикчиликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайдай олар эди. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда, расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар».

Киноя-кесатиқлар билан ёниб айтилган бу гаплар китобхонни давр зиддиятлари ичига тағин ҳам чукурроқ олиб киради. Бугина эмас, айни пайтда бу ердаги маълумотлар Отабекнинг ўша кезлардаги хатти-ҳаракатини далиллаш учун ҳам хизмат этади.

Романда ҳар гал қаҳрамонларнинг ижтимоий қиёфаси, гоявий-сиёсий маслаги устида гап кетганда ёзувчи изчил, аниқ-равшан позицияда туради, халқ, юрт манфаатидан келиб чиқиб, уларни баҳолайди. Мусулмонқул, Худоёр, Азизбеклар эл-юрт кушандаси бўлганиларни учун ёзувчи уларга нисбатан чексиз нафрatinи яшира олмайди. Айни пайтда эл-юрт манфаати, осойишталиги йўлига жонини тиккан кишиларга, хусусан, Юсуфбек ҳожига нисбатан муаллифнинг меҳр-эҳтироми ҳамиша сезилиб туради. Аммо бошқа кўпчилик ижобий қаҳрамонларга ёзувчи меҳрининг изҳори ўзгачароқ — бу ерда бўёқлар сержило, ранг-баранг... Ёзувчининг бу борадаги маҳорати Отабек, Кумуш, айниқса, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Зайнаб образлари тасвирида ниҳоятда ёрқин кўринади; етук реализмга хос хусусиятлар — ҳарактерларга хилма-хил томондан ёндашиш, уларда ҳам кучли — мусбат, ҳам ожиз — манфий томонларни назардан соқит қўлмаган ҳолда, бутун мураккаблиги, барча қирралари билан ифодалаш, ҳарактерлардаги манфий жиҳатлар, ожизликларнинг ҳаётий илдизини очиш, далиллаш санъати шу образлар тасвирида янги куч билан намоён бўлган.

**ЁЗУВЧИ.** Адабиётимизда қордек оппоқ ижобий ва кўмирдек қора салбий образлар яратиш тамоили эскирганига анча бўлган.

Жонли инсон қиёфасини яратишнинг илдизлари олисга бориб тақалади. Бу борада ҳам Қодирийнинг ўзига хос катта улуши бор. Ҳали айтганимиздек, бошига қилич келганида ҳам рост сўзлайдиган Отабек икки хотин олдида азбаройи муроса учун иккюзламачилик қилишга ўрганади. Кумушдек оқила жувон кундошини кўргандан кейин учирма гаплар айтиб, эрининг дилини вайрон қиласи. Ҳожидек оқил одам кўра-била туриб ўғлини ўтга ташлайди: ярим довдир хотинининг сўзига кириб, Отабекни баҳтсиз қиласи, адолат учун кураша-кураша, охири узлатга чекинади. Кутидордек эсли одам ўз қизининг курбон бўлишига бир қадар сабабчи бўлади — қизи Кумушни кундош хузурига бошлаб келади... Зайнабни олайлик. Уни ҳарчанд айбламайлик, барибир унга ачинамиз. Ахир у ҳам одам! «Жонсиз ҳайкал»ни қучоқлаб йиғлаганида унга раҳмингиз келмайдими?! Аёл кишининг рашки ёмон. Рашидан қасди ёмон! Зайнабнинг асосий мақсади Кумушни ўлдириш эмас, Отабекка эга бўлиш (опаси қаттоллик қилмаганида, у бу ишни асло қиломасди). Муаллиф Зайнаб фожиасини янада чуқурлаштириш учун асар охирида битта лавҳа қўшади. Отабек Кумуш қабри қошида тунаган кечаси мажнуна Зайнаб келади. Отабек уни ҳайдайди:

« — Кет мундан!

— Мен Кумуш! — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди».

Шу ҳолатнинг ўзида қанча-қанча маъно бор! Ниҳоят, Отабекнинг ўзи ҳам чиркин замоннинг курбони бўлади. (Ёзувчининг мақсади уни курашчи қилиб тасвирлаш эмас эди.) Шунинг учун ҳам биз асардаги янги одамларнинг ҳаммасини севиб қоламиз. Негаки, улар муайян камчиликлари бўлишига қарамай, тирик инсонлардир. Биз оқил, вазмин Отабекни, гўзал, дилбар Кумушни, ўлган хотинига содиқ қолган меҳнаткаш уста Олимни, юмшоққина Мирзакарим Кутидор билан андишли Офтоб ойимни, эл фамини еб адо бўлаётган Юсуфбек ҳожи билан чала думбул Ўзбек ойимни чин юракдан яхши кўриб қоламиз. Буларни қанчалик яхши кўриб ачинсак, Зайнабга ўҳшаганларга шунчалик раҳмимиз келиб, ижирғанамиз. Қизиқ, Отабекда ҳам худди шунаقا ҳолат: Кумушни севади, Зайнабга раҳми келади. Ажиб мантиқни қаранг: муҳаббат билан шафқат деган сўз ёнма-ён туради. Шафқат билан нафрат деган тушунча бир-бирига тамоман тескари. Аммо мазкур учликда ғалати ҳол — Отабекнинг Зайнабга шафқати қанчалик кучли бўлмасин, доим нафрат билан ёнма-ён туради... Биз ҳам асар қаҳрамонларига бирда шафқат қиласи, бирда (салбий персонажларга) нафрат билан қараймиз, бирда чин дилдан севамиз. Хуллас, лоқайд бўлмаймиз, ҳеч бирига, ҳеч қайсисига! Аслида, ҳақиқий асар китобхонда худди шундай таассурот уйғотади.

**ТАНҚИДЧИ.** Асардаги чинакам реалистик манзаралар, уларнинг чуқур маънодорлиги, таъсирчанлиги, улардаги бўёқларнинг ранг-бараңлиги масаласига қайтайлик. Ёзувчи алоҳида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ёки икки партнёр-персонаж орасидаги мулоқотларни, уларнинг ўша дамлардаги руҳий оламини, қалбларидағи жараёнларни гўё моҳир рассом сингари суратга солиб кўрсатади; шу билан бирга бир неча кишилар иштирок этадиган оммавий саҳналарни, бир оннинг ўзида бир неча одамларнинг хилма-хил ҳолат, руҳиятини кишини лол қолдирадиган даражада аниқ жонли гавдалантиради. Зиё шоҳичининг уйидаги суҳбат, ўртадаги мажлис-зиёфат, тўй маросими, хусусан, қудаларни кутиб олиш манзараси — булар реалистик тасвирнинг мўъжизакор тухфаси!

**ЁЗУВЧИ.** Суҳбатимизнинг бошида Абдулла Қодирийнинг меъморлик, мусиқа санъати тажрибаларидан баҳраманд бўлгани ҳақида гап борган эди. Қодирий кино санъатидан ҳам яхши хабардор бўлган. Унинг «Равот қашқирлари» фильмни ҳақидағи мақоласи шундан далолат беради. Айни пайтда у рассомлик санъати сирларини ҳам пухта билган. Хайрилдин Султоновнинг «Раъно гулининг суви» хужжатли ҳикояси билан танишганда, муҳими, ёзувчи романлари, ҳажвияларини ўқиганда бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**ТАНҚИДЧИ.** Ёзувчи тасвирлаган манзаралар фақат жонли, ҳаётӣ, пластиклиги билангина эмас, чуқур маънодорлиги билан ҳам дикқатни тортади. Бир қарашда у қалар аҳамиятсиздек туюлган лавҳалар, персонажлар ҳам асарда чуқур маъно ташийди. «Тошкент қамалла» бобидаги «даҳшатлар тепаси» лавҳасини эсланг. Баъзи бирорларга уч-тўрт юз кесилган инсон бошидан кўтарилиган тела, ундаги бошлар қиёфаси ифодаси натуралистик тасвир бўлиб туолиши мумкин. Лекин жиддий эътибор берсангиз, унда нақадар катта шафқатсиз ҳақиқат борлигини, бу даҳшатли лавҳа ўзаро урушлар, беҳуда қон тўкишлар устидан чиқарилган ўткир бир айбнома эканлигини англаб етасиз, қолаверса, қаттиқ ларза ичидаги қоласиз. Бамисоли В. Верешчагиннинг уруш даҳшатларини акс эттирувчи муддиш полотноларини томоша қилгандаги ҳолатга тушасиз.

**ЁЗУВЧИ.** В. Верешчагиннинг асарларига мен бир хилда — нукул эҳтиром билан қарамайман. Хусусан, бу улкан мусаввирининг Ўрта Осиё тарихига оид айрим асарларида қора бўёқ кучайиб кетгандек туолади. Бу менинг шахсий фикрим. Қодирийда эса ҳатто ўша қора манзаралар орасида ҳам табиий нур сезилиб туради. Бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган лавҳалар, персонажларга жиддий маъно юклаш маҳоратига оид мисолларни яна келтириш мумкин. Марғилондан қудалар келганида Ҳожининг уйига йиғилган одамлар орасида жаллод ҳам бўлади. Ўқиб ҳайрон қолдим. Ҳожидек одам жаллодни нимага уйига чақирсан? Гарчанд у (Пирназар жаллод) бу ҳунарни ташлаб юборган бўлса ҳам, шу ерга келиши мантиққа

хилофдек кўринади. Бироқ, кейин тушундимки, муаллифнинг бундан мақсади бор экан. Отаси сўз ўйини қилиб, Отабекнинг ҳам жаллодлик қилганини айтмоқчи экан... Ёки тағин бир манзара. Романда Қовоқ девона нима қилиб юрибди? Одамлар унинг устидан кулиши-ю, девонанинг бурнини оқизиб йиглашини тасвирлаб ўтириш шартмиди? Бир қарашда шундай кўринади. Лекин Қовоқ девона романда биз ўйлагандан кўра анча катта маъно ташийди. Шундоқ қилиб, Отабек Зайнабга уйланди. Энг нўноқ ёзувчи Тошкентдаги тўйни ҳам бутун тафсилоти билан ёзар эди. Ахир, Тошкентдаги тўй Марғилондагидан фарқ қиласи. Қолаверса, шу кунлардаги Отабекнинг ҳолати китобхонга қизиқ туюлиши мумкин. Ўртачароқ адид бўлса, бошқача йўл тутар эди. Асарни «Жодугар ҳинди» бобидан давом эттираверарди. Бироқ Қодирий Қовоқ девонани асарга олиб киради. Нимага? Биринчидан, «Қоратегин» Отабекнинг уйланганини билиб олди. Лекин девона образи асарга фақат шунинг учун киритилган эмас, ҳамма гап шундаки, Отабекнинг иккинчи уйланишидаги бутун қувонч — бир девонанинг битта белбоққа эга бўлиши-ю, бир тоғора ош еб, маза қилишидан нари ўтмади. Бор гап шу! Аслида бу тўйнинг ўзи Отабек учун девоналидек гап эди. Мана, ёзувчи нима демоқчи!

**ТАНҚИДЧИ.** Мен университет аудиторияларидаги лекцияларимда «Ўткан кунлар»ни ва Қодирийнинг бошқа асарларини бир вақтлар бўлган асоссиз танқидлардан ҳимоя қилиб гапирганимда, баъзан талабалар «Ўткан кунлар»да, умуман Қодирий реализмидаги камчиликлар, ожиз томонлар ҳам борми, деб сўрашади. «Ўткан кунлар»ни етук, баркамол роман дедик. Лекин шундай асар ҳам кам-кўстлардан холи эмас, албатта.

**ЁЗУВЧИ.** Албатта, Қодирий асарларида — «Обид кетмон»да ҳам, «Мехробдан чаён»да ҳам, ҳатто адиднинг бош асари бўлмиш «Ўткан кунлар» да ҳам мутахассис сифатида эмас, оддий китобхон сифатида синчиклаб қаралса, айrim камчиликлар топилиши мумкин. (Беайб — парвардигор дейдилар, қолаверса, катта ишлар мутлақо камчиликсиз бўлмайди.) Шахсан менга Кумушдек оқила аёлнинг Отабек номидан ёзилган сохта хатларнинг биронтасидан эрининг дастхатини изламаслиги, пайқамаслиги фалати кўринади. Тўғри, эри бирорвга уйланганини билиб, минг хил хаёлга бориб ўтирган хотин учун бунақа зарба оғир бўлади. Бироқ, Кутидордек тадбирили одам ҳам бу туҳматларга чиппа-чин ишонади... Эҳтимол, бу Қодирийнинг ўзи айтган «Чор дарвеш» туридаги достонларни ўқиб ўрганган китобхонлар учун асло сезилмас... Тағин билмадим.

Балки, бу худди ўша романтик адабиёт таъсиридир... Қолаверса, романда айrim мантиқан чукур асосланмаган ўринлар ҳам бор. Асар бошида Отабек Ҳасаналининг тақдирини, ўтмишини эслайди. Бу нарса муаллиф тилидан баён қилинса ҳам, Отабек руҳияти орқали

берилади: «Ҳасанали ўттиз ёшлиқ вақтида сотиб олинган бир чўрига уйлантирилган бўлса ҳам, аммо ўғил, қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшлиқда ўлиб кетганлар...». Аввало, реалистик прозада бунақа дейилмайди. Боласи бўлиб, кейин ўлганми ёки бутунлай фарзанд кўрмаганми? Қолаверса, Отабек Ҳасаналини маънавий ота деб билади. Демак, бу нозик масалани у аниқ билиши керак. Салбий қаҳрамонлар портретида бир хиллик учрайди. Аксарияти пучуқ, тасқара. Жаннат образида бир деталь жуда ҳаётӣ. У икки гапнинг бирида «қиҳ» деб туради. Баъзи ўринларда адабнинг шоирона туйгулари мөъёридан ошиб кетади. Кутидорникидан кудачиликнинг хушхабарини олиб келган Ҳасанали ухлаб ётган Отабек ҳақида ўй суради: «Қайғурма, бегим, Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... Бу кеча сенинг қайгули кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеъриятли тунларингнинг арафасидир, бегим!» Эҳтимол, шу қадар катта, муҳим ишни умрида биринчи марта қилган кул Ҳасанали ўша кеча қаттиқ ҳаяжонлангандир. (Аслида ҳам шундай!) Лекин саводсиз бир чол «шеъриятли тунлар» дермикин? Бу муаллифнинг гапи эмасмикин?

Умарали ака, инсоф билан айтганда, мен ҳеч қачон, ҳеч кимнинг асаридан камчилик излаб ўқиган эмасман. Тўғриси, бу менинг вазифамга кирмайди ҳам. Ҳозир, мана буюк адаб (мен бу сўзни айтишдан истиҳола қилмайман) Қодирий домланинг асарларицаги айрим камчиликлар ҳақида сўз борар экан, бир нарсани ўйлаб қолдим. Аввало, «Ўткан кунлар» ёзилганига етмиш йил бўлди. Ўшанда бизда чинакам реалистик прозанинг ўзи йўқ эди. Қолаверса, Абдулла Қодирий бу романини ёзганида ўттиз ёшга ҳам чиқмаган эди. Бугун ўттиз ёшимизда нимани қойил қиляпмиз? Тўртта ҳикояни эплаб ёзсан, ўзимизни «классик» санагимиз келади. Йўқ, мен, ҳозирги ёзувчиларни айбламоқчи эмасман. Демоқчиманки, биз Қодирий ижодига етмиш йил беридан туриб, аввало, ўзимизнинг етмиш йиллик реалистик прозамиз тажрибаларига таяниб, қолаверса, жаҳон адабиётидан ижодий фойдаланишимиз имконияти ўша даврга нисбатан етмиш марта кўпроқ бўлган даврда туриб гапирайамиз. Ундан ҳам муҳими, «Ўткан кунлар» мана етмиш йилдирки, ҳамон севиб ўқиляпти. Шунинг ўзи катта гап эмасми! Бургут боласини ўзидан баландроқ учмагунча қўймай чўқилар экан.

Қодирий домла ўзбек реалистик прозасининг классиги, у ўз мактабини яратди. Фақат бизнинг ўзбек адабиёти эмас, умуман ўша давр кўпмиллатли шўро адабиётида катта из қолдирди. Биламиз, улкан адаб Аvezov Қодирийни устоз санайди, улкан адаб Айтматов эса Аvezовни ўз устози деб билади. Модомики биз бир-биримизни устоз деб биларканмиз, мана шу устозлар сафида Абдулла Қодирий ҳам борлигидан чин дилдан фаҳрланамиз. Агар биз ўзбек прозаси «Ўткан кунлар» савиясида тўхтаб қолди, десак хато қиласиз. Негаки, етмиш

йил мобайнида кўп яхши асарлар яратилди. Қодирий домла агар ҳаёт бўлганида бугун адибларимиз эришаётган ютуқлардан қувонар, камчиликларидан ранжир эди. Негаки, катта истеъдоднинг қалби ҳам катта бўлади. Мен оддий бир қаламкаш сифатида Абдулла Қодирийдек катта истеъдод эгасининг руҳига ҳамиша таъзим қиласман!

**ТАНҚИДЧИ.** Абдулла Қодирий ижоди, аниқроғи, «Ўткан кунлар» романи, романдаги ёзувчининг реалистик маҳорати, санъати, адаб реализмининг қудрати хусусидаги баҳс-мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган бугунги кун адабиёти, хусусан, ёш қаламкашлар учун энг асосий хулоса, сабоқлар нималардан иборат деб биласиз?

**ЁЗУВЧИ.** Ҳар қандай улкан санъаткор, табиийки, бошқа қаламкашларни ҳам ёзишга илҳомлантиради, таъсир кўрсатади. Бироқ, зийрак қаламкаш улкан адидан фақат ёзишнигина эмас, қандай ёзмасликни ҳам ўрганади. Йўқ, Қодирий қандай ёзмаслик «намунасини» кўрсатган эмас. Гап бошқа ёқда. Ҳақиқий қудратли адаб асарини ўқиганингизда кўпинча ўзингизнинг машқларингиз майдা, бачкана кўриниб кетади. Бошқа кўп классиклар қатори Қодирий домлани ўқиганимда менда ҳам шундай кайфият пайдо бўлади. Бугунги ёш қаламкашларнинг Қодирийга муносабати, ундан таълим олиш масаласига келсак, ҳар ким ўз хулоасини ўзи чиқаргани маъкул.

1984 йил

## ҚОДИРИЙ МЎЉЖИЗАСИ

(Хотима ўрнида)

1914 йилнинг 1 апрелида «Садои Туркистон» газетасида «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали ихчамгина хабар-мақола босилди. Мақола охирига Абдулла Қодирий деган имзо чекилган эди. Айни шу газетанинг 4 апрель сонида айни шу имзо билан «Тўй» номли шеър чиқди. Сўнг бирин-кетин «Ахволимиз», «Миллатимга бир қарор!», «Фикр айлағил» номли фазал шаклида ҳажвий-маърифий йўналишлаги «Қодир», «Қодирий» тахаллуси билан якунланадиган шеърлар пайдо бўлди. Ўша хил мақола ва шеърларга бирор эътибор берди, бошқалар эса эътибор ҳам бермади. Чунки ўша кезлари миллий матбуот бу хил ташвиқотчилик руҳидаги қолоқ одатларни қораловчи мақола, шеър, ҳажвиялар билан тўлиб-тошиб чиқарди. Қодирий эса бўш келмади, миллат фами, жадидчилик ғоялари билан йўғрилган «Жувонбоз» ҳикоясини, «Бахтсиз куёв» драмасини тақдим этди. Ёш ижодкор, Ойбек айтганидек, турмушни бадиий кўрсатишда ғоят тез ўсади. Орадан оз фурсат ўтиб, 1916 йилда яратилган «Улоқда» ҳикояси ёзувчининг аввал ёзган асарларига нисбатан тенглаштирмас даражада юқори бир асар бўлиб чиқди. «Улоқда» ҳикоясида, — деб ёзади Ойбек, — ташвиқотчининг,

воизниинг ўрнини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама қилмайди, тушунтирумайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади».

Дадил айтиш мумкинки, «Улоқда» ҳикояси миллий адабиётизизда пайдо бўлган биринчি тўлақонли реалистик проза намунасиdir. Қодирий айни шу ҳикояси туфайли бошқалардан ярқ этиб ажralиб кўринди, айни шу ҳикоя муаллифни бетакрор ноёб санъаткор ёзувчи сифатида элга танидти, Қодирий феномени, бадиий мўъжизаси айни шу асаридан бошланди. Орадан уч йил ўтиб, 1919 йили адаб улуғ бир муддаога қўл урди, миллатимизнинг яқин ўтмишидан «Ўткан кунлар» отлиқ роман ёзишга чоғланди, бу қутлуғ иш 1920 йилнинг декабрида интиҳосига етди. Асардан боблар матбуотда эълон этилди. Афсус, асарнинг тўла ҳолда китоб бўлиб чиқиши беш йил кечикди. Ҳечдан кўра кеч, деганлариdek роман 1926 йили тўлиғича ўқувчилар қўлига этиб борди. Бу ҳодиса фақат миллий адабиётимиз тарихида эмас, Марказий Осиё маданияти, маънавий ҳаётида ҳам улкан ҳодиса, байрам бўлди.

«Ўткан кунлар»га нуқта қўйилгандан сўнг беш йил давомида ёзувчи жим тургани йўқ. Айни шу йилларда у қизғин журналистик фаолият билан шугулланди, ўткир баҳс-мунозара руҳидаги мақолалари, ҳажвий асарлари, хусусан, «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» туркум ҳажвиялари эл орасида машҳур бўлиб кетди, «Муштум» журналининг ташкил топиши ва оёққа туришида адабнинг хизматлари бекиёсdir. Булар билан чекланмай, адаб янга бир янги тарихий роман устида ишлади, асар 1928 йил февралида интиҳосига етди, орадан бир йил ўтиб китоб ҳолида чиққан «Мехробдан чаён» романининг довруғи «Ўткан кунлар»дан кам бўлмади. 1932—1934 йиллари «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали саҳифаларида «Обид кетмон» қиссани эълон қилинди, 1935 йили эса китоб ҳолида босилди. Шу тариқа ўн йил давомида Қодирийнинг учта йирик асари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Шу уч асар туфайли миллий адабиётимиз равнақида янги бир давр бошланди. Бу ҳодиса аҳамиятини мумтоз адабиётимиз тарихидаги Навоий «Хамса»сига қиёс қилиш мумкин. Навоий «Хамса»си туфайли ўзбек-туркий адабиёти форс-тожик, қолаверса, Шарқ адабиёти билан бемалол бўйлаша ва баҳслаша оладиган нодир асарга эга бўлганлигини яхши биламиз. Худди шунингдек, Қодирий романлари туфайли, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, миллий адабиётимиз Европа, бинобарин, замонавий жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчаганда ҳам тўлақонли етук асарларга эга бўлди.

Улуг адабнинг бу шоҳ асарлардаги беназир бадиий ихтиро ва кашфиётлари адабиётшуносликда баҳоли қудрат тадқиқ этилган, улар мактаб ва олий ўқув юртлари дарслклари орқали кенг жамоатчиликка озми-кўпми таниш. Бу ўринда улар устида маҳсус

тўхталишга ҳожат йўқ. Сизу бизни бир ҳолат ҳайратга солади. Жаҳон адабиёти тарихига бир қур назар ташланг — тараққий этган мамлакатлар миллий адабиётидаги янгила замонавий йўналиш, оқимлар бир неча ўн йиллик тажрибалардан сўнг улкан ютуқларга эришганлигига амин бўласиз. Юқорида эслатилганидек, илк тўлақонли реалистик ҳикоя — «Улоқда» асаридан уч йил ўтиб «Ўткан кунлар»дек романнинг, сўнг бу ноёб тажрибани яна кўп фазилатлар билан бойитувчи «Мехробдан чаён» ва «Обид кетмон»дек асарларнинг яратилиши чиндан ҳам жаҳон янги адабиёти тарихида кам учрайдиган ҳайратомуз ҳодиса! Хўш, Қодирий бунга қандай қилиб эришди?

Аввало, Қодирий Аллоҳ берган ноёб, беназир истеъодд эгаси эди. Қодирийнинг шахсияти, дунёга келиш тарихи ҳам ўзига хос, бир қадар гаройиб. Адебнинг ўзи оиласвий муҳити, хусусан, отаси ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзис қолдирган. Жумладан, «Мехробдан чаён» романига илова тариқасида ёзилган «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида» сарлавҳали сўнгсўзида ёзувчи у вақтларда ҳовлилари Эскижўва маҳалласида бўлганлигини айтади. Адебнинг катта ўғли Хабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ёзишича, Қодир бобо тўрт марта уйланган, аввалги уч хотинидан фарзанд бўлмаган ёки фарзандлар туғилган бўлса ҳам турмаган. Ниҳоят охирги хотини Жосият бибидан Раҳимберди отлиқ ўғил кўради, аммо ундан кейин туғилган ўн икки фарзанд биринкетин нобуд бўлаверади. Шундан сўнг ирим қилиб оила бу «хосиятсиз» хонадонни ташлаб, тўртинчи Эшонгузар маҳалласидан бўш жой сотиб олиб иморат қуради, ўша янги ҳовлида 1894 йил баҳорида янги ўғлон дунёга келади, унга Абдулла деб исм беришади. Ўн икки жондан сўнг тирик қолган гўдак Аллоҳ ёрлақаган зот бўлиши аён эди. Шифокорларнинг гувоҳлик беришича, бундай зотнинг зуваласи алоҳида унсурлардан яратилар эмиш. Яна бир гаройиб жиҳати, Абдулла туғилганида ота — Қодир бобо 72—73 ёшларда эди, Абдулладан кейин тўрт йил ўтиб 77 ёшида яна бир ўғили бўлган, 104 йил умр кўрган. Демак, Абдулланинг тани-вужудида ота қонидан ўтган юз йилларга етгулик куч-кудрат, ноёб имкониятлар мавжуд эди. Энг муҳими, Қодир бобо бўлгуси адаб Абдулла Қодирий учун тирик тарих, нақд бебаҳо хазинанинг ўзгинаси эди. Қодирийнинг шахс — фуқаро ҳамда ёзувчи бўлиб шакланишида бу алломат зотнинг таъсири бениҳоя катта. Қодирий тарихий асарлари учун қимматли маълумотларни аввало шу одамдан олган. Бу ажойиб сиймо Қодирийни машҳур романларида акс этган давр билан туташтирувчи олтин ҳалқа хизматини ўтаган. Қодирий 1922 йили ёзган «Отам ҳам большевик» номли хотира-ҳикоясида Қодир бобо ҳаёт йўлининг энг муҳим паллалари, сажия-характерининг айрим муҳим жиҳатлари ҳақида самимият билан сўзлайди. Даставвал, бу одам руслар келганда 42 ўнда бўлиб, Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилганларнинг

бири эканини, қирқ йиллаб мусулмон хонлар замонини, эллик йиллаб Руся чор истибодини ва беш йилдирки, шуро ҳокимиятини кўрганлигини айтади. Ҳикоядаги қария шунчаки кўпни кўрган меҳрибон ота, бетакрор шахсгина эмас, балки қатъий маслак-эътиқодга эга бўлган, юз ёшга етганда ҳам мустамлакачилик сиёсатини асло ҳазм қила олмайдиган, миллат қайфуси, истиқдол фами билан юрган ижтимоий-сиёсий сиймо ҳамдир.

Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чайён» романларида ҳам бу табаррук зот ажиб бир эҳтиром билан тилга олинади. «Ўткан кунлар»нинг «Эсини киргизди» бобида «Мен — ёзгувчи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам мархумдан неча қайталаб эштисам ҳам зерикмас эдим» деса, «Мехробдан чайён» хотимасида эса «Мен мирзо Анвар ҳикоясини мархум отамдан эшиткан эдим» деб ёзади. Бугина эмас, роман воқеалари, бош қаҳрамон қисмати бевосита ўша табаррук отахон — Қодир бобо билан ажойиб бир тарзда тулашади.

«Ўткан кунлар», «Мехробдан чайён»дек романларни яратиш учун шуларнинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун ёзувчиди муайян тайёргарлик, катта адабий билим, замонавий бадиий-эстетик бисот ҳам бўлиши зарур эди. Ёзувчи болалигиданоқ Шарқ ва Farb маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига муюссар бўлди. Эски мактаб, мадрасада таълим олиб диний-исломий билим, араб, форс тиллари, адабиётларини чукур ўзлаштириди; татарларда ва бошқа қардош туркий тилларда чиқиб турган газета, журнал, театр ва янги типдаги проза намуналари билан ошно бўлди. Адид Миср ёзувчиси Жўржи Зайдон асарларини севиб мутолаа қилди, Зайдонни ўзини роман ёзишга ҳаваслантирган устоз деб атайди. Боз устига рус-тузем мактабида ўқиб, уни аъло баҳолар билан тугатади, рус тилини мукаммал эгаллаиди. Москвада В.Я. Брюсов номидаги Бутуниттифоқ адабий-бадиий институтида таълим олади, жаҳон адабиёти, маданияти билан яқиндан танишади. Қодирийнинг 20-йилларда ёзган адабий-танқидий мақолаларида рус ва Европа адабиётининг Данте, Сервантес, Гоголь, Толстой, Чехов каби буюк намояндалари номлари учрайди. Айни пайтда ёзувчи бу адиллар ижоди моҳиятини, умуман, жаҳон адабиётидаги жараёнларни чукур англаб етган, улар хусусида теран фикр-мулоҳазалар билдирган. «Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак», — лейди у бир сұхбатда. Умуман олганда Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» устида ишләётган кезлари ҳар тарафлама шаклланган мукаммал адабий-эстетик қарашлар соҳиби эди. Шуниси муҳимки, Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари, хусусан, реализмга доир фикр-мулоҳазалари бевосита ижод-амалиёт жараённида туғилди, шаклланди. 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳеч ким Қодирийчалик

реализм назарияси билан бу қадар кенг машғул бўлмаган. Қолаверса, ўша кезлари бизда ҳеч ким реалистик тасвир бобида Қодирий даражасига кўтарила олмаган. Жаҳон адабиёти тарихидан яхши биламизки, адабиёт ва санъатдаги янги метод, оқимларнинг эстетик концепциясини, аввало, ўша оқимга мансуб ижодкорларнинг ўзлари ишлаб чиққанлар. Янги ўзбек адабиёти, аникрофи, насрининг шаклланиши ва ривожида шу буюк вазифани ўташ биринчи галда буюк реалист адаб Қодирий зиммасига тушди.

Қодирий ижтимоий фаолият доирасига, бадиий ижод оламига XX аср бошларида ўлкада етакчи ижтимоий-мафқуравий куч саналмиш жадидчилик ҳаракати таъсирида кириб келди. Кўпчилик илфор маърифатпарвар, эркесвар ижодий зиёлилар қатори у юртдаги миллий уйғониш, инқилобий ўзгариш, озодлик ҳаракатларига зўр хайриҳоҳлик билдириди. «Николайнинг тахтдан йиқилиб, хуррият бўлгонига хурсандлигим, албатта дунёга сифмас эди, — деб ёзди у таржимаи ҳолида. — Айниқса 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибододга нафрат менда ҳам кучлик эди». Қодирий Октябрь тўнтириши ва большевикларнинг сиёсатини дастлаб февраль хурриятининг давоми деб тушунди. «Октябрдан биз бошлича жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик», инқилоб «онг берди, ҳақ берди» дея кувонади. Катта ишонч, гайрат-шилоат билан «озодлиғ йўлида ҳар қандай оғирлиққа ҳам чидаб» турли вазифаларда ишлайди, кўпроқ матбуотда — «Озиқ ишлари», «Рўста», «Иштирокион», «Қизил байроқ», «Инқилоб», «Коммунист йўлдоши» газета ва журналларида фаолият кўрсатади, «Муштум» журнали унинг иштирокида ташкил топади. Ҳ. Қодирий берган маълумотга кўра, адабнинг 1919—1925 йиллар оралиғида ёзган мақолалари 300 атрофида. Қодирийнинг публицистик чиқишилари аввало ўша даврининг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси, ёзувчининг ўша йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига, кундалик воқеаларига, ҳаёт муаммолари, жумбокларига муносабати, қалб садоси, адаб ўйлари, маънавий изланишлари, асл ғоя ва маслаги ифодаси, қисқаси — ёзувчининг маънавий таржимаи ҳоли ҳужжатлари сифатида ғоят ардоқли. Қодирий қандай мавзуда қалам тебратмасин, уларда адаб шахсияти, қалб бисоти, кучли ва ожиз жиҳатлари баралла кўриниб туради.

Қодирий катта қалб, зўр ақл-заковат, юксак истеъодод соҳиби бўлса ҳам, барибир, у ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг, шўро матбуотининг эҳтиросли қаламкашига хос муайян «қизиллашиб», инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари авж олдирилган «синфий кураш», динга қарши жазавали даҳриёна кампания таъсирида бойлар, эшонлар, уламоларни фақат бой, эшон, уламо бўлганликлари учунгина синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда «жиҳоди

акбар» эълон этиб, аёвсиз кураш олиб боради. Синфий, мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда гоҳо қизиқонлик кўрсатади, баҳслар пайтида одоб доирасидан чиқиб кетади... Лекин адабнинг матбуот саҳифаларидағи жўшқин фаолияти асосан большевиклар олиб бораётган сиёсатнинг ички зиддиятларини кўрсатишига йўналтирилган. У бор овоз билан ҳақиқатни айтиш, ёзиша интилади. Аммо унинг бу интилишлари бирин-кетин кескин қаршиликларга учрай бошлайди. «Московдан хатлар»даги танқидий мулоҳазалари, айниқса, «Йигинди гаплар»даги ҳаёт зиддиятларига ҳазил-мутойиба тариқасидаги юмористик муносабати, хукumat одамлари хусусидаги ҳазиллари катта шов-шувларга, оғир кўргиликларга олиб келишини бошида у хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. «Муштум»да босилган шу мақола учун улуғ адаб устидан жиной иш очилиб, у ҳисбга олинади. Демак, бу даврга келиб шўро воқелиги зиддиятларини кўрсатиш, жамият, унинг раҳбарияти ҳақида танқидий гап айтиш имконияти битди!

Чархи кажрафторнинг нағмасини қарангки, миллий адабиётизиз равнақида янги давр очган «Ўткан кунлар» тўла ҳолда китоб бўлиб чиқсан, кўлма-кўл бўлиб ўқилаётган, маънавий ҳаётимизда катта байрамга айланган ўша 26-йил баҳор кунларининг бирида, қолаверса, ўша кезлари расмий байрам тарзида нишонланадиган айни 8 март кунида «Ўткан кунлар» муаллифи қамоқقا олинди.

«Абдулла Қодиров иши»га оид архив ҳужжатлари орасида «Сўроқ мажлиси протоколи» номи остида ўзбек тилида нисбатан батафсил, саводли тузилган баённома сақланиб қолган. Афтидан, баённомадаги Қодирийнинг сўзлари адаб томонидан ўз қўли билан ёзиб берилгану, котиб уни оққа кўчирган. Протокол-баённомада Қодирий ўзига кўйилган айбларнинг бошдан-оёқ соxта, мантиқсиз ва фаразгўйликдан иборат эканини, ўзининг кимлигини — ўтмиши, ҳозирги куни, эътиқоди ҳамда маслагини баён этиб беради. Суддаги «Абдулла Қодирийнинг охирги сўзи» деб аталган бу тарихий ҳужжатда Қодирий табиатига хос кўп жиҳатлар — мустаҳкам имон-эътиқод, катта ақл-заковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ростгўйлик, мардона бир шижиоат ёрқин намоён бўлган. Хийла босиқ, мулоҳазакорлик билан қоғозга туширилган охирги сўзда, барибир, Қодирийнинг бадний ижод, ҳиссиёт кишиси экани, унинг ёниқ қалби, юрак туғёни, газаби, нафрати, алам-изтироблари, фифони — барча-барчаси баралла сезилиб, эшитилиб туради. Унингча: «Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! — Зоро, «ўзини билмаган — ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб тўқкан тўнгич ўғлидир». У гурур билан «шу кунгача маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида», дейди. «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «иҳ» дейдирган йигит эмасман» — адабнинг бу сўзларида ҳеч

қанақ ясамалик, муболага йўқ. «Кўнглида шамси губороти, тескаричиллик мақсади бўлмағон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрлиқдан ўлим тансиқроқдир. Бир қанча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир». Адибнинг алам-ўқинчларга тўла бу қалб фифони уни шу кўйларга солган, шундай қарорга келишга мажбур этган тубан, гаразгўй кимсалар, ўша машъум муҳит — вазият устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди. Ана шундай довюрак, қатъиятли, мардона шахсгина «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён»дек мардона асарларни яратишга қодирдир.

Ҳали инсоф-диёнатини, адолат туйфусини йўқотмаган масъул ходимларнинг аралашуви, ҳиммати, энг муҳими, ўзининг мислсиз матонати туфайли Қодирий 26-йил вабосидан омон қолди, лекин унинг шундан кейинги ўн йиллик ҳаёти мафкуравий-сиёсий таъқибу таҳдидлар, тазииклар ичida кечди; ўшандай шароитда ҳам адид қўлдан қаламини қўймади. Бироқ бошдаги қора булатлар тобора қуоқлашиб борди; ниҳоят, 1937 йил 31 январь куни кечаси, қаранг, яна байрам — Янги йил арафасида у қамоқقا олиниди; ўн ойча давом этган тергов, қўйинок, сохта айловлардан сўнг 38-йил 4 октябрда отиб ташланди. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бу сиймо ота умрининг ярмини ҳам яшамай туриб ҳаётдан жудо этилди.

Қодирийнинг шон-шавкати ҳам, фожиавий қисмати ҳам кўп жиҳатдан «Ўткан кунлар» билан боғлиқ. Қарангки, ҳалқ байрамдек кутуб олган роман ҳақида на адиднинг замондош қаламкаш дўстлари, на мунаққидлар икки йил давомида ҳеч нарса демадилар, матбуот деярли сукут сақлади. Ниҳоят, компартия органи «За партию» журналининг 1928 йил март сонида Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус ижодкори М. Шевердиннинг «Биринчи ўзбек романи» сарлавҳали мақоласи босилди. Мақола бошдан-оёқ «Ўткан кунлар» романини foявий-мафкуравий жиҳатдан қоралаш, рад этишга қаратилган эди. Мақола муаллифи асарни бадиий жиҳатдан юксак, аммо мафкуравий жиҳатдан яроқсиз деб атайди, ёзувчини ўз асари орқали буржуазия манфаатини ҳимоя қилишда, феодал ўтмишни идеаллаштиришда айблайди. М. Шевердин тўғридан-тўғри: «А. Қодирий романи — биринчи ўзбек романи мафкура жиҳатдан бизнинг роман эмас» деб хукм ўқыйди. Шу тариқа партия матбуоти саҳифаси орқали «Ўткан кунлар»га қарши уруш эълон этилди.

М. Шевердиндан илҳомланган ёш ўзбек мунаққиди Сотти Ҳусайн «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929 йилги бир неча сонларида «Ўткан кунлар» тўғрисида йирик танқидий мақола билан чиқди. Сотти Ҳусайн ҳам моҳият-эътибори билан Шевердин қарашларини давом эттириди.

Донишманд адид А. Қодирий С. Ҳусайн мақоласига жавобан фоят босиқлиқ, билимдонлик ва одоб билан «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳларни ёзди. Жоҳил ва ўжар танқид

бу аломат тарихий ҳужжат — теран назарий-эстетик мулоҳазалар устида ўйлаб кўриш ўрнига уларни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. Улуғ адибнинг 9 банддан иборат изоҳларига қарши 9 банддан иборат катта дағдагали мақола ёзил роман муаллифининг барча асосли мулоҳазаларини чираниб рад этишга ҳаракат қилди. Мунаққид дағадага билан: «Мен «Ўткан кунлар» устида фикр юритган вақтимда ҳам масалага синфий кураш нуқтаи назаридан қарадим...»

Мен А. Қодирий шаҳар майдада буржуазиясининг руҳини адабиётда акс эттирувчи вакили деган натижани чиқарган эдим. Ҳали ҳам шундай фикрдаман. Чунки А. Қодирий яратган типлар, суратлар майдада буржуазиянинг дунёга қараши ва дунёни тушунишидан фарқи йўқ», — дейди.

Улуғ адиб бунаقا жоҳил, дағал, демагог кимсалар билан гаплашиш, баҳслашиш, улар қаршисида ўзини оқлаш, ҳақиқатни ёқлаш беҳуда эканини англаб етди. Шу хилдаги ҳукм-хуросалар охир-оқибат машъум 37-йилга келиб «Ўткан кунлар» муаллифининг олтин бошини еди.

Одамни таажжубга соладиган жиҳати шундаки, 50-йиллар ўрталарига келиб бир қатор қатағон қурбонлари қатори Қодирийни оқлаш ҳаракати кетаётган кунларда ҳам улуғ адибнинг улуғ асари устидаги қора буултлар соя солишида давом этди.

Махсус идора ходимлари 1956 йил 17 апрелда «Ўткан кунлар», «Обид кетмон» ҳамда «Кечава кундуз» романларини қайта кўриб чиқиш, баҳолаш мақсадида бу асарларни ўша йиллари республика бирлашган нашриёти раҳбариятидан иборат эксперт комиссиясига юборади. Комиссия аъзолари ҳар уч асар ҳақида ўз ҳукм-хуросаларини маҳсус идорага ёзма равища йўллаганлар. Жумладан, ўша йилнинг май ойида «Ўткан кунлар» романи (Тошкент — Боку, 1933, редактор М. Рафиқов) ҳақидаги уч саҳифадан иборат комиссия аъзолари имзоси билан берилган экспертиза хуросасида «Ўткан кунлар» бошдан-оёқ салбий баҳоланади. Роман муаллифига жиҳдий-ғоявий-сиёсий айблар тақалади. Хуроса-тақризининг «Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг буржуа-миллатчилик руҳидаги шўроларга қарши романи «Ўткан кунлар» ҳақида» деб аталишининг ўзиёқ шундан далолат беради.

Хуросанинг бош қисмида романнинг қисқача мазмуни, асосий воқеалари шарҳланади, сўнг асар қаҳрамонлари таърифига ўтиб шундай дейилади:

«Отабек — авторнинг идеали. Унинг ҳаёти ёзувчини халқ ҳаёти ва халқ курашидан четга тортган. Гарчи автор халқ ва унинг кураши ҳақида кўп гапирса ҳам улар аниқ образлар орқали кўрсатилмаган. Мехнаткаш халқ вакиллари (Ҳасанали, уста Олим ва бошқалар) Отабекка садоқатли хизматкорлар тарзида берилган».

Энди бу гаплардан чиқарилган хуросани ўқинг: «Буларнинг барчasi китобхон эътиборини асосий нарсадан — ўша халқ учун оғир замондаги синфий курашдан четга тортади. Шунга кўра, гарчи

романда айрим образларда илфор ва гуманистик фикрлар бўлишига қарамай, ундаги етакчи foявиy йўналишни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас». Бу ҳам етмагандай, хукм янада кескинлашади: «Автор ошиқ савдогарнинг роҳат-фароғатдан иборат тарихини тасвирлаш билан овора бўлиб кетиб ўша замонларда қашшоқ ҳолга тушиб қолган ҳалқнинг ҳаёти ва қурашини кўрмайди. Шунга кўра романнинг «Ўткан кунлар» деб аталиши рамзий маънода «яхши ўтган замон»дек эштилади».

Сўнгра хулоса муаллифлари роман қаҳрамонларининг Россияяга муносабати масаласига ўтадилар. Отабекнинг рус тартиблари тўғрисидаги гаплари эслатилади, унинг асар охирида руслар босқини пайтида ҳалок бўлгани уқтирилади. Юсуфбек ҳожининг руслар ҳақидаги сўзлари ва асар охирида Отабекнинг ўлимига оид маълумот эслатилади-да: «Худди шу ўринларда авторнинг буржуа-миллатчилик қаравшлари намоён бўлган» деган хулоса чиқарилади.

Худди ўша 1956 йили маҳсус идора ҳодимлари Абдулла Қодирий, унинг фаолияти, ижоди, асосий асарлари хусусида республикамиздаги кўпгина масъул шахслар, адиблардан фикр сўрайди. Аксар кишилар Қодирий, унинг ижоди, асарлари ҳақида яхши гаплар айтадилар, ҳатто 1938 йили салбий кўрсатма берган қатор қаламкашлар аввалги даъволаридан воз кечиб, тавба-тазарру билан улуғ адибни оқлаш пайда бўлганлар.

Бу ерда мен Қодирий, аниқроғи, унинг тарихий романлари хусусида фақат биргина одам, истеъододли олим ва беназир адиб — Мақсад Шайхзоданинг дил сўзларидан бир парча келтириш билан чекланаман. «Абдулла Қодирий, — дейди у, — ўзига яқин бўлган қардош ҳалқлар адабиётлари, хусусан озарбайжон, татар, рус адабиётлари тажрибаларидан фойдаланиб биринчи ўзбек романи — Европа адабиёти мезонлари билан ўлчанадиган роман яратди. Абдулла Қодирий ўз романлари билан фавқулодда истеъодод соҳиби, ийрик асарлар устаси эканини исботлadi. Бу романлар инқилобгача бўлган Туркистон ҳалқини, тарихий шароитни яхши биладиган одам томонидан завқ-шавқ билан гўзал бир шаклда яратилган. Романлар ана шу жиҳатлари билан жуда катта бадиий ва тарбиявий аҳамиятга моликdir...»

Бундай самимий илиқ баҳолар қаршисида бояги эксперт хулосадаги дағдагалар ўз кучини йўқотди, Қодирийнинг бутунлай оқланишига, икки йил ўтиб «Ўткан кунлар»ни ҳалққа қайтарилишига йўл очди, «Ўткан кунлар» талқини тарихида янги даврни бошлаб берди.

Қодирий қисмати масаласига қайтайлик.

Қодирий ҳибсга олингач кўп ўтмай, оиласини таъқиб этиш бошланди. Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги ҳовли жойини тортиб олдилар. Қодирийнинг машҳур шийлони жойлашган боғни, Қодирий ўз қўли билан ўтқазиб ўстирган мевазорларни пайҳон қилдилар, бу табаррук масканни отхонага, чўчқаҳонага айлантирилар. Қодирий асарлари заарли саналиб маҳв этилди, уларни ўқиш тақиқланди.

Қодирийнинг катта ўғли Ҳабибулла Қодирий «халқ душманининг фарзанди» сифатида қатағон қилинди. Бундай таъқибу таҳқирлар йигирма йилча давом этди. Ниҳоят, шахсга сигиниш, мустабид сиёсат қоралангач, бу мудҳиш ҳодисаларнинг кўлгина қурбонлари қатори Абдулла Қодирий ҳам оқланди, асарлари халқа қайтарила бошланди. Мустақиллик йилларига келиб Қодирий ҳақиқий қадрини топди. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати бекёсdir... У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адаби, озодлик ва истиқолол куйчисидир» деган баҳосига сазовор бўлди. Президентимиз фармонига кўра сафдошлари Чўлпон, Фигратлар қатори «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди. Адабнинг табарруқ номини абдийлаштириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Қодирий яратган мўъжиза — ноёб асарлари бундан буён ҳам янгидан-янги авлодлар учун маънавий ҳазина — озиқ, битмас-туганмас завқ-шавқ манбаидир. Бу улуғ зот миллатимизнинг фахри-ифтихоридир. Бироқ шундай улуғ зотнинг фожиавий қисмати авлодлар кўнглида мангубарон бўлиб қолади.

2006 йил



## ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

(Сўнгсўз)

Бадиий сўзниңг мўъжизавий қувватидан қалб ларзага келади, сеҳрланади, завқ-шавққа тўлади. Ҳакиқий бадиий асар таъсиридан қалбда ўзгача бир ҳарорат ва ёруғлик пайдо бўллади. Асар муаллифи, унинг қаҳрамонлари ёки тасвирлаган воқелик моҳияти билан ғойибона мулоқотлар, баҳс-тортишувлар давом этади. Яхши китоб инсоннинг бир умрлик сирдоши ва йўлдошига айланади. Бу тоифа асарларни қайтадан такрор ўқиш ва уқиш, айниқса, адабиёт-шуносларга тинчлик бермайди: дилини, кўнгил ҳароратини бирорвлар билан баҳам кўриш, адаб маҳоратидан, покиза тийнатли қаҳрамонлар қисматидан сўз очишга эҳтиёж туғилади. Шу зайлда турлича, янгича адабий таҳлил ва талқинлар ёзилади. Чинакам санъат намунаси билан бирга шу умроқий асар моҳиятини илмий-назарий нуқтаи назардан теран кашф этган мақола ва китобларнинг ҳам умри узаяди.

Муҳтарам китобхон, бу тарзда айтилаётган сўзимиз ўзани қаерга бориб тақалишини билиб турибсиз. Чунки сиз ҳозиргина Умарали Норматовнинг «Қодирий мўъжизаси» деган ажойиб бир китобини ўқиб чиқдингиз. Олимнинг қалб ҳароратига, завқ-шавққа тўла ҳаяжонли таҳлиуларига гувоҳ бўлдингиз. Табиийки, олим бу китобни бир ўтириша ёки бир-икки йил ичida ёзган эмас. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг барча қирраларини, адигба муносабат билдирган илмий асарларни ўрганиш, тадқиқ этиш — узоқ давом этган машаққатли иш. Умарали Норматов бу иш билан умри давомида машғул бўлди. Ўрни келганда изланишларни, кузатишларни қоғозга туширди.

Агар диққат қилинса, У. Норматовнинг вақтли матбуотда босилган мақолаларининг сони беш юздан кўп, алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган асарларининг сони йигирмадан ортиқ. Табиийки, бу асарлар орасида Давлат мукофотига сазовор бўлганлари ҳам бор. Аммо, менинг назаримда, «Қодирий мўъжизаси» — бу мутлақо ўзгача, мароқ билан, завқ-шавқ билан, тўлиб-тошиб, меҳр-муҳаббат билан ёзилгани жиҳатидан барчасидан ажралиб туради. Китобнинг «Қодирий боғи» деб номланган аввалги бўлимида Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўлини, бошидан ўтган яхши-ёмон кунларни, фожиавий

қисматни ёритар экан, домла адид яшаган мураккаб адабий-ижтимоий муҳит руҳини, унинг атрофида кечган иғво-ю маломатлар моҳиятини чукур ҳис этиб куйиниб ёзади: «Қамоқда, тергов пайтида устига бўхтондан иборат айблар қўйилганда, айниқса, ҳамкасларининг юзсизларча мунофиқлик қилаётганини кўрганда адид қандай аҳволга тушганини, бу имони бутун, ўта ҳалол, ростгўй, мард йигит қалбida қандай түгёnlар кечганлигини хаёлан тасаввур қилиш мумкин. Агар ўша кескин драматик руҳий ҳолат тўла тикланса, шекспирона трагедия туғилиши аниқ». Бундай аниқ ва кескин фикр-мулоҳазаларни, манбаларни чукур ўргангандан адибнинг ҳолатини хаёлан тугал тасаввур қилган одамгина ёза олади.

У. Норматов ёзувчининг асарларини ва архив хужжатларини, мавжуд илмий тадқиқотлар ҳамда биографик маълумотларни қайта назардан ўtkазади. Абдулла Қодирий дунёсини ҳам истеъододли ижодкор, ҳам ўз замонасининг кишиси сифатидаги хусусиятларини теран тушунади. Адид дунёқараши шаклланган муҳит об-ҳавоси ҳароратига, таълим-тарбия масканларининг савиясига тўғри ташхис қўяди; бир қанча чигал масалаларга ойдинлик киритади. Олим муайян муаммо устида фикр юритар экан, бир қирғоқни ташлаб, иккинчи қирғоқни забт этиб, «замона қаҳрамони»га айланишни хуш кўрмайди. Балки, ўз талқинларида ижод психологиясига, инсон табиатига хос барча хусусият ва майлларни инобатга олади.

Китобдан ўрин олган «Ўткан кунлар»нинг маъно ва бадиият жилоларига, «Мехробдан чаён» ва «Обид кетмон» асарларининг янгича талқинларига бағишлиланган саҳифаларда ҳам муаллифнинг қалб ҳарорати уфуриб туради.

Умарали Норматов «Ўткан кунлар» романни негизида «истиқлол қайғуси»ни кўради. Романда тасвир этилган ижтимоий муҳитнинг муҳим бир қиррасига урғу беради. Табиийки, шу фикрнинг, гоянинг илдизлари Абдулла Қодирий шуурида, асл маслагида мавжуд эди. Домла айни «истиқлол қайғуси», «мустамлака балосидан ҳалқа сабоқ бериш» тезисини илгари сургандан бежизга оташин эркпарвар шоир Чўлпонни эсламайди. Шунингдек, Абдурауф Фитратнинг «Туркистонда руслар» мақоласидан иқтибослар келтиради. Даврдошларнинг дардошлиги ва маслакдошлиги ойдинлашади.

«Обид кетмон» ҳақиқати» қиссанидаги Хатиб домла ва мулла Муҳсин образларини, айниқса, мулла Обид образи табиатини синчилаб ўрганади. Шу асар баҳонасида У. Норматов Абдулла Қодирийнинг динга ва диндорларга муносабатини тушунтиради экан, маълум бир вақтлар оралиғида давр оқимидағи ижодкорга, сўнгра ўз ички бутунлигига қайтган шахс сиймосига урғу беради. Бир неча асарларида диндорлар образининг бадиий талқинида Абдулла Қодирий ниҳоятда холисликка боради. «Умуман, 30-йиллар ўзбек адабиётида динга, диндорларга бунака холис муносабатда

бўлган бошқа бирорта асарни, руҳонийларнинг бунақа самимий, ҳаётий образларини кўрмаймиз». Шубҳасиз, бу ўринда олим мулла Обидни ҳам назарда тутади. Обид кетмон образининг адабиёти-миздаги «ноёб ҳодиса» эканига ургу беради. Илгариги қодирий-шунослар тадқиқотларида учрамайдиган Обид кетмон образининг янги қирраларини ўргага ташлайди; покдомон, ҳалол, ҳақиқатгўй, имонли бир инсоннинг теварак-атрофидаги «одамча»лардан ҳар жиҳатдан фарқланишини кўрсатади.

Адабиётшунос олимнинг «Мехробдан чаён» романни талқинлари тарихига, образлари устидаги баҳсларга муносабати, айниқса, Худоёрхон образи юзасидан билдирган фикрлари фоятда ўрин-лидир.

Маълумки, «Мехробдан чаён» романидан Кўқон хонлигидан айрим лавҳалар, хусусан, Худоёрхоннинг ҳукмронлиги, амалга оширган ишлари, ўрдадаги фисқу фужурлар билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Ёзувчи хонни ўз истаги йўлида ҳеч қандай зулмдан қайтмайдиган ҳукмдор, айни чоғда, ўзига яраша фазилату нуқ-сонлари бор шахс сифатида кўрсатишга интилади. Хон шахсиятининг бадиий талқинида муаллиф мувозанатни сақлай билган кўринади. Ҳукмдор табиатидаги ҳар икки жиҳат тасвири кўзга ташланади. Бу масалада асар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда Умарали Норматов шундай ёзди: «Энг муҳими, «феодал иерархиянинг чўққисида турган ва бутун адолатсиз тузумни ўзида мужассамлаштирган тарихий шахс» образида кескин қоралаш, фош этиш билан баробар уни ўз ҳолича, йўқни йўндирилмай, бор гапларни ёзишга уриниш ҳам мавжуд. Адабиётшуносликда, негадир ҳозирга қадар Худоёрхон талқинидаги мана шу жиҳатлар эътибордан четда қолиб келаётир».

Домланинг ўзи шу ҳақиқатни таъкидлар экан, романдаги хонга оид барча эпизодларни, тасвир тамойиллари ва талқинларни бирмабир синчиклаб ўрганиб чиқади. Натижада Худоёрхон манфий ва мусбат хусусиятлар уйғулигидан вужудга келган образ эканини асослаб беради. Такрор айтамизки, олим хон «образида кескин қоралаш, фош этиш билан бирга уни ўз ҳолича, йўқни йўндирилмай, бор гапларни ёзишга уриниш ҳам мавжуд»лигини таъкидлайди.

Менда китобнинг иккинчи бўлимидаги «Отага таъзим», «Адаб ҳақида қайдлар» саҳифаларида берилган таҳлиллар адаб асарларига унинг ҳаёт йўлидаги жуда муҳим «дарича»лар орқали қараашдек таассурот қолдириди. Зоро, жаҳон адабиётшунослигидаги мавжуд адабиётшунослик методларидан бирида, айнан ана шу тамойил, яъни муайян бир ижодкор асарларини таржимаи ҳоли воситасида тадқиқ этиш етакчилик қиласи. Кимдир «Отам ҳам большевик» ҳикоясига ёки «1819 йил ёдгори»га эътибор берган бўлиши мумкин, аммо ҳар икки йирик романи матнида келган, бевосита адабнинг отаси тилга олинган эпизодларни бирор эсламайди.

У. Норматов эса шу кичик эслатмалардан улкан бир маъно — адабининг отасига эҳтиромини кашф этади.

Кичик сарлавҳаларга ажратилган «Қайдлар» қисқа, лўнда, маълумотларга бой. Унда «Ўткан кунлар» тақиқланган замонда ҳукм сурған қўрқув салтанатининг бутун даҳшатларини англаш, куғилмаган саволдан «ҳатто таҳликали зилзила пайти ҳам бетиним юриб» маъруза ўқийдиган доцент Зикриё Мирҳожиев домланинг «таққа тўхтаб» қолганидаги аҳволини ва савол бергувчи талабанинг дом-дараксиз кетганини ҳам тиниқ тасаввур қилиш мумкин. Шунингдек, бир саҳифада «Ўткан кунлар»нинг ёзиб тугалланган санаси жуда ўринли асосланган бўлса, бошқа саҳифада романнинг асл матни муаммосига доир фикрлар — ҳали бу соҳада изланишлар давом этишини англатади. «Қозон сафари воқеаси»да кўпчилик учун янгилик бўладиган маълумотлар бор. «Қайдлар»даги таҳлилларнинг ҳаётий воқеа-ҳодисалар билан уйғунлиги ўкувчининг диққатини ўзига тортишини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

ХХ аср ўзбек адабий танқидчилиги тарихида адабий танқиднинг суҳбат жанрида мутахассислар билан энг кўп мулоқотлар уюштирган мунаққид Умарали Норматов бўлди. Бу гапда муболага йўқ. Домла бутун ижодий фаолияти давомида қирқдан зиёд суҳбатлар ўтказибди. Улардан ўн бештаси жамланиб, 2008 йили «Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси» номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр ҳам қилинди.

Қўлингиздаги ушбу янги китобдан ўрин олган «Бадиий сўз қудрати» номли Умарали aka билан Ўткир Ҳошимов ўртасида бўлиб ўтган суҳбат Абдулла Қодирий ижоди хусусида. Китобга киритилганига сабаб ҳам шу. Буни қарангки, гарчанд суҳбат чорак аср муқаддам уюштирилган бўлса ҳам, ундаги қараашлар, айниқса, адаб романлари поэтикаси, миллийлиги, энг гўзал эпизодларга тегишли мулоҳазалар ҳозир ҳам асло ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, ўша пайтларда суҳбатдошлар тилга олган айрим масалаларни кейинги давр тадқиқчилари гёё янгиликдек тақдим этган ҳолларига дуч келмоқдамиз. Ҳар ҳолда, У. Норматов суҳбат жараённида оддий бир савол бергувчи сифатида эмас, балки баҳс-мунозарага киришувчи, суҳбатдош адабининг кўнглидаги гапларни айтишга ундовчи, энг муҳими, суҳбат баҳонасида мавзуга оид илмий-назарий муаммоларни ўтрага ташловчи олим сифатида намоён бўлади.

Бу китобда фазилат кўп, унинг айрим қирраларидан сўзладик, холос.

Муҳтарам китобхон! Дарҳақиқат, Сиз қатори бу китобни мен ҳам ўқидим. Устоз У. Норматов билан бир олий даргоҳда бақамти ишилаётган бир шогирд сифатида ушбу китобдаги айрим саҳифаларининг майдонга келиш тарихига ҳам гувоҳман. Гарчанд бу китоб қисмлари, аввал мақолалар ҳолида алоҳида-алоҳида ёзилиб,

матбуотда эълон қилинган бўлса ҳам, уларнинг асосини Умарали Норматов истеъоди ва табиатига хос самимият, холислик, ҳақгўйлик каби таҳлил тамойиллари бирлаштириб туради. Энг муҳими, биз сарлавҳага олиб чиқсан бир жуфт сўз моҳияти — қалб ҳарорати шундай яққол сезилиб туради. Бу сезим ўқувчи қалбига меҳр-муҳабbat, эҳтирос бўлиб кўчади. Айрим адабиётшунослар бўлади, гўзал сўзлайди, дона-дона сўзлайди, лекин қуруқ ёзди. Оғзаки сұхбатлари билан иншолари орасида тафовут бўлади. Аммо Умарали Норматов домламиз ёзганиларида унинг соҳир овози жаранглаб туради. Кўз тегмасин, Умарали Норматов шу жарангдор овоз билан сал кам ярим асрдан буён Миллий университет талабалари аудиториясида маъruzalар ўқийдилар. Табиийки, бу маъruzalар мавзу кўлами кенг, умумий тарзда сўз санъати — бадиий адабиётнинг моҳияти тўғрисида. Бироқ бу маъruzalarning бирортасида Абдулла Қодирийнинг ижод йўли, бадиий асарлари ёки санъаткорлиги, бадиий дунёси, бетакор образлари, образли тили ёки кейинги авлод ёзувчиларига таъсири хусусида гапирмасдан ўтганига асло ишонгимиз келмайди. Шу билан бирга Умарали Норматов ўз мураббийлик фаолияти давомида Абдулла Қодирий ижоди юзасидан ёзилган ўнлаб диплом ишларига, магистрлик диссертацияларига, энг муҳими, қодирийшунослик соҳасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган иккита номзодлик ва битта докторлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилди.

Тўла ишонч билан айта оламизки, Абдулла Қодирий ва унинг бадиий олами, қодирийшунослик Умарали Норматов ижодининг асос-негизини ташкил этади. Шу маънода мазкур «Қодирий мўъжизаси» китоби адабиётшунос олимнинг ижодий биография-силаги бош мавзу ва бош китобдек таассурот қолциради.

*Баҳодир КАРИМ  
2009 йил сентябрь*

## **МУНДАРИЖА**

Муаллифдан ..... 3

### **Биринчи бўлим ҚОДИРИЙ БОФИ**

Адид қисмати .....	7
Фақат «ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин» .....	51
Характер кулгиси .....	70
Истиқлол қайғуси .....	90
«Ортиромай ва камитмай...» .....	131
«Обид кетмон» ҳақиқати .....	150
Фигон ( <i>Илова</i> ) .....	165

### **Иккинчи бўлим ҚОДИРИЙ МҮЊЖИЗАСИ**

Отага таъзим .....	183
«Ўткан кунлар» ҳайрати .....	192
Адид ҳақида қайдлар .....	200
Қалб драмаси ва нафосати .....	208
Ўзбек ойим ва унинг адабиётдаги издошлари .....	214
Янги бир анъананинг тугилиши .....	225
Бадиий сўз қулрати ( <i>Ёзувчи Ўтқир Ҳошимов билан суҳбат</i> ) .....	231
Қодирий мўњжизаси ( <i>Хотима ўрнида</i> ) .....	257
Қалб ҳарорати ( <i>Сўнгсўз</i> ) Баҳодир Карим .....	267